

Фулом Каримий




ЛАНГАР
ФОЖИАСИ



Гулом КАРИМИЙ

ЛАНГАР ФОЖИАСИ

Роман



“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

УУК: 821.512.133-3
КБК 84(5У)6
К 24

Сўзбоши муаллифи

Қахрамон Ражабов, тарих фанлари доктори.

Тақризчи:

*Зулфия Куролбай қизи – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенга-
ши аъзоси*

К 24 Каримий, Ғулом

Лангар фожиаси: Роман / Сунгсуз муаллифи Қ.Ражабов. – Т.: «Sharq», 2014. – 440 б.

Ёзувчи Ғулом Каримийнинг “Лангар фожиаси” романни кўламдор асар. Воеалар 1917–1941 йилларда тоғлар орасидаги Лангар кишлоғи ва, умуман, ўлкамизнинг жанубий худудларида кечади. Икки авлод вакиллари хаёти тасвири орқали ўша даврдаги ўзбек халки турмушининг кенг манзараси бадиий тарзда акс эттирилган. Алғов-далғов замонда гўдаклигига ётота ота-онасидан жудо бўлгач, етимхоналарда бирга тарбияланиб, кейинчалик бир университетда таҳсил олишса-да, бир-бирларини танимаганлари туфайли кимсасизлик қисматига маҳкум эгизаклар – Яшар (Ҳасан) ва Нодиранинг (Зухра) изтиробларга тўла ҳаётининг драматизм билан йўғрилган тасвири китобхони бефарқ колдирмайди. Ҳар қандай даврда инсон кўнглини нурлантирувчи ишқ-муҳаббатнинг инжа тасвирлари, шунингдек, детектив унсурлари, Лангарнинг кадим тарихига оид материал ва ривоятларга мурожаатлар ийрик ва жиддий романнинг мароқ билан ўқилишини таъминлайдиган омиллардир.

ISBN 978-9943-00-945-5

УУК: 821.512.133-3
КБК 84(5У)6

ISBN 978-9943-00-945-5

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2014.

“Лангар фожиаси” романни ҳақида

Ўзбек халқи тарихида XX аср муҳим ўрин тутади. Атиги 100 йиллик фурсат ичидаги халқимиз бир-биридан фарқли тўрт тузумни (амирлик-хонлик тузуми, Россия империяси мустамлакаси, совет тузуми, мустақиллик даврини) бошдан кечирганини тарихий ҳақиқат саналади. Қарийб 75 йил давом этган совет тузуми даври ўзидан кўплаб даҳшатли оқибатларни мерос колдирди. Унинг таъсири ҳанузгача сезилмоқда.

XXI ўзбек китобхони учун яқин ўтмиш тарихимиз, унданни фожиали ва мураккаб воқеалар: кирғинбарот урушлар, совет ҳокимиятининг мажбурий ўрнатилиши, мустақиллик учун курашлар, даҳшатли очарчилик, совет режимиининг қатағон ва террор сиёсати, қулоклаштириш, коммунистик мафкуранинг якка ҳукмронлиги ва бошқаларнинг бадиий талқини муҳим аҳамият касб этади. Таникли адаб ва таржимон, шарқшунос олим Фулом Каримийнинг “Лангар фожиаси” тарихий романни воқеалари XX асрнинг биринчи ярмида ўлкамизнинг жанубий ҳудудларида бўлиб ўтади. Романда айрим шахслар тақдири мисолида ўша пайтларда ўзбек халки бошидан кечирган зулм ва қатағонлар бадиий тарзда акс эттирилган.

Таникли араб тарихнавис ёзувчиси Журжий Зайдон (1861–1914) тарихни бадиий асарлар орқали тарғиб қилиш ва тарихий романларнинг аҳамияти тўғрисида бундай деб ёзган эди: “Одамларнинг тарих ўқишига ва ундан фойдаланишига энг яхши восита тарихни роман шаклида оммалаштириш эканлигини тажрибада кўрдик. Хусусан, бунда баъзи бир Европа ёзувчиларида кўрганимиздек, роман тарихдан устун турмаслиги керак, балки тарих романдан устун туриши ва романни бошқариши керак. Айрим гарб ёзувчиларида шундайки, уларнинг туб мақсадлари роман ёзиш бўлиб, уни ишонарли қилиб кўрсатиш мақсадидагина тарихий воқеалардан фойдаланишади. Бунда улар тарихий воқеаларни шарҳлашдан чекиниб, ўқувчиларни адаштириб кўядилар.

Биз эса ўз романларимизда ўтмишдаги тарихий воқеаларга асосланганмиз. Тарихий воқеалар хеч ўзгартиришсиз, ўзича олинган. Севги – киссаларини – киритишдан мақсадимиз эса

романини охиригача ўқиб чиқиши учун ўқувчида қизиқиш уйғотишидир”.

Бундан чамаси 100 йил олдин араб ва туркий адабиётларда роман жанрига асос солган Журжий Зайдон ва Абдулла Кодирий асарларидан таъсирланган, уларнинг тарихий романларини ўқиб ижодкор сифатида шаклланган Ғулом Каримий ўз асарида юкоридаги айтилган фикрларга амал қилишга интилган. Шу жиҳатдан олганда Ғулом Каримий тарихий роман олдига қўйилган вазифаларни асосан уddaлаган деб айтиш учун бизда барча асослар етарли.

“Лангар фожиаси” асарида бир неча севги қиссалари (Малла ва Гулбаҳор, Яшар ва Камола, Нодира ва Юсуф) берилиши китобхонни беихтиёр ўзига тортади. Хусусан, романда Малла ва Гулбаҳорнинг мусаффо ва беғубор ишқ қиссаси, Малланинг бу соҳада ўзини бир оз қўпол ва тўпори тутиши, жимжималар ва ортиқча тафсилотлардан холи даштона (эҳтимол, туркона) муҳаббати тасвири ажойиб чиқкан.

Ўрта асрларда минтақада ишқия тариқати шайхлари манзили бўлган қадимий Лангар ҳақидаги тарихий фактлар ва ривоятлар асосидаги бадиий лавҳалар асрлар давомида шаклланган юксак маънавият энг мушкул синовлар пайтида ўзбек халқининг ўзлигини сақлаб қолишида мустаҳкам таянч бўлганидан далолат беради.

Шу билан бирга романда айрим хронологик ва бошқа жиҳатлардан тарихий воқеликка нисбатан номувофиқликдар, баъзан айрим ходисаларнинг сунъий равишида тезлаштирилиши каби ҳоллар учрайди. Бадиий асарда бундай ҳолатларга йўл қўйилади, албатта.

*Қаҳрамон Ражабов,
тарих фанлари доктори*

БИРИНЧИ БҮЛİM

Биринчи боб

— Мени ҳайдаяпсизми, пирим?! Гуноҳимдан ўтмадингизми?

Эндиғина йигирмага кирган ўқтамгина бу йигит бошини хам қилиб туар өткөн айби нимада эканлигини ҳам жуда яхши биларди: у иситган сувдан пири куйиб қолди! Ақл бовар килмайды – бу қандай рўй берди?

Мухаммад Содик пир этагини тутган беҳисоб муридлардан бири бўлиб, тариқат илмини ўрганишдан ташқари тўғридан-тўғри вазифасига устози таҳорати учун сув илитиб бериш ҳам кираарди. Аммо бугун сахарда туриб ўтин излаганига қарамай, ҳатто бир тутам хас топмади. Қандай топсин – гир-атрофда кумдан бошқа ҳеч вақо бўлмаса?

У сўнгги илинж сифатида яна бир бор аланглади. Йўқ! Йўқни эса ҳеч қачон йўндиғалар. Тўхта-чи, ўйлади у, кумга босиб ётсан, озгина илир?

Мухаммад Содик қумғон оғзини лунги билан маҳкам беркитиб қўлтиғи тагига кулайроқ жойлагач, ҳали-ҳамон тафти сакланиб турган қумга ёнбошлади ва кўп ўтмай ташвишли ўйхాёллар оғушида кўзи қандай илинганини сезмай қолди...

* * *

Пир тошдек қотиб ётган муриди тепасида жаҳлини аранг тийиб туарди: “Нега кечикаяпти десам, уйкуни ураяпти-ку, шоввоз! Қизик, шу пайтгача бунақаси бўлмаганди. Яхши мурид, энг ишонгандаримдан бири, шунча кийинчиликларга қарамай, бирон марта нолигани йўқ. Лекин бугун нима бўлди? Ёки тоби йўқмикин?”

У Мухаммад Содикнинг уйқуда ҳам осойиш топмаган рангпар чехрасига қаради: “Шунақага ўхшайди. Майли, дам олсин, кейин бафуржга гаплашармиз. Бомдод вакти бўлиб қолди, таҳорат олишга улгуриш керак. Бирок... қумғон қани?”

Пир атрофга аланглади. Аксига олгандек, қумғон ҳеч жойда кўринмасди. Ҳа, энди уни уйғотиб, яхшигина танбех бермаса бўлмайди.

У энгашиб Мухаммад Содикнинг елкасидан туртмоқчи



бўлиб турган ҳам эдики, қўлтиғи тагидан дўппайиб турган бир нимани кўрди. Э... кумғон-ку! Нега қўлтиғи тагида олиб ўтирибди? Бу нимаси!

У беихтиёр жилмайди: “Тушунарли – сувни иситмоқчи бўлган-у, аммо уйқу ширинлик қилиб... Лекин барибирам кейинрок у билан гаплашаман”.

* * *

Э, нима бўлди?! Ким бакирайапти?! Ёки кароқчилар хужум қилдими?! Бизнинг нимамизга кўз тикиши экан!

Сапчиб ўрнидан турган Муҳаммад Содик ҳаяжонланатганига қарамай, кумғоннинг қаергадир ғойиб бўлганини бирдан сезди. Лекин ҳозирча уни ахтариш шарт эмас – аввал нима рўй берганини билиш керак!

У пири истиқомат киладиган чодир томон югурди, лекин унинг ўзи кўркинчли бир важоҳат-ла шу томон келаётган эди.

– Бу нима қилганинг?! – ўшқирди у муридининг елкасини силкитиб. – Менга қасдинг бормиди? Қайнок экан-ку, ярамас! Сувни шу даражада иситадиларми?

Қўрқиб кетган Муҳаммад Содик устози қархисида тиз чўкди:

– Пирим! Афв этинг... сувни мен қайнатганим йўқ.

– Бўйнингга ҳам олмайсанми, ҳали? – барок қошларини чимирди пир. – Унда нега қўлим куйганини изоҳлаб берарсан?! Нега кумғонни қўлтиғинг тагига босиб олгандинг? – У шогирдининг узук-юлуқ изоҳини тинглар экан, борган сари ҳайрати ошиб борарди. Бир пайт у қўлидаги лунгини елкасига ташлади-да, Муҳаммад Содикни ердан кўтариб, кўзларига тикилди. – Нималар деяпсан?! Сувни... ўтда қайнатмадингми ҳали?

– Йўқ, пирим! Ҳеч жойдан ўтин тополмадим... афв этинг мени.

Шунда Муҳаммад Содик учун кутилмаган ҳодиса рўй берди.

– Баракалла! – деди пир уни қаттиқ бағрига босаркан. – Сенинг иқтидорингга ишонардим, лекин бунчалик тез... Ҳа! – тантанавор давом этди у. – Сен етуклик мақомига эришибсан! Ҳакиқатга етибсан! Яратган факат ҳакиқатга етган бандаларинигина шундай сийлайди! – Шовкин-суронни эшитгач, нағоз пайти бўлиб қолганини ҳам унугиб нима гаплигини билиш



учун стиб келган ва уларни ярим доира шаклида ўраб турган бошқа муридларига юзланди. – Кўринглар! Ўрнак олинглар! Имоним комилки, бир кун келиб барчангиз шу мақомга етишасиз!

Нима ҳодиса рўй берганини унинг оғзидан эшигтан муридлар ўзаро шивир-шивир килганча узоклашар эканлар, баъзилари ҳавас, аксарияти эса ҳасад билан Муҳаммад Содик томон караб-қараб қўйишарди.

Бомдодни ўқиб бўлишгач, киёфасида ҳамон мамнунлик ифодаси барқ уриб турган пир Муҳаммад Содикни ҳузурига чорлади.

– Баракалла! Мана бу ерга ўтириш ва дикқат билан тингла: энди сенинг бу ерда киладиган ишинг қолмади! Видолашиби мизга тўғри келади! Иккаламиз учун энди бу ер торлик қилиб колди.

Бўлиб ўтган воқеадан ҳамон ўзига келмай турган Муҳаммад Содикнинг ранги оқарди: бу нима дегани? Ҳалигина ҳамманинг олдида... мактаб турганди-ку! Энди қаёқка боради? Ахир, бутун умрини шу маслак йўлига тикканди-ку...

У ёш айланаштирилган қўзларини ерга тикиди:

– Мени ҳайдаяпсизми, пирим?! Гуноҳимдан кечмадингизми?

– Қанака гуноҳ? – кулди пир. – Нималарга қодирлигини кўрдим-ку. Энди сенинг жойинг бу ерда эмас. Мен муридларимни доимо ёнимда сақлаб юрмоқчи эмасман. Айниқса, сен-дайларини! Бундан кейин Оллоҳ олдида ўзингнинг алоҳида ҳаётинг, бурчинг бор. Мана, буларга бир қара. – У ёнида турган хуржун қўзидан мато билан ўраб қўйилган тугунларни олиб, бирини ечди. – Бу Куръони каримнинг нусхаси. Буниси эса, – навбатдаги тугунни ечди у, – хирқаи муборак! Пайғамбаримизнинг тўнлари! Сен буларни ўзинг билан олиб, Оллоҳнинг адашган бандаларини хидоят сари бошлаш учун йўлга тушасан. Ахир, асл мақсадимиз шу эмасми? Муборак динимиздан ўз манфаатлари, фаразли мақсадлари йўлида фойдаланаётган, уни билиб-бilmай бадном қилаётганларни фош килиш эмасми? Билиб қўй, бу сенга осон кечмайди!

Муҳаммад Содик ҳайрат ва кўрқинч билан пирига тикилди:

– Қаёққа... боришим керак?

– Оллоҳнинг ўзи сенга йўл қўрсатади. Факат ярим йўлда

тұхтаб қолма ва ироданғы мақкам тут. У манзил шу даражада йироққи, үзинг ҳам, теванг ҳам ҳолдан тояди. Аммо ёдингда тут: теванг йиқилиб, уч кечаю уч кундуз үрнидан тура олмай қолган жойдагина узил-кесил тұхтайсан! Худди үша ер сенга лангар бұлади! Қани, омин! Оллох үзи сени панохида арасасин!

Күм аралаш гармсөл эсіб турған сахро қўйнида Мухаммад Содик пири, ҳаммаслик биродарлари билан үша куни видолашди.

* * *

Мухаммад Содик эсини таниғандан буён пири ёнида дунё кезиб, уни бунчалик чексиз деб ўйламаганди!

Хеч қачон тугамасдек туғамасдек үзидан чиқиши учунгина бир ҳафта юрди, кейин уни баҳайбат, тепасини оппок кор қоплаган тоғлар карши олди, бирда бутун вужудини офтоб тафти күйдирған бұлса, бирда аччик совукдан дийдиради. Гўзал водийлар, шаркираб оқаётган дарё ва сойлар, турли рангдаги, турли тил ва лаҗжада сўзлашувчи одамлар, бир-биридан гаройиб жониворлар, дараҳтлар, ўсимликларни кўрди.

Наҳотки оламнинг чек-чегараси бўлмаса!

У Яратганинг кудратига қайта-қайта лол колиб, унга ҳамду санолар ўқиди, ундан ўзига мадад тилади.

Мухаммад Содикнинг кучдан қолган теваси бир силкиниб, сўнг ер бағирлаб чўзилиб қолганда, атроф зим-зимистон эди. Наздика қадрдон теваси нафакат йиқилғанди, балки жон ҳам таслим қилғанди. Йигитнинг юрагини ваҳима босди: “Каерга келиб қолдим?! Наҳотки шу жой менинг лангарим бўлса? Лекин пири “теванг илк бор йиқилғач, бир кун ўтиб үрнидан туради, сўнг яна йўлда давом этасан” демаганмиди?”

У теванинг бесўнакай бўйнидан кучиб, бошини кўтарди: тирик! Нафас олайпти!

Тонг отгач үрнидан туришга теванинг мадори бўлмагани каби, ғира-ширада ён-атрофига аланглаган Мухаммад Содикнинг кўзлари ҳам бийдек даштдан бошқа ҳеч нарсани кўрмади.

Роса бир кечаю бир кундуз ўтиб, нихоят тева үрнидан турди ва азоб-уқубатларга тўла сафар яна давом этди. Йўл юрса ҳам йўл юрди, юрганда ҳам мўл юрди, тошқин дарёларни кешиб, қоронғу ўрмонзор ичра кезди, тепасига чиқсанг бош айланувчи тоғларни ошиб ўтди ва ҳолдан тойған теваси иккинчи бор йиқилди.

Энди каерда у? Наҳотки шоқоллар изғиб, заҳарли илонлар вахимали вишиллаганча орка-олдингдан ўтиб турган шу чакалакзор ичиди икки күн қолиб кетса!?

Сабр-тоқат билан тева яна қувватга киришини кутган Мұхаммад Содикнинг йирткичлар тұла чакалакзорни тарк этганига, мана, ҳафта ўтди. Бу давр ичиди не күргуликлар бошидан кечмади, неча фарсанглаб йўл босмади. Балки, шу тарзда кетаверса... дунёнинг нариги чеккасига бориб қолар?!

Туёқлари тарс-тарс ёрилиб, териси-ю суюғи колган тева учинчи бор йиқилган жой эса...

Кўзлари алдамаяптими, ишқилиб? Наҳотки дунёда шундай жойлар ҳам бор? Болалигида эшитган эртаклардаги Сусандил деб аталмиш маъвогина бу қадар гўзал, бу қадар хушҳаво бўлиши мумкин!

Баъзилари осмонга бўй чўзган, баъзилари ён-атрофига тарвакайлаб кетган ёнғоқ, писта, бодом дараҳтларининг шоҳларида мевалар ғиж-ғиж. Қийғос очилган гулларнинг хуш бўйи димокка урилади, момикдек булувлар сузиб юрган кўмкўк осмон кўйнида қалдирғочлар шодон чуғурлашади.

Муҳаммад Содик шарқираб оқаётган дарёнинг билурдек сувидан қониб-кониб ичди, кўкрагини тўлдириб нафас олди ва чор-атрофга сук ила боқди: наҳотки етиб келди? Наҳотки шу унинг лангари?

У адашмаётган эди: ҳамма нарса худди пири айтгандек бўлиб, роппа-роса уч кундан сўнг заҳматкаш тева ўрнидан турди ва чанқогини қондириш учун инқиллай-синқиллай дарё томон интилди.

– Оллоҳим! – кибла тараф қараб тиз чўкди Муҳаммад Содик ва пешанасини ерга теккизди. – Етказганингга шукр!

* * *

У сахар пайти кўзини очганда атрофини бир тўп одам – эркагу аёл, турли ёшдаги бола-бакра ўраб турганини кўриб, кўркиб кетди: ким бўлса булар? Бор-будини шилиб кетишган бўлса-я тағин!

Бироқ ҳаммаси жойида эди: ҳали-ҳамон ўзига кела олмаган, озиб-тўзиб кетган туяси ерга кўксини берганча ётар, кўзларини ярим юмиб, қаердандир пайдо бўлиб қолган одамларга парво ҳам кильмай, кавш кайтарар, энг муҳими – хуржун ва унинг ичидаги у кўз корачигидек асраб келган буюмлар жой-жойида эди.

Мұхаммад Содиқ бугун тұртқынчи тонгни шунда қарши олишига қарамай, шу пайтгача биронта одамни құрмаганди ва наҳотки бу ерда – шундай гүзал жойда-я! – ҳеч ким яшамаса, деган хаёлга борғанди.

Хатто уни бир оз ваҳима босғанди: ростдан ҳам яқин-атрофда ҳеч ким бўлмаса, ҳоли не кечади? Кеча тунда қаердадир бўрилар увлаб чиқди – тўсатдан ўзи ёки тевага ташланиб қолишса, ким кўмак беради!

Мұхаммад Содик ўзини ўраб турган одамларнинг юз ифодасига эътиборини қаратди: қаҳрли эмас, ҳатто бир оз қўркув билан бокиб туришибди. Қўлларида тош, тўқмоқ дегандек... ҳеч нарса йўқми, ишқилиб?! Гап-сўзу мулозаматни бир томонга йиғишириб қўйиб, ур калтагу сур калтак қилиб юбориши масмикин! Йўғ-э! Агар истасалар, ухлаб ётган пайтида ҳам қила олишмасмиди буни!

Миқ этмай турганлари-чи! Бирон сўз деганларида, ким эканликларини тилларидан билиб олган бўлармиди. Кийган либосларига караганда...

Йўқ, бундай либосларни умрида қўрмаган Мұхаммад Содиқ ҳеч бўлмаса шу орқали уларнинг кайси халқ ёки элатга тааллукли эканлигини ҳам аниқлай олмади.

У ўрнидан туриб – эҳтимол, улар ичиде энг қарияси бўлгани учундир – тўданинг олдида турган серсоқол кишига дўстона кўз ташлади:

– Мен намозимни ўқиб олай, – деди у ва шу ондаёк хаёлига ўй келди: “Сўзларимни тушундимикин?”

Кария индамаган бўлса-да, унинг нигоҳида аллақандай илиқлик пайдо бўлганини пайқаган Мұхаммад Содиқ ўтган шу тўрт кун ичиде қаерда таҳорат олиш, қаерда намоз ўқиш, қаерда овқатланиб, қаерда ухлашни яхшигина ўзлаштириб олғанди. Намоз ўрталарига келиб, у кариянинг ўз ёнидан индамай жой олгани, сўнг ўзи каби намоз амалларини бажараётганини кўз кири билан қўриб турар ва юраги кувончга тўлиб кетаётганди.

– Ташаккур сенга, ўғлим, – деди намоздан сўнг унга юзланган чол. – Мен кўпдан... айтиш мумкинки... ўсмирликдан буён ҳеч ким билан бир сафда туриб намоз ўқимагандим. Нега бундай бўлганининг эса тарихи узок. Қўрқаманки, мени тинглаб ўтиришга сенда на вакт, на хоҳиш бўлади. Лекин айт-чи... бизнинг овлок, гадойтопмас заминимизга қайдан келиб қолдинг?

Ватанинг каерда? Кўринишингдан... бу атрофнинг одамларига ухшамайсан. Каерга кетаяпсан? Шу ерда кўним топганингни пайқаганимизга мана... тўрт кун бўлди. Биз аввал хориган тевасига дам бераётган йўловчи бўлса керак, кейин сафарини давом эттиради, деб ўйлагандик ва шу боис безовта қилгимиз келмаганди. Лекин, энди қарасак, – кария бир оз ўйланиб олди, – ёки ҳали ҳам туюнгнинг мадори йўқми? Агар биздан бирон ёрдам керак бўлса, тортинмай айтавер.

Кария унга савол назари билан боқиб тураг, колганлари эса худди аввалгидек, уларни ярим ҳалқа шаклида ўраб турарди.

Муҳаммад Содик тараддулланиб қолди: нима десин? Кўнглидаги гапларини қандай етказсин бу нотаниш одамларга? Бир-биримизнинг тилимизни тушунаётганимиз яхши, буларнинг мусулмон эканлиги ҳам энди аниқ – акс ҳолда кария у билан бир жойнамозда бомдодни ўқимасди! – лекин шунинг ўзи етарлими?

У хуржуни кўзидан оғир бир тугун чиқарди ва индамай карияга узатди.

– Нима бу?

– Очиб кўринг-чи...

Хайратланган кўйи тугунни ечган кария нигоҳини Муҳаммад Содикка қайта тиқди:

– Куръони Карим-ку! Оллоҳнинг сўзлари туширилган китоб! Ё кудратингдан! Кўпдан уни кўлимда тутмагандим! – Аввал китобни ўпиб, сўнг пешанасига сурган кария унга иккиланиб каради. – Кўринишидан... жуда кимматбаҳоға ўхшайди, сен эса ҳали жуда ёш экансан. Қандай қилиб қўлингга тушиб қолди? Ёки бирон улуғ зотга олиб кетаяпсанми?

Муҳаммад Содикнинг индамай бош чайқаганини кўрган кария нима деб давом этишни билмай қолди. Унинг кўзига йигит энди жумбок бўлиб кўринаётган, кимлигини билиш иштиёқи эса ошгандан ошиб бораётганди: “Наҳотки бор-йўғи... тижоратчи бўлса?! Китоб сотадиган савдогар! Балки менга шу китоб... Куръони Каримни сотмоқчи булаётгандир? О, кани эди бунинг иложи бўлса! – ўртанганча ўйларди кария. – Қани энди сотиб олишга маблағ бўлса унда! Шунда унинг йилдан-йилга ёввойилашиб, кундан-кунга сафи камайиб кетаётган қавмдошлари дунёда шундай табаррук нарсалар борлигини билиб, Оллоҳнинг сўзларини кўзлари билан кўрган

бўлишармиди! Қавмдошлари ичида озгина бўлса-да хат-саводи бор энг сўнгги одам у, бироқ умри шамдек соат сайин сўниб бормаяптими!

Агар жуда истаганида ҳам, қавмдошларига қандай килиб бу сўзларни ўргатади – ҳатто оддий қофоз-калам ҳам йўқ-ку уларда! Қайдан ҳам бўлсин – на карвон юради бу ердан, на...

Мана, неча ўн йиллар ўтиб, ўзга юртлар вакили сифатида шу нотаниш йигитнигина кўриб туришибди. Худди айиклардек арчазор ичида яшайдилар. Нима ҳам қилишсин – ахир, турли-туман ёвлардан (улар аввал молингни, молинг тугаса, жонингни олишади) қочиб, шундай килишга мажбур бўлган эдиларда! Бора-бора мана шу ёввойи хаётга кўнишиди...

– Сотасанми? – олдиндан вахимага тушиб сўради китобнинг нархи осмонда бўлишини ўйлаган қария. Мұҳаммад Содик яна бош чайкади. – Унда... унда... нега буни қўлимга тутдинг? – довдиради у. Йигит энди унинг кўзига шубҳали кўрина бошлади. – Нега келдинг унда? Максадинг не? Нега кетмай турибсан?

Мұҳаммад Содик жавоб беришдан аввал чуқур нафас олди.

– Мақсадим шу ерда қолиб, Оллоҳнинг адашган бандала-рини ҳақ йўлга бошлаш. Мен бу ерга ўз истагим билан эмас, У ва пиримнинг амри билан келдим. Бу дунёда зулмкорлар жуда кўп, уларга карши курашмоқ эса биз тарафдорлари бўлган тариқатнинг асосий мақсади саналади. Бунинг учун бизда сафдош, маслақдошлар бўлмоғи лозим. Қўлингиздаги Куръонда бу ҳақда батафсил ёзилган. Уни ўқиган, ўргангандан одам албатта ҳақ йўлини топади.

– Нега айнан шу ерда? – ҳайратланди қария унинг сўзларига ишониб-ишонмай. – Нима топдинг? Ҳар жой-ҳар жойда тарқалиб яшайдиган бир нечта уруғ ва қабилалардан бошқа ҳеч ким йўқ-ку сени тинглайдиган! Бошингда бошпаннг, ейишга бир бурда нонинг ҳам бўлмайди!

Мұҳаммад Содик унга бамайлихотир кўз ташлади:

– Лекин мени келтирган тева айнан шу ерга келганда ийқилди ва уч кун ўрнидан тура олмади.

Қария ҳамда қавмдошлари бу жумбокли сўзлардан ҳеч нима тушунмай, бир-бирига саволомуз қараб қолишиди.

Иккинчи боб

“Кизик, – ўйлади мактаб директори Раҳимов столи устида турган хужжатларни бирма-бир кўздан кечирар экан. – Кабинетимга кириб келганларида ака-сингилларми деб ўйлабман! Тавбангдан кетай, шунақаси ҳам бўларкан-да! Худди бир қолипдан куйилгандек, ҳайратланарли даражада бир-бирига ўхшаш!”

У нигоҳини қоғозлардан кўтарди: тарих ва адабиёт ўқитувчилари, ёш йигит ва у тенги қиз. Рангу рўйларида ҳам фарқ йўқ – ок-сариққа мойил. Лекин мана бу қоғозлар бўйича – Раҳимов хужжатларга яна бир марта кўз ташлади – бир-бирига мутлақо бегона, исм-шарифлари ҳам бошқа-бошқа. Факат, бир жойда ўқиган эканлар. Қизик, бунчалик ўхшаш эканликларини ўзлари билишармикин?

Унинг нигоҳидаги ажабланишни уқсан йигит кулиб кўйган бўлса, қиз билинар-билинмас табассум қилди.

– Ҳаёлимдан нима ўтаётганини билдилирингиз-а! – илжайди Раҳимов йигитнинг йўлланмадаги исм-шарифига кўз ташлаб оларкан. – Исмингиз Яшар экан. Лекин, ростини айтсам, ҳайрон қолдим жуда. Бу тасодифми, ё...

– Тасодиф, домла, – деди йигит кулимсираб. – Сиз биринчи бўлиб шундай ўйлаётгандардан эмас. Лекин, – у полга тикилиб турган кизга кўз ташлаб олди, – хужжатлардан кўриб турганингиздек, бошқа-бошқа одамлармиз.

– Ҳа, хужжатларда шундай. Демак, бир жойда ўқибсизларда? – деди Раҳимов қоғозларни кўриб турса ҳам. “Аввал-чи? Ундан аввал танишмидиларингиз?”. У лаб жуфтлади-ю аммо вақтида тўхтади: нима кераги бор? Шусиз ҳам хижолатда ўтиришибди. Энсалари ҳам қотаётгандир. Ҳаётда нималар бўлмайди! Ўхшашлар камми? Узи икки йил олдин Тошкентга – малака ошириш институтига борганида Сталинга ўхшаш озарбайжон ўқитувчини кўрганди. Ҳар холда у Иосиф Виссарионовичнинг укаси ёки ўғли бўлмагандир?

– Лекин яхши бўлди, мактабимиз сиздек кадрларга жуда муҳтоҷ эди, – деди у энди юзига жиддий тус бериб. – Ҳушш-ш... аризаларингизни ҳозир ёзасизларми? Ишга қабул қилиниш ҳакида дейман-да! Тўғри, кимдир ўйлаб топган расмиятчилик бу – йўлланма билан келганларга аризанинг нима кераги бор! Тўғрими, ўртоқлар? – Яшар жавобан жилмайиб

кўйди. – Бўпти, қочиб кетмас, эртага ёзилар. Бугун эса дам олинглар. Ҳа, таржимаи ҳам эртага кўшиб топширасизлар – каерда туғилгансизлар, ота-оналарингиз ким, дегандек. – У бир оз ўйланиб қолди. – Айтганча, сўрамокнинг айби йўқ... қаерликсизлар ўзи? Бу хужжатларда, – у когоzlарни қайта титкилади, – қаерни битиргандарингиз ёзилган ҳолос... Шу, ўзимизнинг вилоятданми? Қайси тумандан?

Яшар ерга қараганча ўнғайсиз жилмайди:

– Билмаймиз, домла.

Кутилмаган жавобдан Раҳимовнинг оғзи очилиб қолди: бу нима дегани? Нега билмайди? Қанақасига билмайди? Нотўғри эшитмадимикин мабодо?

– Яъни?

– Биз етимхонада катта бўлганмиз, домла, – деди Яшар сал четга қараб. – Қаерликмиз, кимларнинг боласи бўлганмиз, ижтимоий келиб чиқишимиз қандай, қариндош-урӯғларимиз каерда – хеч нимани билмаймиз. Кейинчалик бизга маълум бўлган хужжатлар бўйича ўша пайтда гўдак бўлганмиз.

Раҳимов камида ярим дақиқа ҳайрат ила унга қараб турди.

– Э, узр, билмабман, минг бор узр! – деди сўнг столидаги қоғозларни беихтиёр у ёқ-бу ёққа кўяр экан. – Қаранг-а, одамзод деганининг бошига не кўргуликлар тушмайди. – У нокурай мавзудан тезроқ чиқиб кетиш учун бўлса керак, йигит ва қизнинг оёклари тагида турган жомадонларга имо қилди. – Нима... бор юкларингиз шуми?

Яшар бош ирғади:

– Қолганлари ёткxonада. Жойлашиб олгач келтиармиз деб ҳозирча ўша ерда қолдиравердик.

– Ҳа, жой масаласи. Яхшигина хонадон билан гаплашиб кўйганман. Умид қиласанки, сизларга маъкул бўлади. Уй соҳиби ўзимизга ҳамкасб, мактабимизда ишлайди. Исми Эшмамат, лекин биз домла Давланов деб чақирамиз... Хўш, яна нима десам... ҳа, хотини Ҳожар ҳам ажойиб аёл. – Бехосдан Раҳимовнинг юзи ёришди. – Ажаб эмас, сизлар бориб бағрилари тўлиб қолса, фарзандларидек бўлиб кетсангиз... ҳайҳотдек уйда ёлғиз туришади.

– Нима... бола-чақалари уйли-жойли бўлиб кетишганми?

Раҳимов юзига ачиниш туси берib, бош чайқади:

– Биласизми, Яшаржон, фарзандлари йўқ. Дунёдан шундай ўтишяпти. Кўриб турганингиздек, бу дунёда ҳар кимнинг бошида ҳар савдо.

– Домла, балки улар шу ҳаётга кўнишиб қолишгандир? – деди Яшар бир оз ўйланиб қолгач. – Қандок бўларкин? Тинчларини бузмаймизми? Ростини айтсам, биз ҳеч қачон хонадонда яшамаганмиз. Ўзим айтган ўша... сабабларга кўра.

– Бу ёғи сизни хавотирга солмасин, – деди деди Раҳимов йигитнинг “маълум сабаблар” деган сўзларини эшитмаганга олиб. – Лекин, гапнинг очиғи... икки киши бўлиб келишларингизни кутмовдим... халқ таълими бўлимида... тарих бўйича мутахассис юбораяпмиз дейишганда... Давлановга факат сиз хақингизда айтгандим. – Қиз ва йигитнинг безовта кўз уриштириб олганини пайқамаган Раҳимов давом этди. – Аммо нима фарки бор! Қайтанга яхши-ку – хотин-қиз ўқитувчиларимиз биттага кўпаядиган бўлди. Нима дедингиз? – деди у кизга, лекин жавобини кутмай, кўтаринки кайфиятда яна Яшарга юзланди. – Балки... тўйларингизни ҳам шу ерда – худди ўша ховлида ўтказармиз! А? Гапимга қўшиласизларми?

Раҳимов ўз-ўзидан (балки ҳаётий тажрибаларига суюниб!) бу икки ёшнинг бирга келиши текликка эмас деган хуносага келган, лекин аниқликни жуда яхши кўргани боис – касби бўйича бекорга математика ўқитувчиси эмас-да! – ўзини тутиб турга олмаганди.

Яшар унга аввал ҳайрон, сўнг ковоқ солиб қаради:

– Сиздан илтимос домла... факат иш ҳақида гаплашсак, – деди у совуқкина.

Йигитнинг бетгачопарлигидан ўзини йўқотиб қўйган Раҳимов ғарибона илжайди. “Баттар бўл! – ичидা ўзини ўзи сўкди у. – Жуда керак эди сенга шу! Аммо... йигит тушмагурнинг феъли сал тез шекилли? Айтадилар-ку, ҳам ориқдан, ҳам сариқдан кўрк деб! Чўрткесарлигини-чи! Бекорга етимхонада катта бўлмаган-да! Сал эҳтиёт бўлиб муомала килиш керакка ўхшайди. Майли, ҳозирча тарвузи ёрилмаган, кўлим остида бир-икки ой ишлагач эса ипакдек мулоиймлашганини ўзи билмай қолади!”

– Хўш, нега турибмиз унда? Кеч бўлмай сизларни уй эгалири билан таништирсан. Мактабдан кўп олисда эмас. Қани, жомадонларни кўтаринг, – деди у Яшарга буйруқнамо оҳангда.

Икки қўлини орқасига қилиб улардан сал олдинда, тошлок ўйлаб оёклари тикилганча бораётган Раҳимовни йигитнинг кескин жавоби ажаблантираётганди.

“Хўп, йигит киши ўз йўлига ҳам дейлик, аммо қиз... нега у билан бу ерга – дунёнинг бир четига келади унда? – ўйларди у. – Йўлланмами? Менимча – ҳатто ишончим комил! – бир жойга юборишларини ўзлари илтимос килишган ва балки “ҳаммасини” аллақачон ҳал қилиб қўйганлар! Нега энди шундай бўлмасин! Ахир, шунча йил бирга юриб...”

У ўз тахминларида жудаям тубанлашиб кетмаслик учун йигитни гапга солишга қарор қилди:

– Яшаржон, режалар қандай? Йўқ, йўқ, мен бу сафар бошка нарса ҳакида, яъни, бирон баҳона топиб ортга кетвормайсизларми, демокчиман. Кадрларни саклай билмабсиз, деб мени сўкиб юришмайдими раҳбарлар? Сизлардаги мажбурият каби, менга ҳам бу борада каттагина масъулият юкландган.

Умуман айтганда Раҳимов ҳак эди – масъулият нафақат ишга келувчи, балки иш берувчига ҳам юклатилар, янги ходимларнинг тўлақонли фаолият юритишлари учун барча шароитни яратиб бериш раҳбар сифатида айнан унинг вазифасига киради.

Яшар жомадонларни ерга қўйди.

– Кўрқманг домла, гап тегмайди, – дўстона жилмайди у ўрталарида сал аввал содир бўлган нохуш савол-жавобни унуганига ишора қилмоқчидек. – Бир йилга юборилганмиз... то диплом теккунча. Қийинчиликларга келсак... қўнишиб кетганмиз.

Раҳимов мамнун бош иргади: бундан бир йил аввал туман ҳалқ таълими бўлимидан бошка бир ёш мутахассис – физика ўқитувчисини мана шулар сингари йўлланма бўйича ишга юбормоқчи бўлганлари, бироқ у мансабдор танишлари орқали келишдан бўйин товлаганини эшитганди. Мана, мактабларида ҳануз-ҳамон ушбу фан бўйича дарсларни билим юртини сиртқи битирган меҳнат ўқитувчиси олиб бормоқда.

– Бир йил-ярим йил деб ўтирунг, насиб бўлса, шу ерда илдиз отиб кетасизлар. Одамларимиз жуда яхши. Об-хавосичи! – деди у ўзи ҳам илк бор кўраётгандек ҳавас билан узок-узокларга кўз ташларкан. – Қаранг, бундай тоғларни каерда кўргансиз?

– Ростдан ҳам гўзал жойлар, – унинг фикрига қўшилди Яшар. – Туман ҳалқ таълими бўлимида роса мақтовини келтиришганди, айтганларича бор экан. – У ўнгайсиз кулиб қўйди. – Мен ҳатто бу ерларни қачонлардир... кўргандек бўляпман. Балки... тушимдадир. Нимаси биландир Бахмал тоғларига ўхшаб кетаркан. Тўғрими, Нодира?

Негадир хомушланганча кетиб бораётган қиз йигитнинг саволига бош силкаб кўя қолди.

“Наҳотки у ҳам сўзларимдан хафа?” – ўйлади унга ора-чира кўз ташлаб қўяётган Раҳимов. У ҳар иккисини кўрганидаёқ қизнинг чехрасидаги мана шу доимий хомушликни пайқаган, аммо буни йўл чарчоғига йўйганди. Энди эса ҳатто тундлашгандек! Нимадан бўлса? Ҳа, кераксиз савол бериб, қўшимчасига, қайгули ўтмишларини ёдга солиб, қизни айниқса хафа килганга ўхшайди.

Шу ўйга борган Раҳимов озгина бўлса-да “айбини” ювишга уринди.

– Ҳали баҳорда кўрасизлар, бу ернинг қанака бўлиб кетишини, – деди у очиқ чехра билан. – Бутун атрофни лола босиб кетади. Чукирини¹ айтмайсизми! Ҳа, айтгандек, Яшар, от мишишни биласизми?

– От? – ажабланди Яшар. – Нима, ишга отда бориб келаманми? Биз борадиган ўй... мактабдан олис эмас, дегандингизку. – У ёёклари тагидаги зил-замбил жомадонларга хавотирланаб кўз ташлади. – Ҳали кўп юрамизми?

– Йўқ, келдик ҳисоб, – кулди Раҳимов. – Отга келсак, қишлоғимиз мақтовини келтирганлар бу ердаги тўйларнинг кўпкарисиз ўтмаслигини айтишмадими? Энг керакли нарсани-я! Э, бу ернинг кўпкарисини кўрмабсиз, оламга келмабсиз! Насиб бўлса, рўзғорни бир оз тиклаб олганларингиздан сўнг, битта от сотиб оласизлар.

Жавоб ўрнида одоб билан кулимсираган Яшарнинг хаёли бутунлай бошка – ўзи кўз ташлаб турган томонда эди. Раҳимов томонидан аллақачон “кўшиб” юборилган рўзгор ҳам уни чалғитмади.

– Домла, – деди у бир пайт. – Анави... узокдан кўриниб турган обида... масжидми? Ёки бошқа нарсами? Жуда чиройли экан. Худди катта шаҳарлардагидек. Қачон қуришган?

– А-а-а, уми? Кўп бўлган, тахминан... ўн тўрт-ўн бешинчи асрлар. Лекин шунчалик мустаҳкамки, мана... беш асрдан бери қилт этмайди.

– Ҳали бу ердан шунака зўр усталар чиққанми? – деди обида мафтун тикилаётган Яшар. – Қизик... у ҳақда хеч нарса эшитмаган эканман. Ким курган?

69 34

¹ Равоч

Рахимов иккиланиб қолди:

— Қайдам. Ким, қачон кургани... тұғрироғи, курдиргани масжид ва хонақоҳ пештоқидаги лавҳада арабча қилиб ёзилган. Мисрми, Кувайтми... үша томонлардан келишган эканми-ей...

— Наҳотки үша ёклардан? — ишониб-ишонмай сүради Яшар. — Дунёнинг бир чети-ку! Ҳатто бугунги тараққиёт даври – поезд, машиналар замонида ҳам бу осон эмас! Қандай келиб қолишган?

— Ким билади, балки туяда келишгандир? — обидадан күз узмай жавоб берди Раҳимов. — Балки эшакда! Ахир, отабоболаримиз ҳам мана шунақа уловларда ҳаж сафарини амалга оширганлар-ку! Құпчилиги умрлари якунини үша ерда кутиб, уйларига қайтмаган, бориш ва қайтиш пайти йўлда ҳалок бўлганлари ҳам бор гап. Ҳатто ҳажга боришдан асосий мақсад ҳам шу бўлган, дейишади... Бу обиданинг асосчилариға келсак... ривоятларга кўра, улардан энг биринчи келгани... бу ерга Куръоннинг бир нусхаси ва пайғамбарнинг тўнини келтирган экан... хиркаи муборак дейишади. Ха, номи шунака.

Нодира сал нарида уларнинг сухбатига жимгина кулоқ солиб туар, Яшар эса ўзи биринчи марта эшитиб турган “хиркаи муборак” атамасига эътибор бермай, билинар-билинмас жилмайди:

— Куръон? Ҳа, майли, бу мумкиндир. Аммо тўни нимаси? Чопонми? Қайси пайғамбарники экан? Уларни жуда қўп бўлган деб эшитганман.

Бир умр етимхоналарда яшаб, университетда ўқиши пайтида эса илмий атеизмдан ҳамма қатори факат беш олган Яшарнинг бу борада билими ниҳоятда саёз, деярли йўқ ҳисоби эди, Раҳимов эса – раҳбар ва фирмә аъзоси. Шунинг учун, гарчи бу борада баъзи бир нарсалардан хабардор бўлса-да, диндорлар таъбири билан айтганда, “жуда чукурлашиб” ўтиrmади:

— Билмадим, биронтасиникидир-да. Ҳар хил гаплар юради. Лекин мен... кўпам ишонавермайман.

— Улар хозир ҳам шу ердами? Чопон билан Куръонни айтаман?

Рахимов бу мавзуни очганидан пушаймон ея бошлади:

— Билмадим, бу ҳақда ҳам турли гаплар юради. Бирор у дейди, бирор бу. Лекин хеч ким ўз кўзи билан кўрмаган. Чопон... э-э, тўн деганим, энди хонақоҳнинг ўзида эмас, қишлоғимиздаги хонадонларнинг бирида ҳануз сақланмоқда...

ўраб-чирмаб ташланган. Ушлаб кўриш ман қилинганидан уни тавоф этгани келган зиёратчилар нарироқдан кўз ташлашлари мумкин.

— Ўзим ҳам шунака... бор-йуғи бир чўпчак бўлса керак, деб ўйлагандим, — деди кулиб юборишдан аранг тийилган Яшар. — Чопон ҳар қандай сифатли матодан қилинмасин, бунча узок сакланмайди! Лекин мени аллақандай афсонавий чопон ёки Қуръоннинг нусхаси эмас, обидани бунёд этганлар кўпроқ қизиктираяпти. Нега шунча жойдан бу ёқка келишиди экан? Биргина шуни қуриш учунми?

Рахимов кулди:

— Бу энди ёш болага ҳам маълум — мусулмончиликни тарғиб қилиш учун-да! Айтишларича, уни алақандай сўфийлар курдирган экан. Номлари ҳам ғалати — “ишқия”. Исломда... нима деса бўлади... шунака оқим бўлган, ҳозир ҳам дунёning турли бурчакларида бор дейишади.

— Тарғиб? — ажабланди Яшар “оқим” деган сўзга умуман эътибор бермай. — Ўн бешинчи асрда-я? Нима, ўша пайтда бизда ислом... бўлмаганми? Уни араблар юртимизга саккизинчи асрдаёқ олиб келишмаганми? Мовароуннахрни босиб олганларида, дейман? Менимча, ўн бешинчи асрга келиб, уни тарғиб қилишга ҳожат қолмаганди.

Рахимовнинг баҳслашгиси келмади.

— Мен фақат бир нимани қўшимча қилишим мумкин — ҳозирги кунда масжид ҳам, хонақоҳ ҳам кулф, — деди у мавзуга тезроқ нукта қўйиш учун тўмтоқ қилиб. Бир зум сукут сақлаб тургандан сўнг эса давом этди. — Нима рўй берган бўлмасин, ўлкамизнинг узок ўтмиши билан қизикишингиз яхши, Яшаржон. Бунинг устига, мутахассислигингиз ҳам шунга тўғри келаркан. Лекин илтимос, бундай нарсаларга чалғиманг — сиз янги авлодга илм бергани келгансиз! Бизда сиёsat қандай? Биласиз-а? Баракалла — дин давлатдан ажратилган, давлат эса — диндан! Кетдикми? Сиз ҳозирча бошқа нарсаларни қўйиб, мактабда қандай иш бошлишингиз ҳақида ўйланг!

Яшар обида томон яна бир марта караб қўйгач, оёклари тагидаги зил-замбил жомадонларни ердан узди.

Учинчи боб

Юз тузилишидан анчайин ёш кўрингани билан чеккалари-га аллақачон ок оралаган Давланов кўлидаги пиёлани хушидан кетган аёл лабига тутар, аммо сув унинг томоғигача беркитиб турган бурма ёқасига тўқиларди, холос.

— Ҳожар! — чақирди Давланов уни ўзига келтириш учун. — Кўзингни очсанг-чи! Нима бўлди сенга?

Ҳамма лолу ҳайрон, жумладан, нигоҳини тароки гилам устида ётган аёлдан узмаётган Яшар ҳам нима бўлганини ту-шуна олмаётганди.

— Илгари ҳам шунақа бўлиб турардими? — деди ранги оқаринкираган Раҳимов Давлановга юзланиб. — Балки Махсум-ни чақиравмиз?

Давланов хотинидан кўз узмаган ҳолда бош чайкади:

— Сира кўрмагандим. Ҳожар! — Давланов эгнидаги чо-понини ечиб (бегона эркаклар кўзи ўнгига бундай ётиши яхши эмас), аёлнинг устига ёпгач, Раҳимовга юзланди. — Ҳа, Махсумга бормасам бўлмайдиганга ўхшайди. — У кўркув тўла кўзлари катта-катта очилиб, бир четда турган Нодирага ўгрилди. — Қизим, сиз кўрқманг! Холангизда бунақа одат йўқ эди. Узим ҳам ҳайрон қолаяпман.

Давланов отига апил-тапил эгар-жабдуқ уриб, жўнаш учун эндинина узангига оёқ кўйган ҳам эдики, Яшарнинг баланд, ҳаяжонли товуши тўхтатди:

— Домла! Янгам кўзини очяпти!

Аввал ялт этиб ортига қараган Давланов югурганча қайтиб келди-да, аёли тепасида энгашди.

— Ҳожар! Менга қара! Мана, рўпарангда турибман! Эшита-япсанми? Қаёққа қарайяпсан?! Ҳой! Мен бу ердаман!

Уни эшитмаётган аёл гўёким бошқа бир нарсани изларди. Ниҳоят, унинг ҳали унчалик жон қайтмаган нигоҳи айвоннинг бир четидаги Яшарда тўхтади.

— Кимсан? — деди у узок вакт тикилиб тургач.

Бу савол барчанинг, шунингдек, Яшарнинг ҳам ҳайратини баттар ошириди: “Нима? Кимлигим билан нима иши бор бу аёлнинг? Нега менга бунча тикилади?”

Бир-бирларига қараб олишиб ва бундан тахминан беш-үн дақика аввал рўй берган ҳолат яна ҳаммаларининг кўз ўнгига қайталанди: дарвозани номигагина тақиллатгач, аввал ичкари-

га Раҳимов кирди, ундан сўнг Яшар, Нодира эса ҳали остона ҳатлашга ҳам улгурмаганди. Ҳовлида қандайдир юмуш билан имирсила бирорининг ёки тарбиянинг ёки тарбиянинг ҳамини кечиди. Буни кўрган Яшар ҳатто салом беришни ҳам унубиб қўйганди. Бир неча сония унга тикилиб турган аёл кутилмаганда хушидан кетиб, ерга йиқилди...

– Исминг нима? – яна сўради аёл ҳадеганда жавоб бўла-вермагач.

– Яшар.

– Нима?! – шивирлади аёл. Сўнг, сал кўтарилиб турган бошини яна ёстиққа ташлади. – Адашибман... шекилли, – лаблари аламдан титради унинг. – Сени бировга жуда ўхшатиб... балки ишонмассан... куйиб қўйгандек ўзинг эди... бир туки ҳам бошқача эмас. Ёши ҳам, чамаси сен қатори эди... йўқ, сал каттарок!

У гўё алжиётгандек эди. Ҳуши ўзига келгани кўнглини анча кўтарган Давланов аёлининг бу сўзларидан сўнг яна безовталанди:

– Кимни айтаяпсан? – сўради у мулойимлик билан. – Мехмонимиз... кимга ўхшар экан?

Ҳожар рўмоли учини қўзига босди:

– Акамга... Ўзингиз яхшилаб қаранг.

Нигоҳини Яшарга тиккан Давлановнинг лаби четида синиқ табассум пайдо бўлди.

– Рост... ўзимнинг эътибор қилмаганимни қара. Хўп, – яна аёлига юзланди у, – ўхшашлиги рост, лекин шунга одам ҳушдан кетиши керакми? Қани, ўрнингдан тур. Мажолинг етадими?

– Шошманг, сал ўзимга келиб олай. – Кўринишидан яна нималар ҳақида сўрамоқчи бўлгани билиниб турарди. Шундай бўлди ҳам. – Менга яқинроқ кел-чи, – деди у йигитга ишора килиб. – Ўтир ёнимга... мана бу ерга. Яхши, – давом этди сўнг. – Демак, исминг... Яшар экан-да? Отангники-чи?

Раҳимовнинг кабинетида бўлгани каби Яшар сал четга қараб жавоб берди:

– Хола, мен отамни кўрмаганман.

Шундай деб аёлга юзланган йигитнинг юраги шув этиб кетди – аёлнинг ранги баттар оқариб кетганди. Яна бир балони бошламасайди!

Давланов ҳам буни сезди, ҳаммалариға аланг-жаланг күз ташлаётган Раҳимов муштини оғзига қўйганча сунъий йўталди, Нодира эса...

Шу пайтгача Ҳожарнинг нигохи унга тушмаганди, тўғрироғи у ҳозир Яшардан бошқа ҳеч кимни кўрмаётганди, пайқамаётганди.

– Кўрмагансан?! Нега кўрмайсан?! – худди Яшарни минг йилдан бери биладигандек, ҳар куни дакки бериб юрадигандек, бемалол, деярли зуғум билан сўради аёл.

– Хўп, кўрмаган бўлса нима? – деди Раҳимов Яшарнинг ер тагидан ўзига кўз ташлагани ва бу билан нима истаётганини тушуниб. – Агар жуда керак бўлса... ўзим ҳаммасини айтиб бераман. Ҳа, мен ҳам сўрагандим! Қўйинг, меҳмонни хижолат қилманг.

Аммо Ҳожар уни эшиитмаган каби сўрокда давом этди:

– Онангни-чи?! Уни ҳам кўрмаганмисан?! – У айнан шу саволга жавоб ҳамма нарсани ҳал қиласигандек йигитдан кўз узмасди. Яшар секин бош чайқади, аммо бу ҳаракат Ҳожарни қониктирумасди. – Нима?! – деди у жон ҳолатда.

– Кўрмаганман, хола, – деди Яшар имкони борича ўзини босишига уриниб. – Яна нима қизиқтиради сизни? – заҳарли табассум килди у. – Исларими? Буни ҳам билмайман. Каерликсан, деб сўрамоқчи бўлаяпсизми? Мен қаердан билай! Гўдаклигим, айтиш мумкинки, йўргакдалигимдан етимхона-ларда катта бўлганман. Қариндош-уруғларимдан ҳам хабарим йўқ. Ҳа айтганча, бу ерга ҳам биринчи бор келиб турибман – ҳеч кимни танимайман! Айниқса, акангизни...

Шуларнинг барини бараварига қалаштириб, аёлнинг кўзларига тикилиб турган Яшарнинг нигоҳида “бўлдими, сўрок тугадими?” – деган кинояни ўқиш мумкин эди. Раҳимовнинг хотирасига кабинетидаги ҳолат тушди дарров.

Ҳожар яна ва яна нималарнидир сўрашга ҳозирланар, аммо, афтидан, йигитнинг кескин жавоби халақит бераётганди. Хижолатланаётган Давланов гапга аралашиди.

– Меҳмон, хафа бўлманг холангиздан, – деди у ерга караганча. – Биласизми, бундан анча йил аввал... инқилюбдан сал кейин... холангизнинг бир акаси... – Давланов яна нима дейишни билмай чайналиб қолди. – Хуллас, у Лангарни тарқ этди... янги ҳокимият... маъқул келмаганди. Афтон томонларгами-ей, кетиб қолган. Анигини айта олмайман...

қайтиб келмагач, шу хulosага келдик... ўликми-тирикми билмаймиз.

Ҳожар ётган жойида пиқиллади:

– Ёшгина хотини, норасида икки гўдагини ҳам олиб кетди.

Олти ойлик ҳам бўлишмаганди...

Яшар ҳалигина энсаси қотиб, жаҳли чиқиб турган бўлса-да, бу сўзларни эшишиб, аёлга нисбатан қалбида шафқат уйғонди: бефарзандлиги етмагандек, бундай балолар ҳам бошидан ўтган экан-да? Лекин бунинг менга нима алоқаси бор? Нима, мени ўша акасининг... ўғли деб ўйляяптими? Гўдаклар олти ойга ҳам тўлмаганди, дедими? Икки бола ҳам-а? Буни қандай тушуниш керак? Эгизак бўлишганми?

Ҳожарнинг дард билан уф тортиши унинг хаёlinи бўлди:

– Эгизак бўлишларига қарамай, дуркунгина эдилар... кўрганинг ҳаваси келарди. Иккиси-да отасининг ўзи эди... янгамга ҳазиллашардим... буларингизни сиз эмас, акам туккан, деб.

– Ахволингизни тушуниб турибман, хола, – деди Яшар хайриҳоҳлик билан. – Хамдардман. Ўша жиянларингиз... Ҳасан-Хусанлармиди?

Ҳожар аста бош чайқади:

– Йўқ, биттаси қиз... попукдеккина эди.

Худди яна бошқа нарсаларни ҳам эшитишга шайлангандек Яшар ундан кўз узмай қолган бўлса, Раҳимовнинг ичидаги бир нима ғимирлагандек бўлди ва ҳамон бир чеккада турган Нодирага ялт этиб кўз ташлади: қизик-ку!

Бирок хulosса қилишга шошилмади (бир марта “хulosса” қилиб, яхшигина таъзирини егани ҳали ёдидан чиқмаганди) ва худди одатий нарса ҳакида гап кетаётгандек деди:

– Роса олатасир замонлар эди ўзиям. Янгамнинг акаси болаларини олиб каергадир кетганини мен ҳам эшифтандим... бу ерга кўчиб келганимиздан сўнг. Лекин бунақалар, эҳ-хе, канча бўлган! Ким бурда нон илинжида, бошқа биров... Да-а! Демак, исмлари Ҳасан-Зухра бўлган экан-да? Ўша... қайноғангизнинг болаларини айтаман, – аниқлик киритди у Давлановга кўз ташлаб. – Одатда шунака бўлади-ку?

– Шундай, – деди Давланов суҳбатни дикқат билан тинглаб ётган хотинига қарамасликка ҳаракат килиб.

– Бўлди, янга, туринг энди, – деди Раҳимов можарога чек кўйиш учун. – Жиянларингиз тирикдир, пешаналарида шу ёзилган бўлса. Акангиз ва янгангиз ҳам албатта! – кўшиб қўйди у эҳтиёткорлик билан. – Балки, пайти келиб, уларни

кўриш ҳам насиб этар. Яшаржон! – мурожаат қилди у ҳамон аёлдан нигоҳини узолмай турган йигитга. – Янгам сизни ўз жигари деб ўйлабди! Энди шунга муносиб бўласиз-да! А?

Устига ёпилган чопонни секин четга олган Ҳожар юзидағи ёшни кафти билан сириб, ўрнидан турди.

– Ҳозир чой қўяман. Унга... (у негадир Яшарнинг исми-ни айтишни истамади) меҳмонхонани бўшатиб берамиз. Энг шинам хонамиз ўша. Бундан буён нон-чойи, кир-чирига ўзим қарайман. – У ийманибина Раҳимовга кўз ташлади. – Сизга катта раҳмат... ростдан ҳам жигаримни қўргандек бўлдим... лекин минг афсуски...

– Яна бошлаяпсанми? – йиғламасликка шунча ҳаракат қилгани билан аёлининг лаби яна буришаётганини қўриб Давлановнинг энди жаҳли чиқди. – Қаердаги бўлмағур гаплар билан жинни қилдинг-ку ҳаммани!

Ҳожар уф тортди: ха, аммо, бу йигит шунчалик даражада акасига ўхшаса нима қилсин!

У ўзига аранг бўйсонаётган оёғини ковушига тикаркан, бoshини кўтарди ва...

– Ким бу қиз? – Давлановга ялт этиб қаради у. – Булар билан... биргами? Нега йўлакда турибди?

– Ана энди ўзингизга келаяпсиз! – кулди Раҳимов. – Томоша кўрсатишдан бўшамадингиз! Топганингиз мана шу йигит бўлиб, унга ҳатто қайрилиб бокмадингиз. Танишинг – исми Нодира! Яшар билан бирга келган муаллима. Тўгри, у ҳақда... негадир менга айтишмовди. Майли, нима учун бундай бўлганини кейинроқ аниклармиз... эртага – Раҳимов ғалати илжайди. – Энди... янга, бу қизимизни ҳам... агар имконини топсангиз, дейман-да... уйингизга жойлаштирамиз! Қўл-оёғи чақонгина кўринади. Хўпми? Ҳа-да, нима қилишади ҳар жойда туриб! Нодира қизим! – имлади у қизни Ҳожарнинг жавобини ҳам кутмай. – Кел, холанг билан кўриш. Сен ҳам шу ерда турасан.

Нодира жойидан жилмади: ҳозиргина ўзига келиб қайси бир яқинларини эслаб дийдиё қилган, тахминларида адашган аёлнинг даҳшат тўла нигоҳи уни жойига михлаб қўйганди.

Юраги дук-дук ура бошлаган қизнинг оёқларига билинрабилинмас титрок кирди: ҳозир яна йиқилиб тушади! Ушланглар!

Аммо бу – ички, сассиз бир нидо эди, шу боис яна кечикишиди.

Тұртнчи боб

Сочлари сийрак, бурни картошкани эслатувчи, ориқ елкалары туртиб чиққан Махсум яна үша жой – құски гилам устида үлікдек ётган Ҳожарнинг билагини тутиб, томир уришини санаради.

– Нима бұлды аёлингга? – бутунлай довдираб қолган Давлановга үгирилди у.

Келиб чиқиши бошкірд бұлған бу одам бир пайтлар узок Россияда рүй берган “инқилоб” (унинг аслида хунрезлик билан амалға оширилған давлат тұнтарапи бұлғаны мамлакат ахолисига аср охирларидагина маълум бұлды) Туркистанда ҳам үз мавқеини мустаҳкамлаб, унинг чекка-чеккаларига етиб бораётганды янги ҳукумат томонидан бу ерга тиббиёт ходими сифатида юборилғанды. Бу пайтгача нафакат руслар, балки у мансуб бұлған миллат вакилларини ҳам құрмаган маҳаллий халқ Махсумни хушламай қарши олди: гұдаклар узокдан күзи тушгандайды түм-тарақай бўлиб қочишар, паранжи-чачвон ис-канжасидаги хотин-қизлар, умрида қишлоқларидан нарини құрмаган эркаклар худди ёвга қарагандек қарашар, үзаро суҳбатларыда уни коғир, ҳаром деб аташарди. Янги ҳукумат томонидан тайинланған қишлоқ шүросининг раиси үша пайтларда деярли кунора бўлиб турувчи йиғинларнинг бирида уни ахолига таништириб, бу одам үқимишли табиб, яъни “дўхтур” деб атаганда, кўплар бу нарса нимани англатишини тушунмадилар, “мабодо бетоб бўлиб қолсаларингиз, шу одамга тўғридан-тўғри мурожаат қилишларингиз мумкин” – деганларида, шубҳа билан қарашди. Айникса, “у барча муолажаларни ҳақ олмасдан қиласы, дори-дармонлари нақ Масковнинг ўзидан олиб келинганды” – деганида, раис биздек содда одамларни лақиллатыпти, бу ҳам янги ҳукуматга нисбатан бұлған мақтовли тарғиботларнинг бири бўлса керак, деб ўйлагандилар.

Шундан сўнг раис унга сўз берди ва қулоғига шивирлаб, афтидан, нималарни айтиш кераклигини уқтирди.

Махсум (бу ерга келгунига қадар у “Максим” эди) ўрнидан туриб, лангарликлар умрида эшитмаган ғалати лажжада нима учун юборилганини раис таништирувидан сўнг ҳам яна бир бор айта бошлаганда, ҳайрон қолишиді: э, тили үзимизникига үхшайдими? Бошқирдман, дедими? Бу қанақа эл бўлди? Де-

мак, ўрис эмас экан-да! Нега бўлмаса сап-сарик? Балки мусулмондир ҳам? Нега унда бу ҳақда ҳеч нарса айтмади – на раис, на ўзи (ўша пайтларда бу ҳақда деярли гап очилмас, шўро ҳукумати ўз ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ ҳар қанака диний тушунчаларни фуқаро миясидан сикиб чикаришга уринар, улар ўрнига ўз гояларини тикиширишга ҳаракат қиласар, “Дин ҳалқ учун афюн!” деган иборага катта урғу қўйиларди. Кўп ўтмай кизил чойхоналарда ва янгигина очилган идоралар, мактаблар деворларидағи “Яшасин инқилоб！”, “Бутун ҳокимият шўроларга！”, “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз！”, “Биз ер юзида абадий коммунизм ўрнатамиз！” – каби кизил алвонларга ёзилган шиорлар қаторидан у ҳам жой олди).

Махсум учун юкорининг кўрсатмасига биноан шошилинч равишда жой қилиб беришгач, ҳовлидаги шинамрок бир уйчани оклаб, дераза-эшикларини янгидан бўяб, иш кабинети қилиб олди ва ўзи бор-йуғи фелдшер бўлишига карамай, пештокига “КИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ” деб ёзиб қўйди.

Иссиқ жон эмасми, тезда унинг хизматига муҳтожлар ҳам топилди: бирор кўлини кесиб олиб, боғлатиш ва малҳам кўйишига келса, ўт-олов ичида жон талваса килиб ётган фарзанди аллақандай оппок кукурни ичиб (Махсум оғзини тўлдириб уни “порошок” деб атарди) “отдек” бўлиб кетганида, тирик қолишидан умидини узган онанинг дуо-ю олқишига сазовор бўларди.

Кейинчалик унинг кофир эмас, ўзлари каби мусулмон эканлигини ҳам билиб олишди.

Махсум ўша пайтларда йигирма беш-үттиз ёшлар орасида бўлиб, ёлғиз яшарди.

Кунлардан бир куни у йўқолиб қолди ва одамлар орасида навбатдаги миш-миш тарқалди: “Дори-дармон олиб келиш учун шаҳарга кетаётганда, янги ҳукумат душманлари йўлда тутиб олиб, Капчиғайга улоқтиришибди!”

Лекин хафта ўтмай, худди ўзига ўхшаш сап-сарик, лорсиллаган бир жувон билан қишлоқка кириб келганда, ҳамма енгил нафас олди: “Хайрият! Ёнидаги кўйруқдек жувонми? Аёли эмиш! Ҳа-да, ўшани олиб келиш учун кетган экан! У ҳам бошқирд экан! Үқитувчи дейишади...”

Худди эри каби лаҗжада сўзловчи Марям (кофир бўлганида шундай исм қўйишармиди!) янги очилган мактабда ягона аёл

ўқитувчи сифатида рус тилидан дарс бера бошлади ва мактабга қизларини беришга хануз-хамон журъат килмай турган отаоналар – у пайдо бўлишига қадар ўқитувчиларнинг барчаси эркак эди – жувоннинг бир неча марта уйма-уй юриб килган тарғиботидан сўнг, бирин-кетин, истар-истамай рози бўлишиди.

Бир йил ўтар-ўтмас Марям ва Махсум ўғилчали бўлдилар ва унга бу ерларда илгари сира учрамаган исм қўйишиди – Мэлс. Кўпчилик бу ном маъносини тушунмай, янги хукумат ташкил қилган орган – ҳалқ милициясига атаб қўйилган бўлса керак, деб ўйлади, аммо, кўп ўтмай бу фараз ҳам нотўғри бўлиб чиқди.

Дуркунгина бола бўлиб етишган Мэлс эртадан кечгача қишлоқнинг ўзи тенги болалари билан турли хил – ланка тепиш, чиллак каби ўйинларда қатнашар, худди улардек кир-чир бўлиб юрар, ота-онасини вахимага солиб, кўпдан-кўп каршиликлар, ҳаттоким жон оғритар жазоларга қарамай Лангардарёнинг энг чуқур жойларида чўмилар, баъзан ўйиндан ўт чиқканда, кимлар биландир муштлашар, бирорини урса, бошқасидан калтак ерди. Қишлоқ болаларининг “татар-молай” деган мазахларига (кишлоп аҳлига бошқирдлар ҳам татарлар сингари бир ҳалқ ёки уларга жуда якин эканлиги маълум бўлган, бундан энди ёш болалар ҳам хабардор эди) эътибор бермас ва энг қизиги – она тилида мутлако гапирмасди. Ўзлари яшаётган муҳит ва ерли аҳолига ҳурмат билан қаровчи ота-она бунга эътиroz билдириб ўтирмади, ҳатто хурсанд бўлишиди: бизнинг “ғалча” тилимиздан қулаётганлар кўриб қўйишисин!

Мэлс мактабда жуда яхши ўкиб, жисмонан бакувват, келишган йигит бўлиб етишди, ҳатто – гарчи, ота-оналари ўлиб қолганларида ҳам “татар” йигитини куёв қилмасликларини яхши билишса-да! – қишлоқ қизларидан баъзи бирлари унга кўнгил қўйишига ҳам улгурди.

Учувчи бўлишни ихтиёр этган Мэлс мактабни битиргач (“Ким бўлмокчисан?” – деган саволга у бирон марта ҳам бошқача жавоб бермаганди), кўп тенгдош дўстлари, бошқа қишлоқ йигитларининг ҳавас ва ҳасадини келтириб, узок пойтахтга жўнади.

У ўкиши давомида Лангарга йилда бир ёки икки марта келар, шунда ҳам синфдош оғайнилари билан эртаю кеч бирга бўлганидан ота-онаси ёнида деярли ўтирмас, бундан Махсум

ва Марямнинг баъзан ғаши келса, баъзида бир-бирига мамнун кўз ташлаб қўйишарди: энди у шу юртнинг одами!

Ҳарбий билим юртида ҳам аъло ўқиб, уни битиргандан сўнг, кишлоқ ахли ўртасида “Мэлс ўша жойда бир ўрисга – ўзи хизмат қилаётган қисм командирининг қизига уйланибди” – деган гап тарқалди ва ҳар куни берилувчи сўровлардан хижолат чекаётган Махсум ва Марям уҳ ва оҳ тортиб, охир-оқибат “факт”ни тасдиқлаши.

Кўп ўтмай – ҳатто тўйга чакирилишга лойик қўрилмаган – “қайнота-қайнона” келинларини кўргани жўнаб кетиб, бир ойлардан сўнг жуда хурсанд – кишлоқ одамларининг назарида! – ҳолда қайтиб келишди, лекин эртаси куни қаериdir оғриб, эри ҳамроҳлигида “врач” қабулига борган аёллардан бири Марямнинг йифидан кўзи шишиб кетгани, Махсумнинг эса уни жеркиганча: “Ёшлар ўз йўлига – бу ердан ҳеч қаёққа кетмаймиз!” – деб бақираётганини кўргани ва эшитганини ҳамма жойда гапириб юрди.

Уларнинг бошқа болалари йўқ эди.

Марям кишлоқда бўладиган тўйларда худди ўзи тўй қилаётгандек елиб-югурап, бўлар-бўлмас ҳазил-хузулларга шарақлаб қулар, чимилидикдаги келин-куёвлар номига – кўпларнинг назарида, сал бепардароқ ҳам! – қочириклар килар, ўз тилида лапарлар айтар, ер тепиниб, биккидек муштларини белига тираганча раксга тушар, ҳатто баъзи бир ёш жувонларни бу “танца” харакатларини ўрганишга ундар ва кўпларнинг “ростдан ҳам тўйларингизда “ёр-ёр” дейиш ўрнига, русчалаб “руби-руби” дейишадими?”, – деган ҳазил саволларини эшитгач, даҳанаки жангга киришиб кетарди.

Марям келган йилидан бошлаб шу кунгача мактабда дарс берса, Махсум куннинг қайси пайти бўлмасин беморлардан ёрдамини аямасди. Энди унинг учун алоҳида тибиёт пункти қуриб берилди, бу ерда кийин жарроҳлик амалиётларидан ташқари барча муолажани амалга ошиrsa бўларди.

Айни шу кунларда Лангарга Яшар ва Нодира етиб келишганди, айни шу дақиқада Ҳожар барчани қўрқитиб иккинчи бор хушини йўқотганди ва Давланов отда елиб бориб, Махсумни олиб келганди.

– Нима бўлди, ўрток Давланов? – деди Махсум яна бир марта аёлнинг юрак уришини тингларкан, қалин кўзойнаги тепасидан қараб.

Гўё айтадиган гапнинг ўзи йўқдек эди, аммо Давланов ва Раҳимов бири олиб-бири қўйиб, унга нима бўлганини тушунтира бошладилар. Ўзларини йўқотиб қўйган Яшар ва Нодирага бир кур кўз ташлаб олган Махсум бир оз ўйланиб турди, сўнг доимо ёнида олиб юрадиган, темир қопқоғига кизил хоч тасвири туширилган кутини очиб, ақиқдек суюклик тўлдирилган шишани олди.

– Нашатир спирти. Ҳозир ҳидлатамиз, – деди у Ҳожарнинг бошини авайлаб кўтааркан, шишани бурнига тутиб.

Ўткир ҳид димоғига урилиб, сесканиб тушган аёл аввал ковокларини пирпиратиб, сўнг кўзини очди. Худди биринчи сафардагидек аввал шифт вассаларига бир оз тикилиб тургач,баногох ёдига бир нима тушиб қолгандек бошини илкис кўтарди ва тепасида турганларнинг биронтасига эътибор бермай, дарҳол Нодира ва Яшарни излаб топди.

– Бу ўшалар!! Ўшала-а-ар!!! – нола килди у ўт ёнаётган нигоҳини энди Нодирадан узмай. – Танидим уни! Тирик экан! Худога минг катла шукур! Энди ўлсан армоним қолмайди! Қани, икковинг ҳам аммаларинг ёнига келингларчи! Қўркманлар... телба эмасман! – асабий қичкирди у даъвати ўринсиз қолаётганини кўриб.

Жаҳлдан чаккалари тиришиб кетаётган Давланов аёли устига энгашиди.

– Тур ўрнингдан! – кутилмаганда ўшкирди у. – Бу нима қилик! Бўлди-да энди! Ҳа деб қайтараверасанми бир гапни!

Унинг гапидан қўрқиб эмас, танига қандайдир мадор кириб жойидан қўзғалган аёл Нодирани ёнига имлади.

– Амманг айлансин сендан, бу ёкка кел. Қўркма... – Ростдан ҳам қўрқиб кетаётган Нодира аёлнинг истагига қарши бора олмади ва индамай унинг тепасига келди. – Ўтир мана бу ерга, – жой қўрсатди унга Ҳожар. – Яхши. Ҳўжайн, – энди эрига мурожаат килди у. – Сиз ҳам бу ерга ўтириинг, тепамда бундай турманг, ҳали ўлганимча йўқ!

Давланов беихтиёр унга бўйсунди, лекин энди аёлининг кейинги сўзларидан ростдан ҳам ақлдан озиб қолмадимикин, деб хавотирга туша бошлаганди: қўзларини қаранг! Соғ одамнинг қўзлари шунаقا бўладими!

– Гапир, – деди у қўрпача четига нокулай ўрнашиб олгач тишлари орасидан.

Ҳожар кутилмаганда қўлини Нодиранинг пешанасига юбо-

риб, аста силаганди, бу тушунарсиз ҳаракатдан кизнинг вужудига баттар титроқ кирди.

– Мана бу нима! – эрига қарамай қичқирди Ҳожар. – Мана буни кўряпсизми? Ёмон яра изини?!

Давланов истар-истамай у кўрсатган жойга қаради – чиндан ҳам кизнинг кенг пешанасида пашша чакқанда қоладиган, кўпчиликнинг юзи, бурни чеккасида бўладиган из ялтираб кўзга ташланиб турарди. Аммо у ҳам Нодиранинг кўркам хуснини буза олмаган, айтиш мумкинки, ҳатто ярашганди.

– Хўп... кўраяпман ҳам дейлик, – деди Давланов ўша оҳангда. – Нима эди?

– Ахир, мен уларни эслаган пайтларда доимо шу ҳақда гапирадим-ку! – ҳўнграб юборди Ҳожар.

Давланов аёлининг қўлини пастга туширди.

– Биламан, айтардинг. Лекин...

– Нима “лекин”?! – балки умрида илк бор эрига шан-ғиллаётганди аёл.

– Лекин аканг уларни олиб Афғонга кетган! – энди Давланов ҳам бақириб юборди. – Ҳа! Бўлмаса, аллақачон дараги чиқкан бўларди! Келарди качон бўлмасин! Агар булар сен айтгандек жиянларинг бўлганда, ўзлари билмасми? Тўғрими? – мурожаат қилди у Раҳимовга. – Сиз ўзингиз айтинг бу аҳм...

Раҳимов томоқ кирди – назарида ҳақиқатга жуда яқин ҳолат ҳақида гап кетмоқда эди. Ҳатто белгиси ҳам мос тушаяпти-ку! Лекин, шу исботми? Наҳотки биргина яранинг изи деб, иккиси ака-сингилга чиқиб қолса!

– Мен ҳам ҳайрон қолгандим... яъни демоқчиманки, улар ўртасидаги ҳайратланарли ўхшашликни мен ҳам сезгандим. Лекин менини тахмин бўлганди холос, янгам эса... билмадим тағин. Ростдан ҳам мана шу яра ҳақида, – Нодиранинг пешана-сига хижолатомуз кўз ташлаб олди у, – гапирамиди? Ўзингиз кўрмаган эдингизми?

– Йўқ. Ўшанда эндиғина оила қургандик. Тўғри келмаганди... ёки эътибор бермаганманми... билмадим! – бўлиб-бўлиб жавоб қайтарди Давланов.

Махсумга бу баҳсу мунозараларнинг бари ниҳоятда ғалати туюлаётган, гап нима ҳақида кетаётганини сал-пал англай бошлаган, Ҳожарнинг хушдан кетиши ҳам мана шу икки “ёш специалист” билан боғлик эканлигини тушуниб етган, уларни ўзининг качонлардир йўқолиб қолган (“Аканг улар-

ни олиб Афғонга кетган эди” – дедими эри? Бу жуда қизик!) “племянник”лари деб тахмин қилаётгани, баъзи бир “факт” ларни ҳам рӯкач этаётганини (у ярага бир сония кўз ташлабок, нима эканлигини тушунганди – пиндинка чақкан! Бу ернинг одамлари терисида тез-тез учраб турувчи “ёмон яра!”) билган, ўзига ҳеч ким эътибор бермай қўйганидан фойдаланиб, Яшар ва Нодирани бемалол кузата бошлаган ва у ҳам худди бошқалардек фикрга келганди – бир-бирига “копия”!

Лекин наҳотки, шу гаплар рост бўлса?

– Тушунмадим, нега жанжаллашайплизар? – вазиятни бир оз бўлса-да юмшатиш учун оғзини катта очиб илжайди у. – Бу спорнинг кимга кераги бор? Қариндош бўлиб чиқсаларингиз, бунинг нимаси ёмон! Яна нима керак сизларга? Шод бўлиш ўрнига жанжал килиб... Ай-яй-яй!

Унинг сўzlари Ҳожарга мойдек ёкиб тушди:

– Айланай сиздан, дўхтуржон! Ана, ўзингиз қаранг! – илтижо қилди аёл уни ҳимоя қилувчи одам топилганидан йифинида бас қилиб. – Наҳотки, ўз жигарларимни танимасам! Ахир, Зухранинг (Нодира титраб кетди) пешанасида шу яра пайдо бўла бошлаганда, янгамдан ташқари ўзим ҳам шу жойига ҳар куни малҳам қўядим! Бутунлай тузалиб кетсин, қиз бола, айбили бўлиб колмасин деб! – У яна Нодирага юзланди. – Ўзим айланай сендан! Барчиндек қиз бўлибсан-а!

Нодирани аллақачон жиянига чикариб қўйган Ҳожар энди факат унинг пешанаси-ю кошу кўзига термулар, ҳатто Яшарни ҳам унугтанди, ваҳоланки, бу машмашаларнинг барчаси бутунлай ўзини йўқотиб қўйган мана шу йигит илк бор дарвозадан кириб келгандан сўнг бошланганди.

Яшар эса сира кутилмаган воқеа нима билан тугашини билмай, караҳт ахволга тушганди. Унинг юраги гурс-гурс урар, кўзига Нодиранинг пешанасидаги яра изидан бошқа ҳеч нарса қўринмасди: наҳотки?! Наҳотки, бу киз ўзи кўпдан бери – ҳатто эсини таниганидан бўён! – биладиган Нодира эмас, кандайдир... Зухра?! Наҳотки, мана бу аёл уларнинг аммаси?! Унда ўзи ким?! Унинг эгизагими?! Исми... Ҳасанми?! Шу ерда туғилганми?! Наҳотки, улар – кўпчилик шу пайтгача тахмин килганидек! – ростдан ҳам ака-сингил?!

Ҳожар худди бир нима тусатдан эсига тушгандек ялт этиб Раҳимовга қаради:

– Малим... шуларми сиз айтган ёш ўқитувчи... лар? Наза-

римда, сиз... – у қўлини пешанасига қўйиб, ниманидир эслашга урина бошлади.

– Ха, – бош ирғади Раҳимов. – Сизлардан жой сўра-ётганимда бир киши ҳақида гапиргандим. Аммо, кўриб турганингиздек, иккови экан... Яшар ва Нодира.

У беихтиёр оғзидан чиқиб кетган исмлардан сўнг аёлга кўрка-писа кўз ташлади: шовқин кўтартмаса эди яна!

Аммо Ҳожар ундан қўлмади, унга узоқ пайт тикилиб турди, сўнг надомат билан бошини чайқади, нафақат Раҳимов, қолганлар ҳам бу ҳаракат маъносини тушундилар.

Энди аёлни Нодирадан бошқа ҳеч ким қизиқтирмасди.

– Айланай ўзимнинг сулувимдан! – деди у ёнида ўтирган қизнинг сочини силаб. – Акам... яъни, сизлар Афғонга кетмов-диларингми ўшандা?

Нодиранинг киприкларида ёш пайдо бўлди:

– Билмайман, хола.

– Хола?! – бирдан ранги ўзгарди анчагина мулойимлашиб қолган Ҳожарнинг. – Нега ундан дейсан?! – қичқирди у. – Айтдим-ку, аммаларингман деб! Наҳотки сен ҳам ишонмаётган бўлсанг?! – Нима дейишни билмай бошини янада пастга эгган Нодиранинг юзидан шашқатор ёш тўкила бошлаганини кўрган Ҳожар уни бағрига олди. – Йиғлама, нега йиғлайсан? Энди топишганимизда-я! – Сўнг қизни ўзидан сал узоклаштириб, юзига қаради. – Акам қаерда?! Тирикми у?! Гапирсанг-чи!!! – телбаларча қичқирди у, сал олдин Нодира, ундан-да илгари Яшарнинг ота-оналарини умуман кўрмаганлари ҳақида айтган кескин, бир оз кинояли сўзларини яна ёдидан чиқариб.

Нодира пиқиллади:

– Билмайман, хола... – хавотир ила бошини кўтартган қиз ўзига еб қўйгудек тикилиб турган аёлнинг нигоҳига дош беролмай, яна эгилди. – Мен... отамни сира кўрмаганман. Яшар ҳам.

– Қанака Яшар?! – энди бор овозда ҳайқириб юборди Ҳожар. – Нималар деяпсан, тентак қиз?! У аканг бўлади! Исми Ҳасан! Наҳотки шу пайтгача билмасанг?! Иккаланг бирга эмас-мидиларингми ҳали? Нега унда бирга келдинглар?! Нима учун бирга юрибсизлар?!

Раҳимовнинг назарида кетма-кет берилаётган бу саволлардан қиз хушидан айриладигандек эди.

– Янга! Ўзингизни босинг! У ҳеч нарсани билмайди! Илти-

мос, сал ўзингизни қўлга олинг! Бас қилсангиз-чи бечора қизни қийнашни! – овозини кўтарди у ўзига қулоқ солмаётгандари ни кўриб. – Кўрмаяпизми ахволини! – Нодиранинг ахволига ростдан ҳам ачинмасдан қараб бўлмасди: бутун вужуди дирдир титраб, кўз ёши шашқатор оқарди. – Мен ҳаммасини сизга айтиб бераман! – Ҳожарнинг оғзини очганча қараб қолганини кўрган (“Ҳаммасини”, дейдими?! Нега шу пайтгача жим турибди унда?!) Раҳимов ўзига ортиқча баҳо бериб юборганини сезди ва чайналиб қолди. – Янга... айтишди-ку, буларингиз (у энди хеч қанақа исмни аташни истамасди) гўдаклигидан етимхоналарда катта бўлишган. Балки, сиз ўйлаётгандек, акангизнинг фарзандлари бўлиб чиқишар, аммо буни ўзлари билмайдилар! Бу ерга бирга келганларининг сабаби эса... ҳа, доимо бирга бўлишган, бир жойда ўқишишган... Шунинг учун-да! Озгин на сабр қилсангиз, ҳаммаси аниқланиб, жой-жойига тушади! Мана, иккови ҳам ёнингизда турибди-ку!

Махсум унга мамнун кўз ташлади: “Молодец, директор! Бу апай шашиятир!”

Ўртага тушган жимликни энди юм-юм йиғлаётган Нодира бузарди холос. Ҳожар уни яна бағрига босиб, ҳўл бўлиб кетган юз-кўзидан чўлп-чўлп ўпди, титраётган кўллари билан сочларини силаб-сийпалади:

– Амманг ўлсин... Ҳали шундай кўргуликларга дуч келдиларингми! Бўлди, йиғлама! Мен ҳам йиғламайман! Ҳаҳ, замонангга ўт кетсин-а! Сенларни шу кўйга солганларнинг бошига бундан баттар кунларни солсин-а, худойим!

Шундай дер экан, гарчи йиғламасликка ваъда берган бўлса-да, кўзидан тинмай ёш оқар, тили учиди ҳамон турфа хил саволлар айланар, аммо ўзига зуғум билан қараб турган эри, ҳозиргина дакки берган Раҳимовдан ҳайқиб, индай олмасди.

Сира кутилмаган можаро бошланиб кетгани боис Ҳожарнинг ёнида чўқкалаганича қолган ва ўзи ҳам буни эндинги на пайқаган Махсум яна илжайди, ҳамон қўлида тутиб турган нашатирли шишани қутига қайта жойлаб, ўрнидан турди.

– Мен борай энди, – деди у хеч кимга қарамай. – Бу ерда қиласдиган ишим қолмади. – Кетар олдидан Яшар ва Нодирага яна бир бор кўз ташлаб, бошини маъноли чайқади-да, дарвоза томон юрди. Ҳовлидан чикқач эса, кузатгани ортидан эргашган Давлановнинг енгидан енгилгина тутди. – Агар яна тоби

қочиб қолса, уйда бўламан. Лекин айтиб қўяй – аёлинг рост сўзлаётганга ўхшайди!

– Ақл бовар килмайди! Наҳотки сен ҳам...

Махсум калин шишили кўзойнаги ортидан таънаномуз боқди: “Мнение”сини айтди, шекилли? Яна қайтариш шартмикин?

Давланов кайтиб ҳовлисига кирганда Раҳимов, Яшар, Но-дира жой-жойларида турғанларича хаёлга толишган, ўзини бир оз босиб олган шекилли, ошхонада куймаланаётган Ҳожар энди меҳмонларга дастурхон ёзишга ҳозирлик кўраётганди. Ора-сирада унинг куйиниб, ўрганиб йиғлаётгани, кимнидир, ниманидир карғаётгани эшитиларди:

– Ҳах, замонларингга ўт кетсин-а! Ҳах сенларни бу кўйга солганларнинг...

Бешинчи боб

Ўша пайтда ростдан ҳам замонга ўт кетган эди.

Аввалига аллақаёқларда – узок Россияда қандайдир инқилобми-ей ёки шунга ўхшаш нарса бўлганини ҳали Бухоро амирлиги тасарруфида бўлган бу чекка кишлок аҳолиси ҳам узунқулоқ гап-сузлардан эшитиб юрди. Бутун ўлкада бўлгани сингари, қаердандир пайдо бўлиб қолган доҳийлар-у улар ташкил этган ўта халқпарвар хукумат ҳакида турли-туман миш-мишлар бу ерда ҳам кезиб юрар, аҳоли гўё бойларнинг мол-мулкини йўқсилларга бўлиб беришаётгани, ўзларини эса қулоқми-ей, яна алламбалолар қилиб ҳар томонга бадарға қилишаётгандар, қаршилик кўрсатганларини эса қамоқхоналарга тикишаётгани, ёки бўлмаса, тўғридан-тўғри отиб ташлашаётгани ҳакидаги хабарларни гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай қабул киласди.

Сал ўтмай Туркистоннинг Россияга тобе аллақайси жойларида “босмачилик” деган харакатнинг бошланганини ҳам билиб олишди, аммо бунинг нима эканлигини узок вақтгача тушуна олмадилар: “Кимни босишади? Бойларни, камбағалларими? Ёки бирваракайига иккаласини ҳам? Мақсадлари нима? Шўро (номи жуда ғалати-я! У нимани англатса?) хукуматига қарши курашаяптиларми? Лекин бу хукуматни жуда халқпарвар дейишаяпти-ку!”

Шу тариқа орадан бир-икки йил вақт ўтди ва ўзлари тасар-

руфида бўлган амирлик тугатилгани, унинг ўрнига қандайдир... ха, “халқ республикаси” деб аталувчи ҳокимият тузилгани ҳакида гап чиқди ва дарҳақиқат, ўша миш-мишларнинг баъзи бир унсурлари бу ерда ҳам бўй кўрсата бошлади: шу пайтгача бунда амирликнинг маҳаллий вакиллари иш олиб боришиар, дейлик, ҳалқдан солиқ йиғишар, бошка турли-туман ижтимоий муаммоларни у ёки бу тарзда ҳал килишарди. Энди эса уларнинг ўрнида – бир кечада қаерга гумдон бўлишганини ҳеч ким билмай қолганди! – шапка ва ҷарм камзул кийган, камариға наган таққан кишилар пайдо бўлди. Уларни дубулғасимон бош кийимларида кизил юлдуз тасвири туширилган бир тўп аскарлар кузатиб юришар, ўзлари ҳам бошдан-оёқ куролланиб олишганди. Баъзи бирлари мусулмон йигитлари бўлса, баъзиларининг кимлигини мутлақо билиб бўлмасди – на тили, на ранг-рўйидан.

Кўп ўтмай ҳалқ сайиллари бўладиган майдонда деярли бутун аҳоли иштирок этган катта йигин (барчанинг иштирок этишини таъминлаш мақсадида уйма-уй юриб тарғиб қилинганди) ўтказилди.

У қай кўринишда бўлмасин ҳар қандай янгиликка ўч одамлар учун бу нарса жуда қизик туюлди ва шундан бўлса керак, оғир хаста, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрдаги қариялар, эмизикили жувонлардан ташқари барча – ҳатто паранжи-чачвондаги аёллар ҳам! – айтилган жойга айтилган вақтда етиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, одамлар умрлари бино бўлиб, бундайин катта йигинни кўрмаганди.

Нотиқнинг нари-бери ясалган минбардан ҳайқириб, кўлларини ҳавода силкиганча айтган дастлабки сўzlари жуда ғалати ва тушунарсиз бўлди: “Улуғ октябрь социалистик революцияси”, “Доҳиймиз Ленин”, “Пролетариат диктатураси”, “Коммунизм”... Кейин у йиғилган оломон сал-пал тушунадиган ибораларга ўтди: “Россиядаги оқ пошшо ҳукумати уч йил олдин, Бухоро амирлиги эса куни-кеча тугатилди, Москов, Петроград ва Туркистоннинг марказий ўлкаларида шўро ҳукумати аллақачон ўз фаолиятини бошлаб юборди, бутун ўлкада, шу жумладан, Бухорода ҳам ҳалқ ҳокимияти ўрнатилди, унинг шабадаси энди сизларга ҳам етиб келди, бундан буён бу ерда ҳам ҳалқ ҳукумати ва унинг вакиллари иш олиб боради, ушбу ҳукуматнинг факат эзилган ҳалқ манфаати йўлида фаолият юритувчи идоралари иш бошлайди, бунинг учун эса...”

Кейинги сўзлардан миш-мишларнинг жуда тўғри эканлиги маълум бўлди: ростдан ҳам шўро ҳукуматига бойлар керак эмас бўлиб, мол-мулклари тез орада оддий халқقا бўлиб берилар экан, зеро, энг олий мақсад – барчани тенг килиш. Асосий шиор – “Ишламаган тишламайди!”

Нотик шиорга айлантирилган бу мақолни жуда ўрнига қўйиб, нутки давомида кўп марта қайтарди. Масжиду мадрасалар эса мутлақо ортиқча – шўро сиёсатига тўғри келмайдиган, қисқача айтганда, эскилик саркитидан бошқа нарса эмас экан. Тез орада янгича таълим бериладиган мактаб, касалхона иш бошларкан. Иккиси ҳам бепул, албатта.

У ниҳоятда моҳирона айтган сўзлари охирида йиғилганлардан шўро ҳукуматига хайриҳо бўлишларини сўради, агар шундай килишса, ҳаётлари тезда яхшиланиб кетишига катта-катта ваъдалар берди.

Унинг аввал жимгина тингланган дастлабки сўзларидан сўнг одамлар орасида шивир-шивир бошланганди: наҳотки ҳамма айтганлари рост бўлса? Амир тахтдан йиқилибдими? Унда, юртни ким бошқаради? Уни ҳам амир деб атайдиларми ёки бошқача? “Халқ республикаси” дегани нимани англатса? Турмушларингизни яхшилаймиз деганлари-ку яхши, аммо, масжид, мадрасаларни ёpmoқчи бўлганлари нимаси?

Бойларнинг мулкини камбагал халқقا бўлиб берамиз, дедими? Ким ўз мулкини бериб қўяркан! Тўғри, бизда бойлар бор, баъзилари ноинсоф, лекин ҳаммаси ҳам мана бу нотик айтиётгандек “халқ қонини ичиб...” Ким бой бўлишни истамайди! Боз устига, ҳамма ҳам бой бўлиб қолавермайди – бунинг учун Яратганинг суйгани бўлишинг керак! Кўпчилик ўшаларнинг орқасидан тирикчилик қилаётир-ку! Қандай қилиб уларнинг мулкини олиб қўйиш мумкин? Тешиб чиқмайдими бирорвнинг нарсаси? Кўз-кўзга тушмайдими? Лоп этиб эртага бошқа гап чиқиб қолса, бир-бирлари билан кирпичок бўлгани қолмайдими? Бойлар бегона эмас, осмондан ҳам тушишмаган – ҳаммаси ўзлариники. Қон-қардошлиқ иплари билан боғланишган, тўй, жанозалари бир. Бир кун келиб ҳаётдан кўз юмишса, қўйиладиган жойлари ҳам бир. Ана, ҳаммалари – бойми, камбагалми, фарқи йўқ – бир куни бориладиган жой!

Йигин ўтаётган жойдан сал нарида, бир-бирига мингашиб кетган икки улкан тепалик узра Лангар қабристони ястаниб ётарди. Нафақат шу яқин-атроф ахолиси, балки

узоқ-узоклардагилар ҳам бу ерга бир неча асрлардан бүён үз яқынларини күйишар, күплар учун бундай баҳтга эришмокнинг ўзи катта шараф эди.

Тепаликларнинг бирида – энг баланд жойида – маҳобатли масжид савлат түкиб турибди. Унисининг худди шундай жойида пиру авлиёлар жасади қўйилган хонакоҳ. Лангарнинг кўпчиликни ташкил этувчи кашшоқ аҳолиси уларнинг қабрини зиёрат килишга келувчилар очиккўллик билан қиладиган хайр-эҳсон ортидан тирикчилик килишади...

Оломон орасида ҳамон шивир-шивир давом этар, гўё хукумат вакилларининг шу ерда эканлиги ҳам унутиб қўйилгандек эди. Бир пайт нотиқ қўлини осмонга баланд кўтарди:

– Тинчланинглар! – қичкирди у. – Кимда саволлар бор?

Оломон жим бўлиб қолди. Нотиққа айнан шу нарса керак эканми, савол-павол кутмай, томоғини калта йўтал кўмагида тозалаб, давом этди:

– Унда сизларга янада яқин бошқа режаларимиз билан танишинг. Камбағаллар манфаатини ўйлаб тузилган янги хукуматга шу ернинг ўзида хизмат қилувчи вакиллар жуда зарур. Истаганлар аскарликка ёзилиши, ҳалқ милицияси сафида хизмат қилиши мумкин. Мана! – у ўзларини кузатиб келган ёши турли хил отлик аскарларни қўли билан қўрсатди. – Қаранглар! Ҳақиқий шоввозлар эмасми? Ким бизга содик хизмат қилса, унинг учун ҳамма нарсани мухайё қиласиз: худди мана шу йигитларга бўлгани каби мунтазам маош, от, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқалар. Амирнинг ковушини тўғрилаб қўйган ўртоқ Фрунзе¹ қизил армияга маҳаллий аҳолидан ўттиз минг аскар олиш ҳақида фармон чиқарган. Қани, ким биринчи? Марҳамат, қўрқмасдан чиқиб, мана бу ўртоқнинг – у ҳамроҳларидан бирига имо қилди – ёнига келиб, номларини ёздиришсин. Ҳа, олдиндан айтиб қўяй, бизга хизматга кирган киши ўша пайтнинг ўзидаётқ ҳукумат қарамоғи ва ҳимоясига олинади. Бола-чақаси билан! Эшитаяпсизларми? Агар жуда яхши хизмат қилса – мукофотланади, увони, мартабаси ошади...

¹ Фрунзе М.В. – Шўро давлат ва ҳарбий арбоби. 1919 йил июлдан 1920 йил сентябригача Туркистон фронти қўмондони бўлган, Үлкадаги истиклолчилик ҳаракатини бостириш ва Бухоро амирлиги ҳамда Хива ҳонлигини ағдаришда фаол иштирок килган.

Яна ғала-ғовур бошланганда гиҗинглаб, безовталаниб турган бедов от устида ўтирган ок-сарикдан келган пахлавон келбатли йигит оломон орасидан ёриб чиқди. Күпчиликнинг, шу жумладан, нотиқнинг ҳам нигоҳи унга қадалди:

– Баракалла, азамат! – юзи ёришди унинг. – Қани, яқинрок кел, мана бу ўртоқ ёнига.

Лекин йигит унга нафрат билан бир қараб қўйди-да, каттиқ қамчи урилган отини бутунлай бошқа – қишлоқ томон солди.

Мулзам бўлган нотиқ оломон кулгуси остида унинг ортидан бир зум қараб тургач, яна йигилганларга юзланди.

– Ким у?! – бу сафар товушида очиқдан-очик зарда бор эди. – Оти, эгнидаги чопонига кўра бойваччаларга ўхшайдику! Сизнинг қонингизни канадек сўриб ётганлардан бирими? Шунаками? Менинг сўзларим ёқмабди-да! Албатта ёқмайди! Биз айни шунақаларни таг-туги билан йўқотиш учун халқ ҳокимиятини туздик! Майли, қочиб қаёкка борарди! Унақаларнинг жойи Сибир!

У шундан сўнг кўкариб-бўзарганча янги ҳукумат ўз душманларига қарши қандай жазолар қўллашини йигилганларга тушунтира кетди. Энди унинг илгариги ширин, очик юз билан айтилган, халқ мақоллари билан тўла сўзларидан асар қолмаганди.

Нихоят нотиқ (унинг фамилияси Ҳайитов бўлиб, Россияда бўлиб ўтган талатўларнинг бошидаёқ янги ҳукуматни ёқлаб чиқкан ва раҳбарлар эътиборига тушганди. Бухоро амирлиги тугатилиб, ўрнига “халқ республикаси” барпо этилгач, унинг жойлардаги тарғиботчисига айланди. Ҳайитовнинг ёши қирқларда бўлиб, қаримсиқ юзи заҳил, чакка соchlари окара бошлаган, қирра бурни чап томонига қийшиқ, қад-қомати бесунакай, аммо сўзга уста, ўзига юклатилган вазифани кўп ҳолларда ортиғи билан адо этувчи одам эди) яна бир марта истовчиларни хизматга таклиф этиб, йигинни ёпиқ деб эълон қилганида ўзаро шивирлашганча уй-уйларига таркалаётган одамлар орасидан бир неча ёш-яланг аста-секин ортда колиб, Ҳайитов кўрсатган вакил қаршисида “саф тортдилар”.

Бошлирини ҳам килиб турган бу йигитлар болалигиданоқ ота-онасидан етим қолганлар бўлиб, бири кимнингдир эшигига қарол бўлса, бошқаси бир бурда нон эвазига қишин-ёзин кимнингдир моли, йилкисини бокар, ётадиган жойи эса сайисхона эди.

Вакил йигитлардан ким эканликларини сўрашга улгурмай, Ҳайитовнинг ўзи уларни сўрокка тутди:

– Хизматга кирмоқчимисизлар? Яхши. Кафолат бераман – хеч кимдан кам бўлмайсизлар! Лекин олдин айтинглар-чи, ҳалиги от чоптириб кетган йигит... Исли нима? Қаерда туради?

Ҳайитов барчанинг кўз ўнгидаги ўзини ерга урган йигитни кечира олмаётганди, қандай бўлмасин тезроқ ўч олиш истаги юрагини ўртамоқда эди: ўзингга ҳам, хукуматингга ҳам тупурдим! – дегандек қилди-я, ярамас!

Йигитлар гап ким ҳақида кетаётганини дарров илғадилар, улардан энг нимжони (оғир турмушдан қутулишнинг энг яхши чораси мана шу йўл эканлигини ички бир туйғу билан англаған, ниманидир, дейлик, ўта нимжонлигини баҳона қилиб – ана, янги хукумат вакиллари билан келган аскарлар қандай ўқтам йигитлар экан! – хизматга олмасликларидан жуда кўркаётганди) ерга қараганча минфирилади:

– Малла.

Олтинчи боб

Ҳар баҳор сурувларини ёнма-ён жойлашган ушбу тепаликлар пойидан хайдаб ўтишига қарамай, бирон марта ҳам бу каби ҳодисанинг шоҳиди бўлмаганди: “Ким у? Қаёқдан пайдо бўлди? Кўриниши бунчалик кўркам ва хатти-харакати бунчалик ўзига ярашган! Нима қиласанти? Наҳотки шу ердан бошқа намоз ўқийдиган жой бўлмаса унга?”

Теварак-атрофда яшовчи барча қабила ва уруғлар тилига тушиб, аллақаердан пайдо бўлгани ҳақида гап-сўз юрган ғалати мусоғир балки шудир? Аввал у ҳақда “бирон муттаҳам-фирибгар бўлса керак”, кейин эса “тарки дунё қилиб, шу ерларни ўзига макон тутган ғарип экан” деган миш-миш тарқалди. Аммо қабиладошлари билан ўрмонда яшовчи бир кариянинг сўзига кўра, бутунлай бошқа сабаб билан бу ерга келиб колибди. Унинг бу ерларда пайдо бўлиши Оллоҳнинг бизга кўрсатган муруввати экан. “У ҳали бизни бутун мусулмон ва номусулмон ўлкалари аро шарафларга буркайди!” – деганди кария мана шу йигитга таъриф берар экан.

“Ха, ўша шекилли. Менинг шу ердалигим, ён-атрофидан юзлаб кўйининг маъраб ўтишига ҳам эътибор қилмаётир. Одам

ҳам шу даражада ўзини унугиб тоат-ибодатга бериладими! Қаердан унда бунчалик эътиқод, маслагида бу даражада событилик? Нега биз у каби эмасмиз? Нега у бизга ўхшаб бугуннинг тириклиги эмас, Оллоҳ васлига умидворлик, унинг ишқи билан яшайди, одамларни факат шу йўлдан боришга ундаиди (лекин, ҳалигача бирор унга эргашганини кўрмадим, эшитмадим)? Мен, мисол учун, ундан фарқли ўлароқ, бойлик тўплаш, ўзим ва якинларимнинг тўкинлигини таъминлашни ҳаётнинг асл мазмуни, деб билдим. Наҳотки шу кунгача хато яшаб келган бўлсам? Лекин у танлаган йўл – ишқилиб, мусулмончиликка зид бўлиб чиқмасин-да! – унга ва умуман одамларга нима беради? Ёшина умрини бу тарзда бесамар ўтказиб (қариянинг у билан қилган бир неча мулокотидан сўнг олган тушунчасига кўра, шайхлик мақомини олиш аслида дунёning барча лаззатларидан воз кечиб, таркидунё қилиш билан баробар экан), бу тарзда яшаб юргандан кўра...”

Қўйчивон жунжикиб осмонга қаради: ана, ёмғир ҳам ёғиб юборди, у эса буни ҳатто сезмаётгандек. Бошида на ёпинғичи, оёғида на чорифи бор. Бу туришда шамоллаб, тоби қочиб қолмайдими! Ёки, бу ҳам ўша... нима эди?.. ҳақ йўлида риёзат чекишга қирадими?

Қўйчивон на кетишини, на жойида қолиб, бундан кейин ҳам уни кузатишни биларди.

Қаерда яшаса? Тириклиги қандай ўтаётиби? Яна ўша қариянинг айтишича, ҳеч кимдан кўмак сўрамас, ҳеч кимнинг ошига шериқчилик қилмас экан.

“Балки мендан қабул қилас? – ўйланиб қолди у. – Ҳа-да, бу атрофда мендан бой одам йўқ (туғрироғи, ҳаммасининг тириклиги қўл учида), мол-мулким етти пуштимга етади. Ҳеч бўлмаганда ибодатини... мана бундай ёмғиру қор тагида амалга оширмаслиги учун бирон иншоот қуриб берсам-чи? Дейлик... масжид! Айни шу ерда! Агар каттароқ қилиб қурилсанку, теварак-атрофдаги бошқа намозхонлар ҳам келган бўларди. Турли-туман боскину қирғинбарот урушлардан сўнг ҳаёт издан чиқиб, ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб юрибди. Лоакал ана шу мусофирининг хатти-ҳаракати, қилаётган ишлари туфайли бундайин тарқокликка чек қўйилар?”

Қўйчивон чукур ух тортди: ха, шунча бойликка эга бўла туриб, ҳалигача бирон хайрли ишга қўл урмади, умр эса якунiga етиб бормоқда. “Ахир, чин дунёга борганингда канча

молинг бор эди деб эмас, кандай савоб иш қилдинг, деб сўрамайдиларми? Кон чиқариб курбонлик қилиш, хайр-садақа улашиш, етим-есирнинг бошини силаш ўзини билувчи ҳар битта мусулмоннинг қўлидан келади, лекин менинг имкониятларим бу амаллардан юкори-ку! Қолаверса, шундайин баркамол йигит ҳаёти мазмунини Оллоҳ йўлига бахш этиш, ҳак йўлига кириб, Унинг васлига етишда кўрибдими, унга кўмак бериш менинг бурчим эмасми? Ўзимнинг кўнглимга-ку буни солмабди (балки ёзмишим шудир?), жилла курса шу йигитнинг ахволига томошабин бўлиб турмайин. Бу ёлғон дунёда билиб билмай килган гуноҳларимни андак бўлса-да ювиш, боқий дунёга ёруғ юз билан бориш учун балки бундай имкон бошка бўлмас?

Майли, унинг эътиқодига кўра (ҳатто мўжизалар яратишга қодир шайхлар ҳам аслида ғариблигу мискинлик тимсоли эканлар!), мен таклиф қилмоқчи бўлаётган нарса ортиқча хисобланар, аммо ҳак йўлида жонбозлик кўрсатаётган бундай инсонларни эъзозламаслик, авайламаслик гуноҳи азим! Ҳа, шундай бир кошона қуриб берайинки, токи у ҳар жиҳатдан бу йигит етган мақомга мос бўлсин! Майли, бошпанаси ҳам шундай бўла қолсин...”

Дакика сайин кучаяётган ёмғир кийғос очилган наъматакнинг новда ва ним пуштиранг гулбаргларига шатирлаб урилишни кучайтирган бир пайтда ибодатини тугатган Мұхаммад Содик ортига ўгирилди ва отдан тушиб, ўзи томон дўстона кўз ташлаб турган нотаниш кимсани кўрди.

* * *

Ҳали қурилиш ишлари бошланмай туриб, атайин Бухоро ва Самаркандан таклиф қилинган – яхшигина ҳак эвазига, албатта! – тажрибали, нозиктаб усталар ўзига хослиги билан ажralиб турувчи иншоотнинг юпқа хитой қоғозида акс этган лойиҳасини кўрсатиб, пардоз ишлари учун Самарканд ёки Бухоро, жуда бўлмаганда, Кеш усталари қўлидан чиккан беҳаклар қўллангани маъқул дейишганида, қўйчивон бир сония ҳам иккиланиб ўтирмади: “Бу ёғи энди сизларга ҳавола! Масжид шундай бўлсинки, кўрган ҳам, эшитган ҳам факат ҳавас килсин! Харажатлардан кўрқманглар: ана молим, агар етмай колса – жоним!”

Ҳажм ва кўлами жиҳатдан яқин-атроф учун кўз қуриб,

кулоқ эшитмаган күринишдаги масжид курилишига құл урганларидан вокиф бұлған уруғ, қабилалардан биронтаси үзини четга олмади. Ҳар ким имконига яраша, ҳеч қандай ҳақ тама қылмай, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меңнат қылди. Пойдевордан тортиб томни битиришгача қанча вақт сарфланған бұлса, безакларни Кешдаги усталарга буюртма қилиш, тай-ёр бұлғач келтириш учун ҳам шундан оз вақт кетмади. Үта нафис сопол ва ганч безаклар ортилған үнлаб түялар қишининг совуғи, ёзниң иссиғи демай Лангар ва Кеш орасида күп марта катнади. Сандикларда олтин ёки кумуш бұлса керак (ахир, юқ оғирлигидан түялар аранг оёқ босишаради-да!) дея фараз қылған кароқчи тұдалари бир неча марта карвонларға хужум қилишди, аммо үzlари учун ҳеч қанақа қиймати йўқ буюмларни қўриб, хафсалалари пир бўлиб, алам устида аввал карвон аҳлини яхшилаб дўппослашгач, юкларни жарга улоқтиридилар.

Нихоят, шу каби йўқотишлар, кўзда тутилмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлған ортиқча харажатлар, кийинчилик ҳамда азобларнинг барчаси тугаб, қуриб битказилған масжид бор гўзаллиги билан намоён бўлганда, кўйчивоннинг кўрасида битта қари така ва биргина касалманд кўй қолганди.

Барчанинг юз-кўзида ҳаяжон ва қувонч аломатлари барқ урад, гуур ва ифтихор туйғуси дилларни забт этганди. Аммо үша дилларни хира қилиб турған бошқа бир нарса ҳам бор эди: ахир, кўйчивон хонавайрон бўлди-ку! Ҳазилми – тўрт минг бош кўй бир йил ичида сув бўлиб кетса! Қачон, ким энди уларнинг ўрнини тўлдиради! Умуман, тўлдириб бўлармикин?

Беихтиёр ҳамма бошлар у томонга ўгирилди: кўнгил сўраш, ҳеч бўлмаганда, миннатдорчилик билдириб қўйиш керакмиди...

Бироқ ҳаммаси аксинча бўлди.

– Раҳмат сизга, эй аҳли мусулмон! – ўрама камчи тутган ўнг кўлини кўксига кўйиб, эгардан сал узилганча халойикқа караб қичкирди қўйчивон. – Нима ишларга қодир эканлингизни яна бир марта кўрсатдингиз! Бу обида насиб бўлса ҳаммамиз учун кутлуг бир даргоҳга айланади! – У мармар зиналарда туриб, бир-бирини муборакбод этаётган меймор-усталарга юз тутди. – Заргарона ишларингиз учун сизга ҳам ташаккур! Бунёд этганингиз бу иншоот асрлар бўйи яшаб, кейинги авлодлар кўзини ҳам қувонтиришига ишончим ко-

мил! Құлларингиз дард күрмасин! – У күзлари намланиб турған Мұхаммад Содиққа ҳам шу тариқа миннатдорчilik билдирмокка шайланди, аммо энг сұнгги пайтда фикри ни үзгартириб, отдан сакраб тушди ва қаршисида тиз чүкиб, хирқаси этагини күзларига сурди:

– Пириим! – деди у ҳаяжонини боса олмай. – Ҳа, бугундан бошлаб сиз менинг ва мана шу бизга қараб турған барча мусул-монарнинг пирисиз! Нима бұлғанда ҳам, энди биз факат сизга әргашамиз ва хизматингизда бұламиз! Ҳақ йүлида Яратған ва пайғамбаримизнинг назари түшгап сиздек одамға ҳамнафас ва ҳамроҳ бұлсак, армонимиз қолмасди! – У бир пасгина нағасини ростлади. – Менга келсак, қылған ишимдан асло пушай-мон әмасман! Миннат ҳам қылмокчи әмасман, зеро күнгилдан қиқарыб қилинган ишга ҳеч қанақа миннат араплашмайди...

Мұхаммад Содиқ, уста-меъморлар, тұпланған халойик – ҳаммаларига яна бир бор таъзим қылғандан сұнг оти бошини уйи томон солған құйчиконнинг ортидан күнгиллариде турли хил үй билан (уларнинг аксариятида ҳамдардлик қоришик әди) қараб туришарди.

Күпминг қўйли бойдан бутунлай қашшок кимсага айланған, аммо юраги шу пайтгача бирон марта туймаган қувончдан энтикиб кетаётган қўйчиконнинг оти ҳали ўн кадам қўймай...

– Уйингга боравер ва орtingга ўғирилма! – буюради ғойибдан келиб, факат унга эшитилаётган овоз.

Овоздан сергакланиб жиловни тортган қўйчикон иккиланиб қолди, ортидан янграётган маърашларни эшитиб таажжубланди, аммо ўғирилиб қарашиб журъати етмади – ҳар ҳолда, унга шу нарса буюрилмокда әди. Қани кетаверсин-чи, бу ёғи нима бўларкин!

Нима бўларди – уйига яқинлашгани сари ортидан келаётган маъраш товушлари тобора қаттиқроқ янграр ва бу товушлар энди ўн, юз ёки мингта қўйникидан-да кўра...

Ё кудратингдан! Нималар бўляяпти ўзи! Тўғри, шу пайтгача у барча қўйлар бир хилда маърайди, деб ўйлаб юради, лекин ортидан айни ўзига тегишли бўлған қўйларнинг товуши эшитилмокда-ку! Қандай қилиб уларни бошқалардан ажрата олмаслик мумкин!

Қўйчиконнинг ҳаяжони ортгандан ортиб борарди. Балки... тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун дейман-да... шундок қўз кирини ташлаб олса бўлар? Ким кўриб ўтирибди!

— Уйингта боравер ва ортингга ўтирилма!

Қўйчивон чўчиб тушди: “Ҳа, Оллоҳ ҳаммасини кўриб тургувчиидир! Ҳа, бу қўйлар ўзиники ва фойибдан келаётган товуш ҳам фақат Яратганинг ўзига тегишли!”

У бирон марта ортига ўтирилмади ва рўй берадиган бу мўъжизани ўзидан бошқалар: уста-меъморлар, масжид қурилишида жонбозлик кўрсатган халқ, шу жумладан, эндиликда пирига айланган Мухаммад Содик кўрдими-йўқми, била олмади.

Еттинчи боб

Биринчи учрашгандаридаёқ янги ҳукумат томонидан номи қора рўйхатга тушган ушбу йигитнинг хатти-ҳаракати бекорга эмасди, нима учун бундай қилаётганидан қишлоқдаги саноқли кишиларгина хабардор эди.

Болалигига мулла Жалил исемли мактабдордан таълим олганидан сўнг (унчалик катта бўлмаган ушбу мактаб масжид кошида фаолият юритарди), ўғлидаги иқтидор, ўзида эса шунга етар маблағ борлигини билган ота (ўзи ҳам ўқимишли инсон бўлиб, Малла дастлабки таълим мини ҳали мактабга бормай ундан олганди) ўқишини яна давом эттириши учун катта ниятлар билан Бухорои шарифга етаклаб, нуфузли мадрасаларнинг бирига жойлаштириб келганди. Айтиш жоизки, бунга кўпчилик лангарликларнинг курси етмас, аксарият ҳолларда у каби ўсмирларнинг бунингдек мақсадлар билан борар жойи Фузор, Қарши ёки шахри Кешдан ошмасди.

Она, албатта, ёлғизгина ўғлини бағридан узоклаштиргиси келмади. Ахир, барча толиблар учун бирдек – баҳордан то эрта кузгача давом этувчи таътил ҳисобга олинмаса, бошқа пайтларда уйга кетиш учун рухсат беришмас экан-ку! Болагинасининг иссик-совуғидан ким хабар олиб туради? Бу давр ичидаги бетоб-метоб бўлиб қолмайдими! Ўзи-чи? Уни соғиниб, ҳар куни йўлига кўз тутмайдими! Худо кўрсатмасин-у, агар бу ерда бирон нима рўй берса – айниқса ўзининг тез-тез мазаси бўлмай туриби – шунча йўлдан бориб ким унга хабар беради? Етиб келишга улгурадими?

Она кўп уринди, балки эрини ҳам қўндира оларди, лекин – энг сўнгги пайт – шундай қилса, билимга ташна боласининг кўнгли чўкиб қолишидан хавотирланиб, ноилож рози бўлди.

Шу тарзда Малла уч йил Бухорода нафакат мадраса тупроғини ялади, балки отаси ва мулла Жалил пайқаган иктидорини намоён қилиб, мударрислар эътиборига тушди, бегона, турли-туман ҳалку элатлар яшайдиган шахар бўлишига қарамай, шу ерда ҳам дўсту ёр орттириди, ок-корани таниди, жумлаи оламда бўлаётган ҳодисалардан ҳаминқадар боҳабар бўлиб, дунёқарали кенгайди ва табиийки, жисмонан анча улғайди.

Аммо фаришталар яхши ниятга ҳам, ёмон ниятга ҳам омин дейиши рост эканми, сўнгги марта уйига келганда онасининг жуда оғир аҳволда ётгани устидан чиқди. Нафакат Малла, унинг ўзи ҳам кузгача тузалиб кетишига умид килганди, лекин бундай бўлмади. Тўғри, оёққа турди, аммо Малла онасини бу ҳолда ташлаб, бирон ёққа кетишини ҳатто тасаввур қила олмасди. Онанинг аввалги – ўзи қўркиб юрган хавфлардан-да воз кечиб (пешанада бори – ҳали ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас, болагинамнинг шунча йил чеккан заҳмати ҳавога соврулмасин!), ўғлини кетишига бир-икки марта қистови ҳам натижажа бермади. Бунинг устига, ўқиш даврида ён-атрофида нелар бўлаётганини кўриб юрган Малла таълимни истаган пайтда давом эттириш мумкинлиги, толиблар ўн, ўн беш ва ҳатто йигирма йиллаб мадраса тупроғини “ялаш”ларидан хабардор эди. “Худо хоҳлаб, ҳеч нарса қўрмагандек бўлиб кетсангиз, ўқиш қочмайди, – деди у кулиб, онаси бу ҳақда яна бир марта гап очганида. – Ҳозирча шу ерда, сиз ва отамнинг ёнида бўламан”.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди деганларидек, бу давр орасида кўп нарса ўзгарди: кейинги икки опаси турмушга чиқди, ўзи уйланди ва нафакат касалманд онаси, ҳали тептетик отаси ҳам оламдан ўтди. Малла турмуш ташвишлари билан бўлиб қолганига қарамай, ташлаб кўйилган ўкиши, қайтиб бормайдиган бўлса мударрисларни (роса ҳайрон қолишаётгандир, сувга чўккан тошдек нега жим бўлиб кетди деб!) хабардор қилиб қўйиш, мадраса ҳужрасида қолиб кетган китоблари-ю рўзгор анжомларини олиб келиш ҳакида тез-тез ўйларди.

Айниқса кейинги пайтларда нафакат у, балки барча лангарликларнинг қулоқларига етиб келаётган турли-туман миш-мишлар, ўлканинг турли ҳудудларида рўй бераётган воқеалардан сўнг, агар ҳозир бормаса, кейин бунинг балки имкони бўлмаслигини ҳис этиб ёки оламда нелар содир

бўлаётганини ўз кўзи билан кўриш учунми, бир сафар дабдурустдан йўлга тушди ва хеш-акраболарининг назарида мутлақо бошқа одам бўлиб қайтди: шўх, ҳазилкаш бу йигит алланечук хаёлчан, камгап бўлиб қолганди.

* * *

Отини сайисхона айвони устунига боғлаган Малла оёқлари тагидаги ернинг мустаҳкамлигини синамоқчи бўлгандек, тарстурс уриб, шахдам қадамлар ташлаб бораркан, йўл-йўлакай овоз берди:

– Ҳожар! Қаердасан? – Эшикдан ёши ўн беш-ўн олтилардаги дуркунгина, юз кўриниши Малланинг ўзини эслатадиган киз мўралади. – Отга ем сол, сув беришни ҳам унутма.

Гулбаҳор, корачадан келган, хушрўйгина жувон икки нафар гўдаги – Ҳасан ва Зухрани чўмилтириб бўлган шекилли, уларни кийинтираётган экан. Малла болаларга совук тегмаслиги учун ортидан тезда эшикни ёпди ва оstonада туриб қолди. Хона ним коронғу эди.

– Келинг, – деди Гулбаҳор турган жойидан.

– Нима, ҳар куни тогорага тиқасанми дейман? Шамоллатиб қўясан-ку! Бошка ишинг йўқми?

– Бир кун чўмилтирмасанг, ҳамма ёғи бичилиб кетади. Ушланг, шунчалик меҳрибон бўлсангиз! – деди лабининг бир четида жилмайган Гулбаҳор болаларни чаққонлик билан унинг билакларига ётқизар экан. – Кўлликларни¹ ювиб қўйишим керак. Эҳтиёт бўлинг-а.

Малла болаларни авайлаб кўксига босди, улардан таралувчи иссик тафтдан юраги ҳаприкиб кетди.

Унинг болалари!

Гапнинг очиги, бирданига эгизак фарзандли буламан, деб ўйламаган, аввал бошда бир оз хавотири ҳам йўқ эмасди: никоҳдан ўтганларидан сўнг икки йилга яқин Гулбаҳорнинг бўйида бўлмади, яқинлари, айникса аллақачон бола-чақали бўлиб кетган опаларининг (улар уч нафар эди) маслаҳатлари ва тазийклари билан ўткир нафасли эшонлару ҳамма нарсани кафтлари ёки бир парча синиқ ойнада кўрувчи лўли-фолбинларга энди кўринамиз деб туришганида, соппа-соғ, аммо ўзи сингари кўнгли хижил бўлиб юрган Гулбаҳор

¹ Кўллик – таглик.

эҳтиросга тўла тунларнинг бирида кўнгли бехузур бўлаётгани, “жуда ҳам довучча егиси келаётганини” шивирлаб айтди.

– Эсинг жойидами? – чирокнинг хира нурида унга ажаблануб тикилди Малла. – Ёзинг ўртасида-я! Каердан топаман? Пишгани бўлмайдими? Ана, томда, бир қоп туршак турибди... аввалги йилдан колган. Олиб тушайми?

– Бўлмайди, – деди ҳозирча сирни очгиси келмаган Гулбаҳор. – Яхшиси аввал буни катта опамга айтинг (Гулбаҳор барча келинлар каби эрининг яқинларини исмлари билан атамас, кайнопаларини “опам”, Ҳожарни эса “аммаси” дерди). Нимани дейсизми? Нимани бўларди, шундай... мазам бўлмаётганини-да! Балки шундан сўнг нима қилишингизни маслаҳат берар. Ҳа, айтгандек, у ёқлар анча баланд, ўрик кеч пишади, ораларида ҳали хомлари бордир. Қайтаётганингизда ўшалардан бир дўпписини териб кelasиз.

Гулбаҳорнинг сўзларида бир оз айёрлик, андаккина ҳафагарчилик бор эди: қулоғига етиб келган орқаворат гапсўзларга караганда, Малланинг катта опаси Санам у атай чақирилмаган қайси бир оиласий йифинда, “ёлғизгина, тилаб олинган укаси” албатта фарзандли бўлиши кераклиги (Авлодимизни ундан бошқа ким давом эттиради? Биз – опаларими? Бу ҳатто кулгули-ку! Киз қачон уруғ давомчиси бўлибди?), акс ҳолда, келиннинг жавобини бериб, бошқасига уйлантиришни маслаҳат солган, тозаям бўлмаса, устига иккинчи хотин олиб беришни (Худога шукр, укам чакмоқдек йигит, ким унга кизини бермайди!) ўртага ташлаган экан.

“Келганимдан буён мени ёқтирмайди. Балки уйма-уй юриб, устимга олинадиган хотинни ҳам излаб юргандир! Энди билиб олсин!” – ўйлаётганди Гулбаҳор шу сўзларни эрига айтар экан қайнопасининг режалари барбод бўлаётганидан суюниб.

Малланинг ота-онаси у уйлангандан сўнг ярим йил ўтмай бор йиккан-тикканлари ва энг кенжа кизлари Ҳожарни унга омонат қолдириб, бирин-кетин оламдан ўтгани боис, ўзаро оиласий тадбирларнинг барчасига анчагина тўқ ҳаёт кечириувчи ана шу опа ва унинг эри бўлмиш почча бош-қош эди. Колган опалари ва бошқа яқинлари ўртамиёна, ҳатто камбағалона турмуш кечиришар, ўз ўринларини билганларидан бу каби нозик ишларга бурунларини сукишавермасди.

Ҳеч нарсадан хабари йўқ Малла эрта тонгдаёқ айтилган жойга жўнади. Гулбаҳор рост айтади – бошқа кимга борсин?

Бундай пайтлар ёш келинининг атрофида парвона, керакли маслаҳатларни бериб турувчи қайноаси бўлмаса. Ўзининг ота-онаси, узоқ-яқинлари эса...

Эх, ҳозир буни ўйламагани тузук!

Санамнинг оиласи бола-чақасини олиб, мол-ҳолини ҳайдаб кир тепасига чиқиб кетганча ҳар ёзни ўша ёқда ўтказар ва салқин куз ҳавоси бошлангандагина қишлоқка кайтарди. Бу ҳолат деярли барча, шу жумладан, Малланинг хонадони учун ҳам анъанага айланган, аммо шу йилги ёзда баъзи ташвишлар билан овора бўлиб, ҳали жойидан жилмаганди.

Малла опасини куюк арчазор ўртасидаги ялангликда ўрнатилган ўтовидан сал нарида – гуриллаб ёнаётган тош ўчок рўпарасида учратганида катта-кичик жиянлари бир зумда уни ўраб олишди. У белбоғига ўралган бир ҳовуч парвардани уларнинг энг каттасига узатаркан, деди:

– Лекин талашманглар – нақ қулоқларингни узиб оламан!

У қўлидан келганча тантилик билан жиянларини сийлаб, баъзи-баъзида эса жеркиб (буниси ҳар доим эмас – фақат ҳаддан ортиқ шўхлик қилишганда) турар, лекин бундан ҳеч ким хафа бўлмасди: ҳаки бор! Ахир, айтмайдиларми, тоғанг отангдек улуғ деб. Бунинг устига, битта-ю битта тоға бўлса.

– Кел, – деди барча аёлларга ҳос сезигрлик билан укасининг юзидағи ташвишни бирдан пайқай олган Санам. – Тинч ўтирибсизларми? Келин... яхши юрибдими?

Малланинг чўзиб ўтиришга вақти йўқ эди (уїда иккита ожизадан бошқа ҳеч ким қолмаган), қўшимчасига, опанинг ўзи Гулбаҳор ҳакида бирдан сўз очиб, унга қўмак бериб юборганди.

– Юрганди-ю, лекин кеча... сал мазаси бўлмаётганини айтиб қолди. Шунга...

Санамнинг чимирилган қошлиари баттар кўтарилди:

– Шунака де? Мазалари бўлмабдими? Савил қолсин...

Унинг гап оҳангидан Малланинг кўнгли бирдан хира тортиди: бошланди! Негаям келди-я! Гулбаҳор ҳам жинни, шунинг ёнига юбориб! Тезда олдини олмаса, ҳозир яна эски қўшигини бошлайди...

– Опа! Иссик жон-да! У бечора орка қилиб, ёнингизга юбориб турса-ю, сизнинг эса билганингиз кесатиқ! Нима ўзингиз касал бўлмайсизми? – деди Малла анчайин кўрслик билан (бу одатини ҳам опалари доимо кечиришарди – ахир, отонамизнинг чироғини ёқиб турган шу!).

Лекин Санамни бутунлай бошқа нарса кизиқтириб қолғанды. Келин уни орқа қилибдими? Балки унинг нима “ташвишда” юрганини билмас?

– Ҳа, нима қилиди ойимчага?

– Кўнгли айниётганмиш, – қурби етганича ўзини босиб, жавоб берди Малла. – Кейин, айтишига қараганда...

Санам болалари чувиллашиб парварда талашаётган ўтовга бирров кўз ташлаб олгач, унга якин келди, шунингсиз ҳам ўчокдан уфураётган олов тафтидан қизарган ёнокларига баттар қизиллик югурди.

– Алдаётган бўлмасин! – деди у укасининг кўзларига сирли боқиб. – Билиб қўй, укажон, “Бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади” деганлар!

Малланинг оғзи очилиб қолди: эси жойидами бунинг! Қанақа макр? Қанақа эшак?

У жўшиб келаётган жаҳлини ғалати илжайиб турган опасига эндинина сочмоқчи бўлган ҳам эдики, пастдан келаётган туёқлар товушини эшитиб, тўхтади.

Поччаси экан.

– Э, хуш кўрдик! – деди у қайниси билан кучоқлашиб кўришаркан. – Уй ичиларинг яхшими? Ҳожарой, келин... Биз томонга не шамоллар учирди?

Санам худди ўша илжайиш билан эрига юзланди:

– Бизни йўқлаб келармиди ўша айтмаса! – Эри унга саволомуз тикилди. – Укамни ёш бола қилиб, довучча тергани юборибдилар бу ёқларга! Бошлари коронғу бўлганмиш...

Малла ялт этиб опасига қаради: нима?! Боши...

У ҳали ҳушини йигиб олмай туриб, кулоклари тагида поччанинг хитоби янгради:

– Э, э! Қулли бўлсин! Қулли бўлсин! Қани, кел, яна бир марта бағримга босай! Худди ўзингдек паҳлавон ўғил бўлсин илойим! Мана бу бошқа гап! – У Маллани бўшатиб, хотинига ўгирилди. – Энди нима дейсан? Менинг ҳам қуллоқ-миямни чакиб қўлимга бергандинг – келин ундей, келин бундай, унақа қиласиз, бунака қиласиз... Кўнглинг жойига тушдими энди?

Бирок Санам анойилардан эмасди:

– Майли, эртага ўзим кўргани бораман, ўшанда ҳаммаси маълум бўлади. Қўрамиз! Ҳа? Нега менга бундай карайсан? Арпангни хом ўрдимми? – У укасининг елкасига шапатилади. – Бўпти, бўпти, ишқилиб айтгани рост бўлсин! Нима, сен-

га ёмонликни право кўрармидим? Бир нималар деган бўлсам, куйганимдан-да! Ўтовга кир, салқингина. Хўжайин, – энди эрига юзланди у, – ўзингиз бошламасангиз, тураверади бу қоккан қозик бўлиб. Ҳой, еб тўймас дангасалар! – бу сафар ўтов томон қичкирди, – қани, жойни тезда бўшатинглар! Ҳе, сенларни тукқанни эртарок ер ютсин! Биринг ўтинга, бошқанг сувга чоп – тоғаларингга иссик овқат қилишим керак!

Тили заҳар бўлгани билан опаси турли хил мазали овқатларнинг пири эди, бироқ, фикри-хаёли уйи, Гулбаҳорда бўлган Малла шўрванинг таъми канакалигини ҳам билмади: наҳотки? Лекин... мендан яширгани нимаси? Нега ўзим сеза қолмадим? Ахир, бу каби гап-сўзлар дўст-жўралар ўргасидаги суҳбатларда ҳам бўлиб турарди-ку – кимнинг хотини боши коронғу бўлганда нималар дегани, нималарни кўнгли тусагани, бу пайтдаги уларнинг кўрсатган нозу фироклари...

Хаёлларига берилиб кетган Малла илжайганча ўзига қараб турган поччасининг шу ерда эканлигини ҳам сезмасди.

Шу тобда хаёлига келган бир нарсадан хайратда қолди: опаси қанчалар ҳак! Ростдан ҳам, бир хотиннинг хийласи кирк эшакка юк бўлмай нима! У доимо содда деб ҳисоблаб юрадиган Гулбаҳорки шундай қилгач...

Демак, ортидан бўлаётган гапларнинг ҳаммасини эшишиб, кимдан чиқаётганини ҳам билиб юрган! Лекин гик этмаганди-я, шу пайтгача! Нима деганди кеча: “Катта опамга айтинг-чи, қани, нима дер экан...” Оббо айёр-эй! Ҳали уйга борайн, айёрлик канака бўлишини кўрсатиб қўйман!

У қизарганча опаси, поччаси, жиянлари билан хайрлашар экан, Санам белбоғни узатди – унга худди ўзи олиб келган ширинликлар каби думалоқ-думалоқ алламбалолар тугилганди.

– Ушла. Салом айт... ҳаммаларига.

Малла тугуннинг устидан пайпаслади:

– Нима бу?

– Нима бўларди? – ясама ажабланди Санам. – Ахир бу ерга довучча деб келмаганмидинг? Унчалик довучча ҳам деб бўлмайди-ю, лекин жияннинг Холдорга айтгандим, хомхаталасини териб келибди. Олиб боравер, ҳали таги хом гапга шунакаси ҳам бўлаверади.

Поччаси бир чеккага қараб, хихилаб кулди, сўнг, “Жим туравер, бу гапираверади” – дегандек, қип-қизариб кетган қайнисининг елкасига дўстона муштлади.

Шу сұхбатдан сүнг, орадан түккіз ой үтиб әгизаклар туғилди, Санам уларга доялик қилди, күп үйлаб үтирмай, ҳатто исмларини ҳам үзи қўйди: нимасини үйласин? Исмлари бирга экан-ку!

Болаларни үзи бешикка белади, то чиллалари чиккунча бир оёғи укасининг уйида бўлди ва бир куни, жиянлари, келинига меҳри жўшиб турган пайтда, “худо Үзи саклаб қолган аҳмокона режалари” ҳақида йиғлаганча Гулбаҳорга сўзлаб, узр сўради.

Гулбаҳор килт этмади, аммо Малла унинг нигоҳидаги “Нималар деяпсиз? Мен сира эшитмаган эканман” – деган муғомбирона маънони ўқиб, ерга қараганча кулиб қўйди...

Саккизинчи боб

Мана, энди у иккала фарзандини ўзининг кенг кучогига олиб, юzlарига оталик меҳри билан термулиб турибди.

Кўлликларни ювиб, қайтиб кирган Гулбаҳор болаларни олиб, тўшакка ётқизаётганида Малла қўлини қизининг пеша-насига яқинлаштириди.

– Нима бу? – сўради у. – Қандайдир... яра чиқибдими?

– Ҳа, ёмон яра, – деди Гулбаҳор болишларни тўғрилар экан. – Билмадим, қайдан йўлиқди.

– Бирон чорасини қўраяпсанми?

– Тоза тупрокни қиздириб босдим... билмадим... фойдаси бўлармикин. Исириқ дамланган сув билан ҳам бир исча марта ювдим. Аммаси баъзи бир доривор гиёҳларни териб келди. Эртага ӯшалардан қайнатиб...

– Табибга олиб борсанг-чи?

Гулбаҳор қизалоғининг пешанасига кўз ташлаб олди:

– Тузалиб кетар.

– Барибир кўрсатиш керак.

– Ҳа, айтгандек, нега одамларни йиғишишган экан? – сўради Гулбаҳор бир пайт. – Ҳамма бордими? Нималар дейишли?

Малла болалари ёнига ҳорғин чўкди:

– Нима бўларди – ҳаммаси ёлғон гаплар, лекин вайдалар қоп-қоп. Ниятлари нима эканлигини сира тушуниб бўлмайди. Биласанми...

У сўзларини тугата олмай, эшик ортидан Ҳожарнинг товуши келди.

— Ака, ошнангиз келди, сизни сўраяпти.
— Қайси ошнам? Ҳа-а, Эшмаматми? Ҳозир чиқаман.
Малла девордармиён кўшниси, тенгдоши ва энг яқин дўсти
Эшмамат билан қуюқ кўришди.
— Йиғинда кўринмадинг? – кулди у. – Жуда зўр томоша
бўлди лекин.
— Тафсилотларини эшилдим... ўзим далада эдим. Яхши
ўтирибсизларми? Эгизакларинг қалай? Кечаси билан йиғлаб,
уйку беришмаётгандир?
— Нима қипти, чидаймиз-да! Сизларга ҳам эшитилаяптими?
Нима... шикоят қилгани чиқдингми? Тўхта-чи, – баттар ёйилиб
илжайди у. – Балки шунинг учун уйланмаётгандирсан? Уйкуни
ўйлаб! Ҳа-ха-ха! – ўз ҳазилидан ўзи завқланиб кулди у. – Рост,
юрасанми энди? Биронгаси борми ўзи? Ким? – Гарчи булар-
ни яқин дўсти айтаётган бўлса-да, Эшмамат негадир қизарди,
Малла эса эътибор килмай, давом этди. – Майли, яшириб
юравер-чи. Тўйингга айтсанг, борармиз, бўлмаса – йўқ. Лекин
бир гапни дўст сифатида айтиб қўяй: шўро бор-будингни тор-
тиб олмай отингни камчилаб қол! Ҳам тўйга йикқанларингдан
айриласан, ҳам хотинсиз қоласан! Эшилдингми нималар де-
йишганини?

– Ҳа... жуда ғалати гаплар бўлибди. Демак, гап-сўзлар рост
экан-да?

Малла елкаларини қисди:
– Омон бўлсак кўरармиз.
– Аллақачон ҳаракатларини ҳам бошлаб юборишибди-ку!
– Яъни? – тушунмади Малла.
– Баъзи қишлоқдошларимизни янги хукумат идораларида
хизмат қилиш учун саралаб олишибдими-её! Ҳўжамурод, Рав-
шан, Ахмад...

– Ўшаларни-я! – энсаси қотди Малланинг. – Яна “сара-
лаб” деганинг-чи! Гапирасан-да ўзиям! Ўзлари бош эгиб
боришгандир-да кунлари ўтмай! Айтаётганинг ўша ипирис-
киларнинг ким эканлигини кошки мен билмасам!

Сұхбатлашарканлар, ошхона деразасидан (аслида у дуд
учун мўлжалланган кичкина туйнук эди) ўзлари томон кимдир
термулиб турганини сезишмасди. Бир пайт ўша томонда ни-
мадир тарақлаб кетди ва шу ондаёқ кимдир: “Вой ўлай!” – деб
кичкириб юборди.

– Ким у? – деди Малла ўрнидан кўтарилиб. – Ҳожар? Сен-
мисан?

Коронгу ошхона эшигиде чиндан ҳам Ҳожарнинг ғирашира шарпаси кўринди.

– Мен...

– Нима қиласпсан у ерда?

– Чой кўймокчи эдим...

– Яхши, фақат тезрок бўл.

Суҳбатлари бўлинган дўстлар барчанинг хаёлини банд килиб турган “янги” мавзуга яна қайтишиди. Анча вакт ўтгач, юзини рўмол билан кия беркитган Ҳожар супага яқинлашиди.

– Дастанхонни ҳам! – кичкирди Малла чойнакни қўя солиб дарров узоқлашаётган қиз ортидан.

* * *

Бугун ушбу “мавзу” нафакат улар ўртасида, балки кишлокнинг бошқа хонадонларида, шу жумладан, янги хукумат вакиллари вақтинчалик жойлашган уйда ҳам қайта-қайта кўтарилаётганди.

– Демак, гап бундай, – деди тўрда ўтирган Ҳайитов йиғилганларга бир-бир кўз ташлаб. – Кўп чўзмаймиз. Бу ерда ҳам тезрок янги тартибларни жорий қилишимиз керак, бунинг учун...

Энг аввал кишлокнинг бадавлат, ўзига тўқ хонадонлари рўйхати тузиб чиқилди, кимнинг қаерда, нимаси борлиги бир-бир аникланди. Теварак-атрофда янада бадавлат кишилар бўлишига қарамай, рўйхатнинг энг бошида Малланинг номи кайд этилганди.

– Унга кўрсатиб қўяман шўрони калака қилишни! – хонтахтани муштлади Ҳайитов. – Бухорода ўқиганми? Аха... шунақа де! Ўзи чаламулла-ю, димоғидан курт ёғишини! Шўро ундин, шўро бундай деб, ҳар жойда ёмонлаб юрган эмишми? Қаерда кўрган экан? Ҳм-м-м... шунақами... Демак... ундан энди яхшилик кутиб бўлмайди! Демак, аллақачон душманимизга айланиб бўлған!

Ҳайитов ўзига юклатилган вазифа бўйича қайга бормасин, ўша ер одамларидан қайси бири сал бўлса-да норозилигини билдирса, аввало ишни ўшандан бошларди – илоннинг бошини янчиш керак, токи бошқаларга ўрнак бўлсин! Эҳ-е, бунақангি олифталарнинг канчасини кўрмади, қанчасини янчидан ташла мади! Бунақаларга шафқат қилмаслик керак! Ёки унинг, яъни,

шўро хукуматининг айтганини қилади – тур деса туради, ёт деса ётади, ёки бўлмасам...

У шу ерда ҳам қўплаб жазо чораларини қаторлаштириб ташлади.

* * *

Гулбаҳор Маллани биринчи марта кўрганида, чапани, улокма-улок юрувчи йигит бўлса керак, деган ўйга борган эди, кейин караса – хат-саводли, ўқимишли экан.

Айникса, узоқ киши оқшомлари китоб ўқишни яхши кўради. Бир куни кирса (энди келин бўлиб тушган пайтлари эди), яна мук тушиб ўтирибди. “Нима бало, ёд оляяпсизми?” – ҳазиллашди у. “Йўқ, ўқияпман, – деди эри бош кўтармай. – Афсуски, саводинг йўқ, акс ҳолда ўзинг ҳам шўнғиб кетардинг”. “Ким ёзган уларни? Ўзимиздек одамларми?” “Йўқ, улар биздек одамлардан анча юқори. Аҳли донишлар! Яъни, донишманд, билимли одамлар демоқчиман, энди тушундингми? Қара, мана бунисини...”

Эҳ-хе, тўлиб-тошганча қанчадан-канча номларни айтиб ташламади, у эса бу одамлар хақида ҳатто эшитмаганди. Ҳозир ҳам биронтасининг исми ёдида йўқ – бир-иккитасиники ўзбекча бўлмаса, қолганлари... Наҳотки шундай китобларни ёқиб ташлашса? Тентак бўлганми булар? Китобни ёкканлар тўғридан-тўғри дўзахга тушади, дейишмасмиди?

Гулбаҳорнинг хаёлларини ҳали ухламаган Малланинг күйиниб айтган сўзлари бўлди:

– Эҳ, қани эди шу муртадларни кўрмаслик учун узок-узоқларга бош олиб кетсанг! Лекин уй-жойинг, хеш-акраболарингни ташлаб... Бунинг устига, ҳаром қадамлари ҳозирча етиб бормаган қўшни ўлка-ю мамлакатларга ҳеч ким кешиб қолмасин деб, барча чиқиши-кириш йўлларини беркитиб ташламоқдалар... улар учун биз гўё қўй... ҳаммамизни аввал кўрага қамаб, кейин битта-битта сўйиб ейиш учундек.

– Кўпам куюнаверманг, бу ҳам элга келган тўй – одамлар нима бўлса, биз ҳам шу, – уйку аралаш минғирлади Гулбаҳор. – Ухланг.

Малла уф тортди:

– Бундай қора хаёллар бошни чулғаб турганда уйку келармиди. Мени яна, – бир оз тин олди у, – Ҳожар... ташвишлантираяпти. Унинг тақдирни нима бўлади? Ахир, мен энди унга

ҳам ота, ҳам она ўрнида. Яхши жойдан чикса, узатиб юборсак бўлармиди? Ҳозирча қўлимизда у-бу нарса борлигига? Эртаниги кунга ишонч қолдими? Нима дейсан?

Уйкуси учган Гулбаҳор бошини ёстиқдан узиб, эрига тикилди:

– Яхши жой? – деди у. – Бирон... мўлжаллаганингиз борми?

– Жиннимисан! – жаҳли чиқди анча пайтгача нима дейишни билмай қолган Малланинг. – Энди бир ками синглим учун эр излаш қолувди!

Гулбаҳор унинг соқол босган ёнокларини силади.

– Унда аммасини ёнимизда қолди, деб ҳисоблайверинг, – деди у илжайганча. – Қайта менга яхши бўлади, ҳув десам...

– Тушунмадим? – ярим юмилган кўзлари ярқ этиб очилиб кетди Малланинг. – Бу билан нима демокчисан?!

Эрининг жаҳли тез чиқишини яхши билган (худо билади, ҳозир ҳам хаёлига нималар келди!) Гулбаҳор чўзиб ўтиргади.

– Эшмамат акани айтаман. Шундок девордармиён қўшнимиз. Дўстингиз...

Юраги гурсиллаб уриб кетган Малла гавдасини тўшакдан даст кўтариб, хотинига тикилди: нималар деяпти?! Ёки... бирон гап борми?

– Балки очикроқ айтарсан?

– Жаҳлингиз чиқмасин-у, анчадан бери сезиб юрибман: у кишининг аммасида кўнгли бор... чоғимда, аммаси ҳам... Шошманг! Ўқрайманг – ичимдан тўқиётганим йўк! Балки эркакларда ундей эмасдир, лекин аёл зоти бир-бирини худди ўзини билгандек билади.

Энг яқин дўсти ҳакида айтилган бу гап шошириб қўйган Малла кўзини қайтадан юмди: Эшмамат-а! Бу ёғи қизик бўлдику!

Тўғри, ёмон йигит эмас, якин дўсти, халқона айтганда – болаликдан тепишиб катта бўлдилар, лекин...

Унда нега оғиз солишимаяпти? Тўхта, тўхта... куни-кеча уйланиш ҳакида (ҳазиллашиб, албаттга!) гап очганида... Йўқ, ҳеч нарса демади, худди қизлардек уялиб кетди.

– Мен ҳеч нарсани билмайман! – хўмрайди Малла. – Тушундингми? Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ сен ҳам тилингга эрк бераверма!

Гулбаҳор пўписани эшитмагандай, яна илжайди:

– Бўлиб қолар... сиз айтган нарса.

Малла кўрпани жаҳл билан бошига тортиб, тагидан тўнғиллади:

– Унда... ўзинг хузурларига югуриб бора қол! “Қайн-синглим ортиқчалик қилиб қолди, тезроқ олиб кетинглар” – де! Тоза безор бўлган экансан шу... етимчадан! Рўзғорингга қарашса, болаларингни кўлидан қўймаса!

Гулбаҳор ичидан босиб келган кулгусини аранг тўхтатди:

– Ўзингиз гап очдингиз-ку!

– Сен эса худди шуни кутиб юрган экансан! – юзидағи кўрпани шартта юлиб олди Малла. – Биламан сен аёлларни – тилинг тагида тилинг бўлади!

Эрининг кўнглидан нима кечаетганини жуда яхши билиб турган Гулбаҳор бу тиканли гапдан ҳам хафа бўлмади: уяляяпти! Эшмамат ака энг яқин, сирдош дўсти, эртага карабсанки... куёв! Шуни ҳазм қила олмаяпти! Лекин Эшмамат ака ҳам қизиқ; нега шу пайтгача одам қўймаяпти экан? Балки мана бу одамга ўхшаб (Малланинг аразчи болалардек бошини кўрпага ўраб олгани баттар кулгусини кистаётганди), бугун жонажон дўст-у, эртага куёв бўлиш ғалати туюлаётгандир? Ота-онаси билармикин? Наҳотки уйланиш ҳақида ўғилларига ҳозиргача гап очмаган бўлишса? Тўй қилишга қўллари калталик қиласяптими, деб ўйласанг... Йўқ, рўзғорлари жуда тўкин-сочин эмас-у, лекин ёмон ҳам деб бўлмайди. Ёки ёш эканлиги тўхтатаяптими? Йўғ-е, ўн олтига кирган қиз ёшми! Ўн уч-үн тўрт ёшдагиларни бериб юборишшайапти-ку!

У эри томон яна, энди норози бўлиб қаради: бўладиган гапга аччиқ қилгани нимаси! Жон десин, агар Эшмамат акадек йигит куёв бўлса!

Унинг ҳаёлларини бирин-кетин янграган йифи товуши бузиб, сал олдин бошлаган Зухрага кейинчалик Ҳасан жўр бўлди. Ё тавба! Бири йиғлаганда иккинчиси жим ётса-чи! Ёки ҳамма эгизакларда бу нарса одатмикин? Ҳатто, айтишларича, бири касал бўлса, иккинчиси ҳам албатта шу касал билан оғрир экан. Ишқилиб, шундан худо сақласин! Қоринлари очдими ё? Ҳалигина эмизганди, шекилли.

Гулбаҳор эрининг елкасидан туртди:

– Эшитмаяпсизми?

У албатта, болаларнинг йигисини эшитиб ётар, хотини хар доимгидек кўмагига муҳтоҷ эканлигини ҳам сезиб турарди, аммо бу сафар...

— Үзинг қара, мен... чарчаганман, — деди ҳали аччиқ қилиш “хуморидан” чикмаган Малла.

Бир неча сониягагина хотинидан сас чиқмади.

— Унда... нариги уйга кириб ётинг. Бола фақат менга керак.

Кесатиқни эшитган Малла бор овозида йиғлаётган болаларни овута олмаётган хотинига қараб, юраги орзикиб кетди: унда нима айб? Күнглида бори, балки... билганини айтди-да!

— Буни овутиб тураман, сен Зухрани эмиз. Бўлакол – деди у бор бўйига узалиб ўғилчасини қўлига оларкан, меҳрибонлик билан.

Гулбаҳор киприкларида пайдо бўлган ёшни қўрсатмаслик учун қизчаси устига энгашди ва яrim очиқ сийнасига қўл юборди.

* * *

Эр-хотин болаларни нари-бери ухлатганларидан сўнг, ҳар хил хаёлларга бориб (бу хаёлларнинг деярли барчасида Ҳожар ва Эшмамат “бевосита” катнашарди) тонг отарда кўзи илинган Малланинг тушига алпоқ-чалпоқ, жуда бемаъни нарсалар кириб чиқди: гўё Эшмамат катта тўй қилиб уйланаётганмиш, уни эса ўртоқлари ва Эшмаматнинг шахсан ўзи кўйarda кўймай... куёвжўра бўлишга ундаётганмиш. Уларнинг айтишича, уйланаётган йигитнинг энг яқин дўсти ҳар доим куёвжўра бўлиб келган ва шундай яхши одатни бузишга унинг хаққи йўқ. “Жиннимисанлар! – қичқиравмиш у маҳкам тутган қўллардан юлқиниб чиқишига уринаркан. – Ким ўз синглисига уйланаётган йигитга куёвжўра бўлади?! Бунақасини қаерда кўргансанлар?”. “Бу янги одат, кечагина Ҳайитов ўзи жорий килди ва фатво берди!” – дейишармиш дўстлари, Эшмамат ва тўйда йиғилганларнинг барчаси бир овоздан. Малла ҳайратдан котиб қолибди. “Нима?! Қанақа фатво?! Ахир Ҳайитов динсиз-ку! Кофир-ку!” – яна қичқиравмиш у. Шунда Эшмамат унинг қўлини оғритганча ортга қайириб, имлабди: “Қара!” “Нима бу?! – қичкириб юборибди Малла. – Ким бу?! Наҳотки... Ҳайитов бўлса?! Нега куляяпти?! Нега бунақа кийиниб олган? Салласидаги... жигами? Йўғ-э, товукнинг патига ўхшайди-ку! Сарғайиб кетган сўйлоқ тишлари орасида қисилиб, тутун тарагаётган нима? Ёки папирос деганлари шуми? Бу ерда нима килаяпти?”. Эшмамат тиржайиб жавоб берибди: “Ҳожар иккаламизга никоҳ ўқийди. У бугундан бошлаб масжидимиз имом-

лигига ўтди!”. “Мулла Жалил кани?!?” – жон ҳолатда сўрармиш ҳамон ўзига кела олмаётган Малла. “Халқ орасида динни тарғиб қилгани учун Ҳайитов кечака авахтага қамаб қўйди ва ўзи унинг ўрнини эгаллади! Мен эса бугундан бошлаб сенинг дўстинг эмасман! Тупурдим сендеқ дўстга! Нега дейсанми?! Вой галварс-эй, нега тушунмайсан? Айтайнми? Унда эшит: бугундан бошлаб мен сенга куёвман! Күёв!!! Билдингми?! Ҳа-ха-ха! Во-ха-ха! Қо-ко-қо! Қо-ко-қо...”

Чўчиб уйғонган Малла ўрнидан қимирламай, бир оз тинглаб ётди: ҳеч ким кулмаяпти, шекилли? Э, ҳовлида ризқ териб юрган товуклар коқолашаётибди-ку! Балки биронтаси тухум кўйган ва шунга оламни бузиб... Э, овозинг ўчгур!

У билагини силади – қўлини ҳам ҳеч ким қайирмаган экан, шунчаки боши тагида қолиб, каттик уюшган кўринади.

Бу ҳали ҳаммаси эмасди: ҳар эрталабки одатига кўра отини суғориб келиш учун кўчага чиқканда Эшмаматга дуч келди. Икки дўст бақамти тўхтаганларида Малла илк бора Эшмаматнинг юзига қарай олмади ва табиийки, ундаги ташвишни бирдан сезмади.

– Эшилдингми?

– Нимани эшитишим керак экан? – деди Малла ҳамон унга қарамасликка ҳаракат қиларкан, эгар-жабдуқни тузатган киши булиб.

– Ҳайитовнинг нима килганини?

Ялт этиб юзини бурган Малла Эшмаматнинг кайфияти сал бошқача, тўғрироғи, ёмон эканини энди кўрди.

– Нима, у... масжид имомлигига ўтибдими? – ҳазил килишга ўзида куч топа олди Малла кўрган туши таъсирида.

Ажабланган Эшмамат кўзини бир оз қисиб, унга тикилиб турди-да, деди:

– Топган гапингни қара! Мулла Жалил ва қолган муллаларни хайдаб, масжид эшигига кулф урибди. Худди бошқа жой қуриб қолгандек, қандайдир омборхонами-эй ёки ҳукуматга тегишли бошқа бир идора килармиш! Ҳозирча эса у ерга ўзи билан бирга келган аскарларни жойлаштирибди. – Эшмамат бошини чайқади. – Сал бўлсаям ҳалкнинг кўнглига қарасалар бўлармиди.

Малла масжид томон ўгирилди: наҳотки! Вой иблис-эй! Ахийри айтганини...

– Сенга нима дегандим? – мийифида кулди у. – Ҳали бу-

ларинг ҳолва. Айтганча, сенга тегишмаяптыми? Мени-ку, күргани қўзи йўқ.

– Янги очиладиган шўро мактабига муаллим бўлишга ун-даб, ўзи бир неча марта уйимга келди, – қизарди Эшмамат. – Лекин аллақаерда бошқатдан ўқиб келишим керак экан... ҳозирги билимим тўғри келмасмиш. Ўқиш, йўл харажатларини ўзлари кўтаришиб, доимий маош тайинланар экан. Яна бошқа ёрдамлар...

– Ихтиёринг, дўстим! – деди отини жилдириш учун юганни силкитган Малла. – Йўқ! “Ўртоқ муаллим”! Ёки бошқача айтайнми? Бўпти, йўклаб тур... куёвларга ўхшаб қочиб юрмай!

Лавлагидек бўлиб кетган Эшмамат тобора узоклашиб кетаётган дўстининг ортидан минг бир хаёл оғушида қараб қолди.

Тўққизинчи боб

Тошдан-тошга сакраб оқаётган сув қўзларни қувонтиарар, миллион-миллион зарралар шаклида тараалаётган ёқимли салқинлик дилларни яйратарди. Аммо Яшар буларни сезмаётгандек, атрофга бефарқ кўз югуртирди, Давланов эса бутун кирғоқ бўйлаб сочилиб ётган харсанглардан бирига чўкди.

– Сиз ҳам ўтиринг, – деди у Яшарга. – Ана, ёнингиздаги қизил тошга. Нокулай эмасми? Чопонимни ечиб берайнми? Тагингизга қўйиб оласизми?

Рад жавобини олган Давланов кўкрагини тўлдириб нафас олди.

Дарё шовуллар, узок-якинлардан қўй-эчкиларнинг маъраши, итларнинг хуриши эшитилар, кимнингдир уйидан ашула янграбарди. Патефондаги пластинка эски бўлса керак, ҳофизнинг аслида ширалигина товуши ёқимсиз хириллар, игнанинг кирт-кирти ҳам аник эшитиларди. Аммо буларнинг биронтаси ўртадаги сухбатга, тўғрироғи, Давлановнинг унчалик кўпига чўзилмаган монологига халакит бера олмади.

– Нима дейсиз? – деди у ниҳоят тугатиб. – Менга қолса-ку, сизларни бир қадам ҳам ёнимдан узоклаштирумокчи эмасман. Холангизни-ку айтмасам ҳам бўлади – ўзингиз ҳаммасини кўриб турибсиз.

У хотини ҳақида атайнин “холангиз” деди, зеро уни энди тўғридан-тўғри “аммангиз” дейиш, ҳозиргина ўзи айтган так-

лифга бутунлай зид бўлиб чиқарди. Қолаверса, Ҳожарни нима деб чақириш ёки аташ энди буларнинг ўзига боғлиқ эмасми?

Яшар узоқ вақт нима дейишини билмай турди, лекин капката одамни куттириб қўйиш...

— Наҳотки ўз тақдирига шунчалик бефарқ бўлган, деб ўйлаётган бўлсангиз? Ишонинг — аклимини танибманки бу нарса хаёлимни бир дақиқа бўлса-да тарқ этмаган. Лекин қўлимидан нима келарди! Қаёққа ҳам борарди болалар уйидан ташқарига чиқмаган гўдак! Кимдан сўрарди — ортидан бирон марта йўқлаб келмаган бўлишса?

Кейинчалик, барча ўзим сингари болалар каби маълум маънода... бу ҳаётга қўниждим. Тўғри, баъзи болаларнинг яқинлари топилиб, ҳатто, олиб кетишарди, аммо камдан-кам ҳолларда. Баъзан келганларнинг ўзи болаларга қўшилиб йиғлаб-сикташар, олиб кетишга қолганда эса...

Ха, ота-онаси қўйинида яшайдиган кўп болаларнинг ҳам ўша пайтлари оч эканлиги, ҳатто кўчада гадолик қилиб юришларини билардик, қайсиdir боланинг кетаман деяётгани, яқинларини кўмсаётганини кўриб, тарбиячилар бу ҳакда писанди қилишни ҳам унумасдилар.

Балоғат ёшига етиб, мактабни битирганимиз ҳақидаги аттестат қўлимига теккач, шахсимизга оид хужжатларни беришди. Бироқ минг афсуслар бўлсинким, ўша қофозларнинг шунчаки, тахминан расмийлаштирилганлиги кўриниб турарди — ота-онамиз тугул, ҳатто қаерда туғилганимизни билдирувчи маълумотнинг ўзи йўқ эди.

Ундан-да ёмони — бизда имкониятнинг йўқлиги: ҳаётни йўлга қўйиб олиш лозим эди... бирон ўқиш ёки ишга кириш, бошпана ҳозирлаш деганларидек. Буларнинг ҳаммасини ташлаб, кечагина етимхонадан чиқкан, чўнтағида бир мириси йўқ ўспирин ўтмишини излаб кетсинми? Ким бунга йўл қўярди: “Қаёққа бормоқчисан? Қанака ота-она, канака қариндошуруг? Сенинг отанг ҳам, онанг ҳам ҳукуматимиз! Кимдан кам бўлдинг! Кимгадир керак бўлганингда, аллақачон топиб олмасмиди? Агар ҳукуматимиз боқиб катта қилмаганда, нима бўлардинг, биласанми? Ўқишга кирмоқчимисан? Ёки ишгами? Марҳамат, барча заводу фабрикаларнинг, билим масканларининг эшиги ланг очик! Истаганингга боравер. Ётокхона ҳам берилади. Лекин, аллакимларни излаб, санқиб юрма!”

Буни айтмасалар ҳам жуда яхши тушунардик. Шунга қарамай, яна айтиб ўтай – кимлигимни билиш истаги ҳеч қачон мени тарк этмаган. Шу нарса барча етимларнинг хаёлида бўлган, шу жумладан, мен ва Нодиранинг ҳам. Лекин кўриб турибсиз... энди бу ердамиз. Худди ўша мажбуриятлар билан. Ташиб кетишга ҳаққимиз йўқ. Ҳали... қўшимча ҳужжатларни излаб кўриш ҳақида айтдим... лекин, билмадим, буни қандай, қачон амалга ошираман? Ким бунинг учун менга имкон беради!

Яшар намланган киприкларини пирпиратганча, жим бўлиб қолди.

– Мен ҳаммасини тушуниб турибман, – деди Давланов хижолатланиб. – Тўғрироғи, энди тушунмоқдаман. Ҳа, гўдакликдаги имкониятларингиз чекланганини ҳисобга олмаган эканман. Лекин университетда ўкиш пайти, яъни... мустақил ҳаёт бошланганда, дейман... шунда ҳам имкони бўлмадими? Дейлик, ёзги таътил пайтларида? Кам деганда бир ой бекор бўлгансизлар-ку!

– Бир ой дейсизми? – маъюс кулди Яшар. – Ҳужжатларимиздаги пала-партишилик, саводсизларча ёзилган маълумотларни ҳисобга олсан, ўйламайманки... бунга йиллар кетарди. Балки, бутун умрим.

– Бу ҳам тўғрига ўхшайди, лекин тушкунликка ўрин йўқ, – деди Давланов анча пайт ўйланиб тургандан сўнг. – Энди юринг, менда бир фикр пайдо бўлди. Бундан кейин нима килишимиз кераклиги ҳақида гаплашиб, келишиб олишимиз керак. – Жойидан кўзғалган Яшар Давлановнинг таниш сўқмоқ эмас, дарё қирғоғи бўйлаб бутунлай бошқа томонга кетаётганини кўриб, тўхтади. – Раҳимовнига борамиз, – деди тошдантошга ҳатлаётган Давланов қарамасдан ҳам унинг ҳаракатини пайқаб. – Олдидан ўтиб қўймасак бўлмайди. Юраверинг.

Бўлиб ўтаётган воқеалардан карахт Яшар Давланов нимани ўйлагани-ю, нима учун Раҳимовнинг олдидан ўтиш кераклиги ҳақида сўраб ўтирмади.

* * *

Даҳлизда чордона қуриб ўтирганча ўғлининг кўйлагидан узилган тугмани қадаётган Ойша нигохини кўтарди:

– Қайси малим?
– Янги келган-чи!

— Вой! — деди кутилмаган ташрифдан ҳайратланган Ойша.—
Бир ўзими? Ёки... қиз ҳамми?

— Йўқ. Давланов билан. Отамни сўрашаяпти.

— Илоё ер ютсин сен писмикини! — қарғана кетди жаҳли чиккан Ойша овозини пасайтириб. — Дарров шуни айтсанг ўласанми... янги малим демай!

Ичкари хонада дам олаётган Раҳимов бир пайт эшикдан мўралади.

— Нима шовқин? Кимдир келди, дегандек бўляяпсизларми?

— Давланов келибди. Янги ўқитувчи ҳам бирга эмиш, — жавоб берди Ойша қизига еб қўйгудек кааркаркан.

Раҳимов ташриф маъносини тушунмай, бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, олача чопонини йўл-йўлакай эгнига ташлаб, ташқариға юрди.

Бир пиёладан чой ичилиб, сал аввал тайёр бўлган шавла ейилиб, Давланов не максадда келгандарини Раҳимовга айтгач (Яшар буни эндиғина англай бошлаганди), у ушбу режага карши турувчи, ҳалакит берувчи барча тўсиқларни қаторлаштириб ташлади: йўлланма, бурч, бу билан — балки — ҳеч бирон натижага эришиб бўлмаслиги ҳакида эҳтиёткорона ишоралар, ўзининг бошига ёғилиши мумкин бўлган нохуш ҳолатлар...

Яшар ҳеч нарса демади ҳисоб, аммо Давланов уни кўндириш учун бор хунарини ишга солди. Ниҳоят, бир соатга яқин давом этган курашдан сўнг, Раҳимов таслим бўлди — энди унинг ўзига ҳам Давланов айтаётган таклиф унчалик бемаъни кўринмай, бу бахтсиз инсонларга нисбатан қўнглида хайриҳоҳлик пайдо бўлганди.

— Лекин, очиғини айтиб қўя қолай: мактаб очилмай туриб кетиб қолишингизга йўл қўя олмайман! — расмий оҳангда сўз бошлади у хиссиятини яшириб. — Сизга аввал дарс соатлари ажратамиз, синф журналларини ҳам ўзингиз тўлдирасиз, ҳатто — беш-олти соат дегандек! — дарс ҳам ўтасиз. Ҳеч бўлмаса биринчи маошгача. Ахир, йўлга пул керак бўлмайдими? Аслида-ку, қишки таътил пайтида кетсангиз дуруст бўларди, лекин йўлнинг ўзига, эҳ-хе, қанча вақт кетади! Таътил эса борйўғи ўн кун, ҳеч нарсага улгурмайсиз. Майли, таваккал! — пиёла тагидаги чойни бир ҳўплаб тугатди. — Бирон баҳона топармиз. Раҳбарлар сезиб қолмаса бўлгани.

Шунгача анча-мунча кизишган Давланов муддаосига етгач, энди Раҳимов билан дўстона сухбатга тушиб кетган бўлса (буғун бўлиб ўтган воқеани атайин четлаб, мутлақо бошқа мавзуларда сўз юритишарди: об-ҳаво, нарх-наво, дунёдаги воқеалар, жумладан, бошланганига икки йил бўлиб қолган жаҳон уруши, унинг нима билан ва қачон тугаши, Гитлер, Сталин, Молотов, Риббентроп...), Яшар дастурхонда турган чойнакка тикилганча ўйга толганди: натижасиз қайтиб келса-чи? Унда нима бўлади? Яна эски ҳаммом-эски тосми? Ҳа, бир томондан ўйлаб қаралса, улар бир умр орзу қилиб юрган ходиса содир бўлгандек, омаднинг ўзи оёқ тагидан чиқиб қолгандек (у вакт ўтиши билан аёлнинг ҳақ эканлигига тобора ишонаётганди), шундай экан, турли-туман қоғозларни йиғиб юрмай... тақдирга тан бераверсалар-чи? Лекин... лекин ҳаммаси ғалати эмасми? Гарчи аёл уларни ўз жигарлари деб хисоблаётган бўлса-да, бу кишлок, бу одамларни биринчи марта кўриб туришибди. Мабодо ўша болалар бўлиб чиқицанида ҳам (“Наҳотки?!” – ўйлади у нечанчи марта), дабдурустдан, ниҳояси олдиндан маълум саёз спектаклларда бўлгани каби “аммажон!” дея ўзларини унинг, бошқаларининг кучогига ташлай олмасдилар-ку!

У хўрсинди.

“Йўқ, нима бўлганда ҳам аниқлик киритиш керак! Бунинг бари ҳакиқатга жуда ўхшаб кетар тасодиф эмаслигига, биз буғун пайдо бўлиб қолганимиз каби, эртага, индин... ёки ўн, йигирма йилдан кейин ҳакиқий Ҳасан-Зуҳраларнинг келиб колмаслигига ким кафолат беради?”

У беихтиёр ўрнида кимирлаб кўйди.

“Нодира йўлга қараб ўтиргандир, индамай қаёққа кетиб колди деб! Ҳа, роса ўтириб қолишиди...”

* * *

Яшар билан олдинма-кейин кириб келган Давланов ўз ховлисини танимай колганди – нима бўляяпти бу ерда?! Бунча шовқин-сурон? Қаердан бунча одам?

Ховлини ростдан ҳам оломон босган – супа, ошхона, ичкари уйларнинг барчаси одам билан тўлганди.

– Бошлаб келибди, шекилли, – ҳайрон қолган Яшарга ўгирилди Давланов. – Булар аммангизнинг... яъни, Ҳожарнинг демокчи эдим... опалари, почталари, уларнинг болалари-ю неваралари. Билмадим, бошқалари ҳам бордир.

Уларнинг, тўғрироғи, Яшарнинг келганини кўришгач, бирданига сув қуйгандек жимлик чўқди, барча нигоҳлар унга қадалди, бола-чака ҳам ўйинни бир четга йигиштириб, турган жойида котди.

Кейин катталар ўртасида анчагина давом этган шивир-шивир бошланди ва уни Ҳожарнинг бехосдан янграган хўнграши бузди. У Яшар томон йўналиб, гўё соғиниб кетгандек юз-кўзидан ўпди.

– Қаерларда юрибсан, амманг ўлсин? Ўйламадингми, хавотир олади деб! – деди у Яшарни супа томон етакларкан, йўл-йўлакай ҳиқиллаб. – Ана, кўргани келишди сени! – Ўтирганлар орасида ёш тўла кўзини ундан узмаётган Нодира ҳам бор эди. – Саломлаш, айланай. Ҳаммаси ӯзингнинг жигарларинг.

Яшар барчаларига бир-бир кўз ташлади, сўнг беихтиёр бош эгиб, саломлашган бўлди – бундан ортиғига унинг қурби етмаганди.

Супада ўтирганлар асосан кекса эркак ва аёллардан иборат бўлиб, барчалари ёш жиҳатдан Ҳожар ва Давлановдан улуғроқ эканлиги кўриниб турарди. Шундай бўлса-да, Ҳожар уларга қаратада товушини баланд кўтарди.

– Нега ўтирибсизлар!!! Опа! Почча! Ахир бу Ҳасанжонку! Ӯша пайдада гўдак бўлғани учун у танимаслиги тайин, лекин сизлар-чи! Бағирларингизга босмайсизларми?! Вой тавба, буларнинг ўтиришини ялпайиб!

Ийғилганлар аввал бир-бирларига қараб олишгач ӯринларидан қўзгалишди, аёллардан бири бўғиқ овозда йиғлаб юборди.

Бирин-кетин тушиб, кўришар эканлар, барчаларининг хатти-ҳаракатида, кўз қарашида барибир ҳам қандайдир бегонасираш, ҳатто ҳадиксираш бор эди. Буни Яшар ҳам сезди ва ўзи ҳам совуқкина, ўнғайсизлик билан жавоб кайтарди, тўғрироғи, жойида серрайиб турганча, нима қилмоқчи бўлсалар – бағирларига босадиларми, ўпадиларми! – барчасига йўл кўйиб берди.

Буни кўриб турган Ҳожар аламдан лабини қаттиқ тишлиди.

Яшар ва Давланов аллақаерга чиқиб, ҳаяллаб қолишгач, хавотирга тушган Ҳожар дастлаб боғ томонга ўтди ва ҳеч кимни кўрмади, сўнг кўчага чиқди – у ёқда ҳам йўқ! Кизик, каёқка кетган бўлишлари мумкин!

Хожар дарё томонга қараши үйламай, Нодиранинг ёнига шошилди:

– Күренишмайди! – деди у беихтиёр үрнидан туриб кетган қизга. – Мени юраги ёрилиб үлсин, деяптими буларинг! Сен кутиб тур, хўпми? Гузар томонга ўтиб қарай-чи. Қишлоғимиз кўпам катта эмас, балки акангни айлантириб келиш учун ўша томонларга олиб кетгандир.

Гузарда ҳам уларни кўрмагач (йўлида учраган уч-тўртта одамдан сўрашга ийманди), бирдан қарор қабул қилди – опалариникига ўтади! Нега энди шу пайтгача уларни хабардор қилмаслиги керак? Биз билан маслаҳатлашмай, уларни ҳеч кимга кўрсатмай, қандай килиб бир ўзинг ҳамма нарсани ҳал қилиб ўтирибсан, деб хафа бўлишмайдими!

Дастлаб у Санамнинг уйига ўтди. Излаганлари бу ерга келмаганига қарамай, каттагина ҳовлида одам кўп эди. Бозор куни бўлганидан опасининг ўғиллари, қизлари, келинлари, куёвлари ҳар доимгидек уникода йигилганди, невараларнинг ҳам кўпчилиги шу ерда бўлиб, эндинга дастурхон теварагидан жой олишганди.

Хожар бу ерда ҳам ишни ҳўнграшдан бошлаб, уйида кимлар ўтиргани, қай аҳволга тушгани, жиянлари ўзини қандай тутаётганини бир йиғлаб, бир кулиб, барчасини оқизмайтумизмай сўзлаб берди.

Унинг нима деяётганини дастлаб тушунишмади, сўнг...

Нима деб валдираяпти?! Қанақа... aka? Қанақа келин? Болалари дейдими?! Лекин билишимизча, улар... Ёш ўқитувчилар ўшалар эмишми? Худди буюртма килингандек... уникига келишибдими?

Кексайиб, бесунақай семириб кетган Санам бир илож килиб уни навбатдаги йиғидан тўхтатди:

– Шошма... адашаётган бўлма тағин? – деди у пихиллаганча.

Нафақат Санам, бошқа сингиллар, жумладан, мана шу ҳўнграётган Хожар ҳам бедарак кетган жигарларини қайтиб кўришдан аллақачон умид узишганди. Энди эса томдан тараша тушгандек... Ким ишонади бунга!

– Нега адашай! – ҳўнгради Хожар. – Жуда ишонмасаларинг, ана, юринглар, кўзларинг билан кўринглар! Ҳасандан шундай акажонимнинг ҳиди келиб турибди, Зухра эса... –

Унинг кўзлари катта-катта очилди. – Айтгандек, у ҳозир уйда ёлғиз ўтирибди! Бир ўзгинаси! Вой ўрай! Тезроқ бормасак... у ҳам бирон ёқка кетиб қолади!

Унинг тинмай килган кистовлари окибатида бола-чакалар ҳар томонга югуртирилди, қутимаган янгиликдан ҳаяжонга тушиб, ҳовлиқиб қолганлари боис дастурхонга кўйилган таомда шундай колиб кетди.

Чопарлар кетишгач, бир оз тинчиган Ҳожар чўккалаганча Санамни бағрига босди:

– Худо шоҳид, айнан ўшалар! Лекин... менга ишониш майяпти! – У тўхтаб, нафасини ростлади. – Ҳечқиси йўқ, ҳаммаларингиз бориб, кўриб, буни тасдиқлаганларингиздан сўнг, қаёққа боришарди! Тўғрими? – умид билан тикилди у опасига.

– Бу менга насиб килмайди-ёв. Ўзинг биласан, мана уч ийлдирки кўзим кўрмайди хисоб, сенинг ҳам ҳозир шарпанг, шаклингни илғаяпман, холос. Шундай экан, уларни танишга йўл бўлсин.

Ҳожарнинг лаблари аламдан буришди, лекин ўзини босди:

– Барибир сезазис! Сиз эмасми бешикка белаган, исм қўйган! Ҳидидан биларсиз, ҳеч бўлмаса!

Санамнинг лабида истеҳзоли табассум пайдо бўлди:

– Сен йигитни отасига ўхашлигидан, қизни эса пешанасидаги белгидан танибсан... гўё! Энди мен бориб, хидларингдан танидим дейманми? – У ўйланиб колди. – Майли, бас қил ҳиқиллашни. Опаларинг келсин-чи.

Айтилган одамлар бирин-кетин дарвозадан бўй кўрсата бошлаганди. Барчаларининг юзида ҳаяжон, бири олиб-бири қўйиб, нима бўлганини сўрашар, зеро, ҳали ўzlари ҳам гап нима ҳақда кетаётганини тўла тушуниб етмаган болакайларнинг уйма-уй югуриб, ўпкалари оғизларига тикилганча ҳовлиқиб айтган сўzlаридан ҳеч нарсани тушунмагандилар.

Нари-бери сўрашиб, бўлиб ўтган ҳодиса-ю гапларини яна бир бор қайтарган Ҳожар нажот тилагандек энди кичик опаларига термулди. Аллакачон бир ёшга бориб қолган Холчучук, Зархол анча пайт нима дейишни билмадилар, сўнг камсуумгина Холчучук ишониб-ишонмай деди:

– Эгамнинг хохиш-иродаси билан... балки ростдан ҳам ўшалардир.

Чақирилганлар (хозирча улар күп эмасди) йиғилиб бүлгунга қадар Санам одатига кура ташаббусни ўз күлига олди ва ҳатто барчаларига аввалдан дашном беришга улгурди:

— Боргач, лўлиларга ўхшаб кий-чув кўтарманглар, безорижон қилманглар. Йиғи-сиги ҳам бўлмасин! Манови, — Ҳожар ўтирган томон имо килди у, — нима томоша кўрсатганини эшитдиларинг. Нозикойим бўлмай кетинг — ҳушидан кетганимишлар! — У атрофга аланглаб олди. — Ҳамма йифилдими? Қани, ким етаклаб олади мени...

Шундай қилиб, сал аввал Давланов ва Яшар, кейин эса уларни излаб кетган Ҳожарнинг бедарак бўлиб кетганидан хавотирланаётган Нодира ёвдек бостириб келган оломон орасида қолиб кетди.

Санамнинг қатъий огоҳлантиргани туфайлими келганларнинг биронтаси аввал Нодира, кейинчалик Яшарни кўрганларида туйғуларига эрк беришмади, қолаверса, уларнинг айнан ўша болалар эканлигига ҳали-ҳамон тўла ишончнинг йўклиги бунга халақит берарди.

Яшар пайдо бўлганида, Санам у билан кўришгани ўрнидан ҳам турмади: нима килади? Бу ерга кириб келишгач, қўярда-қўймай кизни унинг кучоғига ташлашганда, дир-дир титрашдан нарига ўтмаганини кўзлари кўрмаса-да, бутун вужуди билан сезиб турди-ку!

— Ялаб-юлқашиб бўлдиларингми? — товуш берди у бир оздан сўнг. — Яхши. Унда бу ёққа кел, болам. — Яшар у томон юрди. — Агар синглимнинг гаплари рост чиқса, сенларга катта амма бўламан. Яқинрок кел, чирофим. Кўзим ожиз бўлса-да, кулогум балодек — ҳаммасини эшитдим.

Шу куни бутун Лангар ушбу ажабтовур воқеа ҳақида эшитди. Узок-яқин қариндошлар, кўни-кўшнилар, ҳатто шунчаки танишлар ҳам Давлановниги бирров бўлса-да кириб ўтишга ўзларида вақт топа олишди.

Ҳамманинг тилида Малланинг номи эди.

Бу пайтда умрининг энг сўнгги дамларини кечираётган Ҳайитов ҳам буни эшитди, аммо қимиrlамади, фаолиятини гўхтатаётган мияси тўқималари орасидан бу ном билан боғлик баъзи бир хотиралар йилт этиб ўтгандек бўлди, холос.

Тўрт нафар аскар билан келган Ҳайитов ўрама қамчиси қўндоғи билан Малланинг дарвозасини зарб билан тақиллатди, бир оз кутиб тургач, ҳеч кимга қарамай, тўнғиллади:

– Бўрсиқдек ухлаб ётибдими, дейман.

У навбатдаги уриниш учун қамчисини кўтарган эди ҳамки, ичкаридан зулфининг шикирлагани эшитилиб, остоңада Малла пайдо бўлди.

– Ҳа, полвон! Яна келдик остоңангизга бош уриб! Буюнинг!

Улар неchanчи марта кўришишларига қарамай, бирон гал бўлса-да саломлашмасдилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

– Мен уйимга келинг деб, илтимос ҳам, буйруқ ҳам килганим йўқ, – қўлларини қўксига чамбарак қилди Малла. – Ўзингиз келиб-кетиб юрибсиз.

– Шунақами! – гезарди Ҳайитов. – Ҳа, биз энди ерда қолган бир факир-да! Лекин сенинг кимлигингни билмай турибман! Нима, бошқа одамлардан ортиқ жойинг борми? Ё бoshингда шоҳ ўсиб чиқсанми? Эҳтиёт бўл, оғайни, тағин синиб қолмасин!

Уларнинг суҳбати ҳар сафар шу зайлда кечар, ҳатто баъзи бир сўз, иборалар ҳам айнан қайтариларди.

– Илгари ҳам қатъий қароримни айтгандим: менинг сиз ва сизга ўшаганлар билан киладиган ишим йўқ.

– Ўзинг алоҳида, яккамоҳовдек, элдан чиқиб яшамоқчимисан?

– Кечирасиз, сиз билан ҳамкорлик қилмаслик элдан чиқиш эмас, – қулди Малла. – Тушунмаяпман, нега менга ёпишиб олдингиз ўзи? Нима, менсиз хукуматингиз ўтириб қоладими? Агар биттагина одамга боғлиқ бўлса, унақа хукуматнинг кимга кераги бор? Ана, одамлар хизматингизга кирибди-ку. Аввал ўшаларни сафингизга олаверинг-чи, кейин сиз айтгандек ҳамма ёқ гуллаб-яшнаб, одамларнинг чўмичи олтиндан бўлиб қолса, ўйлаб кўрармиз.

– Тайёр ошга баковул бўлмоқчимисан? Балки биратула раис бўлиб келарсан?

Малланинг энсаси қотди:

– Жудаям кўзим учиб тургани йўқ, ўзингизга буюрсин. Хозир эса келган жойингизга жўнанг! Сиз билан пачакила-

шиб ўтиришга вақтим йўқ! Ишим, далам кутаяпти. – У нафас ростлади. – Билиб кўйинг, фақат овора бўлганингиз қолади. Халқни алдаманг ёлғон ваъдалар билан! Ўйлайсизки, нега мачитни ёпганингизни одамлар билмайдими? Билмайди, деб ўйлагансизми? – кўзларидан ўт чакнади Малланинг. – Ҳамма жума куни намозга бориб, ўша куни иш тўхтаб қолади, деб ўйлагансиз! Халқ сиз ва сиз кабилар учун омочга қўшилган ҳўқиздан фарқ қиласлиги керак! Тўғрими? Олдиларига кўйилган бир тутам похолни еб, фақат ер ҳайдасин! Ким кўйибди бу саводсизларга намоз ўкишни! Шундайми?! Билмадим, аслида кимнинг манфаати учун бунча жон куйдираяпсиз, лекин асло оддий халқнинг эмас! Ҳали, эрта-индин одамларга уйида ҳам намоз ўкишни ман қиласиз – бунга ҳам вакт кетиб, давлатингизнинг иши чала қолади-да! Мана сиз тарғиб қилаётган шўронинг асл моҳияти! Одамларни қулдек ишлатиб, ўзларингиз шу меҳнат ортидан роҳат-фароғатда яшаш! Энди жўнанг!

Малла дарвозани Ҳайитовнинг юзига тараклатиб ёпди. Сал ўтиб кўча тарафдан от туёқларининг узоклашаётган товуши эшитилди.

Унинг ким билан гаплашгани, нега бунчалик ғазабланиб турганини Гулбаҳор ҳам, Ҳожар ҳам билиб туришарди.

– Яна келибди! – гап бошлади Малланинг ўзи. – Айтгандим-ку, энди мени тинч қўймайди, деб. Бўпти, мен дала га чикишим керак. Ҳеч кимга дарвозани очманглар. Эшитиларингми?

– Бугун катта опам келмоқчи эди, – деди бир пайт Гулбаҳор.

– Ҳечкиси йўқ, келса овоз беради. Нима, бирон иши бор-микан?

– Зухранинг яраси тузалмаётганини айтгандим... шунга. Айтгандек, ўзи ҳам келишни мўлжаллаб турган экан, – жилмайди Гулбаҳор қайнисинглисига тез кўз ташлаб олгач.

Хаёллари оғушидаги Малла ушбу сермањо табассумга эътибор бермади:

– Кўрсин. Опамнинг бундай нарсаларга тажрибаси бор.

Шу кетганича коронғу тушгандагина қайтиб, энди овқатга ўтирган ҳам эдики, дарвоза зулфинининг секин шиқирлаётгани эшитилди. Балки шундай туюлаётгандир, деб ўйлаб турганларида, товуш яна қайтарилди.

— Опам энди келди чоғи, — хотинига саволомуз қаради Малла.

— У киши аллақачон келиб-кетди-ку, — деди Гулбаҳор ажабланиб. Очасизми? — давом этди у хавотирини яширмай.

— Нега очмас эканман? — деди Малла ўрнидан тураркан. — Ўз уйимда кўркиб ўтираманми? Мен бирон айб иш қилганим йўк.

У фонусни кўтариб дарвоза томон юрди, ҳар эҳтимолга карши бир оз кулоқ солиб тургач, нақшинкор зулфинни пастга тушириди.

“Қизик, ким бўлса? — ўйлади Малла анча нарида турган шарпани илғаб. — Дарвозани тақиллатиб, нарига бориб турганичи! Шунчалик сипо, камтар, тарбияли экансан, коронғу тушмасидан келсанг бўлмасмиди!”

Малла фонусни боши узра баланд кўтарди.

“Э! Аскар кийимидами? Нега унда... бир ўзи? Ахир улар овга чиққан шоқоллардек тўда-тўда бўлиб юришарди-ку! Балки... қолганлари сал нарида пойлаб туришгандир... бехосдан, таппа босиш учун?”

Шундай ўйлаётганига қарамай, ҳадиксираётгандек ён-атрофига аланглаш учун ҳамияти йўл кўймади.

— Сиз тақиллатдингизми? Кимсиз?

— Мен... — синик овоз эшитилди шарпа турган жойдан.

Малла овоз эгасини дарров таниди: Хўжамурод! Кеч кирганда нима килиб юрибди?

— Нима гап? — сўради у норози оҳангда. — Ёки хўжайининг жўнатдими?

— Ким? — тушунмади Хўжамурод, сўнг, савол маъносини англади шекилли, деди. — Йўқ, Ҳайитов билмайди, ўзим келдим.

Уни ёнига чакирмоқчи бўлган Малла дарҳол фикрини ўзгартирди ва ўзи у томон дадил кадам ташлади.

— Хўш, хизмат? — деди у фонусни янада баланд кўтариб, Хўжамуроднинг чўзинчок юзига кизикиб қааркан. — Менда бирон ишинг борми?

Хўжамуроднинг ютингани кўтарилиб-тушган ҳикилдоридан кўриниб турарди:

— Сизни... қамашмоқчи, Малла ака.

Ўртада бир неча сонияга жимлик чўқди.

— Ким қамайди мени? — энди товушига атайн қувноқлик оҳангি берди Малла. — Нима айбим учун? Билсак бўладими?

Хўжамурод чайналиб қолди:

– Ўзингиз... билмайдигандек худди.

– Мен ҳеч нарсани билмайман! – ҳўмрайди Малла. – Билсанг – гапир, бўлмаса, топишмок айтиб, бошимни оғритма!

– У сизни ўша кундан буён ёмон қўради, – деди шошиб қолган Хўжамурод.

Малла кайси кунга шама қилинаётганини жуда яхши тушиниб турарди. Лекин ўзи ҳам чўзмай, тезроқ муддаога ўтгани яхши – бу бола ростдан ҳеч кимга айтмай, ҳеч кимнинг топшириғини олмай, ўзи келганга ўхшайди.

– Қаердан биласан? – сўради у қамаш ҳақидаги сўзга ишора қилиб.

– Қандайдир қоғоз тайёрляяпти. Сизни... бадарға қилишмокчи... лекин бундан олдин камайдилар. – Хўжамурод бошка саволларни кутиб ўтирмай, билганларини айтиб қолишга шошиларди. – Бизга ҳам энди-энди етиб келаётган гапларга кўра... у ниҳоятда шафқатсиз ва кек сакловчи одам! То бу ёққа келгунича, кўплар унинг дастидан қамоқка ташланган, Сибир бўлган экан. Шуни сизга айтгани келгандим.

Малла фонусни пастга туширди ва рўпарасида мунғайиб турган Хўжамуроднинг озғин қоматига назар ташлади.

– Хўп, шундай ҳам дейлик... лекин менга қачондан бери бундайин меҳрибон бўлиб қолдинг? Хизматга кираётиб, уларга садоқатли бўлишга қасам ичмаганмидинг? Қандай қилиб... бугун-эрта қамоққа тушадиган одам билан сирлашиб ўтирибсан? Ишдан ҳайдалиб ёки ўзинг ҳам қамалиб кетишдан кўркмайсанми?

Хўжамурод коматини бир оз рост қилди, сўнг яна олдинги ҳолига қайтди ва ерга қараганча, деди:

– Балки, буни... сиз учун ҳам кильмаётгандирман.

Малла бир оз ажабланиб турди.

– Бу ёғи қизик бўлди-ку! – кулиб юборди сўнг. – Ким учун экан унда? Билсак бўладими?

Хўжамурод бошини кўтарди, энди унинг товуши дадилдадил чикарди:

– Малла ака! Биласиз, етим ўғсанман, бурда нон учун бир бошимга ўн мушт еб! Хизматга ҳам нима учун кирганимни яхши биласиз. Ахир, факат ўзингизни ўйламанг-да! – Малла анқайиб қолди. Унинг ҳолатини кўрган Хўжамурод фикрини изоҳлашга ўтди. – Болаларингиз-чи! Биламан, яқинда эгиз фар-

зандли бўлгансиз. – Улар туғилиб, элга тўй берганингизда... балки, ўшанда биринчи марта қорним тўйиб овқат егандирман! Агар бошингизга бирон кулфат тушадиган бўлса... уларнинг ҳоли не кечади?

Малла ҳамон ўзига кела олмаётганди.

– Дурустсан-ку! Бокса одам бўласан! – кулди у бир пайт. Гарчи шундай деса-да, қўнглида унга нисбатан бехосдан илиқлик уйғонганди, қолаверса, ҳозир рўпарасида турган йигит олдинги Ҳўжамуродга сира ўхшамасди. Факат кўнишиб колгани, табиатига сингиб кетган одати – доимо мунгайиб туришини ҳисобга олмаганди! Балки, тез орада бу одатини ҳам йўқотар! Малла унинг кифтидан ўнғайсизгина кучди. – Раҳмат, ука! Лекин хўжайнингнинг гапи менга ўтмайди! Бошимга қандай бало ёғмасин! Болаларга келсак... бир кунини кўришар, ахир тепада худо бор-ку!

Малла сухбат тугаганини англашиб, энди ўгрилган ҳам эдики, ортидан яна товуш келди:

– Малла ака! Биламан, сиз янги ҳукуматни ёқтирмашибиз, лекин... нима фарқи бор? Ахир, Ҳайитов ўшанда... сиздек йигитни хизматга кирайпти деб ўйлаб, курсанд бўлиб кетгандида! Ишончим комил, агар уларга хайриҳохлигинги билдирисангиз, кечиради! Ҳар ҳолда, қандайдир қора меҳнатни таклиф этмас! Мадрасаларда таълим олгансиз...

Унга тикилиб қолган Малланинг юрагига яна шубҳа орлади: ҳартугул буни Ҳайитовнинг ўзи юборган-ов! Аввалига сафларига жалб этиб, кейинчалик, “айтганимни килмай каёққа ҳам бораардинг” – дея юзимга солиш учун!

Лекин Ҳўжамуроднинг мўлтираб турган кўзлари бу тахминни оқламасди.

– Эҳ, Ҳўжамурод! Иним! – надомат билан бош чайқади Малла. – Мени меҳнатдан кочиб шундай қилаяпти, деб ўйляяпсанми? Ҳар ҳолда даламда сен эмас, ўзим эртаю кеч тер тўқаяётганимни билсанг керак? Ҳайитовнинг кечириши ёки кечирмаслигига келсак, бунинг энди мен учун сира аҳамияти йўқ. Унинг ўрнида бошқаси бўлганда ҳам худди шундай қиласадим. Мен улар билан... балки сен билан ҳам... то умримнинг сўнгигача курашаман ва кўриб турибсанки, буни айтишдан кўркмайман!

Малла деярли туни билан күз юммай чиқди: “Ростдан ҳам болаларга нима бўлади? Гулбаҳор, Ҳожар-чи! Наҳотки қамаб қўйсалар ёки бадарға қилишса? Бу пўписани илгари ҳам бир неча марта эшитгандим, аммо бу сафар... Ҳайитов аллақандай коғозлар тайёрлаяпти деб... Ҳўжамурод ёлғон айтмади. Қачонга мўлжаллаяпти? Эртагами? Йиндинми? Нима қисса ёкан? Эрта тонгдан эса яна далага чиқиши (анча жой чопилмай ётибди) керак. Лекин бу энди керакмикин?”

Кайфияти, иштаҳаси бўлмаса-да, эрталаб нари-бери но-нушта килиб, барибир чиқди, бир оз ўтиб Эшмамат етиб келди, худди кеча келгани ва бу хақда бугунга ҳам келишилганидек – срлари ёнма-ён бўлганидан, иш жуда кўпайиб қолган пайтларда икки дўст бир-биридан ёрдамини аямасдилар.

Эшмаматнинг кўриниши бугун бутунлай бошқача: эгнида оҳори кетмаган яқтак, оёғида янги этик, лабида эса... ғалати илжайиш.

Юрагига қил сифмаётган, кеча оқшом Ҳўжамурод билан бўлиб ўтган сухбат ҳакида айтишга ошикиб турган бўлса-да, Малла унга бошдан-оёқ кўз ташлагач, ҳазил қилди:

– Бугун аллақандай байрамми дейман! Шўроларнинг... бирон доҳийси туғилган кун эмасми? Ўшанака кунларни ҳам нишонлашар экан-ку!

Жавоб ўрнига яша ўша илжайиш.

Малланинг кўли сира ишга бормас, Эшмаматнинг эса йикилиб қолгунча кетмон урадиган чўти бор эди. Нихоят, бир оз дам олгани ўтиришгач, Малла деди:

– Иш ҳеч унмаяпти негадир. Уйга кетсаммикин. Тушлик ҳам олиб келмаганман.

– Тушлик? – ҳовлиқиб кетди Эшмамат. – Мана мен олиб келганман-да! Иккимизга ҳам етади! Ана, хуржунда турибди, – имлади у оти тушовланган томонни кўрсатиб.

Унинг эгар-жабдуқдан холи қилинган оти даланинг бир чеккасида ўт чимдилар, ҳар-ҳар замонда бошини кўтариб, Маллага тегишли зотдоши томонга кўз ташлаганча пишқириб кўярди.

Малла Эшмаматга ажабланиб қаради: “Бугун бир бало бўлганми унга? Чанг-тупрок далага тўйга бораётгандек ясаниб келади, ишлаб чарчамайди, уйга кетайлик десанг, тайсалланади. Наҳотки менинг аҳволимни тушунмаётган бўлса?” Дўсти

индамай бориб отини эгарлаётганини кузатиб турган Эшмаматнинг ҳам ўзга чораси қолмади.

Йўл бўйи ҳар ким ўз хаёли билан банд бўлганидан, сухбатлашмадилар хисоб, фақат ҳар эрталаб отлари суғориладиган булоқ бўйига етиб келишганда, Эшмамат от жиловини тортди.

– Шу ерда озрок дам олайлик, – деди у илтимос қиляётгандек. – Йўқ дема. Бир йўла тушлик ҳам қилиб оламиз... олиб келинган нарсаларни қайтариб кетишга не ҳожат!

Малла бир зум ўйланиб тургач, отидан тушиб, булоқ бўйидаги қари тол танасига боғлади.

Белбокка тугилган егуликлар ўртага қўйилганида Малла ёғлик патирдан синдириб олди-да, атрофни кузатганча, шошилмай чайнай бошлади. Унинг нигоҳи мовий осмон қўйнида чўмилаётгандек кўринаётган масжидга тушганда бир тўп кўк капитар бир нимадан чўчигандек гур этиб осмонга қутарилди ва атрофни бир айланиб чикқач, яна қайтиб қўнди. Қандай чиройли қушлар! Айтишларича, бунака рангдаги капитарлар дунёнинг бошқа ҳеч жойида учрамас экан.

Унинг дили бирдан хира тортди: масжид ва хонақоҳдан энди ёток ўрнида фойдаланаётган аскарлар бир нечтасини (балки, шунчаки эрмак учундир – ахир, бу капитарларни истеъмол килиш ҳам гуноҳ хисобланади-ку!) отишибди. Иймонсизлар! Масжид ичida ўқ отганлари нимаси!

У чуқур хўрсинди.

Бир неча кун илгари устози мулла Жалилни йўқлаб уйига борганди. Анча пайт сухбат куриб ўтирилар. Бошига тушган кулфатдан фақат сийрати қолган, бир пайтлар алпдек бўлган комати букилган мулланинг айтишича, Ҳайитов масжиддан қувиб чиқариш олдидан роса кўрқитибди, у гўёким ёш боладек, дакки берибди: “Бўлди, энди касбингизни ўзгартиринг – шўро ҳукуматига ҳеч қанака имомнинг кераги йўқ! Алмисокдан қолган эски мактабингизни ҳам ёпинг! Болаларнинг мияси-ни бўлмағур нарсалар билан ачишишни бас килинг, акс ҳолда, ўзингизга қийин бўлади! Тез орада янгича мактаб очилади! Агар аввалги фаолиятингизни пинҳона давом эттирадиган бўлсангиз (бошқа жойларда ҳам бунака ҳолатларни кўрдик!) ҳазиллашиб ўтирмаймиз! Доимо назорат остида бўласиз. Бугундан бошлаб масжидга ҳам, анови – саводсиз лақма одамларнинг гаплари бўйича аллақандай “табаррук зотлар, пирлар,

жонлар жасадлари қўйилган қадамжо”га ҳам оёқ босмайсиз. Тушунарлими? Калитлар менинг қўлимда бўлади, юқоридан буйруқ бўлса, балки бузиб ҳам ташланар – бошқа жойларда шундай килинаяпти. “Қадамжо” эмиш! Ол-а! Буларнинг бари чўпчакдан бошқа нарса эмас – оми халқни алдаш, шунинг орқасидан кун кўриш, бойлик ортириш мақсадида бир тўда текинтомоқлар үйлаб чиқарган найранг! Энди масжиднинг ҳеч қанақа вакф-пақф ери бўлмайди – ҳаммаси давлат фойда-сига мусодара қилиниб, ерсизларга бўлиб берилади. Гап шу: аклингиз борида, ҳали кеч бўлмай, жамият учун фойдали бирон иш билан шуғулланинг. Етар шу пайтгача қоринни силаб, кани ким нима олиб келаркан деб лақма одамларнинг йўлига кўз тикиб ўтирганингиз!” – дебди.

Шу сўзларни тақрорлаётганда мулла Жалилнинг кўзла-ридан ёш думалади:

– Малла ўғлим, юрт мана шунақа нусхалар қўлига ўтиб-дими, хароб бўлди, деявер. Наҳотки, масжидни ҳам, авлиёлар ётган Лангар-Отани ҳам бузиб ташлашса? Рухлари чиркираб колмайдими? Бизни ҳайдаб, аллақандай тайини йўқ, худобеха-бар, ювуксиз, умрида намоз ўқимаган одамлар кириб олишди. Масжид айвонини отхона қилишибди. Мен хозиргача ўзимга кела олмаяпман – энди нима бўлади? Ҳаром бўлди-ку Лангар! Наҳотки бизни ҳеч ким ҳимоя қилмаса? Иймонни саклаш учун кай гўрга бош олиб кетамиз?

Шу сұхбатдан сўнг бир кун ўтиб мулла Жалил вафот этди. Яқинларининг сўзларига қараганда – юрак хуружидан. Янги ҳукумат вакиллари келиб, ўз тартибларини ўрната бошлагандан сўнг ҳовлисидан йифи чиқкан, Лангар мозорига қўйилган илк майит бўлди у...

* * *

Маллани жиянлари – Санам ва бошқа опаларининг катта-кичик болалари чуғурлашганча кутиб олишди.

– Качон келдиларинг? – деди у болаларнинг бошини навбатма-навбат силаркан. – Ота-оналаринг ҳам шу ердами?

– Факат меникилар шу ерда, – ҳамма учун жавоб берган Холдор бир оз үйлаб тургач, қўшиб қўйди. – Бошқа меҳмонлар ҳам келишганди.

– Кимлар экан?

– Ҳамсояларингиз.

Ясан-тусан қилиб олган Санам илжайганча айвондан қараб турарди.

— Келдингми? — деди у. — Жиянларинг дарров суюнчи олишашяптими дейман? Қани, уйга кир, поччанг бир ўзи зерикиб ўтирибди.

Уст-бошини қоқиб, айвонга кўтарилиган Малла опаси билан кўришиди.

— Мехмонлар келишини билганимда, бугун далага чикмасдим.

— Шарт эмасди. Сенга атайин индамагандик, — деди Санам ўзига ҳайрон қараб қолган укасининг курагидан итариб. — Кир, ҳозир ҳаммасини ўзинг билиб оласан.

— Кел, — нима бўлаётгани, нега бундай сирли гапираётгандарини тушуна олмай ичкарига юрган Маллага поччаси пешвоз чиқди. Унинг ҳам лаб-лунжида қандайдир айёrona табасум зохир эди. — Чарчамадингми?

Шарпасизгина кириб келган Санам бир пиёла чой қуйиб, Маллага узатди.

— Даастурхонга қара.

Малла даастурхонга қаради: кунжут ҳолва, пашмак, калла қанд, майиз... Тўхта, буларни каерда кўргандим? Патир ҳам танишдек-ку! Қизик...

У патирдан кичикрок қилиб ушатди-да, оғзига солди: ие! Эшмамат ҳам худди шунақасидан олиб бормаганмиди далага!

Санам лабидаги ўша кулгу билан бошлади:

— Энди укам, ким келганини айтсам ҳам бўлаверади. Била-ман, нега булар мендан яширишди, деб ичинг қизиб турибди. Хуллас... Ҳожарга одам келди.

— Одам?! — деди нон чайнашдан тўхтаган Малла билинار-билинмас қизариб. — Буни... мендан яширишнинг нима кераги бор эди? Кимдан?

— Ўзинг топ-чи. Айтганча, патирни Норгул хола ўз қўли билан ёпган. Дўстингнинг онаси-да! Жазда пиширилган! Мазалими?

Бу сўзлар шу даражада сермаъно қилиб айтилдики, гап ким ҳақидалигини билмасликнинг сира иложи йўқ эди.

— Эшмаматми?! — юзига баттар қизиллик юкурди Малланинг. — Ахир... мен у билан... далада... Менга ҳеч нарса...

У жим бўлиб қолди: “Вой писмиф-эй! Мана нима учун ясаниб олган экан! Мана нима учун то кечга қадар далада

қолишни мүлжаллаган экан! Мана нима учун ҳар иккى гапнинг бирида тиржайган экан!”

Санам энди овоз чиқариб кулди:

– Нима, синглингга одам жўнатганини айтиши керакмиди? Ҳали ҳам боладексан-а! Гапнинг очиги, унинг ўзи бу пайтда уйда бўлишингни истамабди. Кўрдингми, канчалар одобли йигит! Нима дейсан?

– Нимага нима дейман?

– Эшмаматга-да! Бизнингча, синглинг учун ундан маъкулроғи йўқ.

Энди почча гапга қўшилди:

– Биздан хафа бўлмаяпсанми, ишқилиб? Ҳар ҳолда, бу уйнинг хўжайнини сен. Эшмаматнинг ота-онаси катта куёви билан тунов куни уйимизга бориб бугун шу ерга келиб туришимизни илтимос қилди. Сенинг ҳали ёшлигинг, бундай ишларга тажрибанг йўклигини билиб... Бунинг устига, Эшмамат билан ошнасан, нокулай бўлмасин деб ўйлаган-да! Кейин...

Малла поччасининг ҳар битта сўзини алоҳида таъкидлаш одати борлигини яхши биларди. Бошини эгиб олган кўйи унинг сўзларини охиригача тингларкан, ўйлаб кетди: демак, ҳаммаси маълум – Гулбаҳор ҳақ бўлиб чиқди... Бўпти, нима ҳам деймиз. Ўзимнинг тақдирим номаълум бўлиб турганда, балки шундай бўлгани тузукдир...

– Эртага ўзинг ҳам шу ерда бўласан, – яна бошлади Санам. – Даладаги ишларинг тугаб қолдими ўзи? Ҳа, айтганча, сени ҳали ҳам Ҳайитов билан баҳслашиб юрибди, деб эшитдик. Укажоним! – уф тортди у. – Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан деганлар! Сен ҳам эл қатори бўл-да! Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас! Бир ўзинг нима ҳам қила олардинг! Бир тирикчилик бўлса, ўтар!

Малла бошини илкис кўтарди:

– Опа! Илтимос, бошқа нарса ҳақида гапирайлик!

– Нима ҳақида?! – қошларини чимириди опаси. – Сени бир нима қилишса, биз куйиб қолмаймизми? Билмадим, кимга ўхшадинг ўзи! Пошшолар бири кетиб, бошкаси келаверди, шунга ота гўри козихонами? Яшаб юрибмиз, ҳеч ким ўлиб қолаётгани йўқ. Балки уларнинг қайсицир иши сенга ёқмаётгандир, лекин одамзод дегани ҳамма нарсага кўнидади. Бир-икки кун мана шундай гуриллашиб юришар, кейин ҳаммаси ўрнига тушиб кетади – мана, ўзинг кўрасан! Бундай

килма, укажон. Сен бизнинг чирокчимизсан. Худога шукр, болаларинг катта бўлаяпти. Бундан кейин ҳам кўп ўғил-қизлар кўрасан, тўйлар киласан.

Малла яна бошини эгиб олди: “Ҳаммасининг сўз охири болаларга тақалади! Ким менга акл ўргатмоқчи бўлса, уларни рўкач қилади. Наҳотки мен ўз болаларимга ёмонликнираво кўрсам!”

Бир пайт почча томок қирди:

– Нима ҳам кила олардик, қайни. Бошга тушганини кўз кўрар, деганлар. Опанг айтаётгандек, бу ҳаётимиз ҳам ёмон бўлмас. Агар ёмон кўрганинг Ҳайитов бўлса, уни ҳам боғлаб қўйибдими – ўзига юкланган вазифани адo этгач кетади-да, бошқа нима қилади! Ҳукумат тепасига шулар келибдими, шулар энди бизга хўжайин бўлибдими, демак бу ҳам яратганинг иродаси – бандасининг қўлидан нима келарди.

Кўп қатори Малла ва Ҳайитов ўртасида келишмовчиликларни айнан ўша воқеа билан боғлаётган поччаси Маллага зимдан кўз ташлади: “Ҳа, қайнисининг феъли тез, билганидан қолмайдиган йигит. Асл эркак шундай бўлиши керак! Қани эди ҳамма унингдек... Аммо ҳаёт, сен яшаб турган жамиятнинг ўз конун-қоидалари бор ва камдан-кам одамларгина уларга қарши турга олади. Қарши тургани ҳам...

Ўзи болалигидан қайсар бўлиб ўсади. Балки, оилада ягона ўғил бўлгани, кўнглига қарашганлари учундир? Лекин бундан талтайиб кетмади, ҳар қандай – на оғир, на енгил меҳнатдан қочмади. Моҳир чавандоз бўлиб етишди, дўстлар ортириди, қишлоқнинг олд йигитига айланди, мулла Жалилнинг қўлида таълим олганидан сўнг, Бухородек жойга бориб (бунақаси якин-орада қишлоғимиздан чиқмаган эди!), бир неча йил мадрасада таълим олди. Агар ота-онаси (иккисини ҳам худо раҳматига олган бўлсин!) тўсатдан вафот этиб, ўқиши тўхтаб қолмаганида... каттагина одам бўлиб етишармиди! Ҳозир ҳам фикр юритиши, дунёқараши кўпларникига қараганда устун.

Уйланиши ҳам ғалати кечди бу боланинг! Бир сафар (ўшанда оғир ётган онасини ташлаб кетишни истамай, уйда юрарди) қишлоқдош чавандозлар билан узок Шерободга улоққа кетиб, қайтишда бир қизни олиб келди. Ҳамма шошиб қолди: “Ким бу, кимнинг қизи? Қаердан олиб келдинг?” “Унга уйланаман” – жавоб берганди у барчани янада лол қолдириб. –

“Тезда никоҳ ўқитиб, тўй қилинг. Ота-онаси... ким дейсизми? А-а-а, ўлиб кетишган! Бошқа қариндошлари ҳам йўқ”.

Касал ётган она йиғлади, ўз фарзанди бўлишига қарамай сизлаб гаплашувчи ота чапанилаб сўқди... Лекин у айтганида турди ва бўй кизи бор қўпчилик қишлоқдошларининг орзулари бир кунда саробга айланди.

Жиянлар тоғага тортади, дейишади. Менинг ўғилларим ҳам шундай йигит бўлиб етишадилармикин? Ёмон бўлмасди, лекин...”

– Куда томон тўйни тезроқ ўтказайлик, деб турибди, – деди Санам эрининг насиҳатомуз сўзларидан сўнг эски мавзуга қайтиб ўтирамай. – Оқдаҳанада Норгул холанинг опаси яшайди. Биласан, бир-икки марта Эшмамат билан боргандинг. Ўша... ўсал ётганмиш. Шўрликнинг етти боласи бор эди. Соғайишига умид йўқ. Табиб ҳам кўпга бормаслигини айтибди. Худо кўрсатмасин, бир бало бўлиб қолса, камида бир йил кутишларига тўғри келади. Хуллас, ҳозир шуни маслаҳатлашиб олишимиз керак. Тўй нариги хафталарда ўтса керак.

Дастурхонга мункайиб ўтирган Малла қаддини кўтарди:

– Нариги ҳафтада? Бунча тез?

– Дарров ёдингдан чиқибида? – қалин лабларига қув табассум югорди Санамнинг. – Сенинг тўйингни бир кунда ўtkазиб юборгандик-ку? Узок-яқин қариндошларни айтишга ҳам улгурмагандик, шарманда бўлмайлик, никоҳи ўқилмаган кизга қаерга жой қилиб берамиз, деб!

Поччаси тиззаларига шапатилаганча, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Опа! – кўзларини олайтирди Малла. – Ҳа деб шуни юзимга солаверасизми?!

– Ҳа, нега жаҳлинг чиқаяпти? Ёлғонми? – давом этди Санам эрига қўшилиб кулар экан.

– Рост! Энди кутулдимми? Кўнглингиз жойига тушдими?

Ўрнидан даст туриб, эшик томон юрганида опаси ҳайҳайлади:

– Вой, тўхта! Ҳазиллашдим! Тўхта! Ҳозир келин ош олиб келади!

– Ўзингиз енг! – тўнғиллади Малла эшикни қарсиллатиб ёпаркан.

У айвонга чиқиб, қаёққа боришини билмай қолди. Ошхонада, бурқисиб тутаётган ўчоқ қаршисида Гулбаҳор куймаланар, капкирни қозонга шакур-шукур уриб, совуб қолган ошни

иситарди, халигина ҳовлини тұлдириб турған жиянлари эса үйнагани күчага чиқиб кетишган бұлса керак, күринишмасди.

Яхшиси, болаларининг ёнига боради!

Эшик очилганини эшитган Ҳожар тезда үрнидан турди:

– Келинг, – деди у лов-лов ёниб. – Янгам үчөк бошида эди, болаларга қараб турибман, – гүё айб иш килиб қўйган-у, энди ўзини оқлаётгандек, кўзини ерга тикканча изоҳ бера бошлади у.

– Ухлашайтими? – сўради Малла нима дейишини билмай.

– Ҳа, ҳозиргина. Сиз шу ерда бўласизми?

– Нима эди?

– Янгамга қарашмоқчи эдим, – деди акаси ёнидан тезрок кетиш учун баҳона излаётган қиз. – Мабодо йиғлашса...

– Хўп, бирдан чақираман.

У фарзандлари ёнига чўқди, навбатма-навбат юзларини очиб қаради: Ҳасан ёқимли туш кўраяпти шекилли, лабининг бир чети билан жилмайиб ётар ва шу кўринишида унга жуда ўҳшаб кетарди.

“Катта бўлса, худди аксим бўлади, – үйлади Малла юрагида ширин бир энтикиш билан. – Лекин қизим онасига ўҳшаганда яхши бўлармиди...”

Ўн биринчи боб

Келиб-кетувчилар оёғи тунги соат бирларга бориб узилди. Бир-иккитани ҳисобга олмаганды, ўрта ва катта ёшдагиларнинг кўпчилиги Маллани яхши эслашаркан, баъзи бирлари у билан анча яқин муносабатда бўлган экан. Айниқса узоқ-яқин қариндошлилик ришталари билан боғланган аёллар бири кулиб, бири йиғлаганча, ёддан кўтарилиб кета бошлаган баъзи бир воқеаларни эслаб, уларни Малла ва Гулбахорнинг номлари билан боғлашар, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона Яшар ва Нодирага тикилишарди: “Демак, мана шу йигит билан қиз... Ислами Ҳасан ва Зухра эдими? Э... ҳозир бошқача эканми?! Нега?! Вой тавба... Худонинг иродаси шу бўлган-да, айнан ота юртларига келишибди, бўлмаса, ишга юбориладиган жой камми! Қон тортган-да! Йигитнинг қадди-бастига қаранг... отасининг худди ўзи! Қиз эса... ё тавба, унинг ҳам отасидан сира фарки йўғ-а!”

Ҳамманинг хаёлига яна Давланов ва Ҳожарнинг ёлғизлиги

тушди: оёқ остидан чиқиб қолгаң жиянлар зора энди фарзанд ўрнини босиша!

Ташқаридан караганда бу ҳолат бир оз қайғули, шу билан бирга, бир оз кулгули эди. Яшар ва Нодира кўрсатилаётган турли-туман муносабату мулозаматларга нисбатан ўзларини қандай тутишни билмасдилар: қўшилиб йиғлашсинми ёки кулишсинми? Кейин, бутун кишлокки ким эканликларига шубха килмаётган экан, демак...

Шу дақиқаларда иккаласига ҳам жуда қийин эди. Санам ва сингиллари эртага ҳам келишларини қайта-қайта таъкидлаб, ҳаммадан кейин кетишгач (Хожар ва Давланов уларни кузатиб кўйгани чиқишганди), Нодира Яшарнинг рўпарасида тўхтади.

– Демак, иккаламиз ака-сингилми? Шу кунгача биз хақимизда айтилган барча фаразлар ахийри рост бўлиб чикибди-да?

– Шунакага ўхшайди, – ғамгин илжайди Яшар. – Хурсандмисан... орзуларимиз бундай кутилмаган равишда амалга ошганидан? Тўғри, мен ҳам худди сен каби бирдан ҳазм кила олмаяпман. Шунинг учун, нима бўлгандা ҳам аниқлик киритишмиз зарур. Раҳимов билан келишдик... мени қандайдир бир муддатга қўйиб юборишга рози.

Нодиранинг кўзларида ёш ҳалқаланди:

– Лекин унинг назарида биз... севишганлар-у, оила қуриш учун бу ерга етаклашиб келганмиз. Бу гап ҳаммага ёйилиб кетмаса эди.

– Нима?! Нималар деяпсан, ҳой тентак қиз?!

Тўсатдан янграган кўрқинчли товушдан иккиси ҳам сесканниб тушди: сезмай қолишибди – сўнгги меҳмонларни кузатгач, қайтиб келган Давланов ва Хожар сал нарида даҳшат тўла нигоҳларини уларга тикиб турарди.

Бу сафар ҳам Хожарни вактида тутиб кола олмадилар.

* * *

Термизда ҳарорат баландлигидан нафас олиб бўлмасди.

Бир пайтлар чор ҳукумати томонидан империянинг жанубдаги асосий таянч нуқтаси ва штаби сифатида қурилган мустаҳкам қалъя (унинг меъморий ечими бошдан-оёқ европа-ча анъаналарни ўзида мужассам этган бўлиб, қўпроқ ҳарбий истеҳкомни ёдга соларди) якинида жойлашган иморат унчалик ҳам кўзга ташланавермас, бирор кириб, бошқаси чиқиб турар,

каттагина ҳовлисидан ёш болаларнинг бакириқ-чакириклари, баъзиларининг кулгуси, бошқа бирларининг йиғлагани эшитилиб қоларди.

Бинонинг пештокида ҳеч қанака ёзув йўқ. Қачонлардир у ерда бошқа лавҳа осилган чоғи, тўғри тўртбурчак ўрни девор рангидан кескин ажralиб туарар, лекин олиб ташлангандан сўнг у ерга ҳали ҳеч нарса илинмаганди.

Бино ичкарисидаги зах анкиб турган хоналардан бирида тепакал, доғ-дуғ оқ ҳалат кийган бир киши столга ўтқазилган олти-етти ойлик чамаси боланинг эгнидагиларни ечмоқда, тўғрироғи, уларнинг қолдикларини сал наридаги қоғоз кутига узук-юлук улоқтиromoқда эди.

Бир неча дақиқадан сўнг бола қип-яланғоч ҳолига келди. Ўғил бола экан. Тепакал унинг қўлтиғидан тутиб, стол устига турғизди.

— Да-а-а, — деди у боланинг биқки бадани, дўмбок оёқларига назар ташлаб. — Кирланиб кетибсан-ку, паҳлавон! Майли, ҳечқиси йўқ, Валя холанг ҳозир сени қабул қилиб олади. Валя! — овоз берди у кўшни хона томонга. — Олиб кетишинг мумкин. Чўмилтириб бўлганингдан сўнг кўриқдан ўтказамиз. Ҳужжатларини ҳам келтир... Валя! Эшиitmаяпсанми? Балки кулоғингни ювиб қўйишим керакдир?

Кўшни хонадан лабига папирос кистириб, хром этиги пошнасини солдатчасига қарс-карс ураётган семиз аёл чиқиб келди.

— Нега бакирасан! Ўйнаб ўтирибди, деб ўйлаяпсанми? Қолаверса, менга буйруқ беришга ҳаққинг йўқ — бунда иккимизнинг ҳам лавозимимиз бир хил! Шунака, Григорий Сергеевич! — деди у сўнгги сўzlари, аникроғи, эркакнинг исм-шарифига масҳараомуз урғу бераркан.

У болани кўлига олганида папирос чўғидан кўркибми, ёки сассик ҳиддан ижирғандими, бошини кескин ортга ташлади, мунчоқдек кўзларини жавдиратиб аёлнинг оғзига қаратиб, бор овозда йиғлаб юборди. Валя ҳеч нарса бўлмагандек уни хонаси томон олиб кетгач, ўша томондан анча пайт бола йигиси, аёл кишининг эса эркакчасига сўкинаётгани эшитилиб турди.

Гриша ҳозиргина Валя ташлаб кетган иккинчи гўдакка ажабланганча тикилиб туарди: тушунмадим... яна ўша болами? Валя жинни кайта олиб келдими уни? Ундан десам... эгнида кийими бор-ку! Ҳалигина кутига улоқтирганларим каби жандаси чиккан. Тўхта-чи...

У ўзига ишонмай, кути тепасига борди: ха, увадалар жойида турибди. Қизик!

Гриша тезликда болани ечинтирди ва кулиб юборди: бошка! Буниси киз бола экан! Лекин чехралари нақадар ўхаш! Нафақат чехралари – ҳатто баданларининг ранги, тузилиши хам!

– Валя!

– Нима дейсан? – анчадан сўнг норози товуш келди қўшни хонадан.

– Бир дақиқага мумкинми сени? Мана бу қизчага бир кара!

Валя яна ўша шахдам кадамлар билан кириб келди.

– Тоза жонга тегдинг-ку! Унинг нимасини кўришим керак экан? Боладек бола – на шохи бор, на бутоги.

– Яхшилаб кара – бу қизча сен ҳозир олиб кетган боланинг худди ўзи-ку! Эгизаклар эмасмикин мабодо? Иккаласи ... битта партияданми?

Валянинг хафсаласи пир бўлгани шундоқ кўриниб турарди:

– Э-э-э! Бўлса нима? Шу хам гап бўлди-ю!

Гриша бурилиб кетаётган Валянинг ортидан қичкирди:

– Тұхта!

– Тошингни тер! Сен билан валақлашиб ўтиришга вактим йўқ.

– Илтимос, менга ўша болани олиб...

– Керак бўлса ўзинг олиб кел! – чўрт кесди Валя. – Чўринг йўқ! Мен ҳали уни чўмилтирмадим.

– Кейин ўзим сенга ёрдамлашаман!

– Раҳмат! Зор эмасман!

Валя болани олиб келавермагач, сабри чидамаган Гриша қизчани столдан олиб, нариги хонага ўтди.

– Қани?

– Тўсиқ ортида, тоғорага солиб қўйибман, – деди Валя столи устидаги қоғозга бамайлихотир нималарнидир ёзар экан гўёким бола эмас, ювиш учун киртоғорага солиб қўйилган буюм ҳақида гап кетаётгандек.

Гриша икки болани ўртадаги столга ёнма-ён қўйиб, синчковлик билан, нигохини дам униси, дам бунисига қаратади.

– Да-а-а! – деди у бир пайт чўзиб. – Бир туки хам бошка эмас. Кўп эгизакларни кўрганман, аммо бунақасини... Хужжатлари сендами?

Валя жавоб бериб ўтирмади – ёзувдан бошини кўтармай, стол четида устма-уст турган иккита дафтарни у томон сурди.

Бир томондан совуқ муомалани кўриб, иккинчи томондан, аёлнинг ишига халақит бермасликни ўйлаган Гриша коғозларни олиб, хонаси томон юрди. Лекин эшикка етгач, худди бир нима эсига тушиб қолгандек, ортига ўгирилди:

– Валя! Эҳтиёт бўл, столдан тушиб кетишмасин тағин.

Энсаси қотган аёл ниҳоят бошини кўтарди:

– Жуда меҳрибон бўлиб кетган бўлсанг, икковини ҳам қайтадан тоғорага солиб қўй! Баравар ювинтираман.

– Эҳ, қанақа аёлсан-а!

– Бўлганим шу. Хотининг эмасманки, тергасанг.

Гриша бошини тебратат-тебратат унинг айтганини бажаргач, хонасига бориб иш столига ўтирди ва дафтарларни вараклашга тушди.

Бир оздан сўнг унинг эрта ажин босган пешанаси баттар тиришиб кетганди: “Қизик, фамилиялари тугул, туғилган ойла-ри ҳам бошка-ку! Бу қанақаси? Мен эса уларни эгиз, бир кун, бир пайтда туғилган болалар деб ўйлабман... Ўғил бола шу ердан келтирилган экан... ёнғин чикиб, кунпаяқун бўлган етим-хонадан, қизча, эса... Деновданми?! Келтирилган жойлари ҳам бутунлай бошка-бошка-я!”

Бир пайт нариги хонада тоғоранинг дангур-дунгур товуши, сўнг болаларнинг баравар чинқириб йиғлагани эшитилди.

Қайтиб келган Гриша дафтарларни Валя ўтирган стол устига ташлаб, курсига ҳорғин чўқди.

– Валя!

– Тинч қўясанми-йўқми?

– Биласанми, улар... эгизак эмас.

– Бошим осмонга етди бу оламшумул янгиликдан! Бошка гапинг йўқми?

Ярим соатлардан сўнг тоза чойшабга ўралган болаларни олиб келган Валя иккаласини стол устига ётқизиб, Гришага ўгирилди:

– Кўп чўзиб ўтирма, кўринишларидан соппа-соғ, – деди ва қўшиб қўйди. – Ха, мен ҳам эътибор бердим, ростдан бир-бирига ўхшаб кетаркан. Лекин нима қилибди? Бўлиб туради шунакаси ҳам. Бўпти, мен ҳали бошқаларини тайёрлашим керак. Кетдим...

Гриша болаларнинг тепасига келиб, энгашди:

– Оббо зумрашалар-э! – күрсаткич бармоғи билан пўписа қилди у. – Амакиларингни алдаб қўйдиларинг-ку! Бўпти, нима ҳам қила олардик – анови бакироқ ҳолаларинг айтгандек, “шунақаси ҳам бўлиб туради”. Кўрикдан ўтказишга келсак... ростдан соппа-соғсизлар шекилли. Э! Қизимка! Шошма-чи! Пешанангга нима килган? Ярами? – кизчанинг пешанасини охиста силади у. – Ҳечкиси йўқ, тузалиб кетибди. Демак, ик-калангизни ҳам отдек деб ёзиб берамиз. Кейин эса...

Кейин Гриша оқ бўёққа бўялган ойнали шкафча ёнига борди ва эшигини очиб, аввал графинни, сўнг стаканни қулига олди.

– Бўпти, болакайлар! – деди у қўлидаги стаканни баланд кўтарганча болалар томон ўгириларкан. – Соғликларингиз учун! Лекин назаримда, бир-бирларингизни... – бу ёғига нима дейишини билмай, бир оз ўйланиб турди, – ха, йўқотиб қўйганга ўхшайсиз! Энди бундай тартиббузарлик бўлмасин! Доимо бирга бўлинглар! Келишдикми?

Шўро ҳукумати ўрнатилишидан аввал ҳам Гриша ҳарбий фелдшер сифатида чор армияси сафида хизмат қилиб, ёшлик умрининг деярли барчасини шунга сарфлаганди. Гарчи ҳозирги ҳукумат бир пайтлар подшо армиясида хизмат қилган ҳарбийларга нисбатан ҳам шафқатсиз бўлса-да, янгидан ташкил этилган қисмларда тиббиёт ходимларига ниҳоятда ўткир зарурат мавжуд бўлганидан уни ҳам – баъзи бир шартлар асосида – колдиришганида, борарга жойи, бошқа касби йўқ Гриша ноиложликдан қайта қасамёд кабул қилди.

Дастлабки пайтлар Термиздаги қисмда хизмат қилиб юраркан, фаолияти деярли ўзгармади: илгари, маҳаллий тил билан айтганда “окпошшо армияси” сафида бўлса, энди “қизил қўшинлар” сафида. Лекин ёши ўтгач, доимий ҳаракатдаги қисмларда юришга ярамай қолганини ҳисобга олиб, олти ойча илгари очилган мана шу етимхонага хизматни давом эттириш учун юборишганди. Қисқаси, то нафақага чиккунча.

Иш кўплиги аввалига уни шошириб қўйди – ҳар қуни ўнлаб оч-яланғоч, кир-чир, баъзилари ўлар ҳолатга етган турли ёшдаги болаларни келтиришарди. Гриша шунча йилдан буён бу заминда яшаб, турли қисмларда хизмат қилиб, етим болаларнинг бу даражада кўплигини тасаввур килмаганди: “Қайдан пайдо бўлишаяпти? Ёки илгари ҳам бўлган-у, эътибор қилмаган эдими? Йўқ... бунақаси сўнгти йилларда содир бўлди – шўро ҳукуматига асос солингач”.

Гарчи ўз ихтиёрига биноан хизмат килаётган бўлса-да, Гришанинг кўнгли тўрида барибир ҳам бу ҳукумат, айниқса, унинг армиясини бошқараётган командирларга нисбатан совуқ, ҳатто бир оз... нописандлик рухияти сақланиб қолганди: “На билимлари, на ҳарбий тайёргарликлари бор! Буларни олдинги даврдаги катта-кичик офицерлар, прaporщиклар, ҳатто оддий аскарлар билан таккослаб бўладими! На юриш-туриш, на ахлок-одобда! Ҳаммасидан ёмони – кўзларининг очлиги! Хизматга фақат талончилик қилиш мақсадида кирганга ўхшайдилар! Шафқатсизликлари ҳакида-ку, айтиб ўтирмаса ҳам бўлади!”

Уйланмаган, бола-чака ортирган, ёш болани қўлида тутиб кўрмаган Гриша анча вакт кўнига олмай юрди, баъзан баъзан хаёлига биронта қисмга (ўша чаласавод командирларни кўриш, ўз таъбири билан айтганда, “ахмокона” буйрукларини эшишини истамаса-да!) қайтаришларини сўраш фикри ҳам келарди.

Лекин бундай қилмади. Бир-икки ой ўтиб, ушбу баҳтсиз болаларга нисбатан юрагида аллақандай, илгари сира ҳис қилмаган оталарча меҳр уйғонди, ишга сидқидилдан киришиб кетди, келтирилган ҳар бир болага алоҳида эътибор билан қарайдиган бўлди. “Ахир, кимнингдир жигарбанди-ку! Замон қандай бўлишидан қатъий назар, яшашга ҳаклари бор-ку! Уларда не айб? Бу ахволга тушганликлари учун биз – катталар гуноҳкор эмасми?” – ўйларди у атрофда бўлаётган воқеаларни бир-бир кўз олдидан ўтказаркан.

Майли, бирон нимани ўзгартириш унинг қулидан келадиган иш эмас. Хизмат тугашига икки йилгина қолди. Нафақага чиқиб олгач, эркин қуш бўлади, ҳеч ким тепасида туриб, “уни қил-буни қил” демайди. Балки ўшанда мажбурият ва кун кечириш важидан эмас, юраги буюрганини килар...

Орадан ярим йил ўтиб, етимхона деярли кунора келиб тушаётган қаровсиз болаларни бағрига сиғдира олмай қолгач, мактаб ёшигача бўлган болаларнинг барчасини Самарқандга кўчиришга карор килинди. Улар сафида Гришанинг алоҳида назарига тушган ўша икки гўдак ҳам бор эди.

Бу пайтда Гриша нафақат етимхона, балки хизматдан бутунлай кетганди. Кутилмаганда пайдо бўлган фавқулодда ҳолат муносабати билан Гришани чегара қисмларининг бирига юбориш учун қарор қабул қилишди, (Бундай оғир пайтда

эркак кишининг болалар билан ўралашиб юриши яхши эмас, эндиғина оёққа туратган шўро хукуматига қарши ҳаракатлар айни авжига чикқан даврда унинг ўрни жанговар сафда!) аммо ўша буйруқ чикқанида уни ҳеч қаердан топиб бўлмади, иш столидаги бир парча қоғозни кўришгач эса нима бўлганини дарров англадилар. Бу – хизматдан кетиш ҳақидаги рапорт эди.

– Ахмоқ! – папиросини тутатганча тўнғиллади Валя стол ёнида бир ўзи қолгач. – Ҳеч бўлмаса, нафақага чиқиб олса бўлармиди! Икки йил чидашга сабри етмабди-да! Тфу! На оиласи, на уй-жойи бор. Энди қайси бир тупканинг тагида итдек ўлиб кетади!

Валя адашаётганди – аёл уни орқаворатдан сўкиб турган, штабда эса уни кочоқ сифатида ушлаб ҳарбий трибуналга топшириш ҳақида буйруқ тайёрланётганда, эски-туски фуқаро кийимида не-не азоблар билан Тошкентга етиб келган Гриша поездга ўтириб (бу ҳам унга осон кечмади), Россияга, тўғрироғи унинг бир пайтлар забт этган Узок Шаркига, шўро хукумати билан мардонавор курашаётган ок гвардиячилар сафига кўшилиш учун йўл олганди.

Икки ҳафта ўтиб Владивостокда пайдо бўлганида, оз сонли ок гвардиячилар кўшини қизил армия хужумларига бардош бера олмай, шаҳарни ташлаб чиқаётганди. Гришанинг тиббиётга оид билими ва шу соҳадаги хизмат тажрибаси бу ерда кўл келмади хисоб: кўлида курол билан қизил аскарларга карши жанг қилаётган пайтда дайди ўқлардан бирига учраб ҳалок бўлди.

Ўп иккинчи боб

Термизда бўлгани каби Самарканда ҳам болакайлар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Айниқса қайсиdir байрам арафасида етимхонага тақдим этилган либосдаги Яшар ва Нодирани бир-биридан ажратиб бўлмай қолганди. Дағалгина матодан тикилган бу маҳсус форма ўғил ва киз болалар учун бир хил бичимда бўлиб, уларга кийиниш учун кўмаклашаётган ўрта яшар энага буни кўргач, кулиб юборишдан ўзини тўхтата олмади.

– Ё тавба! – деди у ёқасини ушлаб. – Сира фарклари йўғ-а!
Бу пайтга келиб олти ёшга тўлган Яшар ва Нодиранинг

ақллари анча кириб қолган, ўзларига қаратилаётган бу ғалати эътибордан хижолатланиб, ҳатто уялаётган эдилар. Айниқса Яшар. Унинг митти юрагига бир оз хавотир ҳам оралаганди: ҳали болалар эрмак қилишмасайди, аллакандай қиз болага ўхшатиб! Ҳа-да, уларга баҳона топилса бўлди! Кейин кўз очиргани қўйишмайди!

У энди имкони борича ўзини Нодирадан узокрок тутишга ҳаракат килар, аммо ҳар доим ҳам уддасидан чиқа олмасди. Худди атай килгандек, уларнинг овқатланиш столи ҳам бирга эди. Хушрўйгина ошпаз аёл эса тожикча талаффузда бир гапни айтишдан сира эринмасди:

— Ҳа, киндиги бир эгизаклар! Қўлларинг ювилганми? Яхши. Бачам! — мурожаат қиласиди сўнг Яшарга. — Нодиранинг нонини еб қўйма тағин! Ахир, у санинг уканг бўлади-я! Карагин, худди ўзинг!

Нон бир хил ҳажмда — аниқ ўлчангандан ҳолда кесиб қўйилар ва ростдан ҳам баъзи бир шумрок болалар тарафидан “ортиқча” бўлак олишга уринишлар бўлиб турарди. Бунинг оқибатида нонушта — тушки-кечки овқат пайтлари ахён-ахёнда жанжал кўтарилиб турар, иш баъзан муштлашишгача (ўғил болалар орасида), ёки соч юлишгача (буниси энди қизларга тегишли) етиб борарди. Яшарнинг шу пайтгача бирон марта ортиқча нонга қўл узатмаганини ошпаз аёл яхши билса-да, оддини олиш ҳеч қачон зарар қилмайди, деб ўйларди: “Ким билади тағин! Ёмон одат юқумли бўлади-ку!”

Бир марта у столини алмаштиришга ҳам уриниб кўрди, лекин тартиб сақлашни ўзининг энг биринчи вазифаси деб ҳисобловчи Латипов (у бош тарбиячи бўлиб, ундан кўркмайдиган боланинг ўзи йўқ эди) кулоғидан оғритибгина чўздида, аввалги жойига ўтқазиб қўйди.

— Бу нима қилик? — ўқрайди у. — Нима, шаҳар бедарвозами санга, билган номаъкулчилигинги қилсанг? Бу столнинг нимаси ёқмай қолди? Ёки биронтаси хафа қилаяптими? Унда... айт кимлигини?

Одатдагидек стол атрофида улардан ташқари яна икки бола ўтиради — бир ўғил, бир қиз. Улар илжайганча Нодира га кўз ташладилар: Яшарнинг қизарган қулоғини кўриб турганлари, ўзлари ҳам бир неча бор бунақа жазо таъмини тотиб кўрганларидан, Латипов хузурида овоз чикариб кулишга журъат қилишмади.

Шундан сўнг – гарчи бу ёқимтой бола ростдан ҳам акаси бўлиб колишини ич-ичидан истаса-да: ахир, туғишган аканг бўлиши қандай яхши! – қизалоқ ҳам ўзини ундан йироқрок тутадиган бўлди.

Яшарнинг кўргуликлари шу билан тугаб қолмади.

Етимхонанинг шундок ёнида жойлашган маҳсус интернат-мактабга биринчи синфга боришганларида, бир неча йил илгари ўрнатилган тартиб бўйича партада бир ўғил бола, бир киз бола ўтиришлари керак бўлгани учун, муаллима худди шундай йўл тутди ва бу сафар ҳам Яшарнинг омади чопмади: муаллима ҳеч бир эътиrozга йўл кўймайдиган қилиб, уларни битта, бу ҳам етмагандек, энг олдинги партага ўtkазиб қўйди.

– Ие! – ҳайрон бўлди у синф қайдномасига ўкувчиларнинг исм-шарифларини ёзиб чиқаркан, навбат уларга келганида. – Сизлар бегонами ҳали?

Жавоб бўлмади. Муаллима бошқа болаларнинг ҳам исм-шарифларини ёзар экан, уялиб-қизариб кетаётган Яшар ва Нодира га қайта-қайта кўз ташлар, нима биландир хаёли бўлинаётганди. Қайдномани тўлдириб бўлгач, ахийри чидай олмади:

– Айтинглар-чи... кимсизлар?

У тўхтаб қолди. Очиғи, қизикиши дақиқа сайин ортиб бораётганига қарамай, яна нимани сўрашни билмасди: ота-онасиними? Бунчалик ўхшашликлари сабабиними? Ёки, қандай килиб етимхонага тушиб қолганлариними? Мўлтираб турган мана шу гўдаклар билишармикин ўтмишларини? Ортиқча саволлар бериб, мурғак қалбларини яра қилиб кўймайдими?

У ўрнидан туриб, навбатма-навбат ҳар иккисининг бошини силади ва юраги алланечук ҳаприкиб кетаётганини сезди.

– Яхши ўқинглар, хўпми? Доимо бир-бирларингга меҳ-рибон бўлинглар. Ажаб эмас, бир куни келиб... – Муаллима давом этмади, бир куни келиб нима бўлишини башорат қилиб ўтирмади, чунки, худди Яшар ва Нодира каби буни ўзи ҳам билмасди. Сўнгра хаёlinи бир жойга тўплаб, ўттизга яқин ўғил-киз йигилган бутун синфга мурожаат қилди. – Бир жойда ўсиб-улғаймоқдасиз, шунинг учун мактабда ҳам бир ота, бир она фарзандлариdek бўлинг. Яхшими? Баракалла! Мени нима деб чакиришни биласизларми? Йўқми? – кулди у. – Муаллима опа, деб! Бирон саволингиз бўлса, ўнг қўлни кўтаринг. Ўнг қўл кайси? Баракалла! Ҳаммаларингиз ақлли экансизлар! Ҳозир

ҳар бир кишига биттадан дафтар, биттадан ручка ва икки ўртада биттадан сиёҳдан бераман. Қўлларинг, кийимларинг, дафтарни сиёҳ билан булғаманглар. Дарс пайтида гаплашманглар. Ким айтганимни килмаса бурчакка турғизиб қўяман! Тушунарлими?

— Тушунарли, муаллима опа! — баравар жавоб кайтаришди болакайлар.

Фақат Яшар жим эди. У ақлини танигандан буён Нодира билан бу даражада яқин ўтирганидан (овқатланиш пайтида Нодиранинг ўрни қарама-қарши томонда бўлиб, бу тартиб ҳеч қачон ўзгартирилмаганди) ўзини қўярга жой топа олмаётганди. Аммо нима қилсин — туриб кетсанг бўлмаса, ёнингдан ҳайдай олмасанг!

Ўзини мих устида ўтиргандек сезиб, Нодиранинг тирсаги ёки оёғи тегиб кетса дарров парта четига сурилаётган Яшарнинг энг охирги партадаги икки болага жуда ҳаваси келар, қайта-қайта ўша томон ўгириларди. Қизлар камлиги туфайли уларнинг “омади чопиб” бирга ўтириб қолгандилар ва бундан ниҳоятда мамнун эканликлари юз-кўзларидан шундок сезилиб турарди.

“Нега уларнинг биронтаси ўрнида бўлиб қолмадим, — армон ўттарди Яшарнинг юрагини. — Ҳеч бўлмаганда... бошка қиз билан!”

— Яшар! — Муаллиманинг овози қулоғи тагида янграганда, у чўчиб тушди. — Исминг шунака эдими? Қаёкка қарайпсан ха деб? Нима бор экан орқада? Дарс пайтида хаёлингни бўлма! Мана, Нодирани кўр, қимирламай ўтириби, дарсга ҳам дикқат билан қулоқ солаяпти. Ундан ўrnак ол.

Яшар қовоғини уйди: ўrnак ол эмиш! Шу етмай турувди ўзи!

Шу кундан бошлаб Яшар фақат болалардагина бўладиган баттол бир туйғу ва гайирлик билан ҳеч бир гуноҳи йўқ Нодирани бутунлай ёмон кўриб колди. Тўрт йил (бошланғич синфда ўкиш қанча давом этишини эшитганди) шу қиз билан бир партада ўтиришга тўғри келишини ўйлаб сиқилар, хаёлан унга карши бири-биридан шафқатсиз режалар тузар, стиб бўлмас орзуларга бериларди. Бир кун тусида Нодиранинг болалар уйи ховлисидаги ҳовузга чўкиб кетганини кўриб, ўзида йўқ курсанд уйғонди, эрталаб унинг нонушта қилиш учун бошка қизчалар билан ошхонага кириб келаётганига кўзи тушгач, сал қолди йиғлаб юборишига.

Муаллиманинг эса иккисига бўлган муносабати кундан-кунга меҳрибонлик тусини олиб, шу билан бирга улар учун тушунарсиз бўлиб бормоқда эди.

* * *

Нимадандир хаяжонланаётган Саодат кечки овқат пайтида рўпарасида ўтирган эрига бир пас синовчан тикилиб турди-да, деди:

– Маҳмуд ака, биринчи синф болаларини қабул қилиб олганман... ўттизта ўқувчи.

– Буни айтувдинг-ку! Нега яна гап бошлаяпсан? Ёки... қийнаб юборишдими?

– Йўқ, – жилмайди Саодат, – нега қийнашади, лекин мен ҳозир сизга улардан иккитаси ҳакида гапириб бермоқчиман. Жуда ғалати!

Маҳмуд овқатланаркан, уни охиригача эшитиб бўлгач, деди:

– Бори шуми? Нима демоқчисан ўзи?

Афтидан, айтмокчи бўлаётган гаплари Саодатни олдиндан хижолатга солмоқда эди.

– Турмуш қурганимизга, мана... ўн йилдан ошди, – деди у хомушланиб. – Бир неча марта бўйимда бўлди, лекин ҳаммаси... Шифокорларнинг айтиши бўйича, кейингиларидан ҳам умид йўқ экан. – Шу ерда унинг лаблари титраб кетди. – Умр эса ўтиб кетаяпти.

– Хўш, хўш? – қошиқни коса четига қўйди Маҳмуд.

– Уша болаларни... олсак-чи? – хавотирланиб қаради Саодат эрига. – Анчадан буён шу ҳақда ўйлаб юрардим. Уларни кўриб... юрагим жиз этиб кетди... худди кўнглимдаги болаларни учратгандек бўлдим. Жуда ёқимтой болалар. Нима дейсиз?

Ўртада чўккан узок жимлиқдан сўнг Маҳмуд тилга кирди:

– Шу нарса керакмикин ҳозир?

– Ҳозир?! Унда... қачон? – киприкларини пирпиратди Саодат.

Маҳмудни гўёқим бир нима қийнаётганди.

– Майли... хафа бўлма... айтдим-кўйдим-да. Сен шунга қарор килибсанми, демак... Лекин ўзинг кўриб турибсан – замон оғир, тирикчилик ўтказиш қийин. Агар гап биттасини асрар олиш ҳакида бўлганда-ку...

– Биттасини... дейсизми? – деди эрининг рози бўлаёт-

ганидан шодланишга улгурмаган Саодат хавотирга тушиб. – Нима, уларни... ажратиб ташлаймизми? Эгизакларни-я!

– Қанака эгизаклар? – күлди Махмуд. – Ҳозиргина айтдинг-ку, ҳужжатлар бүйича бошқа-бошқа болалар экан, деб! Үша қоғозларни ўзинг күрдингми?

Саодат нигохини дастурхонга тиқди:

– Ҳа. Лекин... лекин шундок күриниб турибди, уларнинг бир ота-она фарзандлари эканлиги... юрагим сезиб турибди.

– Одам баъзи-баъзида юракка эмас, ақлга ҳам суяниши керак, – күлди Махмуд. – Хуллас, улардан биттасини танлашинг мумкин... мен розиман. – Ўртада жуда нозик масала ҳал қилинаётгани боис, фикрини ҳимоялашга тушди. – Ўзинг бир ўйлаб кўр! Топганимиз маошдан-маошгача аранг етиб турган бўлса, икки болани қандай эплаймиз? Ҳатто бошпанамиз йўқ... фалон пул тўлаб ижарада турдимиз. Эртага эгаси келиб, уй ўзимга керак бўлиб қолди, бўшатинглар деса, икки норасида билан қаёққа борамиз? Яна етимхонага қайтарамизми? Бу улар учун қандай зарба бўлишини тасаввур қиласыпсанми? Сичкон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига қабилида иш тутмагин-да!

Болаларга меҳри шунчалар тушганидан бу муаммолар ҳақида ўйламаган Саодат эрининг сўзларида жон борлигини бирдан англади.

– Ҳа... бўлмас экан, – деди у қайғуга ботиб. – Бирини бағримизга олиб, меҳрибончилик кўрсатган бўламиз, иккинчиини эса... Сизни билмадим-у, лекин мен бир умр виждан азобига қолиб кетаман. Уларни бир-биридан ажратиб ташлашга ҳаққимиз йўқ – бегона бўлиб кетишади.

– Бўлмаса бўлмабди-да! – норози тўнғиллади Махмуд. – Вазиятга қараб иш тутмаганингдан кейин мен нима қиласай!

У яримлаган овқатига қайта қўл урмай, хобхонага ўтиб кетди, тунда бехосдан уйғониб, ёнгинасида ётган Саодатнинг пик-пик йиғлаётганини эшитган бўлса-да, овутиш учун сўз топмади.

– Билганингни қил! Истасанг... бутун болалар уйини асраб ол! – деди у эрталаб эшик тутқичига қўл узатар экан. – Ахир, отангдан сандик-сандик тилла қолган-ку! – На хафа, на хурсанд бўлишини билмай ўзини йўқотиб қўйган Саодатнинг нимадир демокилигини кўриб, табассум қилди. – Майли, ҳеч нарса демади... бир иложини топармиз!

Саодат ҳеч нарса демади, факат шодон кийкирганча ўзини эрининг бағрига ташлади.

Муаллималарининг бугун бутунлай бошқача эканлигини зийрак болакайлар бирдан сезиши. У ўз-ўизидан жилмаяверар, хаёли дарсда эмас, бутунлай бошқа ёқдадек тасаввур уйготар ва энг ажабланарлиси, рўпарасида, биринчи партада ўтирган синфдошлари Яшар ва Нодира га термулгани термулган эди: синфда улардан бошқа хеч ким йўқдек гүё!

Буни, албатта, Яшар ва Нодира ҳам сезди, аммо, эътибор килишмади: бундай ҳолатларга кўнишишган, сабабини ҳам яхши билишади – ахир, бир-биримизга жуда ўхшаймиз-да!

Тўрт соатнинг ҳаммаси болалар учун ниҳоятда мароқли ўтди. Муаллиманинг бу каби эътиборсизлиги далда бўлди шекилли, баъзи бирлари ўзаро сухбатга, яна кимдир партаси тагига яшириб қўйилган кўлбола ўйинчоғу қўғирчокларини олиб, ўйинга киришиб кетди, бошини партага қўйганча ухлаб колганлар ҳам топилди ҳатто.

Сўнгги дарс тугаганини англатувчи қўнғироқ бўлганда ҳаммалари муаллима билан шодон хайрлашдилар: қани эди ҳар куни шундай бўлсалар!

– Шошманглар, – тўхтатди Саодат барча қатори коридорга отилишга шай турган Яшар ва Нодирани. – Сизлар билан... гаплашиб олмоқчиман. Халироқ иккингизни ўзим олиб бориб қўяман (“Якин орада у ерга бормайдиган бўлишади!” – хаёлидан ўтди унинг). Хўпми?

У ҳар иккисининг юзидан навбатма-навбат ўпганида, бундай эркалатишларга кўникмаган Яшар лаб теккан жойни беихтиёр артди ва хўмрайди: нега бизни олиб қолди! Бугун тушга бўғирсок бериларди-ку! Бошқалар еб қўйса-я! Ёки навбатчи бунга йўл қўймайдими?

Ниҳоят у гапиришга журъат этди:

– Агар кечиксак бизни... тарбиячи уришади... қулоғимиздан чўзади. Кейин... кейин... бизга бугун тушликка... бўғирсок беришмоқчи эди.

Нима дейишини билмай турган Саодат учун бу айни муддао эди.

– Бўғирсокни яхши кўрасанми? – деди у гул-гул яшнаб. Мехри жўшиб кетаётганидан бағрига босганди, яна ўпид олишидан қўрккан болакай ўзини сал ортга олди. – Жуда яхши! Мен энди ҳар куни сенга пишириб бераман! Қанакасини яхши кўрасан?

— Кartoшкалисини, — деди Яшар бир оз ўйлаб олгач, муаллима нима учун ва қаерда бўғирсоқ пишириб беришига сира акли етмай: дарс пайтидами? Бизга бунақа деб айтишмагандуку?

— Кartoшкалисини! Мен ҳам шунақасини яхши кўраман! Сен-чи, Нодира қизим? Сен нимани яхши кўрасан? — бу ғалати томошани қизиқканча кузатиб турган қизалоққа ўгирилди у.

Нодира ўзини йўқотиб қўйди.

— Мен... мен...

У кўп нарсани яхши кўрарди, аммо шу пайтда ёдига ҳеч нима келмади ва кўзларини жавдиратиб, муаллимага қаради.

— Кўғирчоқни яхши кўрасанми? — ёрдамга келди Саодат. — Уз кўғирчоғинг булишини истайсанми?

Нодиранинг юраги дукурлаб уриб кетди: ўз кўғирчоғим?! Ким беради уни менга?

У қизалоклар орасида доим талаш бўладиган, синиб, либослари йиртилиб кетган кўғирчоқларни ёдига келтирди. Ҳатто шу кўринишида ҳам уларни ўйнаш Нодирага камдан-кам ҳоллардагина насиб этарди.

У кўзлари ёниб, бош силкитди:

— Истайман!

Саодат энди уни бағрига босди, олмадек икки юзидан чўлп-чўлп ўпди ва Яшардан фарқли ўларок бу эркалатиш Нодирага жуда ёқди.

— Бундан кейин ҳамма нарсаларингиз бўлади! Мен сизларни ҳеч нарсага зориктирмайман! — деди Саодат, кўзида пайдо бўлган ёшни рўмолча билан артаркан. — Кетдикми?

Муаллиманинг ўзини тутиши-ю, гап-сўзларидан ҳайрон гўдаклар индамай унинг ортидан эргашдилар.

Болалардан чала-чулпа эшишиб, сабаби недалигини билмай турган Латипов Яшар ва Нодиранинг тушликда йўклигидан ҳам жаҳли чикмоқда, ҳам турли нохуш хаёлларга бормокда эди. Ички тартибга кўра катта ёшдаги болалардан тайнинланган навбатчини эндингина мактаб томон югуртирумокчи бўлиб турганда, ҳар иккисининг қўлидан тутганча ошхонага кириб келаётган муаллимани кўрди ва қовогини уйди.

— Бу нима қилганингиз? — деди у хушмуомалалик билан берилган саломга алик олмай. — Неча йилдан буён мактабимизда ишлаб, кун тартибимизни билмайсизми?

Бош тарбиячининг қандайлигини илгари ҳам эшишиб юрган Саодат хафа бўлмади:

– Узр, домла, – деди у кизариб-бўзарганча. – Наҳотки кечиккан бўлсак? Назаримда... кўп ушлаб турмагандим. Агар ҳеч нарса қолмаган бўлса... мен уларни... уйимда овқатлантирсан... бўладими?

– Галати аёл экансиз-ку! – қовоқлари баттар уюлди Латиповнинг. – Бу нима деганингиз? Мени майна қиласизми? – Саодат нима дейишини билмай тураг, Яшарнинг эса икки кўзи ўзларига тегишли столда эди: ҳаммаси жойида турибди! Еб қўйишмабди! Латипов ҳар иккисига баравар ўқрайди. – Қани, марш жой-жойларингга! Бундай номаъкулчилики иккинчи кўрмайин ҳам, эшитмайин ҳам! Дарс тугадими, дарров бу ёққа юргурганларинг бўлсин бундан сўнг!

Хурсанд бўлиб кетган гўдаклар пилдираганча столлари томон кетаётганини кўриб турган Саодат енгил нафас олди.

* * *

Етимхонанинг хўппа семиз, тепакал директори Саодатни муаллима сифатида яхши танир, ўз касбининг фидойиси деб билар, бефарзанд эканлигини ҳам эшитганди. У бошини бир томонга қийшайтирганча Саодатнинг сўзларини тинглади ва ҳеч бир ажабланмади.

– Яхши, ўйлабсиз, – деди у хайриҳоҳлик билан. – Лекин бунинг учун ҳукумат томонидан тасдиқланган баъзи бир... меъёрлар бор. Дейлик, эрингиз розими?

– Ҳа!

– Яхши, ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаётгандим. Яна бир, аммо жуда муҳим томони бор: икки болани асраб олишга шарт- шароитларингиз етарлими?

Саодат бир зумгина иккиланиб қолди.

– Етарли, домла, – деди сўнг. – У киши ҳам... ишлайди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас. Маошларингиз қанча ўзи? Бирга қўшиб хисобласак, дейман-да? – жилмайганча сўради директор нокамтарин савол берадиганини яхши тушуниб (нима килсин – буни билиш ҳам унинг вазифасига киради!). – Э, кам-ку! – деди у Саодатнинг оғзидан рақамлар чиқар-чиқмас. – Қўрқаманки... комиссия рози бўлмайди.

Ушбу даргоҳда биринчи йили ишламаётган директор меъёри деярли ёддан биларди. Тарбияланувчилар орасидан – тахминан, йилда бир-икки марта – баъзан бола асраб олишар ва бу оилаларнинг барчаси ҳам моддий, ҳам ахлоқий томондан қаттиқ текширувдан ўтказиларди.

— Агар харажатлар ошадиган бўлса... қўшимча дарс оларман, — деди Саодат стол устидаги қофозларга тикилиб. — Ишонинг домла, ҳеч нарсага зор килмаймиз!

Моддий жихатдан камчилик яккол кўзга ташланиб турганига қарамай Саодатнинг қандай аёл эканлигини билган директорнинг кўнгли мойил бўлиб турар, хаёлан турли имкониятларни излар, аммо...

— Ҳа, айтгандек, нега йўқ жойдан муаммо яратаяпмиз ўзи? — деди у бир пайт хаёлига келган фикрдан чехраси очилиб. — Нега энди бирданига иккита бола? Биттасини олинг! Ўшанда ҳаммаси хисобга тўғри бўлади! Бу ёғига мен кафил! Бир ҳафта ичida тўғрилаб берамиз! А, нима дейсиз?

Эрининг кечаги сўзлари ҳамон қулоғида турган Саодат директор ҳузурига кираётганда нима учун шу болаларни олишга аҳд қилганини айтмасликни ўйлаган, яна бир марта кулгуга қолишини истамаганди, аммо...

Директор унинг сўзларини эшитгач, кўлидаги қаламини ўйнатишни бас қилди.

— Қизик-ку! Менга айтишмаган экан. Кўзим тушса ҳам... эътибор бермагандирман. Очиғи, бунга менинг имконим ҳам йўқ, — илжайди у бир пайт. — Гарчи директор бўлсан-да, хўжалик мудиридан фарқим йўқ — дам унга чоп, дам бунга. Ҳозир ошхонада, дедингизми? — билагидаги соатига кўз ташлади у. — Тушлик аллақачон тугабди. Майли, топамиз! Қани, биз ҳам бир кўрайлик-чи айтган мўъжизангизни.

Латипов (ўзини албатта чакиришларини билгандек, Саодатнинг ортидан пойлаб келгандек!) ҳеч қанча вакт ўтмай кабинет эшигига пайдо бўлди.

— Сураттирган экансиз, устоз? — ялтоқланиб сўз бошлади у Саодатга қарамасликка ҳаракат қилиб.

Бош тарбиячи нимаси биландир директорга ёқмайди шекилли, у истеҳзо билан деди:

— Ҳа энди, бирон хизмат борми деб ўзингиз кирмасангиз, нима қиласайлик биз бечоралар!

Сал ўзини йўқотиб қўйган Латипов тавозе қилди:

— Буюринг, устоз! Бош устига!

— Ҳалиги икки бола қаерда? Ким ҳакида гап кетаётганини тушунаётгандирсиз? — сўради директор маънодор қилиб.

Латипов Саодатга тез кўз ташлаб олди:

— Тасдиқланган тартиб бўйича, уларнинг ёшидаги болалар тушлиқдан сўнг ухлайдилар, устоз!

— Тартиб бўйича денг, — қаламини стол устига ташлади директор. — Бўпти... биз ҳам одам бўлиб, бир марта тартиби бузсак бузибмиз-да! Қачонгача колип ичидя яшаймиз? Ёки рухсат бермайсизми? — киноя қилди у яна.

Латипов бутунлай довдираб қолди:

— Тушунмадим... нима қилиш керак ўзи устоз?

— Арзимаган нарса — бу ерга ўша болаларни келтиринг. Муҳим бир иш чиқиб қолди.

Латипов бир нима демокчи бўлди-ю, аммо директорнинг ҳамон киноя ёғилиб турган семиз юзини кўриб, бунга журъат этмади ва илжайганча қўлини кўксига кўйди:

— Бир оғиз сўзингиз, устоз!

Мактаб ёшига етганларидан буён шу ерда яшаётганларига қарамай на Яшар, на Нодира директорнинг хонасига кирмагандилар. Латипов иккаласини ётган жойларидан ўта меҳрибончилик билан (бу ҳолат ҳам улар учун янгилик эди) турғизиб, сўнг директорнинг шахсан ўзи кўрмокчи бўлаётганини айтганда, бир оз чўчишиди.

Иккаласи бир-бирлариға бесаранжом кўз ташлаб олишди: “Тушликка кечикканимиз учун дилектолнинг ўзи... уришадими! Бизни муаллима олиб қолди-ку!”

Болалар уни камдан-кам ҳолларда — фактат қатта байрам ва тадбирлар ўтказиладиган пайтлардагина кўришарди. У қоғозга тикилганча, ҳар йили бир хил янгровчи сўзлар билан тарбияланувчиларни кутлар, сўнг шошилганча каергадир жўнар, тадбирнинг қолган қисмини Латипов ва бошка тарбиячилар олиб боришарди. Директор ойда икки марта тутгмалари тўлиқ солинмаган — катта қорни ҳалақит берарди — оқ ҳалат кийиб, важоҳат билан ошхонага кирап, шу куни келишини аввалдан билувчи ошпазларнинг серёғ, сергўшт овқатларидан татиб кўриб, индамай чиқиб кетарди.

Латипов кабинет остонасида турганча илжайди:

— Олиб келдим, устоз. Қабулхонангизда ўтиришибди.

— Нима, ўзингиз чиқиб кўринг, демоқчимисиз? — энсаси қотди директорнинг. — Қайтиб ташқарига отилган Латипов бир неча сония ўтга, болакайлар билан қўл ушлашганча директор хузурида ҳозир бўлди. — Раҳмат, — деди директор кўзини болалардан узмай. — Юмушингизга бораверинг, керак бўлсангиз чакиравман.

Болакайлар меҳрибон муаллималарини кўришгач, бу ерда

ундан бошқа яна бирор борлигига умуман эътибор бермай, пилдираганча унинг ёнига келишиди ва қўлчаларини тиззасига қўйиб, қўзларига термулдилар: “Нима қилишмокчи бизни? Урмайдими, мана бу... семиз одам?” – савол ёғиларди Яшар ва Нодиранинг нигоҳидан.

Беш дақиқадан кўп вақтни олмаган танишувдан сўнг “дилектол” столида турган қофозга нималарнидир ёза бошлади:

– Бўлти! Мен рози, Саодатхон! – деди у бош кўтармай. – Шу болалар сизники! Эски мактаблардан фарқли ўлароқ, нафақат эти, суяги ҳам! – кулди у. – Ҳечқиси йўқ, “Ҳар қандай конун-қоидани айланиб ўтса бўлади” – деган экан қайси бир файласуф. Мен қўлимдан келган барча ишни қиласман – ҳар ҳолда комиссия аъзосиман-ку! Кейин, бу ернинг директори сифатида бир оз бўлса-да хурматим бордир! – шитоб билан ёзиши давом эттириди у. – Ҳа, айтгандек, ҳар ерда қўшимча иш ҳам излаб юрманг, ўзимизда ўрин бор! Энагалик. Бир кекса ўрис кампиришим ҳар куни касал бўлавериб, вазифасини эплай олмаяпти. Ўзи ҳам бўшатишмни илтимос қилиб, бир неча марта кабулимга кирди. Ноиложликдан, бизга тўғри келувчи бошқа одам йўқлигидан саклаб юргандим. – У илкис бош кўтарди. – Ишлайсизми ўшанинг ўрнида? Икки кунда бир марта тунда навбатчилик қиласиз. Маошини ҳам... унчалик ёмон деб бўлмайди. – У шу ерда бир оз сукут саклади ва Саодат ҳеч кутмаганда ички муаммолари ҳақида сўзлай кетди. – Биласизми, мендаги кадрларнинг ҳаммаси ҳам педагоглар эмас, баъзи бирларининг умуман хат-саводи ёки касб-хунари йўқ. Мисол учун, мана шу, ўзингиз кўрган Латиповни олайлик. Унинг аввал ким бўлганини биласизми? Айтсан, ишонмайсиз – мол бозорида даллол! Менгача, яъни, илгариги директор даврида ишга қабул қилинган экан. Аммо... тан олиш керакки, ишининг кўзини билади, худди бир умр етимхоналарда бош тарбиячи бўлгандек! Ким билади, балки ўзи ҳам ота-онасиз ўсгани учундир. Нима бўлганда ҳам, унингиз тартиб-интизомни сақлашимиз жуда қийин бўларди. – Директор яна бир оз сукут саклади. – Иложи бўлганда-ку, жон деб унинг ўрнига қўярдим, лекин бу лавозимга қаттиккўл киши керак... худди у сингари. Майли, ҳозирча энагалик қилиб туринг-чи, кейин яхшироқ ишга, тўлиқ штат билан олармиз... агарда қўйиб юборишса! – кулди у яна. – Чунки мактабга ҳам сиз каби дипломли кадрлар керак, улар эса ҳали айтганимдек, жуда-жуда танқис.

Ўн учинчи боб

Тузуккина овози бор хотинининг кўшик айтганини Махмуд кўпдан, аникроғи, илк фарзандлари ўлик туғилгандан бўён эшитмаганди. Эҳ-хе, канча йиллар ўтди орадан!

Кия очик ошхона эшиги ортидан қозон-товоқ тақирлаши, сувнинг шариллаши аралаш эшитилаётган оммабоп кўшикка у бир нафас кулок солиб турди – ҳали ҳам ёмон эмас. Эндигина турмуш қурган йиллари унинг ўзи Саодатни қистар, хатто мажбур қиласарди – қучиб эркалашлар, ҳазиломуз “қийноқлар” остида, албатта! Айниқса, унинг тунги талаблари Саодатнинг жаҳлини чиқараради:

– Жиннимисиз?! – дерди у бундай пайтларда тутакиб. – Кўни-кўшнилар эшитса нима дейди?

– Қичқириб, бор овозда айтиш шарт эмас, азизам! – дерди ҳазил-мутойибани ёқтирувчи Махмуд шивирлаганча, қайнок бўсаларга кўмиб. – Секингина, қулоғимга айт! Фақат мен эшитсам бўлди.

– Эртага эрталаб айтсан-чи? – дерди Саодат ниҳоят бўшашиб.

– Йўқ, жоним, эрталаб қўшнимиз граммафонини қўяди – ўшани эшитамиз. Ўзиям, худди тушига киргандек, тонг сахардан айлантиради-я! Яна баланд килиб, де! Янги чиққан кимматбаҳо матоҳи билан қўшниларига мақтамоқчи бўладида.

– Сиз ҳам сотиб олинг бирорларга ҳасад қилиш ўрнига! – дерди Саодат ноз қилиб. – Тоза топиб олдингиз... текин пластинкани!

– Сен пластинка эмас, – куларди Махмуд, – хушовоз булбулимсан! Қани бошла, акс ҳолда... эрталабгача уйку бермайман. Чидайсанми?

Кейинчалик Саодатнинг кўнглига бундай нарсалар сиғмай қолди, колаверса, унинг ўзи ҳам натижасиз ҳомилалардан кўнгли чўкиб, худди шу ҳолатга тушди.

Мана, бугун у яна хиргойи килаяпти!

Махмуд жилмайди: ўща болаларни бир кўрса бўлармиди? Ёки то расмиятчиликлар битиб, уйга келишгунча сабр қиласинми? Саодатнинг айтишича, баъзи бир қофозларга имзо чекиши зарур экан. Майли, карнайчидан бир пуф деганларидек, имзо бўлса – имзо-да! Лекин ишнинг тундалиги

оғирлик қилмасмикин? Икки кунда бир марта дедими? Эх, ҳеч бўлмаса мен кўпроқ маош олганимда, кўшимча ишнинг кераги бўлмасди. Аммо ўша иши ҳам... омонат бир пайтда, бундан ортиғини орзу қилиш...

Унинг чехраси тундлашди. Ёки... кеч бўлмасдан Саодатга айтиш керакмикин? Қандай бўларкин, шундай хурсанд бўлиб турган бир паллада?

Юзидан нур ёғилиб турган Саодат икки косада мастава олиб кирди ва тўлароғини Махмудга узатди.

— Ҳа, кайфиятингиз йўқдекми? — деди у ўзи ҳам ўтиргач.

Косани ўзига якинроқ тортиб, қошикни қулига олган Махмуд бир оз сукут саклаб турди.

— Сал ҷарчаганман... шекилли. Айтгандек, ҳужжатларга қўл қўйишга ўша ёқка боришим керакми ёки уйга олиб келасанми?

— Бир марта борсангиз ҳеч нарса қилмайди, — жилмайди Саодат. — Ростини айтсам, бу ишлар қай йўсинда бажарилишини ҳали ўзим билмайман. Майли, эртага яна қизикиб кўрарман. Овкатга қаранг, совумасин.

* * *

Ҳар сафар тўшакка киргандаёқ қотиб ухлаб қолувчи Яшарнинг хаёлини бугун бўлиб ўтган воқеалар шу даражада банд этган эдики, анча пайтгача уйқуси келмай, тўлғаниб ётди.

“Муаллимা бизни фарзанд қилиб олмокчими? Нега? Нега энди бирданига иккаламизни? — ўйларди у кийналиб. — Бир ўзимни олса, қандай яхши бўларди — бирйўла қутулардим ўшандан! Уҳ, шундай жонимга тегиб кетдики! Ёки муаллимага айтсаммикин уни... ёмон қўришимни? Туриб олса-чи, иккалангизни ҳам оламан деб? Унда... унда бормайман уникига! Керак эмас! Олаверсин ўшанинг бир ўзини!”

Мехрибончилик билан берилган саволларига жавоб қайтармай, рўпарасидаги дафтардан кўз олмай ўтирган Яшарнинг бошқача бўлиб қолганини Саодат бирданига пайқади.

Иккинчи соат бошланганда эса ҳатто йиғламсираб турганини кўрган жувоннинг юрагида ғулғула тушди: “Нима... таклифи унга ёкмадими? Ёки биронтаси хафа қилдимикин? Ишқилиб, шундай бўлсин-да!”

У хавфсираганча Нодирага каради — йўқ, қизалок ҳар сўзига жон нисор этиб, меҳр тўла қўзларини узмай ўтирибди!

Саодат нигохини яна Яшарга каратди – бегонасираяпти! Ҳа, қизлардан фаркли үлароқ үғил болалар шунақа... саркашрок бўлади! Ҳечкиси йўқ, үргатиб оламан ўзимга. Мен бўлмасам – хўжайним! Үғил бола эркак киши билан дарров дўстлашиб кетади – бу психология тажрибасидан маълум.

Жуда хоҳлаётганига қарамай Яшар ва Нодирани дарсдан сўнг уйига олиб кетиш, уй шароитини кўрсатиш, агар ишдан өртароқ келса, эри билан танишириш, кейинроқ эса болалар уйига қайтариш учун журъяти етмади, ҳолбуки, Латиповнинг барча гапдан хабар топгани, энди ўзини ҳам, болаларни ҳам бундай “ўзбошимчалик” учун койимаслигини биларди.

Бу сафар Латипов ростдан ҳам уларни очиқ юз билан кутуб олди:

– Ҳа, она-болалар! Кўнникаяпсизларми бир-бирингизга? Иккаласи ҳам ажойиб болалар, Саодатхон! Яхши қилдингиз, лекин.

– Ҳа, – ўнғайсизланганча жилмайди Саодат. – Лекин сиздан бир нимани илтимос қилмоқчи эдим.

– Бемалол! – илтифот кўрсатди Латипов. – Энди сиз билан деярли ҳамкасблармиз, – деди у мъянодор қилиб, – кеча директор бу ҳақда гапирганди.

Саодат унга миннатдорона нигоҳ ташлади:

– Тушликдан кейин болалар билан яна бир оз қолсам деғандим.

– Нега? Тўймадингизми ҳали? – илжайди Латипов. – Жуда ҳам эркалатиб юборманг-а! Бўпти, лекин тушликдан сўнг ухлашлари кераклигини унутманг, – деди у чўнтақ соатига караб қўйиб. – Ўн беш дақиқа ихтиёрингизда!

Бу гаройиб, сиртига кумуш суви юритилган соатни Латипов эски хунари – даллоллик қилиб юрганда қўлга киритганди. Ўзига таниш бир ҳаридор бозорда кўзига яхши кўринган икки яшар букачани сўраганда, эгаси жудаям қиммат айтибди. Латипов дангалига: “Арzon олиб берсам, ҳаки қандай бўлади? – деб сўради. – Йўқ, пулинг керак эмас, у яқинда синади. Яхшиис... мана бу соатингни бера қол... юрадими ўзи? Қаердан олгансан? Бир ўрис қизил аскардан дейсанми? Тортиб олгандир-да, бирон шўрликни қон-қақшатиб!”

Шу ерда у адашмаганди: соат Довудхон исмли, исломни қабул қилгани боис собиқ диндошлари ва “тоза” мусулмонлар томонидан масхараомуз “чала” лақабини олган бадавлат бир

яхудий чолга тегишли бўлиб, у ҳам қизил аскарлар боскинидан омон колмаган, уч кун ўтиб эса, мол аччиғи – жон аччиғи деганларидек, ҳашаматли ҳовлисидағи ўрикка ўзини осиб қўйганди. Йўқ, алмисоқдан қолган шу биргина соатни деб эмас – бу соат унинг мусодара қилинган хисобсиз мол-мулки, олтину жавоҳирлари олдида денгиздан томчи эди! Унинг ўлимидан сўнг то ўша кунгача шоҳона хаёт кечирган оила таназзулга юз тутди, кейинчалик кўлма-кўл бўлиб кетган қизларидан бири машхур яллачи, сўнг халқ артисти бўлиб танилди...

* * *

Шу ўн беш дақиқа ичидаги Саодатнинг бўлгани бўлди.

У Яшарнинг ерга тикилганча айтган сўзидан карахт бўлиб колганди.

– Нега истамайсан? Ёки мени ёмон кўрасанми? Мана, Нодира ҳеч нима демаяпти-ку! – Яшар ер тагидан қизчага ёвқараш қилди, аммо Саодат бунга эътибор берадиган ахволда эмасди. – Агар ёмон бўлганимда, у рози бўлармиди?

– Керак эмас, – тўнғиллади Яшар. – Мен... мени ота-онам олиб кетади.

Саодатнинг юзида ажабланиш ифодаси пайдо бўлди.

– Ота-онанг? – деди у юраги дукурлаб. – Ким айтди буни сенга?

– Ўзим биламан.

– Нима, сен уларни... кўрганмисан? – хавотирланиб сўради Саодат, бу нарса қуруқ гапдан бошқа нарса эмаслиги, бола ҳеч качон ота-онасини кўрмагани, ҳеч ким шу пайтгача уни йўқлаб келмаганини етимхона ходимларидан билиб олишга улгурган бўлишига қарамай. – Майли... лекин, хозирча менинида турансан, хўпми? – деди у ич-ичидан таъсирланиб. – Мабодо чиндан келиб қолишса... шу ерда турамиз-ку! – жилмайди у. – Уйимиз шундок нариги маҳаллада... бир зумда топиб олишади! Бирга кетаверасан. Мен ҳам йўқ демайман. Келишдикми?

Яшар яна бурнини тортди:

– Керак эмас... мен... ёмон кўраман.

– Кимни?! – саросималаниб қолди Саодат. – Меними?! Нега?!

– Сизни эмас... мана... буни, – деди кўз тагидан Нодирага яна бир марта ёмон қараган Яшар.

Ҳеч нарсага тушунмаётган Саодат ўзини йўқотиб қўйди.

– Нега?! – дам бола, дам кизчага күз ташларди у. – Нега ёмон күрасан? Қарагин, қандай шириң киз! Худди үзингга үхшайды! У сенинг... синглинг бўлади-ку!

Саодат ўзи билмаган ҳолда боланинг энг нозик ярасига тегиб кетганди.

– Ҳамма бизни шундай дейди, – бурнини тортди Яшар ҳамон ерга қараганча. – Мен... унга ҳұшашни истамайман! Унинг синглим бўлишини ҳам! Ёмон кўраман уни!

Саодат яхшигина муаллима бўлишидан ташқари, болалар руҳиятини ҳам тушунувчи аёл эди. Ўзи ҳам Яшар каби йиғламоқдан нари-бери бўлиб турганига қарамай, сал қолди кулиб юборишига: ана холос! Мана гап қаерда экан! Вой боласи тушмагур-эй!

У энгашиб Яшарга яна нимадир демокчи бўлаётган эди, Латипов келиб қолди:

– Бўлдими? – деди у соатга кўз ташлаб кўяркан.

Шошиб қолган Саодат қаддини ростлади:

– Бўлди, раҳмат сизга... Лекин... рости, нима дейишни ҳам билмай турибман... сиз билан... бир нима ҳакида гаплашиб олмокчи эдим. Мумкинми? – қизарди Саодат.

– Мен билан?! Ҳозирми? – астойдил ҳайрон қолди Латипов, сўнг, жавоб кутиб ўтирмай, болаларга юзланди. – Бўпти, ётоқхонага марш! Тушакка киришдан олдин оёқларни ювиш ёсдан чиқмасин – бориб текшираман! Югурдик бўлмаса! – Етимхонадаги барча тарбияланувчилар унинг буйрукларини югуриб бажаришга (аксини қилиб кўр-чи!) кўнишиб колгандилар. Яшар ва Нодира ҳам худди шундай қилишгач, Латипов мамнун илжайиб Саодатга ўгирилди. – Эшитаман сизни, Саодатхон.

...Беш дақиқадан сўнг у шараклаб кулиб юборди:

– Вой тирранча-эй! Шундай дедими? Биласизми, мен ҳам сезганман – бу боланинг феъл-автори үзгача! Лекин хавотир олманг, – ишонч билан давом этди Латипов. – Ўзим гаплашман! Ҳали биронта бола сўзимни икки қилмаган! – У кулганча бошини сарак-сарак қилди. – Оббо зумраша-эй!

– Илтимос... уришманг уни! – кўркиб кетди Саодат. – Болани мажбур қилиб бўлмайди!

– Безовта бўлманг, мен нима қилишимни жуда яхши биламан! – деди Латипов иописандлик билан қўл силкиб. – Ўзи ортингиздан югуриб боради! – Бу сўзлардан безовталиги бат-

тар ошган Саодат яна нимадир демокчи эди, Латипов даллолик пайтидан эсдалик бўлиб қолган соатига бир қараб олгач сирли илжайди. – Сиз бораверинг ва... бемалол ҳужжатларни тайёрлайверинг!

Кўнглида тошдек оғир юқ билан уйи томон йўл олган Саодат у ерда ўзини бошқа – бундан-да баттар нохушлик кутиб турганини билмасди.

– Нега ундаи деяпсиз, Маҳмуд ака?! – ранги ўчди унинг. – Нима бўляяпти сизга? Рози бўлгандингиз-ку!

Маҳмуд нигохини четга олди:

– Ха, рози бўлгандим, лекин... вазият ўзгарайпти.

Саодат унга синовчан тикилди: қанақа вазият?! Нима бўлиши мумкин? Ёки... биронтаси айнитдимикин? Ким?

Унинг хаёлига бирдан қайнотаси ва қайнонаси келди, лекин... лекин, болаларни олиш ҳакида ўрталарида келишув бўлганидан сўнг эри кўрмади-ку уларни! Уйларига бориб-келиш ҳам осон эмас – дунёнинг бир чеккасида туришади. Унда нима бўлиши мумкин? Ёки иш жойида бирон муаммо бўляяптимикин? Лекин бунинг бола асраб олишга нима алоқаси бор? У ер бўлмаса, бошқа жой – хат-саводи бор бундайин одамлар ҳар жойда керак! Ана, одам йўқлигидан етимхонада аллақандай даллоллар тарбиячи бўлиб ишлаб юрибди.

Саодат кўзида пайдо бўлган ёшни артиб.

– Уларнинг юзига қандай қарайман энди? Нима деган одам бўламан? Директорга нима дейман?

Маҳмуднинг нигоҳи ҳамон четда эди:

– Ҳеч нарса қилмайди, бунинг устига, ўзинг айтиётгандек, бола истамаяпти экан... Нима қиласан зўрлаб?

– Лекин Нодира ҳозироқ бизникига келишга тайёр турибди!

Маҳмуд зўрма-зўраки жилмайди:

– Кимдир куни-кеча менга айтгандек бўлувди... эгизакларни ажратиб ташлаш яхши эмас, деб.

Саодат унинг қўлидан тутиб, қўзларига қарашга ҳаракат килди.

– Нима бўляяпти сизга, Маҳмуд ака? Бирон муаммо борми? Айтинг, биргаликда ечайлик. Илтимос! Акс ҳолда... хаёлнимга турли гаплар келиши мумкин! Сезяпман, сўнгги пайтларда... сал бошқача бўлиб юрибсиз! Лекин сўраб, ғашингизга тегишини истамагандим. Ахир, менга айтмасангиз, яна кимга айтасиз!

— Бошқача? – бу сафар қайғули жилмайды Маҳмуд. – Оббо сен-эй! Жуда сезгир бўлиб кетибсан-ку! Хавотир олма, ҳеч гап йўк!

Саодат бир зум унга тикилиб тургач, елкасига сурилиб тушган рўмолини кайта ўради.

– Унда... унда ўзим оламан, – деди у совукқина қилиб. – Болани билмадим-у, лекин кизчанинг қалби чилпарчин бўлади! Мен бунга йўл кўя олмайман!

– Саодат! Тұхта! – кичқирди Маҳмуд нариги хонага кетиб бораётган жувон ортидан. – Билиб кўй... бир ўзингга жуда кийин бўлади!

Хаёли болаларда бўлган Саодат аввал бу сўзларга эътибор бермади, сўнг дафъатан эри томон ўгирилди – унинг кўйкўзлари баттар думалоқ бўлиб кетганди.

– Нима?! Нима дедингиз?! Нега... бир ўзим?! Сиз-чи?! – у шундай дер экан, вужудига титроқ кирганини сезди, деярли югуриб келиб, унинг рўпарасида тўхтади. – Бу нима деганингиз?!

Маҳмуд эҳтиётсизлик килиб кўйганини пайкади.

– Саодат, – бошлади у ва нима деб давом эттиришни билмай, бир зум тўхтаб қолди. – Биласанми... ҳозирча айта олмайман! Лекин, сўзимга кир – бу ҳаммамиз учун яхши бўлади.

Бошида минг турли хаёл чарх ураётган Саодат охир-окибат бир тўхтамга келди:

– Нима... бирон ёқка кетмоқчимисиз? Қаёқка?

– Хали номаълум, Саодат, – деди Маҳмуд бир оздан сўнг унинг тахминини қисман тасдиклаб, аммо жувонни қониктирувчи жавоб эмасди бу.

– Нега номаълум? – деди у товуши титраб. – Бутунлай кстасизми? – Ўртада фарзанд бўлмагач, Саодат бошига бундайин кўргулик тушган барча аёллар каби, қачон бўлмасин бариниб ажралишга тўғри келади, дея ўйлаб, ўз ёғида ўзи қоврулиб юрар, лекин йиллар ўтиб, эри бирон марта бу ҳақда оғиз очмаганди. Мана энди, бола асраб олиш ҳал бўлиб турганда... бу нима қилгани? Шу пайтда тўсатдан бошига келиб қолган ўйдан унинг юраги дукурлаб уриб кетди: ёки бошқасини тошиб олдимикин? Балки у аёл... ундан фарзанд кутаётгандир?! Лекин шу пайтгача бирон марта ҳам уйдан бошқа жойда... тунаб қолмаганди-ку! – Ажрашмоқчимисиз? – Бор матонатини бир жойга йиғиб сўради у. – Қўрқманг... агар шу қарорга

келган бўлсангиз, қаршилик кўрсатмайман ва... нима учун бундай килаётганингизни ҳам биламан! Тўхтанг! Гапимни бўлманг! – деди у бир нима демокчи булаётган эрига имкон бермай. – Агар бошқа сабаб бўлганида, бунчалик қийналиб ўтирмасдингиз... Тўғрими? – ушбу тахмини нотўғри чикишини ҳудодан ёлвориб, эрининг кўзларига термулди у.

– Эсинг жойидами? – қичкирди Маҳмуд қўлларини силкитиб. – Мен ажралишамиз эмас, болаларни олма деяпман!

– Айтинг... унда нега бир ўзим коламан?

– Негалигини айта олмайман, дедим-ку. Ҳали нима бўлиши аниқ эмас – ҳеч бўлмаса бир-икки кун сабр кил!

Бу жумбокли юпатиш Саодатнинг шубҳасини баттар ошириди.

– Бир-икки кун дейсизми? – таънаомуз кулимсиради у. – Демак, икки кундан кейин нима бўлишини билар экансиз-да? Бўпти, бир-икки кундан сўнг айтарсиз... лозим топсангиз, албатта!

Шу тун улар илк бор алохида – бошқа-бошқа ўринларда ётдиilar. Ярим соатлар ўтиб Саодат нариги хонада қолган Эрининг кадам товушларини эшитди ва келаялти деган ўйда кўрпани юзига тортди.

Аммо у адашганди. Бир оздан сўнг жомадон қулфи шарақлаб очилгани, нималарнингдир тап-тап қўйилаётгани қулогига чалинди. “Китоблар шекилли, – ўйлади у. – Демак, буюмларини йиғиширияпти... кетаяпти! Ҳозир қийим-кечакларини ҳам йиғишири бошлайди”.

У ўқраб йиғлаб юбормаслик учун ёстиқни тишлади.

Шу тун ухлай олмасам керак, деб ўйлаганди, лекин оғир хаёллар залвори босибми, ёки жуда чарчаганиданми, тонгга якин мудраб кетибди.

Кўзлари очилганида нафас олмай эри тунаган хонага қулок тутди: жимжитлик. Ухляяптими ё... кетдими?

Дераза токчасида турган қўнғироқли соатга кўз ташлади: етти бўлибди! Мактабга улгуриш керак! Чой ичишга ҳам вакт қолмабди!

Шу ерда у ғамгин жилмайди: чой эмиш! Энди томоғидан чой ўтадими! Энди бу ерда, бу ўйда қолишидан маъно борми?

У оёқ учида юриб келиб, хар эҳтимолга қарши хона эшигидан муралади ва кўз ўнги коронғулашиб кетди: ҳеч ким йўқ! Кетибди! Ҳатто айтиб кўйиш, тил учида бўлса-да хайрлашиши ни лозим топмабди!

У китоб жавонларига кўз ташлади – бир-иккита ғижимлаб ташланган қоғозлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Кийимлари-чи?

Саодат хона ичига кадам ташлади. Қизик... енгил кийимларидан бошқа ҳаммаси турибди-ку! Чопони, нимчаси, этиги... Албатта, шунча нарсани бирдан олиб кетиб бўлмасди. Демак... буларни олиб кетгани яна келаркан-да? Аммо... қачон?

У соатга ўгирилди ва кўркиб кетди – бундай хаёл сурини утираверса, биринчи дарсга улгурмаслиги мумкин!

Тинмай оқаётган кўз ёшини дамба-дам артганча мактаб сари югураётган Саодат йўловчилар эътиборини ўзига тортар, аммо ҳамма нарса унинг учун энди бирдек бўлиб қолганидан, буни сезмасди.

У синфиға мис қўнғироқнинг бўғиқ жаранги билан баробар кириб келганда, кий-чувларини тўхтатган болакайлар бирдан ўринларидан туриб, хурмат бажо келтиришди.

– Утирглар, – деди Саодат нафасини ростлашга ҳаракат киларкан. Бир оздан сўнг одатдаги йўқлама учун синф қайдномасини қўлига олди ва болаларнинг исм-шарифларини овоз чиқариб, битта-битта ўқий бошлади. У шундок рўпарасида утирган Яшар ва Нодирага қарамасликка ҳаракат қилас, номлари ўқилгач, ўринларидан туриб жавоб берганларида ҳам нигоҳини кўтаришга журъати етмаганди.

Йўл-йўлакай келаркан, болаларни – лоқал Нодиранинг ўзини бўлса-да! – олишдан энди бутунлай воз кечганди: хоҳлаганида ҳам бунинг энди имкони қолмаган. У батафсил, ҳар битта ҳарфини синчиклаб ўрганиб чиққан коидага кўра тўлиқ бўлмаган оиласа бола берилмайди! Маҳмуд акаси кетди, унинг имзоси бўлмаса, бу ҳақда гапиришнинг ўзи ортиқча.

Муаллима йиглаганини – нафақат қизарган қовокларидан сезган болакайлар ўзаро кўз уриштириб олдилар. Қайднома пайтида синфда сув сепгандек жимлик хукм сурди. Уларни яна-да хайрон қолдиргани – муаллима энг олдинда ўтирган Яшар ва Нодирага энди алоҳида эътибор бермасди, ваҳоланки, Нодиранинг кеча синфдош дугоналарига мақтаниб, кўпларнинг хавас ва ҳасадини келтириб айтган гапларига кўра, энди Яшар иккиси...

Биринчи танаффусга қўнғироқ чалинганида, Саодат барча болалар қатори уларнинг-да чиқиб кетишига умид боғлаганди, лекин бундай бўлмади – ҳатто Яшар ўрнидан жилмаганди.

Саодат юрак ютиб, шу қирқ беш дақика ичидаги илк бор

уларга кўз ташлади ва ўзи кутган нарсани кўрди – айниқса Но-дирада! Унинг нигоҳида бундай пайтлари болаларда бўлиши мумкин ҳамма нарса бор эди: қизиқувчанлик, ҳайрат, кўркув, араз...

Унинг бардоши етмай, атайин деразага қаради.

– Мен... менинг сал мазам йўқ, бошим оғрияпти... шунга... Айтгандек, нега танаффус пайтида чикиб ўйнамаяпсизлар? – деди у табассум қилишга уриниб. – Зерикмадингларми?

Яшар тутила-тутила гап бошлади.

– Мен... энди... сизниги боришим... керак экан.

Бу кутилмаган сўзлардан Саодат чўчиб тушди:

– Нима?! – кулоқларига ишонмасди у. – Боришинг керак?

Ким айтди буни сенга?

– Ўзингиз, – сарғиши киприкларини пирпиратди Яшар. – Кейин... кеча бош тарбиячи ҳам. Мен энди... Нодирани ёмон кўрмайман, – деди у ғалати илжайиб.

Бир илож қилиб ўрнидан турган Саодат Яшарнинг тепасига келиб, унинг кўзларига қарап учун энгашди.

– Айт... уришдими?! – нафаси тикилиб сўради у Латиповнинг иршайган афтини кўз олдига келтиаркан. “Кўркманг, ўзи ортингиздан югуриб боради” – деган сўзлари эса яна бир бор кулоғига чалингандек бўлди.

– Йўқ, – бош чайқади Яшар негадир чўнтагини кавларкан. – У менга мана буни берди ва... сизниги албатта боришим кепраклигини айтди.

Саодат кўзларига ишонмасди: боланинг қўлида чик-чик овоз чиқарганча Латиповнинг...

У беихтиёр соатни қўлига олди: бу нима қилгани! Жинни бўлганми!

– Яна айтдики... – давом этди Яшар қизғангандек соатдан кўз узмай, Латиповнинг сўзларини эслашга уриниб, – айтдики... у... беш юз сўм тураркан. Берасизми?

– Нима?! – шошиб қолди Саодат. – Беш юз... сўм?!

Соатга завқ-шавқ билан термулиб турган бола бош қимирлатди.

– У яхши амаки. Бунақаси мактабда мендан бошқа ҳеч кимда бўлмас экан! Катта бўлиб... то уйлангунингча бузилмайди, деди у яна, – қизарди Яшар. – Берасизми? Бугун дарсдан сўнг оборишим керак.

Саодат адою тамом бўлганди.

Йўқ, беш юз сўм жуда катта пул бўлганидан ёки Латиповнинг бундай йўл тутганидан ҳам эмас (Қабиҳликми? Лекин Яшардек ўжар болани кўндириш йўлини топганини қаранг! Бундай совға олдида қандай бола таслим бўлмайди! Бекорга директор ундан ҳам нолиб, ҳам мақтамаган экан-да!), Яшарнинг унга энди худди кечা Нодира сингари меҳр билан термулиб турганидан! Энди нима бўлади? Директор олдида, мана бундай ишга қўл урган Латипов олдида – балки етимхонанинг бошқа ходимлари ҳам ушбу “янгилик”дан хабардор бўлишгандир! – қандай бош кўтариб юради энди?

У Нодирага қаради: унинг нигоҳида ҳамон ўша меҳр!

Йўқ, бу муаммони тезроқ бир ёклик қилиш керак, акс ҳолда, асаблари бардош бера олмайди!

У Яшарни қучди:

– Беш юз сўм сендан айлансин! Лекин йўқотиб қўймайсанми?

– Йў-ў-к, – деди Яшар яна илжайиб. – Соатни ҳам йўқотмайман! У айтдики, мен уни факат уйда... яъни, уйингизда тақарканман, бўлмаса, катта болалар уриб, олиб қўйишлари мумкин экан. Кейин... сиздан бошқага (Нодирага хавфсираб қараб қўйди) кўрсатмасликни тайинлади. Ҳеч кимга айтмаслигим ҳам керак экан! Сиз ҳам ҳеч кимга айтмайсиз-а?

Ўзига ҳам ишониб, ҳам ишонмай турган гўдакка бошқача жавоб бериб бўладими!

– Ҳеч кимга! – кулди ҳўнграб йиғлаб юборишга тайёр Саодат.

Ўн тўртинчи боб

Каравотда юз тубан ётган Саодат бир пайт чўчиб тушди: бирор тақиллатаяптими?!

Унинг бор вужуди кулоққа айланиб, ҳатто нафас олмай турди: ҳа, эшик тақилляпти! Маҳмуд акаси! Аммо эшик очиқку! Атайин очиб қўйибди-ку! Кириб келавермайдими! Ёки... биронта қўшнимикин?

Саодат рўмолини бошига ташлаб, кўча эшик томон югурди.

Унинг ортида учта номаълум киши турарди.

– Салом, – деди турганлардан бири, хушмўйловлиси. – Бу

үй... – у қўлидаги бир парча қоғозга кўз ташлаб олди. – Бу уйда Эшбоев Маҳмуд турадими?

– Ҳа, – деди Саодат келганларни танимай. – Лекин ҳозир уйда йўк.

Хушмўйлов кулимсиради:

– Энди... келмаса ҳам керак. Сиз хотини буласизми?

– Ҳа, – жавоб берди Саодат, оёкларига билинар-билинмас титроқ кирганини ҳис этиб. – Нега ундан дейсиз?! Нега келмайди? Қаерда у?

– Демак, хабарингиз йўк? Шундайми? – деди хушмўйлов жилмайишни йиғишириб, сўнг Саодатнинг тушунмаётганини кўриб, изоҳ беришга ўтди. – Эрингиз Эшбоев Маҳмуд бугун қамокқа олинди. Биз ЧК дан, мана, – у қўлидаги қоғозни силкиди, – уйингизни тинтиб кўришга ордер. Рухсатингиз билан, хизмат бурчимизни бажаришга ўтсак.

У шундай деб, шерикларига имо қилди ва рухсат олишни хаёлига келтирмай, оstonада турган Саодатни яккакифт тарзида четлаб ўтганча ичкарига юрди, бошқалари бирин-кетин унга эргашдилар.

Саодат ҳозиргина тозаланган гилам устида қолдирилган этик изларига бир зум қараб турди-да, ортларидан пилдиради.

– Тўхтанг! – жонҳолатда қичқирди у ва хушмўйловга этиб олиб, унга юзланди. – Бу нима қилганларинг ахир?! Нега камалади?!

Хушмўйлов яна илжайди:

– Майли, жавоб бераман: эрингиз Маҳмуд Эшбоев шўро хукуматига карши миллатчи гурух аъзоси сифатида қамокқа олинди.

Саодат қалқиб кетди: нима?! Қанақа гурух? Қанақа... миллатчи?!

– Ёлғон! – фарёд қилди у. – Ишонмайман! У ҳеч канақа... гурух аъзоси эмас! У... давлат идорасида ишлайди!

Хушмўйлов бошини маъноли силкиди:

– Тўғри, у каби ғаламислар доимо шундай ниқоб остида иш олиб борадилар. Ишонмайман, дедингизми? Унда эшитинг: эрингиз, унинг бир неча шериклари билан дастлабки сўрок ўтказилди ва барчаси, шу жумладан у ҳам айбини тан олди. Тушунарлими? Демак, бизга ҳалакит берманг. – У ҳамроҳларига юзланди. – Қани, бошланглар, ҳеч нарса назардан қолмасин. Тинтув тугагунча ҳеч ким ташқарига чиқмасин, – қўшиб кўйди Саодатдан бошқа одам йўқлигини билиб турса ҳам.

Хоналар унча катта эмас, рўзгор буюмлари ҳам озгина эди, шуларнинг ҳам кўпчилиги уй эгасиники. Ярим соат ичидага ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилинди, ошхона, тахмондаги кўрпа-тўшаклар ораси, ҳатто ҳожатхона обдон текширувдан ўtkазилди.

Саодат кеча Маҳмуд тунаган (умуман, тунадимикин?) хона ўргасида серрайиб тураг, ўрнидан қўзғалишга мадори қолмаганди: наҳотки! Наҳотки, эри булар айтиётгандек... Йўк! Ишонмайман!

Хушмўйлов деярли бўм-бўш, факат Саодатнинг бир неча дарслклари-ю, бир тўп дафтар турган жавон олдида тўхтади: улар ҳам тинтувдан сўнг тартибсиз равишда сочилиб ётарди.

– Мановилар сизникими? Мактабда дарс берасиз. Шундайми? – деди у Саодатга кимлигини яхши билишига ишора қиласкан. – Эрингизнинг нарсалари қаерда? Яъни, китоблари, қоғозлари? Шу ерда туармиди?

Саодат унинг кулранг кўзларига тикилди:

– Эрим уйга ҳеч нарса олиб келмаган. Акс ҳолда, билган бўлардим. Бу... қандайдир англашилмовчилик!

Хушмўйлов надомат килаётгандек бош чайқади:

– Ватан хоини, миллатчи, ҳалқ душмани эрингизни ҳимоя қилгандан кўра, шўро мактаби муаллимаси сифатида бизга ёрдам берсангиз бўлармиди!

Саодат титраб кетди:

– Эрим ватан хоини ҳам, ҳалқ душмани ҳам, миллатчи ҳам эмас! У...

Хушмўйлов ортикча баҳс қилишни истамай, шерикларига юзланди:

– Тугатдиларингми? Ҳеч жой қолмадими?

Улардан бири Саодатга имо қилди.

– Мана бу аёлнинг шахсий буюмларидан ташқари.

– Тушунмадим!?

– Яъни, сумкаси, кийим-кечаклари...

Хушмўйлов уятданми, нафратданми қизариб кетган Саодатга ўгрildи:

– Майли, кийимларингизни титиш шарт эмас, аммо сумкангизни кўздан кечиришимиз керак. Марҳамат, уни ўзингиз олиб келиб, ичидаги бор нарсани мана бу стол устига ағдарсангиз. Тартиб шундай.

Саодат караҳт ахволда бўлишига қарамай, шундай кил-

сагина улардан тезрок кутулишини тушунгани, кетишгач эса бўлиб ўтаётган бу даҳшатли ҳодиса нимани англатишини ёлғиз колиб мушоҳада қилиш учунми (эрига қўйилган айбловга ҳамон ишонмасди), ётотхонадаги сумкасини келтириб, ичидагиларни кўрсатилган жойга ағдарди. Дастлаб ундан бир неча рангли қалам, чизғич, икки дона ўчириғич столга тушди, энг сўнггида эса...

Ҳайхот! Бу нима? Ахир... ахир... бу Яшарнинг соати-ку! Латипов берган соат! Бола беш юз сўмни олгач, йўқотиб қўйиш ёки ростдан ҳам катта болалар тортиб олишларидан қўркибми, Саодатга берганди. Бутунлай эмас – саклаб туришга, албатта! Болакай уятдан қизариб-бўзариб, шуни алоҳида таъкидлаганди!

Хушмўйлов жимжимадор соатга бир зум тикилиб тургач, уни қўлига олди ва ҳар томондан айлантириб кўргач, қулогига тутди.

- Эрингизникими?
- Йў-ў-к! – деди савол шошириб қўйган Саодат
- Йўқ дейсизми? – ажабланди хушмўйлов. – Эркаклар соати-ку! Эрингиздан бошқа яна кимники бўлиши мумкин?

Унинг шериклари илжайиб, бир-бирига маъноли қараб қўйганини пайқаган Саодат дувва қизарди.

- Бу соат синфимдаги бир... боланики!
- Боланики?! – кулди Хушмўйлов. – Билишимизча, сиз бошланғич синфга дарс берасиз. Биринчи синф боласида бунақа соат нима қилсан? Бунинг устига, ҳаммаси етим бўлса? – У бошини сарак-сарак қилди. – Нега ёлғон гапираверасиз? Ҳалигина, эримнинг қилмишларидан хабарим йўқ дегандингиз, энди эса унинг соатини аллакандай бир мишики болага тўнкаб ўтирибсиз (шериклари энди овоз чиқариб қулиб юборишли)! Ким айтади сизни янги авлод таълим-тарбиясига жавобгар шахс деб?

Саодат аламдан йиглаб юборай деди:

- Ишонинг, соат эримни эмас! Уни ўша бола... – Яшарга берган ваъдаси тўсатдан ёдига тушған Саодат лабини қонатгудек тишлади.

“Ҳеч кимга айтмайсизми?”

- Бу эртагингизни бориб ўша болаларингизга айтинг, менга эмас! – тўсатдан қичқирди унинг бирдан жим бўлиб қолганини ўзича тушунган хушмўйлов. – Яххиси, мана бу қоғозга имзо

чекинг, – стол устига аллақандай көзни қўйди у. – Шаҳардан чиқиб кетмаслик ҳақида! Сизни ҳам унга ҳаммаслак сифатида қамоққа олганимизда биласиз, ростиши айтиш керакмиди ёки ёлғонни! Имзо чекинг, деяпман! Бўлмаса...

Саодат ёзувлари ажи-бужи бўлиб, бири-бирига мингашиб кўзга ташланадиган кўкимтири қоғозга имзо чекиш учун энкайди.

* * *

Эрталаб муаллималарини кўрган болакайлар кўркиб кетишиди: уни таниб бўлмасди! Кўзлари чукур ботган, атрофида кўкимтири ҳалқа, юзи ҳам сўлиб, сўррайиб қолган. Ана, қалам тутган қўли ҳам титраяпти! Иситмалаяптими? Ахир, иситмала-ганларида ўзларида худди шундай бўлади-ку! Кейин ҳамшира опалар оғритиб, дод-войларига қарамай, юмшоқ жойларига игна санчишади...

Уларнинг орасида энг безовталаётгани Яшар эди: “Нима бўлди муаллимага? Яна касалми? Нега яна мен ва Нодира-га қарамаяпти? Балки... соатимни йўқотиб қўйгандир? Шунгами?!?”

Сўнгги тахминдан унинг юраги орқасига тортиб кетди.

Болакай мактабга қатнай бошлаганидан бўён биринчи соатнинг тугашини ҳеч қачон бунчалик интизор кутмаган бўлса керак.

Нихоят, танаффусга қўнғироқ чалинди.

– Нима? Қанака... соат? – сўради Саодат Яшарнинг юрагига баттар ғулғула солиб. – Ҳа-а-а! – ўзига келди бир пайт у ранги кув ўчганча. – Соатинг турибди! Уйда!

Лекин у ёлғон гапираётганди – хушмўйлов соатнинг аллақандай болага тегишли эканлигига ишонмаган, назарида, аёл уни ҷалғитмокчи бўлаётганди: боланики эмиш! Яна қандай денг! Унақаларнинг устидаги кийимидан бошқа ҳеч нимаси бўлмаслигини билмайди, деб ўйлаяптими? Соат албатта эриники! Лекин нега буни яшираяпти? Балки, айнан шу буюм Эшбоевнинг миллатчилик фаолияти билан боғликдир?

Хушмўйлов уни протоколдаги ёзувларга қўшимча сифатида олиб кетганида ялиниб-ёлворган Саодат ҳеч нарсага эриша олмади, кейинроқ эса эрига қўйилаётганди машъум айдан хушини йўқотгани боис у ҳақда бутунлай унутганди.

– Эртага олиб келасизми?

Боланинг маъсумона саволидан Саодат эсдан оғай деди.

— Эртага?! — қалтираб кетди у. — Албатта! Сен асло хавотир олма, хўпми?

Ёнкларига қизиллик югурган Яшар розилик ифодасида бошини қувнок лиқиллатди ва кейинги дарсга қўнғироқ чалинишига бир неча дақика қолганига қарамай, ўртоқлари билан ўйнагани мактаб ҳовлисига югурди.

Ҳам меҳри жўшиб, ҳам раҳми келганча (Муаллимамиз яна касал! Бугун ҳам боши оғрияпти! Тезрок у кишиникига бориб яшай бошласам, касал бўлишларига ҳеч йўл қўймасдим. Қўғирчок олиб бермасалар ҳам майли!) ўзига термулиб турган Нодирани Саодат пайқамасди ҳам.

Иккинчи соат бошланганига беш дақика ўтмай, синф эшиги очилиб, ўкув ишлари бўйича муовиннинг мулойим юзи кўринди.

— Саодатхон, узр. Мумкинми сизни бир неча дақиқага? — Ўз ёғида ўзи қоврилаётган Саодат беихтиёр эшик томон юрди. — Сизни директор чакираяпти. Кайфияти жуда ёмон. Нима... — у Саодатга бошдан-оёқ разм ташлади. — Мазангиз йўқми дейман? Рангингизда ранг йўқ.

— Ҳа... сал-пал. Нега чакирғанларини билмайсизми? — сўради Саодат паришонхотир.

— Билмадим. Сизни чакиришни буюрди холос.

* * *

— Мана шунақа гаплар. Энди нима қилмоқчисиз?

Саодат нима дейиши билмасди. Демак, гаплари гараганда, бу ерда қолиш мумкин эмас. Ҳаммаси тамом бўлди, шекилли — оила, орзу ниятлар... Ростдан ҳам, энди нима қиласди? Ўз касби бўйича энди ҳеч жойга ишга олмасликлари тайин. Ҳа-да, халқ душмани, миллатчининг хотини бўлса! Ҳозирги даврда бундан-да катта айб бўлиши мумкинми? Қанча одам қамалиб, отилиб, дом-дараксиз бўлиб кетди. Наҳотки Маҳмуд акаси ҳам шулар сафига қўшилса?! Қандай килиб сезмай колди? Қачон бошланган экан ўша... “аксилинқилобий” фаолият?

Утрашувга рухсат беришармикин? Лекин тез-тез рўй бериб турувчи бундай воқеалар жабрдийдаларининг биронтаси қамоққа олинган яқинларини бориб кўрганини шу пайтгача эшитмаган.

Балки уни чакиришар? Балки иккисини юзма-юз қилишар? КечА... халиги мўйловли... соатни олиб кетаётиб... шунга шама килгандек бўлди-ку!

Директор унинг хаёлларини бўлди.

– Мактабдан олинган дарсликлар, бошқа жиҳозларни муовинимга топширинг, – деди у совуккина килиб. – Ишлаган куннингизга маош чикариб берамиз... ўшанда, майли, бир келиб-кетарсиз.

Бунчалик тез қувиб солишларини ўйламаган Саодат унга ялт этиб қаради:

– Бугун... ми? – сўради у тутилиб.

– Албатта! – сал қовоғини очди мактаб директори. – Чўзиб утиришнинг нима кераги бор? Қолаверса, менга шу ҳақда коғоз келган... тегишли жойдан. Ўрнингизга бошқа ўқитувчи тайинлаймиз, топа олсан, албатта. – Директор хўрсинди. – Очигини айтишим керак, Саодатхон, бўлиб ўтган ишдан жуда афсусдаман! Сиздек муаллимадан ажралиб колиш бизга оғир. Бироқ – кўлларини икки томонга ёйди у, – на илож! Биз ҳам юқоридан келадиган буйруқларга бўйсунишга мажбурмиз.

– Болалар билан хайрлашсам бўладими? – сўради ўрнидан турган Саодат.

– Шарт эмас, – нигоҳини четга олди директор. – Катта синф ўқувчилари бўлганида ҳам майли эди. Қолаверса, улар билан иш бошлаганингизга неча кун бўлди ўзи? Сизга ҳали кўнишишмаган – бир-икки кун ичida эсларидан чикаришади.

Айнан шу сўзлардан сўнг Саодатнинг ёдига иккиси тушди: ҳеч бўлмаса улар билан хайрлашса бўлар?

Лекин бу ҳам мумкин эмасга уҳшайди. Яшарга нима дейди? Ахир соатни бериб юборди-ку... Йўқ, мажбуран олиб кетишиди, уни энди қайтариб олади ёки... Йўқ!!! Нима килиб бўлса-да кеча келганларни топиши керак! Ҳа, шундай қилади!

Ташкарига ўқдек отилган Саодат бир зум ҳовлида туриб колди: қаёққа борсин? Уларнинг идораси қаерда бўлиши мумкин? Кимдан сўраса бўлади?

У директорнинг хонасидан шошилиб, ҳатто хайрлашмай чиқиб кетгани, ундан ЧК идорасини сўрамагани учун – у билиши керак, ўша ёқдан коғоз келганини айтди, коғозда эса албатта манзил ёзилган бўлади! – афсус қила бошлади, қайтиб киришга эса юзи чидамади ва ўйлаб-ўйлаб охири шаҳар театри томон юрди: ўша ерда одам гавжум бўлади, биронтаси кўрсатиб юборар!

Якин соатлар ичидаги каттарок томоша кўрсатилади, шекилли, театр майдони ясан-тусан одамлар билан лик тўла эди. Саодат шаҳарда шунча фойтун бор деб сира ўйламаганди: биридан кимдир тушаётган бўлса, бошқасининг соҳиби янги мижозларни чорламоқда.

— Марҳамат, шаҳарнинг истаган бурчагига бориш бир сўлкавой! – бири олиб, бири кўйиб қичкирарди улар. – Ўриндиклар духобадан! Фидираклар резинадан! Маза қиласиз! Келиб колинг! Шаҳарнинг истаган жойига бориш...

Саодатнинг хаёлига ажойиб фикр келди – шулардан сўрайди! Ахир, шаҳарнинг исталган манзилини билишларини ўз оғизлари билан айтишайти-ку! Нарх ҳам унчалик кимматга ўхшамайди!

Улардан бирига яқинлашган Саодат қандай гап бошлишини билмай турганида, фойтунчининг ўзи кўмакка келди.

— Қаерга олиб боришни буюрасиз, янга? – деди у ялтоқланиб.

Саодат тарафдудланиб қолди.

— Мен... мен ЧК идорасига боришим керак.

— Марҳамат! – ёқимли илжайди фойтунчи. – Қайси бирига?

— Қайси бирига?! Нима, улар... шунча кўпми?

Фойтунчи хаёлан ҳисоблаб чиқди:

— Жуда кўп дея олмайман-у... лекин бир нечта. Бири шаҳарга тегишли, иккинчиси вилоятга, колганлари ҳудудий. Демак, қайси бирига?

— Билмасам, – мўлтиради Саодат.

Неча йиллардан бўён фойтун ҳайдаб, эгни-боши, ўзини тутишидан мижозларининг ким эканлигини бир боқища аниклай олиш даражасига етган фойтунчи унга бошдан-оёқ назар солди. “Кўринишидан зиёли, ҳатто... мактаб ўқитувчиши бўлиши мумкин... шаҳарда яшайди. Лекин қаёқка боришини билмаётгани қизиқ! Балки, ўзини соддаликка олаётгандир? Хушрўйгина нарса экан!” – хаёлидан ўтди унинг.

— Нима қиласиз у ерда? – илжайди файтунчи. – Бирон танишингиз борми? Үшани изляпсизми?

Бу илмоқли савол Саодат учун туртки бўлди, холос. У эрининг камалгани, куни-кеча уйига ЧК ходимлари келганини фойтунчига айтмоқчи эмасди: тўйдан олдин ноғора чалишга не ҳожат! Балки ҳаммаси жойига тушиб кетар!

Унинг ёдига бирдан хушмўйлов тушди.

— Ҳа, — деди у қизарыб. — Бир танишым бор. Кече меникитеги... яъни, бизникига келиганида... ўша ерда ишлайман, деган эди. Лекин айнан қаерда эканлигини сўрамабман... ёдимга келмабди.

Фойтунчи илжайишни бирдан бас қилди – ҳаддидан ошмагани маъкулга ўхшайди! Ростдан ҳам ўша ерда таниши бўлса, бу жонон билан ҳазиллашиб бўлмайди. Оббо шоввоз-ей! Бир марта келибди-ю, эрталабгача машнатни қилиб, унга иш жойини ҳам аниқ айтмабди! Бало улар! Доимо ортларини тозалаб юришади. Кимнинг-кимнинг, лекин айни шуларнинг бугунда ошиғи олчи! Истаган одамларини истаган кўйга солишлари мумкин!

Ҳали маҳсус автомобиллар ва бошқа уловлар етарли бўлмаганидан, ушбу идоранинг ходимлари тез-тез фойтунлар хизматидан фойдаланиб тураг, фойтунчи эса кўпчилигини шахсан танирди.

— Танишингизнинг исми нима? — эҳтиёткорлик билан сўради у. — Ёки фамилияси?

Иккиланиб қолган Саодат яна ўзини койий бошлади: нега ҳеч бўлмаганда шуни сўрамабди! Лекин қонни музлатувчи ўша хабар, ундан кейинги ҳодисалар пайтида бу кимнинг эсига келарди!

— Билмайман... буни ҳам айтмаганди, — деди у бўшашганча ва фойтунчининг яна илжаяётганини кўриб, шошилганча қўшиб кўйди. — Унинг мўйлови бор! Чиройли қилиб тарошланган! Бўйи ҳам баланд!

Фойтунчи гап сотиб ишдан қолаётгани, бу нарса тушумга ҳам зарар қилаётганини билиб турагди, аммо аёлнинг сўнгги сўzlари уни сергаклантирди: назарида у ким ҳақида гап кетаётганини англағанди.

Лекин нима бўпти? Ўзини умуман таништирмай кетибдими, демак, қўрқмаса ҳам бўлади – бу жувон энди унга керак эмас!

— Танимас эканман, — деди у жилмайиб. — Аммо уйингизни айтсангиз, ҳамкасларимдан суриштириб, иш жойини билиб олганимдан сўнг... сизга етказардим. Нима дедингиз? Ёки ҳозироқ бораверамизми?

— Қаерга? Уни излабми?

— Уни излаб нима қиласиз? – таваккал қилди вактини қизғанаётган фойтунчи. – Ҳатто исмини айтмаган одамни!

Үйингизга бораверамиз! Мана, менинг ҳам мўйловим бор, бўйим ҳам баланд. – У Саодат томон энгашди. – Агар... сизни-кига бориш нокуляй бўлса, мана, менда жой бор! Хилватгина!

Фойтунчи ундан нимани истаётганини хирс тўла кўз қарашларини ҳам ишга солиб, шунчалик очик-оидин шама килаётгандикি, Саодат буни тушунмай қолмади.

У беихтиёр ортга бир қадам чекинди:

– Ифлос! – деди у товуши қалтираб. – Мени ким деб ўй-ляяпсан?

У фойтунчини бисотида бор бошка ҳақоратли сўзлар билан ҳам сийламоқчи эди, аммо шовқин-сурон кўтарса, атрофда юрганларнинг эътиборини тортишдан қўрқди – шусиз ҳам уларга қизиқувчанлик билан қараб турганлар анчагина кўпайиб қолганди.

Үйи томон юриб эмас, елиб бораётган Саодат аламидан дод дегиси келар, уни аллақандай бузук аёл деб ўйлаганларини ҳеч ҳазм қила олмаётганди...

* * *

Айни шу пайтда терговчи навбатдаги савол-жавобдан сўнг стол тортмасидан қандайдир соат чикарди.

– Сизга танишми?

– Йўқ, – бош чайқади бир муддат унинг қўлидаги соатга тикилиб турган Маҳмуд.

– Қизи-и-ик. Яхшилаб қаранг-чи?

Шу икки кун ичida турли жўмбоқли саволлар, ўта бемаъни шамалардан безор бўлган Маҳмуд бир оз кўрслик билан деди:

– Минг йил карасам ҳам жавобим битта бўлади – бу соат менини эмас, уни ҳатто қўрмаганман. Етарлидир?

– Жуда қизи-и-ик... Қаердан олганимизни биласизми?

– Билсам, аллақачон айтардим. Илтимос, мени фақат қўйилаётган айб юзасидангина сўроқ килсангиз.

Терговчи истехзоли кулди:

– Сиздан эса илтимос – менга нима қилишни ўргатманг! – Бу соатни ходимларимиз... – У бир оз сукут сақлади. – Майли, айта қолай: буни ходимларимиз тинтуб пайтида хотинингзининг сумкасидан топишиди. – У сўзларим айбланувчига қандай таъсир қилди, дегандек Маҳмудни бир оз кузатиб турди. – Хўш, бунга нима дейсиз? Эндијам тан олмайсизми?

Хибса сақланаётган давр ичida бу одамлардан ҳамма нар-

санни кутса бўлишини Маҳмуд аллақачон тушунганига қарамай, бунчаликка борадилар деб ўйламаганди: бу соат Соадатнинг сумкасида нима қиласди? Нима дейишмоқчи бу... фитна-ю фасод билан?!

Маҳмуд ўзини босишига қанчалик ҳаракат қилмасин, асаблари чатнай бошлаган эди.

– Нимани тан олишим керак? – деди у тез-тез нафас олиб. – Менини эмас, деганим етмайдими?

Терговчининг кўзларида истехзо ўйнади:

– Сизники бўлмаса... бегона эркакники экан-да? – захарханда килди у. – Шундай демоқчимисиз? Хотинингизнинг сумкасида-я?

Маҳмуд ўтирган жойида қалтираб кетди, панжалари муштга тутулди.

– Мараз! Тинч қўй хотинимни! – ҳайқириб юборди у терговчи ҳеч кутмаганди. – Барча айбни бўйнимга олдим-ку, ҳароми! Яна нима истайсан?! Энди мана шунака мунофилик йўлига ўтдингми? Бу билан нимага эришмоқчисан?

Терговчининг ранги гезариб, ўрнидан туриб кетди.

– Ким ифлос?! – хезланиб Маҳмуднинг тепасига келди у. – Ким мунофикс?! – Уни ҳеч ким шу пайтгача бунақа ҳақорат килмаганди, айниқса, хибсга олинганлар. Деярли барчаси қўйилган айблардан сувга тушган мушукдек бўлиб қолишар, нима десанг ҳам индашмасди, бу эса... – ўзинг ифлоссан! Ҳезалак! – Аламини босиши учун бутун захрини сочишга ҳаракат киласди у. – Агар эркак бўлганингда, хотининг ўйнашларининг соатини олиб юрмасди (Бу гап шунчаки – худди ўша алам устида айтилаётган бўлиб, соатнинг Маҳмудга тегишли эканлигига унда шубха йўқ эди)! Билдингми? Болала-ринг ҳам йўқ, шекилли? Албатта, сендай эрқакдан...

Шовкин-суронга югуриб кирган соқчилар мушт зарбидан хона бурчагига бориб тушган терговчини ўрнидан турғизиб қўйишгач, бараварига Маҳмуднинг устига ёпирилиб ерга ётқизишгач, қўлларини орқага қайришиди. Терговчи қонаётган лабини артиб, Маҳмудни корни, кўкраги, юз-кўзи аралаш тепа бошлади:

– Мана сенга!!! Мана сенга!!! – ҳайқиради у аклини йўқотиб. – Битта хотинни эплай олмайсан-у, юрт сўраб нима қиласан?! Ким қўйибди сенга...

Маҳмуд ётган жойидан узук-юлук хиркиради:

— Юртга... юртга тил теккизма... хоин! У сенларнинг дастингдан... хароб бўлди... хароб бўлди...

Тепкилаш то у қора қонига беланиб, хушидан кетгунча давом эди.

Ўн бешинчи боб

Туни билан ухламаган Саодат ниҳоятда толикқан, Маҳмудни топиш муваффакиятсиз якунлангани ҳам унга рухий таъсир кўрсата бошлаганди. У уйига келибок ўзини хона тўридаги юпқагина кўрпачага отди.

Қанча ётганини билмайди (балки озгина мудрагандир), бир пайт эшик тақиллаётгани қулоғига чалинди. Унинг кўз ўнгида даставвал хушмўйлов ва унинг шериклари келди, кейин... Тўхта, балки Маҳмуд акасидир?! Кўйиб юборган бўлишса-чи?

Саодат тўзиган соchlарини йўл-йўлакай йиғишириб, эшикка югурди.

Келган одам уйнинг эгаси экан.

— Ассалом.... Келинг амаки, — деди у нигоҳини ерга тикиб.

— Келдик.

— Ичкарига ўта қолинг.

— Эркаги йўқ уйга кириб нима қиласман, — деди уй эгаси танбех берадигандек. Бир неча сония сукут сақлагач эса давом этди. — Хуллас, кизим... жойни бўшатишингизга тўғри келади. Ўғлимни уйлантирмоқчиман, шунга керак бўляяпти, — деди у ижарачилар доимо бирон нимани баҳона қилишларини яхши билганидан салмоклироқ баҳонани рўкач қилиш учун.

У Маҳмуд ҳакида гап очмаган бўлса-да, нима бўлганидан хабардорлиги шундоқ юз-кўзидан сезилиб туради. Уйдан ҳам бунчалик тез ҳайдалашини ўйламаган Саодат кўз олди коронғу бўлиб кетди. Гўё бутун дунё унга қарши турадиганди, шу биринки кун ичida устма-уст тушаётган зарбалар уни бутунлай эзғилаб ташлашга қасд қилгандек эди.

— Қачон... бўштатай?

Уй эгаси бир оз ўйлаб олди:

— Уч кун етар? Аслида-ку, бугун ё эрта чиқиб кетсангиз бўларди. Майли, сиз ҳам мусулмон фарзанди, жабр бўлмасин. Лекин уч кундан ортиғига имконим йўқ.

Саодат ҳамма нарсадан хабардор уй эгасидан яшириб ўтиришни истамади.

— Улар... менга... мендан шаҳардан чикиб кетмаслик ҳақида тилхат олишган...

— Уч кундан сүнг аёлим, қизларим келиб, уйни бир оз тартибга келтиришади. — У Саодатнинг қизариб кетганини қўриб, давом этди. — Йўқ, тўзитиб юбордингиз демоқчи эмасман, аммо, ўзингиз биласиз, келин шу уйга туширилгач, бир оз... Ҳа, усталарни айтиб қўйдим, бир оз таъмир қилишга ҳам тўғри келади. Хуллас, ҳаракатингизни қилинг. Бу ерда бошка борадиган жойингиз бўлмаса... Ота-онангиз? — сўради у. — Факат онангизми? Майли, фарки йўқ. Сиз, адашмасам... Ингичкадан шекилли? Шундайми? Уларга вазиятни тушунтириб, манзилингизни қолдириб кетаверасиз-да! Балки хабарингиз йўқдир, уч-тўрт кун бўлди, Самарқанд ва Каттақўрғон ўртасида поезд катнови қўйилган. Икки кунда бир. Ӯшанга ўтирангиз, Каттақўрғондан Ингичкагача бир қадам йўл қолади. — Уй соҳиби унга зимдан қаради. Иккиси-да Маҳмуд ва ЧК ходимлари ҳақида сўз очишмас, аммо бир-икки марта айтилган хиёнаткорона “улар” сўзидан кейин ўртада маълум маънодаги парда қўтаришганди. Шу боис уй эгаси мушук-сичқон ўйнашни бас қилишга қарор килди: нимасидан истиҳола қилиб ўтиради! Тинчгина ўтиришганда, улар билан кимнинг иши бор эди! Менга керакмиди шу уй! Қайтанга зиёли, энг муҳими — бола-чақаси йўқ, саранжом-саришта оила турганидан хурсанд бўлиб юргандим. Ижара ҳақини ҳам ёмон тўлашмаётганди. — Қўркманг, тилхат ўз йўлига — жуда керак бўлиб қолсангиз, топиб олишади — улар учун бунинг муаммо жойи йўқ. Демак, калитни ҳам уша куни оламан. Яхши қолинг. — Лекин у жойидан қўзғалмай, Саодатга кўз қирини ташлади. — Ҳа, ёмон иш бўлди. — Саодат унинг гап оҳангига афсус, хайриҳоҳлик ёки раҳмдиллик борми, тушуна олмади. — Нима, эрингизнинг қилмишларидан бехабар эдингизми?

Саодат бошини этди:

— Менга ҳеч нарса демаганди.
— Ҳа, bemaza бола-я! — бош чайқади уй эгаси. — Оқибатини ўйламаганини каранг. Менинг ҳам юзимни ерга қаратди.

Уй эгаси бошини сарак-сарак қилганча узоклаша бошлади, Саодатнинг эса энди ўзи учун бегона уйга қайтиб киргиси келмасди: “Онангизнига кетинг, дедими? Йўқ! Ҳеч каёқка кетмайди! Қандай қилиб уни кўрмай туриб кетиш мумкин! Қандай қилиб...”

Саодат ногаҳонда хаёлига келган ўйдан ўзини тұхтата олмай, уй эгасининг ортидан югуриб кетди.

— Тинчликми? — сұради у жувон ҳаллослаганча етиб келгач. Балки, яна бир оз қолдиришни илтимос килмокчиدير? Одамларга хайронсан – килғиликни килиб күйиб...

Саодат хансирааб нафас оларди:

— Мен хұжайнимни күришим керак! Кеча келганлардан манзилларини сұрамабман. Бугун уриниб күргандым, аммо топа олмадим – бунака жойлар шаҳарда күп экан. Сиз билмайсизми?

Уй эгаси унга синовчан тикилди:

— Хұжайнимни күраман, дейсизми? Менга колса, – ўйланиб қолди у, – у ерга бормаганингиз маъқул.

— Нега?! – күзларини жавдиратди Саодат тушуна олмай.

— Биласизми, – деди уй эгаси бир оз чайналиб турғач, – у ерга борган камдан-кам одам қайтиб чиқади. Сизнинг бошин-гизга ҳам шу кун тушмасин дейман-да.

Саодатнинг юраги шув этиб кетди.

— Лекин менинг хеч бир айбим йўқ!

— Қизик экансиз-ку! – энсаси қотди уй эгасининг, – улар учун бунинг аҳамияти бор эканми – канча күп одамни ушлаб тикишса, шунча ишлари кўзга кўринади! Бунчалик ҳам содда бўлманг-да! Нима, кўрмай, эшитмай юрибсизми?

* * *

Ичиди чирок ёқса ҳам ёришмайдиган Саодат том маънода чироксиз ўтиради. Нима қилади ёкиб? Ҳаёт тугаб, гўрга кирган одамга ёруғликнинг нима кераги бор? Фақат жисмигина тирик бўлгани учунми? Энди нафакат бу уйнинг, балки бутун оламнинг қоронғу гўрдан нима фарки қолди? Ортиқ нимага умид килиб яшайди? Ҳатто камоқдаги эрини ҳам кўриш мумкин эмас.

У қоп-коронғу хонада бағрини ерга бериб ётаркан, уй эгасининг сўзларини хотирлади. Аслида, ёмон одам эмас. Бўлмаса, менга – ўзининг ҳам номига доғ туширган одамнинг хотинига шу гапларни айтиб ўтирамиди. Бир кун ўтмай ҳабар беришибди-я! Албатта, “миллатчи, ҳалқ душманини” ўз уйига кўйгани учун бошини ҳам силашмагандир! Ҳали ҳам уч кун муддат бериб ўтирибди, бошқаси бўлгандা бугунок ҳайдаб чиқаради.

Рост – Махмуд акаси нега окибатини ўйламади?

Шу ерда у кўзларини юмди: “Нималар деяпман?! Ҳозир уни айблашим худбинлик эмасми! Эрта-ю кеч сўрокқа тутиб, балки қийноққа ҳам солишаётгандир?! Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас – кечаги мўйловли абраҳминг сўзига кўра айбани бўйнига олибди-ку! Шундай экан, қийнаб нима қилишади? Жуда бўлса, узокрок муддатга камоққа ҳукм қилишар”.

У ташки эшик секин такиллаётганини эшишиб, аввал чўчиб тушди, сўнг иргиб ўрнидан турди-да, хона қоп-коронғу эканига қарамай, ҳеч нарсага туртинмай, ҳеч нарсани йикитмай ошхонага – гугурт турган жойга югорди.

Қўллари қаттиқ титраганидан фонусни ҳеч ёқолмасди – бир неча гугуртчўп пиликка етар-етмас ўчиб қолган бўлса, бошқалари синиб тушаётганди. “Ким экан? Балки, Махмуд акасидир? Коронғу тушганда бошқа яна ким бўлиши мумкин? Уй эгаси эмас – у уч кундан кейин келаман, деганди. Тўхта... балки мўйловли ва унинг шерикларидир? Ахир уларни тунда юради, дейишади-ку! Кеча ҳам коронғу тушганда келишганди”.

Ниҳоят, тўргинчи ёки бешинчи уринишдан сўнг пилик ўт олгач, у кўча эшиги томон интилди.

– Ким? – юрак ютиб сўради у ҳар эҳтимолга қарши.

Ташкаридан бир неча сония ҳеч қандай овоз бўлмади. Демак... Махмуд акаси эмас... у индамай турмасди.

Бир пайт эшик ортидан овоз келди:

– Мен...

Овоз унга танишдек эди, лекин мўйловлиники эмас. “Балки... кечаги фойтунчидир?! – даҳшат билан ўйлади Саодат. – Уйимни билиб олдимикин?” – Сизни танимаяпман... кимсиз? – овози титраб чиқди Саодатнинг.

Яна сукут, сўнг яна ўша таниш овоз:

– Мен... Латиповман. Бир иш билан келгандим.

Латипов??!

Саодат қалтираётган кўли билан шуурсиз равишда зулфини туширди – бу одамдан қўркмаса ҳам бўлади. Аммо нега келди экан? Қаерда туришимни кимдан билди? Балки директор юборгандир?

У юрагида қандайдир умид учқунлаб, эшикни очди – ростдан ҳам ташкарида Латипов турарди.

– Келинг.

Бошқа нарса дея олмаган Саодат унга саволомуз тикилди, Латипов эса бевакт келганини изоҳлашдан аввал тобига келтириб кечирим сўради:

— Минг бор узр, Саодатхон. Ўзингиз биласиз, эрталаб болалар уйғонишидан то уйқуга кетгунларича ишда бўламан. Шунинг учун... яна минг бор узр! Ахволингизни тушуниб турибман, лекин... мажбур бўлдим. — Саодат бу узундан-узун даромаднинг маъносини тушунмай турар, нима дейишини билмасди. — Хуллас... жуда хижолатдаман!

— Нега? — чирокни сал пастга туширди Саодат. — Зарур ишингиз бордирки, келибсиз.

— Шундай. Балки ишонмассиз, аммо ҳалиги бола... Яшарни айтаяпман... жуда эзилаяпти.

Саодатнинг юраги орзикиб кетди: ўз ташвишлари билан бўлиб уларни яна унутганди.

— Нодира ҳамми?!

— Нодира?! Ҳа, албатта у ҳам! — деди Латипов қандайдир иккиланиш билан. — Эътибор қилдим: кун бўйи кўзидан ёш аримади... айникса қизалок сизга жуда боғланиб қолган экан.

Саодатнинг қўлидаги фонус титраб кетди.

— Лекин нима бўлганини ўзингиз яхши биласиз, — деди у ийғламсираб. — Қандай уларни асрой оламан! Энди ҳатто бошпанам йўқ.

— Тушунмадим?! — қошларини тугди Латипов.

Саодатга энди барибир эди — нимасини яширади!

— Биз бу ерда ижарада турардик, — деди уф тортиб. — Бугун уйнинг эгаси келиб, бушатиб қўйишни сўради... ўғли уйланадётган эмиш.

— Чатоқ бўлибди-ку, — деди Латипов бир оз сукут саклагандан сўнг. — Энди қаерга борасиз?

— Билмадим. Лекин сиздан илтимос, Нодира ва Яшарга етказинг — мени кечиришсин! Ўзим мактабга борардим-у, лекин... қайси юз билан!

Ўргада чўккан жимликни Латипов бузди:

— Чатоқ бўлибди, — деди у яна. — Майли, сўзларингизни етказаман, лекин... Яшарга нима дейин? Ахир, айтдим-ку, жуда эзилаяпти, деб.

— Нега?!

Латипов чайналиб қолди:

— Хуллас, у... соатни сўрайапти.

Саодат қалқиб кетганидан күлидаги фонусни тушириб юборай деди.

– Соатни?! – шивирлади у аранг.

– Ҳа. Вактингизни олиб нима қилдим – келишимдан мақсад хам асли шу эди. Бұлар иш бұлды, деб неча марта айтдим, лекин... бола-да! Ахийри, күнглім бұлмай... келдим, – нигохини четга олди Латипов.

– Соат менда эмас! – жон холатда нидо қилди у йиқилиб тушмаслик учун эшик кесакисига сұянаркан.

– Нега?! Канақасига? Бола уни сизда деганди-ку!

– Ҳа, сақлаб туриш учун берғанди, – деди Саодат йиғлаб, – лескин кече келгандар ашёвий далил сифатида олиб кетишиді!

Латипов унга на ишонишни, на ишонмасликни биларди.

– Соат қандай қилиб ашёвий далил бұлиши мүмкін? Бошқа буюмларингизни хам олиб кетишимді?

– Йүк! Фақат уни!

– Нега ахир?! – пешонаси тиришди Латиповнинг.

– Билмадим, билмадим! – энди құш nilар эшитиб қолишидан хам құрқмай хұнграб юборди Саодат. – Худонинг зори-ни қилдим бир боланики деб, аммо ишонишмади.

Латипов аросатда колғанды: бу аёл ёки уни алдаяпти, ёки... Йүк, алдамаяпти, акс ҳолда бунчалик куйиниб йиғламасди. Аблахлар! Күзларига яхши қүринибди-да! Күниги қолишиганда, ноёб буюмларни чүнтакка уришга! Ҳа-да, эски бұлса хам нодир эди!

Латипов унга синовчан тикилди:

– Бирон тилхат-милхат хам қолдиришмадими? – Адойи та- мом бұлған Саодат бош чайқади холос. – Энди нима қиласмыз? Боланинг күнгли чилпарчин бұлади... унда ҳеч кимга ишонч қолмайди, үқитувчиши шундай қилиб турғач!

– Уларни ахтариб құрдим! – фарёд қилди эти музлаб кет-ган Саодат. – Лекин топа олмадим! Ҳатто эрим қайдалигини билмайман – айтишмаганди!

Унинг овози қаттиқ-қаттиқ чиқар, шу боис баъзи бир кизиқувчан құш nilар деразалари ёнига чироқ келтириб, күча томон мұралай бошлагандилар. Буни сезган Латипов кетишига қоғланди.

– Үзингизни босинг, Саодатхон! – деди у шивирлаган-ча. – Ахтардим, тополмадим, деб үтираверсангиз ким сизга ёрдам беради! ЧКнинг исталган идорасини топиб “фalonчи-

писмадончи хўжайним, шундай-шундай айб билан фалончи куни кўлга олинган” – десангиз бўлди, дархол аниклаб беришади! Алока уларда жуда яхши йўлга кўйилган. Эрингизни ҳам кўрасиз, биратўла эса боланинг... ҳалиги... Тушунгандирсиз?

Саодат ҳам энди мўралаёғган қўшниларни пайқаганди – у тасдик маъносида тез бош ирғади.

Шошилганча коронғулик қаърига шўнғиб кетаётган Латиповнинг насиҳати унга сўнгги нажот бўлиб туюлди, лабига ҳатто табассум югурди: “Ҳа, эртага Маҳмуд акасини ҳам, соатни ҳам албатта топади!”

Гангид қолган жувон Латипов келгунига қадар соатни буткул эсидан чиқарган бўлса, шу тобда яна бир нарсани ҳам бутунлай унуганди – уй эгасининг кетар пайти айтган энг сўнгги сўзларини!

* * *

– Ановининг хотини сўраб келибди, – терговчи хузурида қад ростлади навбатчи.

Лабидан Маҳмуднинг мушт изи ҳали кетмаган терговчи унга қараб ўқрайди:

– Анови-манови демай, аникрок гапиришни ўрганинг! Сиз бу ерда хизматдасиз, катта холангизнинг уйида эмас! Дуч келганга форма кийдириб, хизматга олишаверади, – тўнгиллади у кимиirlаб қолган олд тишларининг (кеча улардан бири синиб тушганди) оғриғига чидай олмай.

– Ўртоқ терговчи! – навбатчи қаддини янада тик қилди. – Мурожаат қилишга рухсат этинг! Маҳмуд Эшбоевнинг хотини келибди! Эри билан учратишлиарини талаб килмоқда!

Терговчи кўлидаги ручкани бир четга кўйди:

– Эшбоевнинг? Унинг ахволи қандай?

– Ўзим ҳам бу ҳакда айтиш учун кирмокчи бўлиб турган эдим, ўртоқ терговчи, – саросималик пайдо бўлди навбатчининг юзида. – У... ўлди!

– Нима?! – кўзлари олайди ўрнидан туриб кетган терговчининг.

– Хузурингизга киришимдан беш дақиқача бурун... у ўтирган камера маҳбуслари эшикни тепиб... шуни айтишди. Ишонмай, сокчилар билан кирдим... Қовурғалари синган, фельдшеримиз, “ичига қон куйилибди”, дейди.

Терговчи худди бунга навбатчи айбордек, еб қўйгудек қаради:

- Ҳозир камерадами?
- Ўйк. Уликлар сақланадиган махсус блокка ўтказдик.
- Кўрсатинг! – буюрди терговчи столда турган фуражкаси-ни бошига қўндиаркан.

* * *

Блокдан чиқкан терговчи уф тортди: “Қандайдир йўлини топиш керак. Албатта, раҳбарлар битта миллатчининг ўли-мидан фожиа ясаб ўтиришмайди, лекин тергов охиригача олиб борилмаганди, шуниси сал муаммо чиқариши мумкин”.

У кабинетига кириб, столи устида турган қоғозлардан би-рини олди-да, шитоб билан қуйидагиларни ёза бошлади:

“... сизга шуни ёзib маълум қиламанки, миллатчи гуруҳ аъзоси сифатида қўлга олинган ва ҳисбда сақланаётган Маҳмуд Эшбоев камерадошлари билан муштлашиб, калтак зарбидан вафот этди.

Унинг ўлими ҳақидаги тиббий хулосани илова қиламан.

Терговчи: ... Имзо. 1927 йил, 5 сентябрь”

У соқчи орқали навбатчини чакиртириди:

– Ҳузуримга фельдшерни юборинг, – деди у зум ўтмай ки-риб келган навбатчига. – Тўхтанг! Аввал сизга тегишли гапла-римни диққат билан эшитинг. Хуллас, гап бундай...

Ярим соатлардан сўнг у мамнун киёфада папиросини че-киб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб чиқаётган тутуннинг хона шифтига қандай ўрлаётганини томоша қилиб ўтиради. Бир пайт нав-батчи эшикни тақиллатиб, яна кирди:

– Ўртоқ терговчи! Рухсат этинг, мурожаат қилишга! Аёл хали ҳам ташқарида. Кетадиганга ўхшамайди. Киритмаса-ларинг, эрим билан учраштирасаларинг, устларингдан арз қиламан, дейди.

– Қизиқ, бизнинг устимиздан арз қилиб борса бўладиган жой ҳам бормикин! – тиржайди терговчи. – Қаерда экан ўша жой?

Шундай дегани билан терговчининг эндинга жойига туша бошлаган кайфияти яна бузилганди: “Уни бир бало қилиш керак! Ҳа, у аллакандай саводсиз, уйида бола-чакаси билан ўралашиб қолган аёл эмас! Тўхта, тўхта... шундай экан, эри-

нинг қилмишларидан бехабар бўлиши мумкинми? Ким бунга ишонарди! Бўпти, ўз оёғи билан келибдими...”

У папиросини кулдонга босиб ўчирди ва навбатчига деди:

– Ҳузуримга олиб келинг. Тўхтанг... аввал, аёллар камера-сидан битта жой тайёрлаб қўйинг.

Ўн олтинчи боб

– Ҳушига келмаяпти, – деди Махсум қаддини ростлаб. – Бу сафар ёмон йиқилганга ўхшайди. Нима бўлди ўзи? Нима бало, ҳали ҳам тинчимадиларингми? – Боши оқ сурп билан танғилган Ҳожар кимирламай ётарди. Ҳар учталасига бир-бир кўз ташлаган Махсумнинг нигоҳи Давлановда тўхтади. – Эшмамат! Сендан сўраяпман! – Яна жавоб бўлмагач, у асабийлаша бошлади. – Раз, чақириб келдингми, айт-да, мум тишламай! Ёки яна эски гапми? Ҳамма нарса аниқланганди, шекилли?

– Билмайман... сени қайта-қайта безовта қилганим учун... хижолатдаман. Яхиси, нима қилишни айт. Шундай ётаверадими? Дориларинг... таъсир килмаяптими? – деди Давланов ерга тикилганча.

– Таъсир қилганда аллақачон кўзини очган бўларди, – деди Махсум энсаси қотиб. – Кўрқаманки... умурткаси қаттиқ лат еган, агар синмаган бўлса! Балки мияси чайқалгандир. Кўрдим, боши ёрилиди... тошга урилган шекилли. Агар айтганларимдан биронтаси бўлса ҳам, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Туман касалхонасига олиб бориш керак. Аммо айтиб қўяй – от арава ярамайди! Бу ўнкир-чўнкир йўлимида баттар бўлиши мумкин. Машина... машина эса отликка ҳам йўк! – ўзича ҳажвия килди у. Сўнг Яшар ва Нодира гуз ташлади: “Қаерданам келди-я шулар! Бечора аёлни гўрга тиқиб тинчийдилар, шекилли. “Шумоёқ” деб ўзбеклар шунақаларни айтишса керак”. Ўз ўйидан ўзи хижолатлангандек, муштига бир йўталиб олди ва яна Давлановга юзланди. – Хафа бўлма-ю, туни билан мен бу ерда қола олмайман. Яхиси... яқинларини чакиртирип.

Давланов сесканиб тушди:

– Ни...ма??

– Ҳа? Ким қарайди унга? Сенми? – киноя қилди Махсум. – Ёки мана буларингми? – қўли билан кўрсатди у Нодира ва Яшарга. – Ҳозир ўзларинг ёрдамга муҳтож бўлиб турибсанларку! Ростини айтиб қўя қолай: агар тирик қолгандаям, бирдани-

га ўзига келишига ишонч йўқ. Шок дейилади бу нарса – мислсиз оғриқдан пайдо бўладиган ҳолат! То ўтиб кетмагунча, бемор ҳушига кела олмайди. Тиббиёт нуктаи назаридан бу ҳатто яхши, акс ҳолда bemornинг юраги оғриқни кўтара олмаган бўларди. – Махсум ерда ётган Ҳожарга кўз ташлаб олди. – Так что, факат умид қиласиз! Бўпти, мен борай. Эртага эрталаб хабар оламан. Кун бўйи оёқда турдим, агар бир оз дам олмасам, мендан ҳам ажралиб қоласизлар.

Тун аллакачон яримдан оқкан эди. Давланов Яшар ва Нодира га ҳеч нарса демай, оти қантарилиб турган жойга йўл олди. У чиқиб кетгандан сўнг ёлғиз қолган Яшар ва Нодиранинг бошида Махсумнинг аслида шунчаки, йўлига айтилган сўзлари айланарди: “Мендан ҳам ажралиб қоласизлар?!” Наҳотки?! Биз туфайли ўлаяптими бу аёл?! Ҳа-да! Бундан ортиғи бўладими! Бирорни ўлдириш учун юрагига ханжар санчиш ёки бошини тош билан мажақлаш шартми!

Нодира кафтлари билан юзини беркитди:

– Агар шундай бўлиб колса... ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Менинг ўша... сўзларимни эшитмаганида, ҳеч нарса бўлмасди. Кун бўйи кувончдан ўзини кўярга жой топа олмай юрганди, энди эса...

Яшар уни айблаб ўтирмади – бўлар иш бўлган, бўёғи кўчганди.

– Ишқилиб, тирик қолсин, – деди у Ҳожардан кўз узмай. – Ҳушига келганида мен уни ўзи истайдигандек атай бошлайман. Кейин... ўтмишимиз ҳақида ҳеч қанака ҳужжатларни ҳам изламайман – керак эмас! Нима бўлса, пешанамидан кўрдик. Керак бўлса, исм-шарифимни ҳам ўзгартираман – бир йўла барчасига чек қўйиш учун! – Яшар Нодирадан бир нафас кўз узмай тургач, билинар-билинмас табассум килди. – Сени эса бундан буён Зухра деб чақираман. Унинг қачон ўзига келиши номаълум бўлиб турган экан, энди ҳеч бўлмаса Давлановга (амманинг завжи ўзига ким бўлишини у ҳали билмасди) нималар бўлгани, нега... баъзи бир нарсаларга қўл урганимизни айтишимга тўғри келади. Ҳаммасини! Ҳеч нарсани яширмай!

– Ҳаммасини?! Менинг ҳақимда ҳамми?! – унга хавотирланиб қаради Нодира. – Керакмикин шу?

– Керак! Келиб чиккан вазиятга қарайдиган бўлсак, ҳатто зарур ҳам!

Нодира кафтлари билан яна юзини беркитди.

Хожарнинг бир неча соатгина аввал тарк этган яқинлари кўп ўтмай яна йиғилиб, яна сўров-суроштирувлар бошланди, аммо на Давланов, на Яшар, на Нодира қонкитирадиган жавоб бера олмасдилар. Ҳеч қўяверишмагач, Давланов унинг йикилиб тушганини хурсандчиликдан чукур ҳаяжонга тушиш билан изохлади, аммо буни ерга қараганча, шундай бир оҳангда айтдики, ҳеч ким ишонмади. Бир неча соат илгари – кундузги ахволдан фарқли ўлароқ, энди уларнинг биронтаси Яшар ва Нодирага парвона бўлмас, айланиб-ўргилишлар барҳам топган (ким билади, балки Махсум каби улар ҳам иккисини “шумоёққа” чиқаришгандир), ва аксинча, сезилар сезилмас ёвқарашлар бошланганди. Шундай бўлса-да, Нодиранинг хұшсиз ётган аёл ёнида ўтиришига монеълик килмоқка ҳеч кимнинг ҳадди сифмади.

Давланов ниҳоят пайтини топиб, ташкарида турган Яшарнинг рўпарасида тўхтади.

– Сиздан баъзи бир нарсаларни сўрамоқчи эдим, – деди у рангги ўчган ҳолда. Уни айникса жавобнинг қандай бўлиши кўркитарди. – Агар имкони бўлса, озгина изоҳ берсангиз – Раҳимов нега сизлар ҳакингизда бунақа ўйлаганди?! Бу гап қаердан чиқди??!

– Мен ҳам ҳайронман... балки бирга келганимиз учундир. Лекин сиз хавотирланманг, – деди Яшар Давлановни супа томон бошларкан. – Илтимос, мана бу ерга ўтиринг. Ҳеч нарса у ёки сизлар ўйлаётгандек эмас! Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман, акс ҳолда кўнгилларингиздан жой олган рутубат ҳеч қачон кўтариilmайди

Ундан кўз узмай турган Давланов ҳатто нафас олишга кўркарди.

– Факат тезрок, акс ҳолда, юрагим ёрилиб кетади. Ва сиздан ўтинаман... факат ростини айтинг!

Улар келгандан буён ўзини босиқ тутиб, туйғуларини сезидирмаётган бу одамнинг ҳозирги ахволини кўрган Яшар шошилмаса бўлмаслигини англади, аммо уни тезрок тинчлантириш учун гапни нимадан ва қандай бошлашни билмасди.

* * *

Аслида у бошқа бир йигит, мен эса бошқа бир қиз билан аҳду паймон қилгандик, лекин ҳар иккаламиз учун ҳам ушбу муносабатлар бахтсиз ниҳоя топди. Вазият шундай бўлиб

қолдикі, бу ерга мен бир үзім келсам, у Самарқандда колиб кетарди. Катта шаҳарларда ёлғиз қиз-жувонларнинг ҳоли не кечишини үзингиз билсангиз керак. Тұгри, хамма нарса одамнинг үзіга боғлиқ дейишади, лекин нима бўлганда ҳам мен бундай кила олмасдим, зоро, ӯша пайтлардаёк, хали ҳеч қандай исботи бўлмаса-да, ўртамиздаги муносабат – нисбатан “узоқ болалик” деб аталувчи баъзи бир даврларни ҳисобга олмагандა – ҳақиқий ака-сингилларнидан фарқ қилмасди ва нима учун бундайлиги... – Яшар бир оз сукут сақлаб тургач, ғамгин жилмайди, – мана энди маълум бўлди!

Хуллас, ӯқиши битириб, Нодиранинг бошида айнан шу ҳавф пайдо бўлганида, бирга кетишни таклиф килдим, у эса “оила қуришинг керак, қандай қилиб доимо ёнингда юриш имум мумкин, одамлар нима деб ӯйлади” каби баҳоналар билан бирданига рад этди. У, “одамлар” деб, ҳаётимда кейинроқ учраши мумкин бўлган... биронтасини назарда тутаётганди. Ваҳоланки, бу пайтда мен яна бирон қизни учратиб, унга үйланишимни тасаввур ҳам қила олмасдим. Бу энди имкони йўқ нарсадек туюларди. Ӯз навбатида, унинг ҳам яна биронтасига кўнгил қўйишига ишонмасдим – шу даражада қалбидан чукур жой олганди ӯша йигит.

“Ўзинг боравер, бир кунимни кўрарман, вақт топсанг ҳабар олиб турарсан... дўст сифатида” – деди у сўнг. Юраги тўлиб турганини үзим ҳам сезиб тургандим – шу сўзларни айтиб йиғлаб юборди, менинг ҳам қўзларимда ёш айланди.

“Ҳабар олиб турарсан!”

Бу айтишгагина осон эди – Самарқанд қайда-ю мен юборилаётган жой қайда! Агар йилда бир марта бунга имкон топганимда ҳам (бундан ортиғига ҳатто умид ҳам қилиб бўлмаслигини энди үзим кўриб турибман), шу давр ичидаги билан нима кечишини ким билади!

Мен унинг сўзларини дастак қилиб олдим: ха, дўст сифатида сени ёлғиз қолдириб кета олмайман. Ҳатто ҳазил қилдим: борган жойимизда гўё ака-сингиллар эканлигимиз ҳақида овоза киламиз, одамларнинг биздан бошқа иши йўқми, турли фамилиядаги туғишганлар камми, ким хужжатларимизни кўриб-таккослаб ўтирибди...

Шу ерда у иккиланиб қолди ва билдим – у ҳам мендан ажралишни чин дилдан истамайди, бу дунёда бошқа яқин одами қолмаганини тушунмоқда.

Хикоям йўналишидан англаётган бўлсангиз керак, Но-дирага мутлако бошқа жойга йўлланма берилганди ва табиийки, на мен, на ундан бу ҳақда сўраб ўтиришмаганди. Ҳужжатлар аллақачон тайёрлаб бўлингани, тегишли жойларда тасдиклангани, мабодо ўзгартириш имкони бўлганда ҳам, бу иш осон кечмаслигини билардик. Қолаверса, энг сўнгги пайтгача на мен, на Нодирада аниқ бир жойга ишга юборишлари ни сўраш, илтимос қилиш режаси бўлганди – бу ҳақда ҳатто ўйлаб кўрмагандик. Ўша кунлари бизда... нима десам бўлади... ҳамма нарсага бефарқлик пайдо бўлганди. Факат қайси бир куни, уни ҳар доимидек ғамгин ҳолда учратиб (назаримда, сўнгги пайтларда у нафақат кулиш, балки табассум қилишни ҳам унутиб қўйганди), ҳар томонга таркалиб кетганимиздан сўнг, балки бир умр бир-биримизни кўрмай бу дунёдан ўтиб кетишимизни ўйлаганимда юрагим шув этиб кетди.

Юз, минг, миллион истихола, хижолат ва озгина кўрқинч билан тақсимлов комиссиясига бориб, истагимизни айтдик. Комиссия аъзолари бу ҳақда эшишишни ҳам исташмай, аввал бизни ўзбошимчаликда айблашди, сўнг, кадрлар жуфт-жуфт бўлганча етаклашиб юргани эмас, балки, талаб қилинган жойга юбориш учун тайёрланади, дейишли киноя билан.

Уятдан ерга кириб кетгудек бўлиб, энди чиқиб кетаётган эдик, биттаси бизни тўхтатди.

– Коида бўйича, ягона сабаб туфайли бир жойга юборилишингиз мумкин, – деди у ҳар иккимизга бошдан-оёқ кўз ташлаб олгач. – Турмуш қурган бўлсаларинг! Лекин бу ҳақда ҳам бизга аввалдан маълумот киритилиши керак эди, оғизни очиб юрмай. Оила қурганмисизлар?.. Э! Йўқми?! Қизиқ... унда бунаканги илтимос билан келишга не ҳожат эди? Ёки... шунақа режа борми? Мана бу қизимиз ҳамма орзу қиласидан Самарқандек жойни қўйиб, сиз билан дунёнинг бир чеккасига кетмоқчими? Демак... бекорга эмасдир? – У бизнинг қизариб бўзаришимизни ўзича тушунди. – Улгурмадиларингми? Загсга ариза берганмисизлар ўзи?.. Йўқми?!

Хонадагиларнинг барчаси катнашган каттиқ кулгу босилгач, улардан бири – кексароғи нималарнидир ўйлаб турди-да, деди:

– Тўғри килгансизлар. Ўкиш пайтида тўй-загс килиб юрувчи талабаларни менинг ҳам жиним ёқтирамайди – бўлиш туришлари ташвиш! Ўзлаштиришлари ҳам шунга яраша.

Бир томондан ўйлаб қаралса, оқилона иш тутгансизлар. – У ҳамхоналарига юзланды. – Нима дейсизлар, ўртоқлар? Ёшларга ёрдам берамизми? Миннатдорчилик эвазига ҳеч бўлмаса... тўйларига айтишар! – Ҳамхоналар яна кулиб юборишиди, лекин бу кулгу соchlари кордек оқ ҳамкаслари фикрини маъкуллашаётгани ишораси эди. – Бўпти, – деди у шундан сўнг, – бир оз қийин кечади-ю, лекин ариза берганларинг хакида қофоз олиб келсаларингиз... иложини қилармиз. Эртагача улгуарсизлар?

Кўчага чикканимизда бир-биrimizning кўзимизга карай олмасдик. Сал ўзига келган Нодира оқсоч амакининг устидан кулған бўлиб (Ғалати одам экан, аммо унинг ўрнида бошқа бўлганида ҳам шундай ўйлаши табиий эди!), такдирга тан бериш, ҳаммаси жой-жойида қолиши кераклигини айтди, мен эса...

Бу таклиф менга унчалик ҳам бемаъни кўринмаганди, колаверса, бундан бошқа йўлни кўрмайтгандим. Хўп, нима килибди? Ҳеч нарсани англатмайдиган бир варак қофоз эканку! Тўғри, ўртада бир оз хижолатпазлик бўлади, лекин загсга ариза бериш оила куриш дегани эмас! Ўзимиз бировга айтмасак, ким билиб ўтирибди! Мен учун энг муҳими Нодирани нима килиб бўлса ҳам ёлғиз қолдирмаслик экан, ҳар кандай йўл маъқул эмасми?

Аммо бу ҳақда эшитишни ҳам истамаган Нодирани кўндиришнинг иложи бўлмади. Рости, бир-икки марта айтган кескин сўзларидан сўнг, ўзим ҳам қилаётган таклифим учун уялиб кетдим.

Бундан кейинги – анчайин таваккалона уринишими ни ҳам Нодира рад этди: “Қанақасига?! Бутунлай бошқа манзил ёзилган йўлланма билан ким мени ишга олади? Айтишдику, тақсим анча аввал қилинган сўровномаларга асосан амалга оширилади, деб! Демак, мана бу қофозда, – қўлидаги йўлланмага ишора қилди у, – кўрсатилган мактаб мени кутиб турибди, агар бормасам...”.

Англаётганингиздек, ҳеч нарсага қараб ўтирмай, мен билан бирга кетишни таклиф килгандим. Тўғри, бунинг учун иккала-миз аввал Термизга, сўнг Каршига боришими талаб қилинар, ундан сўнг палахмоннинг тошидек қаёкка улоқтиришса, ўша ёкка бориб тушишимиз керак бўларди. Қонун-коидадан чекингани учун Нодирани иш билан таъминламасликлари, ҳатто

ўзи айтганидек, тегишли идоралар уни жазолаши мумкинми? Гапнинг очиги, бу нарса мени кўп ташвишлантирмасди. Қолаверса, ўйлагандим мен, кўпларнинг орзуси бўлган Самарқандек жойни ташлаб, вилоятлардан бирига ўз ихтиёри билан кетаётган кишини – яна денг, киз болани! – турткилаб, жазолаб ўтирамай, аксинча, қадрлашлари керак-ку! Бу ҳақда хатто тақсимот комиссиясида шама килиб ўтишмадими!

Шуларинг барини айтиб, изоҳлаб, шархлаб бериш учун икки соатдан кўпроқ вақтим кетди, бу орада Нодира бир неча марта йифлаб олди, аммо эртаси куни эрталаб учрашганимизда...

Бу ёғига чиндан ҳам таваккал қилишимизга тўғри келди – Термизга борганимизда ҳам, Қаршида ҳам худди Самарқандда бўлгани каби ҳар иккимиз учун ортиқча бўлган гап-сузлардан қутулиш мақсадида Нодиранинг муаммосини ҳеч қаерда кўтармадик – бўлғуси иш фаолиятимга тегишли қоғозларни расмийлаштираётганимда у сабр-тоқат билан мени доимо ташкарида ёки кабулхонада кутиб турарди. Вилоятдан аввал Қамаши, сўнг бу ерга юбораётгандарнида, кўнглим тубида доимо сакланиб турган илинж бирдан куртак ёзди: наҳотки шундай чекка қишлоқда Нодира учун бирон иш топилмаса?

Рахимовнинг қабулига кирганимизда юрагим дук-дук уриб турарди: вазиятни қандай килиб унга тушунтирусан-у, ҳар иккимиз учун ҳам ижобий жавоб олсан! Аммо ҳеч кутилмаганда қоғозларимиз бир чеккада қолиб, у (кўпчилик каби Раҳимов ҳам ҳеч бир киши ўз ихтиёри билан бу ерга келишини тасаввур қила олмаган ва ҳар иккимизнинг йўлланмамиз айнан шу ерга эканлигига ишонган бўлса керак) кимлигимиз, нега бу даражада ўҳашашлигимиз билан қизикди, кейинроқ эса сиз ва аммам тасодифан эшитиб қолган саволни берди...

Яшарнинг бу жилмайиши ҳам аввалгилари сингари ғамгин эди.

– Билмадим, Нодиранинг йўлланмаси бу ёққа эмаслиги ни эрта-индин билиб қолса ўзини қандай тутаркин. Бугун у бизни шу ерга тезроқ жойлаштириб, эртага хужжатларимизни расмийлаштиrmокчи эди. Аммо кўриб туратганингиздек, энди мени ва Нодирани ишдан, бошимиздан ўтган барча кўргуликлардан, сизларни топганимиздан ҳам кўра кўпроқ амманинг ҳолати банд қилиб турибди.

Давлановни бировларнинг тақдирига бефарқ, худбин одам

деб аташга ҳеч кимнинг тили бормасди, аммо шу тобда Яшар ва Нодиранинг илк севгилари қандайдир – ҳозирча ўзига но-маълум – сабаблар туфайли баҳтсиз якун топгани уни мутлақо кайғуга солмади, эшитганларидан ҳатто хурсанд бўлиб кетди.

– Хайрият! – деди у Яшарни қаттиқ бағрига босиб. – Ел-камдан юқ ағдарилгандек бўлди. Яшаржон, – у илк бор йигитга номи билан мурожаат қилаётгани боис хижолатланаётгандек бир пас сукут саклади, сўнг бағридан бўшатмаган ҳолда, унинг кўзларига тикилди. – Ёки сени энди Ҳасан деб атайинми?

– Қандай исмда бўлишнинг нима фарқи бор – одам бу билан ўзгариб қолмайди-ку! – кулди Яшар. – Нодирани ҳам ўз исми билан атайверинглар. Мен ҳалигина унга “синглимсан” дедим.

– Майлими, шу сўзларингни бошқаларга...

– Мен ҳам барча билсин, деб айтаяпман. Айникса, аммам. Ҳозир биз учун энг муҳими шу! Ҳайронман, Нодиранинг менга айтган гапида ўшандан бошқа ҳеч қандай маъно йўқ эди-ку! У киши бўлса...

Давланов хўрсинди.

– Ҳа, шўрликнинг асаблари жойида эмас. Бунга... нима десам экан... хуллас, бунга жуда кўп бўлган... турмуш курганимиздан бўён, – деди у нигохини четга олиб. – Яшар уни тушунди. – Мен, сен ва бошқалар бир тарзда англаганларимиз унинг қулоғига бутунлай ўзгача чалиниши мумкин. Синглинг айтган сўзлардан чиқарган хулосаси ҳам шу каби бўлди.

Яшар унга илтижоли тикилди.

– Бирон ҳаракат қилмаймизми? Ўтираверамиزمи, шундай? Бу туришда...

Ҳозиргина эшитганларидан боши осмонга етгудек бўлиб турган Давланов бирдан мунғайиб қолди.

– Махсумнинг сўзларини эшитдинг, – деди синик товушда. – От ёки аравада марказга олиб бориш хавфли. Машина эса анқонинг уруғи – йилда бир-икки кўрамиз ёки шу ҳам йўқ. Агар иложи бўлганда, қараб ўтирармидик. Ҳамма умидимиз Оллоҳдан. Сабр киласиз. – У Яшарнинг ичига ботиб кетган кўзларига қаради. – Бир оз дам олсанг бўларди. Юр, жой килиб бераман.

Унинг сўзларига эътиroz билдириш мутлақо ноўрин эди, Яшарнинг эса кишлоқдаги шароит қандай эканлигини тушунмаслиги мумкин эмасди.

Тонггача ҳали узок, аммо чигирткалар тун бўйи қилган нолаларидан чарчаб, бирин-кетин унларини ўчира бошлаган, енгилгина шаббода юз-кўзни ёқимли сийпалаётганди.

Тўшаклар устига пала-партиш ташлаб қўйилган болишлардан бирига нокурайгина суюнган Яшар ухлаш ҳақида ўйламас, Давланов ўзи учун мухим маълумотни олиш учун кандай ҳаракат қилган бўлса, энди унинг қалбида ҳам шу каби истак бош кўтарганди, назарида, пароканда бўлган оиласи ўтмишини билиш учун хозиргидан кулайроқ вакт топилмасди. Умуман... чўзиб ўтиришнинг нима кераги бор?

– Демак, отамнинг дўсти бўлгансиз? – деди у бир пайт.

– Эртага гаплашсак-чи? Ахир, келганингдан буён...

– Отамни бу йўлдан кайтара олмадингизми? – ундан кўз узмасди Яшар. – Нимани истади ўзи? Шўро ҳукумати нимаси билан ёқмади? Дунёнинг бир чеккаси бўлган бу олис қишлоқда туриб қаердадир бошқача – бу ерга караганда яхшироқ, унга мос тушадиган ҳаёт борлигини қаёқдан ҳам била қолди? Афғонистонга кетган бўлса керак, дедингизми? Лекин менинг билишим бўйича, бизга яқин кўшни давлатлар ичida Афғонистондан-да қашшок, хурофотга ботган мамлакатнинг ўзи йўқ. Унинг нимаси отамни бунчалик ўзига мафтун этди? Ёки кимdir йўлдан урдими? Бу ерга келганим, шу гапларни эшитганимдан буён шуни ўйлайман. Агар шўро ҳукумати ёмон бўлганда... ҳамма кетиб қолмасмиди? Мана, сиз ҳеч қаёққа кетмабсиз-ку!

Уз тасаввuri, дунёқараши, етимхона ва университетда берилган таълим-тарбия натижаларига суюниб ушбу саволларни бераётган йигитдан бундан ортигини кутиб бўлмаслигини Давланов яхши тушуниб турарди.

– Биз аслида энг яқин дўстлардан ҳам яқин эдик, – эҳтиёткорона сўз бошлади у йигитнинг барча саволларини эсда тутишга ҳаракат килиб. – Отанг ҳам сендеқ кўнглига келгани, юраги буюрганидан қайтмайдиган йигит эди – худди сен ҳозир йўл тутаётганинг, худди бу ерга келишдан олдин қандай ишга кўл урганинг каби. Жуда ўхшайсан унга... нафақат ташки кўринишинг билан. Ҳа, биз яқин дўстлар эдик, лекин, билансанми, у мендан... йўқ, умуман ҳаммамиздан нимаси биландир барибир фарқ қиласарди. Исёнкоррокми-ей. Айтайлик, у одамларнинг ер-мулки мусодара қилинишини – бу иш ҳали бошланмаган, узунқулоқ гаплар юарди, холос – мулкка та-

жовуз деб қабул қилди, ваҳоланки шўро ҳукумати тузилган пайтлар кўпчиликнинг ўз ери йўқ бўлиб, кимнингдир қўлида чорикор, қарол бўлиб меҳнат қилиш билан кун кечирар, шу билан оила боқарди. Ўзинг айт, бундай одамларга нима фарки бор – бироннинг қўлида ишлади нима-ю, давлатнинг? Шунинг учун аксарият одамлар – фикримча, бу каби ҳолат нафакат бизда рўй берган – қаршилик кўрсатиш ҳакида ўйламади ҳам. Ҷуниг устига – саводсизлик, оз-моз саводи бўлганларнинг ҳам эски мактаб таълимидан зиёд нарса билмаслиги, асрлар бўйи чўзилиб келаётган сўзсиз мутелик... Балки, ўша пайтда шаҳарликлар дунё воқеаларидан хабардоррокликлари боис янги тузум моҳиятини таҳлил қилиб, таққослаб, бошқачароқ тушунчага эга бўлишгандир, аммо бу нарса бизда қайда эди дейсан!

Йўқ, ҳеч ким уни йўлдан ҳам урмади, акс ҳолда билган бўлардим. Агар кимдир уни – опалари, бошқа узок-яқинлар ҳам қай бир насиҳат беришгандир – бу йўлдан астойдил кайтаришга уринган бўлса ҳам бу... яна мен эдим. Лекин янги ҳукумат пайдо бўлганидан бошлаб уни ўзига душман деб билган отанг ҳеч кимга қулоқ солмади. Ким билади, балки бу ҳукумат ҳакида... у етиб келишдан илгари бизда пайдо бўлган турли гап-сўзлар ўз ишини қилгандир. Буниг устига... ха, унинг Бухоро мадрасаларининг бирида таълим олганини кеча келган одамлардан эшитдинг. Биласанми-йўқми... гарчи юртимизнинг шимолий ҳудудларида икки-уч йил илгари шўро ҳокимияти ўрнатилган бўлса-да, бизнинг кишлоқ... умуман, бутун вилоят ўша пайтларда амирлик тасарруфида эди. Хуллас, у сўнгги марта Бухорога борганда... янги ҳукумат томонидан шаҳарнинг қандай ишғол этилганини – менимча мутлақо тасодифан – ўз кўзи билан кўриб қайтди ва бу иш қандай даҳшатли тарзда амалга оширилганини менга сўзлаб берди. Ишониш кийин эди, лекин мен унинг сўзларига шубҳа қилмадим – отанг ичидан тўкиб чиқарадиган йигит эмасди. Билмадим, асосий туртки... балки шу бўлгандир.

У қайтиб келгач, тез орада бизда ҳам шўро вакиллари тартибларини ўрната бошлади, ўша кунданоқ улар ўртасида зиддиятлар бошланди...

Бошқа юртдошлари қатори ўша давр одами бўлган Давлатнов имкони борича сўз ва ибораларни танлаб, чертиб-чертиб

сўйлар, биронта аник шахс номини тилга олишга истихола қиласарди. Лекин энг яқин дўсти, бир умр у билан ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тортиб келаётган аёлининг акаси ўшалар туфайли бу балоларга мубтало бўлганини асло ёдидан чиқармас, ич-ичидан ўзини ҳам ўшалар сафига қўярди: нима фарки бор? Улар шу хукуматни ўрнатгани келган бўлса, мен уларга хизмат қилдим!

Уни фақат бир нарса юпатарди – бир ўзим эмасдим! Уларни рад этган санокли кишини ҳисобга олмагандан, ҳамма шу кўйига тушганди – бутун ҳалқ. Ҳалқни эса тўлалигича бирон нимада айблаш... Бунга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ! Мана, шу йигит, дўстимнинг ўғли, қизи шу хукумат, унинг тартиблари асосида ривожланган жамиятнинг тарбиясини олмадими? Олий маълумотли бўлмадими? Бошлирига тушган кулфатларми? Бунга ким айбдор? Малла, мен юрак-бағрим ўртаб доимо эслаб юрувчи ўша инсон ҳамма қатори юриб, вазиятга қўнинканда, буларнинг бошига тушган фожиа рўй берардими?

Дўсти нимага эришди ўзи? Бирон нимани ўзгартира олдими? Бирдан бир “эришгани” – жондан азиз болаларини мана бу ахволга солиб қўйгани! Уни, унинг болалари деб куйиб адо бўлган синглисини бугун ажал остонасига олиб бориб қўйгани...

Лекин Давланов ҳозир ўйлаётганларини сухбатдошига айта олмасди. Шундай килиши керакки – сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Нима бўлганда ҳам бу йигит ўша Малланинг ўғли! Агар отасининг феъл-атвори ўтган бўлса – қон нималарга қодир эмас! – ундан ҳар нимани кутиш мумкин! Тағин буниси ҳам ҳунар кўрсатиб юрмасин. Албатта, у оиласи фожиасига айнан кимлар сабаб бўлганини билмайди. Акс ҳолда – мисол учун, ўлим тўшагида ётган бўлса-да, Ҳайитов ҳали тирик! – худо билади, қандай йўл тутади. Ҳозирча бунда бўлаётган воқеалардан боши гаранг бўлиб, кўп нарсаларни идрок кила олмай турибди. Балки, шу кунга қадар, ота-онам ўлган ёки – ундан-да ёмони! – ўзлари етимхонага топширган деган хаёлда ёмон куриб ҳам юргандир? Шундай бўлгач, корнини тўқ, эгнини бут қилган, тарбиялаганларни ҳимоя қилмай, кимни ҳимоя қилсин! Ҳа-да! Ҳалигина айтмадими, отамга бу хукуматнинг нимаси ёқмади, деб!

Агар ҳозир бир вактлар отаси менга айтган гапларни энди ўғлига қайтариб ўтирам, фирт бемаънилик бўлади. Нафакат ҳозир – бошқа пайт ҳам!

— Отам қандай қилиб Бухородек жойга бориб үқиш учун имкон топганди? Нима, ота-боболарим... бой бўлишганми? — билинар-билинмас жилмайди Яшар.

Давланов ҳам қулиб қўйди.

— Жуда ҳам бой деб бўлмас-у, ҳар ҳолда, бобонгнинг қурби етариши шунга. Аввал иккимиз... қишлоғимиздаги яна бир неча бола ҳам... масжидимиз қошидаги мактабда таълим олгандик. Кейин бобонгнинг истаги билан у Бухорога — мадрасада таълим олиш учун жўнаб кетди. Менинг эса... хуллас, моддий ахволимиз бунга йўл қўймасди. Отанг тахминан уч-тўрт йил ўтгач уйга қайтишга мажбур бўлди — онаси... яъни, сенинг момонг... тўсатдан оғир касалга чалиниб қолганди. Кейинчалик уйланди, сен ва синглинг туғилди, кейин... кейин у сизларни олиб... кетди!

— Наҳотки бошқа йўл йўқ эди? — сўради Яшар ўрнидан кўзғалиб қўяркан. — Ҳатто бизнинг гўдаклигимиз ҳам уни тўхтата олмадими? Илтимос, менга сўзлаб берсангиз, нима бўлганди ўшанда? Ёдингиздами?

Давланов кўзларини олис-олисларга тикди: нима бўлганини қачон бўлмасин унута олармикин?

Ўн еттинчи боб

— Яқинларимизнинг астойдил норозилик билдиришлари га қарамай, отангнинг талаби билан (бу сұхбат иккимизнинг ўртамиизда алоҳида, ҳеч кимнинг аралашувисиз бўлиб ўтганди) амманг ва менинг тўйимга янги ҳукумат вакилларини айтмадик, ваҳоланки, уларни бу тарзда ажратиб қўйиш ҳам урфодат, ҳам одамгарчиликка зид эди.

Орадан ҳафта ўтди шекилли... қишлоқда миш-миш тарқалди: гўё тахтидан айрилган Бухоро амири Афғонистонга ўтиб кетиши олдидан Лангар-Отадаги азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш учун ўзига яқин бир неча одамлари билан — оддий либосда, хуфиёна! — келиб, хонақоҳ ёпиб қўйилгани боис, амалларини ташқарида бажарибди. Балки шунинг учун, балки тун бўлганидан масжид ва хонақоҳ ичидағи аскарлар сезишмаган. Айрим гап-сўзларга қараганда, хирқаи муборакни ҳам олиб кетмоққа чоғланибди: коғирлар қўлига тушиб, оёқости бўлишига йўл қўймайман, дебди гўё. Лекин энг сўнгги пайтда, ҳамроҳларидан бири, ўз фикрини айтишга ҳадди сиғувчи

уламолардан бири эътиroz билдириб, хирқай муборакнинг доимо Лангар-Отада сакланиши ҳатто ҳадиси шарифларда буюрилганини эслатибди. – Давланов хижолатомуз илжайди. – У ҳозир ҳам кишлогимиздаги бир хонадонда, лекин кишида қандайдир... шубҳа уйғотади Гапнинг очиги, үзим кўрмаганман. Майли, чалғимайлик, бу унчалик муҳим эмас...

Бухородан чиққанида қандайдир бойликларни ўзи билан олган шекилли, бунинг ҳидини олган бир тўда қизил аскарлар – балки бу ўз ташаббуслари билан бўлгандир – ортидан тушган экан. Амир ва ҳамроҳлари олис йўлдан деярли дам олмай келаётганлари, жуда чарчаганлари туфайли кутулиш имкони кун сайин камайиб бораверибди. Шунда уни кузатиб келаётганлардан бири... кейинчалик отангдан эшитишимча, у амир тахтдан ағдарилганга қадар вилоятимизнинг оғалиғи бўлган экан, бу лавозим ҳозирги ҳукумат тизимида мавжуд эмас... Қапчиғай тепасида тўхтаганларида – йўлда келаётганингда чукур жарликка кўзинг тушгандир? – амирга сафарни давом эттиришни маслаҳат солиб, ўзи бир тўда куролланган йигитлар билан аскарларни шу ерда тўхтатиб туришини, сўнгги томчи қони қолгунча жанг қилишини айтибди.

Билмадим, бу хабарни отанг қаердан, кимдан эшигтан, лекин ўша кеч мен билан учрашиб, Қапчиғайга боришини, оғалиқ йигитлари сафига кўшилишини айтиди. Мен, табиийки, кўркиб кетдим ва йўлдан қайтармоқчи бўлдим: “Нима қиласан у ерда – кўлингда ҳатто куролинг йўқ-ку! Қолаверса, сенга бир бало бўлса ёки бундан ғанимларинг хабар топса, хотининг, мурғак болаларинг, яқинларинг ҳоли не кечади?”

“Барibir, булар билан чиқиша олмайман, – кўл силтади у, – ўзинг биласан, Ҳайитов мени қамокқа олишга шайлануб юрибди. Эшигдим, амир Афғонистонга ўтиб, у ерда куч тўплагандан сўнг, юртимизни коғирлардан тозалаш учун яна қайтиб келаркан. Мен ҳам уларнинг сафида бўлишим керак”.

Яшар ўрнидан кўзғалиб кўйди:

– Ҳайитов дедингизми? Ким эди у?

Ҳикоя қилишга берилиб кетган Давланов қанча эҳтиёт бўлмасин, шу тобда ҳеч кераксиз номни айтиб юборганини сезмай қолганди.

– Ҳайитов?! – тутилиб қолди у. – Биласанми... ҳозир у йўқ... уч-тўрт йил бурун ўлди... касал бўлиб! – Ҳали коронғу бўлганидан Яшар Давлановнинг қизарив кетганини кўрмади. –

Илтимос, ҳар хил саволлар билан мени чалғитма. Орадан анча йил үтди, нафакат у – ўша пайтда бўлган одамларнинг ҳам хозир кўпчилиги йўқ. Яхшиси, қолганини эшит...

Бу сафар ҳам айтганидан колмаган отангдан икки кун даррак бўлмади ва шу икки кун ичидан биз Капчиғай тарафдан туну кун ўқ овозларини эшитиб турдик. Кишлокда вахима бошланди.

Масжид ва хонакоҳда жойлашган аскарлар, шу жумладан, хозиргина айтганим Ҳайитов ҳам ўша ёкка кетганди. Мен ўзимни кўярга жой топа олмаганим каби, онанг ҳам бир нимани юраги сезган шекилли, бир пайт йиғлаганча бизниги югуриб кирди: “Айтинг, у... ўша ёқдами?” – савол акс этарди унинг қўркув тўла нигоҳида.

Хожарнинг ҳам ахволи унивидан яхши эмасди. Иккаласи ҳам менинг оғзимдан гап чикишини пойлар, қаердалигини албатта билади, деб ўйлашар ва адашмаётгандилар.

Мен сир бой бермай, ўзим ҳайрон қолаётганимни айтдим, ўша пайтда ўзим тасаллига муҳтоҷ бўлишимга қарамай, иккисини юпатдим.

Хеч кимнинг уйдан кўчага чиқишга юраги бетламасди. Учинчи кун тонгда ўқ овозлари тинди. Энди мен учун факат худога илтижо килиш қолганди – ишқилиб тирик бўлсин!

Чиллалик бўлишимиз ва айнан шу сабаб ота-онамнинг кўрсатган каршиликларига қарамай, аммангни олиб уйларингга чиқдим – сизлар ичкарида бор овозда йиғляпсизлар, рангида қони йўқ онанг эса ҳовли ўртасида турибди.

Хожар сизларни овутиш учун кириб кетгандан сўнг кўча тарафдан отларнинг дупур-дупури эшитилиб, сал ўтмай, очик колган дарвозада Ҳайитов ва Ҳўжамурод пайдо бўлди...

Гарчи нимқоронғуда сұхбатдошининг юзи, унда пайдо бўлган ўзгаришни кўрмаса ҳам, йигитнинг саволомуз караб турганини ҳис этган Давланов ўзи тилга олган навбатдаги исмнинг кимга тегишли эканлигини яшириб ўтиришни лозим топмади.

– Ҳўжамурод... қишлоғимиздан чиқкан милиционер эди. Ҳозир ҳам хизматда. Ёмон одам эмас. Балки тез орада кўрарсан ҳам.

Хуллас, иккисининг ҳам қўлида қамчи, елкасида бешоттар милтиқ, эгни-бошлари йиртилган, юз-кўзини чанг босган, важоҳатларидан қўрқудек – айниқса Ҳайитовнинг. Чап

қўлининг тирсагидан сизган қон енгигача етиб бориб, ўша ерда қотиб қолганди, Хўжамуроднинг оксаётганини эса ерга сакраб тушганидаёқ сезгандим.

– Қани?! – ўшқирди бизга жуда яқин келган Ҳайитов. – Қани у муттаҳам?! – нафаси юзимга урилганча бақирди яна.

Онанг қалкиб кетди. Иккаламиз ҳам савол маъносини англаб турадик, шундай бўлса ҳам:

– Ким?! – сўради онанг товуши қалтираганча.

– Сенинг аглаҳ эринг! – қичкирди бирон марта кўрмаган бўлса-да, унинг ким эканлигини тахмин қилган Ҳайитов. – Қайтиб келмадими ҳали?!

Мен енгил нафас олдим – демак, тирик! Акс ҳолда сўрамасди!

– Қаердан?! – сўради онанг товуши қалтираб.

– Билмасмидинг?! – истехзо қилди Ҳайитов. – Наҳотки?!

Шу пайт шовқин-суронни эшитиб, сизлар ётган хонадан мўралаган Ҳожар уларни кўриб, бирдан ўзини ичкарига олди. Сезиб турдим – Ҳайитов унга кўзи тушгач, бир хаёл билан уйичларини ҳам кўздан кечиришга чоғланди, аммо отангнинг йўқлигига амин бўлганидан, вақтни беҳуда ўтказмасликни лозим топди.

– Шу ерда қоласан! – деди у бир пайт Хўжамуродга ўтирилиб. – Милтикни шай тут! Қочмоқчи ёки ҳужум кильмоқчи бўлса – тўғри нишонга олавер! Қишлоқдошим деб, юз-хотир қилиб ўтирма! Қўлдан чикарсанг, трибунал-прибунал деб ўтирмай, ўзим пешанангдан дарча очиб қўяман! Тушунарлими?

Хўжамуроднинг новдадек, бир оз эгик қадди тик бўлди.

– Худди шундай!

Орқаворатдан эшитиб юрардим: Хўжамурод бўшанг бўлгани, ёки хизматга тавсия қилиб, тилини қисик қилиб қўйгани учунми, Ҳайитов уни одам ўрнида кўрмас, ҳатто – узунқулоқ гапларга қараганда, албатта – сал айби учун... калтаклар ҳам экан!

Ховлида аёл киши борлигига қарамай, Ҳайитовнинг оғзидан боди кириб-шоди чиқар, лекин имоним комил, ушбу сўкинишларни онанг ҳатто эшитмади – унинг фикри-хаёли факат отангда эди.

Ҳайитов чиқиб кетди. Энг яқин дўстим, қайноғам, унга очиқдан-очик қарши турган одам ва душманининг уйида кўриб

ҳам менга бир оғиз гапирмади, сурокка тутмади, зеро, у отангнинг қай даражада кайсар эканлиги, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмаслигини эшитиб юрганди. – Давланов хижолатланганча бир оз чайналиб турди. – Балки, мени яқин орада очилиши кутилаётган янги усулдаги мактабга тавсия қилиб қўйганидан шундай йўл тутгандир – билмадим. Ҳар ҳолда у жуда пухта, ўхтиёткор, узокни кўзлаб иш киладиган одам эди.

Биз Ҳўжамурод билан ёлғиз қолдик.

– Ҳўжайним ўша ёқдамиди? – ранги ўчган ҳолда унга юзланди онанг. – Нима бўлди у ерда? Ким ўқ отди? – Ҳўжамуроднинг юзига жиддийлик ифодаси бериб, ўзича сир сакламоқчи бўлгани ҳам уни тўхтата олмади. – Уйимиз томон қочдими?

Ҳўжамурод ўзини қаерга қўйиши билмасди.

– Йўқ, кир томон, – деди у бир пайт секин, сўнг товушини кўтарди. – Янга, илтимос, мендан ҳеч нарса сўраманг! Ҳайитовнинг нималар деганини эшилдингиз! Сиз ҳозир уйингизга чиқасизми? – деди кейин менга қараб. – Унда ташқарида тура қолай, ҳар ҳолда, янгамнинг бир ўзи. – У бир оз юргач, тўхтади ва яна менга ўгирилди. – Малла ака бу ерга келмаса яхши бўларди.

Уни бирон нима деб қўллаб-куватлаш керак эди:

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – дедим унга дўстона кўз ташлаб.

Бир неча кун олдин отангдан Ҳўжамурод хақида илик сўзлар эшигганим боис, ҳеч қачон унга ўқ узмаслигини яхши билардим – агар шу ўтган кунлар ва отангнинг ўша қилмиши илгариги муносабатини кескин ўзгартириб юбормаган бўлса.

Унинг дарвоза тагида кечаю кундуз қўлида бешотар билан турганидан чўчиб қолган қишлоқдошлар узокрокдан юрадиган бўлди. Орадан бир кун ўтиб ҳам отангдан дарак бўлмади. Ҳайитовнинг негадир кўринмаслиги, Ҳўжамуродни алмаштириб, унга дам бергани бошқа аскарлар келмаётгани сабабини эса кейинроқ билдим.

Иккинчи куни унга раҳмим келди: оқшом тушганда Ҳожар ва бошқа уй ичидагиларни ҳайрон қолдириб, яримта нон, бир чойнак чой олиб чиқдим. Бутунлай қоронғу тушганда эса ҳеч ким, ҳатто Ҳожарга ҳам айтмай, қозоннинг тагида қолган гўштсиз паловни лаганга сузиб...

Бу сафар у бирдан кетиб қолишимга йўл қўймади:

— Эшмамат ака! — овоз берди у ортимдан. — Тўхтанг! —
Ўгирилдим. — Сиз Малла акани топишингиз керак!

Лол бўлиб қолгандим: нима демоқчи? Нега энди мен топишим керак? Қизик-ку...

— Бу атрофда нима кўп — кир кўп. Мингта Малла яшириниб ётганда ҳам, топиш қийин бўлади-ёв, — дедим ниятини тушуна олмаганимдан ҳар эҳтимолга карши ҳазилга мойил қилиб. — Келиб қолар, кутиб тур-чи.

Бирок сўз оҳангим унга ёқмади:

— Мутойибанинг пайти эмас, Эшмамат ака! — деди у. —
Масжид ва хонақоҳда ётган барча аскарлар отишмада ҳалок
бўлишди! (Мана нима учун унинг ортидан ҳеч ким келмаёт-
ган экан!) Бир ўзим қолганман. Лекин бир-икки кун ичida
кўшимча кучлар етиб келиши мумкин. Агар уйга келса, Малла
акани тутиб олишади... бошқа жойда яшириниб ётса ҳам.

Уни тушунгандан бўлсан-да:

— Хуш? — дедим сир бой бермай.

— Малла ака энди бу ерда яшай олмайди. Янгам Шеробод
деган тарафлардан эканини биламан, эшитганман. Оиласини
олиб, ўша ёқларга кетсин!

Мен ҳам энди у каби очиқчасига ўтдим:

— Топганимда ҳам, бу ерга... болаларини олиб кетгани ке-
лиши керак-ку! Сенга эса қандай топшириқ берилганини...

— Мен билан ишингиз бўлмасин! — деди у сўзимни бўлиб.
Унинг биринчи марта менга шунаقا тик гапириши эди. — Мал-
ла акани қандай бўлмасин, қаердан бўлмасин топиб, янгам ва
болаларини етказишингиз керак. — Гўё ҳамма нарсани олдин-
дан ўйлаб қўйгандек сўзларди у. Энг охирги сўзларини эса
четга қараганча айтди. — Умид қиласанки... ўртамиизда бўлиб
ўтган бу сухбатни Малла акадан бошқа ҳеч ким эшитмайди.

Индамадим, ҳеч ким эшитмаслигига ваъда ҳам бермадим:
у буюраётган ва огоҳлантираётган, мен эса айтганини бажа-
ришим керак эди — вассалом! Фақат йўл-йўлакай ўйладим:
“Малла тўғри айтган экан — жуда ўзгарибди. Яна бир-икки
йил ишласа, Ҳайитов уни эмас, у Ҳайитовни калтаклайдиган
бўлади...”

Тунда отангни ахтариб йўлга чиқиши бефойда эди. Энди-
на бўзариб келаётган тонг ғира-ширасида ташқарига чиқсан,
сал нарида тик турган Ҳўжамурод мени пайкаб, шартта ортига
ўгирилди ва норози фудранди: пайсалга солаётганим учун жаҳл
қилгандир балки, ҳатто... сўкингандир.

Күчанинг ўртасида туриб қолдим: энди қаёкка борай? Хўжамурод қирга қараб кочди дегандими? Лекин уни ўша ерда оёқ-қўлидан боғлаб қўйишмагандир – бошка ёққа кетган бўлса нима киламан?

Бирон қарор қабул қила олмай, бир жойда тураверганимданми, ҳеч кутмаганимда отим “ташаббусни” ўз қўлига олди ва тўппа-тўғри даламиз томон йўртиб кета бошлади. Ўрганиб колганми, ёки, соғиндими ўша жойларни? Ахир, тўйимиз ўтганидан бери, бирон марта ҳам бормагандим-да! Ишларимиз ҳам ўлда-жўлда қолиб кетганди.

Таваккал килиб, жиловини эркин қўйгандим, у эса мени ҳайрон қолдирганча, энди югуриб кета бошлади: ҳа, соғи-ниби!

Далага яқинлашиб қолганимда тўсатдан кишинаб юборди ва қулоқларимга ишонмадим – қандайдир бир от унга шу заҳотиёқ жавоб қайтарганди! Ким бу пайтда бизнинг далада бўлиши мумкин? Куни кеча бўлиб ўтган отишмалардан сўнг ким журъат қилди бу кенгликларда юришга?

Эсимда йўқ сўнгги бор қачон йиғлаганим, аммо шу тобда ўзимни тутиб туришга менда ирода қолмаганди – уни бўйнидан кучган заҳоти хўнграб юбордим.

Отангнинг кечаги Ҳайитов ва Хўжамуроддан сира фарқи йўқ эди – қачонлардир ок бўлган яктаги кирдан яғир бўлиб кетган, ёқавайрон, ўзи бир аҳволда.

У жилмайганча мени юпатишга киришди:

– Бўлди, бўлди, бас қил – бирор кўрса нима дейди! Қандай билдинг шу ердалигимни? Нима?! От... дейсанми? Тушунмадим, ҳиқилламай гапирсанг-чи! Ҳа, майли, бунинг ҳозир аҳамияти йўқ. Мени излашаётгандир?

Мени эса тўқнашувдан қандай омон чиққани кўпроқ қизиқтираётганди.

Уни оғалиқнинг ўзи кутиб олиб, нима учун келгани билан қизиқибди, турли хил синовчан, илмоқли саволлар берибди. Жавобларидан кониққац, қўлига милтиқ тутказибди ва отишга унчалик эпи йўқлигини кўриб, йигитларидан бирига – то қизил аскарлар стиб келгунча – у билан машқ олиб боришни буюрибди.

– Ажойиб одам экан – ана уни ҳақиқий юрт жонкуяри деса бўлади! Афсус, ҳалок бўлди, – деди отанг учрашганимиздан буён илк бор кўзи намланиб. – Қизиллар билан отишма бош-

ланиб кетгач, бир пайт ортимиздан ҳам ўқ узилаётганини се-зеб қолдик – аблах Ҳайитов одамлари билан етиб келган экан. Қуршовга тушиб қолғандик, икки тарафлама жанг қилишга тұғри келди. Күчлар teng әмасди – аста-секин кир тепасига чекинишдан бошка йүл қолмади бизга. Тунни ўша ерда ўтказдик, тонг отиб, кун ёришгач эса – яна жанг! Нафакат бизникилар, қызил аскарлар-да бириң-кетин ер тишлар, факт менгагина ўқ тегмасди. Нега бундай бұлганига ҳозиргача аклим лол.

Ҳайитовнинг одамлари ҳам тутдек тұқилди. Тепадан қараб турардим: эгасиз қолған отлар күзлари дахшатдан олайиб, қаёкка бориши билмай кишинаганча тұрт томонга югуришар, ўқ текканлари эса – бири майиб бұлганидан тура олмаётган бұлса, бошқаси жон аччиғида – ётган жойида типиричиларди. Ҳеч ким тирик қолмади деб турганимда, бир пайт юқорига – мен томонга кимнингдир ўрлаётганини сезиб қолдим. Қарасам... Ҳайитов! Ортидан – Хұжамурод! Якин қолишганида улар ҳам мени таниб, кутилмаган учрашувдан хайрон бўлганича, бир зум тек котишли.

– А-ха! – кичқирди Ҳайитов бир пайт ўзига келиб. – Сен ҳам шу ерда әдингми? Энди қўлга тушдинг-ку, ярамас унсур!

Аблах бўлса ҳам, тан олиш керакки, жасур одам экан – қўлимда милтиқ борлиги, ҳар сонияда асфаласофилинга жўнатишмидан кўрқмай, юқорига дадил интила бошлади. Унга эргашган Хұжамурод оёғини судраб, аранг босар, назаримда ўқ еган эди.

Албатта, аввал Ҳайитовни нишонга олдим ва тепкини босдим...

Ҳайҳот! Қўлимдаги бешотар чирс этди, холос – ўқ тугаган экан!

Ҳайитов буни кўриб, хунук тиржайди, қўлида қуроли бўлишига қарамай, отмади. Билиб турибман – нияти тириклийин қўлга олиш. Үрнимдан сакраб туриб, тепага ўрлай бошлаганимда, ортимдан янграган “Тұхта!” – деган товуш дара бўйлаб акс-садо берди. Мен, табиийки, тұхтамай, арчалар орасига кириб кета бошладим. У бошка иложи қолмайтганини сезди шекилли, ортимдан кетма-кет ўқ узди ва кўриб турганингдек, улар ҳам менга тегмади. Аксинча, шундок ёнгинамдаги арчанинг бир неча шаббаси яшин ургандек чирс-чирс узилиб, ерга тушди.

У тоғу тошда мен каби чаққон ҳаракат қила олмас, Хұжа-

мурод эса ярадор эди. Анча юқорига – кирнинг энг тепасига чикиб олгандан сўнг буталар орасидан мўралаганимда, иккаласининг отларга миниб, ортларига карай-қарай, кишлоқ тараф кетишаётганини кўрдим ва бирон соатлар чамаси ўша ерда тургач, пастга тушиб, тўзиб юрган отлар орасидан ўзимникини топдим, тўғрироғи, ўзи ёнимга югуриб келди.

Отанг шу ерда тўхтади:

– Хуллас, шунаقا гаплар. Айтганча... бирон егулик олиб келмадингми? – сўради у бир пайт хижолатомуз илжайиб.

Вужудидан доимо куч ёғилиб турувчи отанг шу ўтган икки-уч кун орасида соб бўлганди.

– Хозир келтираман! – сакраб ўрнимдан турдим шу оддий нарса эсимга тушмаганидан ўзимни ич-ичимдан сўкиб.

– Керак эмас, – тўхтатди у мени, – ха деб катнайверсанг сезиб қолишлари мумкин. Гулбаҳор нима бўлганидан хабардорми?

Отанг сўзларимнинг бошидан охиригача жим ўтириб, бир марта ҳам бўлмай тинглади, факат мачитда аскарлар қолмагани, кишлоқда Ҳайитов ва Ҳўжамуроддан бошқа янги хукумат вакилларидан ҳеч ким йўклигини эшитгач, бир зум ўйлаб турди-да, деди:

– Милтиғим ўққа тўла, ҳатто ортиғи билан йиғиб олганман. – У бир неча сонияга жим қолди. – Ўликларни титиш жуда қўрқинчли экан... ҳеч ўйламаган эдим бунаقا ишларга кўл ураман деб. Ҳўжамуродга тегмайман, аммо... кетар балосига ўшани бир нима қилиб кетайнми? Нима дединг?

– Эртага ўрнига бошқаси келади, – дедим мен у кимни назарда тутаётганини бирдан пайқаб. – Барибир, ҳаммасига бас кела олмайсан. Амирнинг кетидан қувиб канча аскар келганини ўзинг айтдинг. Шундай кудратли одамни қувлаб юришибдими, сен ким бўлибсан.

Учрашув пайтини келишганимиздан сўнг уйга қайтиб, кун бўйи ўзимни қаерга кўйишни билмай юрдим, факат қоронғу тушгандагина қулагай фурсат топгач, қаёкка боришимиз кераклигини онангга айтдим.

Ҳўжамуроднинг бизни “пайкамаслигига” кафолат бўлишига қарамай, алоҳида-алоҳида – ўртада масофа саклаб кетишга қарор қилдик. Бу ерда биз учун энг қийини уйимдагилар, айникса Ҳожарнинг – унинг йиғи-сиги кўтаришидан жуда хавфсиардик – пайқаб қолмаслиги бўлди. Онанг учун

иккалангиз оғирлик қилишингизни хисобга олиб, сени ўзим кутариб олдим ва... балки ишонмассан... иссикқина тафтинг шу пайтгача вужудимда сакланиб турибди!

Коронғу бұлганидан қандай күришганлари назаримдан четда қолди, факат бир неча сониялардан сұнг онанг ҳұнграб юборди, сал үтмай унга сизлар қүшилдиларинг.

Отанг менинг тезрок уйга қайтишимни хоҳлаб, видолашувни чүзіб үтиrmади. Аммо сұнгги пайт мени бир нарса тұхтатиб қолганди: қандай қилиб битта отда ҳам иккаласи, ҳам сизлар жойлашишингиз, олис сафарга йүл олишишингиз мүмкін?! Нега бу ҳақда на мен, на у үйладик!

Шу зақоти ўзимниkiни таклиф килгандым, отанг мийифида күлди:

– Келгунларингча бекор үтиrmайн деб... тұкнашув жойидан... битта ювошини тутиб келувдим. Ана, боғлаб қўйибман. – Илгари факат иккимизники боғлик турадиган жойдаги бегона отни үшандагина пайқадим. – У бұлмаганда ҳам сеникини олмасдим, – деди отанг, – тұsatдан ғойиб бўлиб қолганини билиб қолишиша, сендан шубҳа килишлари мүмкін.

Сұнгги бор бир-биrimизни бағримизга босаётганимида, сұрашдан барибир ўзимни тұхтата олмадим:

– Қаёкка борасизлар? Хотининг томонларгами? Лекин... унинг ҳеч кими йўқ, дегандинг-ку.

Эр-хотин бир-бирига караб олишди, сұнг отанг күлди:

– Шундай дегандимми? Хўп, нима бўлибди? Дунё бизнинг қишлоғу Шерободдан иборат эмас – бошпана топилиб колар!

– Қайтиб келарсан?

– Билмадим, – деди у бир зум тараддулданиб колгач. – Бу ёғи энди пешанадан!

...Давланов миҷжаларини артди.

– Отанг иккаламиз ўртамиздаги энг сұнгги сұхбат бўлди бу ва уни қайта күриш менга насиб этмади.

– Кейин нима бўлди экан? – сўради кўнглида бир-бирига қарама-карши турли хил туғёнлар авж олаётган йигит. Унинг намланган кўзлари ялтираб турарди. – Наҳотки ҳеч ким билмаса?

Давланов оғир хўрсинди:

– Кошки эди билганларида!

Ўн саккизинчи боб

Хеч кимнинг назарига тушиб қолмаслик учун тун бўйи йўл юриш, имкони борича Лангардан узоклашиш зарур эди. Фақат ўзлари бўлганида-ку, тонг отгунча бунинг имкони бўларди, аммо қўлдаги болалар...

Туғилганларидан буён юмшоқ тўшак, ота-оналарининг иссиқ бағриларидан бошқа нарсани кўрмаган гўдаклар учун ўнқир-чўнқир йўл, отнинг бир маромда бўлса-да лўкиллашига кўниши жуда кийин бўлди. Бири қўйиб-бири йиглаётган болаларни ҳар сафар қайта эмизиб, сўнг ухлатмагунларича йўлга тушиб бўлмасди.

Уйланунга қадар бу йўлдан бир неча марта қатнаган Малла Шерободга етиш учун кам деганда бир кун юриш кераклигини яхши билса, Гулбаҳор уни бор-йўги бир марта – қочиб келаётганида кўрганди. Шундан сўнг уйига қайтиб бормади. Нима қилсин – вазият, қолаверса, улар биргалашиб тўкиган ёлғон шуни тақозо қиларди!

* * *

У Маллани кишлокларидаги катта бир бой навбатдаги ўғли туғилгани муносабати билан берган кўпкаридан сўнг уйларида қўноқ бўлган куни кўрганди.

Уч кундан сўнг ғолибларга катта мукофот берилиши ҳакида гап-сўзлар бўлиб турган яна бир кўпкари кутилаётгани боис Малла уйига қайтиб ўтирамади – бориб келгунча от ҳориб қолади. Ҳозир ҳам оппоқ кўпигига ботиб турибди, тўлиқ дам олиши учун эса камида уч кун керак.

Дашт шароити, ёт кўзларнинг камлиги, доимо қўй-эчкилар орасида ҳаёт кечириш, куви уриш, кигиз ётқизиш, таппи ёпиш каби енг шимариб бажарилувчи юмушлар нафакат катта ёшдаги аёллар, балки буй қизларга ҳам таъсирини кўрсатган бўлиб, бегона эркаклардан кўпам қочиб ўтирамасдилар. Бу нарса оиласидаги эркак зотига мансуб барча – ота, эр, ака-укалар томонидан ҳам оддий воеа деб қабул қилинарди.

Нонуштага қўй сутидан қилинган қатик, бир пиёла қаймок олиб келган Гулбаҳорнинг ўзига қадалмиш нигоҳини пайқаган Малла билинар-билинмас табассум билан жавоб қайтарди – чиройликкина нарса экан! Офтобда куйган юzlари кулчадек, ўзи ҳам тикмачоқдеккина. Ким у? Йўлдош аканинг синглисими? Нега илгари қўринмаганди?

Шу уч кун орасида нигоҳлари неча марта тўқнашгани бўйича ҳисоб-китобини йўқотган Малланинг юрагига ғулғула тушди, аммо одоб саклаши керак эди. Бунинг устига, барча бўй кизларнинг одати шу эмасми! Кўз узмаяпти экан, деб ортидан югуриш керакми? Мехмондўст хонадон эгаларининг юзига оёқ қўйиб-а? Кишлоғида ҳам бунака термулишларнинг нечасини кўрмаган – дам девор оша, дам отини суғоргани борган пайтлари булоқ ёки дарё бўйида?

Орадан бир ой ўтгач, қишлоқдаги чавандоз йигитлардан Шерободга якин бир жойда кўпкари бўлишини эшишиб, яна шу томонга от йўрттирганда, ўзиям аниқ билмасди: кўпкари деб борајптими, ёки...

Дўндиққина, юзлари кулчадек эканлиги тўғри, лекин қишлоғида ҳам шунака кизлар кўп-ку! Ҳатто ундан-да сулувроклари! Нега унда шу ўтган бир ой ичидан айнан шу киз ёдидан чиқмади, тушларига кирди?

Шу хаёллар олисдан-олис йўлдаям, кўпкари пайтидаям уни тарк этмади. Факат икки марта – улокни юзлаб отлар, баданларидан аччик тер таратётган, қамчиларини тишларига орасига олиб, ҳар лаҳзада қўлидаги улоқни – баъзан ғиромлик билан бўлса-да! – тортиб олишга тайёр суворийлар орасидан олиб ўтиб, баковулнинг оёклари тагига ташлаётгандагина дунёдаги бор нарсани, шу жумладан, уни ҳам унутди: бундай пайтда дунёдаги энг сулув киз кўз сузиб турганини ҳам пайқамайсан!

Улоқ тугаб, қўлга киритилган баъзи бир совринлар эгарлар қошига илиниб, тўрт оёкли, бўкирадиган ва маърайдиганларининг эса бўйинларига аркон ташланиб етаклана бошлагач, Йўлдош ҳар галгидек уни уйига таклиф қилди.

Лекин бу сафар Малла кизни таний олмади: қани у хумор қарашлар? Қани у лаблар четидаги яширин, фактат унга аталмиш ним табассумлар? Нега бунча кайғули? Ёки тоби қочдимикин? Нега бу сафар дастурхонга таомларни у эмас, хушфөългина, ҳар келганида нафакат ўзи, балки бутун уй ичини сурровчи, оғзидан “айланай” тушмайдиган, унчалик кекса бўлмаса-да соchlари оппоқ, эгнидаги ғарибина кирчил кўйлагидан қий ва қўй хиди келиб турувчи онаси келтирмоқда?

Яна ўша очик, дашт тарафдан шабада хур-хур эсиб турадиган жойда ўтиришарди. Бир сафар, сал наридан қандайдир юмуш билан ўтиб бораётган Гулбаҳорнинг ортидан

эхтиётсизлик қилиб узокроқ қараб қолганди, буни Йўлдош пайкади.

– Синглим бўлади, – деди у уятли иш устида қўлга тушган боладек қизариб кетган Маллани хушига келтириб. – Ҳа, айтгандек, рўздан бир ҳафта ўтиб тўй. Шу айтганим ҳисоб, келасан. Бир-икки кун олдинрок келсанг ҳам бўлаверади – ўзимизнинг одамдек бўп қолдинг.

Йўлдош ундан бир неча ёш катта бўлиб, эртароқ уйланган ва аллақачон иккита ўғилчанинг отаси эди.

– Ие! – деди Малла ҳаёлига бирданига шу келиб. – Ўғилчаларни хатна қилдиряпсизми?

Йўлдош кулди:

– Уларнинг тўйини насиб бўлса... кейинроқ... қурбимиз етса албатта... Бу сафар тўй мана шу синглимники. Узатаяпмиз.

– Шу... синглингизними?! – аранг сўради Малла.

– Ҳа, ўзи битта синглим бор. Бўламга узатаяпмиз... яъни холамнинг ўғлига. Сўнгги бор келиб-кетганингдан кейин бир ҳафта ўтгач шекилли... нон ушатдик. Шундан Гулбаҳор сал хафа.

Кўнглида борини айтадиган, очиккўнгил Йўлдош танишганларига кўп бўлмаганига қарамай, нимаси биландир ёкиб қолгани боис Маллани ўзига жуда яқин олар, шунинг учун бўлса керак, оила сирларини ҳам bemalol айтса бўлаверади, деб ҳисобларди.

– Нега... хафа бўлади? – юраги орзикди Малланинг.

Йўлдош илжайиб, нигохини чеккага қаратди:

– Биласанми, куёв бўлмиш... кўрсанг ўзи сухсурдек йигит, лекин... нима десам бўлади... жудаям деб бўлмайди-ю... шу... озгина эси пастроқ.

Ёнбошлаб ётган Малла қаддини кўтарди:

– Эси пасть?! – кўзлари катта-катта очилди унинг. – Унда... нега...

– Холамнинг олдидан ўта олмадик, – ҳафсаласизлик билан кўл силкиди Йўлдош. – Қолаверса унга бошқа ким ҳам қизини берарди? Ёши салкам мен қатори, лекин ҳалиям бўйдок. Ичкуёв... дек қилиб оламиз, шунга келишдик. Отамнинг ёнида юради, пода бокиб. – Йўлдош дастурхонга кўнган пашшаларни сўлиброқ қолган райхон новдаси билан ҳайдаб, сўнг Маллага юзланди. – Унга ҳам бир ёрдамчи керак-да! Баъзан ҳафталаб

даштда қолиб кетади. Менинг эса сурув ортидан юришга хохишим йўқ... Нега ҳеч нарса емаяпсан? Майли, ҳализамон қовурдоқ келади – отам бугунги кўпкаридан тушган эчкини сўёётганди, тайёр бўлиб қолгандир.

Малла нигохини дастурхонга учиб-қўнганча ғужғон ўйнаётган пашшалардан узмасди.

“Мана нима учун бунчалик ўзгариб қолиби! Йўлдош aka исмини... Гулбаҳор дедими? Исли ҳам чиройли экан. Эсиз, шундай қизни-я! Урф-одатларимиз жуда кизик-да: амма, хола, бўла... бўла тушмагурнинг эса боши пўла! Айтишлари-ча, козок, киргиз, қоракалпокларда умуман қариндош-уруғлар куда-анда бўлишмас экан – ёшлар жуфтларини бир умр топа олмасалар ҳам! Нафақат яқин қариндош, балки бир уруғдан бўлган йигит ва қиз ҳам ака-сингил ҳисобланаркан...

Кечикибман! Ўша келганимда ҳеч бўлмаса бир марта-гина гапга солсам, ахвол бошқача тус олган бўлармиди. Ҳар қандай истиҳолани йигишириб, шартта йўлини тўсиш керакмиди? Ахир, ўшанда нигоҳлари ҳар қадамда ўзига чорлаб турганди-ку! Энди мендан хафа! Тентак бўлага узатмоқчи бўлишаётганларини аввалдан билган ва мендан умид килиб...”

Малланинг бехосдан юраги сиқилди: “Наҳотки, бор-йўғи шу ният билан кўз узмаган бўлса? Бўйдок эканлигимни... билиб? Дейлик, акаси бирон оиласвий сухбатда... айтган. Нима бўлганда ҳам, энди кеч бўлганга ўхшайди”.

Хаёллар оғушидаги Малла келтирилган қовурдокқа мез-боннинг ҳурмати учунгина бир-икки марта кўл узатган бўлди.

Тез орада коронғу тушди, осмонда бирин-кетин юлдузлар чараклаб, баданни яйратувчи шаббода энди совуқкина шамолга айланди. Ҳа, тўрт томони очик даштда об-ҳаво доимо шундай.

– Мен отамга озгина қарашиб юборай, – деди бир пайт Йўлдош. – Агар ҷарчаган бўлсанг айт, жой килиб беришсин.

– Йўқ, йўқ! Қайтгунингизча юлдузларни томоша қилиб ётаман. Жуда ажойиб... ёддан чиқмас кеча! – ўртаниб бораётганини яшириш учун ясама кувноқлик билан жавоб берди Малла. Йўлдош эса эчкилар маъраётган, эшаклар навбатма-навбат ҳанграётган қоронгулик ичига кириб кетди.

Гулбаҳор қаерда экан? Онасиға қарашаяптими (хола кўрада алоҳида сакланаётган совликларни согаётганди)? Ўчоқда бунча катта олов? Бирор бор шекилли...

Атрофга бир қараб олгач, ўша томон юрган Малла бешолти қадам босмай, жойида туриб қолди: уми? Нима қилаяпти? Идиш-товоркларни юваётirmi?

Малла яқинрок борди.

Озгина адашган экан – идиш-товоркларни эндигина ювиб булган Гулбаҳор чүнқайиб ўтирганча нимадир қилар, бир неча соат аввал қозонга тушган эчкининг куйдирилган оёклари ва тиржайган калласи сал нарида тахлаб қўйилганди.

Тараляётган ёрқин нурдан юзи алвон тусга кирган қиз қадам товушларини эшитиб, ортига ўгирилди:

– Келинг, – деди у тезда ўрнидан тураркан. – Мен... мана буларни тозалаётгандим.

У энди оловга тескари турар, юзини аниқ кўриб бўлмас, лекин иш устида йиғлаб тургани аён эди – ҳа, факат йиғлаётгандарнингни товуши шундай чикади!

Малланинг бирдан унга раҳми келди.

– Эшиитдим.

– Нимани?! – бошини кўтарди Гулбаҳор.

– Сени эрга бера... яъни, узатаётгандарини.

Анча пайт давом этган жимлиқдан сўнг ўчок томон бурилган Гулбаҳор чала қолган ишини давом эттира бошлади.

– Кетинг, – деди у кичкина болтачани суюкка қарс-қарс ураркан. – Кўриб қолишади.

Ҳа, у йиғлаётганди!

– Сени кўп ўйладим, келсам... бунақа гаплар.

Бундан ортигини хозирча гапириб бўлмасди. Гулбаҳорнинг болта тутган кўли ҳавода муаллақ қолди:

– Мени?! – ортига ўгирилди у. – Нега?

– Билмайман. Ҳеч хаёлимдан кетмадинг.

Ундан кўзини узмаётган Гулбаҳорнинг лаблари титради:

– Энди нима фойдаси бор? Эшитибсиз-ку нима бўлганини! Эртароқ қаерда эдингиз?

Алам билан айтилган бу сўзлар замирида ҳам танбех, ҳам хайриҳоҳлик, ҳам изтироб бор эди. Малла жавоб беришга улгурмади.

– Малла! – супа томондан кутилмаганда Йўлдошнинг овози келди. – Қаердасан?

– Кетинг! – жон ҳолатда шивирлади Гулбаҳор саросималашиб қолган йигитга. – Вой! Қаёқка кетаяпсиз?! Нариги томондан айланиби ўтмайсизми! Даладан! Тез!

Эрталаб Малла бардам, хуш кайфиятда уйғонди. Йүлдош аллақачон туриб кетган шекилли, үрни йиғиширилган. Үтовдан икки чакиримча нарида қуюқ чанг күтарилашты, демак... чол сурувни даштга ҳайдаган. Ҳар куни бирдек үтадиган ҳаёт яна давом этаяпти – чўпонларнинг турмуши ҳамма жойда шу.

Йўлдош уни нонуштадан сўнг кетади деб ўйлагани боис қайноккина сутчой устидаги сухбат мавзуси шунга йўналтирилди. Аммо – кутилмаганд! – даштни бир айланаб келиш истаги борлигини айтиб қолди меҳмон.

– Балки мен билан борарсиз? – қўшимча қилди у сал туриб.

Йўлдош аввалига ҳайрон қолиб, унга тикилиб турди.

– Нимасини айланамиз? – қулди сўнг. – Юмрону илон-чаёнлардан бошқа кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ. Майли, истасанг айланавер. Лекин бир ўзинг: мен тўйга боғлиқ баъзи бир муаммоларни ҳал қилиш учун холамникига ўтишим керак. Онам тайинлади. Биласан-ку, тўй фақат ёр-ёрнинг ўзи билан ўтмайди.

– Яхши бориб келинг, – деди чиройи очилиб кетган Малла.

– Меҳмон бугун кетмас экан, – деди дастурхонга фотиҳа қилиб, үринлардан туришгандан сўнг үтога кайтиб кирган Йўлдош урчук йигираётган онасига. – Даشتни айланмокчи эмиш. – У илжайди. – Ҳа энди, бўйдок, бўйнида олахуржуни йўқ эркин одам-да! Юраверсин истаганича. Тушликка тузукрок нарса тайёрланглар. Кечаги эчки гўштидан колганми?

– Ярмидан кўпи турибди. Балки озроғини... холангга олиб борарсан?

Йўлдош бирдан қовоғини уюб, тўнғиллади:

– Ӯша дардисарларингизга томоқ ташишимиз колувди энди!

Ўғли нимадан норози эканлигини яхши билган она урчук йигиришдан тўхтаб, андух тўла кўзларини анча вақт унга тикиб турди.

– Маллани тўйга айтдингми? – деди у ниҳоят.

– Эшилди. Бўпти, мен тезроқ кайтишга харакат қиласман.

Дастлаб яёв кетишни ўйлаб турган Малла бир оздан сўнг отини эгарлади. Йўлдош рост айтади – даштнинг нимасини кўрмай юрувди. Лекин у билан яна бир бор гаплашмай кандай

кетсин! Бу ерда ўралашиб юриб ҳам бўлмайди. Ҳа, кизнинг ўша овсар бўлага сира теккиси йўқ. Лекин мен билан кетармикин? Фотихани бузиб, ота-она, aka, уруғ-аймокларнинг юзини серга қаратиб? Қандай гаплашса бўлади? Ҳозир-ку, жуда қулай пайт келди – aka холаникига кетаяпти. Лекин онаси пайқаб қолиши мумкин!

“Эртароқ қаерда эдингиз?”

Нима фарки бор? Ҳеч бўлмаганидан кеч бўлгани яхши эмасми!

Малла эгар урилганча тайёр турган отига енгилгина қамчи уриб узоклашаркан, ўчок бошида турган Гулбаҳор ва каттагина қозонни кўрсатиб унга нималарнидир тушунтираётган холага кўзи тушди. Улар ҳам йигитни пайқашди, Гулбаҳор яна ўша – биринчи марта кўрганида ўзида доимо туйиб турган, аммо кеча бир марта ҳам сазовор бўлмаган илик нигохини ташлади.

“Бўпти! – юраги гупиллаб уриб кетди Малланинг. – Агар шу қарашларинг ёлғон бўлмаса, тақдирингга тан бермаган бўлсанг ва кечаги гапинг рост бўлса – келасан! Агар келмасанг – баҳтли бўл!”

Малла уф торти: лекин ундаи эр билан қандай баҳт бўлиши мумкин?

У атайин жуда узокка кетмади – бир-бирига мингашган пастаккина икки тепаликни ошиб ўтгач, денгиздек ястаниб ётган ям-яшил янтокзор ўртасида отдан тушди.

Карасанг кўз тинадиган мовий осмонда худди михлаб кўйилгандек бир нуктадан кимиrlамаётган сўфитўргай нола килар, унинг ажойиб, ҳеч такрорланмас қўшиғи дилларни қитикларди. Ён-атрофидан бир неча юмрон ўқдек елиб ўтди ва анча наридаги инлари рўпарасига бориб, орка оёкларида турганча, унга бараварига ялт этиб қарашди. Бир жуфт тошбақа эса аксинча, худди кекса одамлардек инқиллаб, ҳар кадамини “санаб” босарди. Малла қандайдир чийиллаган товушни ҳам эшилди, аммо унинг нима эканини била олмади.

Офтоб!

Нима бало, ерга тушиб келаяптими, дейман! Бунча киздирмаса ҳалитдан! Одамлар қандай яшашаркан шундай жойларда! Эҳ, Лангарнинг жаннатдагидек ҳавосини кўриб, Гулбаҳорнинг оғзи очилиб колса керак ҳали!

Лекин... нега келмаяпти? Кўрди-ку, каёққа кетаётганини!

“Ҳа, мен уни яхши кўраман! Бериб кўймайман ўша эси

пастга! Шундай қизни унга топшириб қўйиш увол! Майли, нима десалар десин, нима қилсалар қилсин – ҳаммасига чидайман! Ота-онаси ўз йўлига, лекин Йўлдош aka кизиқ экан: мен, масалан, синглим Ҳожарни ҳеч қачон мана бунақа қилиб – тўғри келганга бериб юборишларига йўл қўймасдим!”

Яна нимадир шитирлаяптими? Илон бўлса-я!

У ортига ўтирилди ва жойида қотиб қолди: шундок рўпарасида югуриб келгани ёки аямай киздираётган обтоб тафтиданми юзидан дувва тер куйилаётган Гулбаҳор турарди!

– Энам ҳозиргина дам олиш учун ётди, – деди у чукурчукур нафас оларкан. – Тонг отмасдан совлиқларга қарагани туради, шунга... бир оз ухлаб олмаса бўлмайди.

Ортиқча сўз ва мулоҳазаларга ҳожат, энг асосийси – вақт йўқ эди.

– Мен билан кетасанми?

Жавоб Маллани хайратда колдириди:

– Тўй қиласизми?

– Тўй?! Ким тўйсиз уйланаркан? Ёки сизларда шунақа одат борми? – деди у қизнинг соддалиги ва маъсумалигидан завқланиб.

Унинг кейинги саволи олдингисидан ҳам ошиб тушди:

– Мени йўлда ташлаб кетмайсизми?

Бу сўзларни эшитгач, қах-қах отиб кулиб юборса, ҳалигидақа ҳазил-хузул қилса бўларди, лекин танишганлари ва илк бор чала-ярим дил изҳори қилганларига ҳали бир кун ўтмай, Малла уни жеркиб ташлади:

– Бу гапни қаердан олдинг? – қичкирди у қўлларини силкиб. – Жинни эмасмисан??

Гулбаҳор ҳавотирланганча ортига қараб олди:

– Унда... нима қилай?

– Бугун кечаси, ҳамма ухлаганда шу ерда учрашамиш! – лаби-лабига тегмай тушунтира бошлади Малла. – Мен чикқанимдан сўнг озроқ кутиб, ортимдан келасан! Тушундингми? – Гулбаҳор жавоб ўрнида тез-тез бош лиқиллатди. – Бўпти, энди боравер.

Гулбаҳор умрида ҳеч қачон бундайин – гўё шамол бўлиб елмаган бўлса, Малла ҳам қизларнинг бунчалик тез юрганини кўрмаганди.

“Жайрондек, – хаёлидан ўтди қизнинг ортидан ҳавас билан қараб тураркан. – Энди отимга худо куч-кувват берсин”

* * *

Шундок овоз берса етар жойдаги овулга бориб онасининг топширикларини етказгач, шошиб тургани, уйда меҳмон борлигини важ қилиб, тезда ортига қайтган Йўлдош Гулбаҳорни кўргач, ҳайрон бўлди: қаердан келаяпти? Югургани нимаси?

Гулбаҳор эса уни то етиб келгунича кўрмади, кўргач эса йиқилгудек бўлиб – теп-текис жойда! – тўкнашиб, мункиб кетди.

– Қаердан келаянсан? – ҳайрон разм солди Йўлдош синглисига.

– Мен, – ғудранди Гулбаҳор, – ҳа... тезак тергани борувдим!

– Тезак?! Ўтовларимизнинг тўрт тарафи тезак билан қийку! Шулар етмайдими? – Гулбаҳор бошини хам қилганча турарди. – Қопинг қани?

– Қоп? – тушунмади қиз худди ундан умрида кўрмаган, эшитмаган нарсаси ҳакида сўраётганларидек.

– Ҳа-да! Тезакни қонга термайдиларми? – кулди Йўлдош. – Ёки этагингга тердингми? Уни хам кўрмаяпман. Орtingдан ёв кувгандек нега югурдинг бунча?

Ерга кириб кетишга рози бўлиб турган Гулбаҳор мингирилди:

– Илон... бор экан.

Йўлдошнинг назарида қиз ёлғон гапираётганди: қизиқ... У офтоб тушиб турган чап кўзини сал қисиб сўради:

– Тезак териб юрибман де? Унда овқатни ким килаяпти?

– Осиб қўйганмиз, қайнайапти... пишиб қолгандир... олиб келайинми? – деди акасининг ёнидан тезроқ кетиш учун ҳамма нарсага тайёр қиз.

– Шошма, меҳмон қайтиб келгач, – деди Йўлдош атрофга кўз югуртириб. – Чиндан хам даштга чикиб кетдими?

Қиз шошиб қолди:

– Билмадим, кўрганим йўқ!

– Бўпти... сув олиб чик... кўзадан, муздайини.

Гулбаҳор турган жойидан қушдек учди, Йўлдош эса тепасига чодир тортилган пастак супа четига чўкиб белбоғини ечди-да, терлаб кетган юзи, бўйини арта бошлади. Унинг хаёлчан кўзлари узокларга, тўғрироғи, айнан Гулбаҳор келган томонга қаратилганди, супада шу тарзда жойлашгани боис бошқача бўлиши мумкин эмасди.

Отини эркин қўйиб, ширин хаёллар оғушида тепалик ошиб келаётган Малла кимнингдир ўтдек нигоҳи ўзига қадалганидан бехабар қолди.

Йўқ, бу нигоҳ Гулбаҳорга тегишли эмасди! Асло!

Сал олдин синглисингайтдан ўша томондан югуриб келиб, ўзини ҳайрон қолдирганини ҳали унутмаган Йўлдошнинг танасига билинар-билинмас титрок кирди.

“Мана сенга тезак! – тишларини ғижирлатди у. – Мана сенга... илон! Гулбаҳор – илон! Унинг эрта-индин узатиладиган синглиси!

Хўп, буниси-чи?! Мана нима учун унга бийдек даштни “айланиб келиш” зарур бўлиб қолган экан! У нимаси билан илон эмас? Ахир, Гулбаҳорнинг узатилаётганини кечагина айтмаганмиди? Тўйга таклиф қилмаганмиди! Шунчаликка борадими одам деган! Шакл-шамойилидан кишининг хавасини келтирадиган йигит, аслида эса... Мана, нима учун одам оласи ичида, деб айтарканлар!”

У шу тобда Малланинг афтини ҳам қўришни истамасди: хозир буниси ҳам унга катта холасининг эртагини айта бошлайди, ёки... чумоли кувгани учун қўрқиб, тезда қайтиб келдим дейди!

Аммо тепалик ортида унинг Гулбаҳор билан учрашганини (кай тарзда?!?) кўз олдига келтириб, чидай олмади ва қўлларини мушт қилганча ўрнидан турди – чумоли кандай бўлишини кўрсатиб кўяман иккалангга ҳам!

– Йўлдошjon! Бориб келдингми, айланай? Бунча тез қайтибсан?

Бу – ўтовдан чикиб келаётган онасининг товуши эди. Йўлдошнинг танасидаги таранг тортилган мушакларнинг барчаси бирпасда бўшаши.

– Ҳа! Ётармидим ўша ерда! – тўнгиллади у.

– Эсон-омон юришибдими экан?

– Жин урармиди ўшаларингизни! – бақириб юборди Йўлдош бирдан. – Юришибди, тирикларга шерик бўлиб!

Унинг жеркишидан чўчиб тушган она пастки лабини тишлади ва анча яқинлашиб қолган Малла можарони эшишиб қолмасин дегандек, тезда ўтовнинг нариги томонига ўтиб кетди.

– Э! Бирдан қайтибсиз-ку! – деди хаёлларига берилиб кетган Малла отдан тушаётгандагина Йўлдошга қўзи тушгач,

“Нима, сенга ўхшаган кўрнамак бу ерда фотихали киз билан айш қилиши учун кечгача юришим керакмиди!”

– Ҳа... шунақа бўлиб қолди. Ўзинг ҳам тез қайтибсанми? – деди у тишлари орасидан.

– Бугунга етади.

– Балки эртага ҳам айланарсан? Юрибсан-да, маза қилиб!

Бу илмоқли саволни ўзича тушунган Малла яйраб кулди:

– Йўқ, бугун... йўғ-э, эртага уйга қайтаман. Одам иззатини ҳам билиши керак.

“Бу ифлос иззатни ҳам билади! Ё, шартта юзига айтсаммикин?”

– Ҳа, иш битиб, эшак сувдан ўтдими? – ўзи кутмагандан Йўлдошнинг сўз оҳангига очиқдан-очик киноя янгради ва бу оҳангни сезиб қолган Малланинг шу пайтгача ширин ташвишлар билан банд юрагига хавотир оралади: “Қанака иш ҳакида гапирайпти? Нимага ишора килаяпти? Сездимикин? Наҳотки?!”

Малланинг юраги шувиллаб кетди: танишганларидан буён ҳеч қачон унинг ўзига бундай қараб турганини кўрмаганди! Тамом! Фош бўлибмиз! Ёки иккимизни... бирга кўрдими?! Қандай қилиб? Ахир... у кетган ва қайтиб келган йўлдан бутунлай қарама-қарши томонда учрашдик-ку!

Каердандир пайдо бўлган она жонларига яна ора кирди:

– Айланайлар, келинглар, томок тайёр бўлди, – чакирди у иккаласини. – Кўлларингни ювинглар. Гулбаҳор! – сўнг ўтов томон ўгирилди. – Акангларга дастурхон олиб чик! Тез бўл! Нега ўтовдан чиқай демайсан? – У Маллага қараб кулди. – Сиздан уяляяпти, айланай! Якинда келин бўлади, шунга. Акангиз айтдими? Албатта келинг. Қани эди йўл якин бўлгандা, ота-энангизни ҳам олиб келардингиз. Лангаротадан эканингизни билганимдан буён, табаррук пирлар ўтган ўша жойларни қани эди бир зиёрат килсан деб орзу қиласман. Уйингизга ҳам ўтардик. Лекин қайда! Қандай қилиб бу ердан кўзғалиб бўлади! Қолаверса, бироннинг қўлида қарам бўлсак. Биз кетсак, ким қарайди буларга, – озғин, томирлари чиқиб турган қўли билан ишора қилди у қўралар турган тарафга.

Малла онани кучоклаб олишга тайёр эди:

– Албатта борасиз! Якин орада! Ўзим келиб сизларни олиб кетаман! Ҳа, шундай қиласман! Бусиз... бўлмайди!

Малла бу сўзларни шунчалик эҳтирос билан, кўзлари ёниб,

чин юракдан айтдики, она-бала бир-бирига аввал кулиб, сүнг хайрон караб қолиши. Айникса – Йўлдош. “Нималар деб валдираяпти? – ўйлади у. – Тушунмаяпман бу болани – нима “бусиз бўлмас” экан?”

– Насиб, айланай, насиб, – кулди она бунчалик сид-қидилдан килинаётган таклифдан тўлқинланиб. – Худонинг ўзи шу қунларга етказсин. Сиз айтасиз-у, биз бормаймизми! Илойим яхши жойлардан буюрсин, – давом этди у эшитганларини ўзича мулоҳаза килиб, – тўйингизга айтсангиз, Йўлдошжон олиб боради. Қани, юринглар ўтовга. Ё... шу ерга келтирисинми?

– Шу ерга олиб кела қолсин, – ўртага суқилди Йўлдош. – Ака-ука сухбатлаши-и-и-б, отамлаши-и-и-б ўтирамиз. Тўгрими, меҳмон? – еб қўйгудек тикилди у Маллага. – Эна, айтгандек, меҳмон эртага кетаркан. Шунча кўймасам ҳам кўнмаяпти. “Ишларим битди”, дейди. Билмадим... кайси ишини назарда туваётган бўлса.

Она Маллага ўзгача бир меҳр билан бокди:

– Вой! Юрибсиз-да айланай! Ёки зерикдингизми?

– Йўқ, эна, жудаям унчалик эмасдир! – ачитди Йўлдош. – Бу ер дашт-дала, яна... бошқа нарсалар... дегандек. Шундайми, меҳмон?

Она ўғлининг сўзларига эътибор бериб ўтирмади, қолаверса, ўзи меҳр қўйиб, доимо уйига таклиф киладиган бу йигитга нисбатан ёмон кайфиятда бўлишини тасаввур ҳам қила олмасди. Малла эса ҳаммасини ташлаб, орқа-олдига қарамай ҳозирнинг ўзида қочиб кетишга тайёр эди: ха, фош бўлибмиз! Энди ҳеч шубҳа қолмади! Бўлмаса арзимаган бир-икки соат ичida одам бунчалик ўзгариб қолиши аклга сифмайди. Бунинг устига, хабардор эканлигини яширмоқчи ҳам эмас! Факат чинаяпти холос ва... тезроқ кетишини истаяпти – бунга очикдан-очиқ ишора ҳам қилди!

Аммо у бундай қила олмасди, Йўлдош айтганидек, “иш битган, бўёғи кўчган” эди. Энди охиригача туриб бериш керак.

– Яна келаман, хола.

– Бўпти, тез-тез келиб туринг, айланай. Тўй бўлиши шарт эмас.

– Шундай килишга тўгри келади.

Йўлдош ўша истеҳзоли кулгу билан бош чайкади: одам деган ҳам шунчалар сурбет бўладими!

Иккаласи индамай, ҳеч бир мулозаматсиз супа устидан жой олиши.

Малланинг унсиз илтижолари кўкка етди, шекилли, таомни Гулбаҳор эмас, она келтириди.

– Олинглар, айланайлар, ош бўлсин. Учокнинг тутуниданми, Гулбаҳорнинг боши оғрибди, кўрпа-тӯшак қилиб ётиб олди. Келиннинг уйда йўклиги жуда билинаяпти, – деди у Йўлдошга юзланиб, сунг Маллага карата давом этди. – Қудағайимизнинг тоби кочиб, қарайдиган бошқа одам йўклиги учун Йўлдошjon бир хафта илгари болаларини ўша ёкка обориб қўйган.

– Майли, эна. Олдин меҳмонни эсон-омон кузатиб қўяйлик, – қўзини Малладан узмай деди Йўлдош, – сўнг бир гап бўлар.

Малла овқатга қўл урмади, ҳисоб.

“Ёки бор гапни айтсаммикин? – ўйларди у қийналиб. – Лекин қандай қилиб?”

“Эртарок қаерда эдингиз”.

Қўллар ювиб артилгач, Йўлдош аста лўлаболишига ёнбошлиди ва томоқ кирди:

– Бу, Маллабой ука, шунча пайтдан таниш-билиш, ошнагайни бўлиб келдик, ўртада ўзаро хурмат бор... эди. Хуш... энди режалар қандай? Эртага кетадиган бўлдингми? Бу, ўзинг ҳақингда ҳеч гапирмайсан? Тўйинг қачон? – ўлганининг кунидан кулди у. – Юрасанми энди қизларнинг ақлини ўғирла-а-б? А? Лаббай?

Асаблари шусиз ҳам чатнаб кетаётган Малланинг ниҳоят бардоши тугади – нима бўлса бўлар!

– Бир-икки кун қолди, Йўлдош ака, – деди у дастурхондан қўз узмай. – Сабр қиласиз энди.

– Ие! – ёнбошидан туриб кетди Йўлдош ҳайратини яшира олмай. – Унда... уйга борганингдан бўларкан-да! Нега шу пайтгача индамагандинг? Айтасанми ўзи бизни?

– Тўйимиз сизларсиз бўлмайди. Яна саволлар борми? – чертиб-чертиб, тишлари орасидан жавоб берди Малла.

Йўлдош унинг шу пайтгача ўзи билан бунчалик кескин гапирганини эслолмасди. У мўйлаби четини тишлиғанча йигитдан кўз узмай турди: нега бунча? Нега юзимга сапчияпти? Бўйнида айби бор одам қисибгина ўтирмайдими? “Тўйимиз сизларсиз бўлмайди...” Бу нима дегани?! Ёки...

Унинг кўз олди коронғу бўлиб кетди, Малланинг тепалик-

дан ошиб келәётганини күрган пайтидагидек баданига енгил титрок кирди, сүңг күзи ўнгидә ўша томондан югуриб келаётган Гулбаҳор пайдо бўлди.

Наҳотки?!

– Шундай де, – ўзини аранг босиб сўз бошлади у. – Бу... келин бўлмиш ўзларингданми?

– Йўқ! Шу ердан!

Болта тифи каби кескир шу учтагина сўздан сўнг ортиқча саволларга ўрин қолмаганди, Малла эса у яна бирон нима дейдиган бўлса, бор гапни очиқ айтишга шай бўлиб туарди: Гулбаҳорни севиши, унинг ҳам кўнгли борлиги ва албатта, ўрталарида ҳеч нарса бўлмагани. Факат уни бугун тунда олиб қочишини эмас! Ҳар ҳолда Йўлдош унга акадек бўлиб қолган – бунчалик даражада лойга булғаб ташламаслик керак!

Қалт-қалт титраётган Йўлдош унинг нигоҳи ҳамон дастурхонда эканлигидан фойдаланиб, кузата бошлади.

Йўқ!!! Ўрталарида нима бўлганда ҳам Гулбаҳорни унга бера олмаймиз! Ахир у фотиҳали! Уни бузиш – холам билан юз кўрмас бўлиб кетиш дегани!

У алам билан кўзларини юмди: “Аввалроқ қаерда эдинг! Онам ҳам бўйдоқлигингни эшитганда юзига билин-билинмас қизиллик югуриб, ҳали сен кўрмаган Гулбаҳорга кўз остидан караб қўймаганмиди? Бўйи етган қизи бор қайси она сенек йигитни кўрганда орзуга берилмайди!

Кейин орага хола тушди. Йўқ... жуда-а-а кейин ҳам деб бўлмайди – кўпдан у серқатнов бўлиб колганди, “ўғлингга тенгини топ” қабилида бир-икки марта дакки ҳам эшитганди.

Лекин мана, жуда топиб айтилган неча минг йиллик мақолни ҳам тескари килиб ташладик: буюрганники эмас – юрганники бўлди...

Шундай, Маллажон! Чучварани хом санама! Вақtingни ҳам бехуда ўтказма! Уни... олиб қочишингга йўл қўя олмайман! Ҳа – ўрталарингда нима бўлганлигига қарамай!”

Йўлдош ўрнидан туриб, аввал ўтов томонга бир қараб олди.

– Тур ўрнингдан, – деди сўнг Маллага. – Далани бир айланаб келамиз... ҳали кўрмаган жойларинг кўпдир.

Ечим якинлашаётганини тушунган Малланинг юраги гурс-гурс урап, кўкрак қафасидан отилиб чиқиб кетишга шай эди. Бўпти, нима ҳам қила оламиз! Нима дейишарди? “Ўлгиси келган эчки болтадан тоймас” эдими?

Унчалик күп юришмади – атай қилгандай Йўлдош худди ўша жойда тизгинни тортди.

Нима бало, тўргай ҳали ҳам ўша жойидан кимирамаганми дейман? Ростдан ҳам осмонга михлаб қўйилмаганмикин? Қойил! Тошбақажонлар ҳам ҳали шу ердами... Йўқ, кўришмайди, лекин юмронлар инлари ёнида диккайганча, бу гал икки отликни кузатиб туришарди.

Йўлдош аввал чукур нафас олди.

– Маллавой ука, гап бундай: яна бир тепалик ошсанг, йўл чиқади. Тўғрига юриб, сўнг чапга буриссанг...

Унинг гапи оғзида қолди, бу сафар мақолнинг ҳеч қаерига шикаст етмади: эчки ростдан ҳам болтадан тоймади!

– Мен усиз ҳеч қаёққа кетмайман, Йўлдош ака! Уни яхши кўраман! Биз ваъдалашдик! Мана, нима учун кетмай турибман уйингиздан. – Унинг рангги оппоқ бўлиб кетди. – Энди эса... билганингизни қилинг – истасангиз, шу ерда ўлдириб ташланг, лекин мен лафзимдан қайтмайман!

Эгарда чайқалиб кетган Йўлдошнинг оғзи ланг очилиб, унга тикилганча қолди, тили учида канча ҳақоратли, заҳарли сўзлар айланмасин, факат шуларни айта олди, холос:

– Ахир у фотиха қилинган! Эрта-индин тўй!

– Тўй бизникида бўлади, Йўлдош ака! Буни сизга ҳалигина айтдим!

– Одамлар, холам нима дейди, ҳайвон?! – бўкириб юборди Йўлдош.

– Одамларнинг гапи унинг ҳаётидан азиз бўлибдими? Ахир, уни тириклайн гўрга тикияпсизлар-ку! Билмадим, балки бўлангиз... ўшанақа бўлмаганида тишимни-тишимга босармидим, пешанамдан кўрармидим – билмадим, жавоб бера олмайман! Лекин у синглингизга муносиб эмас! Агар мен ҳам Гулбахорга муносиб бўлмасам... айтинг! Кўрқманг, синглингиз фариштадек пок, мен эса сиз ўйлаётган даражада палид эмасман!

Уятданми, жаҳлданми дувва қизариб кетган Йўлдош кўзларини олиб қочди: “Мана, нима учун бу йигитни яхши кўрардим! Буни ўша эси паст билан тенглаштириб бўладими! Ўзи нима-ю, ундан туғилган болалар нима бўларди! Ҳаёт эса бешафқат!”

У синган, лекин таслим бўлишни ҳамон истамасди:

– Фотиха...

— Мен ҳеч қанака фотиха-потиҳа килиб ўтирмайман! — атайин тушунмаганга олди Малла. — Мавриди эмас. Олиб борган куним, яни, эртагаёк никоҳ ўқитамиз, кейин — тўй! Холами, тоғамни олиб борасиз! Яна кимни истасангиз — барчасини!

Йўлдош отининг ёлларига тикилди.

— Уни... тунда олиб кетасанми? — деди у бир оздан сўнг эшитилар-эшитилмас.

— Ҳа, барчаларингиз ухлаб қолганда. Албатта, агар ҳеч ким сезиб қолмас!

Йўлдош баттар кизарди: бундайин жўмард, лекин сурбет йигитдан яна қандай жавобни кутиш мумкин эди!

Тўрғай ҳамон нола килар, унинг бир жойдан қимирламай турганини қўрган юмонлар эса ҳеч қанака хавф йўклигини сезиб, ҳар кунги тирикчилигини қайта бошлаб юборгандилар.

Йўлдош бир оз ўйлаб тургач, отини келган тарафлари томон бурди ва унга қарамасдан деди:

— Кетдик уйга. Нима қиласан бу ерда бир ўзинг.

Лекин Малланинг оти жойидан қимирламади:

— Сиз бораверинг. Мен шу ерда қоламан...

Йўлдош қайтиб келганда, нимадандир хафадек кўринган онаси Маллани сўради.

— Кейинроқ келаркан, — деди Йўлдош бир оз ўйлаб тургач. — Айтганча... Гулбаҳор нима қилаяпти?

Она уф тортди:

— Йиғлагани-йиғлаган, юракларимни қон килиб юборди бу қиз ўлгур. Фотиҳани бекор қилинглар, дейди. Топган гапини кара — бугуноқ эмиш! Эшиштаяпсанми? Бугуноғ-а! Сира эси йўқ бу жонинг чиқкурнинг! Фотиҳаси бузилган кизни кейин ким олади, деб ўйламайдими! — У ўзининг саволига ўзи жавоб берди. — Яна биронта бўлангга ўхшагани-да! Уфф, кўрқаман... ўзини бир бало килиб кўймаса эди.

— Шунчаликми?! — кўзлари катта-катта очилди Йўлдошнинг.

— Айтма!

Йўлдош ўзи ҳозиргина қайтиб келган тепалик томон қараб қўйди.

— Эна... балки ростдан ҳам... фотиҳани дейман... бекор килармиз? Битта-яримта чиқиб қолар?

Она Гулбаҳорни узатиш борасидаги ўғли ва ўзи ўртасида дам-бадам чиқиб турадиган келишмовчиликлар пайтида доимо

ен босиб келганди – ҳар ҳолда қизни тентак бўласига узатишда айби кўпроқ бўлгани боис ўзини шундай тутарди. Бироқ, караб турса, ўғли энди ҳаддидан ошмоқда.

– Эсинг жойидами? – жаҳл билан шивирлади у. – Ҳечамда! Холанг ўз йўлига – эл-юрт олдида нима деган одам бўламиз? Бу гапингни бошка эшийтмай! Фақат, – она хавотир олиб ўтов томон қараб қўйди, – эхтиёт бўлиб юр, хўпми? Ҳар қадамини кузат.

Йўлдош хўрсинди. Малла билан бўлган можародан сўнг кайтаётиб, ҳеч бўлмаса фотиҳани бекор қилсан, юзимиз сал ёруғ бўлармиди, деб ўйлаганди. Умид килганди. Ота-онаси билан гаплашиб – нафакат гаплашиб! – нима қилиб бўлса-да қўндириб, кейинчалик у томондан юбориладиган совчиларни кутишни режалаштирганди.

“Бўпти, энди ўзингиздан қўринг! – онасига ўқинч билан тикилди у. – Шармандагарчиликни озми-кўпми камайтиришнинг яхшигина йўлига ўзингиз тўсик қўйдингиз!”

– Хўп эна, кўз узмайман ундан.

Она кундалик юмушига киришиб кетди, Йўлдош эса супа устига солинган шолчага чўзилди. Гулбаҳорга нон ушатилгандан буён ўзини ҳеч қаҷон бугунгидек енгил ҳис этмаганди.

– Раҳмат сенга, мард йигит! Энди унинг ўлиги ҳам, тириги ҳам сеники!

* * *

Осмонда чараклаб турган юлдузлар, бугун пайдо бўлган ингичка ой ўроғи (“Лангарота гумбази тепасида ўрнатилган ой ҳам шунга ўхшаш”, – хаёлидан ўтди Малланинг шукроналик билан юзига фотиҳа тортаркан) кечага ажиб бир ҳусн бағишлаганди. Лекин нега қўнгли бунча ғаш? Худди бир нарсани... унугтандек.

Йўлдош кетгандан сўнг вактни “ўлдириш” учун от солиб қаёкларга бориб келмади! Ҳатто бир марта, узокдан кўтарилаётган чангни кўриб, биронта сурув бўлса чўпонлар билан сухбатлашиб вақтни ўтказаман, деб ўйлади, аммо ярим йўлга боргандা айниди: агар ўша чўпон Гулбаҳорнинг отаси бўлиб чикса-чи! Бечоранинг-ку, ҳеч гапдан хабари йўқ, лекин у билан рўбарў бўлишга бет қани!

Малла ҳар сафар уларникида тўхтаганда, бу озғин, суяклари бузук, оқ оралаган қошлари сийрак, сал букчайиб юрадиган

(Йўлдош ва Гулбаҳор онасига тортгандилар) чолнинг нихоятда камсуқумлигидан (эгнидаги жулдур чопони, оёғидаги Одам Атодан қолган чорифидан уялиб, кўриниш беришни истамас балки?) ҳайратланарди: синиккина кулиб ҳол сўрашгач, Малла уни қайтиб кўрмасди. Чол улар билан бир дастурхонда ўтирасди хам. Доимо нима биландир банд, аксарият ҳолларда эса – даштда, кўй-эчклиардан иборат сурув ёнида бўларди. Ўша жойга егуликни унга баъзан аёли, баъзан Гулбаҳор, баъзида Йўлдош элтар, жуда узоклашиб кетганда эса (ўзи билан бирон нарса олармикин?) уни ҳеч ким йўкламасди.

Йўлдош томонидан “кўрсатиб қўйилган” йўлни унчалик яхши билмаган Малла отини ўша томонга йўрттири – ўрганиб қўйиш зарап килмайди! Айланиб юриб-юриб, адашиб-нетиб, тонг отганда қайнотанинг уйига бориб қолмасин яна!

У Йўлдош кетгандан сўнг илк бора жилмайди: “қайнота”! Наҳотки шу чол энди унинг қайнотаси бўлса! Доимо айланиб-ўргиладиган хола эса қайнона!

Унинг лабларидаги табассум бирдан учди: эртага нима қилишаркин? Тўрт томонга зир югуришармикин ёки Йўлдош бор гапни бирдан айтадими? Ё... ўзлари англайдими не бўлганини? Ҳа-да! Ким аввал бир-икки кунга қолишини айтиб, сўнг тўсатдан ғойиб бўлади?

У оғир хўрсинди – ҳар тугул шуниси тўғрига ўхшайди. Чаток иш бўлди-да! Лекин уни шунга мажбур қилишмаяптими!

Шундай килса ёқимсиз хаёллардан қутуладигандек, кўзини юмди.

Қайда! Энди бу хаёллар устига уйга етиб борганидан сўнг бўладиган можаролар шартта миниб олди: уни – энг аввало, Гулбаҳорни! – бу қилмиши учун чилдирма чалиб кутиб олмайдилар, албатта! Ҳатто “киз ор-номусли бўлса кочмас эди” деб маломат қилишлари мумкин! Фотихали бўлганини эшитсаларку...

У бир пайт қорни очиқканини сезди: ёки йўлга егулик олиш кераклигини унудимикин?

Окшом туша бошлигар эди. Анча олисга кетиб колибди, энди қайтса бўлар – Гулбаҳор учрашув жойига келиб кутиб колмасин... кутиб кол... кутиб...

Унинг додлаб юборишига оз колди: “Нима?! Нега у мени кутиши керак?! Ахир... ахир... у мендан сўнг чикиши керак

оди-ку! Шунга келишилганди-ку! Нега шундай мухим нарсаны унудим! Қандай килиб рүй берди бу?!”

Малла ингради: ха, Йүлдош билан бўлган можаро уни чалғитди! Аммо ким ўйлабди унинг сезиб қолишини, ўйидан ҳайдаб солишини, ўзи истамаган ҳолда бу ерда бўлиб қолишини! Энди нима булади?! Гулбаҳор... ақлдан озмайдими?! Алдабди, деб ўйламайдими?!

“Йўлда ташлаб кетмайсизми?”

Улоқ айиришнинг энг қизғин палласида ҳам қадрдон оти сағрисидан бунчалик зарб билан қамчи емаган бўлса керак: у отриқ зўридан каттиқ кишинаб юборди ва камондан отилган ўқ янглиғ турган жойидан елдек учди.

Малла тайинланган жойга етиб келганда атрофни коронғулук босган, оти эса оқ кўпикка беланганди.

Бироқ етиб келгандан не наф? Нима, шу ерда туриб, осмондаги юлдузларни санайдими?

Қайтиб бориш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Лекин унда шўрлик қизнинг ҳоли не кечади?

Ёки без бўлиб қайтиб борсинми?

У яна кўзларини юмди: одам ҳам шунчалик ахмоқ бўладими! Йўлдош итдик савалаш ўрнига, ғурури, номусини ичига ютиб, уйга юр деганда, ноз қилгани-чи! Энди қайси юз билан кўринасан?

Малланинг юмилган кўзларидан ёш думалади, лекин буни ўзи сезмас, фикру хаёли Гулбаҳорда эди: нима килаётган бўлса?

Ўн тўққизинчи боб

Дастурхон йигилгач, она ўғлига юзланди:

– Ғалати йигит эканми? Оч-наҳор қаерда юрган бўлса, шу пайтгача? Одамни алағда бўлади ҳам демайди. Сенга хеч нарса демаган эдими?

Хаёли паришон, ўзи билан ўзи бўлиб ўтирган Гулбаҳор ялт этиб акасига қаради.

– Мен ҳам хайрон қолаяпман кечикаётганига. Келиб қолар.

– Уйига кетиб қолмадимикин, ишқилиб?

Гулбаҳорнинг титраб кетганини факат Йўлдош кўрди.

– Йўғ-а! Хайрлашмай кетадими? Юргандир-да...

Орага жимлик чўкиб, чигирткаларнинг жўр бўлиб чириллашлари энди барадла эшитила бошлади.

— Унда, ётамиз. Жойини ҳар доимгидек сенинг ёнингга солиб бераман. — Шу ерда она унинг тушдан буён ҳеч нима емаганини яна эслаб қолди. — Лекин оч-ку! Ким унга овқат иситиб беради? Мен ўзи аранг оёқда турибман, тонг отмасдан эса яна югур-югур бошланади. Гулбаҳор ҳам ухлаши керак. Йўқ, болам, нима десанг дегин — лекин уйига кетган унинг. Бу атрофда бошқа борадиган жойи йўқлигини ўзинг мендан яхши биласан.

Гулбаҳор инграб юбормаслик учун бутун бардошини йиғди.

— Тур, кизим, қўрпа-тўшакларни олиб чиқ... ҳар эҳтимолга қарши, меҳмонникини ҳам.

Ўўлдош ўйлаб ўйига етолмасди: онам-ку, чарчаганидан таппа ётиб ухлаб қолар, лекин мен ўзимни қандай тутишим керак? Ухлаганга соламанми! Гулбаҳор қандай чиқиб кетади? Ўзи билан ҳеч нарса олмайдими? То тепаликни ошиб ўтгунча қўрқмасмикин? Нима ишлар қилиб қўйдинг-а, сингилжон! Уйигит-ку, сени хафа килмас, лекин... уйидагилар қандай кутиб олади?

— Уфф, бу қиз мени ўлдиради! Ўзини ерга отиб, яна йигини бошлади!

Қадам товушларини эшишиб, ўзини мудраганга солган Йўлдош ялт этиб ортига ўгирилди: тўшакларни Гулбаҳор эмас, онаси келтирган экан.

— Ҳа?! Яна нима бўлди?

Она уф тортиди:

— Кечга яқин анча тинчиб қолувди. Ақли кириб қолибди деб ўйлаб юрсам, яна ўзгарди-қолди! Ҳалигина биз билан бирга ўтириб, туппа-тузук овқатланганди ҳам. Энди эса...

— Чўзмай, кисқароқ, очикроқ гапиринг, эна! — тоқати ток бўлди Йўлдошнинг.

Она ўтов томон қараб олиб, товушини пасайтирди:

— Ўзимни ўлдираман, ҳеч кимга керагим йўқ экан, дейди!

— Тентак бўлмаганми?! — қичкириб юборди ўрнидан туриб кетган Йўлдош. Сўнг Малла ортида туриши мумкин бўлган тепалик томонга тез кўз ташлаб олди. — Нега ҳеч кимга керак эмас экан?! Ҳамма иш битган-ку! Келишилган-ку!

Она-боланинг фикр юритиш доиралари бутунлай қарама-қарши томонга айланарди.

— Мен ҳам шуни айтаман-да! — енги билан кўзларини артди она. — Ҳамма нарса битган, рўза ўтгач тўй... Ухлаб қол-

майсанми ишқилиб? Балки бизнинг ёнимизда... ўтовда ётарсан?

– Ухланг, эна. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Ишқилиб, дўсту душман олдида шарманда бўлмайликда.

Пикиллаганча тўшакларни сола бошлаган кампирнинг навбат Малланинг жойига келгайда нима қилишини билмай тўхтаб қолганини кўрган Йўлдошнинг унга раҳми келди.

– Керак эмас, эна! – деди у бир пайт виждони қийналиб. – У келмайди.

– Келмайди? – ҳайрон қолди она ёшли кўзларини унга тикиб. – Нима, сенга айтгандими?

“Ҳа, айтганди! Айтгандаям яна қандай!”

– Келса, шу пайтгача келарди-да, – деди Йўлдош бир чеккага қараб. Сўнг яна онасига юзланди. – Гулбаҳорга келсак, кўркманг... мен шу ердаман.

Она бир оз ўйлаб турди-да, Малла учун олиб чиқилган тўшакларни барибир жойида колдирди, ҳеч нарсага тушунмаётган Йўлдошнинг эса икки кўзи ўша томонда эди: уни ўша ерда кутишаётган бўлса, шунга келишилган экан, нега йиғлаляпти? Нега ўзимни ўлдираман дейди? Ёки... қочиш фикридан қайтдими?

* * *

Гулбаҳорнинг нафақат кўз ёшлари тинган, томирларидаги кони ҳам тўхтаб қолгандек эди.

“Уйига кетибди-да. Онам ҳақ, агар шундай бўлмаганда қачонлар келарди! Лекин нега ундан қилди? Мени шунчаки... ҳармак кильмоқчи бўлдими? Қайси айбим учун?!?”

Тўшак уни чён бўлиб чақаётган бўлса, ўтов томи залворли темир қопкоқ бўлиб босаётганди.

Кимнидир қарғай-қарғай, ниҳоят уйқуга кетган онаси томон сўнгти бор кўз ташлаб ташқарига чиққан Гулбаҳор уйқуси қаттиқ акани шарпа чиқармасдан ёнлаб ўтаётгандада сесканиб кетди: ёнида бир нима дўппайиб кўринадими?! Наҳотки келган бўлса?!

Ойнинг ингичка ўроғи ҳали теварак-атрофни кераклича ёрита олмасди. Юрак уриши акасининг қулоғига етиб бормаслигини худога ёлбориб сўраётган Гулбаҳор оёқ учидан бир-бир босиб, супага яқинлашганда Йўлдош – ёнбошлаб ётган бўлишига қарамай! – қаттиқ хуррак отди.

Атроф коронғу эди, аммо Гулбаҳорнинг күз ўнги унданда коронғу бўлиб кетди: кўринаётган Малла эмас, уюм қилиб қўйилган тўшак экан! Келмабди! Алдабди!

Қиз энди ўтога қайтиб кирмаслигини биларди. Нима қилади у ерда? Уйда энди унинг қиладиган иши қолмади. Кетади ва...

Бу ишни қай тарзда бажаришини ҳозирча билмасди: ҳар ҳолда бу каби ишлар умрда бир марта қилинади ва “ҳаётий тажриба орттириш” хали ҳеч кимга насиб қилмаган, зеро, бу иш натижасида бошқа тажрибалар билан тўлиб-тошган ўша ҳаёт ҳам якун топади.

Қайси томонга кетиш ҳам энди барибир – манзил битта!

Гулбаҳор шуурсиз равища ўша томонга қадам ташлади, супадаги аканинг хурраги эса баландрок янгради.

Қиз оёғига ковуш киймаган бўлса-да, кафтларига санчилаётган тиканларни аллақачон ўлиб бўлган вужуди сезмасди. Биринчи тепалик устига чиққанда у бир оз тин олди. Йўқ, чарчаганидан эмас, зеро чарчоқ ҳам ҳозирда унга бегона эди, шунчаки, энди қайси тарафга юришни ўйлаётганди.

Нимадир у томон қора куюндек елиб келмоқдами?!?

У беихтиёр жилмайди: ха, худонинг ўзи мушкулини осон қилиб, ажални у томонга юборганга ўхшайди!

Лекин у Азроилнинг отда келишини сира эшитмаганди.

Ошини ошаб-ёшини яшаган момоси (ўшанда Гулбаҳор тўрт-беш ёшлардаги қизалоқ эди) бир неча йил илгари тўшакка михланиб қолди ва бундан қийналиб – табиийки, бошқаларни ҳам шу ахволга солиб – эртаю кеч осмонга қараб ётганча, худога нола қиласиди: “Эй яратган эгам! Тезроқ жонимни олгани Азроилингни юбор! Тўйиб кетдим!”

Унинг нолаларини эшитавериб, кизикиши ортгандан-ортиб бораверган Гулбаҳор бир куни сўради:

– Моможон... Азроил қанақа бўлади? Одамга ўхшайдими?

Кампир бир оз ўлланиб қолди.

– Ҳа, лекин жуда... жуда кўркинчли бўлади... пешанасида битта кўзи, бошида иккита шохи, – деди сўнг. – Қўлида катта дарраси бўлади. Ўша билан бир уриб, ўлдириб қўя қолади, болам.

– Кейин жонингизни олиб, ўзингизни ташлаб кетадими? Жонингиз қаерда туради, момо?

Кампир бу сафар узок ўйдан сўнг жавоб берди:

- Ичимда бўлса керак.
- Азроил осмондан тушадими? – ўтовнинг хамма жойи берк томига кўз ташлади кизалок.

– Ҳа... – томга қараб ётган кампирнинг ўзи ҳам Азроил уни тешиб, сўнг ёнига тушишига кўзи етмасди. – Сал нарироқда тушиб, сўнг... эшакда келади...

Елиб келаётган от ўзини тўхтата олмай, уни кўкраги билан уриб юборишига сал қолганда, Гулбаҳор қичқириб юборди.

– Жонимни берай сенга, Гулбаҳор! – қичқириди унинг тепасида тоғдек бўлиб ўтирган “Азроил” киз ўзига келмасдан. – Кечир мени! Шундай бўлиб қояд! Мин отга! Кейин сенга хаммасини айтиб бераман!

Гулбаҳор кўзларига ишонмасди.

- Уйингизга кетмовдингизми??
- Жиннимисан? Сени ташлаб қаёққа кетардим! Отга мингаш! Аканг ҳаммасидан хабардор! Кел, қўлингни бер!
- Хабардор?! – ортига тисланди киз. – Қувадими ҳали??
- Йўк! Қўлингни бер, деяпман! Имиллама! Яхши, энди белимдан маҳкам ушла! Йўлда нима бўлганини айтиб бераман!

Унинг айтганини ғайришуурий равишда бажарган Гулбаҳор тез-тез ортига ўгирилар, асабийлашарди – бу нима юриш! Киз олиб қочадиган одам шундай киладими! Босмайдими камчини!

Малла уни хафа киладиган, ҳайратга соладиган ҳеч нарса бўлмаётгандек, кулди:

- Нима, кетиб қолди, деб ўйладингми?
- Сиз аввал акамнинг қандай билганини айтинг!
- Қўрқма! У бизни кувмайди. Аканг...
- Тўхт-а-а-а!!!

Унинг сўзи оғзида қолди, тун қаъридан кутилмаганда янграган бу товушдан иккиси ҳам бирдек чўчиб тушди.

– Акам! – кичкириб юборди товуш эгасини таниган Гулбаҳор. – Нега яна алдадингиз?! Бу нима қилганингиз! Тўхтатинг! Мен тушаман! – типирчилади билагини Малланинг омбурдек қўлидан чиқариб олиш учун.

– Шошма! – деди ўзи ҳам гангид қолган Малла. – Бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор! Аканг бундай килмаслиги керак эди!

У қоронғулик ичига кўз тикди: йўқ! Қочмайди! Керак бўлса, курашади ҳам! Тўхта-чи... қизининг қочганини билиб, балки холага бир гап бўлгандир??!

Малланинг назарида фақат қандайдир фавқулодда ҳоди-
сагина Йўлдошни бунга мажбур қилиши мумкин эди.

Ўрталарида масофа ҳали узоқ эмасди – етиб келган
Йўлдош уларга уч-тўрт қадам қолганда оти жиловини торт-
ди, кескин тўхтаган жонивор олд оёқларини баравар осмонга
кўтариб, кишнаганча, турган жойида бир неча бор айланди.

– Сенга баъзи бир нарсаларни айтишим керак! – ҳан-
сирарди Йўлдош. – Биламан, сен виждонли, ростгўй йигитсан,
аммо, уни уйингга олиб борганингда... фотихада бўлганини
айтма! Иккаланг ҳам маломатга коласан!

Малла қувончдан энтикиб кетди: мана бу бошқа гап!

– Хўп, Йўлдош ака! Ўзим ҳам айтмоқчи эмасдим.

– Кейин... унинг ҳеч кими йўқ деб айт! Тушундингми?

Етимча де!

– Акажон!!! – қичқириб юборди Гулбаҳор.

– Ўчир овозингни, шарманда! – ўшқирди Йўлдош. – Сен
 билан ҳеч ким гаплашаётгани йўқ! Малла, нега индамайсан?
Тушундингми, деяпман?!

– Нега?! – деди тили калимага келмай қолган Малла
ниҳоят. – Тўйга... бормайсизларми?

– Бу сен ўйлаётгандек осон эмас! Бўлди! Мен айтар гапим-
ни айтдим! Энди жўнанглар ва... бу ёғини менга қўйиб беринг-
лар!

У шундай деб, от жиловини ортга бурди.

– Акажон!!! – хўнгради Гулбаҳор. – Кечиринг мени!

Коронғулик қаъридан товуш янгради:

– Худонинг ўзи кечирсин сенларни!

Йигирманчи боб

Ўшандан буён уч йил ўтибди.

Бу сафаргиси – туннинг турли пайтларида юз берган қисқа
муддатлиларини ҳисобга олмаганда, албатта – уларнинг илк
марта чин маънодаги дам олишлари бўлди. Йўлнинг эса ярми-
гина босиб ўтилганди.

Тонг шабадасида барглари енгил тебранаётган ёввойи олма
шохлари ҳосил мўллигидан ерга тегай-тегай деб туради. Да-
раҳт тагига одамлар келиб жойлашганини кўрган аллакандай
улкан қуш қанотлари билан шох-шаббаларни потирлатиб ур-
ганча, уни тарк этди.

Текисрок жой танлаб, болаларни ёткизишди, ўзлари эса хориганларига қарамай чўзилгани ошиқмадилар, қолаверса, тагларига кўйиб ёки ётиб дам оладиган нарсанинг ўзи йўқ ёди: мана сизга йўл тадоригини қилмай сафарга чиқишининг оқибати!

Милтигини олманинг қуюқ шохлари орасига билинмайдиган килиб осиб кўйган Малла отларнинг оёкларига арғамчи тушов солди-да, озроқ ўтлашсин деган хаёл билан сал нарига ҳайдади.

Уларга арпа ҳам олишмабди. Умуман, керак бўладиган кўп нарсаларни олишмаган, егулик ҳам нари борса бир кунга етарди. Малла Гулбаҳорнинг уйкусизлик, чарчокликдан чўзилиб қолган юзига бир оз қараб тургач, уни сал наридаги қалингина чимлик томон бошлади. Қолаверса, ухлаб ётган болалар ёнида сухбатлашиш “хавфли” – гангур-гунгурдан уйғониб кетишлири мумкин.

– Ўша ерда ўтирамиз. Намлигидан кўркмасанг, бир оз чўзилиб олса ҳам бўлади.

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади деганлариdek, бошларига тушган кулфат туфайли туғилган юрти – ота-онасининг уйига бораётганидан жуда хурсанд эди жувон. Ахир, уч йил ўтди! Қанчалар соғинган онасини! Ўша кўримсизгина, камсукум – бошқа оталарга ўхшаб ҳар икки сўзнинг бирида чапанича сўқинмайдиган, сал айби учун болаларини – ҳали ақлинини йигиб олмаган ўғил болами, бўйи етган қиз болами, фарки йўқ! – калтак билан саваламайдиган отасини жуда соғинганди! Ҳар бир қарич жойи таниш, бийдек дашт ўртасида жойлашган ўтовини соғинганди – ўша ўтовда туғилди, вояга етди!

Акаси уни йўқлаб бир марта келди, холос. Дарвозаданоқ, уни келинлик либосида кўриб (у ҳатто синглиси билан сўрашмади, ота-онаси, уларнинг ҳол-аҳволи ҳақидаги саволларга жавоб ҳам бермади), ортига қайтмоқчи бўлди: “Бўлди, шунинг ўзи етарли, киришим шарт эмас” деди у. Гулбаҳор қанчалар зор-зор йигламасин, Малла кўлидан тортиб, ичкарига қанча судрамасин, барибир кўндириб бўлмади: “Мени ким деб таништирасизлар? Акаси дебми? – қовоғини уйди у. – Нима... сизларга айтган гапларим ерда қолдими ҳали?! Йўқ? Бўпти. Шундайлигича қолаверсин. Мавриди келса, яна ўйлашиб кўрармиз!”

Малланинг очикдан-очик хафа бўлгани, Гулбаҳорнинг кўз

ёши ҳам уни тұхтата олмади. Қаттиқ-қаттиқ чиққан товушларни эшитгач, сал кейин уйдан чиққан ота-онасииң келган одам кимлиги, нега кирмагани борасида қизиқиб берган саволларига Малла: “Бир дүстим түйга айтиб келибди, жуда олисда туради, шошиб турған экан” деди мужмал қилиб.

Йұлда кетар эканлар, Гулбаҳор бир нарсани ҳамон тушуна олмасди: вактингчаликка боришаптими ёки доимий яшаша? Умуман, режалари қандай үзи? Нега ҳамма нарсаларини ташлаб чиқиши? Үйларига ким қараб туради?

Қизлик уйига тезрөк етиб олишни үйлаб кетаётган бүлсана, бошқа яна бир савол уни қийнарди: қандай қарши олишади ҳали?

Қочиб келишаётган пайтларыда бу ҳақда гап очганида: “Бизни қабул қилмаса, невараларини қабул қилишар!” деганди Малла сира тортынмай.

Қанийди шундай бүлса!

Гулбаҳор шу оғир үйлар ичида эрига қаради:

– Нима бүлганини айтамизми?

– Йүк, албатта, – деди Малла. – Нима кераги бор ортиқча гапларнинг? Жуда керак бүлса... ҳаёт оғирлашганини важ қиласмыз. Олдин етиб борайлик-чи. – У бир оз үйланиб олди. – Балки аканға айттарман ҳам. Гапнинг очиғи, факат Йұлдош акага сүянибина сизларни кетаяпман.

Малла мушкул ахволда колғанды: яна каерга борсин? Ҳа, у Гулбаҳорни олиб қочди, фотиханы, бүлишига санокли күнлар қолған түйни бузди, уруғ-аймоғлари олдида ота-онасииң бөшини ҳам қилди. Балки (Малла хаёлан бүлса-да, “оқ қилишган” дея олмади), кизидан воз кечишгандир ҳам!

Әнг ёмона – у ёкларда ахвол қанака эканини мутлақо билмайди. У ерда ҳам Ҳайитов сингарилар изғиб юрибдимикин? Балки ундан минг марта баттарларидир?

Малла Ҳайитовнинг үша умумий үйинде айтган сүзларини тахминан эслади: “Шұро хукумати бутун үлкада үз тартибларини жорий қилмоқда...”

Агар шундай бүлса, яна шу каби воқеалар тақрорланади-ми? Наҳотки! Балки у ёқнинг одамлари биздаги бүлганидек “ҳаммаси худодан” деб, жимгина туришмас? Ҳайитовнинг үзи айтганди-ку, баъзи бир жойларда исёнлар бўлиб турибди, деб! Бир ёқадан бош чикарилса, наҳотки бутун ҳалқни бўйсундириш мумкин?

Йўлдош нима килаётган бўлса? У ҳам ўзининг кўпгина дўстлари, танишлари каби тақдирга тан бердимикин? Инсон тақдирини ўз кўли билан яратади, дейдилар. Бизнинг тақдирни ёса ўзгалар яратаяпти. Билганларича! “Истасанг шу, истамасанг – ана, катта кўча!” қабилида. Шу ҳам инсофданми? Қани бу ерда инсонлик ғурури, ори?

Гулбаҳорга ҳали бу ҳақда айтмаган бўлса-да, у қатъий қарорга келиб қўйганди: агар ростдан ҳамма жойда шундай бўлса, бу ерларда қолмайди! Айниқса, оғалиқ билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг – бу пайтда қўзил аскарлар ҳали етиб келишмаган бўлиб, яна бир неча марта сухбатлашиб олишга улгургандилар – юрт қўлдан кетганини узил-кесил англағанди. Акс ҳолда шундай одамлар хижратга йўл тутармиди? Бухородек шаҳри азимнинг қаршилик қўрсатишга қудрати етмалими, ўз қобиғига ўралиб колган майда-чўйда, йигитларининг камдан-ками милтикни кўрган вилоятлардан не умид!

Уни ўз кўзи билан қўргани – азиз-авлиёлар юрти, барча мусулмонлар учун табаррук бўлмиш Бухорои шарифнинг забт этилиши, айниқса, ҳаяжонга солғанди: инсонларнинг кадр-қиймати шуми ҳали? Ҳатто энг ваҳший маҳлук ҳам босқинчилар килган ўша ишларни қилмаса керак. Қандай килиб оёқда тик турган одам борки, ўкка дуч килинаверса?! Ерга қапишиб ётсинми энди,чувалчангү курт-қумурскага ўхшаб?

Балки ўша ҳодисани кўрмаганда, ўзи ҳам қишлоқдошлидан кўп фарқ қилмаган бўлармиди.

Бирок у ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрди, кўрганди.

* * *

Самарқанд орқали Бухорога кетаётган катта бир савдо карвони сафида кетар эканлар, гўё ҳеч нарса ўзгармагандек эди – олдин Ғузор (йўл чап бўлса-да, карвондаги баъзи бир савдогарларнинг бу шаҳарда катта микдордаги олди-бердиси борлиги маълум бўлди), кейин Шаҳрисабздан ўтдилар. Довондан ошиб Самарқандга қадам қўйганларида ҳам ҳамма нарса тинч, осоишишадек туюлганди.

Малла карвон йўлида жойлашган Самарқанд, Каттақўрғон каби шаҳарларнинг чор Россияси тасарруфида эканлиги, ушбу ҳудудларнинг кай тарзда босиб олингани, у ерларда босқинчилар томонидан қандай хунрезликлар килинганини мад-

расада ўқиб юрган пайтларидаёк эшитиб, кўнглиниң туб-тубидан худди шундай хавф Бухоронинг бошига тушиши мум-кинлиги ҳакидаги ташвиш жой олган, аммо бу ҳодиса шундок кўз ўнгидаги содир бўлишини тасаввур ҳам килмаганди.

Авваламбор, йўл-йўлакай бир неча тўсиклардан (ушбу ўзига хос кўлбола “божхоналар” аслида кимга тегишли эканлигини билишнинг ҳеч иложи бўлмади. Тижоратчилар аллақачон кўниккан шекилли, “ҳадя” қилинадиган нарсаларни олдиндан тайёрлаб қўйишар, рўй бериши мумкин бўлган босқинларнингда олди худди шу йўл билан олинарди) “омон-эсон” ўтиб олган карвон шаҳарга кира олмади. У отлик ва пиёда аскарлар томонидан батамом қуршаб олинганди. Ҳалқуми шаҳарга қаратиб қўйилган ўнлаб замбараклар эса юракка ваҳима соларди.

Аммо савдо ахли молларини қайтариб кета олмасди – бу ҳол уларни улкан харажатга тушириши ёки бутунлай хонавайрон қилиши турган гап эди. Бу ёкка йўл олишларидан олдин вазиятни тўлиқ ўрганиб чиқмаганлари учун астойдил ўкинишди, алам ичидаги ўзаро айбловлар бошланди. Шаҳарга кириш мумкин эмаслигини билганларидан сўнг ҳам иккиланиб, ишониб-ишонмай турганлари, якун қанақа бўлишига кизиқаётганлари учун (бу кизиқиши шунчаки ҳангоматалаблик, деб ўлаш хато бўларди) энг сўнгги дамгача кутиб туришга қарор қилиб, шаҳар четидаги аллақандай ташландик жойни ўзларига макон тутишди.

Малла ҳам шунча йўлдан келиб, қурук қўл билан қайтиб кетишини истамасди, аммо, кўриб турганлари олдида унинг ўша арзимас нияти нима бўлибди! Мана шаҳарлар қандай ишғол қилиниб, ахоли қай тарзда тиз чўктирилар экан! Қулоқларига етиб келган гап-сўзларга қараганда, Бухоро ахли уч кундан буён озиқ-овқат, сувсиз ҳаёт кечираётир, рухсатсиз кириш ёки чиқишига ҳаракат қилганлар жойида отиб ташланётган экан. Амир эса кучлар ҳаддан ташкари тенгсиз, шароит бу даражада оғир бўлишига қарамай, таслим бўлишини истамаётган эмиш.

Олис сафардан сўнг қаттиқ уйқуда ётганларида – балки шаҳарга хужум қилишдан олдин айрим аскарлар учун “чиғал-ёзди” машклари бўлгандир бу? – улар кўналға тутган жойга бехосдан хужум уюштирилди. Тонголди нимкоронғуси бўлганидан босқинчиларнинг афт-ангорларини кўришмаган бўлса-да, эгниларидаги ҳарбийча либос ким эканликларини ошкор этиб туарди. Қаршилик кўрсатган бир неча савдогар-

лар ўртага олиб роса дўппосланди, колганлари мол-мулк, от-уловларини ташлаб ҳар томонга тум-таракай бўлиб кетишди. Агар чакконлик қилиб қолмаганида Малланинг ҳам ҳоли не кечиши номаълум эди.

У отига қамчи уриб, шаҳар деворларидан кўп узоклашмаган ҳам эдики, замбараклардан бирваракайига ўт очилиб, ҳаммаёқни гумбур-гумбур садолари босиб кетди.

У мана шу шаҳарда таълим олиб юрган пайтида амир қўшинида ҳам шунақа курол борлиги, унинг араваники сингари, лекин анча катта ғилдиракларда юриши, ҳалкумидан улкан ўқ отилиб чиқиши ва ўша ўқ – ишониш қийин, албатта! – ҳатто тоғни тешиб ўтишини эшиганди.

Тагидаги от ҳар ўт очилганда безовталанганча ўзини у ёқ-бу ёқка урап, аммо юган қаттиқ тортиб турилганидан бу даҳшатдан узоқрокқа қочиш имконини топа олмасди. Малланинг ўзи ҳам ундан кам даҳшатга тушмаётганди, лекин қандайдир кўзга кўринмас куч уни жойига михлаб қўйган, бу тарзда олиб борилувчи уруш, жанг манзараларини умрида қўрмаганига қарамай, шаҳарга тўрт тарафдан хужум бошлангани, унинг зabit этилаётганини англаётганди.

Бир пайт илгари ўзи ҳеч эшигмаган гувиллаган товуш кулоғига чалинди. Ажабланарлиси – бу ғалати товуш тепадан келарди.

Малла шаҳар осмони узра парвоз қилаётган улкан күшларни кўриб, аввал ҳайрон қолди, сўнг бирдан ўзига келди: осмонда учувчи аллақандай аэропланлар пайдо бўлгани, уларнинг уруш ҳаракатлари пайтида жуда катта ишларни бажариши ҳақида йўлда, ўзига ҳамроҳ бўлган савдогарларнинг баъзи бирларидан эшиганди: тижоратлари жуғрофий жиҳатдан кенгроқ худудларни қамраб олган ўша савдогарлар бу борада “билимдон” эканликларини намойиш этишиб, ҳаммани оғизларига қаратгандилар.

Наҳотки шулар бўлса?

Бир пайт у аэропланларнинг корин қисмидан кичик, узунчок бир нарсаларнинг навбатма-навбат узилиб тушаётгани, тош каби шитоб билан пастга ўнғиётганини (“бомба” деганлири шумикин?), сал ўтмай, шаҳарнинг дам у ёфи, дам бу ёғида ниманингdir ўзгача бир садо бериб гумбурлаётгани, худди ўша жойлардан олов осмону фалакка сапчиётганини илғади, бўлиб ўтаётган ҳодисалардан анча узокда туришига

қарамай, одамларнинг дод-фарёдлари элас-элас қулогига ча-
линди.

Малланинг даҳшати тобора ортиб борарди: мана нима
учун ҳар жойда уларнинг қўли баланд келаётган экан! Бундай
курол билан кимларни таслим килиб бўлмайди!

У ҳали ўзига келмасидан туриб, шаҳар бутунлай ўт ичидা
колди, осмону фалакни қоп-кора тутун қоплаб, оху фарёдлар
энди барадла янграй бошлади. Аэропланлар эса калхатлардек
само бўйлаб тинмай чарх ураг, озгина пайтга кўздан ғойиб
бўлиб, кейин яна пайдо бўлишарди.

Малла энди шаҳарга киришдан маъни йўклиги, ўзига бир-
гина йўл қолганини англали – уйга! Иложи борича тезроқ!

Бор мол-мулкидан ажralиб, ҳар томонга тарқалиб кет-
ган ҳамроҳларини ахтариб ўтиришдан энди наф йўк эди.
Қолаверса, Малла уларнинг сафига вақтинча қўшилган, кар-
вондаги ҳар бир кишининг эса ўзига яраша ва ўзи интилган
мақсади-маслаги-йўналиши бор эди.

Бир ҳафтадан сўнг тани бут, руҳи эса бутунлай вайрон
этилган Малла уйга қайтиб келгач, кўрган-кечиргандарини ай-
тиб берганида (ҳаммага эмас – факт муносиб кўрганларга) би-
ров ишонди, бирор эса йўқ: ҳар холда, кўзинг билан кўрмагач...
Баъзан ҳатто ўзи ҳам, кўрганларим даҳшатли туш эмасмикин,
деб ўйлаб қолар ва энг қизиги, Бухорони забт этганларнинг
қадами бу ерларга ҳеч качон етиб келмайди, деган ишонч
бор эди кўнглида: ҳа-да! Ахир, дунёнинг бир чеккасидаги бу
кишлек Бухоро эмас-ку! Кимга кераги бор унинг!

Унинг ишончини мустаҳкамлагандек, уйга қайтар пайтида
ҳам шу каби бирон ҳодиса рўй берганига қўзи тушмади – бу-
тун йўл бўйлаб ҳамма ёқ тинч, ҳамма ёқ осуда, ҳамма ўз тирик-
чилиги билан банд эди.

Бироқ умидлари тез орада пучга чиқди: етиб келганига бир
ой ўтмай, Ҳайитов бошчилигидаги шўро ҳукумати вакиллари
Лангар тупроғига қадам қўйиб, шу кеча-кундузда барчанинг
оғзида турган ўша йиғинни ўтказди.

* * *

Ха, курашда мағлуб бўлдингми, майдонни мардларча тарк
эт! Фолиб чиққанлар кўксини кенг кериб юрган ушбу майдон
энди сени тан олмайди! Қўлингдан келса куч тўпла, чиниқ,
кейинги курашга ҳозирлан! Ахир, даврага тушган полвонлар

хам шундай қилмайдими? Күпкарида хам улокни олишга кўзи стмаган чавандоз ортиқча чиранмай, ортда қолмайдими? Ўзи хам кўп ҳолларда шундай йўл тутмасмиди?

Ха, улок қўлдан кетган кўринади.

Хаёллариға берилиб, Гулбаҳорни хам унуган Малла ёнига ўгирилди ва унинг худди сайру томошага чиққандек чим устига ёнбошлаганча ухлаб ётганини кўрди. Майли, манзилга хали анча бор. Ишқилиб, болалар уйғониб қолмасин – онала-ри эндинга кўзи илингандা хархаша бошлаш дунёдаги барча гўдакларнинг энг ёмон одати бўлса керак!

У иложи борича шарпа чиқармай, бир-бир босганча болалари тепасига келиб, беихтиёр жилмайди: улғайиб, кундан-кунга ақллари тўлиб бораяптими дейман! Ёки Гулбаҳорнинг ўйкуга кетганидан ҳали хабарлари йўқми?

Малла болаларидан узоқлашаркан, қўлини оғзига олиб бориб, қаттиқ эснади: ўзи хам чўзилиб олмаса бўлмайди. Жилла курса бир соатга.

Бироқ нияти амалга ошмади: Гулбаҳорнинг ёнига энди чўккан хам эдики, елкалариға милтиқ осиб олган уч нафар отлиқнинг бамайлихотир, ўзаро сухбатлашганча яланглик томондан шу тарафга келаётганига кўзи тушди ва эгниларидағи либос, айниқса бошларидағи куббали шапкадан ким эканликларини бирдан сезди.

Малла нима килишни билмасди: қарама-карши тарафдан келишлариға қараганда, ортидан тушишмаган! Лекин хар эҳтимолга қарши яширинсалар тузук!

Аммо ҳолдан тойган ва эндинга баҳузур ухлаётган Гулбаҳорни уйғотишга кўз киймади. Нима бўлса бўлар – барибир улгуришмайди! Қолаверса, хамма ёғи кафтдек очик бу ялангликда қаёққа яширинасан!

Малла беихтиёр ўрнидан кўзғалди, кўп ўтмай, отларнинг тапур-тупур туёқ овозларини эшитган Гулбаҳор хам уйғониб кетди ва жойида ўтирган кўйи рўмолини бошига ташлаб, бир четга ўгирилиб олди.

Аскарлардан иккитаси малларанг, кўзлари шишадек кўмкўк бўлиб, учинчисини корачадан эканлиги, юз тузилишидан ўзбек ёки тожикка ўхшагани билан, бу атрофнинг одами эмасди.

Айнан ўшениси дунёдаги барча йўллар учун жавобгар кимсадек, Малладан нима учун бу ерда ўтирганини сўради.

— Дам оляяпмиз, — деди Малла имкони борича хотиржамлик билан. — Шерободга... қайнотамниги кетаётгандик.

— Каердансизлар?

— Лангардан.

Аскар Лангарнинг қаердалигини билмайди чоғи, бир оз ўйлаб тургач, яна сўради:

— Бу ердан олисми?

— Анча-мунча бор.

— Ҳаммаёқ нотинч шу замонда йўлга чикиб нима қилардингиз? — деди аскар ҳамон орқа қилиб турган Гулбаҳорга тез кўз ташлаб олгач. — Турли-туман одамлар санғиб юрибди, талончи-босмачилар пайдо бўлган.

Малла жилмайди:

— Тўйга айтилганмиз, бормасак бўлмайди.

Аскар яна ниманидир сўрамокчи бўлиб турганда, ғўнғир-ғўнғир сухбат уйғотиб юборди шекилли, дараҳт тагида ухлаётган болалар бирин-кетин йиги бошладилар.

У ерда нималардир борлигини аввалрок пайқаган бўлса-да, аммо йўловчиларга тегишли латта-путта бўлса керак, деб тахмин қилган аскар илжайланча Маллага юзланди:

— Койил! — деди у шошилганча ўша томонга йўналган Гулбаҳорни кўрмасликка оларкан. — Қўлдаги икки бола билан чиқдиларингми яна? Толиктириб кўйишдан қўркмаганларингчи! Ўша бир товок ошни уйда есаларинг ҳам бўларди!

Малла ҳам илжайди: ёмон йигитга ўхшамайди, ҳазили ҳам ўринли. Балки у Хўжамурод сингари ноиложликдан уларнинг сафига киргандир.

— Ўзингиз каердансиз? — дўустона сўради у.

— Бухородан, — жавоб берди аскар. Қадрдон, таниш номни эшитгач Малла (ахир, ўзи нега бирдан сеза колмади — лаъжасидан шундай кўриниб турганди-ку, каердан эканлиги!) у ерда яшагани, ўқигани, яқиндагина эса ўша ёқдан қайтгани ҳақида энди сўз очмокчи бўлиб турганди, давом этди. — Амир бир гала мулозимлари, катта карвони билан куни кеча бу йўлдан ўтиб кетган. Кувлаб келаётгандик, изини йўқотдик. Мана, энди ортга қайтаяпмиз.

Малла ўзи қатнашган тўқнашувдан сўнг кизил аскарлардан иборат қўшимча кучлар етиб келганини билмагани, билишга улгурмагани боис (Ахир, барчаси кирилиб битмаганми?!), унга хайрон бўлиб каради:

– Нима... сиз тирик қолувдингизми?!

– Тушунмадим? – деди аскар ростдан ҳам ҳеч нарсаны тушунмай, Маллага бошдан оёқ күз ташлаб оларкан. – Бу нима деганингиз?

– Миша! Иди сюда! – Товушни эшитган аскар бир зумга чалғиб, сал наридаги отлар атрофида айланытган шериклари томон ўгирилди. – Сюда иди, сюда! – қичкирди шериклардан бири құли билан тез-тез имлаб.

Сафдоши нима учун қақираётганини тушунмаган бұлса-да, аскар Маллага шубхаланиб яна бир караб олгач, отини ўша томон йүрттириди.

Юрак уриши қулокларида акс берәётган Малла ҳеч нарсаны тушунмаётган эди: оғзидан гап чиқиб кетгани-ку бир бўлди, лекин анавилар отларнинг атрофида нега ўралашаяпти? Нима деяпти икки ўрис аскар буниси – бухоролик йигитга?

Оралари унчалик олис бўлмаганидан сухбат барадла эшистилиб турагар, лекин Малла ўзга тилда янграётган сўзларнинг биронтасини тушуна олмасди. Ўзбек аскар сухбат орасида неғадир у томонга тез караб олди, яна бир неча вакт чуғурлашиб турганларидан сўнг эса...

Малланинг тепасига етиб келган аскарнинг кўз қарашлари энди жуда бошқача эди.

– Отни қаердан олгансиз? – ўқрайди у. – Ху анови тўриқни?

Сал колди Малланинг юраги уришдан тўхтаб қолишига: нега сўраяпти?

– Ўзимники.

– Алдама! – ўшқирди аскар энди сансирашга ўтиб. – Шерикларим уни таниди! Бу от биздан олдинроқ келиб ҳалок бўлган аскарнику эди!

Энг кийин паллаларда бўлгани каби Малланинг ақли айни шу маҳалда шитоб билан ишлаб кетди.

– Бунисидан хабарим йўқ, – деди у янада бамайлихотир. – Мен уни кеча... бир кишидан сотиб олгандим. Қаердан олганини сўраганим йўқ, аммо жуда арzonга берди.

Сал аввал шубҳага солиб қўйгани учун аскар Маллага ишонмади.

– Бўлди! Нарсаларингни йиғиштир! – деди у кўрслик билан. – Биз билан борасан. Қочиши хаёлингга келтирма – хотининг, бола-чақанг билан қаёққа ҳам кета олардинг! Лангар-

данман дегандингми? Бўпти, ўша ерга боргач, кимлигингни, отни қаердан олганингни аниқлаймиз.

Йиғлаётган икки бола қўлида Гулбахор унинг сўзларини эшишиб, сал қолди хушидан кетишига, Малла эса қанча урин масин, танасига кирган титроқни тўхтата олмасди – бунчалик тез қўлга тушамиз, деб ўйламаганди. Энди биргина йўл қолгандек эди, аммо уни амалга оширишни эплармикин?

У олма тагида дир-дир қалтираб турган Гулбахор томонга боришдан аввал отлар турган тарафга қўз ташлаб олди: икки аскар ҳануз-ҳамон тўриқнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кўришар, ўз тилларида алланимабалолар деб чуғурлашарди...

Малланинг дараҳт танасига кураги билан қапишган кўйи узган ўқи киндигига келиб теккан (аслида, кўкрагини нишонга олганди) бухоролик йигит милтиғини елкасидан олишга ҳам улгурмади, Гулбахор додлади, болалар чинқириб юборишиди, отларнинг атрофидаги аскарлар эса...

Уларнинг ҳам бири шу заҳотиёқ ўқ еди. Малланинг учинчи аскарни мўлжаллаб отган биринчи ўқи хато кетган бўлсада, иккинчиси отнинг аллақаерига текканди, у аввал коптоқдек осмонга сапчиб, сўнг бутун оғирлиги билан ерга кулади. Йиқилаётганида аскарга ҳеч нарса килмаган шекилли, мушукдек сапчиб ўрнидан турди ва сал нарида ётган милтиқни қўлларига олишга, қўндокни кўксига тирашга, ҳатто бармоғини тепкига қўйишга улгурди.

Лекин барибир кеч бўлганди.

Йигирма биринчи боб

Бўлиб ўтган ишлар туфайли шусиз ҳам эзилаётган Малла келганига минг пушаймон еб, дунё кўзига тор кўриниб кетаётганди: қайнотасининг рўзғори таназзулга юз тутиб, аввалларида бирон нимаси билан кишини жалб қила олмас ўтовлар аллақандай абгор, ташландик ҳолга келибди. Чол янада хокисорланиб, кампирнинг илгариги тик қадди букилибди ва энг ёмони – Йўлдош киндик қони тўкилган ота маконини тарк айлаб, қаёққадир кетибди.

Ота-она хўнграганча оёклари тагига ташланган Гулбахор билан ўзларини қандай тутишни билмасдилар. Кампир қизидан ҳам кўра Маллани кўпроқ багрига босиб, узок-узок йиғлади, умрида кўрмаган қудаларининг ҳол-аҳволини сўради, икки йил

илгари бирин-кетин вафот этганларини эшигчач эса йигисини яна баландлатди, хўдодан уларга раҳматлар тилади.

Кейин навбат болаларга келди.

Кампир невараларини навбатма-навбат қўлга олиб, пепшаналаридан ўпар экан, жуссалари-ю оғирликлари бир хил эканлиги бир оз ажаблантириди, эгизак эканликларини эшигчач, ўтган уч йил орасида янада кўпроқ ажин қоплаган юзи бирдан ёришиди:

– Вой! Шунақами? Илоё умрлари билан берган бўлсин! Биттаси... қиз бола шекилли? Қийнашмаяптими? – күёвига мурожаат қилди у.

– Буни қизингиздан сўранг, – илжайди Малла.

Она афтидан қизини бирдан кечирмоқчи эмасди: унга кўз остидан караб, Малланинг кулгусини келтирганча яна унга юзланди:

– Йўлда роса чарчагандирсиз, айланай? Қорнингиз ҳам очгандир. Ҳозир бирон томоқ тайёрлайман.

– Ҳеч нарсага уринманг, хола. Ҳаммасини қизингиз қиласди. Биз бу ерга меҳмон бўлиб келмаганмиз.

– У нима қаердалигини қайдан билсин... орадан шунча йил ўтди.

– Ҳечқиси йўқ, топади. Қатик борми? Қўй қатигини жуда соғинганман, – кулди чол-кампирни ноқулай вазиятдан тезроқ чиқаришга уринаётган Малла имкони борича ўзини эркин тутишга ҳаракат қилиб.

Кампир ўнғайсизгина жилмайди.

– Соғиладиган совликлар қолмаган, айланай. Қани, ичкарига кириб, қайнотангиз билан гурунглашиб ўтириング. Қатик бўлмаса, бошқа бирон тириклик қиласмиз.

Малла гуноҳкорона (нега?), анча юпқалашиб қолган юзига худди бир нимадан уялаётгандек қизиллик юргурганча (аслида у ва Гулбаҳор уялиши керак эмасми?) кулимсираб турган қайнотаси билан фотихадан сўнг кайта сўрашиб олгач баридан воқиф бўлди – сурувлар, бой, мусодара ва ниҳоят – Йўлдош...

– Қандай кун кўраяпсизлар? – юраги увишди унинг.

– Бандасини яратган эгам емиши қайғусини ҳам ер, – деди чол яна ўша гуноҳкорона табассум билан. – Уч-тўрт бош кўй-эчки, беш-ўнта товуқ қолган. – У бир оз сукут қилди. – Сиз томонларда ахвол қандай? Бу ерда одамларнинг тўс-тўполондан боши чикмай қолди, боскинчи, ўғри кўпайди. Ҳувиллаган жойда чол-кампир юрак ҳовучлаб ўтирибмиз.

— Ҳозир қаерда Йўлдош ака?

Қайнотаси кўзини доф босган кигиз гулларига тикди:

— Билмасам, улим. Бир тўда жигитлар билан тоғу тошда юрган эмиш. Денов томонлардами-ей! Кўпдан бери келмайди. Келин уч-тўрт кун биз билан яшаб тургач, болаларини олиб уйига кетди.

Чол-кампирнинг ғариб турмушини кўрган Малла учун Лангардаги “аҳвол” ҳам бу пайтда иккинчи даражага тушиб колганди.

Йўлдош ака буларни бу аҳволга ташлаб қандай йигитлар ичиди юрибди? Нима қиласапти у ерда?

Хаёлига Ҳайитов тилга олган “босмачилар”, куни кеча ўз қўллари билан отиб ташлаган аскарнинг “йўлларда пайдо бўлган қарокчилар” хақидаги сўзлари келди: наҳотки Йўлдош ҳам ўшаларнинг бирига айланган?

Малла “босмачилар” кимлигини билмас, йўлтўсар қарокчиларни эса умри бино бўлиб кўрмаганди – ҳайтовур, шу пайтгача унга бирон қарокчи дуч келмаган, бор-будини шилмаган. Бунақа гап-сўзлар шу якин орада – шўро ҳокимияти ўрнатила бошлангандан кейингина пайдо бўлди. Не бўлганда ҳам, ҳеч ким яхши ҳаётдан босмачи ёки қарокчи бўлиб қолмаса керак. Қайнотаси қўринишидан ўзини бамайлихотир тутгани билан, ёлғиз ўғлини ўйлаб, ичини ит тирнаётгандир? Она-чи? Оналар ҳамма жойда бир – токи тирик эканлар, факат фарзандлар дарди ва хаёли билан яшайди.

Чол-кампир Малланинг қўнглига тегадиган ҳеч нарса дейишмади, ҳатто “қандай шамол учиргани” билан ҳам кизиқишимаяпти – худди қачон бўлмасин шундай бўлиши керакдай.

Малла хўрсинди: балки, бошларига ташвиш тушган бунақа пайтда эмас, эртароқ келишлари керакмиди?

Бироқ бу томондан уларни рағбатлантирувчи бирон белги, ишора бўлмади-ку! Қарияларни кўйиб турайлик, ҳатто Йўлдош йўқлаб бормади-ку! Ўша – бир марта дарвозадан қайтганини ҳисобга олмаса! Ўшанда – ортларидан от қўйиб, дашт ўртасида хайрлашаётганида, “бу ёғини менга кўйиб беринглар” демаганмиди? Қанака “бу ёқ” ҳакида гапирди, агар ўрталаридаги узилиб қолган риштани боғлаш учун қўлини қўлига урмаган бўлса? Гулбаҳорнинг “ғирт етимча” эмаслиги олти ой, бир йил орасида очилиб колганда ҳам осмон узилиб ерга тушмасди-ку!

Малла унинг учун қанча керак бўлса, шунча туриб бермасмиди! Бир сўзлилик яхши, лекин доимо – айниқса Гулбаҳорнинг ҳолатида! – ўзини оқладими? Мана шу ўринсиз событик уларга қанчадан-канча азоб келтирмади дейсиз!

Шу ўтган уч йил ичида гўёки ҳеч кими йўклигига хаммани ишонтириш учун Гулбаҳор ҳам, у ҳам бор маҳоратларини ишга солишиди. Не-не ёлғонларни ўйлаб топишмади, неча мартараб алдовлари фош бўлишига бир баҳя қолди. Оғизларидан чиқиб кетган, баъзида эҳтиётсизлик билан айтилган ҳар битта сўзни деб тилларини минг мароталаб тишламадиларми! Тирик, соппа-соғ юрган ота-онаси, бошқа яқинларини ўлганга чиқаришда худодан қўркишмадими!

Ҳа, бу жуда оғир бўлганди.

Никоҳ ўқилиб, тўйлари ўтгунча Гулбаҳор бир бало қилиб чидади, сўнг бошланди: онам - отам - акам!

Ўша ака бор гапни ота-онасига айтган бўлса-ю, буни эшитган хола ҳаммаларини юмма талаган бўлса-чи!

Айниқса онасидан жуда хавотирланди: акаси индамаган бўлса, қизим қаергадир бориб, ўзини бир бало қилиб кўйди, деб ўйлаб адо бўлаётгандир! Балки аллақачон аза очгандир!

Малла унинг куйиб-ёнаётганини уйидагилари сезиб колишидан ниҳоятда қўркарди – ким билади, кўнгилларига нима гап келиши мумкин!

Шундай бўлди ҳам.

Онаси – нима бўлганда ҳам қайнона эмасми! – бир куни ундан нега келиннинг чиройи очилмаётганини сўради: “Келиша олмаяпсизларми? Сен ҳам бошқачадексан. Ёки... хотинингдан кўнглинг тўлмадими?” – андиша билан уятнинг озгиназгинадан аралашмаси пайдо бўлди унинг юзида.

Малла ўша куни (тўғрироғи, тунда) хотинига узил-кесил шарт кўйди: “Йиғиштир! Агар шундай қиласиган бўлсанг, ҳаммасини уларга очиқ айтишга тўғри келади. Акангни қанчалик ҳурмат қилмайин, ундан бир умр миннатдор бўлмайин, кўйган талабига қараб ўтирумайман! Танла!”

“Танлов” Гулбаҳор учун қанчалар оғирлик қилганини ҳозир ҳам эслаш осон эмас: дардини ичига ютавериб бир хафта ичида чўпдай озиб, камгап бўлиб қолди, илгариги хуснидан асар ҳам қолмади, эрининг ҳали совимаган туйғуларига – асал ойи эмасми! – эҳтиросли кучишларига, эркалашларига бефарқ карайдиган бўлиб қолди. Шунча ҳаракат қилганига қарамай,

бир туни кўзида ёш яна ғилтиллай бошлаганида, Малла ҳазиллашишдан ўзини тўхтата олмади:

— Балки уйингдагиларни эмас, ўша эси паст бўлангни ўйлаётгандирсан? Ҳозир ҳам кеч эмас, олиб бориб қўйишим мумкин! Нима қипти – унга жувон ҳам бўлаверади!

Бу ҳазили учун кейин неча марта кечирим сўради – ҳозир эслай олмайди, аммо шундан сўнг Гулбаҳор уни уч кун ёнига яқинлаштиrmагани аниқ ёдида.

Уни йўклаб келган акаси уйга кирмай дарвоза тагидан қайтгачгина, келинчак узил-кесил ишонч ҳосил қилди – кўнигиш керакка ўхшайди. Уни ҳеч ким мажбур килган эмас, шу йўлни ўзи танлади!

* * *

Малла ердаги кигиз накшларидан кўз узмай турган қайнотасини ҳамон қузатарди: чарчаб қолибди. Овсар бўла нима қилаётиби экан? Ҳар ҳолда унинг кўмагига ҳожат қолмаганга ўхшайди: сурув янги ҳукуматнинг мулкига айланиди, қолган уч-тўрттасини эса чолнинг ўзи эплай олади.

Йўқ, ўзлари бу ахволда турган одамларнинг нонига шерик бўлмайди у! Демак, олдидা факт ўша йўл... қолаяптими??

Амударё бу ердан канча олисда бўлса? Аёли, икки боласи билан ундан ўта оладими? Умуман, Гулбаҳор буни қандай қабул қилади? Балки... у ҳам қизлик уйининг ночор ахволини кўриб қолишни истамас? Қолаверса, эр қаерда бўлса хотининг ҳам ўша ерда бўлиши бурч килиб белгиланмаганми? То ажал ажратмагунча ҳайтнинг барча аччик-чучукларини бирга татиши никоҳ пайтида алоҳида таъкидлаб ўтилмайдими?

Йўлдошни кўришнинг иложи бормикин? Балки маслаҳатлашиб олиш керакдир? Мени тушунар? Ахир, ўшанда Гулбаҳорнинг кетишига хайриҳо бўлди, менга ишонди-ку! Бир-бирларини кўрмай, орадан оз эмас, кўп эмас уч йил ўтди. Шундай экан, қаерда юрганимизнинг унинг учун нима фарки бор – бу ерми, Афғондами ёки ундан-да нарида!

Малла ўйлаб ўйига ета олмасди.

Ниҳоят, таомни келтиришди. Эски, лекин каттагина сопол лаганда (Малла уни дарров таниди: ҳали ҳам синмабди! Неча марталаб Йўлдош иккаласи бу лаганда “кўшкўл” бўлишмаган!) лахшак¹ буғланиб турарди. Лаганни хола, дастурхон, чойнак-

¹ Катиқли хамир овқат.

пиёлаларни эса Гулбаҳор кўтариб олганди. Малла дарҳол унинг кайфиятига эътибор берди: ёмон-ку! Ҳали хам она-бала ўртасидаги муносабат созланмадими?

Қайнонанинг хам чехраси тунд эди.

Дастурхон ёзилиб, лаган ўртага қўйилгач, ўчоқ бошида овқатланишларини айтиб чикиб кетишгач, қайнота Маллани унлади.

— Тортинмай олаверинг. Сизлар томонда ҳам лахшак килишадими? — деди у кулиб. — Бизди кампирнинг билгани шу энди.

Чолнинг сўз оҳангига таомнинг камтарлиги, шу кеча-кундуздаги кечираётган турмушларининг ўта ночорлигига ишора бор эди.

Малла жилмайди:

— Албатта! Орамиз олис бўлгани билан, ҳаёт тарзимиз бир хил. Таомларимиз ҳам. Менга жуда ёқади, — деди уни хижолатдан чиқариш учун.

Кўп ўтмай қайнонаси янги дамланган жийда чой келтирди, чикиб кетиши олдидан эса куёвига бир неча сония ғамгин тикилиб тургач, билинар-билинмас уф тортди.

Бунинг ўзига яраша сабаби бор эди.

Гулбаҳор хамир қораётган пайтда меҳри товланиб кетган кампир беланчакда ётган Ҳасанни қўлига олгач таги ҳўл эканлигини билиб қолди ва болаларнинг нарсалари қаердалигини сўраганида, негадир ўзини йўқотиб қўйган Гулбаҳор хамир юки қўлларига тикилганча, ҳеч нарса олмагани, ёдидан чикиб колганини қизариб-бўзариб айтди.

Таажжубланган она аввал унга ишонмади.

— Икки болалик бўлибсан-у, ҳалиям болалигинг қолмабдида! — деди сўнг ўзини тутиб тура олмай. — Йўлда нима қилдиларинг? Шиптирини саситиб, бутларини бичитиб юравердиларингми? Ҳах, эси йўқлар-а! Бирон бошқа латта-путтанг борми? Эски-туски кийимингми?

Унаقا кийимнинг ҳам йўқлигини эшитган кампирнинг ранги ўзгарди ва эндинина эътибор берди: вой худойим-эй! Эски кийим эмиш! Устидаги нима бўлмаса? Бу нима юриш! Уч йилда бир уйга келиб, кийиб юрган матахини! Кўрганлар, айниksа холоси нима дейди! Фотиҳани бузиб олиб қочиб кетган суюкли эрининг кийдиргани шуми деб ўйламайдими?

У пастки лабини тишлади: қизидан ҳам, куёвидан ҳам ҳеч

нима тاما қылмоқчи эмас! Шунча йиллик айрилиқдан сүнг йўқлаб келишибди – шунга ҳам шукр! Кўрмай ўлиб кетамани, деб қўркканди, лекин... лекин нега жуда бўлмаганда ўзлари учун ҳеч нарса олишмаган? На кийим-кечак, на егулик? Ҳеч бўлмаганда... тўртта нон?

Она хаёlinи жамлади: ҳа, энди эслаяпти – ҳеч қанақа тугун кўрмади... хуржуналар ҳам... бўм-бўш эди. Ҳар қандай аёл бирон жойга бораётганда қурби етганча тугун қилади – бирор зориқиб қолганидан эмас, урф-одат шундай! Бунинг эса эгнидаги чит кўйлақдан бошқа бирон нарсаси йўқ.

“Наҳотки кунлари ўтмай келишган бўлса?! У ёқда ҳам биздагидек тўс-тўполноми? Йўлдош ҳам кетаётганда айтмаганмиди, бутун юртда ахвол шу эканлигини”.

Тўсатдан бошига келган ўйдан онанинг юраги музлаб кетаётган бўлса-да, туйғуларини сиртга чиқармасликка ҳаракат қилиб – зора гапдан-гап очилиб қолса! – кизидан сўради:

– Тинч-тотувгина яшаяпсизларми? Онангман ахир, ҳамма нарсани билишим керак.

Гулбаҳор Малланинг берган йўрикларини ҳали ёдидан чиқармаганди:

– Куёвингиз жуда яхши одам, – деди у тоғорадан кўз узмай. – Ҳалигача бирон марта хафа килмади. Болаларни ҳам яхши қўради.

Онани бу жавоб унчалик қониқтирамади.

– Уч-тўрт кун турсаларинг керак? – синовчан тикилди у.
Кизи бутунлай довдираб қолди.

– Билмайман, эна. Буни... буни қуёвингиз ҳал қилади!

Мусулмон аёлининг оиласада эрига бўйсунгани яхши, лекин гап оҳанги... Ҳатто онасининг юзига қарашга журъат қилмаяпти-ку!

Онага энди кўп нарса аён бўлган эди. Ҳамон кўлида типирчилаётган қип-яланғоч Ҳасани бағрига босиб, тикилиб келган кўз ёшини ичига ютиш учун қўринар-қўринмас киприкларини пирпиратди.

* * *

Қайнонасининг ўзига зимдан разм solaётгани Малланинг кўнглига хавотир солди: бир нимани сезганга ўхшайди. Ёки Гулбаҳор...

– Акангизнинг ўтови бўш, – деди бир пайт қайнонаси кў-

лидаги сопол пиёлага нигохини тикиб. – Бундан бүён ўша ерда яшайверасизлар. Гулбаҳорга айтдим, супуриб-сидириб кўяди. – У ялт этиб ўзига караган Малланинг кўз карашига эътибор қилмай, энди чолига юзланди. – Йўлдош, кеч бўлмасдан ола товукни саранжомланг – эмизикли аёлга курук хамир овқат ўрнига ўтадими.

Гулбаҳор онаси ва ўзи ўртасида бўлиб ўтган гапларни Маллага айтиб бергач, ўртада узок сукунат чўкди.

– Бу ерда уларга ортиқча ташвиш бўладиганга ўхшаймиз, – деди Малла. – Ўтган ишларни ҳам эсладиларми?

– Кетганимиздан кейин икки-уч ой ўтгачгина холам билан борди-келдини тиклашибди. Аввал бутун гуноҳимизни бўйинларига олиб, индамай юришган экан, кейин аразлаб юрган холамни юпатиш учун “тўйгача барибир... ўзини бир бало қиласарди, менга ўзи айтганди, баттар шарманда бўлганимиз коларди”, дебди.

– Ростдан ҳам... шундай деганимидинг?! – бошини ёстиқдан узди Малла. – Менга... айтмовдинг-ку!

Гулбаҳор жавоб бермади.

Малла хаёлан яна ўша уч йил илгариги воқеаларга қайтиди ва ушбу савонни беришдан барибир ўзини тўхтата олмади:

– Бўланг нима қиласяпти эмиш?

Салдан сўнг берилган жавобдан Малланинг аъзойи бадани жимирилаб кетди:

– У... ўлибди.

“Нима?! Ўша воқеа туфайлими? Шунинг учун ўзини ўлдирибдими? Наҳотки... наҳотки ўшандай одамлар ҳам бунга... кодир?!?”

– Қандай қилиб? Қачон?! – сўради у жон ҳолатда.

Гулбаҳор пикиллади:

– Ўша... биз билан бўлиб ўтган воқеадан сўнг ярим ой ўтгач, мол бокиб юрганда... даштда... кўлбар илон чакиб олибди. Қоронғу тушганда ҳам қайтиб келавермагач, кетган томонига бориб қарашса... кўм-кўк бўлиб, оғзидан кўпик келиб ётган. Кўтариб келаётганларида жони узилибди.

Малла кимир этмай ётарди: гарчи ўша йигит (ким билади, у шўрлик кимнингдир гунохи эвазига мана шундай дунёга келгандир!) баҳтсиз ҳодиса туфайли вафот этган бўлса-да, кўнглининг туб-тубигача айбдорлик хисси чулғаб олганди. Йиғитнинг қай кўринишида бўлганини хаёлан тасаввур килишга

канча уринмасин, уддасидан чика олмади. Қайтанга, күз ўнгидан эгасиз колган уйи, опалари, поччалари, сон-саноқсиз жиянлари, келин бўлганига бир ҳафта ўтмаган Ҳожар, дўсти Эшмамат ўтди.

Уйидаги китоблар нима бўлади? Наҳотки уларни ҳам “эскилик сарқити” деб ёкиб юборишса? Ёки аллақачон шундай қилишдими? Нега аввалроқ уларни... ҳеч бўлмагандан Эшмаматга бериб қўймадим!

Шу ерда Малланинг юрагига оғриқ кирди: унинг каердалигини сўраб, ҳаммаларини қистовга олишаётган бўлсачи! Наҳотки энди уларни бошка кўрмаса?!

– Энам шу ерда қолаверинглар деяпти, – деди бир пайт кимдир шундок ёнгинасидан.

Хаёли бўлинган Малла ёнбошига ағдарилиб, хотинининг кўлини кафтлари орасига олди:

– Ўзинг аҳволни кўриб турибсан.

– Бу нима деганингиз? – ёстиққа ёнбошлади Гулбаҳор. – Шунинг учун келмаганимди? Ана, акам ҳам каергадир кетиб, ота-онам бутунлай ёлғиз қолибди. Агар бу ерда қолмасак... қаерга борамиз? – сўради у бир оз ҳадик билан. – Уйга қайтамиزمи?

– Нималар бўлгани ёдингдан чиқдими? – уф тортди Малла. – Мени орадан кўтариш учун шусиз ҳам пайт пойлаб юришганди. Бунинг устига, гарчи гувоҳлар бўлмаса-да, йўлда анови аскарларни отиб ташлаганим... Энди биз учун орқага йўл йўқ.

– Неча кун турамиз бу ерда? – онасининг саволини эслади Гулбаҳор.

– Билмадим. Туриш керак бўлса ҳам фактат сен, мен эса... акангни топишим керак.

– Вой, қандай яхши! – хитоб қилди бир зумда барча қайғу-кулфатларини унутган Гулбаҳор шодлиги ичига сифмай. – Олиб келасизми?

– Билмадим, олдин топайнин-чи, – деди Малла бир оз ўйланиб тургач. – Лекин бу сен ўйлаётгандек осон бўлмаса керак.

– Качон кетасиз? – сўради хаёли энди фактат акаси билан банд Гулбаҳор.

– Эртага.

Унчаям юмшоқ, жудаям тоза бўлмаса-да, машақкатли са-фардан сўнг қакшаган танларга ором берувчи тўшақда бир-

бирининг қўлини тутганча уйкуга кетишиди. Чўл ҳавоси ёқдими ёки от устида силкинавериб тинкалари қуриганми, Ҳасан ва Зухра ҳам тонг отгунча бирон марта уйғонишмади.

Йигирма иккинчи боб

Малла сафар олдидан ўйланиб қолганди: бешотарни ўзи билан олсинми ёки қолдириб кетгани маъкул?

Бизга маълум ҳодиса рўй бергандан кейин ҳам қархисида айнан шу муаммо пайдо бўлганди: сўнгги аскарни отиб ташлагач, унинг биринчи килган иши қўлидаги бешотарни отиб юбориш бўлди ва у анча олисга бориб тушган жойдан кўз уза олмай қолди: “Балки яна керак бўлар? Йўлда бошқа аскарлар ҳам келаётган бўлса-чи! Балки ўқ товушини эшитиб, аллақачон от қўйишгандир?! Милтиқиз улардан қандай химояланаман?”

Ўйлаб ўтиришга вакт қани – Малла бешотар тушган жойга югорди.

– Ўтирма! – деди у хотини ёнига қайтиб келгач. – Шошилишимиз керак! Болаларни ол! – Аммо Гулбаҳор уни эшиитмаётгандек эди: бошини чанглаб олганча (ёки ўқларнинг кар килувчи овозини бошқа эшиитмаслик учун қулоғини беркитибми?), жойидан кимирламас, бор овозда йиғлаётган болаларини ҳам эшиитмасди гўё. Малла уни қарахт ахволдан чикариш учун елкасидан тутиб, каттиқ силкалади. – Тур деяпман!!! – кичқирди у. Бу ҳам кор килмагач, қўлтиғидан даст кўтарди. – Бу нима килганинг? Шундай тураверсак, колганлари ҳам етиб келади! – Пўписа дархол таъсир этиб, ҳозиргина кўз ўнгидагодир бўлган даҳшатдан қалт-қалт этаётган Гулбаҳор ўрнидан сапчиб турди. – Тезда отларга! Йўқ! У энди бизга керакмас, меникига мингашасан! Қани у!

У тушовланганига қарамай, олатасир отишмадан қўркибми анча нарига бориб, олайган қўзларини эгасидан узмай турарди. Аскарларнинг отлари ҳамда таниб қолинган тўрикнинг кишинағани қайлардандир эшитилди.

Отни етаклаб келишга ҳам вақт кетишини билган Малла гўдакларни кўкрагига босганча ўша томонга югорди.

Кўркувдан ўзини у ёқдан-бу ёкка ташлаётган жониворни бир илож килиб тушовдан бўшатиб, айилини тортган Малланинг юраги қинидан чиккудек урар, хаёлида бошқа аскарлар ана-мана этиб келадигандек эди.

Йўл бўйлаб кетишдан энди маъни қолмаганди, кутилмаганда келиб чиккан вазият имкони борича ундан, янада муҳимроғи, отиб ташланган аскарларнинг таналари ётган жойдан олисроқда бўлишни талаб киларди.

Малла изни яшириш учун атай бир чақиримча ортга қайтди ва ҳеч ким қувмаётганига ишонч ҳосил килгач, от бошини таваккал қилиб ўнг томонга – адирга бурди.

У эҳтимол қилаётган аскарларнинг етиб келиши хавфи бўлганда ҳам отни югуртиришнинг асло иложи йўқ эди: ўзининг бир қўлида жилов, иккинчисида камчи бўлгани боис икки бола ҳам Гулбаҳорда бўлиб, ҳар қандай ортиқча ҳаракат ва тезлик уни – қўшимчасига, болаларни ҳам – отнинг устидан итқитиб юборарди.

Гулбаҳор тинимсиз йиғлаётган гўдакларни ҳеч овута олмаётганди. Айниқса Ҳасаннинг овози жуда баланд чикиб, Малланинг кулоқларини тешиб юборай дерди. Лекин у хотинига ҳеч нима демади: ўзи болаларга қўшилиб йиғламаяптими, шунга шукур килиш керак!

– Қўлинг толмадими?

– Толди! Милтиқ ҳам тегиб кетаяпти!

Малла бешотарни елкасидан олиб, хуржуннинг кўзига тиқди. Лекин бу қўринишда (бешотарнинг ярми хуржундан чикиб туради) мабодо кимгадир, аникроғи, яна аскарларга дуч келиб қолса, натижаси яхши бўлмасди. Яхшиямки, ҳозирча хавотирга ўрин йўқдек – у от солган томонда нафақат аскарлар, умуман тирик жоннинг бўлиши даргумон эди, ўтиб бўлган ёзнинг жазирамаси туфайли қорайиб кетган қандайдир тепаликлар сафланиб туар, улардан нарида нима борлиги эса номаълум эди.

Йўлдан қанча узоклашмасинлар, кейинроқ яна чиқиб олиш учун унинг каердалигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Шеробод қай тарафдалиги-ку маълум, лекин бу нотаниш жойларни оралаб, качон етиб боришади? Ўзи-ку ҳар қандай қийинчиликка чидар, аммо хотини ва йигидан томоғи хириллаб колган гўдаклар-чи!

Малланинг чанг босган киприклари намланди: керакмиди уларга шу азоб? Балки у ҳам одамлар қатори яшаб юрганида...

Бу хаёлни у тезда ҳайдади: асло! Қийналишар, балки соғликларини йўқотишар, аммо ўша ювуқсизларнинг юзини кўрмаслик, дину иймонни саклаш йўлида бу нима бўлибди!

Агар борадиган манзилларида ҳам шу ҳолат бўлса... яна олға босади! То шўронинг ўлим келтирувчи, мусулмонни коғирга айлантирувчи кадами етмаган маконни топмагунича тўхтамайди!

Гўдакларнинг эса овози ўчай демасди.

– Хозир иккови ҳам бўғилиб колади! – кичкирди Малла от жиловини тортиб. – Кани, бирини менга бер! Сут билан оғзини ҳўлла!

– Олмаяпти! – деди бифиллаётган Ҳасанга қўкрак тутаётган Гулбаҳор бир оздан сўнг йигламсираб.

– Нега олмайди?!

– Билмадим, сира бундай қилмасди, – пиқиллади Гулбаҳор. – Чикариб ташлаяпти... сут келмаётгандир.

Малланинг юраги шув этиб кетди: “Ҳа-я! Қаердан ҳам сут келсин – кечадан буён деярли туз тотмади-ку! Йўлга олинган иккитагина нонга мен ҳам шерик бўлдим-ку!” – изтироб ичиди ўйлади у Қапчигай тепасида турганидаги ўша икки-уч кун орасида ҳам Гулбаҳорнинг томоғидан ушоқ ўтмаганини мутлақо унудиб.

Мана, энди бу нарсалар ўзини билдираяпти – йифидан нафакат томоғи, очликдан вужуди куриб бораётган гўдакларни эмизишга энди қўкракда сут ҳам йўқ!

Малла қўлидаги Зухра билан отдан тушиб, уни ерга ёткизди, сўнг қўлларини Ҳасанни бағрига босиб турган Гулбаҳор томон чўзди...

Атрофда жон зоти кўринмас, ҳаммалари учун ҳаёт худди шу ерда тугагандек туюлар, туни билан юрилган йўл, аскарлар билан бўлган тўқнашувдан сўнгги қўркинчли, ҳаяжонли ҳолат ва унинг асоратлари, оч болалар – гўё ҳаммаси шу якунни башорат қилмоқда эди. Болаларнинг ҳам энди овози чикмас, қайтадан отга минишнинг маъноси қолмаганди.

Қанча ўтиришганини билмайди, бир пайт отининг турган жойида айланганча безовталанаётганини кўрган Малла унинг қаерларгадир тикилиб турганига эътибор қилди ва ўзи ҳам ўша томонга беихтиёр ўгирилди: анча олисда турган бир отлик кўзига офтоб тушмаслик учун ўнг кафтини пешанасига айвон қилиб, уларни кузатарди.

– Кимдир бизни пайқаган шекилли, -- деди у хотинига.

Гулбаҳор чўчиб тушди:

– Ким?! Аскарларми?!

– Билмадим. Лекин икки кўзи бизда. Фақат сен кўркма...

Гулбаҳор тезда ўрнидан турди, Малла эса бешотарни кўлига олиб, на химояга тайёрланишни, на уни кўздан нари улоктиришни биларди.

Номаълум отлик олисда бўлишига қарамай ўтирганлардан бири аёл киши эканини пайқаб (Гулбаҳорнинг этакларига кашта тикилган кенг, алвонранг кўйлаги шамолда ҳилпирарди), отини шу томонга никтади.

– Келаяпти! – шивирлади Гулбаҳор. – Қочамизми?!

– Қани, яқинроқ келсин-чи, – деди Малла, сўнг, отни тинчитаётган киши бўлиб, жиловни тутди, иккинчи бир ҳаракат билан эгнидаги чопонини ечиб, эгар оша милтиқ устига ташлади.

Етиб келган номаълум отлик бошига қоракўл телпак кийган, басавлат, қоп-қора соколли ўрта ёшли киши экан. У отини беш-олти қадамча нарида тўхтатгач, нигоҳи аввал Малла, сўнгра Гулбаҳор ва гўдаклар узра сирғалиб ўтди.

– Нима килиб ўтирибсизлар бу овлок ерда? – сўради у киргий караш килиб. Малла бир неча муддат қизил аскарга берган жавобини такрорлагач, ажабланди. – Шерободга олиб борадиган йўл нарёқда-ку!

– Тунда йўлга чиккандик, адашиб қолдик. Энди нима килишни билмай ўтирибмиз, – деди Малла истар-истамай (Нега ҳамма бизга ёпишиб қолди ўзи!).

Номаълум шахснинг оти байтал бўлгани учунми, жиловидан қаттиқ тортиб турилганига қарамай, Малланинг оти у томонга талпина бошлади, бурун катаклари керишиб, қаттиқ пишқирди.

– Нега тунда йўлга чиқасизлар? – баттар ажабланди отлик. – Қаердан келаяпсизлар?

Бошланди!

Малла аниқ манзилини айтгиси келмади:

– Оқдаҳанадан. Бу ердан анча олис, эшитмаган бўлсангиз керак.

– Нега эшитмайин? – деди отлик бир пайт қулимсираб. – Лангаротадан кейин-да! Ўртада яна бир-иккита майдабурида огул бор, дарё бўйида... шундайми? Яшанг! Биз савдо ишлари билан Шаҳрисабзга борища доимо уни ёқалаб ўтардик. Бир марта кишлокларингизда тўхтаганмиз ҳам. Ёдимда йўқ кимницида эканлиги. – Синовчан тикилаётган чавандозни энди

Каршисида турғанларнинг кўриниши таажжубга солаётганди: “Хорғин, озиб-тўзуб кетишган, эгнилари ҳам бир ҳолда. Жуда камбағал бўлишса керак, акс ҳолда бу кўринишда тўйга бориб бўладими! Яна иккита бола кўтариб олишибди. Ҳа, камбағални худо факат бола билан сийлайди!” Унинг йўловчиларга раҳми келди. – Кўриб турибман, қийналганга ўхшайсиз. Яхиси, бундай қиласиз: ҳозир меникига бориб, дам олиб, қоринларни яхшилаб тўклаб олгач (йўловчиларнинг очликдан силласи куригани кўриниб тургани учун буни ҳеч бир хижолат чекмай айтди), яна йўлга тушасиз. Келишдикми? – Малла жавоб бернишга ҳам улгурмади. – Қани, отга минамиз унда.

Малланинг юраги қувончдан ҳаприкиб кетаётганди: худонинг марҳамати эмасми бу! Йўлларида Хизр учрагани эмасми!

Ҳа, номаълум кишини бошқа ҳеч ким билан таққослаб бўлмасди!

Анча-бунча йўл босилиб, куп-қуруқ тепаликлар ортда колгандан сўнг денгиздек ястаниб ётган янтоқзор бошланди, кейин эса...

Малла бирон овулга бораяпмиз дея хаёл қилганди, лекин дашиб ўртасидаги ғарибина ўтовга етиб келишгач, уларни ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги хушбичим ўспирин ҳамда бир жуфт бўрибосар кутиб олди. Ўспирин бегоналарга ташланиш учун шай, бор овозида вовуллаётган итларни бир бало килиб тинчлантиргач, кўлини кўксига кўйиб салом берди.

– Мехмоннинг отини боғлаб, арпа сол, кейин ўтовда жой қил, – йўл-йўлакай топшириқ бера бошлади мезбон. – Аканг... йўқми? Майли, келиб қолар. Сут... яхши-яхши, унда қасрдалигини мана бу опангга кўрсат. Кечаги ош... э, еб кўйгандикми?! Ҳаммасини-я? Унда тез ўчокни ёқ-да...

Оқдаҳанада қачонлардир жуда яхши меҳмон қилишган шекилли, шунинг ҳиссасини чиқариш учун бўлса керак, яна кўп нарсани буюриб ташлади.

– Шундай гаплар, – деди мезбон тўйиб ейилган мазали овқатдан сўнг чойни қайтарар экан. – Агар шу ерда сакламасам, олдиларига солиб, ҳаммасини хайдаб кетишади ярамаслар. Умримда бунака очкўз одамларни кўрмагандим – кишлоқда мол колмади ҳисоб! Товукларга ҳам кўз олайтиришяяпти. Индамасанг, ҳалигингни ҳам кесиб олишдан тойишмайди. Яна гала-гала бўлиб юришади де, итга ўхшаб! Билмадим, қанча вақт бундай яшириниб юраман. – У ўтов ичига

аланглади. – Қара, шу ҳам ҳаётми: ит юриш, мирза туриш! Мабодо каердалигимни бирортаси бориб чақса-чи! – У Малланинг кизариб кетганини кўриб, илжайди. – Йўқ, йўқ, ўзингга олма. Қишлоқдошларимиз, биронта мени биладиган дейманда! Ҳасад қилувчилар камми! Ҳатто ўзингникилар ичида топилади бунақалар. – У Маллага зидан назар солди. – Камбағал болага ўхшайсан, шунинг учун бунча нарсадан бирданига ажралиб қолиш нималиги сенга коронғу. Ма, чой ич! – мурувват кўрсатди у. – Испинг нима эди? Малла? Яхши, меники Холмурод. – У бир оз сукут саклади. – Савдо ҳам ўлди, ўз молингни ўғирликни яширгандек яшириб кун кўрасан. Ҳаммаёкни тиланчи-ю дайди босди.

Маълум бўлишича, жонларига аро кирган бу одамнинг тўрт сурув қўйи бўлиб, ўзи кабиларнинг мулки, чорваси мусодара қилина бошлагач, кўздан пана шу жойда уларни яширибди, тўрт нафар ўғли навбатма-навбат хабар олиб туришаркан. Орзуси ҳаж зиёратини амалга ошириш бўлиб, отаси ҳам ўзига насиб килмаган мусулмончиликнинг шу муҳим амалини вафоти олдидан ўғлига васият қилган экан, аммо вазият тўсатдан ўзгариб, буларнинг бари савол остида қолибди.

У болишга ёнбошлаган қўйи жойидан сурилиб, хумдек бошини кутилмаганда Маллага яқинлаштириди:

– Бир нимага тушунмай турибман... факирлигининг-ку кўриниб турибди... лекин гап-сўзинг, ўзингни тутишингдан... хат-саводли йигитга ўхшайсан-ку!

Бегона, синалмаган одам бўлишига карамай, Малла умринг ўша ёрқин даврларини яшириб ўтиради.

– Бухорода ҳам ўқидингми ҳали? – сўради ҳайратга тушган Холмурод хижолатланганча кулиб турган меҳмонидан. – Нега унда бу ахволга тушиб қолдинг? Ёки сени ҳам хонавайрон қилишдими бу мўр-малаҳлар? Бола-чақанг билан қўчада қолдингми? Шунинг учун қайнотангниги кетаяпсанми?

– Шундай деса ҳам бўлади, – деди Малла ушбу олижаноб инсоннинг тахмини ўзига ҳам маъкул тушганидан.

Холмурод нима ҳақдадир ўйлаб қолгандан сўнг галати илжайди:

– Биласанми... Маллабой... нима қиласан ўша... қайнотангницида? Шу ерда... мен билан қолмайсанми? Сенга ўхшаган одам менга жуда зарур! – Малла беихтиёр бирон ҳаракат қилди чамаси, у ўнг кўлини тепага кўтарди. –

Шошма! Аввал эшит! Ҳар қанча яқининг бўлмасин бирон кариндошиникига бориб яшаш эркак киши учун номуносиб, аввалимбор! Бир ўзинг бўлсанг ҳам майли, тагин бола-чаканг билан! Тушун, буни сенга ҳаёт тажрибаси бор одам гапирайпти!

Малла унга ҳайрат билан тикилиб турарди: унга нима заруратим бор? Нима қиламан бу ерда?

– Раҳмат, Холмурод ака, умрингизда биринчи марта кўриб турган одамга шунча илтифотингиз учун. Лекин... тушунмаяпман... қандай килиб...

Холмурод уни кўп гапиргани қўймади:

– Мен бир нимани билмай айтмайман! У ерда қиладиган ишинг йўқ, мажбуран кетаяпсан! Мен эса ўз муаммоларим хақида ҳозиргина сўйладим. Келгуси режам... агар шу ахвол давом этадиган бўлса, бу ерлардан кетиш! Бутунлай! Ана бўлмаса! Билдингми!

Малланинг юраги тез-тез ура бошлади.

– Қаёққа?!

– Ҳозир кўпчилик мол-мулк, хотин-бола-чакасини олиб... хорижга кетаяпти.

Малланинг юраги баттар дукурлади, бир оз вақт нима деишини билмай турди.

– Сиз ҳам кетасизми? – сўради сўнг.

– Айтдим-ку, бошқа иложи қолмаса, деб!

– Ҳўп, ундей бўлса... мен бу ерда колиб нима қиламан?

– Ё тавба, нимаси тушунарсиз экан! – кулди Холмурод. – Бунда ҳам, унда ҳам ёнимда бўласан! Мана гап қаерда! Қўрқма, хизматкор қилиб олмоқчи эмасман. Сендеқ билимли йигит айникса ўша томонларда жуда аскатади. Мен хатсаводсиз одамман, лекин пул санашни яхши биламан... Нима киласан коғирларга қўшқуллаб топшириб қўйилган бу юртни? Борингни-ку, шилишибди, энди иймонингдан ҳам ажралмокчимисан? Ёки мана бундай бошпанасиз, оч-юпун юриш учун қоласанми? Кейин бутун оиланг бирон кимсасиз даштда, бир тўдага ғуж бўлиб олиб жон таслим қилиши учунми? Ҳудди кўзи очилмаган кучукболалардек! Тагин, миннат килаяпти деб ўйламагин-у, мен келиб қолмасам нима килардиларинг? Бўлари гапни айтаяпман-да! Ота-онанг... – Малла бош чайқади. – Албатта! Акс ҳолда бундай хор қилиб қўйишармиди сени! Ҳали айтди дейсан – туғишган акаукалардек бўлиб кетамиз.

Холмурод яна күп нарсаларни айтиб ташлади, Малла эса нокулай ахволда қолганди: яна күз ўнгидан бир-икки соат илгариги ночор ахволи, бу одамнинг мўъжиза сингари пайдо бўлиши ва нимасини яширади! – тирик қолганлари ўтди. Унга рад жавобини бериш кўрнамаклик эмасми? Олдинда нима кутаётганини (ҳали қайнона-қайнотаси қандай қабул қиласди!) билмай туриб, болаларинг оч-юпун бўлиб турганда, узатилган кўлни силтаб ташлаш ақлданми? Яна бундай имконият бўладими-йўқми!

Тўғри, бу одам айтаётган таклифнинг баъзи бир жойлари унинг режаларида йўқ. Тўхта-чи... умуман, қандай режам бор ўзи? Айни пайтда? Сухбатдоши айтаётганидек (очлик, ночорлик туфайли эмас, янги ҳукумат вакиллари билан бўлган тўқнашувдан сўнг кочиб келаётганини ҳисобга олмаганда, тахминлари ҳар сафар тўғри чикмокда), иложсизликдан кетаяптику қайнотасиникига!

У нигоҳини кўтарди:

– Холмурод ака... майлими бир ўйлаб кўрсам? Нима бўлганда ҳам Шерободга бориб келишимиз керак. Келинингиз уч йилдан буён ота-онасини кўрмади. Кейин... мабодо мен сизниги келганимда ҳам, у ўша ерда колади. Кўриб турибсиз, болаларимиз ҳали жуда ёш.

Холмурод бу сўзларни деярли ризолик деб қабул қилди, лекин...

– Хотинингни у ёқда қолдириб нима қиласан? – энсаси котди унинг. – У энди сенинг хасминг! Ота-онаси “ахволинг ночор бўлиб қолса, келтириб ташлайсан” деб беришмагандир? – у оғир кафти билан Малланинг елкасига урди. – Шу ерда яшайверасанлар! Эгниларинг бут, коринларинг тўқ бўлади. Энг асосийси, кейинги режалар ҳақида унутма – кетадиган бўлиб қолсак, улар ҳам сен билан кетади. Билиб қўй, хотининг, болаларингни қолдириб кетсанг, Оллоҳ олдида гуноҳга ботасан! Бунга ҳаккинг йўқ!

Малла унга хаёлчан кўз ташлади:

– Сиз ҳам олиб кетасизми?

– Кимга қолдирман бўлмаса? – деди баттар энсаси қотган Холмурод. – Бошқача бўлиши мумкинми! – У ўрнидан турди. – Бўпти, бу мавзуни кейин давом эттирамиз, хозир эса ўғлим иккаламиз сурувлардан хабар олиб келишимиз керак. Биз кетгач, болаларингни шу ерга олиб кир, дам олишсин. – У яна нима

ҳақдадир ўйлаб олди. – Ҳа, йўлимиз бир оз олис, шунинг учун кечрок қайтишимиз мумкин. Қишлоқдош бир йигит сурув бошида... карашиб турибди. Камбағал, хеч кими йўқ. Айтганча, мабодо кетадиган бўлсак, уни ҳам бу ерда қолдирмайман.

Холмурод ва унинг ўғлидан шу кетганча окшом тушганда ҳам дарак бўлмади, демак, чала қолган сафарни давом эттириш ҳакида ўйлашнинг ўзи ортикча эди. Малла хўрсинди: балки бу ҳам яхшиликкадир – болалар ҳамон ўзига келгани йўқ. Мана, салқингина ўтовда, худди тўйган қўзичоклардек онала-ри қўйнида маза килиб ором олишмоқда.

Атрофни зим-зиё қоронғулик босгандагина қайтиб келган Холмурод отдан тушибок, сўради:

– Милтиғинг бор эканми? – Бехосдан берилган саволдан Малла ўзини йўқотиб қўйганини кўриб, кулди. – Ҳайрон бўлма! Ўғлим отингни эгар-жабдуқдан бўшатаётганда қўзи тушган экан. Йўлда, анча юрганимиздан кейин айтди. Кўрсатчи! – Малла ўтов ичига кириб, бир зумда қайтиб чиқди. Милтиқни кўлига олган Холмурод, кувончидан ҳайкириб юборди. – Зўри-ку! Роса иш берадиган бўлди-да! Каердан олгансан бунақасини?

Малла энди ҳеч нарсани яшириб ўтирмади: қандай уйлангани, шу пайтгача кечириб келган турмуши, Бухорода кўрганлари, Ҳайитовнинг килмишлари, Қапчиғайдаги ходиса, ҳатто ўзи отиб ташлаган учта аскар ҳакида ҳам. Нима қиласиди яшириб? Қолаверса, Холмурод унга кўнглидаги борини айтиб ташлаган бир пайтда бундай килиш бачканалик эмасми? Унга нисбатан ҳурматсизлик эмасми?

Холмурод кулокларига ишонмасди:

– Қара-я, – деди у худди Маллани ҳозир кўриб тургандек бошдан-оёқ кўз ташлаб. – Демак, нима бўлганини билиш учун чикканимда... сен отган экансан-да! Боплабсан лекин! Юрагингга койил! – Холмурод индамай ўзига қараб турган Маллани бағрига босди. – Нафакат ўқимишли, марди майдон ҳам экансан-ку! Сени худонинг ўзи етказди! Энди ҳеч қаёққа кетмайсан! Бу энди... сен учун ҳатто хавфли! Йигиштир кайнотапайнота, кайнона-майнона деган гапларни!

– Факат бориб келаман, холос, – жилмайди Малла. – Ҳеч бўлмагандаги, неваралари борлигини билишсин. Сиз ҳам ҳали бир тўхтамга келмагансиз, тўғрими? Демак, бемалол улгураман.

Рўпарасида дунё кўрган, ўз ишини билиб қиласидиган йигит турганини энди билган Холмурод бу сафар ўзиникини ўтказишга уриниб ётмади ва тонг отар-отмас йўлга чиқиб олишгач, Маллани яна бир марта бағрига босди:

— Тезрок кайт, — деди у. — Факат эҳтиёт бўл. Тўхта... балки милитифингни ташлаб кетарсан? Йўлда яна ўшанаканги пала-катларга дуч келиб қолсанг нима бўлади? — Малла иккилануб қолди, лекин бу пайтда Холмурод фикрини ўзгартиришга улгурганди. — Йўқ, олиб кетавер! Сендек йигитнинг ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетишига ишонса бўлади, лекин эҳтиёткорликни унутма!

Йўлда кетар эканлар, ҳали эрта деб ҳисоблаган Малла таклифни хотинига айтмаса ҳам, қулоғига сал-пал чалинган эканми, ўзи гап бошлаб қолди:

— Дунёда қандай яхши одамлар бор-а! Агар шу амаки бўлмаганида тирик қолишимиз даргумон эди. Айтганча, сизга... тезроқ қайт дедими? Бу нима дегани? Қаёққа қайтамиз? Уйгами?

Малла жавоб ўрнида отига енгилгина камчи урди.

* * *

Эрталаб қизидан нега, қаёққа кетаётганини эшитгач, тиричилаб қолган қайнона Маллани бу кўринишда юборишини истамай, яна ўша хаёлга борди: кўрган одам нима дейди! Йўлдош-чи!

— Мана, — деди йигисини тўхтата олмаётган кампир ўғлининг эгасиз хувиллаб қолган ўтовидан янги чопон ва яктак олиб чиқаркан. — Кўпкаридан тушган. Бир мартаям киймовди. Бўйи ҳам, эни ҳам сизга лоппа-лойик. Айланай, нима қилиб бўлса ҳам келишга кўндиринг, хотини онасиникига кетиб қолганини айтинг! Юрмасин, бундай қилиб... бизнинг аҳволимизни тушунтиринг. — У нафас ростлади. — Ҳозир кетаман деб турибсизми? Вой! Тўхтанг, йўлга бирон нима пишириб берай!

Эртароқ йўлга чиқиши мўлжаллаб турганига қарамай, Малла унинг истагига қарши бора олмади.

— Унга ҳам, — пиқиллади қайнона анча пайтдан сўнг оғиргина тугунни узатаркан. — Худо билади, нима еб, нима ичиб юрибди.

Тугундан димоққа хуш ёқувчи хид тараларди — демак, яна

бир-иккита товукнинг боши кетибди-да! Эҳ, оналар, оналар! Ўзи смай, қаёкларга кетиб ҳали бир марта йўкламаган катта боласининг ғамини ейди!

Бирдан унинг юраги орзиқиб кетди: “Агар менинг онам тирик бўлганда нима қиласди қилиб юрган бу ишларимни кўриб?”

Шу пайтгача бир четда турган қайнота ниҳоят унинг ёнига келди.

– Улим (у Маллани ҳеч “куёв” деб атай олмаётганди), – деди у нигохини ерга қадаб. – Ҳамма гапни энаси айтгандек етказинг. – У қўллари келишмайгина дуога қўл очди. – Омин! Ой бориб, омон қайтинг!

Аслида Малла икки-уч кун нафас ростлаб, танасидаги чарчоқни чиқаргач отланса ҳам бўларди, аммо шу уч кунни бунда қандай ўтказади. Рўзғор ишларига аралашиб кетсинми? Ким буни ундан сўрайти? Ёки меҳмонга келган одамдек ухлаб, еб-ичиб вактини ўтказсинми? Қолаверса, Холмурод тезрок қайтишни тайинламаганми? Унинг ёнига қайтиш эса узил-кесил қарорга келиш дегани – кейин орқага йўл бўлмайди.

У ҳали-ҳамон иккиланаради: оиласини олиб кетсинми ёки ўй!

Ўзига қолса-ку, колдирмоқчи эмас, лекин олис ва хавфли сафарга бардош бера олишадими? Айниқса болалар. Ахир, уйдан чиқканларига бир кун ўтмай – йўлнинг ярмига етмай! – сал колди-ку ажралиб қолишларига!

Эҳ, қани эди суюклари сал котган бўлганида! Қайси ахмок кўлдаги болалари билан кутурган (уни кўрганлар ҳам, у ҳақда ёшитганлар ҳам факат шуни таъкидлайди) Амударёдан кечиб ўтади! Ўзларининг ўша ирмоқдайингина Лангардарёсидан – айниқса эрта баҳор пайти, сел келганда – нариги қирғоққа кешиб ўтаман деб канча мол, канча одам окқан!

Лекин болаларнинг катта бўлишини ҳам кутиб ўтира олмайди. Қачон келади бу давр? Бир йил... икки йил... ўн йилдан кейинми? Унгача нима қиласди бу ерда? Агар тинчгина, “ҳамма қатори” тирикчилик қиласдиган бўлса, мол боқса, ер ҳайдаса, Хўжамуродлар сингари шўронинг “кора” бўлмаган бирон хизматига кирса – Лангарда қилмасмиди шуни? Истамади-ку! Кўнгли исён кўтарди-ку! Энди ўша “тирикчиликни” бунда – қайнотасиникида бошқатдан бошлашдан не наф?

Мана, Йўлдош ҳам хотини, бола-чақасини ташлаб (тил айланмайди бундай дейишга, лекин ҳакиқат!), Денов томонларда юрган эмиш-ку! Холмурод aka-чи! Шунча мол-мулки бўла туриб, қип-қизил саҳро ўртасида ватани, уйи йўқ кўчманчидек, ўзи айтганидек “ит ётиш, мирза туриш” килиб яшамаяптими! Ҳар дақиқада фош бўлишидан қўрқиб! Яна канчадан-канча одам – ким энди бунга шубҳа қиласи! – шу кўйга тушиб юргандир?

Шўро хукуматининг тезда барҳам топишига эса кундан-кун ишонч камайиб кетаяпти – қадамингда милтиқ кўтарган аскар. Бунча тез кўпайишаётни? Нима бало, ҳамма кетмону дастгохлари, гулдек хунарини йиғишириб, аскарликка ёзилаяптими, дейман? Ким билан урушмокчи хукумат бунча аскарни йигиб? Ўзи “фаровон ҳаёт” ваъда қилаётган оддий, меҳнаткаш ҳалиқ билан эмасми мабодо? Наҳотки, бир ҳовуч “бой-муштумзўларни” тугатиш учун шунча катта қўшин керак бўлса? Бунча аскарни нима билан бокишида, кимнинг хисобига...

Йўқ, у ўлимдан қўркмайди. Оғалик одамлари сафиға кўшилиб жанг қилган пайтида ўқ еб, ҳалок бўлиши мумкин эди. Ҳеч ким уни кайта қўрмасди – на Гулбаҳор, на бошқалар. Болалари уни танишга улгурмай, етим қолган бўлишарди, ундан кейин кўрадиган кунлари эса...

Буни ҳатто ўйлаш ҳам оғир: бошқа йўли қолмаган Гулбаҳор (ким қарайди уларга? Ким ўзидан ортади!) истаса-истамаса – ҳеч бўлмаганда гўдакларини ўйлаб – ота уйига қайтарди. Куни кеча бошидан ўтган азобларнинг ўн баробарини кўриб!

Кўлдаги болалар билан узоқка кетиб бўлмаслигини аллакачон тушуниб, сўнгги умиди қайнота-қайноасида бўлган Малла факат ўзи қайтиб келиши мумкинлигини Холмуродга шунчаки айтмаганди, лекин келиб қўрдики, бунинг ҳам имкони колмабди.

У ҳали қандай натижа билан яқун топиши номаълум сафарга барибир ҳам бешотарини олмай, тахмондаги кўрпалар орасига яширди.

Отини эркин қўйиб, ўйга ботганча бораётган Малла мабодо Йўлдошни қўрганида ҳам айтар гапи йўқ эди. Тирикчилик манбасидан ажralиб қолган қарияларнинг қай аҳволдалиги ўзига маълум эмасми?

Ёки, мана биз келдик, шунака-шунака гаплар бўлди, деб...

Бироқ йўлдошни бу кизиктирадими? Менинг хаётимга арапашма, ўзинг пиширган ошни ўзинг е, деса нима бўлади? Отана, оиласини ташлаб қаерларда юрган одам учун фотихани бузиб кочган сингил ва куёвнинг қандай қадри бўлиши мумкин?

* * *

Факат энг баландларининг учидаги қор қолган корамтири тоғ чўккилари узок-узоклардан кўзга ташланарди.

Малла тўхтаган хонадон шундок тоғ этагида эди. Пастаккина, каталакдек уйда – ён-атрофдаги бошқа уйлар ҳам ундан фарқ қиласди – ёш эр-хотин бири-биридан кичик уч нафар фарзанди билан яшар экан. Оиланинг ночор эканлиги бир қарашдаёк кўзга ташланарди. Болаларнинг барчаси, ҳатто икки-уч ёшлардаги, соchlари пакки билан қириб олинган қизалоқ ҳам деярли яланғоч. Ёши йигирма бирлар чамаси жувон уни кўрибок ўзини ичкарига олди, хонадон сохиби бўлмиш дароз йигит эса (Малла қорувли бўлгани билан бўй жихатдан унинг елкасидан келарди) салом-алик тугаб, мақсад англатилгач, бир пас унга синовчан тикилиб турди.

– Дарёга оз қолди-ку! – кулди сўнг у. – Ху анови қоянинг ортидан оқиб ўтади. Шовкинини эшитмаяпсизми?

Нафасини тутиб, бир оз қулоқ солиб турган Малла хижолатли жилмайди ва қамчини от сағриси узра кўтарди:

– Раҳмат сизга. Яхши қолинг.

– Тўхтанг, – унга яқинлашди дароз. – Бир коса сув гап бўлибдими? Шу ергача келиб ҳам билмаганингизга ҳайрон колдим, атай сўрамаяптими, деб ўйладим, – яна кулди у. – Бу ерларда биринчи марта бўлишингизми дейман? – Жавобни эшитган дароз қаердан келаётгани, қаёққа бораётганини сўрамай (тоғликлар одати бўйича бу нарса одобсизлик) ортига ўгирилди. – Буваларингга сув келтиринглар! Тез! – узоқдан кузатиб турган болаларига кичкирди у, сўнг яна Маллага юзланди. – Тушиб, нафас ростлаб олинг. Унгача отингизни ҳам суфоришади. Аслида биз ҳам сувни ташиб келамиз, лекин дарё якин бўлгани учун кийин эмас, асло хижолатланманг.

У отдан тушар-тушмас, болалардан бири заранг косада муздек сув келтирди. Умуман, ҳали йўлдаёқ, бу ерга яқинлашган сари аъзойи бадани ёқимли бир салқинликни хис

килаётганди. “Сўлим жойлар, – хаёлидан ўтди унинг. – Тўрт томони тоф. Нимаси биландир кишлоғимизни эслатаркан”.

Аста-секин окшом тушаётган эди. Демак, Йўлдошни бу-гуннинг ўзида топиш нияти амалга ошмайди. Аслида-ку, егулик пишириб беришларини кутмай эртарок йўлга чикса бўларкан, аммо қўймади, туриб олди қайнона тушмагур.

Қониб сув ичиб олган оти “қани, йўлга тушамизми, хўжайин?” дегандек унга савол назари билан қараб турарди.

Ха, туриш керак. Агар мана бу одам марҳамат қилгандаку...

– Кеч бўлмадимикин? – деди дароз Малланинг ташаккур айтиб, ўрнидан туроётганини кўриб. – Бошка борар жойингиз бўлмаса – бош устига! Бир кеча минг кечами! Қайтанга, дунёда бўлаётган бу ажойиб ва ғаройиб воқеотлар ҳакида сиз билан сухбатлашиш зарар қилмасди. Йўлда юрган одам экансиз, бизнинг умримиз эса шу гадойтопмас жойда ўтаяпти...

* * *

Чой устида унинг ўзи гап очиб қолгани меҳмонининг ким эканлиги билан қизиқаётган дароз учун айни муддао бўлди.

– Лангаротадан? – деди у ҳайратини яширмай. – Болалигимда... тахминан... беш ёшларда эдим, мени ҳам зиёратга олиб боришганди. Бир гурух қишлоқдошлиримиз билан. Биз болакайлар ҳам хонакоҳ ичидаги қабрларни тавоф килиб, қандайдир тошларни ўпгандик, курбонликка қўй сўйилганди, – жилмайганча болалик хотираларига берилиб кетди у, – кейин... катталарнинг ҳай-ҳайлашига қарамасдан роса писта териб егандик! Ҳозир ҳам шундай ободми зиёратгоҳ? Кўк каптарлар ҳали ҳам борми? Хонакоҳ гумбази устидаги яримойни... соғтилладан дейишадими?

– Дейишади, – кулди Малла. – Лекин, ҳозир хонакоҳни ҳам, масжидни ҳам ёпиб ташлашган.

Дароз анча пайт унга сўзсиз тикилиб турди.

– Қаерда яшашимизни ўзингиз кўриб турибсиз, – деди у бир пайт. – Теварак-атрофда бўлиб турадиган шу каби гап-сўзлар бизга етиб келса ҳам, анча кеч, бунинг устига, узук-юлук, на ишониш, на ишонмасликни биласан. Бу ҳам янги ҳукуматнинг ишими? – Малла индамай бош силкиди. – Уларнинг кимга зиёни тегди экан? Ҳалқдан-ку, майли, кўркишмас, лекин худодан-чи?

— Биз ҳам шунга ҳайронмиз. Ким билади, уларнинг ҳеч қанақа худоси йўқдир.

— Мана нима учун ҳар томондан йиғилиб, биз томонларни ўзларига макон килишаётган экан, — хўрсинди Дароз. — Дастрлаб ишонмагандим, аллақандай дордан қочганлар бўлса керак, деб ўйлагандим.

Малланинг юраги дукурлаб уриб кетди:

— Ким ҳакида гапирайпсиз?

Болалардан биронтаси йўқмикин дегандек, дароз ортига қараб олди.

— Балки эшитгандирсиз, бизнинг тоғларда аллақандай “ислом” лашкарлари пайдо бўлган, — деди у овозини паслатиб. — Шўрга карши куч тўплашаётган эмиш. Ҳатто мени ҳам сафларига жалб қилмоқчи бўлишди.

Малланинг бутун вужуди кулокқа айланганди:

— Кўрдингизми уларни?

— Нега кўрмас эканман! Шох-бутоғи йўқ, ҳаммамиз катори одамлар, ёшлари ҳам турли-туман. Баъзан-баъзан қишлокларни айланишади.

— Талончилик... қилиш учунми?

Дароз яна ўйланиб қолди:

— Нима десам бўлади... — чайналди у, — дейлик, менга ўҳшаганларнинг қўйнига қўл солиб кўришади, ҳали айтганимдек, сафларига қўшиб олиш учун. Ўзларини мўмин-мусулмон килиб кўрсатишади ва... — Дароз илжайди. — Лекин, ўзингиз айтинг, камбағалдан нимани ундириш мумкин? Мана, мени олсак — бир сигир бузоги билан ва уч-тўрт бош майда мол. Тирикчилигимиз сут-қатиқ ва томорқа билан. Ҳар иили баҳорга аранг чиқиб оламиз. Агар шулар бўлмаса, билмадим, болачакани ёнга олиб, гадолик қилишга тўғри келармиди. Бир марта уйимда қўнок бўлганларида шуни юзимга солишли, сафларига қўшилсан, бу оғир турмушдан қутулишимни айтишди. — Дароз тин олди ва Малланинг тўғридан-тўғри берилган саволига қайтди. — Ҳа, нима ҳам дердим — олишади! Бирор кўрқанидан беради, бирор хайриҳоҳ бўлганидан. Айникса, дину иймон, юрт озодлиги ҳакида гап кетганда, ким уларни ёлғончига чиқара оларди! Қизил аскарлар эса уларни кувгани-кувган. “Ошимизга шерик бўляйпсанлар, бизга кам колаяпти” деб ғашлари келса керак-да! — хиринглади дароз. — Баъзан эса уларингиз аскарларни кувлаб қолади, ўрталарида тез-тез отишмалар бўлиб туради. Шунақа гаплар, меҳмон.

Малла Йўлдош ҳақида тезроқ сўрамоқчи бўлар, аммо мезбон қандай қабул қилишини билмасди: бирдан муносабати ўзгариб колса-я! Лекин бу ерга келишдан мақсади-чи! Ўтирса ўтираверади-да, меҳмонга келгандек бўлиб. Балки унга дуч бўлганимнинг ўзи бир омаддир?

– Бугун ҳам келиб қолишса-я! – зўрма-зўраки кулди у кўнглида кечაётган туйғуларини сездирмаслик учун.

– Келишса келаверишмайдими, сиз нимадан қўрқасиз! – деди дароз уни ўзича тушуниб. – Улар, авваламбор, тўғри келганга тирғалаверадиган одамлардан эмас. Аксинча, қизил аскарлардан кўрқинг – ҳамма уларнинг кўзига босмачи бўлиб кўринаверади. Уйингга бирон бегона одам келса, хабар қиласан, деб менга ҳам айтиб қўйишган. – У жилмайди. – Лекин мен ахмок эмасман, чакимчилик одатим ҳам йўқ. Гапнинг индаллосига келсак, ана ўшанака “босмачилар” пайдо бўлишига шўро ҳукуматининг ўзи сабаб – ҳалқни бу дарражада ҳар томонлама қисмаслик, қақшатмаслик керак эди! Мана, ўзингиз айтиб турибсиз, Лангаратадек мўътабар жойни ёпиб ўтиришибди! – Дароз анча вакт сукут саклаб турди, сўнг ғалати илжайди. – Шошманг, шошманг, – деди у Малланинг сипогина эгни-бошига бир кур кўз ташлаб олиб. – Ўзингиз ҳам шуларнинг сафига қўшилгани келган бўлманг тагин? Баъзи бирлари ҳақида аллақандай бой-бадавлат одамларнинг болалири, деган гаплар юради. Тагларида сизники сингари чақмокдек отлар, бармоқларида ёкут кўзли тилла узуклар...

* * *

– Қачон келдинг?! – хайқирди Йўлдош қовурғалари қисирлаб кетган Маллани бағридан бушшатаркан.

Бу учрашув оқшомга яқин бўлиб ўтаётганди. Икки кун мобайнида дароз айтган одамлардан дарак бўлмади. Сабри тугаётган, ҳатто, Йўлдош буларнинг орасида йўқдир, бошка жойдадир, деган хавотирда ўзи қароргоҳга бориб, аниқлаш нияти борлигини айтган Маллани ҳар гал дароз тўхтатарди: “Каллани ишлатинг! – дерди ўтган вакт оралиғида анча яқин бўлиб қолганлари боис хафа бўлади ҳам демай. Малла унинг тили бурролиги, ҳазил-мутойибага ўч одам эканлигини ҳам билиб олганди. – Агар сизга ҳам бир нима бўлса... А, бу ёғини айтмасам ҳам бўлар?! Қанақа мактаб-мадраса кўрган одамсиз, шу оддий нарсага ақлингиз етмаса!”

Учинчи куни кишлок айланган “ислом лашкарлари” орасида Йўлдош йўқ эди. Дароз келганинг ҳандай қилиб у ҳақда етказди – бундан Малланинг хабари йўқ (унга уйдан хеч қаёқка чикмай ўтириш тайинланган бўлиб, оти ҳам бегона кўзлар тушмас жойга танғилганди), аммо оқшомга яқин у икки нафар сафдоши ҳамроҳлигида етиб келди.

Йўлдош семириб, салобатли бўлиб кетибди, каттагина қорин ҳам қўйганди. Малла дастлаб уни кўрганда, танимай колди: наҳотки ўша чайир, кадди-комати самбитдек Йўлдош шу бўлса? Қачон бундай бўлишга улгура колди? Ановилар сафига қўшилибми ёки олдинрок? Шоп мўйлов кўйибди, сочи тақир олинган... Ҳа, орадан оз эмас кўп эмас – уч йил ўтди. Балки ўзи ҳам бу орада анча ўзгаргандир.

– Уч кун бўлди, – кўзларида ёш билан жилмайди Малла.

– Бу ерга қачон келганингни сенсиз ҳам эшитдим. Бизни-кига деяпман! Ахир, ўша ёқдан келаётгандирсан?

– Беш кун.

– Гулбаҳорни ҳам олиб келдингми?

– Бўлмасам-чи. Нафакат уни.

– Тушунмадим?! – одати бўйича қошларини бир жойга тугди Йўлдош. – Яна кимлар бор?

– Аллақачон тоға бўлгансиз, Йўлдош ака.

Малла унинг улкан бағрида яна йўқ бўлиб кетди.

– Ўғилми? – сўради у негадир кизариб.

– Иккаласи ҳам. Эгизакларимиз бор – Ҳасан ва Зухра.

– Ўҳу?! Умрлари билан берган бўлсин! Меникилар-чи? Кўрдингми?

Орадан ўн дақиқалар ўтиб, ундаги дастлабки кўришганлари пайтидаги кувончдан асар ҳам қолмаганди.

– Хўш, ўзинг энди нима қилмоқчисан? – деди Йўлдош у ёқ-бу ёқка тинмай юаркан хотини, бола-чақаси, ота-онаси ҳакида ўйламаётгандек. Малланинг узук-юлук жавобини эшитгандан сўнг эса портлаб кетди. – Нима?! Эсинг жойидами?! Нима қиласан мусофири юртда?! Кимнинг сенга кўзи учеб турибди?! Саноч-саноч тилланг бормидики, кетсанг! Мана, жуда қўлинг қишиб турган бўлса, бизга келиб қўшил – юрт учун шу ерда кураш!

– Юрт кўлдан кетди, Йўлдош ака. Ҳар тарафда аскарлар, қадамингда шўронинг тартиблари! Акс ҳолда, сиз шу тоғу тошда юрармидингиз? Акс ҳолда, улар ҳамма жойда бемалол-у,

биз күөндек писиб қолармидик? Шу ҳам ҳаёт бүлдими? Ким ўз юртида шундай яшайди!

Йўлдош кўлларини силкалади:

– Бўларди яхши ҳаёт, агар сен кабилар ҳар томонга сувараклардек қочмаганда! Аммо тез кунда бизга ёрдам келади. Фақат сабр қилиш керак. Халк тўлалигича биз томонда!

Малла улар ҳакида миш-мишларни айтмоқчи эмасди, лекин...

Йўлдош мийиғида кулди:

– Шундай де? Бу ҳаммаси ҳалқни биздан бездирish учун шўро хукумати тарқатган бўхтону иғволар! Талаётган, ўлдираётган ўша одамларинг, аслида, фуқароча кийиниб олган кизил аскарлар! Аёллар, кизларнинг номусини топтаётгандар ҳам ўшалар! Атайин, икки-уч кунда, ҳар-ҳар жойда бизнинг номимиздан мана шунака “махсус” боскин ташкил этиб туришади! Ҳатто бир-бирларини бизнинг исмлар билан атасиб, атай, одамларга эшигтириб: “бойвачча”, “бек”, “сардор”, “қўрбоши” деб мурожаат қилишади ўзаро! Нега оғзингни очсан! Буни сендан бошқа ҳамма билади! Мана, қай даражада разил бу шўро деганларинг! – У нафасини ростлаб, мижжалирини артди. – Мени сўраб, аллақачон уйимизга боришгандир?

– Хабарим йўқ. Шу ерларда юрганингизни айтишди, холос.

Йўлдош унинг елкаларидан чанглаб, ҳатто оғритиб тутди:

– Тезрок уйга қайт, соғ-саломат юрганим, ҳеч қанақа... “босмачи” эмаслигимни етказ. Ҳавотир олишмасин. Болачақаларимдан хабар олиб туришсин. Қайнотамнинг уйи қўп олисадамас. Агар менга бир нарса бўлса, на илож – бир бошга бир ўлим! Ким дунёга устун бўлибди. Сен эса ҳеч қаёққа кетма! – деярли буюарди у. – Қўрасан, шўро узокка бормайди. Кейин, ҳаёт яна изига тушгач, уйингга бемалол қайтасан. Мен ҳам. Насиб бўлса, ҳаммамиз сеникига меҳмон бўлиб борамиз. Ёдингдами, энам бир мартагина бўлса ҳам Лангартани кўриш, авлиёлар қабрини зиёрат қилиш орзусида юрганини айтганди? Бу ниятлар ҳаммаси амалга ошади, бўлиб ўтаётган ишлар унут бўлади. Фақат сабр керак, сабр!

Йўлдош билан бўлиб ўтган учрашув мана шундай самарасиз тугади, яна бир кеча тунаб қолишга қанчалик қистамасин, Малла дароз билан кучоклашиб видолашди.

Йигирма учинчи боб

Келганига хурсанд бўлишмаётганини кўриб, дастлабки дақиқаларда бир оз ҳайрон колди, назарида уни кўргач, хатто... кўрқиб кетишгандек эди!

Нима гап? Балки Йўлдош билан бошлишиб келмагани учундир? Ахир, жуда умид қилишаётганди-да! Ёки болалардан биронтаси...

Малла юраги дук-дук урганча қайноасига юзланди:

– Тинчликми, хола? – деди у томоги куруқшаб.

Кампир енгини кўзига босди:

– Уни ахтариб келишди...

– Кимни? – чўчиб сўради Малла Йўлдошнинг худди билгандек айтган сўзларини бирдан эслай олмай. – Ким кимни ахтариб келди?

– Акангизни. Беш-олти киши... ораларида аскарча кийинганлари ҳам бор. Қаердалигини сўраб, ҳаммамизни роса забтига олишди. Хабаримиз йўқлигини айтганимни биламан... ўғлинг фалончи-писмадончи, босмачи... ҳаммангинг тилинг бир, деб биттаси менга ўшқира кетди. Кейин... эринг қаерда деб, Гулбаҳорга тирғалди...

Эндиғина нима бўлганини тушуна бошлаган Малланинг юраги шув этиб кетди:

– Менинг шу ердалигимни... эшитишибдими?

Кампир бош чайқади.

– Гулбаҳорни... келинимиз, деб ўйлашди... чоғимда. Шунча худонинг зорини қиласман, бу Йўлдошнинг синглиси, меҳмон бўлиб келган, келиним эса уйига, отасиникига кетиб қолган, деб. Қани ишонса! – йиғларди кампир. – Ҳаммаёқни титиб ташлашди, уруғингга кирғин келгурлар. Бир пайт аллақаердан милтиқ топиб олишди. – Кампир енгини кўзидан олиб, ранги окариб кеттган Маллага мунғайиб қаради. – Сизникимиidi, айланай? Нега ўзингиз билан олиб кета қолмагандингиз? Эҳ, энди уларни кўрсангиз! Кимники деб, роса қонимизни ичишди. Яна ҳаммаси Гулбаҳорга ёпишди, эринг қаерда, деб. Исмингизни сўрашди. Энди сизни ҳам босмачи деб гумон қилишаётиби! – ўзини тўхата олмай, ҳўнграб юборди кампир. – Яна келишар экан, ер юткурлар... то сизни ва Йўлдошни топмагунларича кўйишмасмиш... шундай дейишди. Нега бунча ҳаялладингиз, айланай? Кўрдингизми... акангизни?

Соч-соколи ўсиб, эгнидаги яктағи кирдан ялтираб кетган Холмурод уни күрган заҳоти ўрнидан сакраб турди:

– Қайтиб келмайсанми, деб күркқандим! – деди у Маллани қучоғига оларкан. – Баракалла! Қийналмадингми бу сафар?

Малла ўтовни топа олмай, неча марта адашганини айтиб ўтиради.

– Қачон кетамиз, Холмурод aka? – сўради у фақат. – Қарорингиз ўзгармадими?

– Қанийди ўзгарган бўлса! – куйиниб, юрак тўла армон билан сўз бошлади Холмурод. – Ҳаммаси, маколда айтилганидек “Эски ҳаммом – эски тос”! Йўқ, ҳатто аксинча – ахвол кундан-кун ёмонлашиб бормоқда! Вазият шу даражадаки, сал ортга сурсак кеч бўлиши мумкин. Ўша томонларга ўтиб, хабар олиб келиш қолди, холос. Биласанми, бу нима учун керак? Яхши, унда дикқат билан эшит: ўзимиз-ку, бир иложини қилармиз, лекин бир неча юз кўйдан иборат катта сурувни олиб ўтиш осон бўлмас экан. Баъзи бир ишончли кишилар айтишди. Кўйларни сотиб, нақд пул қилиб олсаммикин, деб ҳам хаёл қилдим шундан сўнг, лекин бу нотинч замонда шунча молни ким сотиб оларди! Қани пул? Бунинг устига, эртагаёқ уларни мусодара қилмасликларини харидорга ким кафолатлайди? Улгуржи нарҳда сув текинга бериб кетишни эса хоҳламайман: ахир, у ёқда ҳам кун кўриш керак-ку! – Холмурод Малланинг ҳорғин юзига тикилди. – Сени ҳам ўзим билан олиб кетардим-у, лекин бу ерда йўқлигимни билдирамай турадиган одам керак. Эҳтиёт бўласизлар, ҳўпми... Айтгандек, милтиғинг кўринмайдими? Хуржунингда турибдими?

Жавобни эшитган Холмурод шумшайиб қолди.

– Бўпти, куйинишдан энди наф йўқ, – деди у Малладан ҳам кўра ўзини юпатишга уриниб. – Бир илож қилиб, бошқасини топармиз. – У ўсал бўлиб турган йигитнинг елкасига муштлади. – Яқинрок бўлганда-ку, ўша... “босмачи” қайноғанг ёнига яна бир марта бориб келсанг бўларди. Нима дединг? Милтиклари кўпdir? Кўрдингми? – Малла бош чайқагач, энди Йўлдошга ачиниб кетди. – Бу ебтўймас гайридинларни деб одамлар ўз уйида ҳам ёта олмайдиган бўлишди. Бундай олиб қараганда, менинг, сенинг, қайноғангнинг истакларимиз бир – бу ювуқсизларга бош эгмаслик! Шундайми? Майли, ҳаммасини худо кўриб турибди – бошқа суннадиганимиз

қолмади. Демак, – кўлларини бир-бирига ишкади у, – мен эрта ё индин жўнайман, ҳозир эса янгангга баъзи бир гапларни тайинлаш учун уйга кетишим керак. Ўғлим ўзига ташқарида жой килиб олади, сен эса болаларинг билан ўтовда жойлашавер.

Узоклардан чигирткаларнинг чириллаши, шундок яқинларидан эса ором олаётган болаларнинг пишиллаб нафас олаётгани эшитиларди.

– У ерда кимлар яшайди? – деди эшиитган янғилигидан жунжикиб эрининг пинжига тиқилган Гулбаҳор. – Ўзбеклар борми?

– Бор, албатта. Ўзимизда ҳам турли хил одамлар яшайдику!

– Бизни сиғдирмай ётишса-я.

– Ҳозир ҳамма ўша ёққа кетаяпти.

– Кейин қайтамизми?

– Албатта, – деди Малла бир оз ўйлаб олгач.

– У ёқда каерда яшаймиз?

Малланинг тоқати тоқ бўлиб борарди:

– Аввал бориб олайлик, дедим-ку! – овозини кўтарди у. – Холмурод акадан ажралмаймиз. Қўркма, бу ергагидан баттар бўлмайди. Бегона юртлиги тўғри, лекин ўзимизда нималар бўлаётгани ҳам ёдингдан чикмасин.

Ўртада жимлик чўкиб, кўз ўнгиларидан шу бир хафта ичida ўтган воқеалар, бошларига кетма-кет ёғилган кулфатлар, барча азиз ва таниш чеҳралар, ҳувиллаб қолган уйлари яна бир-бир ўтди.

Энди уларни ўзга бир юргу кутиб турибди... Йўқ, у кутмаяпти, ўзлари боришшайапти! Чакирилмаган меҳмон бўлиб! Бош уриб! Нажот излаб!

“Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради, деганларидек бўлиб чикмасмикин, – юрагида оғриқ билан ўйларди Малла. – Лекин Афғондан бошпана излаётганлар оз эмас экан-ку! Амир ўша ёққа кетди, Холмурод ака ҳозирланаяпти, Йўлдош ака “кайдандир” нажот кутмоқда. Ўша “қаердандир” шуро қадами етмаган ҳамма жойми ёки факат Афғонми? Нега унда ҳамма шўродан норозилар факат Афғонга интилаяпти? Нега бошка юртга эмас? Якин бўлгани учунми?”

Малла мактаб ва мадраса кўргани билан ўз замонаси одами эди. Бухорода бўлганида ҳам бу шаҳарга кам етиб келадиган ва ўкиш ман этилган Туркистон, Туркия, Кирим, Татарис-

тонда чоп килинган газета-журналларни деярли кўрмаганди, илмий-ижодий фаолияти эндиғина бошланган бухоролик улуғ маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитратнинг илк асарлари фақат олис хорижда нашр этилгани боис, унинг номини ҳам эшифтаганди. Албатта, дунёнинг қай бир чеккасида, тўғрироғи – кибла томонда Макка, Мадина сингари ҳар бир муслим учун муқаддас шаҳарлар борлигини билар, фаранг мамлакатлари ҳакида эшифтган, шоир ва шоҳ Мирзо Бобурнинг узок Ҳиндистонда яшаб ўтгани, у ҳам худди Бухоронинг сўнгги амири каби олис сафарига Лангар йўлидан ўтганидан хабардор эди, ҳозирда унинг номи билан аталувчи, Лангардан бор-йўғи тўрт фарсанг наридаги гўшада манзил тутганини эса билмаслиги мумкин эмас: ўзи бир неча марта бўлган – болалигидан ҳам, ўсмирилик чоғларида ҳам. Шаҳрисабз ёки Бухорога килинган сафарлар пайтида у ерда тўхтаб, хордик чикарган.

Ғазалларини севиб ўқийдиган буюк Навоийнинг Хурсондаги Ҳирот, Астробод шаҳарларида нафакат яшагани, балки ҳоким бўлгани, ижодининг энг гуллаган даврлари ушбу шаҳарларда ўтганидан эса ҳар гал ҳайрон қоларди: нега? Бизнинг ўлка ва у юрт илгари битта бўлганми?

Ўзига замондош бўлган юртдошларининг кўпчилиги сингари бу саволларга унда ҳам жавоб йўқ эди...

Кунлар кетидан кунлар ўтиб борар, Холмуроднинг ўғиллари галма-галдан келиб, ҳам улардан, ҳам сурувлардан хабар олиб туришарди ва афсуски уларнинг хабарлари ичидан биронта кўнгилни кўтарадигани йўқ эди: кимнингдир боласи қизамиқдан ўлибди, бошқа бироннинг эса тунда уйини талаб, қаршилик кўрсатган эгасини пичоклаб кетишибди. Талончилар ҳакида қишлоқда ҳеч ким ҳеч нарса билмаганидан, “босмачилар бўлса керак” деган хulosага келишибди, қай бир куни аскарлар келиб, Холмуроднинг икки сигиридан биттасини бузоги билан етаклаб кетиби...

* * *

Бўрибосарларнинг қувнок вовуллаши уйғотиб юборган Малла апил-тапил кийиниб, ташқарига отилди – барчалари интиклик билан кутган Холмурод ниҳоят қайтиб келганди.

– Яхши ўтирибсизларми? – сўрашди Холмурод отдан сакраб тушиб, юганни унга тутказаркан. Бир оздан сўнг ҳолаҳвол ҳакида батафсил маълумот олгач, елкасига оталар-

ча уриб қўйди. – Баракалла! Сендеқ йигит бор жойда, ишкал бўлармиди! Ўзимми? Кўриб турибсан, бало ҳам ургани йўқ. – Малла унинг товушида хурсандчилик аломатларини пайқади: ҳаммаси жойидага ўхшайди. – Лекин жуда чарчаганман. Биринки оғиз сұхбатлашамиз-у, кейин уйку!

– Мен кўрпа-тўшак олиб чиқаман, – деди нима бўлганини жуда билгиси келаётган Малла ўтовга қайтиб киришни истамай. – Иккимизга ҳам.

Ёстик йўқлиги учун қўлларини бошлари тагига қўйиб, тубсиз осмон, уни тўлдириб турган сон-саноксиз юлдузларга бокиб ёнма-ён ётишаркан, Малланинг димоғига ундан тараляётган аччик тер ҳиди урилди.

– Биласанми, дарёдан ўтиб олишимизга ким ёрдам беради? – кулди бир пайт Холмурод ўзи айтганидек бир-икки оғиз сўз билан тугаб қолмаган сұхбатни давом эттишаркан. – Айтсан ишонмайсан: чегарачиларнинг ўзи! Ўша мен ва сенинг душманинг бўлган қызил аскарлар!

Малла ҳамма нарсани кутган бўлиши мумкин эди, лекин буни эмас: ҳазиллашмаяптими?! Ахир, ҳеч кимни хорижга чиқариб юбормаслик учун чегараларни тақа-так ёпаётганлари, унга яқинлашганларни эса жойида отиб ташлаётганларини ҳамма жойда айтишаётганди-ку! Бу канакаси?!

– Нима, – шошиб қолганидан фикрини жамлашга қийналарди у, – танишларингиз бор эканми... ораларида?!

Холмурод ҳомуза тортди:

– Қайда! Итларим-да улар билан танишгани ор қилар! Ҳак эвазига.

– Ҳак?!

– Ҳа... яни, пора берсанг! Лекин, жуда кўп сўрашди муртадлар, айникса, кўйлар сонини билгач. Бошликларининг ҳам оғзини мойлаш керак эмиш. Хуллас, ўттизта кўйга келишдик. Ўзлари кутиб олиб, ўзлари ўтказиб кўйишади. Гапнинг очиғи, ишнинг бунчалик осон кечишини кутмовдим. Дарёдан ўтказиб кўйиб, шу билан тирикчилик киладиган одамларнинг бири билан гаплашсам – уларни гупсарчилар деб аташаркан – шунака-шунака деб қолса бўладими! Сен каби менинг ҳам ишонишим қийин бўлди. Кейин бориб учрашсак – ҳаммаси айтганидек! Бирон ғирромлик йўқми, дея мен ҳам очиқчасига сўрадим, “сиз биринчи ва охиргиси ҳам эмассиз” деб устимдан кулишди, холос. – Холмурод бу сафар узокрок ҳомуза тортди.

– Шу билан мўмай даромад килишга ўрганиб қолишган экан, палидлар. Факат кўйларнинг кўплиги уларни сал ўйлантириди, “бирданига эмас, бўлиб-бўлиб, бир неча кун ичида қилсак бўлмайдими” деб сўрашди. Гапларида жон бордек эди, шунинг учун кўнишдан бошқа чорам қолмади. Бунинг устига, ўзинг биласан, кўй деган нарса хуркак маҳлук. Айниқса меникилар унақа катта сувни умрларида кўришмаган. Ўзларини сувга от-масликлари учун оёкларини боғлаб ўша... супага ўхшаб кетувчи қайикка қатор ётқизиб чикиш керак экан. Ёмон ўйланмаган, шундайми?

Эгниларида саллотлик либоси, сўзлари-ю ёқа йиртгудек бўлиб савдолашганларини эшитсанг... Нариги қирғоқдаги кутуб олувчилар билан алоқалари бор эмиш. Лекин улар билан алоҳида ҳисоб-китоб килишимга тўғри келаркан. Билмадим, бу менга яна қанчага тушади... Кўрдингми, кунимиз кимларга қолиб ўтирибди? Бирок бошқа илож йўқ. Хуллас, эрта-индин йиғишириниб, йўлга тушамиз.

Роса йўл юриб ҳолдан тойгани боис сўнгги сўзларини эснаб айтган Холмурод ота-боболаридан мерос юртини тарк этаётган бўлишига қарамай – балки бир умрга! – иши битганидан ниҳоятда хурсанд эди.

* * *

Холмуроднинг бирин-кетин вояга етиб қолган тўрт нафар ўғли ва аёли эртаси куни кечқурун етиб келишди. Йигитчаларнинг тагида ўйноклаб турган тулпорлар, аёл эса хўтиги эргашган кулранг эшакда.

Менглихолнинг юз-кўзи йиғидан шишиб кетганди. Ҳеч қаёкка кетмасликларига то сўнгги кунгача умид қилиб юрган аёл етиб келибок, анча йил аввал йўқотиб бугун топган эгачисини кўргандек Гулбаҳор билан ачомлашиб, хўнграганча кўришди, ўзининг бошига тушган кулфат озлик килгандек, унинг ночор ахволидан куйинди, болалари неча ёшдалиги билан қизиқди, хали қўлдаги гўдаклар эканлигини билгач эса уни койиб берди, эрини эса енгилтаклиқда айблади (Холмурод аёл кишига бундай нозик гапларни ишониб бўлмайди, деб ҳисоблаганидан Малланинг ҳаётида қандай воқеалар рўй берганини унга айтишни лозим топмаганди).

Товушини баланд кўйиб, азага келгандек айтиб йиғлаётган Менглихолнинг ҳамма гапларини англаб бўлмас, аммо “бегона

юрт, мусофирик, ота-буваларимнинг мозори” каби сўзлардан туғилган юртини тарқ этишни истамаётгани, эрининг қарорини ноилож қабул килганини англаш кийин эмасди. Уни юпатишга уринаётган Гулбаҳор ҳам охир-окибат чидаб тура олмади, аёлларнинг бу ҳолатини кўриб, йигитчаларнинг-да кўзларида ёш айланди.

Бу пайтда Холмурод сурув бошида бўлиб, Ашур иккиси бугун қўйларни ҳайдаб келишлари, эртага эса тонг отмасдан йўлга тушиш режалаштирилганди.

Тонга якин – икки гўдакни хисобга олмаганда ухлаш ҳеч кимнинг ёдига келмади – энг сўнгги тайёргарликлар ҳам нихоясига етганди.

Бир пайтлар бу томонларда қўй сурувлари, корамоллардан иборат пода кетидан юриш қўпчиликнинг турмуш тарзига айлангани, улар орасида аёллар, ҳатто бўй қизларнинг бўлиши ҳам ҳеч кимни ажаблантирганидан кўриниш оддий чўпон оиласининг (чорва ўзига тегишлими ёки бирровларга – фарки йўқ) қундалик ҳаёти бўлиб кўзга ташланиши мумкин эди. Лекин у замонлар аллақачон кайтиб келмас бўлиб кетган, энди бундай катта сурувлар билан узоқ, бунинг устига, нотаниш томонларга юриш нафакат машаққатли, ҳатто хавфли бўлиб қолганди. Осмону фалакка кўтарилаётган чанг, қўйларнинг тинмай маърашигина эмас, балки улар кетаётган томон ҳам баъзи бирларнинг эътиборини ўзига жалб қилиши мумкинлиги хисобга олиниб, манзилга етиб бориш учун энг чекка, шу билан бирга, энг кийин йўл танланди. Агар мўлжалланган икки маротабалик дам олишни ҳам қўшганда – йўлда бирон ҳодиса рўй бермаса, албатта! – чегарага уч кундан сўнг етиб боришарди.

Малла шунча кундан буён Холмуроднинг ўтовида яшаб юрганига қарамай, чўпон йигит Ашурни йўл олдидангина кўрди. Даشتнинг шафқатсиз шамоли, ҳар қандай тирик жонни куйдириб ташлашга қодир қуёши унга аямай ўз муҳрини босган, лаблари, ёноклари тарс-тарс ёрилиб, пўст ташлаган кулоклари шишиб кетган, кўпдан буён олдирилмаган соchlари худди девоналарникидек патила-патила бўлиб, тартибсиз равишда елкаларига тушиб турарди.

Дастлабки соатларда Малланинг эътиборини тортган яна бир нарса унинг жуда камгаплиги бўлди. Лекин Холмуроднинг оғзидан чиқкан ҳар бир кўрсатмани бошини итоаткорона сил-

киганча тинглар ва охиригача айтмасдан бажаришга киришиб кетарди.

– Ҳеч кими йўқ бечоранинг, – деди Холмурод. – Насиб бўлса, ишларимиз ўнгидан келса... у ёқда, дейман... уни ўзим одам қиласман... уйлантираман. Имкони бўлса, хатли-саводли ҳам қиласман... ўғилларим катори. Балки ўзинг шу нарсаларни зиммангга оларсан? Қўлингдан келади-ку, тўғрими?

Малла жилмайиб бош силкиди.

* * *

Машакқатли сафарнинг охири кўриниб дарёга етишга озгина қолганда Холмурод ҳамроҳларига деди:

– Етиб келдик. Шу ерда тўхтаймиз. Аёлларга аравадан тушишга кўмаклашинглар.

Менглихол, Гулбаҳор, Ҳасан ва Зухра жойлашиб олган арава айнан мана шу сафар учун ясалган бўлиб, факат энг керакли буюмларни олишга қанчалик уринишмасин, майдачудалар билан тўлиб-тошганди барибир.

Сурувнинг у бошидан бу бошига от солиб юрган Малла ва Ашурдан тортинибми, ҳаво шунчалик иссиқ бўлишига қарамай Менглихол йўл бўйи паранжи ва чачвонини бошидан олмади ҳисоб (қайноаси тириклигига бир-икки марта уникини ёпиниб тўй-маъракаларга борганини айтмагандан, Гулбаҳорда эса улар ҳеч қачон бўлмаган, эгизаклар туғилгач эса бунга умуман эҳтиёж қолмади: бу рӯдаполарни эпласинми ёки икки болани!), Малла ўзига укадек бўлиб қолгани, Ашур эса ўғлидек эканлиги, шунинг учун улардан беркиниш шарт эмаслиги ҳакидаги Холмуроднинг бир неча бор қилган дашномлари ҳам ерда қолди. Факат тунлари чачвонни бир оз кўтариб, ўзини обдан елпиркан, куннинг иссиқлиги, кўтарилаётган чанг, бошларига тушган кўргуликлардан нолир эди.

Гулбаҳор унинг шунча болани туғиб катта қилганига қарамай, ҳали ёш, хушрўйгина эканлигига эътибор берди – бирин-кетин эр етиб келаётган тўрт ўғилнинг онасига сира ўҳшамасди. Йўлга чикқанларидан бери (ундан анча олдин ҳам!) ёши тинмади, аёлларнинг пешанаси доимо шўр бўлиб келганини гапиргани-гапирган бўлди. У Гулбаҳордан ҳам кўра эмизикли гўдакларга ачинар, паранжи-чачвонига ўралиб олганига қарамай, уларни дам-бадам қўлига олиб эркалатор, тагларини алмаштириб, йиғлаганларида Гулбаҳорга кўмаклашар,

кatta ўғли бошқараётган арава ўнкир-чүнкир йўл тўғри келиб қолган пайтлари каттиқ тебранса ёки бир томонга оғиб кетса, хозир ағдарилиб тушадигандек, энг аввало гўдаклардан бирини қўлига олар ва баланд овозда Гулбаҳордан ҳам шундай килишни талаб қиласди.

Шу муштипар аёл бўлмаганида ҳоли не кечишини Гулбаҳор ҳатто тасаввур кила олмасди. У ва барчаларининг тақдирини қўлига олган хўжайини бўлмаганида, умуман, етиб бора олишармиди ўша ордона қолгур Афғонга!

– Ашур! Бу ёқка кел! – ёнига чакирди Холмурод бошдан-оёқ чангга ботган, бўрибосарлар ва ўғиллари ёрдамида сурувни бир жойда жам қилиб турган қишлоқдошини. – Ҳаммаси бутми? Оёғи синган, ҳолдан кетиб қолганлари йўқми?

– Сафарга чиккан кунимиз жарга кулаб тушган икки қўчқордан бошка йўлда ҳеч нарса йўқотмадик, – бу сафар сўз бойлигини яққол намойиш қилди камгап Ашур.

– Буни ўзим ҳам биламан, – эътироф этди Холмурод. – Хўш-ш... бунга кеча тушда сўйилган қўзини қўшсак... кейин, чегарачиларга бериладиган ўттизта қўйни... Йўқ, унчалик ҳам зарар қилмаяпмиз! Йўқотишлар кам, сафаримиз мен ўйлагандан ҳам кўра омадлироқ чиқди. Бошланиши шундайми, демак, давоми ҳам бахайр! Бунда, албатта, сенинг хизматинг катта. Ҳа... Малла акант ҳам қўл қовуштириб ўтирмади! Барака топинглар! Дарёдан ўтиб олайлик, иккалангни ҳам кераклича тақдирлайман. Демак, энди факат аскарларни кутишимиз қолди...

Йигирма тўртминчи боб

Худди шу пайтда, шундок дарё бўйида вақтинчалик жойлашган чегарачилар штабида ҳам ўзига яраша “хисоб-китоб” борар, Тошкентдан шошилинч ташриф буюрган фавқулодда комиссар турли лавозимларда хизмат килаётган чегарачи-командирларни бир жойга йикканди.

– Ўртоклар! – давом эттириди у штабдан бўлган телефон қўнғироғи туфайли узилиб қолган сўзини. – Шу кечакундузда вазият ниҳоятда оғир. Курашни бой берганини англаган аксилинқилобий унсур борки, мол-мулкини олиб, Афғонистонга қочмоқда. Майли, бола-чақаси ўзига буюрсин – итдан бўлган қурбонликка ярамас! Лекин бу бойликлар ўзимизга керак бўлмайдими? Жудаям керак бўлади-да!

Шүролар ҳукуматини ўрнатиш йўлида етим колган минглаб, миллионлаб болалар-чи! Ким уларни бокади? Бундан ташқари, ички душманларимиз камлик килаётгандек, ташқилари ҳам хавф солмоқда. Биздан олиб кетилаётган кимматбаҳо буюмлар, олтин, кумуш, осори-атикалар, сурув-сурув чорва ўшаларни қўллаб-куватлашга йўлланмайди, сарфланмайди, деб ким кафолат беради? – У йиғилганларнинг барчасига савол назари билан қаради. – Ҳеч ким! Биласизлар, тахтдан ағдарилган Бухоро амири бир тўда уруғ-аймоғи ҳамда аламзада шериклари билан карvon-карvon ҳазинани ортиб, яқиндагина шу дарёдан ўтиб кетди. Бизга етиб келган маълумотларга қараганда, у олиб кетган олтину кумуш ўргача битта мамлакатни бир йил боқишига етар экан! Кўраяпсизми, биргина тўданинг кетиши билан қанча бойликдан ажралиб қолаяпмиз? Ишончим комил, бу каби ҳодисалар эндиликда тез-тез тақорланиб туради, зеро, инқилоб душманларининг топган-тутганини олиб чет элга қочишидан бошқа йўли қолмади! Бунга қатъян чек кўйиш керак! Ким бўлишидан қатъи назар, чегарага яқинлашдими – огоҳлантириб ўтирилмай жойида отиб ташлансин! – Комиссар стакан деб ўтирмай, графиннинг ҳалқумидан сув ичди. – Лекин минг таассуф билан шуни айтиб ўтишим керакки, сизларга ишониб топширилган давлат микёсидаги ушбу стратегик жиҳатдан ўта муҳим чегарада бунинг акси бўлиб турибди. Мана бу хужжатда, – комиссар қулидаги аллақандай қофозни баланд кўтариб, йиғилганларга кўрсатди, – баъзи бир постларда чегарани кесиб ўтаётгандарга... нима десам бўлади... ёрдам берилаётгани, ҳатто ҳомийлик килаётгани ёзилган! Ишонса бўладиган далиллар билан! Албатта, курук “раҳмат” эвазига эмас! Айниқса, – комиссар қофоздаги баъзи бир сўз ва ибораларни диккат билан ўқиди, – айниқса... тўртинчи постда бу тарздаги хуфиёна ишлар авжига чиккан! Адашмаётган бўлсам, амир ҳам айнан шу жойдан ўтиб кетган эди. Шундайми? Ўшандан сўнг пост командири, навбатда турган аскарлар яхшигина жазоланди, уч-тўрт кундан гаупваҳтада ётиб чикишди, аммо, минг афсуски, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек... – Комиссар штаб бошлиғига мурожаат килди. – Менга тезлик билан ўша постда хизмат қилувчилар рўйхатини беринг. Илгари нима иш билан шуғуллангани, ким хизматга тавсия қилгани ҳам албатта кўрсатилсин.

Рангида ранг қолмаган штаб бошлиғи машинкада кў-

чирилган рўйхатни шошилинч равишда бошқатдан тузиб чикаркан, комиссар Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Туркистоннинг бошқа йирик шаҳарларида нималар бўлаётганига тўхтади. Сўнг яна бир бор чегарада шу кеча-кундуз ҳукм сураётган вазиятни таҳлил қилишга киришаркан, шахсий таркиби тубдан ислохот қилиш пайти келгани, бир пайлар имкон йўклиги ва кадрлар тақчиллиги туфайли хизматга кириб қолган чегарачи аскарлар ва кичик командирларни – агар хизматға лойиқ топилса – сафда қолдириш, кейинчалик маҳсус билим юргларида ўқитиш, хизмат пайтида ножӯя хатти-ҳаракатлар килган, ички интизомни бузган, хизмат мансабларини суис-теъмол қилганларини эса – дейлик, тўртинчи постдаги сингариларни! – дархол хизматдан четлатиш лозимлигини таъкидлади.

* * *

Аскарлардан ҳамон дарак йўқ эди. Тўғри, биринчи куни уччалик интиклик билан кутишмади – юзлаб қўйлар туёғидан кўтарилган ғубор барчаларининг кўринишини абгор ахволга солиб қўйгани боис, эгни-бошни ювиш, соч-соколни тартибга келтириш (Холмуроднинг ўзи Ашурнинг ўсиб елкасига тушган сочини пакки билан кириб ташлагач, ювинганидан сўнг бинойидек йигит эканлиги кўринди-қолди), кечув олдидан кераклича дам олиш зарап килмасди. Ўзи ҳали кўзга кўринмасада, тунлари шовуллаши эшитилиб турувчи дарёга яқин жойда дам олмоқда эдиларки, бу ҳам кўнгиллар тўридан жой олган ғуссани – киндик қони тўкилган ватанни тарк этиш осонми! – бир оз ювгандек бўлди.

Бирок эртаси куни безовталана бошлаган Холмурод бир неча марта атрофни айлангани чиқди ва ҳар сафар тушкун кайфиятда қайтиб келаверди.

– Холмурод ака! – деди Малла бир гал унга эргашиб. – Қачон келишлари керак эди ўзи? Аниқ кун, аниқ вақтини келишиб олмагандиларингизми?

– Биласанми, – хижолатлангандек бўлди Холмурод. – Шу ерда... нима десам экан... ишни салгина... хом қилганга ўхшайман. Лекин нима қиласай, ўзим ҳам аниқ билмасдим-да, қачон етиб келишимизни. Хабарлашиб турамиз, дейишганди. Ҳавфсизлик мақсадида худди шу ерда ҳаммамизни икки нафар чегарачи кутиб олиши, сўнг, мўлжалланган кечув жойига ку-

затиб бориши керак эди. Аталган ўттизта қўйни ҳам мана шу ерда саралаб олишлариға келишгандик.

– Чегара томондан келишлари керакмиди?

– Яна қаердан бўлиши мумкин, – тунд жавоб берди кайфияти йўқ Холмурод.

– Унда ўзимиз ўша ёққа бориб, келганимиз ҳакида хабар берайлик. Айтиб бўладими – бошқа ишлар билан банд бўлиб колишгандир.

– Бу хавфли, – деди Холмурод бир оз ўйланиб тургач. – Айниқса, кундузи. Келаверишмаса, балки шундоқ ҳам қиласиз, лекин – факат коронғу тушганда! Жуда бўлмаса, бизни танишириб қўйган ўша қайиқчининг хузурига борамиз – ҳаммасининг тили бир, нега келмаётганини билар, жудаям бўлмаса, бошқа йўлини излаб кўради.

Малла ўзини қийнаётган фикрни айтишга аввал истиҳола килиб турди, сўнг...

Юз-хотир, сиз-биз килиб ўтиришнинг пайтими ҳозир!

– Холмурод ака, – бошлади у, – тағин билмадим-у, аммо ўша чегарачиларингиз... айниб қолган бўлишса-чи?

– Нега?! – ўзига ёқмайдиган гапларни эшитганида ҳар гал бўлганидек, бу сафар ҳам Холмуроднинг энсаси котди. – Ўттизта қўй кимни тешиб чиқибди? Тағин саралангандари!

– Лекин келганимиздан бўён бир култум сув ичишгани йўқ. Яна озроқ қолсак, бу туришда...

Холмурод аввал чапаничасига сўқиниб олди.

– Мени ўйлантираётгани ҳам шу бўляяпти-да! – деди у тутақиб. – Бу камлик қилаётгандай, куннинг иссиғини айтмайсанми! Ҳечам куз ҳавосига ўхшамайди-я, даюс! Шу ахволда яна бир кун колиб кетсак, чеккан машакқатларимиз беҳудага кетиб, умидларимиз кўкка соврилади.

Сурув турган жойдан кўпам олисга кетишмаган Холмурод ва Маллага қўйларнинг бор овозда маъраётгани барадла эшитилиб турарди.

Нима қилиб бўлса ҳам сув топиш керак. Ҳеч бўлмаса – кудук. Падарига лаънат! Шундай овоз етадиган жойда дунёни оламан деб турган дарё оқиб ётса-ю, бир томчи сувга зор бўлиб ўтиранг! Қандай кунларга қолишиди-я! Бунакада ўзлари ҳам нобуд бўлиб кетиши ҳеч гапмас!

Бирор сув йўқ, қўйларнинг маъраши эса тобора авжига чиқмокда эди. Ўйлаб ўйига ета олмаётган Малла йўлда учраган

кичикроқ дарёга қайтиб боришни таклиф қилди ва шу ондаёт қатъий рад жавобини олди:

– Нималар деяпсан?! Бориб-келишнинг ўзига бир кун кетади-ку! Чегарачилар ҳар дақикада келиб қолиши мумкин! Унда нима бўлади? Сўкиб-сўкиб, қайтиб кетишадими? У куни-миз бу кунимиздан баттар бўлмайдими?

Унинг асабийлашаётганини кўрган Малла бошқа гапириб ўтирмади. Юраклари сикилиб, хамрохлари турган жойга етиб келишганда, ранги-кути ўчган Саттор уларга яқинлашди:

– Ота, кўйлар сувсизликдан...

– Кўпми?! – унинг сўзларини бўлди Холмурод.

– Беш-олтита бўлиб колди. Қолганлари ҳам чидамай, ўзларини хар томонга уришмоқда. Аранг қайтариб турибмиз. Айниқса, Ашур акага қийин бўляяпти. Кейин... ўзимизга ҳам ичишга сув қолмади ҳисоб. Чойга кўзадаги энг сўнгги сувни кўйдик.

Холмуроднинг дами ичига тушиб кетди: “Дарёга оз қолди, деганимизни эшитиб, бу нодон аёллар сувни орка-олдиларига қарамай роса сарфлашганми, дейман! – ичидан қиринди ўтиб ўйлади у. – Лекин анави падарлаънати чегарачилар бундай килади деб, ким ўйлабди! Қани хабарлашиб турганлари! Ҳах, сенларга ишонганинг онасини...”

Энди коронғу тушишини кутишга ҳам имкон қолмаган, тезрок бу муаммони ҳал қилишмаса, аҳвол ҳалокатли тус олиши муқаррар эди.

У хотини ва болалари ёнида турган Маллани ёнига чакирди.

– Ўйлга тушамиз! Гупсарчини кўрмасак бўлмайди. Айтганингдек, ўша окпадарлар айниб қолишган ёки биздан-да кўпроқ ҳак берадиган мижозларни топишган! Ёки унутишган – ҳар бало бўлиши мумкин! Ўз муаммолизни ўзимиз ечамиз шекилли. Аслида сени шу ерда қолдирсан тузук бўларди, лекин бир кишига караганда икки киши яхши-да! Эҳтимол, тилимизни билмайдиган чегарачилар билан келишишга тўғри келар. Сен ўрис тилини... – Холмурод ўринсиз савол бераётганини билса-да, умид билан унинг кўзларига тикилиб турарди. Малла бош чайкади. – Бўпти, унақалар билан олди-бердини тил-забонсиз, ҳатто соқов бўлсанг ҳам амалга ошириш мумкин! Ҳах, падарларига лаънат, ким ўйлабди шундай бўлиб чиқишини!

Малла Гулбаҳорнинг ёнига қайтди.

– Биз чегарага бориб келмасак бўлмайди.

– Тезда қайтасизми?

– Албатта! Бизга керак одамлар келишмади, тушунаյпсанми?

Гулбаҳорнинг кўзларида бехосдан умид учқунлади:

– Балки шундай бўлгани тузукдир? Балки уйимизга...

– Жим бўл! – жаҳли чиқди Малланинг. – Сенга неча марта айтдим, энди бизга оркага йўл йўқ деб!

– Унда, ўрнингизга бошқа бири... Ашур ёки Саттор борса бўлмайдими? Ҳасаннинг иссиғи чикиб турибди.

– Иссиги?! Кўрсат-чи!

Холмурод жон талвасасида маъраётган кўйларни тинчлантиришда Ашурга кўмак бераётган хотини, ўғилларига чегарага кетиш олдидан тегишли топшириқлар бериб, нималар қилиш кераклигини тайинлаётган бир пайтда Малла ўғлини сўнгги бор кучоига олиб турарди.

– Ҳа, озгина бор, – деди у гўдакнинг пешанасига кафтини кўйиб. – Лекин шундай пайтда Холмурод аканинг ёнида турмасам... билмадим, нима деган одам бўламиш! Янгам балки нима қилишни айтар? Бундай ишларга тажрибаси бор. Ана, чинордек-чинордек тўртгасини катта қилиб кўйибди!

Унинг сўзларини бехосдан йиғлаб юборган Зухра бузди. Малла ўғлини хотинига тутқазиб, энди қизалоқнинг устига энгашди ва юзидан ўпди:

– Ҳа, қизим? Нима бўлди сизга? Нега йиғлаляпсиз? Яхши эмас! То оталаринг қайтиб келгунча жимгина ўтиинглар, хўпми!

– Малла! Бўл тез! – Холмуроднинг товуши келди наридан. – Аҳвол мен ўйлагандан ҳам ёмонроқ! Кетдик, мин отингга!

Малла қизалоғини яна бир марта ўпди-да, Гулбаҳорнинг кулоғига шивирлашга улгурди:

– Асло хавотир олма! Ҳасанни албатта янгамга кўрсат! Биз ишни битирибок ортга қайтамиш! Нима бўлганда ҳам болаларни эҳтиёт қил!

* * *

– Э! Бу сизми?! – Холмуродни зўрға таниди гупсарчи. – Ҳали кетмадиларингизми? – У сухбатдошининг лаби-лабига тегмай гапираётган сўзларини аранг тушунаётганди. – Аттанг,

жуда чаток бўлибди. Нима бўлганидан бизнинг хам хабаримиз йўғ-а! Лекин Тошкентдан қандайдир бошлиқ келибди, деб эпиграфдан бўлувдим. – Гупсарчи бир оз ўйланиб колди. – Балки ўшанинг касофатигадир? Бунақа хабарларниң тафсилоти ташкарига чикармиди бирдан! Факат бир неча кун ёки ҳафтадан сўнг етиб келиши мумкин. – Гупсарчи нималарни дир ўзича чамалади. – Сиз ҳозир хам вақтни йўқотмай, тўгри тўртинчи пост томонга ўтинг! Ёдингизда-я, қаердалиги? Йўқ, йўқ... нимлар деяпсиз, олиб бора олмайман, чунки бу тун ўзимда хам озроқ... тириклик бор, беш-олтита мижозни ўтказиб кўйишим керак... Э, кўйинг бу гапларни! Қанча берсангиз хам иложи йўқ! Бунча кўп кўйни ўтказиб кўйишига менда имкон қани?! Тўгри тушунинг – гупсарим фақат одамларни олиб ўтишига мосланган, шунда хам саноклигина бўлса! Биродар! Мен билан баҳслашишингиз бефойда! Балки ёдларидан кўтарилиган. Ахир, сизлардек мижозлари тикилиб ётибди! Қай бирингизни эслаб қолишин! То кор ёғиб, совук тушмагунча бир кун хам тиним билишмайди! Бугундан сув камайган, уч кун шундай давом этади. Худо мушкулингизни осон қилган кўриниади – йўқотган бир-икки кунингизга ачинманг асло!

Унинг “унутиб кўйишигандир” деган сўzlари Холмуродга қанот боғлаганди, қулоғи шундан бошка нарсани эшитмай кўйганди энди.

– Холмурод ака! – кичкирди Малла ундан ортда кол маслика ҳаракат қиларкан. – Тўгри кириб бораверамиими, ўша... пост деган жойларига? Хавфли эмасми? Ҳаммаёк коронғу-ку! Тағин сизни танимай...

– Ҳеч нарса килмайди! Аввал хам тўппа-тўғри бораверган эдик! Ҳеч бўлмаса, якин колганда овоз бераман!

– Бугун бошқалари бўлса-чи? Ахир, келаётганимизда, алмашиниб туришади, дегандингиз-ку!

– Фарки йўқ! Ҳаммаси бир-бирларига шерик, бир-бирингиз сир-асорини билади! Сен хавотир олма – ўзим жавоб бераман! Қолаверса, тахмин-у таҳлил килиб ўтиришга фурсат йўқ! Омадимиз келиб, эртадан кечувни бошлаганимизда хам, бунгача чорванинг яна қанчаси нобуд бўлади! Ҳах, падарига лъянат-а...

– Стой! Кто идёт!

Зулмат қаъридан янграган бегона тилдаги буйруқ ҳар икки отлиқни таққа тўхташга мажбур килди, аммо биринчи учрашув

пайтидаги сұхбат хulosасидан сүңг Холмуроднинг назарида ўша чегарачиларга такаллуф килиб ўтириш бутунлай ортиқча эди – бунга арзимайдилар!

– Холмуродман! – кичкирди у. – Сизлар билан учрашишим керак эди! Нега айтилган жойга келмадингиз?

Бундай жавобни кутмаганлар шекилли, бир неча сониялук жимлик чўқди, сўңг уларни тўхтатган ўша товуш бу сафар ўзбекчалаб деди:

– Жойингиздан кимирламанг! Ёнларингизда курол борми?

– Йўқ! – яна қичкирди Холмурод.

– Бораяпмиз! Лекин алдаётган бўлсангиз, ўзингиздан кўринг. Неча кишиисизлар?

– Иккита! Мен Холмуродман! Келгандим-ку... бир юмуш билан. Наҳотки танимаяпсизлар?

– Энди танишамиз. Жойингиздан жилмай туринг.

Бу галати мулоқотни хавотир билан тинглаб турган Малла овозини пастлатганча деди:

– Биронтасининг исмини билмайсизми? Айтиб чақирсангиз, балки...

– Сўраганимда айтишмаганди. Умуман, ҳеч кимга айтиш маса керак.

Милтиклари улар томон ўқталган тўрт нафар аскар коронгулик ичидан чиқиб келганини кўриб Холмурод ва Малланинг отлари хуркиб, жойларида айланганча типирчилай бошлидилар.

– Ким керак сизларга? – сўради курол кўтарғанлардан бири, энг олдинда тургани овозини кўтариб. – Нега рухсат сўрамай, давлат чегарасига яқинлашдиларинг? Қани, тезда отдан тушинглар-чи! – Келганлар буйруғини бажармаётганидан жаҳли чиқди шекилли, энди қаттиқроқ қичкирди. – Неча марта тақрорлаш керак?! Ёки пешаналарингдан ўқ егиларинг келаяптими? – Иложисиз қолган, юракларига шубҳа-гумон оралаган Холмурод ва Малла отларидан тушишди. – Қани, иккаланг ҳам кўлингни кўтар! – Малла ҳам, Холмурод ҳам талаб қилинаётган тарзда кўл кўтаришни умрлари бино бўлиб кўрмагандилар. – Бу нимаси?! Майнавозчилик қилаяпсанларми?! – уларнинг беўхшов қилиғидан тутақди аскар. – Ҳа, шундай... яна баландроқ! Яна деяпман! Тинтув қилиб кўринглар! – энди шерикларига буюрди у.

Атроф қоп-коронғу бўлганидан милтиқ ўқталиб турганлар-

дан биронтасининг юзини аниқ кўриб бўлмасди. Аскарларнинг хатти-ҳаракатлардан аъзойи баданига титрок кирган бўлишига қарамай, биронтаси таниш чиқиб қолар деган умидда, Холмурод юрак ютиб сўради:

– Бу... тўртингчи постми, ўзи?

– Йигирма тўртингчи! – масхара қилди уни ўша аскар. – Барча постларни ўрганиб чиққансанми, дейман? Ким керак эди? Биронтаси нариги томонга ўтказиб қўйишга ваъда берганими? Ким? Қачон?

Қилинаётган ўта қўпол муомала, илмоқли саволлар фалокат рўй берганидан дарак бериб туар, аммо Холмуроднинг бунга ишонгиси келмас, бутун фикри-ёди амалга ошмоғи сўрок остида қолган кечувда эди.

– Исларини айтишмаганди, – деди у талмовсираб. – Сизлар уларнинг ўрнидами? Бизни... сизлар ўтказиб қўясизларми?

– Бўлмаса, аммангми!

Аскар шу сўзларни айтаётib Холмуроднинг бикинига шунақсанги мушт туширдики, қўзидан ўт чиқиб кетди. Сўнг, кутилмаган зарб туфайли икки букилиб қолганидан фойдаланиб, юзига тизза қўйди ва шу ондаёқ олд тишларнинг касирлаб сингани эшитилди, қолган уч нафар аскар эса кўз ўнгидаги бўлиб ўтаётган даҳшатдан эсанкираб қолган Маллага ташланди.

* * *

Тонг эндинина оқариб кела бошлаганда шу томонга от қўйиб келаётган чавандозларни Ашур биринчи бўлиб кўрди.

– Янга! Опа! Қаранглар! Келишаяпти! – кичкирди у турган жойидан.

– Худога минг катла шукр! Шу ерда ўлиб кетамизми, деб тургандим, – хўнграб юборди Менглихол ўрнидан ҳам туришга ҳоли бўлмай. – Ордона колсин эди шу Афғони ҳам, бошқаси ҳам! Мен ҳеч қаёқка кетмайман! – У Гулбаҳорни кучоғига олди. – Сен ҳам кетмайман, деб айт! Истасалар, ўзлари кетаверишсин, мен болаларим билан шу ерда коламан. Карагин, адойи тамом бўлди-ку шўрликлар! Бир кунимиз бўлса, шу ерда ҳам ўтказамиз!

Дир-дир титраётган Гулбаҳор қўзларига ишонмас, тезда қайтишни ваъда қилиб, шу кетгандарича дараклари бўлмагани боис Малла ва Холмурод энди қайтмаса керак, деб ўйлай бошлаган ва туни билан мижжа қокмай чиққанди. Боз устига,

Менглихол турли-туман дори-дармонлар билан ҳар қанча муолажа килмасин, Ҳасаннинг иссиғи тушмаётганди.

Энди у ҳам ўзини хўнграшдан тута олмади:

– Опа! Опажон! Ҳаммаси ортда колди! Йиғламанг, ана, келишаяпти-ку! Тезроқ йифиштириналлик! Бўлинг, кутиб қолиши масин...

У Менглихолнинг кучоғидан сирғалиб чиқиб, болалари ётган томон юргурган бўлса, йигитчалар ҳамда Ашурнинг танига титроқ кирганди: от қўйиб келаётган суворийларнинг қўлида милтиқ найзалари ялтирас, улар орасида Холмурод ва Малла... қўринмасди.

Умрларида бу манзарани кўрмаган қўйлар бир зумга маърашни тўхтатиб, ўзларини бараварига бир томонга отишиди, бир нечтаси, айниқса сувсизликдан мадорсизланиб, йикилай деб турганлари бундай шаштга тайёр эмасликларидан сурув оёклари тагида колди. Ҳеч кайсида курол йўклиги, биронтаси ҳам милтиқ отишни билмаслигини Холмуроддан эшитган аскарлар Ашур ва йигитчаларга эътибор бермай, кенг дала бўйлаб сочилиб кетишга шай турган сурувни ўраб ола бошлидилар, нотаниш суворийларга ташланган бўрибосарлар биринкетин узилган ўқлардан ер тишлади.

– Ҳамманг бир жойга йифил! Қани, тез бўл!

Кўркувдан ранги пахтадек бўлиб кетган Менглихол шу ондаёқ қиска бир қичкириқ билан хушдан кетди, Гулбаҳор турган жойида котиб қолганди. Унинг ёдига бир неча кун илгариги – Лангардан келаётганларида бўлиб ўтган воеа тушди: худди ўшандай кийинган аскарлар, кўлларида худди шундай милтиқлар, худди шундай важоҳатли кўзлар...

Лекин ҳозир, худди ўшандаги бўлганидек уларни шартташартта отиб ташлайдиган мард одам йўқ!

Акли-хушини йўқотган Гулбаҳор бигиллалаётган болаларини багрига маҳкам босганча, келган йўллари томон қоча бошлиди. Югуриб кетаётганида қокилиб, тиззалири билан чўккалаб колди ва сал бўлмаса, икки болани ҳам қўлидан тушириб юборай деди.

– Онажо-о-он! – фарёд отилиб чиқди ўрнидан тура солиб, яна югурга бошлаган жувоннинг бўғзидан.

Ашур ва йигитчалар билан овора бўлиб турган аскарлар овоз чиқкан томонга ўгирилишди, улардан бири елкаси оша илиб қўйилган бешотарни олиб, энди нишонга олаётганида бошқаси қичқирди:

– Отилмасин! Тирикрай ушлансин! Буйрук шундай! Бор, тутиб кел!

Милтигини елкасига илиб, аёлнинг ортидан от соглан ва зум ўтмай етиб олган аскар отини унга бакамти қилди.

– Тўхта, канжик! Қаёкка югураяпсан! Ўйнашинг олдигами!

– Онажо-о-он! – яна фарёд урди сочлари тўзиб, қўркувдан юзи бир томонга қийшайиб кетган жувон отни айланиб ўтишга харакат килиб. Аскар бунга йўл қўймай, елкаси аралаш юзига камчи согланда ҳам у болаларини қўлидан қўйиб юбормади.

– Тур ўрнингдан, манжалаки! – сўкинди отидан сакраб тушган аскар. – Бер бу ёққа болаларни!

Бир оз олишувдан сўнг гўдакларнинг чинкириғи аралаш эркак кишининг додлагани эшилтилди: аклини йўқотган Гулбаҳор аскарнинг билагидан ғарчиллатиб тишлаб олганди.

Кутуриб кетган аскар чап билагини чангллаганча қаддини ростлади-да, Гулбаҳорнинг юзига тепди.

– Урғочи бўри! – чалқанчасига ағдарилганидан ҳар иккала гўдаги ерга учеб тушган Гулбаҳорга ҳамла қилди у. – Ҳозир ҳамма тишларингни синдириб оламан! Мана сенга! Мана! Ҳе, оғзингга...

Аскар оғзи-бурни конга беланган жувонни аямай тепар, оғир зарбаларга қарамасдан, тупроққа беланганча сургалиб, болалар томон интилаётган қўлларини пошналари билан эззиларди.

Қўркувдан дир-дир титраётган ака-укалар, бўлиб ўтаётган ҳодисадан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган Ашурдан энди хавотир олмай қўйган бошка аскарлар ҳам етиб келишди ва бирин-кетин отдан тушиб, ҳамон тепкилашни тўхтатмаётган аскарни аёлдан нари итардилар.

Ака-укалар қанчалик қўркишмасин, хушидан кетганча ерда ағанаб ётган оналари тепасига югуриб келишга ўзларида барибирам журъат ва ирова топа олгандилар, Ашур эса...

Узилган кетма-кет ўкларнинг биронтаси ҳам унга тегмади, сал ўтмай кўздан йўқолганда эса ортидан қувлаш учун отига сакраб минган аскарга бошқаси – ёши қаттароғи кичкирди:

– Агар тирик тутиб кела олмасанг, онангни учқўрғондан қўрсатаман! – Бир неча сониядан сўнг аскар ҳам ясси тепалик ортида ғойиб бўлгач, у энди ўнгу сўлига буйрук бера бошлади. – Биттанг анови аёлнинг тепасига бор – унинг болалари ҳам хунар қўрсатиб ўтиришмасин! Отларнинг ҳаммасини бир жойга тўпланглар!

Гулбаҳорнинг нафас олаётгани сезилмас, ундан сал нарида тупрокка беланиб ётган болалардан бири чинкириб йиғлар, бошқаси...

Ёши каттароқ аскар кепкаси соябонини тепага кўтарди ва чўнтағидан дастрўмол чиқариб, тер куйилаётган юзини артди.

— Энди буларни нима қиласиз? — афтини бужмайтирди у. — Аёл... ўлибдими, дейман? Боланинг ҳам биттаси... Баттар бўлсин! Шуларни деб қанча шерикларимиз жавобгарликка тортиладиган бўлди — энди ўлигини судраб юрамизми! Бўлди, қайтамиз, йигитлар. Анови тирик болани олинглар, аёлни ҳам турғизинглар, — деди у Менглихол томонга имо қилиб. — Ким билади, балки макрзанлик қилиб ётгандир.

Ҳаво қизигандан қизиб борар, бир жойда тўда бўлиб турганча, шу бир-икки кун ичида очлигу сувсизликдан қийналиб кетган юзлаб кўйларнинг маъраши еру кўкни босиб кетганди.

* * *

Туллаган чиябўрининг кўзлари ой нурида ялтираб, юнглари хурпайди, тумшуғини чўзиб ҳавони хидлади, аммо ўзидан беш-үн қадам нарида дўппайиб ётган нарсанинг ёнига боришга журъати етмади.

У ҳар куни шу йўлдан ўтиб қайтарди, лекин аллакандай одамлар шу ерда қўним топгач, уч кундан буён бунинг имкони бўлмади. Устига-устак ёнларида бири-биридан йирик тўрт нафар ит! Якинлашиб кўр-чи — нак еб-ютиб қўядилар!

Лекин бугун ҳамма ёқ жим-жит, каёққадир кетишган кўринади.

Туллак чиябўри дарё омон ғамгин қараб қўйди.

Эҳ, бир пайтлар ўша жойларни ўзига макон тутмаганмиди! Ундаги чеки-адоги йўқ тўқайзорда ҳар қадамингда озука — истасанг куён, истасанг кирғовул! Ўрнидан кимирлашга улгурмай таппа босасан! Ўзингнинг-да корнинг тўқ, болаларингнинг-да!

Лекин бу айшу ишрат узокка чўзилмади — энди у ерларда ҳар қадамингда қўлида милтиқ тутган одамлар юрибди. Баъзиларининг ёнида бўриларни эслатувчи итлар.

Чиябўри жунжикиб кетди — бўрибосарларни ёмон кўрарди! Улар йўлбарсу қоплонлардан ҳам хавфли! Бўйниларида занжир, ер исказиб, тўрт томонга юргурганлари юргурган. Бир гал унга етиб олишганда, аъзойи баданида ғажилмаган жойи қолмади! Жағларидан аранг қутулиб, мана шу томонларга қочиб колмаганда...

Шундан буён дарёга яқинлашишга юрак йўқ.

Очлик ичак-чавогини ўртаб кетаётған чиябўри дўппайиб турган нарса томон бир қадам қўйди, сўнг яна тўхтади. Ўша итлардан бири бўлса-я! Лекин, ит деганлари шу пайтгача унинг шарпасини сезмасмиди? Осмондан учиб ўтаётған қушни ҳам пайқашади-ку! Балки қўйлардан бири қолиб кетгандир? Қўзичоқ бўлса-ку, ундан-да яхши бўларди...

У қўрқа-писа яна бир қадам босди – ҳайтовур, қўзичоқ бу даражада катта бўлмаслигини у жуда яхши биларди. Таваккал! Жуда бўлмаса, қочиб қолади! Биринчи мартами!

Титраб-қақшаётған чиябўри ниҳоят юрак ютиб, ерда ётган нарсага тумшуғини теккизди ва шу захотиёқ ортига чекинди: одам! Нима қилиб ётибди бу ерда? Нега қимир этмайди? Улганми?

Очлик қийнаб юбораётганди. Тўғри, умрида ҳали бирон марта ҳам одам емаган, лекин оч коринга нима фарки бор! Тўхта, сал нарида яна бир нима бор-ку! Аллакандай овоз чиқараյпти-ку! Балки, буниси энди ростдан ҳам қўзичоқдир!

Ўша томонга бир неча қадам ташлаган чиябўри алла-қаердан келаётған туёқлар дупурини эшлиб, думини қисди, юнглари яна хурпайди, ой нурида қўзлари яна ялтираб кетди.

Ҳа, бу гал ҳам куён бўлишга тўғри келадими дейман! Чўпонлар қайтиб келаяпти! Ёnlарида ўша тўрт нафар ит билан!

* * *

– Янга! Опа! Мен келдим!

Бир қўлида Зухрани тутган Ашур унинг бош тарафида чўккалас, елкасидан силкитарди.

– Опажон! Бу мен... Ашурман! Қайтиб келдим! – такрорлади у йигламоқдан бери бўлиб. – Қўзингизни очинг! Мана, битта болангиз менинг қўлимда! У тирик! Янга!!!

Ашур қўллари титраб, аёлнинг юзига қўл юборди... Муздек! Сўнг бармокларини ушлаб қўрди – жон дегандан асар ҳам колмаган! Акашак бўлиб ётибди!

Йигит бироннинг хасми бўлмиш аёлнинг қўксига кулок қўйиб, юрак уришини эшлишдан ўзини тийди: шусиз ҳам барчasi маълум эди. Лекин нега бир ўзи? Қолганлар-чи!

Тиззалири калт-калт титраганча ўрнидан турган Ашур ён-атрофга канча алантамасин ҳеч кимни кўрмади ва кўлига ол-

гандан буён қизалоқнинг илк марта қимирилагани уни карахтликдан чиқарди: шу тарзда қакқайиб тураверса, бу ҳам ўлиб колиши ҳеч гапмас!

Бирок аёлни нима қилиш керак?! Шундай қолдириб кетиб бўлмайди-ку (Гулбаҳорнинг тепасига келаётиб, тезда йироқлашган кулранг шарпанинг нима эканлигини тахмин килганди)! Қаёққа олиб боради? Қишлоғигами? Кимга? Кими колди у ерда?

У ночор теварак-атрофга кўз югуртириди: лоакал тошлар бўлганидаям, бир илож қилиб, танани йирткичлар кўзидан яширалими.

Унинг чанг босган юзидан ёш думалади: номардлар-а, аёл кишини ҳам ўлдирасанларми! Сенларнинг онанг, опанг, сингилларинг йўқми!

Қизалок инграй бошлаганида Ашур ўйлаб ўтиришга вақти колмаганини сезди: ўлган ўлди, энди тирикларнинг ғамини ейиш керак!

* * *

Чегарачилар комиссарнинг рўпарасида саф тортишди.

– Демак, биттаси қочиб кетдими? Шу арзимаган ишни ҳам эплай олмадиларингми? Лапашанглар! – ғижиниб ерга тупурди у. – Ўзи ҳаммангни бу ердан қуритиш керак! Ёғли жойни топиб олгансанлар, роса! Семириб, думба боғлаб кетгансанлар! Шошмай туринглар, хали ҳаммангга навбат келади! Мен ўзим шу ерда икки ой бўламан – биронта қингир ишларингни пайқай-чи, қани, нима қилас эканман! Сенларга ҳамтовок бўлган ўша гупсарчиларга ҳам навбат келади! Ярамаслар! Хиёнаткорлар! – Комиссар уларни яна нима деб сўкишни ўйлаб, бир пас сукут саклагач, ҳафсаласизлик билан қўл силкиди. – Э, сенларга гапирдим нима-ю, деворга! Бугундан бошлаб барча назоратни ўз қўлимга оламан. Ҳозирча эса... Қўйларни нечта экан, дедиларинг? Ўҳ-ху! Бўпти, барчасини озик-овқат комиссияси ихтиёрига топширамиз – армияга гўшт етмай турувди ўзи. Ҳозирча шу. Агар саволлар бўлмаса...

– Рухсат этинг! Қўлга олинганларни нима қилайлик?

Комиссарнинг афти буришди:

– Шу ҳам савол бўлдими – ҳаммаси отиб ташлансин! Мурдаларини дарёга улоктириинг, баликларга ем бўлсин!

– Битта эмизикли бола ҳам бор, ўртоқ комиссар.

– Бу ҳам муаммо эмас – етимхонага топшириң! – деди комиссар бир оз ўйланиб тургач. – Уни шўро давлатига содик қилиб тарбиялашади. Яна нима?! – ўқрайди у навбатдаги саволга оғиз жуфтлаётган штаб бошлиғига.

– Бир аёл ҳам бор. Менимча... аклдан озган. Алоҳида сакляпмиз.

– Аклдан озган? – афти баттар бужмайди комиссарнинг. – Унакаларга ўқ ҳам ҳайф! Ҳайдаб юборинглар! Корасини кўрмайин бу яқин атрофда! Бўлдими?

– Худди шундай, ўрток комиссар!

– Бўпти, унда буйрукни ҳозироқ ижро этинглар.

– Хўп бўлади!

Ярим соатлардан сўнг тўрт нафар аскар бир-бирини суюб аранг юраётган бир гала маҳбусни тўқай томон ҳайдаб кетди. Улар орасида тўртинчи постнинг собиқ чегарачилари ҳам бор эди.

Йигирма бешинчи боб

Ушбу хонадон дарвозасини ҳали ҳеч ким ҳеч қачон бунчалик кеч тақиллатмаганди.

Ичкаридан анча пайтгача сас чиқмади, лекин тақиллатиётган одам, афтидан, индамай қайтиб кетмокчи эмасди. Нихоят, кимдир:

– Ким бемаҳалда келган? – товуш берди норозилигини яширмай.

– Бу менман, амаки.

– Мен деганингиз ким? Исмингиз нима?

– Мусофири...

– Мусофири?.. Биродар, биз кўпчилик яшаймиз, уйимиз эса тор. Яхшиси, бошка жойга бора қолинг. – Келган одамнинг тезроқ кетишини истабми, уй эгаси кескинроқ гапиришга уринарди. – Уйда ўғлим, келиним, уларнинг беш-олтита боласи – хуллас, кўпчиликмиз. Яхши боринг!

Хонадон сохиби мусофирининг кетганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун дарвозага қулоғини қанчалик яқинлаштириб турмасин, фойда бермади.

– Уйингизга кирмокчи эмасман, – деди бир пайт мусофири. – Қўлимда ёш бола, эмизикли. У оч... Бир пиёлагина сут беринг, ўтинаман сиздан! Жони узилай-узилай деб турибди!

Оллоҳ номи билан айтаманки, бошқа ниятим йўқ! Ишонмасан-гиз, ўзингиз чикиб қаранг.

Бир неча сония жавоб бўлмагандан сўнг, иккиланган овоз келди:

– Эмизикли бола? Хотининг ёнингдами?

– Йўқ... Илтимос, девор устидан бўлса ҳам бир пиёла сут узатинг.

Қишлоқдаги барча ҳовлилар сингари бу ҳовлининг ҳам девори йўқ хисобида бўлиб, дарвоза эса яхшилаб бир тепса, ҳар томонга сочилиб кетадиган, номигагина эди.

Ниҳоят, ортидан хода тирадан “дарвоза” очилиб, бемаҳалги ташриф туфайли хавотирланган хонадон соҳибининг ўғли ва кампирининг иккнидан жой олишди.

Мусоғир ёшгина йигит экан. У бошқа нияти йуқлигини янада таъкидламокчи бўлдими, отдан тушмади.

– Амаки... хола... мана бола! – деди у кучоғига имлаб. – Корни оч! Агар имкони бўлса, бир пиёлагина...

Йигитнинг туриши, товушидан шунчалик хокисорлик уфурини туради, чолнинг барча шубҳа-гумонлари бир зумда таркаб кетди.

* * *

Эрталаб чол ва кампир Ашурга ҳайрон бўлганча қараб туришар, қайгули, шу билан бирга даҳшатли ҳикояси уларни лол қолдирганди.

– Кеча алдаганим учун афв этингизлар... бошқа иложим қолмаганди, – деди Ашур бошини ҳам қилиб. – Мен ҳали уйланмаганман, бунинг имкони ҳам йўқ... ота-онамдан эрта етим қолганман. Бошпанам дуч келган жойда. Ҳозир ҳам қаёққа боришни билмай... олиб колишларингизни илтимос қиласяпман. – У бир неча сония сукут сақлади. – Отасининг исми Малла, онасиники эса Гулбаҳор... эди, – киприкларида ёш айланди унинг. – Лангар деган жойдан. Малла ака тирикми-йўқми, билмайман... қолганларни ҳам.

Чол ва кампир бир-бирига кўз ташлаб олишди. Қаршиларидаги йигитнинг (унинг афти-ангори, уст-бошига қараб бўлмас, озиб-тўзиб кетган, яктак-чолворининг тоғора кўрмаганига анча бўлгани шундек кўзга ташланиб турарди) сўзларига ишонмай бўлмасди, лекин килаётган таклифи...

Ҳозир бола асрар оладиган замонми! Колаверса, олиб

қолиша ҳам, бокиш ташвиши уларнинг эмас, ўғил ва келининг зиммасига тушмайдими! Ўзларида бир этак бола, сутқатикни эса бу йил сигирлари қисир колгани туфайли ёнма-ён яшовчи амакисидан олиб туришибди.

Чол аниқ жавоб беришга шошилмади.

– Токи борадиган жойинг йўқ экан, боланг... яъни, бола ўзига келиб олгунча, бир-икки кун бизникида тур, – гап бошлиди у. – Нима қилишингни кейин ўйлаб қўрармиз. Агар биз олиб қолмаганимизда ҳам, бошқа биронтаси чикиб қолар – тирноққа зорлар камми! Ҳозир кампирим бир аёлни чакириб келади... у узокроқ хешимиз. Аслида кинначи, лекин табиблик ҳам қўлидан келади. Болани унга кўрсатиш керак, акс ҳолда... Қизалоқ эканми? Келинимиз шундай дегандек бўлувди. Исми ни айтмадинг?

Ашур унга ҳайрон бўлиб караб қолди.

– Исми?! – талмовсиради у. – Исмини билмайман. Менга айтишмаганди. – Шу ерда, Ашурнинг юзи бехосдан ёриши. – Улар эгизаклар эди! Буни аниқ биламан! Униси ўғил!

Уй эгалари яна бир марта кўз уриштириб олишди.

– Бўлти, исми муҳим эмас, олдин соғайтириб олайлик-чи. Ҳозир яхшими ўзи? – кампираига мурожаат қилди чол.

– Худо умрини берган бўлса, саклаб колармиз, – деди кампир Ашурдан синовчан кўзларини узмай.

– Барibir, Фотима келсин. Шунча азоб кўрибди, айтиб бўладими.

Кампир кетгандан сўнг, Ашур ҳам ўрнидан турди.

– Амаки... сиздан бир нимани илтимос килсан бўладими?

– Нима экан?! – хушёр тортди чол.

– Белкуракми, кетмонми... бериб тура олмайсизми?

– Нима қиласан уларни?! – ҳайрон қолди чол.

– Аёлни... яъни, кизчанинг онасини кўмиш... дафн этиш керак. У ҳали ҳам ўша ерда ётибди.

Йигитнинг бутунлай бегона аёлни деб бунчалар қайгураётганидан тўлкинланиб кетган чол унга узок вакт тикилиб тургач (ҳали ҳам шунаقا одамлар бор экан-да!), ичкарига кириб кетди.

– Барака топ, ўғлим! – деди у кўп ўтмай қўлида бир ўрам бўз билан чиқаркан. – Ушла! Мусулмон бандани кафансиз кўмиб бўларканми! Ўзимга атаб олгандим. Фотиха ўкишни биласан-а?

– Йўқ, амаки, ҳеч ким ўргатмаган, – мўлтиради Ашур.

Чол бир зум ўйланиб қолгач, ерга чўнкайди.

– Сен хам ўтири... шундай... энди кафтигни оч... мендан кейин сўзма-сўз қайтар. Бисмиллохир раҳмонир-роҳим-м-м...

– Қайтиб келасан-а? – безовталаңганча сўради чол қисқа-гина ўқилган фотиҳадан сўнг унга кетмонни узатаркан.

– Албатта! – жавоб берди кип-қизариб кетган Ашур.

* * *

Дарвозани тақиллатиш учун узатилган қўлини пастга туширган қандайдир бир шарпа озгина ўйланиб тургач, кетмонни унинг остонасига товушсиз ётқизди-да, узок йўл юриб ҳориган, индамайгина уни кузатиб турган отига сакраб минди.

– Кечиринг мени, амаки, – шивирлади унинг тарс-тарс ёри-либ кетган лаблари. – Бошқа иложим йўқ эди.

Атроф жим-жит эди, буларнинг ҳаммасини кўриб турган маъюс ой хирагина нур сочиб турарди.

* * *

Кўм-кўк майса устида ёнбошлаб ётган Йўлдош сафларига куни кеча қўшилган йигитни гапга солиш учун бетакаллуғи-на ёнига чорлади.

– Нега миқ этмайсан? – деди у кулиб. – Бу феъл-атворинг билан яккаланиб қолишинг, йигитларнинг кўнглига шубха ора-лаши мумкин. “Индамасдан қўрқ” деган мақолни эшитгандир-сан? Кел, мана бу ерга ўтири. Биз факат исминг нима эканлиги-ни биламиз, бошқасидан факат сардоримиз хабардор бўлиши мумкин. Каерликсан ўзи? Нима?!.. Йўқ, эшитмаган эканман. Кичикрок қишлоқдир-да! Ота-онанг... Э, шунака де! Милтиқ отишни биларсан?

– Энди ўрганаяпман.

Йўлдош бешотарини қўлига олиб, кўндоғини меҳр билан силади.

– Ўзимни жудаям ўткир мерган деб хисобламайман-у, лекин истасанг ёрдам беришим мумкин. Қишлоғингдан ҳеч қаёққа чикмаган одамга ўхшайсан қўринишингдан. Нима иш билан шуғуллангансан бу ерга келгунча? Дехконмисан?

Йигит бир оз ўйланиб турди.

– Кўй бокканман, – деди сўнг у.

– Э, чўпонмидинг! Отакасб эканмиз-ку! Отам қўйларини

боққан ўша одам бой эди. – Йўлдош кулди. – Энди ўзи ҳам, суврвлари ҳам йўқ. Сен қишлоқнинг қўйларини боққан бўлсанг керак?

– Йўқ, мен ҳам бир одамнинг.

– Ҳозир у ҳам ҳеч вақосиз колгандир? – Йўлдош шундай бўлганини аниқ билгандек, жавоб кутиб ўтиргади. – Бизга қўшилганинг яхши бўлибди, ҳали онасини кўрсатамиз бу коғирларнинг. – У атрофга хаёлчан кўз юргутириди. – Бу ерлар салқин. Тоғ ҳавоси-да. Якин орада ёғингарчилик бошланади. Падарига лаънат шўро деганларининг! Қачон унинг дастидан кутулиб, одамлардек яшар эканмиз, – оғир уф тортди Йўлдош. – Уй томонга ўтиб келиш керак эди, чолу кампир, бола-чақадан хабар олгани. Агар қуёвимиз қолган бўлса-ку яхши, бўлмаса... Ажойиб, мард йигит. Бу ерга ҳам келган эди мендан хабар олгани... ҳатто уйга олиб кетгани! – кулди у. – Лангарота деган жойдан ўзи. Биласанми ўша ёкларни? Эшитганмисан?

Шу пайтгача унинг сўзларини сабр-тоқат билан эшитиб, тезроқ туриб кетишнинг иложини қилолмай турган йигит бошини кескин кўтарди.

– Нима?! Лангарота... дедингизми?! Исли нима эди куёвингизнинг?!

* * *

Кўзидан тинмай ёш окаётган Йўлдош ниҳоят жиловни тортиб, Ашур томон ўгирилди:

– Энди қаёқка юрамиз? – сўради у мижжаларини енги билан артаркан.

Ашур бир аланглаб олгач, синик товушда деди:

– У ёқдан қайтаётганимда тун эди. Отим қаёққа юрса, ўша ёққа кетавердим. Ҳеч нарсага эътибор бермагандим. Чолнинг исми, қишлоқ номини ҳам сўрамаган эканман. Менинг ўша пайтдаги ахволимни тушунинг, илтимос! – деди у типиричилайтган отини тинчлантиришга уринаркан, сўнг Йўлдошга мунғайиб кўз ташлади. – Балки, керак эмасдир? Сизга чол ва кампирнинг қандай одамлигини айтдим... қизалоқни хор қилиб қўйишмайди! Уни қайтариб олиб нима қиласиз? Ўзимизнинг юришимиз... бу бўлса.

– Онамга олиб бориб бераман... қизидан ёдгорлик, – йиғидан бўғилиб чиқди Йўлдошнинг товуши. – Биз, колаверса, Малланинг уруғлари турганда, нега энди бегона одамлар

кўлида қолиши керак? Илтимос, мени қайтаришга уринма – ҳеч бўлмаганда ўшаларга етказамиз! Йўлни биламан... бир марта борганман. – У Ашурга илтижоли термулди. – Укажон, ўйла, хотирангни бир жойга жам қил! Қанча вақт кетса-кетсин, неча кун ёки ҳафта сарсон бўлсак-бўлайлик, лекин уни топишмиз керак!

Икки кундан сўнг кичкинагина овулга кираверишда – бу каби қишлоғу овулларнинг нечтасида бўлишмади! – соchlари тўзиган, оёқяланг, йиртилиб жандага айланган кўйлаги остидан кўкраги, ҳатто аврати кўриниб турган телба аёлга дуч келишди. Унинг афт-башарасига қараб бўлмасди: моматалок, худди қоракуя суртиб қўйилгандек.

Икки навқирон йигит бу нохуш манзарадан уялиб, нигоҳларини олиб қочдилар, телба аёл эса милтиқ кўтарган одамларни кўргач, вахший ҳайвонлардек товуш бериб, ўзини қуриб колган жийдазорга урди, сўнг ўша томондан унинг қаҳ-қаҳ отиб кулгани, сўнг эса кимнидир уришаётгани, қарғаётгани эшитилди:

– Тегма менга, жувонмарг! Ол кўлингни! Менинг тўртта болам бор! Ха-ха-ха! Қани менинг болаларим! Қаёқка кетишиди улар! Мусулмонлар! Қани менинг болаларим! Ёрдам беринглар, ёрдам!

Жийдазордан анча узоклашгандагина Ашурга бу товуш аллақандай таниш кўринди ва оти жиловини беихтиёр тортиб, қулоғини динг қилди.

– Нега туриб қолдинг? – деди ортига ўгирилган Йўлдош. – Телбаларни кўрмаганмисан? Ҳозир бунақангилар ҳар қадамингда. Бўл, укажон... мана шу қишлоқ одамларидан ҳам бир-бир сўраб кўрайлик. Майли, шу энг охиргиси бўла қолсин! Тушунаяпсанми – энг охиргиси!

* * *

Йўлдош чопонига яхшилаб ўраб олинган Зухрани бағрига босганча эгарда маҳкам ўтиради.

– Ашур, – деди у. – Сен йигитларнинг ёнига қайт... қийинчиликларга чидамай қочиб кетишиди деб ўйламасинлар! Нима бўлганини сардорга айт ва албатта келади, де! **Ха**, мен албатта қайтаман ва сўнгги томчи қоним қолгунча курашаман! Борақол.

– Қачон қайтасиз?

— Анигини билмайман, — деди иккиланиб қолган Йўлдош. — Қизалокни Лангар-Отага етказгач, Термиз томонга ўтаман. Қолганларнинг тақдири нима кечганини билиш керак-ку!

Кетишга шай турган Ашур бирдан от жиловини тортди:

— Йўлдош ака! — деди у ҳаяжонланиб. — Борманг! Хавфли! Улардан шафқат кутманг! Ахир, ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим! Омон қолган бўлишса, сиз бормасангиз ҳам уй-уйларига қайтишади!

— Ичим ёниб кетаяпти, — бош чайқади Йўлдош. — Малла, кейин... мана бу қизалокнинг эгизагига нима бўлганини билишим керак. Ашур, укажон, вақтни йўқотма, айтганни қил! Хўжайнинг... исми Холмурод эдими? Бўпти, уни ҳам суриштираман.

Холмурод ҳакида гап очилганда, Ашурнинг кўз ўнгидагидир йўлларида учраган ҳалиги телба аёл гавдаланиб, сўzlари яна бир марта қулоқлари тагида янграгандек бўлди, юраги шув этиб кетди: наҳотки?! Лекин у аёл очик-сочик-ку! Холмурод аканинг хотини бўлса ҳар доим паранжи-чачвонда эди! Ҳа, юзини бирон марта кўрмагани рост, лекин товушини...

— Ашур! Яна нималарни ўйлаб колдинг?

Йўлдошнинг саволидан хаёли бўлинган Ашур бош чайқади:

— Бир ўзингизни юбора олмайман... айниқса чегарага! Йигитларнинг ёнига ҳам бирга қайтамиз. Нима бўлганини айтсак, тушунишади.

Зухранинг безовта бўлиб йиғи бошлагани уларнинг бундан кейин ҳам баҳс-мунозара килиб ўтиришларига халал берди.

* * *

Лангар томон кетаётганларига ярим соат ўтмай — ёмғир эндиғина шивалай бошлаганди — Ашур кўрсатган тарафга тезгина кўз ташлаган Йўлдош шу ёкка от суриб келаётган бир тўда аскарларни кўрди.

— Энди ҳаммаси сенга боғлик бўлиб қолди! — кичкирди Йўлдош отига қамчи ураркан. — Мен кўлимда бола билан милтиқ ота олмайман!

У билан баб-баравар елиб кетаётган Ашур ҳам салдан сўнг бор овозда кичкирди:

— Мен эса от чоптираётиб сира ўқ узмаганман! Теккизишм қийин! Қизалокни менга беринг! Беринг деяпман бу ёкка!

Зухрани бағрига босғанча елиб кетаётган Йўлдош Ашурга алам ва надомат билан кўз ташлади. Умрида бирон марта улок чопмаган Ашур бу борада ҳам тажрибасизлигиданми, отлар бир-бирига қанча қапишмасин, узатилаётган Зухрани ҳеч ололмасди. Кўркувдан йигини ҳам унудиб қўйган шекилли, қизалок товуш чикармас, Ашур уқувсизлик билан ҳар сафар қўл узатгандага унга мунчоқдек кўзларини тикарди, холос.

Нихоят – бир чакиримга яқин масофани босиб ўтишгач! – отларнинг туёклари тагига тушириб юборишига сал қолиб, Зухрани юлқиб олаётганда шу пайтгача жим келган қизалок чинкириб юборди ва худди шу маҳал унинг товушига ҳамоҳанг равишда биринчи ўқ овози янгради.

Иккала чавандознинг отлари аста-секинлик билан ажralа бошлади.

– Ашур! Тўхтама! – қичкирди Йўлдош ўзи тезликни камайтиаркан. – Мен йўлларини тўсишга уриниб қўраман! Ўтинаман – нима қилиб бўлса ҳам қизалоқни саклаб қол ва етказ!

Ортдан елиб келаётган аскарлар энди бири олиб-бири кўйиб хуштак чалишар, тинмай қийқиришар, ўртадаги масофа эса тобора қискариб борарди. Пойга кўп давом этмади – Йўлдошнинг ортга ўгирилиб, нишонга олаётганини кўрган аскарларнинг бир нечтаси бараварига ўт очишиди ва ўқлардан бири отнинг қаеригадир тегиб, уни кулатди. От йикилаётib қаттиқ кишинаб юборди. Ногаҳонда янграган бу товушни эшишиб ортига ўгирилган Ашур Йўлдошни бир неча аскар ўртага олгани, худди ёввойилардек қийқирганча боши тепасида қилич ўйнатаётгани, улардан тўрт нафари эса... ўзининг ортидан қувиб келаётганини кўрди.

Кўлда бола билан узокка кетиб бўлмасди, ортдан келаётганларга карата ўқ узишдан ҳам наф йўқ эди. У энди отни қамчиласни-да бас қилди, тезлик анча пасайганда эса елкасидаги милтиқни ечиб улоқтириди-да, жиловни қаттиқ тортди.

Аскарлар етиб келгач ва уни ҳам худди Йўлдош каби ўртага олишганда у Зухрани кучоғида тутганча ёмғирдан пилч-пилч лойга айланган ерга тез чўкди.

– Биродарлар! – унинг юзидан окиб тушаётган ёшли ёки ёмғир томчиларими, билиб бўлмасди. – Акалар! Майли, мени ўлдиринглар, лекин бола омон қолсин! Ҳеч бўлмаса унга шафқат қилинглар – норасида, ахир!

ИККИНЧИ БҮЛИМ

Йигирма олтинчи боб

Ниҳоят Ҳожар ўзига келди.

– Илгари айтганимдек орқа мияси лат еган кўринади, шунинг учун гапира олмаяпти, – деди Махсум Давлановга ўғирилиб. – Аслида, бундай ҳолларда хотира ҳам йўқолиши керак. Билмадим, яна. Ҳозирча унинг учун энг муҳими осойишталик. Одамларнинг ҳам камроқ бўлгани яхши. Иложи бори-ча сухбатга тортилмасин – беморга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

– У эшитаяптими бизни? – сўради Давланов ҳовлига чи-кишаётиб.

– Билмадим. Менга қолса-ку, унинг ҳозирча ҳеч кимдан ҳеч нимани эшитмай тургани маъкул. Айниқса... меҳмонлардан, – деди Махсум Нодира томон сермаъно, аллақандай истехзоли жилмайиш билан қараб кўяркан.

Очиқдан-очик шамадан хижолатланган Давланов дувва қизарип, нигоҳини четга олди.

* * *

– Кеча хикоянгиз пайтида қўшни бўлганимизни айтгандингиз, лекин сизники билан ёнма-ён ҳовлини кўрмаяпман, – деди Яшар атрофга алангларкан, – нима... ўшандан сўнг уйимизни... бузиб ташладиларми?

– Нега бузишади тап-тайёр уйни? Аввал уни... ҳеч ким турмай, бўшаб колгандан сўнг дейман... вактинчалик мактаб килишгач... бунга ҳам ўша Ҳайитов бош-қош бўлганди... кишлоқнинг катта-кичик болалари ўқидиган бўлишди. Ҳаммасидан эмас-у, бобонгдан, отангдан қолган китобларнинг баъзи бирларидан дарслик сифатида ҳам фойдаландик. – Давланов ночор табассум қилди. – Яъни... демоқчиманки... мен ҳам бир оз вақт... ҳовлиларингда, уйларингда ўша болаларга дарс бериб юрдим. Кейин эса... балки билмассан, бу ерларда тез-тез кўчки бўлиб туради, айниқса, эрта баҳор пайти. Хуллас, икки йилдан сўнг худди шу фалокат рўй бериб, кўп уйлар, шу жумладан, сизларники ҳам кўчки тагида қолди. Ҳозир ҳатто ўрни ҳам билинмай кетган. Қайтиб келишларингизга умид боғлаб, аммаларинг, умуман барча қариндош-уруғлар ҳеч

нарсаларингта тегмай, энг арзимас латта-путтагача кичикрок бир хонага тахлаб, эшигини михлаб ташлашганди. Албатта, уларни ҳам саклаб қолишнинг имкони бўлмади. Афсус... акс ҳолда, ҳозир ҳеч бўлмаганда ётган бешикларингни кўрган бўлармидиларинг.

Ўзининг энди дунёга келган пайтларидағи ўтмишидан мутлақо бехабар Яшар қандайдир оилада туғилгани, қандайдир уйда яшаганини – қанча муддатлигидан катъи назар! – кўп марта тасаввур килишга уринган, аммо бирон марта ҳам охирига етказа олмаганди: уни бешик ёки беланчакка солишганми? Онаси, отаси қанақа кўринишида бўлганлар? Боболари ва момолари, амма-ю хола, тоға-ю амакилари қандай одамлар? Ака-ука, опа-сингиллари-чи? Умуман, мавжудми улар? Ўзи туғилган уй ҳар жойда кўриб юрганларидекми ёки бошқача? Шаҳарда яшашганми ёки қишлоқда? Кўшилар бўлганми?

Шу бир-икки кун ичиди у ўзи ва Нодира га тааллукли кўп нарсаларни билишга улгурди. Айникса, “ижтимоий келиб чиқишлиари” борасида. Лекин булар ҳали кам эди.

Диккат билан эътибор берилса, янги жойга келтирилган ҳар қандай уй ҳайвони ёки ёввойи йирткич ҳамма ҳисларни – ҳатто кўрқинчни! – бир четга йиғишириб, энг аввал ўша жойни ўрганишга киришади: ҳар бир қарич ер, ҳар бир бута, думалаб ётган ҳар бир тош ёки осмонга бўй чўзган дараҳт... Умуман, унинг назаридан ҳеч нарса четда қолмайди.

Яшарда ҳам айнан ўша инстинкт – одамизод ҳам аслида Оллоҳ яратган сон-саноксиз маҳлуклардан бири эмасми! – ногаҳонда уйғониб қолганди, аммо Давлановнинг жавоби уни довдиратиб кўйди: наҳотки! Одамнинг ҳам жисми, ҳам рухиятига илиқлик югуртирувчи энг муҳим, энг қимматли қадриятларни кўриш, уларни ҳис этиш барибир ҳам унга насиб этмайдими? Бу қанақаси: ота-онасига нима бўлганини билмайди, у туғилган уй эса...

Ногоҳонда бошига бир ўй келди.

– Айтганча... фотосуратлари йўқми? – умид билан тикилди у Давлановга юраги дук-дук ураркан.

– Бўлганида кўрсатмасмидим? – маъюс жилмайди Давланов.

– Нега? Ахир, фотоаппарат, ҳатто киноаппаратлар у даврдан анча аввал ихтиро қилинганди-ку!

Давланов бир зум ўйга толди.

— Биласанми... менимча... қишлоғимизга биринчи фотоаппаратни ҳам дұхтуримиз... ўша Махсум олиб келганди. Бу ерда пайдо бұлганидан сүнг икки-уч йил ўтиб. Үнгача факат әшитиб юрардик... Айнан ўшандан сүнғ бизда ҳам баъзи бир оиласи, портрет шаклидаги фотосуратлар пайдо бўлди. Мактаб болалари гурух-гурух бўлиб туша бошладилар. Зериккан пайларинг альбомимизни вараклаб кўришинг мумкин – унда Махсум ишлаган бир неча сурат ҳам бор. Кейин... қайси бир мурвати ишдан чикди шекилли, йигиштириди. – Давланов унга тикилиб тураркан, яна жилмайди. – Отангнинг суратини нима қиласан? Малла билан сенинг ҳеч қандай фаркинг йўқ-ку! Ҳожар шўрлик сени қўргандаёқ бекорга хушини йўқотмади. Онанг эса... кулча юзли... буғдойранг жувон эди.

— Барibir ҳам кўрмокчи эдим, – деди бир оздан сүнг Яшар ота-онасининг жилла курса фотосурати қолмагани боис хафа бўлаётганини сездирмаслик учун ўзида куч топиб. – Майли, ўрни бўлса ҳам. Қайси томондалигини кўрсатиб қўйсангиз бўлди. Олис эмасми?

— Бир оз шошилмай турсанг, бирга чикардик... синглингни ҳам олиб. Уйларинг каерда бўлгани нафакат сен, унга ҳам кизик бўлса керак, албатта.

— Зухрани, аммам олиб боради. Соғайиб, оёққа тургач!

Унинг туйғуларини яхши тушуниб турган Давланов ортичка қаршилик кўрсатиб ўтирмади: майли, уйда сиқилиб ўтирмай, қишлоқни айлансин, кўрсин. У тугул мен безор бўлиб кетдим-ку бу машмашалардан!

* * *

Айтилган жой масжиднинг яқингинасида бўлганидан Яшар йўл танлаб ўтирмай, тўғри уни кўзлаб бораради.

Туни билан ухламагани, шунча ғавғо бошидан кечганига қарамай, вужудида толикиш сезмас, юраги илгари ҳеч хис этмаган ҳаяжон билан тўлиб бораётганди: ҳозир болалиги ўтган, илк нафас олган, илк бор йиғиси, кулгуси янгрagan жойни ўз кўзи билан кўради!

Буни қанчалар орзу килмаганди! Ушалмагандек туюларди бу орзулар. Тўғри, унинг амалга ошиши ўзи ҳеч кутмаган воқеалар билан эш келди, қариндошлари, жигарлари, ҳамқишлоқларини топди – бошкacha бўлиши мумкинмиди! – ўтмиши ва бугунги кунининг фожиасидан вokiф бўлди. Бу

орзунинг ушалиши уларнинг доғида куйиб, багри қон бўлган аёлнинг мажрух бўлишига йўлдош келди яна...

Давланов кўчки ўрнида пайдо бўлган жар хозир ҳам кўзга ташланиб туради, деганди. Қизғиш тупрокли жой. Каерда экан?

У хонақоҳнинг ўнг томонида туарди. Ҳамма томонда уйлар, баъзан четан, баъзан тош деворлар билан ўраб олинган сердараҳт bogлар, қаёққа олиб кетиши номаълум илонизи кўчалар.

Яшар атрофга аланглади: барибир кимданdir сўрамаса бўлмайдиганга ўхшайди.

Унга дуч келган биринчи одам – оқ ҳангисига сув тўла иккита каттакон кўза ортиб келаётган ўспирин кўлини кўксига кўйиб салом берди.

– Мен сизни танийман! – илжайди у. – Янги муаллимсиз! Синглингиз ҳам келган. Онам ва отам кеча сизларни кўргани борганди. Давланов домла бизга узок қариндош бўлади, – билганини айтиб ташлади у.

“Ха, ҳаммага томоша бўлдик!”

– Ўзинг ўқийсанми? – деди Яшар ўспириннинг кулиб турган кўзларига қараб.

– Бу йил еттинчи синфга бораман. Бизга ҳам дарсга кирализми?

– Кирсам керак. Исминг нима? А-ха! Ботир! Менинг кимлигимни-ку билибсан, бу яхши, бизнинг уйни-чи? Яъни... биз бир пайтлар яшаган уйни? Анча йиллар илгари кўчки босиб кетган экан. Шу атрофда дейишганди.

– Бу ерларда кўчки босган жой кўп, – деди Ботир бир зум ўйланиб қолгач. – Отамдан сўраб чиксам майлими? Кетиб қолманг, хўпми!

Пайтдан фойдаланган Яшар масжидни томоша қила бошлиди. Накадар маҳобатли! Лекин (узоқдан билинмаганди) анча таъмирталаб бўлиб қолибди, айrim жойларида сувоклари кўчиб тушган. Э, бу қанақа қушлар? Каптарга ўхшайди-ю, лекин ранги... Қизик, шунақа каптарлар ҳам бўларкан-да?

Осмонга парвоз килган бир гала кўк каптар гўзаллигини янги пайдо бўлиб қолган одамга намойиш қилишни истагандек, масжид тепаси узра бир марта айланиб учгач, яна ўша – парвозга кўтарилган жойига қайтиб кўнди.

Яшарнинг хотирасига бирдан ўзи ўсган етимхона туш-

ди: унинг шифер билан ёпилган томини ҳам кантарлар макон килганди. Тунда, ухлашга ётганингда ғуғулаётганлари баралла эшитилиб турар, катта ўшдаги болалар – кейинчалик ўзи ҳам! – тарбиячиларнинг кўзларини шамғалат қилиб, уларни тутгани чиқишаради...

Яшар қандайdir отнинг пишкирганини эшитиб ўгирилди: унинг устида чекка соchlари оқарган, озгин, бурни кирра, кизил юз, будённийчасига мўйлов қўйган, сарик-қизғиши соқоллари ўsicк, уст-бошини чанг босган бир киши михлангандек ўтиради.

– Мехмонмисиз дейман? – деди милиция формасидаги ушбу отлик Яшарнинг саломига алик олгач. – Ёки зиёратчи-ларданмисиз?

– Мехмонман, – жавоб берди Яшар унинг ким эканлиги ни аллакачон англаб: “Хўжамурод деганлари мана шу одам! Лекин нега мени танимаяпти? Ҳаммага овоза бўлдик-ку! Ано-ви Ботир ҳам бир кўришда ким эканлигимни билди. Бу одам қандай қилиб эшиитмай колди экан? Э... бунча шубҳаланиб тикилмаса!”

– Шунака денг. Хуш кўрдик. Кимниги келдингиз?

– Давлановникига, – деди Яшар юрак уриши тезлашиб: “Хозир ёдига тушади, отамнинг исмини айтади!”

– Кими бўласиз Давлановнинг? – деди бир пайт Хўжамурод унинг тахминларини чиппакка чиқариб. – Илгари ҳам келарми-дингиз?

– Мен шу ерда туғилганман.

Ҳайрон қолган Хўжамурод хаёlinи жамлай олмасидан туриб, яна кимдир уларга яқинлашди ва салом берди. Ёши элликлар атрофида, бир оёғи сал оқсоқ киши Яшарнинг кўлини қаттиқ қисиб кўришди.

– Келинг, малим. Мен Ботирнинг отаси бўламан, – деди у Яшарнинг кўлини қўйиб юбормай туриб, сўнг от устида турган Хўжамуродга юзланди. – Бу йигитни танияпсизми, начайлик?

Хўжамурод Яшардан кўз узмасди.

– Танишим керакмиди? – деди “начайлик” кўзларини хиёл қисиб. – Тушунмай турибман – бир Давлановникига меҳмонга келдим деса, бир шу ерда туғилганман дейди. Қачон туғилган экан бу ерда? Ким бу?

– Яхшилаб қаранг-чи!

– Танимадим, – деди Хўжамурод ўша ҳолатда Яшарга анча

пайт тикилиб тургач. – Ўзингиз айтаверинг-да, Очил ака, одамни ўйнамай!

– Кўйинг-э! – астойдил ажабланди Очил. – Наҳотки танимаётган бўлсангиз? Малланинг ўғли-ку! Кўрмаяпсизми, куйиб кўйгандек! Ёдингиздадир... Малла?

– Қайси Малла? – сўради Яшардан кўз узмай турган Хўжамурод бу номдаги таниш одамларни ёдига туширишга уриниб. Бир пайт унинг юпқа лаблари ярим очилди ва беихтиёр юганни тортди. – Ёпирай! Тушимми-ўнгимми! – У отдан сакраб тушиб, Яшарни бағрига босди. – Омонмисан? Омонмисизлар? Қаерда юргандинглар?! Қачон келдиларинг? Отанг ҳам келдими?!

– Э! Ҳали хабарингиз йўқмиди? – ҳайрон колди Очил. – Икки кун бўлди-ку!

– Қаердан хабарим бўлсин – бир ҳафтадан буён овулмавул юрибман! Биласиз-ку, участкам дунёning ярми! Умрнинг ҳаммаси от устида ўтаяпти. Энди уйга қайтаётгандим, қарасам, турибди. Шошманг-чи, Очил тоға, “келганларига” дедингизми? Ҳаммалари келишганми? Ҳаммаларинг келдиларингми? – энди Яшардан сўради у.

* * *

– Мана шу ер. Ёнларингда Давлановники эди. У пайтда бунчалик чукур эмасди, йиллар мобайнида ювилавериб, шунақа бўлиб қолди. Кўча ҳам ўзгариб кетди – энди у бошқа томонга олиб боради.

– Даламиз қаерда?

– Даламиз... Ҳозир у ерларнинг ҳаммаси колхозники.

Яшар собиқ уйларининг ўрни бунчалик ёввойи ҳолга келиб қолган деб сира ўйламаганди. Ҳаммаёқ юлғун, ҳеч бўлмаса, бирон дараҳт йўғ-а!

Бу сайҳонликка келишидан олдин Яшарнинг юраги ўзи туғилган уйнинг ўрнини бўлса-да кўриш иштиёки билан уриб турган бўлса, Хўжамуродни учратгач, бутунлай бошқа нарса қизиқтириб қолди: ҳозир бу одамнинг отасига муносабати кандай бўлса? Ўзи ва Нодирага-чи?

Очил қўярда-қўймай бир пиёла чой ичиб кетишга иккисини кўндириб, уйига олиб кетганда ҳам ундан кўзини узмаганди.

– Ўшандан сўнг сизни Ҳайитов жазоламадими? Бизга ёрдам берганингиз учун дейман.

– Сен буни қаердан биласан? – ҳайратланди Хўжамурод.
 – У шунаقا... ёмон одам эдими?
 – Аблаҳ эди! Ҳозир шу қилганларининг жазосини тортиб ётиби.

Таажжубланиш навбати энди Яшарга етганди:

– Бу нима деганингиз? У... ўлмаганми?!

– Ким айтди уни ўлди деб? Ҳа-а-а, тушунарли! – кулди Хўжамурод. – Домла билади, нимани айтиш кераг-у, нимани эса – йўқ. Ҳали тирик! Унақаларнинг жони қаттиқ бўлади. – У ўйланиб қолди. – Тўхта-чи... балки овулларни айланиб юрганимда ўлгандир? Ахир, бир хафта бўлди, чиқиб кетганимга! Қанийди шундай бўлиб чиқса! Майли, ундан нарига! – қўл силтади у бир пайт. – Битта ёмон камайса – камайибди-да! Қўриб бўлдингми? Демак, ҳозир бундай қиласиз – Очил тоғаникода-ку меҳмон бўлдинг, энди навбат бизга! Шу тарзда кишлокошларинг билан якиндан танишиб олаверасан. Кор тушгач эса, иккимиз овга чиқамиз! Айтганча, милтиқ отишни биласанми?

* * *

Узилиб қолган сухбат энди Хўжамуроднида давом этарди.

– Ўшандан сўнг Ҳайитов... мени қамаб қўйди... уч кунга. Ҳар хил бўлмағур сўзлар билан ҳақоратлади, сен ҳам Малла каби ватан хоини деб атади. Ишдан ҳайдайман, қаматаман, деб дўқ-пўписа қилди. – Хўжамурод тагида озгина ароқ қолган шишишага бирпас қараб тургач, нигоҳини яна Яшарга тиқди. – Отанг яхши иш қилмади, лекин. Ўзинг айт, янги хукуматнинг нимаси ёмон эди? Тўғри, уни ўрнатиш учун баъзи бир кескин, кимгадир ёқмайдиган тадбирлар қўлланилгандир. Лекин натижа ёмон бўлмади-ку! Оғир кечган бир неча йил, кулоклаштириш, яна... уч-тўрт йил бурунги қама-камаларни ҳисобга олмаганда... Ҳозир ҳамма жойда тўклиқ. Болалар ёппасига саводхон – бошланғич ва ўрта таълим мажбурий қилингандигини сенга айтиб ўтирмай, мазанг қочса дўхтурлар хизматингда, дўконларда ҳамма нарса бор. Тўғри, тоғдаги аҳолини ҳам колхозлар ариқларини тозалаш, далада иш қизиганда эса бошқа ишларга мажбуран ҳайдаб боришади. Айниқса терим пайти шундай қисти-бастига олишадики, баъзиларга амирлик тузуми ҳам ҳолва бўлиб кўриниши мумкин. Дангасалик қилсанг,

жиноятчи унсур сифатида Сибирга бадарға қилишлари ҳеч гап эмас. Бироқ әлу юрт ободлиги пахта туфайли бўлгач, бошка қандай йўл тутиш мумкин? Дину иймонми? Уларинг кўнгилда бўлса, шунинг ўзи етади! Мана мен бир умр намоз ўқимадим, масжидга қатнамадим, лекин кофир бўлиб қолганим йўқ-ку! Мана бундан ҳам олиб тураман. – Хўжамурод тин олди. – Амирлик даврида Лангара ҳаёт қанақалигини сен билмаснг, мана, мен биламан! Ўша пайтларда бизда ҳатто кул ва қулдорлар бўларди. Ҳа, нега анграясан? Ишонмасанг, ана бошқалардан сўраб кўр – мана шу хукумат келгачгина барҳам топди бу шармандали ҳолат! Менинг ўзим ҳам бирорларнинг эшигига қарол бўлганман, қарол деганинг эса.. кулдан ҳеч фарки йўқ. Кўриб турибсан, хозир кимки шўро мафкурасини тан олса эркин – ва ўзига ўзи хўжайин. Айт-чи, бунақа ҳаётни қаердан топасан? Ўша Аффондами? Биламан, отанг ўша ёқларга кетган, акс ҳолда дараги чиқкан бўларди. – Хўжамурод яна тин олди. – Унчалик ҳам дунёбехабар, тўпори эмасмиз, Аффоннинг қанақалигини эшишиб юрибмиз – бойлар маза килиб яшайди, камбағалга эса кун йўқ. Бизда амирлик тугатилгунга қадар қандай бўлса, шундай! Балки ундан-да баттар. Қўшиласанми гапларимга? – У ичилган арок таъсириданми, ғалати илжайди. – Агар шўро хукумати нимаси биландир ёмон бўлганда ҳам, пешанага шу битилған экан, кочиб қаерга борардик! Отанг истагани “юрт озодлиги”ми? – беҳафсола қўл силкиди Хўжамурод. – Биладим, бу юрт ўзи қачон озод ва яхлит бир мамлакат бўлган! Темур давридами? Ўша Темур ҳам Самарқандда ўтириб тинчгина подшолик қиломаганку! Оксок бўлишига қарамай, ўз давлати мустакиллиги ва қудратини таъминлаш учун бир умр отдан тушмай жаҳоннинг тўрт тарафига юришлар қилган. Ҳозирги Россия ва Американи Темур давлатига киёсласа бўлар балким. Бироқ Мадаминбек ва Иброҳимбек каби кўрбошилар Темур бўлишолмади. Бирлашиш ўрнига ҳар бири ўзича курашгандарнинг оқибати олдиндан маълум. Агар ўрис босиб олмагандা, Туркистонни инглиз ёки бошкаси кўлга оларди. Кучли давлатларнинг барига теккан касал бу. Хўш, бугунги кун-чи? Германия деганлари бутун Европани босиб ўтирибди! Ҳолбуки, у ернинг одамлари бизниклардек “ҳаммаси худодан” деб қўл қовуштириб ўтирадиганлар хилидан эмас! Бунга нима дейсан? Ўзингдан кучлига қарши туриш жуда-жуда кийин. – Хўжамурод яна тин

олди. – Худо кўрсатмасин, эрта-индин бизга ҳам уруш очса, нима бўлади? Бутун Европани олиб ўтирганларга қарши туриб бўладими? Ўшанда ўриснинг қўлидан қутулиб, немиснинг қўлига ўтамиزم? Ок ит, қора ит – барибир эмасми?

– Биз билан уруш бўлмайди, дейишяпти-ку? Ўртада ўзаро шартнома ҳам бор. Шундай бўлгач... – унга иккиланиб қаради Яшар.

Хўжамурод кўл силкиди:

– Шуни билиб қўй – энг расво, энг ёлғончи, энг тайини йўқ одамлар – бу сиёsatдонлар! Бугун уни айтишади, эртага буни. Ҳар икки сўзининг бирида халқ номидан гапиришади, аммо бирон муҳим, дейлик, айнан халқка тегишли муаммо ҳал қилинаётганида, ундан сўраб-нетиб ўтиришмайди. Ҳамма жойда шу! Гитлер кўшинларини ғарбий чегараларимиз якинига жойлаштираётгани ҳакида марказий газеталар ёзаяпти. Сен шартнома-партнома деб ўтирибсан. Шартномани биладими унақалар! Германиянинг бизни босиб олишига... ишонмайман-у, лекин қанчадан-қанча одамнинг қони тўкилиши аник!

Яшар умрида биринчи бор кўриб турган одамининг уйида шунча вакт қолиб кетаман деб сира ўйламаганди. Гаплашмаган нарсалари қолмади ҳисоб. Кетар пайтида эса Хўжамурод унинг қўлига юпқагина, сарғайиб кетган жилд тутқазди.

– Мана бунинг ичida Лангар, унга яқин худудлар, хонақоҳ ва масжид, уларнинг тарихи ҳакида баъзи бир... нима десам экан... маълумотлар бор. Қайси бир журналда рус тилида чиққан экан, йўқолиб кетмасин деган мақсадда киркиб олиб кўйгандим. Ўқиб кўрсанг, жуда кизиқ, ҳатто... ғалати маълумотлар учрайди. Мен баъзи бир сўз ва ибораларни тушунмадим, лекин сен олий маълумотлисан-ку. Тишинг ўтар! Рус тилини яхши биласанми? – Тасдиқ ишорасини олган Хўжамурод химмат қилди. – Истасанг ўзингга олиб қўй, улар мендан ҳам кўпроқ сенга керак бўлади. Дарвоҷе, Лангар шайхларининг аждодлари ҳакида бундан беш юз йил бурун Алишер Навоий авлиёлар ҳакидаги катта бир китобида¹ ёзиб қолдирганини қишлоғимизга экспедицияга келиб-кетган илмли одамлардан эшитган эдим. Уларнинг кабри Ингичка якинидаги Остона ота мозорида, у ерда ҳатто Лангардагидан ҳам қадимийроқ

¹ Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асари назарда тутилмоқда.

мақбаралар бор дейишади. Зиёратга ўтишга менда ҳеч вакт бўлмади. Ҳозирда Навоийнинг шеър ва ҳикматлари мактабларда ҳам ўқитиляпти. Замонга мослари, албатта. Авлиёлар ҳақидаги китобини адабиёт ўқитувчиларидан сўрасам, Навоий текинхўр ва риёкор шайхларни аёвсиз танқид қилган дейишади. Билгандари шу. Эски китобларнинг аксарини эса янги ҳукумат сиёсатидан кўркув туфайли ё Лангарсойга оқизиши, ё қабристонга элтиб кўмишиди. Лекин Самарқанд, Тошкент каби катта шаҳарларда бундай китоблар маҳсус кутубхоналарда сакланиб, ишончли одамларнинг вараклаб кўришига рухсат этилар экан. Сен университетни битиргансан, демакки давлатнинг ишончли одамисан. Ўша китоблардан ҳам ўқиб илмингни оширдингми? – Яшар қизаринкиради. – Демак, ўзинг қизиқмабсан. Ҳолбуки, бизнинг тарих Самарқанду Бухородагина эмас, мана шу тоғу тошлар орасида ҳам жуда қизғин кечган. Милиционер сифатида бутун Қамаши туманини кезиб чиққанимда мен бунга икрор бўлдим. Бироқ шу тарихни ўрганай, деган бир мардни ҳалигача кўрганим йўқ.

Йигирма еттинчи боб

Яшар кўксини лўлаболишга бериб, варакларнинг дастлаб-киларига эринчоклик билан кўз ташлади, сўнг эса...

Сўнг бу қоғозларни то умрининг охиригача асраб-авайлаб юрди.

* * *

“...Лангар атрофида аҳолиси ўзбек ва тожиклардан иборат қишлоқчалар талайгина. Йўл-йўлакай қаршингиздан доён ва даралар, ёрқин қизил ва кулранг қоялар чиқади. Узоқ-узоқлардан қорамтир арчалар ва чўққисидаги қори ёзда ҳам эримас тоглар кўзга ташланади. Лекин ушибу хушҳаво жойларга бориши учун ўйлда тўрт ойгина йўл очиқ бўларкан.

Халқ уй-жой қуриши меъморчилиги бу томонларда жуда қизиқ: ҳамма ўз уйини ўзи куриб, томини ёнади, деворини уради, ҳатто дераза-эшикларни ҳам ўзи ясади. Уй қурилиши жуда оддий, иқлимга мос, қурилиши ашёлари ҳам шунга яраша. Қишлоқма-қишлоқ ўтар экансиз, тупроқнинг рангига қараб уйлар ранги ҳам ўзгариб бораверади: бир жойда тўқ қизил рангда сувалган бўлса, бошқаси кулрангда. Пойдевор учун дарёдан

олинган ёки бошқа харсангтошлардан фойдаланилади. Уй де-ворлари қалинлиги етмиши-саксон сантиметрдан ошмайдиган нахса. Томларни ётишида, асосан, арча ёғочлари құлланилади, ётилган том лой билан сувалган ясси күринишида. Ҳар бир уй-ниң әнг камида уч устунли айвони бор. Устунларга имкон борича безак берилади.

Уйлар көттә эмас. Асосан, икки хонали, нари борса – уч. Барча хоналарнинг эшиги алоҳида бұлғанига қарамай бир жойи-га – айвонга олиб чиқади ва айвон шу тарзда бутун уйни үзіда жам қилиб туради.

Қизиқ бир ҳолат – Туркистаннинг ҳамма шаҳарларида уй-лар ва ҳовлилар ичкариси бегона құзлар учун тақа-тақ ётиқ ҳолда қурилса (хатто күча томонға дераза үрнатылмайды), бу тоғли қишлоқ уйлари беткай тарафи билан асосий күча то-монға қаратыб солинади.

Яна бир қизиқ томони – бу тоғли қишлоқтар меъморий услуги текис ҳудудларда қурилувчи уйлар билан бир хил, холбу-ки, тош күтлиги боис бу ерда ҳам кавказликлар сингари ушбу қурилиши ашёсидан фойдаланыб, уйни мустаҳкам қуриши имко-ни бор. Бироқ негадир бундай қилишмайды. Боз устига, серёғин бу ҳудудда уй томларини тик қилиб ётиши мақсадға мувоғиқ бўлишига қарамай, томни албатта ясси ёнадилар.

Кавказда бұлғаны каби, бу ердаги ясси ётилган томлар тепароқда қурилған уйлар учун майдонча вазифасини үтайди. Айни мана шу – бир-бирига мингашиб кетувчи уйлар кетма-кетлиги Лангар күренишига ўзгача зеб бағишлайды.

Мажаллий аҳоли вакилларининг сўзига кўра, Лангар орти-да – ундан 80 километрча масофа нарида уйларининг нихоятда гўзаллиги билан ажралиб турувчи қишлоқ бор. Номи – Тошқўргон. Аммо унга боришининг иложини топа олмадик: шунь ойи бўлишига қарамай у томонларга ҳали ҳеч қандай улов юрмас экан.

(XIX аср охри ва XX аср бошларига оид манбалардан)

...Лангар-Ота водийсининг юқори қисми ва унга туташ жойлар қадимдан аҳоли яшаши манзиллари бўлған. Лангарсой-ниң ўнг қирғоги – сувга яқин жойда темурийлардан бўлмиши Заҳириддин Мұхаммад Бобур қачонлардир боштана топ-ган ва яшаган қадимий шаҳарча қолдиқлари бор. Аҳоли уни Бобуртепа деб атайди. Ҳудуди таҳминан 2,3 гектар, түёри

тұртбұрчак шаклида. Жануб томонида дарвоза үрни, нураб түшгән деворлар қаторида соқчи минораларининг үндан ортиқ изи сақланған. Шимолий ва гарбий томонлари жарлик. Бобуртепа үша пайлары Лангарсой бүйидаги бирдан-бир шаҳарча ҳисобланған.

Катта-Лангарга асос солиниши ҳақида эң күп маълумотларни у ердаги Лангар-Ота мозори (асыда уни “Катта-Лангар шайхларининг дахмаси” деб атаса тұғри бұларды) номи билан машұр мақбара орқали билиб олиш мүмкін.

Қишлоққа Қамаши томонидан келар экансиз, төз тизмалари орқали эң сұнгги довондан ошганингиздан сұнг Лангар-Ота хонақохи бирдан күзга ташаланади, масжид эса – кейинрек.

Кабристонга тик кетған иккита йүл бор. Қабрларнинг күпчилеги мозорни үраб турған тош деворнинг ташқарисида – тепаликларнинг эң құйи қисміда. Зиёратчилар гарибгина қурилған икки нафар иморат орасидан үтиб, ёnlарига писта дараҳтлари экилған бурама йүлге тушиб оладылар. Уларнинг шох-бutoқларига зиёратчилар, айниқса, табаррук қабрлар олдида тиз чүкканча турли бало-қазолардан сақлаш, фарзанд ато қилишини илтижо қылувчи аёллар томонидан турли рангдаги латта парчалари – амаллар осиб ташланған. Бу ерда мұл-құл уюлиб ётувчи патир-кулчалар (биздаги “калач” сұзи ҳам шундан олинған) ҳам улар томонидан келтирилади.

Йұлакнинг ҳар икки ёни бүйлаб қийшайған, анча қисми ерга چүккан қабртошлар сафи, сұнггидә эса унча катта бүлмаган дахма эшиги күзга ташланади.

Иниоот тұғриттұртбұрчак шаклида, баландлығы үн уч, эни үн метр. Мурабба шаклидаги пишган гиштдан тикланған. Баъзи бир жойларыда арча шаклида зеб берилған ҳошияли гиштлар ишлатылған. Биттагина кириш эшиги бор мақбараларнинг ичкариси хоч шаклида. Киришдан чап томонда – томга олиб чиқувчи зинатоя. Гумбаз бир-бирини кесиб үтгандын синчлар тенасига үрнатылған.

“Лангар” сұзининг үнлаб маъноси мавжуд. Асосийлары: “кема лангари” ёки дорбозлар мувозанатини сақловчи “лангарчұп”. Мажсолий маънода эса – сұғиіларнинг истикомат жойи.

Илк бор XIX асрнинг етмишинчи ишларыда рус харита түзувчилари Шаҳрисабз ва Китоб бекликларини үз ичига олувлари

Бухоро хонлигининг Кеш вилояти ҳудудида лангарликларга дуч келишган. Уйбу ҳудудда бўлган чоғлари улар ўз хариталари ва тушунтириши ёзувлари битилган саҳифаларда учта “Лангар” ҳақида айтib, белги кўйганлар. Биринчиси – “Кўҳна-Лангар”. У Китобга тегишили бўлиб, шимолроқда, Оқтov тогида, Чироқчи яқинидаги кўпrikдан (Қашқадарё устидаги қурилган) қирқ уч километр шимолда. Иккинчиси – Шаҳрисабздан ўттиз километр жсануброқда оқиб ўтувчи Танхоздарё бўйида. Учинчиси эса – Катта-Лангар. Томчитоғ тизмаси орқали Яккабогга олиб борувчи Оқдовон дарасида, шу ном билан аталаувчи дарё (Лангар) бўйида.

Уйбу Лангар ҳақидағи маълумотлар (зиёратчилар томонидан гоятда эъзозланниши, улкан вақф ери; мутавалли томонидан меросий тарзда бошқарилиши, унинг масжидга бақамти қурилган уйи, катта меҳмонхонаси) бу ерга илмий-текшириши ишларини олиб бориши учун икки марта келган (1889 й.) полковник Беляевский томонидан батафсил баён этилган.

Яна бир шахс – Лангар-Ота мажмуаси ҳақида одамлардан эшишиб юрган ҳарбий инженер Б.Касталский янги қурилаётган Термизни сув билан таъминлаш учун Сурхон канали очилаётган даврда атапин Лангарга келиб, унинг тарихий аҳамиятини эътироф этади. Ўшанда мажмуанинг уйбу шахс томонидан суратга олинган турли кўриниши у ҳақда эшишмаган ва кўрмаган одамларнинг эътиборини ўзига тортган эди.

Уйбу ёдгорликлар ҳақидағи илк маълумотлар “Туркестанские ведомости” газетасининг 1910 йил 104-сонида уни кўрган яна бир шахс – офицер-рассом Б.Литвинов томонидан эълон қилинган.

Катта-Лангар араб географи Ибн Ҳавқал томонидан “Сиём” дея аталаувчи дара ичидаги жойлашган бўлиб, унда VIII асрнинг учинчи чорагида арабларга қарши турган қўзғолончилар раҳнамоси – исёнкор Муқанна ҳам паноҳ топган. Ўн олти йил давом этиб, бутун халифаликни зир титратган уйбу қўзғолон халифанинг вакили Мусайёб ибн Зұҳайр томонидан 783 йили шафқатсизларча бостирилгач, қўзғолончилар бориши қийин бўлган ўша Сиём тогларида юз йиллар мобайнида ўзларига боштана топадилар.

Катта-Лангар ҳудудидаги шу каби жойлардан бири – ўз вақтида анча иирик бўлган. Галабулоққа яқин (Яккабог ўлида) Бобо Шоди қишлоғидир (ўша ерда дағи этилган шайх Бобо

Шоди номидан олингган). Илгарилари Галабулоқда хонақоҳ бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, Бобо Шоди маҳаллий шайх Мұхаммад Содиқнинг халфаси, Катта-Лангар масжиди мутавалисининг сўзларига кўра эса – нақшбандия тариқати асосчиси Бухоро шайхи Баҳоуддиннинг шогирди. Унинг вафотидан сўнг (ёзма маълумотларга кўра – 1389 йил), Бобо Шоди устозининг таълимотини тарғиб қилиш учун Бухорони тарк этди ва Лангар ҳудудига келиб, тоз багридаги Отайди (Отадир) деб аталаувчи қишилоққа жойлашади.

XV ва XVI асрларда Ишқия тариқати шайхлари бизга но маълум сабабларга кўра Остона-Отани тарк этиб, ундан 150 км жсануброқда жойлашган, кейинчалик Катта-Лангар номини олган ҳудудда ўрнашадилар.

Бу ерда барпо этилган хонақоҳда беш нафар қабр мавжуд. Улардан учтаси Ишқия шайхларига тегишили: Абулҳасан Калон ал-Ишқий – Илес ал-Ишқийнинг ўғли ва вориси (1419–1492), унинг ўғли Мұхаммад Содиқ Лангарий (1460–1545) ва бобоси Абулҳасан исмида бўлган невара (вафот этган ўили – 1560).

Уибу кўчишини таърифловчи афсоналарнинг барчаси воқеа ҳамда бу ерда барпо этилган масжид ва хонақоҳни бир овоздан Мұхаммад Содиқ номи билан боғлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўчиб ўтиши ташаббуси ростдан ҳам Мұхаммад Содиққа тегишили бўлиши мумкин, зеро унинг Остона-Отада (ёки бошқа жойда) вафот этган отаси Абулҳасаннинг жасади Катта-Лангарда кейинчалик тайёр қилинганд мозорга қўйилган (уша даврларда майитларнинг танасини жуда олис жойларга олиб бориб, бошқатдан дағи этиши кенг тарқалганди. Қабртош устидаги ёзувда ҳам – ўғли ва неварасидан фарқли ўлароқ – Абулҳасаннинг фақатгина вафот этган ўили кўрсатилган. Агарда у Катта-Лангарда вафот этганида эди, ўилидан ташқари, кун ҳам аниқ кўрсатилган бўларди).

Янги жой нимаси билан Ишқия шайхларини жалб этди ва улар нима учун Остона-Отани тарк этгандар?

Ўша даврда Мовароуннаҳр кундан-кунга заифлашиб бораётган Темурийлар ҳужронлиги остида эди. Улар билан эса ўз даврининг энг бадавлат ва ўирик тасаввуф шайхи, қудратли Хожа Аҳрор (1404–1490) яқин алоқада бўлган. Ўта фаол ва маълум бир мақсадга қаратилган Нақшбандия тариқатининг

сиёсий ва иқтисодий фаолияти уибү шахс номи билан узвий боғланган, у нафақат Мовароуннаҳр, балки унинг ташқарисида ҳам маълум ва машҳур эди.

Худди шу пайтларда Мұхаммад Шайбонийхон (вафоти 1510 йилда) ниҳоятда кучайған бўлиб, Мовароуннаҳрни ёгаллашга ҳозирлик қўраётганди. У 1500 йилда Самарқандни забт этганда Хожа Аҳоронинг катта бойлигини қўлга киритиб, бир ўғлини қатл этишига қарамай, Шайбонийхонга Хожса Аҳрор каби имтифоқдош жуда зарур эди. Шу даврда ўлка бўйлаб Ишқия тариқати ва унинг шайхлари таъсири кескин қўтарила бошлади. Мазкур тариқат муридолари орасида турк аслзодалари вакиллари жуда кўп бўлган. Бу ҳакда уларнинг Катта-Лангар мозори яқинидаги кўпдан-кўп қабрлари далолат беради. Айнан шу пайдада қурилиши жуда қимматга тушибиган Катта-Лангар (1519/20 ёки 1515/16) ва Остона-Ота хонақоҳлари бунёд этила бошлаган. Кейинчалик – шайбонийлар сулоласи инқирози билан бир пайдада – Катта-Лангар шайхларининг таъсири ҳам инқирозга юз тутди...

(Ўша манбалардан)

... Лангар-Ота мажмуаси бизни офтобда қовжираф ётган Қарши даشتлари ва чўлидан оромбахш, майсазорлар билан қопланган, тоғлар бағридаги серсув Шаҳрисабзнинг жаңуб томонига чорлайди. Қамашидан шарққа қараб бир неча довонлар оша йигирма беши километр юрсангиз, дамба-дам ўзгариб турувчи мафтункор манзаралар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Баланд тепаликда, ёйлиб кетган пистазорлар орасида, худди рус черковлари сингари осмонга бўй чўзган Лангар-Ота мақбараси. Унинг қордек оптоқ гумбази ва тик деворлари дарҳол дикқатни ўзига тортади. Етиб борганимизда эса ёнма-ён тепаликдаги бошқа бир инишоот – кўркамлик бобида ундан ҳеч бир жиҳатдан кам эмас, аммо йўлдан бирданига кўзга ташланмас кўхна масжидни кўрсатишди. Ҳар иккиси ҳам – синчков, кенг қамровли никоҳ билан қарабалса, албатта – бир хил текислик ва баландликда жойлашган.

Лангар-Ота мақбараси тўртбурчак шаклидаги кенг саҳнли қўши хона ва бешта баланд ёғоч устун қўтариб турган шоҳона айвондан иборат. Унинг умумий шакли (бу ҳам бирданига кўзга ташланади) тўғри чизиқларнинг ўзаро муштараклиги билан ажralиб туради. Ҳовлисининг юзи пишиқ гишит билан

қолланган, олд томонида – бир неча юз йил аввал экилган дарахтлар огушида – булоқ суви билан тұлиб турувчи ҳовуз.

Масжид айвонининг сувоқлари күчіб тушиған бұлса-да, ҳали-хамон құрк-тароватини үйқотмаган. У асосий хона-нинг кириш томонида. Ичкарида – құли гүл усталар бир хил нақшаларни айнан тақрорлаб зеб берган устунлар. Бошқа бе-закларни учратмайсиз. Шифт ва том ёғоч безаклар билан яса-тилган, девор оптоқ ва текис.

Юқори ёзувнинг бел қисми оқ бүёқларда, “сұлс” услубида, түқ күк фонда иккى қатор қылыш битилған, тепасидан сариқ рангдаги “куфий” услуби туширилған. Мәхробли дахлизни кенг әнли үйл – ҳошия ва тұғрибұрчак кесиб үтади (ушбу услугуб Баландмасжидда ҳам құлланылғаны дикқатта сазовор, мәхроб эса Бухорода XV аср сұнғғи ва XVI асрнинг бошларида қурилған Калон масжидиники сингари). Мәхроб ичи қызыл ва сариқ япроқлы гуллар билан безатылған. Сариқ новдалар, барг-ларга тилла суви юритилған ва улар жуда яхши сақланғани билан ажрасынан туради. Сурат улкан маҳорат-ла ишилған, қизиқтар қалинлиги беш сантиметрдан кам әмас (нағис ишилған бошқа сураттар қаршиисида балки шу туфайли құпопроқ құринар). Мәхробдаги тұғримтұртбұрчакда яшил ва сариқ ранг-лар күп ишилатылған, аммо бу нарса унинг мафтункорлигини камайтирмайды.

Масжиднинг юза қисмини театр сақналаридаги каби ин-гичка ром үраб туради. Унинг ён томонларига олиб үтувчи үйлекларга эса силлиқ гишт ётқизилған. Ётқизиш услуги XVI аср Бухоро усталариникига жуда үхшааш.

Безаклар ёрқинлиги ва деталлар күплигига қарамай, мас-жид меъморий жиҳатдан оддий, шунинг баробарида улугвор. Үнда, айниқса, кенг-мұлллик, тантанаворлыққа кептә эътибор берилған. Аслида, Лангар-Ота мақбараси гумбазсиз иморат-лар тоифасынан киради, аммо меъморий гоя жиҳатидан жуда маҳобатлы ва айнан шу нарса замонавий меъморларда үзиге хос қизиқиши уйготади.

Маълумотларга күра, Лангар-Ота мақбараси масжид қурилишидан сұнг бунёд этилған. Үнда ҳам силлиқ гишт ишилатылған, үзаро үхшашилеклари ҳам шунда (хар иккапа обидага ҳам бир киши – Лангар-Отанинг номи берилгани ҳисобға олин-маса, албаттa).

... Худди ўша маълумотларга кўра, унга асос солган шайхнинг учта авлоди мақбарада дафи этилган: Муҳаммад Содик Шайх, унинг отаси Абулҳасан Шайх, бобоси Илёс Шайх ва шахси номаълум яна икки киши. Қизил супалардаги кулранг мармардан бунёд этилган қабрларнинг бош тарафидаги кўркам мармар таҳталарда битилган ёзувлар дафи тарихи ҳақида маълумот беради.

Лангар-Ота мақбараси масжид гиштларидан кескин фарқ қилувчи юқори сифатли, ўлчам жиҳатдан ҳам бошқача қирмизи тўртбурчак гиштлардан бунёд этилган. Гиштлар оралиги сариқ ганч билан тўлдирилган, аммо унинг асл мөҳияти, меъморий услубини ички қисм очиб беради – ундаги нақшларнинг тенги ва ўҳшаши йўқ!

Гумбаз тўлалигича рангли ганч билан безатилган бўлиб, рангларнинг бир-бирига муштараклиги алоҳида фусункорлик баҳи этган. Уларнинг яхши сақланганни эса усталарнинг қанчалик мөҳир бўлганидан дарак беради ва кейинчалик маҳаллий аҳолининг қаровсиз қолган мақбарани ўз маблази ҳисобига, аммо дидисизларча қилган таъмири ҳам унга соя ташлай олмайди.

(Ўша манбалардан)

Кеш вилоятидаги илк лангарлардан бири Эски-Лангар ҳисобланган. Эски-Лангарликлар унинг қадимиyroқ эканлигига – бошқалари қатори, албатта! – иккита далолат келтиришишади. Биринчиси – қишлоқдаги пишиқ гиштдан тикланган баъзи бир иншиоотларнинг ёши 1200 йил. Иккинчиси – қишлоқдаги қабристон Катта-Лангардагига қарагандада... кенгроқ. Шу мантиқдан келиб чиқилса ва аҳоли яшаши қулай бўлган ерларнинг бу ерда камлиги ҳисобга олинса, қабристоннинг бу даражасада катта бўлиши унинг Катта-Лангардан кўра қадимиyroқлигини кўрсатади. Эски-Лангарликлар у ерда яшаган сўфийлар Катта-Лангарликларга кўра машҳурроқ, келиб чиқишилари ҳам қадимиyroқ эканини таъкидлашада, қишлоқлари қачондан бошлиб ўша сўфийлар учун лангарга айланганини умуман билишимайди.

Бундаги қабртошлар Катта-Лангар қабристонидагига нисбатан кам ва у ердаги каби кўркам бўлмасада, аксарияти сақланиб қолган. Энг қадимииси XV ва XVI асрларга тегишили бўлиб, Ҳазрат Азизнинг ўғли, шайх ал-Аббос Боқий Ишқийнинг

невараси бўлмиш Эски-Лангар шайхи ал-Зоҳиднинг қизи учун тайёрланган.

(Ўша манбалардан)

“Ал-ишиқия” сўзи севги, ишиқида ёниш, эҳтирос, қурбон бўлиши дараҷасида ўзини бировга баҳи этиши маъноларини англатиб, барчаси Оллоҳга нисбатандир. Ушибу сўз билан ҳар қандай сўфийнинг Оллоҳга бўлган доимий ишиқи ифодаланган. Ишиқия тариқати дарвишлар мансуб бўлган қодирия, кейинчалик ундан ажралиб чиққан кубравийлик каби Ўрта Осиёда унчалик кўп тарқалмаган бўлиб, унинг вакиллари Бухоро амирлигининг шарқий қисмida кўпроқ истиқомат қилган. Шунга қарамай, назаримизда, ишиқия шайхлари ва уларнинг маънавий меросхўрлари ҳисобланмиш хожжалар Кеш вилоятида маҳаллий аҳоли онгига расмий мусулмон руҳонийларига кўра кўпроқ таъсир кўрсатганлар.

Илк Эски-Лангар шайхларидан факат ҳазрат Мирим шайхнинг номигина маҳаллий аҳоли хотирасида қолган. Унинг биринчи истиқомат жойи Қалқама яқинидаги пишиқ гиштдан қурилган уйнинг вайроналари бўлиб, кейинчалик овулга кўчиб ўтган. Ривоятларга кўра, Катта-Лангар шайхларининг аждодларидан бири Худойқули унинг муриди. Баъзи бир манбаларга кўра, Мирим шайхнинг жасади энг катта мақбарага кўйилган.

Боишқа манбаларда, Эски-Лангарнинг энг машҳур шайхи сифатида ҳазрат Абулҳасан Ишиқий тилга олинади (кейинчалик Катта-Лангарнинг шайхи мақомига эришиган Муҳаммад Содик ёшлигига унга мурид тушган).

Эски-Лангарнинг боишқа лангарлардан қадимиyroқ эканлигига қишилоқдан бир километр нарида топилган қоя суратлари (жами ийғирмати ва барчасида эчкилар тасвири) гувоҳ бўла олади.

Шунга қарамай, улуғворлик, эътибор жиҳатдан Катта-Лангар биринчи ўринда, ўша ерда фаолият кўрсатган (XV–XVI асрлар) обрўли шайхларнинг мавқе ва унвонларига кўра у “Ҳазрат Лангар” деб ҳам аталади.

Бир пайтлар Яккабог лангари ҳақида вакъфнома, наслабнома, шайхлар шаҗараси ва ҳоказолар ҳақида қўлёзма кўриншиидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганлиги, кимнингдир қўлида сақланганига шубҳамиз йўқ, бўлмайди ҳам. Уларнинг

ҳозирги пайтда айнан қаерда сақланаётганини билиш имкони бўлмаганидан, дикқатимизни аввал шу даврга қадар етиб келган маданият белгилари, бу ерда қачонлардир фаолият кўрсатган шахсларнинг обидалари, кейин эса аҳоли ўртасида кенг ҳамровли суришириув ўтказишига қаратдик ва афсуслар билан шунга амин бўлдикки, аҳоли хотирасида ҳудуднинг ўша даври ҳақидаги арзимаган воқеалар қолган бўлиб, улар ҳам афсона кўринишида.

(Ўша манбалардан)

... Хирқанинг Катта-Лангарда пайдо бўлишини кўпчилик Мұхаммад Содиқ билан боғлаб, гўёки унинг хирқани аввал Шимолий Лангар, кейинчалик эса тушига кирган пайгамбарнинг “энди бу ер сенинг жойинг эмас” деганидан сўнг Бобо-Шоди қишлоғи, ундан сўнг эса Катта-Лангарга келтиргани ҳақидаги ривоятни келтиради. Кўпчилик эса мусулмонлар наздидаги муборак бу либосни шайхлар раҳнамоси Абулҳасаннинг шахсан ўзи Мұхаммад Содиққа топширганига ишонади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бир ривоятга кўра, Мұхаммад Содиқ ёшлигига Эски-Лангар шайхи ҳазрат Абулҳасаннинг муриди бўлиб, унинг юмушлари сирасига тири учун таҳоратга сув илитиб бериш ҳам кирган.

Мўмин-қобил Мұхаммад Содиқ унинг сўзига кириб, ўз лангарини топши учун ўлка бўйлаб узок вақт кезади. Бир жойида (бизга айтишларича, бу Эски-Лангар бўлган) тяси ҳориб йиқилади ва бир кунгина ётгач, ўрнидан туради. Бошқа жойда (Яkkабогнинг Бобо Шоди қишлоғи яқинида) тяя икки кун ётади. Фақат Катта-Лангар ҳудудига кириб йиқилгандагина жонивор уч кун ўрнидан тура олмайди ва пайгамбар хирқасини ўзи билан олиб келаётган Мұхаммад Содиқ то умрининг сўнгигача шу ерда қолади.

Катта-Лангарни барпо этиб, уни доимо муҳофаза қилгани, маҳаллий шайхлар ичидаги энг ҳурматли ва биринчи шахс бўлгани учун маҳаллий аҳоли томонидан айнан Мұхаммад Содиққа “Лангарий-ота” номи (лақаби) берилган.

Вақф ерларига келсақ, шу ерлик хожалар тасарруфларига кирмиш бу ерларни 500 йил илгари Амир Темурнинг ўзи таъсис этган деб ҳисоблайдилар. 1889 йил вақф ери мутаваллисининг полковник Белявскийга айтган сўзларига қараганда эса ўша даврда Катта-Лангар шайхларининг раҳбари бўлган

Мұхаммад Содиқ шайх Шаҳарнинг (Шаҳрисабз) бош руҳонийиси бўлган, Амир Темур эса ҳокимият тенасига келган пайтдан бошлиб уни мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб турган, кеиничалик – бутун Мовароуннаҳрни әгаллаб, улкан салтанат яратгач, қилган дуолари учун миннатдорчилик тариқасида Мұхаммад Содиқ ва унинг авлодлари фойдасига Лангардаги йирик вақф ерини таъсис этиб, қўшимчасига – энди сиёсий мақсадларни ҳам кўзлаб! – унга қизи Бекасибегимни¹ хотинликка берган.

Катта-Лангардаги барча ёдгорликлар қурилишини Мұхаммад Содиқнинг номи, ҳаёти ва фаолияти билан боғловчи маҳаллий аҳоли зиёратчилар ҳамда азиз меҳмонларни қабул қилишига мўлжалланган улкан инишоот энг аввал қурилганини бир овоздан таъкидлайди.

Меҳмондорчилик шайхлар ҳисобидан қилиниб, катта зиёфатлар уюштирилган, балки шунинг учун ҳам ушибу обида масжид, хонақоҳ ёки ҳеч бўлмаганда меҳмонхона деб эмас... “оиҳона” деб аталган.

Карияларнинг алоҳида ва ифтихор билан таъкидлашича, обидалар давлат газнаси ҳисобига эмас, балки ҳалқ томонидан – бир бадавлат чорвадорнинг маблагига барпо этилган. Уларнинг сўзларига кўра, меъморлар атайин Мисрдан олиб келинган бўлса, фойдаланилган гишталар Мунҷоқтепада пиширилган ва масофа олис бўлишига қарамасдан... қўлма-қўл тарзда қурилиш майдонига етказилган. Ииҳи кучини бармоқлар деб атамиши қўнгирот уругидан бўлган ўзбеклар етказиб берган.

Масжид ва мозор мулизимлари дастлабки пайтлари ўзбекларнинг дўрмон таъкидлаб олинган.

Кўпчиликнинг таъкидлашича, аввал мақбара, сўнг эса масжид қурилган. Баъзи бирлар эса масжид аввалроқ – Амир Темур ҳукмронлик қилган даврларда қурилганини айтадилар.

(Ўша манбалардан)

Катта-Лангардаги масжиднинг барпо этилиши ҳақидаги ривоятларда жамоавий қурилганилиги доимо таъкидлаб келинган. Яқин атрофда истиқомат қилувчи барча қабилалар қурилишининг маълум бир қисми ва таъминоти учун жавоб бе-

¹ Бекасибегим аслида Амир Темурнинг невараси, яъни унинг ўғли Мироншохнинг қизи бўлиб, соҳибқироннинг бошқа невараси амирзода Искандар ибн Умаршайх Мирзога узатилган. Ривоятларда бундай чалқашликлар кўп учрайди.

ришган. Масжид қурилишида ҳеч ким этник асосдан камситилмаган (янги күчіб келгандар ҳам бундан истисно әмас) ва бу парса мусулмонларнинг якдиллигидан далолат беради.

XVI асрнинг сўнгига келиб, умумий сиёсий вазият ва Ишқия тариқати шайхлари орасида Мұхаммад Содиқ ва унинг ўғлы каби таниқли арбобларнинг бўлмагани Катта-Лангарнинг маънавий-диний марказ сифатида аста-секин инқизорзга юз тутишига олиб келди. XVI асрнинг олтмишинчи йилларидан сўнг – шайх Абулҳасан вафотидан кейин – мозордаги қабртошларнинг сони бундан аввалги пайтларга қараганда кескин камайиб кетгани бунга далолат.

Сиёсий беқарорлик, яқин-атрофдаги шаҳарларга ҳарбий ҳужумлар Катта-Лангарни ҳам четлаб ўтмади. Тинмай давом этган ўзаро нифоқлар 1723 йилда хонлик таҳтига даръоварлардан бири томонидан қозоқларнинг – ўзига тарафдорлар сифатида – олиб келинишига замин яратди. Аммо кўп ўтмай уларнинг ҳеч кимга бўйсунмай қўйгани фалокатга олиб келди – улар томонидан қилинган босқинлар оқибатида ҳатто Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарлар тез орада ҳувиллаб қолганди. Катта-Лангарни эгаллашгач, масжид ва мозорни чорва учун қўрага айлантиришиди. Ортларига қайтиши маҳали эса қўлга илинган бор бойликни олиб кетишиди. Муқаддас буюмларни ўзи билан олиб төгга беркинган маҳаллий аҳоли анча пайтгача талон-тарож қилинган уйларига қайтишига журъат қилмай юрди.

Афғон манбаларининг гувоҳлик бершишича эса, гўёким илгари Катта-Лангарда сақланган хирқаи муборак Афғонистоннинг қудратли ҳукмдори Аҳмадшоҳ томонидан олиб кетилган ва вафотидан сўнг у дағи этилган Қандаҳордаги мозорда сақланмоқда.

XVIII асрнинг сўнггида ўзларини шайхларнинг авлоди деб эълон қилган бухоролик хожалар Катта-Лангарда пайдо бўлиб, вайрон бўлган обидалар, шу билан бир қаторда, тариқат обрўсини тикилашга киришидилар. Ушбу фаолият тез орада мевасини берди – илгари фақат қишилоқ ҳудудини эгаллаган вақф ери тезда кенгайиб, XIX асрнинг сўнггида то Ёртепагача ёйилди ва кейинроқ янада йирикроқ тус олди.

XIX асрнинг учинчи чорагида бу ерда бўлган рус офицерлари Катта-Лангарни ҳам қишилоқ ҳўжалиги, ҳам диний-

маърифий томондан гуллаб-яшинаётган марказ деб эътироф этгандилар... ”.

(Ўша манбалардан)

* * *

Эртаси куни эрталаб тақиллаётган дарвозани очган Яшар от устида турган Хўжамуродни кўрди.

– Йўқ, кириб ўтирумайман. Йўлга чикаётиб, бир хабарлашайин, Ҳожарнинг ахволини сўрайин дегандим. Кўзини очдими? Яхши! Худонинг ўзи шифо берсин. – Майли, соат ўн иккida Қамашида бўлишим керак, ойлик ҳисоботга чакиришган. – Хўжамурод кўкрак чўнтағидан занжирили соат чиқариб, кўз ташлади. – Саккиз... бешта кам. Тўгри юраётибдимикин? Ўзиям минг йиллик соат – дам тўхтаб, дам олдинга кетиб қолаверади. Ярамас, яна тўхтаган шекилли! Ана холос! Ол-чи, синмадимикин? Ҳах, эганг ўлгур-а! – деди у соатни қулоғига тутиб, қаттиқ силкиётганида ерга тушиб кетгач.

Унинг кўлидаги соатни кўрганидаёқ Яшарнинг юрагида қандайдир ғулғула пайдо бўлганди, энгашиб ердан кўтаргач эса...

Наҳотки?! Шунчалар ҳам ўхшаш бўладими! Занжири, копқоғига туширилган нақшлар ҳам. Мурватларининг ёқимли чиқиллаб туриши-чи! Буни ёдидан чиқариб бўладими! Кўлида атиги бир қунгина бўлганига қарамай, қулоқларига тутиб, бу оҳангдан олам-олам завқ олмаган, мурғаккина юраги шавқка тўлмаганмиди!

– Нега караб қолдинг? Юраяптими?

– Ҳа, – деди ўзига келган Яшар соатни Хўжамуродга узатаркан, лекин барibir сўрашдан ўзини тия олмади. – Уни... каердан олгансиз?

– Қаршидан, бир савдогардан, – жавоб берди Хўжамурод унга бир зум караб тургач. – Нима, сенга... танишми?

– Кўргандекман, – ўнгайсиз жилмайди Яшар. – Етимхона-даги бир тарбиячининг кўлида. Билмадим, бошқа бўлиши ҳам мумкин – ахир бундай соатлар битта чиқарилмайди-ку!

– Алдамаяпсанми? – унга синовчан тикилди Хўжамурод. – Ўқиган пайтларинг қийналиб... сотгандирсан балки? Агар ростдан шундай бўлса...

Унинг нима демокчилигини англаб қолган Яшар қўрқиб кетди.

— Йўқ, йўқ! У ҳеч качон менга тегишли бўлмаган!

Хўжамурод соатига тезгина кўз ташлаб олди:

— Бўпти, ишондик, — деди у Яшарга зимдан қааркан. — Агар шошиб турмаганимда, бу ҳақда... батафсилроқ гаплашармилик... Бўпти, улгуармиз... яхши қол, ҳаммалариға салом айт. Ҳа, мен эртага қайтаман, уйга ўтишинг мумкин.

Яшарнинг хаёллари узоклашиб кетаётган Хўжамуроддинг ортидан эргашди: ўшамикин? Ёки бошқами? Ахир, бор-йўғи бир кунгина ёнида олиб юрганди-да! Кейин ўша муаллимасига берди, кейин...

Кейин нима бўлганди?

Йигирма саккизинчи боб

Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, барча болалар мактаб ҳовлисига ўйнагани чиқиб кетган катта танаффус пайти эди.

— Йиғлама, — тутила-тутила гап бошлади у йиғлаётган кизалоқнинг тепасида турганча, оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига ташларкан. — Мана, мен йиғламаяпман-ку... У... ёмон муаллима!

Нодира илкис бош кўтарди.

— Ишинг бўлмасин! — ҳиқиллади у. — Ўзинг ёмонсан! Бундан кейин мен билан гаплашма! Ўзинг айтувдинг, ёмон кўришингни! Мен ҳам сени ёмон кўраман! Билдингми? Билдингми?

Яшар хаёlinи жамлашга киришди: энди нима дейиш керак?

— Мен алдовдим... мен сени... яхши кўраман, — эшик томон бир қараб қўйиб минғирлади у. — Бўлдими? Энди йиғламайсанми?

Энди кўркиб кетган Нодира эшик томон қараб олди: жинними! Болалар эшитиб қолса нима бўлади!

Куни-кечагина биринчи синфга борганига қарамай, Нодира Яшарнинг болаларча, факат юпатиш учунгина айтган жўн сўзларини шу тарзда қабул килди. Нега энди кўркмасин! Ана, катта ёшдаги ўғил, қиз болалар ҳақида доимо айтишади-ку, “анови бола манови қиз билан юраяпти”, деб! Буни эшитган тарбиячилар ўғил болаларнинг кулокларидан чўзишса, қизларни ҳамманинг олдидা изза қилишади...

– Тентак! – кичкирди у. – Йўкол! Муаллимга айтиб бераман!

Кутилмаган пўписадан кўркиб ўзини эшикка урган Яшар мактаб ҳовлисида ўйнаётган болалар орасига тушиб колгачгина ортига ўгирилди: “Нима дедим унга?! – ҳайрон коларди у. – Нимани муаллимга айтади? Нима фарқи бор – илгари ёмон кўраман деб айтган бўлсам, энди...

Ўзи тентак! Гаплашмасам-гаплашмабман-да! Олдинлари ҳам кўзим учиб турмасди! Раҳмим келиб шундай десам, у жинни хурсанд бўлиш ўрнига... чақимчилик қилмоқчи!”

Яшар уни бу аҳволда ҳеч қачон кўрмаганди ва иккисини ўхшатишлари боис кейинги пайтларда ўзини олиб кочиб юрганига қарамай, кўнглида шафқат туйғуси уйғонганди. Энди шуни деб янги муаллимдан гап эшитмасайди! Йўқ! Унинг қизларга, айниқса, Нодирага ҳеч қачон раҳми келмайди энди! Яхшиям ҳам кўрмайди!

Қўнғирок чалиниб, Саодатнинг ўрнига тайинланган эр-как ўқитувчи синфга кирганда, юраги пўкиллаб ура бошлади: ҳозир айтиб беради!

Нодира ҳеч нарса демади, лекин ўша кундан бошлаб ийини ҳам бас қилди. Ҳар хил овутишлару юпатишлар жонига тегиб кетганди, энди бўлса уларнинг сафиға манови мишиқи қўшилиб ўтирибди: яхши қўрармиш! Олдин бурнини артса-чи!

Бошланғич синфдагина ўқитган ўша муаллим факат бир нарса билан Яшар ва Нодиранинг хотирасида муҳрланиб қолди: унгача ҳамма ака-сингил дея кабул қилган бўлса, у иккисини опа-указа чиқариб қўйганди.

Ёшгина бу муаллимнинг фикрида мантиқ ҳам бордек эди: хотини икки ойча илгари эгиз түккан бўлиб, қизи ўғлидан сал илгари дунёга келганини эшитганди ва эгизакларнинг туғилиши доимо шу тарзда кечади, деб ўйларди. Ҳа-да, қиз болалар эрта етилади, демак, бу қизча ҳам онасининг корнидаёқ илгарилаб кетиб, бир неча дақиқага бўлса-да, манови боладан...

Йиллар ўтиб, еттинчи синфни битираётганларида (бу пайтда Яшарнинг йиллаб қилган орзуси ниҳоят рўёбга чикиб, иккиси энди бир партада ўтиришмасди, бўйи чўзилиб колган болаларга энди ўқитувчилар ҳам тирғалавермас, ким билан ва каерда ўтиришни ўзларига қўйиб бергандилар) унинг “назария”си маълум маънода ўзини оклади: ўн тўртга кириб,

оки-ок, кизили-қизилга ажрала бошлаган кечаги қизалок етилиб, дуркун кизга айланган, озғингина Яшар эса – мўйлови сабза уриб, товуши “сина” бошлаганига қарамай – унинг олдида камида икки ёшга кичик кўринарди.

Шу йилдан бошлаб Нодира ўғил болалар назарига туша бошлади, айниқса, юкори синф ўқувчиларининг. Лекин унинг хаёли фақат бир нарса билан банд эди – мактабни аъло битириб, ўқишга кириш. Танлов ҳам аллақачон килинганди – ўқитувчи бўлади! Она-тили ва адабиёт ўқитувчиси!

У шеърлар ҳам машқ қиласар, ёзганлари мактаб дёворий газеталарида тез-тез қўзга кўриниб, назмдан бохабар ўқитувчиларнинг мактобига сазовор бўларди. Бир куни (ўшанда саккизинчи синфга ўтганди) маҳсус дарсхонада навбатдаги машкни қоралай бошлаганида синфдоши Барно ёнига келди. Қош-кўзлари попукдек бу қизнинг юзи хаяжондан кизариб кетганди.

– Сенга, – деди у ортидан эшикни маҳкам ёпгач, Нодирага бир неча марта буқланган қоғоз узатаркан.

– Нима бу? – бошини кўтарди Нодира.

– Хат! Бериб қўйишимни буюриш... илтимос килишди!

– Мен бунака хатларнинг кўпини олдим ва уларни нима килғанимни билсанг керак, – деди Нодира унга истехзоли кўз ташлаб. – Бандлигимни кўриб турибсан, шунинг учун, мени овора қилмай, ўзинг йиртиб ташла ёки ёқиб юбор. Бўлдими? Бўпти, бўшсан, боравер.

Нодира бу ёшга келиб tengdoшларидан жисмонан кескин ажралиб туришига кўра (залворли мушти зарбини татиб кўрган ўғил болалар ҳам ундан хайкишарди) барча етимхоналарда мавжуд хукмрон “табака”нинг энг юкорисига дадил қадам ташлаётган эди. Битириувчи синфларга тегишли “оксуяклар”нинг ўрнигача ҳали анча борлигига қарамай, тенгдошлари, шу жумладан, синфдош қизлар орасида ўзига хос “онабоши” бўлишга улгурганди, шу ёшдаги қизлар ўртасидаги деярли барча муаммолар унинг иштирокисиз ҳал килинмасди. Атрофида парвона, яқин дугонаси бўлишни истаган ўша кизларнинг кўпчилигига бу насиб этмади. Уларга истаган нарсасини буюра оладиган Нодира шу тобда ҳақиқий “онабошиларга” хос викор билан буйруғи ижросини кутмоқда эди.

Аммо ўрнидан жилмаган Барно ўзини дам у, дам бу оёғига солиб тураверди.

— Ҳали ҳам шу ердамисан? — сўради Нодира ёзувидан бош кўттармай. — Нима деганимни тушунмадингми?

— Бериб қўй, дейишганди-да, — йиғламсиради Барно.

— Ўл юрагинг ёрилмай! — Нодира хат муаллифининг ким эканлигини тахмин қилаётган бўлса-да (лақаби “араб” бўлган Шавкат исмли етимхона жўжаҳурозларидан бирининг бошка ўғил болаларга “Нодира меники, биронтанг кўз олайтира кўрма” деганини эшиганди), барибир сўради. — Ким ўзи у? — Ростдан ҳам ўша экан. — Ўша қора таппими? Нечта қизга хат ёзади? Энди навбат менга келибдими? Ким деб ўйляяпти ўзини? — Нодира ўрнидан тез туриб, кизнинг қўлидан коғозни шартта юлқиб олгач, майда-майда қилиб йиртиб ташлади. — Ма! Олиб бориб бер!

Барнонинг ранги ўчди:

— Уришади-да!

— Ўлмайсан, — деди қайтиб жойига ўтирган Нодира. — Сенга ким айтди почтачилик кил деб.

— Нима деб айтай бўлмаса?

Ўзига садокат ила хизмат қилиб юрувчи қизга нисбатан Нодиранинг кўнглида иликлик югорди:

— Нима дердинг... етказдим, жавобини айтади, де. Қолганини менга қўйиб бер ва нима қилишим билан ишинг бўлмасин. Агар шунда ҳам сенга қўл теккизса...

Юраги жойига тушган Барно унга ҳавас билан термулди:

— Сендан ҳамма қўрқади. Бунинг устига... аканг бор.

— Шу сакични чайнашни қачон бас киласанлар?! — бежирим бурнини жийирди Нодира. — Нега ҳаммаларинг шу гапга ёпишиб олгансанлар? У ҳеч қачон акам бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Мен уни... ёмон кўраман! Билдингми? Билдингми?

Беш-олти йил илгари бўлиб ўтган воқеадан бери ҳар иккисида бир-бирларига нисбатан душманлик кайфияти сакланиб қолганди.

— Нега ундей дейсан? — деди нима бўлганидан ҳамма қатори бехабар Барно. — У жуда яхши, одобли, аълочи бола. Шундай аканг бўлса ёмонми? У менга... ёқади. Бошқа кизларга ҳам, — шошилганча қўшиб қўйди у.

Нодира бир зум қошлари тагидан қараб турди-да, қулиб юборди:

— Ўша-я! Ҳаммангами? Унда сен ҳам хат ёзиб бера қол! Етказиб, қарзимни узаман!

— У барибир менга қарамайди, — бемаъни хиринглади Барно.

— Нега қарамас экан? — деди Нодира энсаси қотиб. — Ким бўйти ўшанг? Шохи борми?

— Қарамайди-да! Сенга ўхшаб, нукул дарс килгани қилган, қизлар билан иши йўқ.

Нодира жилмайди:

— Мана шуниси... менга ҳам ёқади. Рашк қилмаяпсанми, ишқилиб?

— Нима ёзаяпсан? — деди Барно саволни эшитиб яна бир марта хиринглаб олгач. — Шеърми?

— Сенларга ўхшаб ишқий мактублар ёзайми бўлмаса?

— Илтимо -о -о -с, ўқиб бе-е-ер, — ялинди Барно.

— Тайёр бўлгандা! Понятно! — рус тили муаллимасига таклид қилди Нодира. — Бор, ундан кўра дарсларингни тайёrlа. Қачонгача мендан кўчирасанлар! Тозаям чўриларингни топиб олдиларинг!

Барно дарҳол “чўри”нинг кўнглини олишга киришиди.

— Озгина кир ювмоқчи эдим... ички кийимларимни. Бирон нарсанг бўлса бер... юқори синф қизлариники ҳам бор.

— Ўшалар ҳам қизми! Сигирдек бўлмай ўлишин! — ижирғанди Нодира. — Боравер, мен бундай ишларни ўзим килишга ўрганганман. — Барно бир оз ўйланиб, қўлидаги коғоз парчаларини столга қўйиб чиқиб кетгач уларга тикилиб қолган Нодиранинг кўзига узук-юлуқ сўзлар ташланди. — Виждонсиз! Икки сўзда тўрт хато! — У ўрнидан туриб, хона деразасини ланг очди ва олислаб кетаётган Барнонинг ортидан кичкирди. — Бу ёқка кара! Ушла матаҳингни! Чикиндиҳонага ташла!

Шундай қилиб, “навбатдаги” севги изҳори ҳам хазонрезги каби чир учиб, пастда турган Барнонинг оёклари тагига тўшалди.

* * *

Нодира ва Яшарнинг (у ҳам энди анча кўркамлашиб, кўзга якин бўлиб қолганди ва қиз унинг олдида икки-уч йил илгаридек салобатли кўринмасди) муносабатлари мактабни битиришаётган кунигина тикланди.

Имтиҳонлари пайтида уларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўкув ишлари бўйича директор муовинидан тортиб, фан ўқитувчиларигача ҳар икки гапнинг бирида “мактабимиз фах-

рисизлар, ўқиши факат аъло баҳоларда битиришларингиз, аттестатда биронта тўрт бўлмаслиги керак” дейишдан толмадилар. Шусиз ҳам барча фанларни аъло даражада ўзлаштирган иккиси учун бу каби “йўрикнома”лар ортиқча эди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди ва бир куни мактаб директори (Саодатдан сўнг тўртта директор алмашди, энди ўша фожиани камдан-кам киши эсларди) уларни хузурига чорлади.

– Гап бундай. Бу йил мактабимизни иккита ўқувчи аъло баҳолар билан битирияпти, уларнинг кимлигини эса айтишим шарт эмас, – шодон илжайди у Яшар ва Нодиранинг уялиб ерга караб туришларини кузатар экан. – Раҳмат сизларга! Намунали хулқ-атворларинг учун ҳам! Доимо шундай бўлсин. Сизларга – мавжуд конун-қоидаларга биноан – истаган олий ўқув юртига имтиҳонларсиз кабул имтиёзи берилади. Йўлланма тариқасида. Буни биласизлар-а? Баракалла! Менимча, танловни ҳам аллакачон килгансизлар. Шундайми? Қани, эшитайлик, бўлмаса.

Қаерга ўқишига кирмокчи бўлаётганини биринчи бўлиб Но-дира айтганда Яшарнинг юраги шув этиб кетди: “Наҳотки?! У ҳам ўша ергами?!?”

То ваҳима-ю ўйларидан қутулгунча, директор унга юзланди.

– Қизимизникини эшитдик. Хўп, сен-чи?

Яшар довдираб қолди:

– Менми? Мен... мен тарих факультетига кирмоқчи... эдим, – деди у аранг. – Билмадим, яна.

– Бу нима деганинг? – ажабланди директор. – Ёки бошқа қасб ҳам кўнглингда борми? Айт унда! – Яшар энди ўзини мутлақо йўқотиб кўйди. Ахир бошқа мутахассислик бўйича ўқиши умуман режалаштирумаган бўлса, нима қилсин! – Ғалати бола экансан-ку! – кулди директор. – Бу туришингда ҳаммамизни шарманда қиласан-ку! Ўқитувчилар сени мақтаганда тилларидан бол томарди – зукко, ҳозиржавоб... Нега индамайсан? – Яшар ботинкалари учига тикилди. – Демак, танлаб бўлгансан, шундайми? Ҳайронман, нега унда иккilonаяпсан! Қайтанга яхши-ку! Бир жойда ўқиб, бир жойда яшайсизлар, демак, хабарлашиб турасизлар! Тўғрими? Факультетлар бошқа-бошқа бўлишининг аҳамияти йўк. – У бир оз ўйланиб турди. – Балки, битириб, ўзимизнинг мактабга

қайтарсиз! Собиқ муаллимларингизга ҳамкасб бўлиб! Ёмонми? Насиб бўлса, битиргунларингча ишлаб турсам, бўшатиб юборишмаса ёки худо кўрсатмасин, ўлиб қолмасам (директорнинг нафақага чиқишига ҳали беш-олти йил бўлса-да, икки марта юрак хуружини бошидан ўтказганди), ёрдам бераман ва умид киламанки, кўлимдан келади. Келишдиг-а? Бўпти, йўлланмаларни айнан сиз истаган факультетларга тайёрлашларини ҳалқ таълими бўлимига етказаман.

Яшар директорнинг хонасидан қандай чиққанини билмайди: “Ана холос! Нима бало, ростдан ҳам киндигимиз бирми? Бир жойда тарбияландик, бир мактабда ўқидик, ҳатто бир партада ўтиридик. Энди эса университетда...

Ўн йил илгари бўлиб ўтган ўша воқеадан сўнг Нодира синфдаги бошқа болалар ва қизлар билан истаганча бақириб-чакиришиб, ўрни келганда хохолашгани билан, унга қолганда бошқача эди. Турли вазиятлар тақозосига кўра, дарслар ва стимхонада бўлиб ўтадиган камдан-кам “мажбурий” мулокот ҳам ўта совук, бир-икки сўздан ортмасди.

Бирок бутун борлик кўзига гўзал кўриниб, ҳамма билан дўстлашиш, ўзини ҳамма табриклишини истаётган Нодиранинг бугунги кайфияти аттестатидаги баҳоларидан ҳам аъло эди.

Бугун Яшар ҳам кўзига ўзгача кўринаётганди: қачонгacha аразлашиб юриш мумкин? Болаликда нелар бўлмайди? Ўша... уришиб қолганларими? Лекин кимнинг айби билан? Аввал ёмон кўришини айтиб, кейин...

“Тўхта-чи, – худди шу ерда ўйлади Нодира, – балки биринчи қадамни мендан кутаётгандир? Ахир, у эмас, мен уни ҳайдаб согландим-да! Ҳозир индамасам, балки бошқа бундай имконият бўлмас, ҳатто ўша ерда ҳам бир-биримизни кўрсак, терс ўгирилиб кетадиган бўламиз”.

Мактаб ҳовлисига чикишгач у кулимсиради:

– Ана, олий ўкув юртида ҳам бирга ўқир эканмиз.

Яшар эса қовоғини уйиб, қизга тикилди: нима демокчи? Нимага... шама қилаяпти??!

– Менга фарки йўқ. Бирга бўлса, бирга-да! Бўпти, яхши кол.

– Мен эса хурсандман! Кел, ўтган гапларни унутайлик!

Ортига ўгирилиб, қизнинг дўстона кўз ташлаб турганини кўрган Яшарнинг лабига билинар-билинмас табассум югурди.

— Тушунмадим... ўртамизда... қандайдир гаплар бўлганми?

Нодиранинг чўзиб ўтиргиси келмади:

— Кечир мени, хўпми? Ўзингни анқовликка ҳам олма!

Яшар кип-кизариб кетди – у ҳам энди вазиятдан бошини баланд кўтариб чиқиб кетмаса уят бўларди.

— Сен ҳам, – ўнғайсиз жилмайди у.

— Мен? Қизик, нима учун? – киприкларини муғомбираона пирпиратди Нодира.

— Билмадим... ҳаммаси учун дединг-ку. Кимнинг қанча айби бор деб тош-тарози килиб юрамизми энди!

Ҳазил ёкиб тушган киз шарақлаб кулиб юборгач, қўлини узатди. Бу энди – “узил-кесил ярашув шартномаси” ва илк бор қўл тутишлари эди.

— Табриклиман!

— Раҳмат. Лекин тушунмадим... нима билан табриклияпсан?

— Нима билан бўларди! Мактабни муваффакиятли битирганинг-чи! Ёки биратўла, ўқишга кирганинг, тўрт йилдан сўнг кўлингга диплом олишинг билан ҳам табриклишм керакми?

Яшар баттар кизарди:

— Унда... ўзингни ҳам! – деди у кизнинг қўлини кисаркан.

* * *

Гарчи талабалар сафига ўтиш имтиёзли бўлса-да, ўзига яраша ташвишлари кўп экан: тиббий кўрик, университет кошида ташкил этилган маҳсус комиссия сухбатидан ўтиш, ижтимоий келиб чиқишлиари ҳақида маълумотларни йиғиш, уларни тасдикловчи бошқа коғозлар...

Тақвим бўйича 1937 йил эди. Бутун мамлакат бўйлаб совук бир сиёсий мухит хукм сурар, қама-қама авжига чиккан, кам деганда ойда бир марта матбуотда ҳар хил шов-шувли хабарлар чоп этилиб, мавжуд сиёсий тузумга карши фаолият олиб борган гуруҳ ва кимсалар фош этилар, ҳар бир шахснинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти синчковлик билан ўрганиб чикиларди.

Бу борада уларнинг иши анча силлиқ ўтди: ота-оналари, уруғ-аймокларининг кимлиги номаълум, бир умр етимхонада катта бўлишган, жамоат ишларида фаол, комсомол аъзолари –

буларнинг бари қўлтиклариға қистирилган юпқагина “жилд”да батафсил акс этганди.

Яшар етимхона маъмурияти томонидан энг сўнгги пайт қўлига тутқазилган ушбу папкадаги ўзига тегишли маълумотларни синчковлик билан ўрганар, уни айниқса, ота-онасининг кимлиги, қаерда туғилгани қизиктиарди. Бир гал йўли Нодира билан бирга бўлиб қолди.

– Танишиб чиқдингми? – деди у ёнма-ён кетар эканлар, қизнинг қўлидаги папкага имо қилиб. – Мен ҳеч нарсани тушунмадим.

Нодирани ҳам афтидан шу нарса ўйлантираётганди.

– Мен эса факат бир нимани тушундим – Сурхондарёдан эканман.

– Буни шу қофозларсиз ҳам билардик – ахир, бу ерга Термиздан юборилганмиз-ку. Гапнинг очиги, ортикроғига умид килгандим. Атайин қизикиб кўрдим – аксарият болаларда бошкача, жилла курса, туғилган жойи ёзилган, бизницида эса... Нима дейсан, вакт топиб суриштириб кўрайинми? Ахир, бу ўзимиз учун керак-ку! Шу пайтгача кимки бизни кўрса... – У Нодирага синовчан, хижолат аралаш тикилди. – Агар шу тахминлар ўзини оқласа... факат хурсанд бўлардим. Сен-чи?

– Суриштираман, дейсанми? – тўхтади Нодира. – Натижа чиқармикин? Борган жойларингда шулардан бошқа яна нима бўлиши мумкин? Кейин... бунга қандай вакт топасан?

Шубҳа-гумон аралаш шугина қизикиш ҳам Яшарнинг кўнглини тоғдек кўтариб юборди.

– Кел, аввал бир иш қиласлий. Папкангни бер. – Нодиранинг тушунмай турганини кўриб, изоҳ берди. – Бугунок ўша даврга тегишли барча ҳужжатларимиздан нусха кўчириб оламан. Нима учун? Буларни хозир топшириб юборсак, яна аллақаёкларга тикиб кўйишади – ялиниб-ёлворсанг ҳам кейин олиб бўпсан! Сўнг, ўшалар бўйича ҳаракатни бошлайман!

Берилиб сухбатлашганча хиёбондан ўтиб боришаркан, қўлида узун дастали супурги тутган аёлнинг ўзларига кўзи тушгач, тезда ўгирилиб олгани, анчадан сўнг эса ортларидан термулиб қолганини пайкамадилар.

Айтганча, мана шу аёл бир-икки кун илгари ҳам уларни бехосдан кўриб қолганида худди шундай қилганди.

Йигирма түққизинчи боб

Улар университетнинг эскигина ётоқхонасида, ҳар бир факультет учун ажратилган алоҳида-алоҳида қаватларда жойлашдилар. Ҳар иккисининг-да хонаси тўрт кишилик бўлиб, Яшарга ҳамроҳ бўлмиш йигитларнинг барчаси Бухоро вилоятидан (икки нафари Қоракўл, бири Шофиркон туманидан), Нодира-нинг “қўшнилари” эса турли вилоятларнинг қизлари эди.

Яшарнинг талабалик даври ўта фаоллик билан бошланди. Гурухларига куратор қилиб тайинланган домла – аслида немис тили бўйича мутахассис – ўзига “тобе” талабаларнинг кимлигини аввалдан билар экан шекилли, қисқагина бўлиб ўтган танишувдан сўнг унинг номзодини гурухбошиликка кўрсатиб, мактабни қандай битиргани, кейин кай тарзда ўқишига кабул қилинганига ургу берди.

Икки кун ўтиб эса факультет комсомол қўмитасидан чакиришиб, курс комсомолларига сардорликка “сайламоқчи” бўлаётганларини билдиришди: “Биламиз, бу борада тажрибангиз бор – мактабингиздан берилган тавсифномани ўқидик. У ерда яна бошқа нарсалар ҳам баён этилган. Ишга ҳозирдан киришаверинг. Тез кунлар ичida курс талабалари иштирокида мажлис ўтказиб, расман тасдиқлаймиз. Ташкилий ишларни мана шу кабинетга келиб режалаштираверасиз. Юкори курсларда бу соҳада ишлар қандай кетаётгани билан танишиб, билмаганингизни ўрганасиз. Бошка фаоллар билан ҳозирданоқ танишиб олсангиз ҳам зарар қилмайди”.

Яшар кувончдан ичига сифмасди – гурух сардори, курс комсомол қўмитаси етакчиси!

Бироқ бу кувонч тез орада хафагарчилик билан алмашди: костюм, пальто ҳақида-ку, гапирмай турайлик, эгнида тузукрок кўйлаги йўқ-ку! Оёғидаги қўпол ботинкаси уч-тўрт марта таъмирдан чиккан, чўнтағида эса шамол ўйнайди – дастлабки ёрдам тарикасида етимхонадан берилган арзимаган пулнинг сўнгги чакаларини тежаб-тергаб ишлатмоқда. Бу туришда биринчи стипендиягача етиб бора оладими-йўқми – номаълум. Ҳали хонадошларининг нонига шерик бўлиб қолмасайди...

Хонадошлар Яшарга бўлган ўзгача муносабатни кўрибми, ёки ўзлари шундай дилкаш йигитларми, дарров ўзларига яқин ола бошладилар. Мисол учун, ҳозиргина чой ичиб бўлганларига қарамай, Яшар кириб келганида дарров қайтадан

дастурхон ёзишарди. Гарчи бошқа гурухларда үқишиңа хам, Яшарнинг “ижтимоий келиб чикишини” орқаворатдан эшитган бўлишса керак, у бор пайтлари кўнглига караб, оила аъзолари, яқинлари ҳақида гап очишмасди. Даастлабки пайтларда соғинчдан ёки хонани бир оз бўлса-да безаш учунми, ўзларига тегишли тумба устига бирори отаси, бошқаси онасининг суратини қўйган ёки каравоти тепасига илган бўлса, бирон ҳафта ўтиб, улар хам кайтадан жомадонларга тикилди, бу ўринларни юнди турли жойларда ва турли фотографлар томонидан ишланганига қарамай, на коғоз, на ҳажми жиҳатдан бир-биридан фарқ килувчи, бутун синф ва ўқитувчилар алоҳида-алоҳида акс этган, французчасига чиройли килиб “вийет” деб аталмиш оммавий суратлар эгаллади.

Орадан ҳафта ўтмай, ўртада йифилган пулга харид килинган егуликлар билан коринларини “алдашар” экан, хонадошларидан бири – соchlари жингалак, бор-йўғи ўн саккизга кирганига қарамай қаттиқ, куюқ соколини хар тонг киртишловчи Юсуф – ташки кўриниши хам номига жуда мутаносиб эди – Яшарга караб илжайди:

– Жўра, бу... гурухингда дейман... қизлар масаласи қалай? Борми? Бизда уруғга хам йўқ экан. Ана омадсизлиг-у мана омадсизлик!

Унга биратўла ҳамхоналар хам бўлмиш иккала гуруҳдоши тасдиқ маъносида ҳиринглаб қўйганларидан сўнг, Яшар жавоб берди:

– Бор... тўртта... шекилли.

– Яқинроқ танишиб олдингми биронтаси билан? – қопкора, серкиприк кўзларини унга тикиди Юсуф.

– Йўқ. Исмларини хам тўлиқ билмайман, – жилмайди Яшар. – Кўл тегмаяпти.

Юсуф стакандаги чойдан яна бир марта оғзини тўлдириб хўплади.

– Айтгандек, – барчаларига қув назар ташлаб олди у, – кўзларинг тушдими-йўқми, билмадим, тил-адабиёт факультетида битта зўри бор экан! Кўринишидан, кийинишидан шаҳарликларга ўхшайди.

– Бизнинг курсданми? – қизиқди Шофирикондан бўлмиш Фозил.

Юсуф бош ирғади.

– Лекин билмадим, биз қишлоқиларга қарармикин, – кулди

у. – Уни тез орада бирон шаҳарлик олифта ўзиники қилиб олади, ёки биронта ёшрок домла! Эшигнамиз, бундай имкониятни қўлдан чиқазишмайди. Кўп ҳолларда, кизларнинг ўзи ошик бўлиб колади унақаларга!

– Каерда кўрдинг? – кизиқди Юсуфнинг тумандоши Норбой. – Шу, ўзимизнинг ётоқда яшар эканми?

– Ха. Фойеда тургандим, бир тўда қизлар билан кириб кетаётган экан. Юракни жизиллатиб юборди лекин!

– Сен ўзи нега келгансан бу ерга? – кулди Фозил. – Ўқиш учунми ёки қизларни пойлашга? Отанг эшитиб қолса, кулоғингдан чўзганча қайтариб олиб кетмасин!

– Отамга қолса-ку, умуман ўқитмокчи эмасди! – илжайди Юсуф оппок, бакувват тишларини яркиратиб. – Мактабимиз директори, синф раҳбаримиз кўйишмади. Шундай болани... – у тўхтаб, сухбатдошларига хижолатомуз кўз ташлаб олди, – яъни, мактабни яхши битирганимни назарда тутишиб, дейман... ўқитмасангиз, уволига коласиз, дейишиди.

– Нима, отанг сени чўпон қилмоқчи эдими? – сўз қотди гардишлари дум-думалоқ кўзойнагини неchanчи марта жойига ўрнатаётган Норбой.

– Уйлантиромокчи эди! Ҳатто киз ҳам топиб кўйганди! Лекин у киз менга ёкмайди! Шунинг учун... яна ўша... директоримиз ва синф раҳбаримизнинг гапи баҳона бўлиб, бу ёкка кочиб келавердим! Омадим бор экан, ана, сизлар билан ўқиб юрибман! Қабулдан сўнг уйга борганимда, ҳаммалари табриклаб, “бўпти, кейинроқ уйлантирамиз” дейишиди.

– Ўша, – деди Норбой қолганларга кўз кисиб кўяркан, – ёқтиримайдиган қизинггами?

– Э, ўлсам ҳам унга уйланмасман! – деди Юсуф гурра кўтарилиган кулгу тўхтагач. – Қолаверса, ўқишини битиргунимча эрга тегиб, уч-тўртта болали бўлади у. Ўзинг биласан-ку, бизда йигитларни апил-тапил уйлантирганлари каби қизларни ҳам узоқ олиб ўтиримайдилар. – Барча хонадошлар, шу жумладан, Яшар ҳам унинг сўзларини берилиб тинглашарди. Юсуф стулда чалқайганча давом этди. – Бизда ҳалигача ўкиган қизларни ёқтиришмайди. Келаётганимда онам “биронтасига илашиб қолма, ўлдираман!” деб пўписа қилди ҳатто. Лекин мен, – илжайиб хонадошларига кўз ташлаб чиқди у, – севиб уйланмоқчиман! Ўкишда бўладими, бошқа жойдами, фарки йўқ. – У энди орзуларга берилди. – Эҳ, қани эди у ҳам мени яхши кўриб қолса! Зўр бўларди лекин!

— “У ҳам”, дедингми? – хихилади Фозил. – Нима, уни ростдан яхши кўриб қолдингми? Бир кўришда-я! Майли, бу мумкин ҳам дейлик, лекин... бекорга хомтама бўлаётгандирсан? Ўша киз сен айтаётгандек бўлса, йигити бордир? Балки унаширилгани? Ёш домлаларинг, олифта “акаларинг”, шу жумладан, сен ҳам оғизларингдан сув окканча колиб кетарсанлар?

Болаларча феъл-атвори ҳали тарк этмаган (унинг оиласда эркатой бўлганлиги шундок кўриниб турарди) Юсуфнинг бирдан кайфияти бузилди:

– Йўғ-э! – деди у киприкларини пирпиратиб. – Сира ўхшамайди-ку!

– Қанака қилиб ўхшасин? Пешанасига ёзиб олмайди-ку, йигитим ёки қайлиғим бор деб! Бу хумдек каллани бир оз ишлатсанг-чи, жўра!

Энди хонадошларнинг барчаси унинг тушкун аҳволи, ростдан ҳам болалардек тумшайиб олганини кўриб, қотиб-қотиб кулишарди.

– Аниқлаймиз! – деди у бир пайт ўрнидан туриб, куракдек кўлларини бир-бирига ишкаркан. – Шу бир-икки кун ичида!

– Аниқла, армонинг қолмасин! Кейин, мистер Шерлок Холмс, агар ҳаммаси рисоладагидек бўлганида ҳам, унинг шаҳарлик эканини бир карашда пайқаганинг ҳам ёддан чиқмасин! – деди Норбой силкиниб кулганидан оёклари тагига тушиб кетган кўзойнагини кўтараркан.

Кулгу, ҳазил-ҳазул билан стол усидаги дастурхон иғишиштирилиб, унинг ўрнини энди китоблар, қалин конспект дафтарлар эгаллади, аммо фактат Яшар ва Фозил дарс килгани ўтиридилар. Устки кийимлари билан ўзини каравотга ташлаган Юсуф кўлларини боши остига қўйиб, шифтга қараганча, хаёлга берилиб кетган бўлса, Норбой шишаси ўрнидан чикиб кетган кўзойнагини суробга келтиришга киришди.

– Ўзингнинг калланг ишламайди! – деди у томонга бошини бурган Юсуф ҳеч ким кутмаганда. – Билдингми, турткўз? – Барчалари Юсуфга ялт этиб қарашди, Норбой эса ойнаксиз деярли кўрмайдиган кичкина кўзларини унга тикди: нима бўлди яна? Юсуф оғир гавдасини тўшак узра буриб, ёнбошлиб олди-да, давом этди. – Ўзингнинг калланг ишламайди! – қайтарди у. – Қаерда кўргансан унаширилган кизни ўкишга кўйганларини?

Бу сафар ҳам ҳеч ким кулгудан ўзини тўхтата олмади: тоза юрагидан урганга ўхшайди-ку!

Умумий кулгу тугагач, рўпарасида очик турган китоб сатрларига кўз югуртираётуб, хаёлидан нимадир ўтган Яшар бир нуқтага тикилганча қолди: “Кизик... кизни қайси факультетдан, деб айтди? Тил-адабиётдан... дедими?”

У нигоҳини кўтариб, Юсуф ётган каравотга каради: “Бўлмаган гап! У факультетнинг тенг ярми кизлар, “бир кўрганда юрак жизиллайдиганлар” ҳам ораларида сон мингта! Қолаверса, Нодира шу даражада... одамни ўзига мафтун қиласидиган кизми? Бўлса бордир, – билинар-билинмас кизарди у шу оннинг ўзидаёк, – ахир, биз бир-биримизга эътибор қиласидиган одамлар эдикми? Ит-мушукдан фарқимиз йўқ эдик!”

Ётоқхонага жойлашганларидан кейин ҳам у Нодира ни камдан-кам кўрар, хонасига боришга ийманарди: турли хаёлга бориб ўтиришмасин тагин! Бу хаёллардан энг ёмони (“бошқалари” ҳам албатта бўлади – кизлар бунингсиз яшай оладими!) яна ўша – уни Нодиранинг кимидир деб қабул қилишлари! Яна пичир-пичир, яна сўроқлар. Албатта, болалиқдаги ўша уялиш, аччиқланишлар бўлмайди энди, лекин барабири нокулай...

Кунлар шу тарзда ўтаверди. Тез орада эгаллаши кутилаётган “лавозим”ига тааллуқли баъзи бир ишларни ҳам қилишига тўғри келгани боис Яшар анча пайтга қадар факультетда ушланиб қолар ва ҳар сафар хонасига қайтганида Фозил ҳамда Норбайнинг Юсуфни калака килаётганлари устидан чиқарди.

Аммо бу гал хонада унинг бир ўзини кўрди – Фозил ва Норбой дўконга чиқиб кетишган экан.

– Ошна! – деди оғзи кулогида Юсуф Яшарни ўнғайсизгина бағрига босаркан. – Баъзи бир маълумотлар бор!

Ўз ташвишлари билан хаёли банд Яшар бирданига тушунмади.

- Қандай маълумотлар экан?
- Қандай бўларди – ўша киз ҳақида!
- Нима... унаштирилган эканми? – ҳазиллашди Яшар.
- Оббо, канака одамсанлар ўзи! Сенларга минг марта айтилди-ку, унаштирилган қизлар ўқишига келмайди, деб! Исмини билиб олдим!
- Ў-ху! Бу ҳам катта ғалаба. Қани, эшитайлик-чи.
- Нодира! Исми-жисмига мослигини айтмайсанми – шеърлар ёзаркан! Худди ўша машҳур шоира каби. Зўр-а?

Юраги шиғиллаб кетган Яшар бир зум нима дейишини билмай колди, сўнг Юсуфнинг бағридан сирғалиб чикди:

— Ўзидан сўрадингми буларни?

— Қайда! — улкан гавдасини каравотга қайта ташлади Юсуф. — Гаплашиб бўлармиди — лўлиларга ўхшаб, доимо тўда-тўда бўлиб юришади! Фойеда ўтирадиган навбатчи аёлдан аникладим. Худди ўша галдагидек яна бир гала бўлиб келишгач, уни сездирмай кўрсатиб: “Шу қизнинг исмини билиб беринг-чи, мабодо биз томондан келмаганми, сўраш ўзимга нокурай бўлаяпти” дедим.

Яшар ундан кўз узмасди:

— Хўш... қаерлик экан?

— Буниси билан қизикмабди, — шундай дея Юсуф унга ғалати бир жилмайиш билан қараб турди, сўнг кулиб юборди. — Биласанми, Яшар! Ошна! У сенга — бунақа юзни қаерда кўрганман, деб ўйлагандим ҳатто! — жуда ўхшайди! Кани, — у келди-да, Яшарнинг елкасидан тутиб, куч билан ўзига ён томонлама килиб кўйди, — озрок мана бу ёққа бурил-чи! Яна... Ёпирай! — хитоб қилди у бир пайт. — Худди ўзинг! Ишонмайсанми? Унда... бирон кун олисдан кўрсатаман!

Яшар нима дейишини билмас, лекин қизнинг ким эканлиги-га энди шубҳа қолмаганди.

— Нима киламан кўриб? — зўрма-зўраки кулди у. — Бирбирига ўхшаш одамлар камми?

Юсуф қайта каравотига ўтириб, кийимларини алмаштиришга тутинган Яшарни ўша илжайиш билан томоша қила бошлади, сўнг яна кулиб юборди.

— Ўлай агар, мабодо ўғил бола бўлганида уканг деб ўйлардим! Яшар! Сен барибир уни бир кўришинг керак!

Яшар жавон эшигини қарсиллатиб ёпди:

— Албатта! Менинг бундан бошқа ишим йўқ-ку! Ҳозир олиб борасанми? Мендан сўнг Фозил ва Норбойга ҳам кўрсат. Яхши томоша топдинг — ҳатто чипта сотиб, фойда кўришинг мумкин. Мен биринчи маротаба учратишим... яхши кўрган қизини кўргазмага кўйганларини!

Ўзи истамаган ҳолда Яшарнинг сўзлари совук, тиканли чикмоқда эди. Юсуф унга ҳайрат билан қараб колди.

— Нега жаҳл қиласыпсан? — ниҳоят тилга кирди у. — Наҳотки сени хафа қиладиган бирон нима дедим? Ахир... ахир... агар уни бир кўр, деган бўлсан... сабабини айтдим-ку! Наҳотки, шу

оддий нарсани айтишга истиҳола килиб ўтиришим керак! – У ўрнидан туриб, Яшарнинг ёнига келди. – Яшар! Ошна! Нима бўлди сенга?

Юсуф унинг рўпарасида шундай хокисор, аянчли бўлиб турардики, Яшар гапни бурди:

– Ҳеч нарса. Факат... элдан аввал овоза қилмасанг яхши бўларди. Ҳали у қизнинг ёнига ҳам бора олганинг йўқ, нима деб жавоб беришини-да билмайсан. Қиз боланинг номига доғ тушиб колишидан осони борми.

Унинг ёшига ярашмас насиҳати Юсуфни лол қолдирганди.

– Шунгами? – деди у анчадан сўнг. – Ҳали мен унинг номига доғ туширас эканманми? Қаердан олдинг буни? Мен унинг ортидан шунчаки эрмак учун югураётганим йўқ. Билмадим, сен биронтасини севганимисан, бунинг нималигини биласанми-йўқми, лекин мен у қизни... Рост, ҳозирча ҳеч нарсадан хабари йўқ, лекин... мабодо унга ёқмасам, ёки бошқа... дейлик, – у Норбойнинг каравотига ишора қилди, – манови айтганидек, кимириб бўлса... тирфалмайман! Севмаганга суй-кальма, деганлар! Қўркма, мен қадрини биладиган одамман.

Яшар бу каби оташинликни ҳеч кутмаганди: бунча! Бундай сўзларни юзаки айтиб бўладими ҳеч замонда? Лекин огохлантириб кўйиш ортиқчалик килмайди.

– Нега қўркар эканман? – илжайди у. – Ана, бор, пайтини топиб, кўнглингни ёр! Омадинг келса, хўп-хўп, бўлмаса... – У бир пас ўйланиб қолди. – Лекин илтимос, уни хафа килма.

Сўнгги сўзлардан Юсуфнинг оғзи очилиб қолди, аммо бирон нима дейишга ултурмай, кўлларида иккита булка нон, тўрхалта тўла сабзи-пиёз кўтарган Фозил ва Норбой кириб келишди.

* * *

Эртаси куни ўкишдан қайтар экан, ётоқхона йўлагида Нодира билан бирга бўлиб қолган Яшар муғомбirona илжайди.

– Ўқишлир яхшими? Бугун бир ўзингмисан дейман?

– Яна ким билан келишим керак эди? – ажабланди Нодира.

Яшар кулиб қўйди:

– Менга келиб тушган баъзи бир маълумотларга кўра... доимо бир тўда кизлар билан қайтар экансан. Қани бугун ўша “тансоқчилалинг”?

– Нима, ортимдан одам кўйганмисан? Бирор ўғирлаб ке-

тади, деб кўркайсанми? Кимгаям керагим бор! – У Яшарга қув назар ташлади. – Ҳа, гуруҳдош дугоналарим бугун эртарок кайтишиди, мен эса кутубхонада баъзи бир нарсаларни мутоллаа қилдим, конспект ёздим. Рости, ётоқхонада тўлақонли дарс тайёрлашнинг имкони йўқ. Биласан-ку, қизларнинг бари сергап бўлишади, бир зум оғизлари тинмайди. Айтгандек, – у одати бўйича кафти билан оғзини ёпиб кулди. – Менда ҳам баъзи бир “ута муҳим” маълумотлар бор: сенга бир-иккитасининг... кўзи тушибди. Аканг эмасми, деб сўрашди. Яхшиям эшитмадинг, деб ўйладим. Бўлмаса... хув ўша директоримиз хонасида бўлганидек яна... мазанг қочиб қолармиди!

– Сен нима дединг? – қизариб кетди Яшар.

– Йўқ, дедим. Тўғри килибманми?

– Билмадим. Мендан ҳам яқин орада сўраб қолишлари мумкин. Лекин мен “ҳа” дейишни мўлжаллаб турибман.

– Жуда топишмоқли гапирадиган бўлиб колибсанми? – кизиқсинди Нодира.

– Нима қиласай, иккаламизнинг бўлиш-туришимиз топишмоқ бўлса!

– Нега хонамизга ҳеч келмайсан? – маъноли жилмайди Нодира бир оздан сўнг. – Директоримиз бир-бирингни йўқлаб тур, демаганмиди? Майли, жуда тортинаётган бўлсанг, ўзим хабарлашиб туришим мумкин.

– Йўқ, йўқ! – қўрқиб кетди Яшар бирданига Юсуфни кўз олдига келтириб. – Мана, қўришиб турибмиз-ку!

– Вой-бўй! Жудаям кўзим учиб тургани йўқ! – кулди Нодира, сўнг унга бир қур кўз ташлади. – Айтганча... кирларинг бўлса, менга чиқаравер.

– Кўйсанг-чи! Ёнингдагилар нима деб ўйлайди!

– Ишинг бўлмасин. Ӯшанда... сен ҳақингда сўраганларида дейман... тоза ижикилашавергач, етимхонада бирга катта бўлганимиз, акамдек бўлиб қолганингни айтдим. Нима, яширишим керакмиди! Ӯзинг айтмаганмидинг, агар шундай бўлиб чиқса, фақат хурсанд бўлардим, деб?

– Айтгандим, лекин, ўзинг ҳам биласан, латта-путтам кўп эмас, битта шим билан кўйлакни ўзим ювиб олавераман.

Нодира билан фойега кирганларидагина хайрлашган Яшар бу сафар хонада Фозил ва Норбой ўтирганини кўрди.

– Билмадим каердалигини, – жавоб берди Норбой унинг Юсуф ҳақидаги саволига. – Балки, яна ўша қизнинг йўлини

пойлаб юргандир. – У Фозил билан кўз уриштириб олди. – Ҳа, айтганча, сендан бир нимани сўрамоқчи бўлиб турувдик. Кеча... уришиб қолмадиларингми ўзи? Биз дўкондан қайтиб келганимизда ўрталарингдан гап қочгандек бўлиб турувди. Шундан бери кайфияти йўқ, дарсларда ҳам хаёл суриндан нари ўтмади.

– Нега уришамиз? – кулди Яшар. – Сизларга шундай туъюлгандир. Ошиклар ўзи ғалати бўлишади. Қайсни эшитмаганмисизлар? Лайлининг ишқида ақлидан айрилиб, Мажнун лақабини олган. Лекин бизнинг дўстимиз – Юсуф! Унга Зулайхоларнинг ўзлари ошиқ бўлади! Қани, сўроқ тугадими? Энди чой ичамизми? Чойгум қаерда? Ўзим кўйиб келаман.

Норбой ва Фозил унинг хотиржам сўzlари ва файратидан мамнун илжайишиб, ўринларидан туришди.

Кеч соат еттиларда, барчалари мукка тушганча дарс қилиб турганларида хонага кириб келган Юсуфни таниб бўлмасди. У қандайдир шалвираб, кичрайиб қолгандек эди. Яшарга кўзи тушганда эса ортига қайтиб кетмоқчи бўлгандек туюлди ҳатто.

– Чой ичмайсанми? – деди Норбой ҳеч бирига карамай, ҳеч нарса демай каравотига оғир чўккан Юсуфга.

У жавоб ўрнига бош чайқаб, каравотига чўзилди ва уларни кўришни истамагандек, девор томон бурилиб олди. Бутун ётоқхона бўйлаб бу оқшом илк марта уларнинг хонасидағи чироқ бошқаларникига кўра эртарок ўчди, эрталаб уйғонгандарида эса жойи бўш турганини кўришди.

Иккинчи жуфтсоат тугаб – бу дарс бутун курс билан, дарсхонадан ҳам кўра катта зални эслатувчи маҳсус хонада ўтиларди – барча талабалар чиқиб кетгач, бир оз ушланиб қолган Яшарнинг тепасида Юсуф пайдо бўлди.

– Кеча ҳаммасини кўрдим, – деди у дабдурустдан. – Сен ўша қиз... яъни... Нодира билан... танишмисан?

Шунингиз хам барчаси равшан бўлганидан – чиндан ҳам йўлини пойлаган кўринади! – қаерда нимани кўрганини суриштириб ўтиргмаган Яшар Юсуфнинг жундор билагидаги тилла соатга кўз ташлади:

– Қара-чи, неча бўлибди? Демак, вақтимиз бор.

... Яшарни бутун вужуди кулоқка айланиб тинглаган Юсуф терлаб кетганди:

– Нега... яширгандинг?! – деди у аранг.

– Ким яширди? Айтдим-ку, уни хафа қилма, деб! Яна нима дейишим керак эди?

Юсуф ахмокона илжайди:

– Мен бошқа нарсага йүйгөн эканман... айниңса, кече сизларни бирга күргөч! Жуда хурсанд қилдинг, оғайни! Кел, бир бағримга босай!

– Хурсанд бўлишга сабаб кўрмаяпман, – жойидан қўзғалмади Яшар.

– Нега?! – Юсуфнинг юзи яна хавотирли тус олди. – Ахир... ахир... хозиргина ўзинг...

– Нима мен? – кулди Яшар. – Қанақа одамсан ўзи? Бу иш мен эмас, у билан битишини нега ўйламайсан? Ҳозирги гапларни эса биз ҳакимизда... дейлик... ҳалигидақа фикрга бор маслигинг учун айтдим Яна нима дейишими керак эди? Тоза жонга тегдинг-ку!

Юсуф бу сафар ҳам беўхшов илжайишдан нарига ўтолмади.

Ўттизинчи боб

Бутун университет бўйлаб саросимали мухит хукм сурарди.

Икки кундан сўнг курс талабалари иштирокида мажлис ўтказилди. Бундай мажлислар сал олдин – бир-икки кун орасида – бошқа факультетларда, бошқа курсларда ҳам шошилинч тарзда ўтказилганди.

Дарс ўртасида кураторларнинг тазики ва қаттиқ назорати остида залга ҳайдаб киритилган талабалар мажлисда нима ҳақида гап кетишини яхши билишар ва барчалари университет раҳбариятининг безатилган саҳнага чиқиб келишини сабрсизлик билан кутишмокда эди.

Ха, айтгандек, сахна гуллар ёки театр кўринишлари билан ҳам безатилмаганди. Узун алвон матоларга битилган “Халқ душманларига ўлим！”, “Империализм малайларига орамизда ўрин йўқ！”, “Пантуркчилар – фашистлар！” деган катта-катта ёзувлар ҳамманинг нигохини ўзига торгарди.

Факультет декани, парткоми ва бир неча юкори мартабали домлалар куршовида (улар орасида унвони кўпчилик учун номаълум бўлган ҳарбий ҳам бор эди) чиқиб келган ректорни ўринларидан баравар турганча, гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. Ташриф буюрганларнинг юз ифодалари тунд, қовоқлари солинган эди. Қарсак улар мажлис аҳлига билинار-

билинмас бош ирғаб, катор терилган ўриндиклардан жой олишгандан сўнггина тинди.

Факультет парткоми тепакал бошини ректор томонга эгиб, унга нимадир дегач, ўрнидан турди:

— Талаба ўтроклар! – деди у қилт этган товуш бермаётган залга мурожаат килиб, – хозир сўзни барчамиз учун хурматли инсон, устозимиз, тарих фанлари доктори, профессор...

Ректорнинг кўпдан-кўп хусусиятлари ва унвонлари бирмабир эслаб ўтилгач, унга сўз берилди ва залда яна гулдурос қарсаклар янгради. Нотик викор билан ўрнидан туриб, сув тўла графин ва стакан қўйилган минбарга ўтди, бирорни ахтараётгандек, талабалар сафига синчков назар ташлади.

— Болаларим! – бошлади у йўтал ёрдамида томоғини яна бир марта тозалаб олгач. – Мана, баҳтиёр болалик, мактаб ортда колиб, шундай бир олий даргоҳнинг талабалари бўлдингиз. Бу ҳаммага ҳам насиб қиласермайди! Хўш, сизларнинг шу даражага етишингизга ким сабаб? Буни ҳаммамиз биламиз – жонажон партиямиз, ҳукуматимиз раҳбари, буюк раҳнамомиз, бутун ҳалқлар доҳийси ўрток Сталин! – Нутқини қарсаклар билан узиб қўйғанларидан у заррача хафа бўлмади, аксинча, ўзи ҳам бошқалардан каттикроқ, узокроқ чапак чалди, мажлис ахлига миннатдорона нигоҳ ташлади. – Хўш, бундай фаровон ҳаёт, барча учун бундай тенг имконият яна қайси мамлакатда бор? Сизлар тарихчи, билишларингиз керак – дунё яралгандан бўён бу каби инсонпарвар тузум ҳеч кайда бўлган эмас! Подшолар, хонлар, беклар, амирлар факатгина ўз манфаатини ўйлашган, бойлик тўплашган, ўзга мамлакатларни босиб олиб, фукаросини қул қилишган. Бизнинг коммунистик партия раҳнамолигида ҳукуматимиз, шахсан ўрток Сталин улардан фарқли ўлароқ, буюк Россияга ўз ихтиёрлари билан қўшилган бошқа ҳалқлар ғами билан яшайди, эрта-ю кеч меҳнаткаш ҳалқ манфаатини ўйлади! Бутун дунё буни эътироф этиб турибди.

Ректор графиндаги сувдан стаканга куйиб, томоғини ҳўллаб олди.

— Лекин, минг афсуски, бизни кўролмай, фаровон ҳаётимизга ҳасад килувчилар ҳам бор. Нафакат чириб битаётган, сарик иблис кули бўлмиш бъязи гарб мамлакатлари, ҳатто ўзимизда ҳам. Улар ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтмаяпти, миллатчилик руҳидаги турли сиёсий уюшмалар тузишаётпти, меҳнаткаш ҳалқ онгини

захарлаш, уларни партиямиз кўрсатиб берган тўғри йўлдан чалғитишга уринишмоқда. Энг ачинарлиси ва халқнинг ҳакконий ғазабига сазовор бўлгани – бундай унсурлар ичидага шу пайтгача ўзларини маърифатпарвар қилиб кўрсатиб келган бир гурух қаламкашларнинг борлиги! – У мажлис катнашчилари орасида ҳам шунақалар ўтирган бўлиши мумкиндеқ, зуғум билан кўз ташлади. – Гап ким ҳакида кетаётганини яхши тушуниб турибсизлар. Ҳар сатридан ҳакикат ёғилиб турувчи газеталаримиз бу ҳақда кетма-кет мақолалар, чиқишилар қилиб турибди. Ўша ғаламисларнинг аслида кимлиги ҳушёр органларимиз томонидан фош этилиб, жиной иш кўзгатилди...

Қўллаб-куватловчи хайкириклар, тез-тез янграб турувчи қарсаклар остида ўтган мажлис бир соатлар чамаси давом этиб, тугаши олдидан ректор ва хамроҳлари барча талабаларни хушёрикка чақириб, тилга олинган шахсларнинг китоб ва рисолалари антишўровий тарғибот қуроли дея эълон қилинди. Энг сўнгидаги эса мажлис қарори (у аввалдан тайёрланганди) тагига имзо чекишига даъват этилдики, режа бўйича бу имзолар халқ душманларига берилган жазо адолатли эканлигининг эътирофи бўлиши керак эди.

Ҳеч ким бу сиёсий тадбирдан четда қолмади. Факультет ва курснинг энг фаол талабаларидан бири ҳисобланмиш Яшар залнинг олд қаторида ўтиргани боис, биринчилардан бўлиб имзо чекди, нима ёзилганини ўқиб ҳам ўтиrmади, қолаверса, бунга вақт ҳам бўлмаганди: партком кўлидаги қоғоз билан ҳар бир қатнашчи рўпарасида бир неча сониягагина тўхтар, кейин илдамлик билан наригисининг ёнига ўтар, имзо қўювчи ручкани ушлаш, сиёҳдонга ботириш ва уни қайта жойига қўйишига улгуради, холос.

* * *

Бу сафар Нодиранинг аллақандай хаёллар ичидаги хомуш келаётганини кўриб, Яшарнинг кўнглида ташвиш туғилди: тинчликми? Ёки “ошики бекарор” пайт пойлаб, йўлини тусдимикин?

– Нима бўлди, кайфиятинг йўқдек, – сўрашди у киз билан. – Яна кутубхонадан келаяпсанми? Кўп ўқиб, бошингга оғриқ киргандир.

– Бугун ҳеч нарса ўқий олганим йўқ, – унга ўйчан кўз ташлади Нодира. – Айтгандек, сизларда ҳам мажлис бўлдими?

— Албатта! — деди гап бошка ёқдалигидан хурсанд бўлиб кетган Яшар. — Ростини айтсам, бунақасини илгари кўрмагандим. Етимхонада бўлиб турадиганлари бунинг олдида ҳолва экан. Ёдингдами, баъзи-баъзизда шунака мавзуларда мажлис ўтказиб туришарди? Биз эса бир тўп бўлиб, ҳиринг-ҳиринг қилишдан нарига ўтмасдик, воизлар нима деётгани билан ишимиз бўлмасди. Нега сўраяпсан? Нега энди барча факультет, курсларда бўлиб ўтаётган мажлис бизда ўтмаслиги керак экан? — кулди у. — Ёки тарихчилар иккинчи даражали одамларми?

— Наҳотки, Фитрат, Абдулла Кодирий, Чўлпон... халқ душманлари бўлишса? “Пантуркчилар” дейишдими? У нима дегани? Мен илгари ҳеч эшитмаган эканман.

— Давлатимиз, шўро ҳокимиятига қарши одамлар-да! Максадлари эса — туркий халклардан иборат ягона давлат тузиш, яъни... ажralиб чиқиш! Миллатчиликка асосланган фоя. Бир пайтлар Кўкон мухторияти деган олчоқ ҳукумат ва босмачи унсурлар ҳам шундай қилмоқчи бўлишган. Булар ўшаларнинг колдиқлари-да!

— Ажralиб чиқса нима бўлади? — деди Нодира бир зум ўйланиб тургач. — Нима фарки бор? Ҳаёт шу билан тўхтаб қоладими? Ер юзида ҳудуди Туркистондан анча кичик мамлакатлар ҳам ўз ҳолича яшаб юрибди. Уларни бўри еб кетмаяптику!

Яшар унга танимагандек тикилди:

— Ўйлаб гапиряпсанми, Нодира?! Бўри эмиш... Ундан баттаррок йиртқич — халқаро империализмнинг чангалига тушиб қоламиз! Кўз очиб-юмгунингча босиб олишади! Наҳотки шу оддий нарсага тушунмайсан? — кутилмаганда кизишиди у. — Эшитмадингми мажлисда нималар дейишганини?

— Эшитдим, — хўрсинди Нодира. — Энди уларни нима қилишади?

— Нима қилишарди — халқ душманлари, айирмачилар сифатида отиб ташлашади! Биринчи марта бўлаётгани йўқ-ку!

Нодира юришдан тўхтаб, Яшарга ҳадиксираб кўз ташлади:

— Отиб ташлашади?! — кўзлари катта-катта очилди унинг. — Болалари-чи! Кейин кандай кун кечиришади? Ким боқади уларни?

— Бола-чакани ўйлайдиганлар бу ишга қўл урмасди, — деди бир зумгина ўзини йўқотиб кўйган Яшар. — Эл орасида обру-эътиборли кишилар эди, китобларини бош қўтартмасдан ўкирдик.

Нодира унга маъюслангандарча боқиб турарди:

– Энди ўқий олмаймиз. Ҳали кутубхонага борганимда... бошқалар ҳам бор эди... киритишмади. Вақтингчалик ёпишибди. Кейин билсак, мажлисларда тилга олинаётган барча адиларнинг асарлари олиб кўйилаётган экан... ҳозирча ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган жойларга. Кейинроқ, балки умуман йўқ қилиб юборишар. Мен, айниқса, Чўлпоннинг шеъриятини яхши кўрардим, унга тақлидан тўртликлар ҳам ёзгандим. – У ерга тикилганча ўйланиб турди. – Энди уларнинг ҳоли не кечади?

– Нодира, уларга ачинишнинг кераги йўқ.

– Мен болаларини айтаяпман! – Қизнинг кўзларида ёш айланди. – Улар ҳам биздек етим ўсадими? Балки бизнинг... менинг ота-онамни ҳам худди шундай отиб ташлашгандир?

Шундай бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтира олмаган Яшарнинг аъзойи бадани жимиirlаб кетди. “Наҳотки?! – ўйлади у. – Ахир, биз катта бўлган, яна бошқа етимхоналарда юзлаб, минглаб болалар бор-ку! Барчасининг ота-онаси ҳалқ душмани бўлмагандир?”

– Кўй бу хаёлларингни... ҳамма етимларнинг тақдирни айни шундай бўлган, деб ўйлаш... хато.

– Биласанми, – деди Нодира ух тортиб, – мен билан бир хонада турган, бирга ўкиётган кизларни кўриб, ҳавасим келади. Ўзинг биласан, аксарият ота-оналар кизларини ўкишга юборишини исташмайди, айниқса узок шаҳарларга. Ҳали бу нарса урф бўлмаган. Демокчиманки, кўпчилиги не-не машаққатлар билан, не-не қаршиликларни енгиги ўкишга кирганлар, бирок келгандарига ҳеч қанча бўлмай, фикру ёди ўйларида: бири онасини соғинганини айтса, бошқаси “укам-синглим-акам-опам” дегани деган. Кунора ўйларига ҳат битишади, бабзан кўз ёши қилишади. – Нодиранинг намли киприклари пирпиради. – Мен бечора эса бир чеккада мунғайиб ўтираман – на соғинадиган одамим, на мактуб ёзадиган яқиним бор. Семестр тугашига ярим йил бор, аммо кун санашни канда қилишмайди – кани эди азизларининг қошига тезроқ канот қоқишиша! Интиқиб кутилган кунлар келиб, ҳаммалари ўйларига кетишгач эса... боййўғлига ўхшаб, хонамда бир ўзим коламан. Ўзинг айт, бунга қандай чидаса бўлади? Ўқишини битиргандан сўнг-чи! Қаерга бораман? Барнога ўхшаб, бирон ишчилар ёткxонасигами? Арокхўру безорилар орасига?

Нодира ортик ўзини тута олмай, хўнграганча югуриб кетди, караҳт бўлиб қолган Яшарнинг баданида эса сал аввал пайдо бўлган жимиirlаш яна қайталанди: мана энди нима ўйлантира бошлабди уни! Қизик, нега бу ҳакда ўзи бош қотирмади шу дамгача...

Йўқ, унчалик ҳам эмас, баъзан – айниқса гўдаклик пайтларида! – бирор хафа қилса, кўча-кўйда ўзи қатори болаларни ота-оналари етакловида кўрса, дарслер ёки бадиий китобларда ширин ва ахил оиласлар ҳакида ўқиса, кўнгли ўксир, нега ўзи бунака ҳолатга тушиб қолгани ҳакида ўйлар, качон бўлмасин ота-онам мени топиб олармикин, деган орзуларга бериларди. Энди-чи?

– Нодира! – қичкирди у, сўнг қизнинг тўхтамаётганини кўриб, ортидан югура бошлади. – Тўхта! – Баъзи бир қизи-кувчан йўловчилар (улар орасида дарслардан сўнг ёткожонага қайтаётган турли курс ва факультетларнинг талабалари ҳам бор эди) қадамларини секинлаштириб ёки умуман тўхтаб, иккаласини кузата бошлагандилар. Ниҳоят Яшар уни кувиб етди ва билагидан тутди. – Тўхта! Эшил мени! Излашга ваъда бердим-ку! Ўзимникларни ҳам, сениникларни ҳам (“Балки, иккиси ҳам битта ишдир!” ўтди хаёлининг бир четидан). Ёдингдан чикдими дарров?

Нодира унга бир неча сония тикилиб турди:

– Қачон? – ҳиқиллади у. – Қачон бунга вактинг бўлади! – ўшандаги саволларини деярли такрорлади у. – Умуман, бундан наф чикдими?

– Барибир умид килиб яшаш керак! Ҳали кўп имкониятлар бўлади! Мени айтди, дерсан!

Лекин бу юпатувчи сўзлар таъсир кўрсатмади: қиз билагини унинг титраб турган кўлидан чиқариб, ёткожона сари илдам юриб кетди.

* * *

Бу сафар хонада ҳеч ким йўқ эди.

Нодира билан бўлиб ўтган учрашув, унинг айтган сўзлари кийимларини ҳам ечмай каравотига чўзилган Яшарнинг хаёлидан бир зумга бўлса-да, кетмаётганди. “Унга кандай ёрдам берса бўлади? Бу, кўлимдан келадиган ишми ўзи? Ҳа, у бекорга имкониятларимдан шубҳаланмаяпти...

Нега ҳаёти, келажак тақдирига бунчалик тушкунлик билан

карайди? Нега ёлғиз бўлиб қоламан, деб кўрқаяпти? Шундай киз-а? Ахир... ахир, хаёт хали олдинда-ку! Дейлик, уни биронтаси... севиб қолиши, ўзида ҳам ўша йигитга нисбатан худди шу туйғу пайдо бўлиши, сўнг оила қуриши мумкин-ку! Нега бу ҳақда ўйламайди? Ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратмайдими? Севганинг, сен билан бир умр яшовчи одамдан – эҳ-хе, бу ҳақда канчадан-канча ажойиб китоблар ёзилган! – якинрок, азизроқ кимса бўлиши мумкинми оламда? Яна нима керак унга?”

Бир пайт унинг кўз ўнгида бор бўй-басти билан Юсуф пайдо бўлди. “Ҳеч бўлмаганда мана шу очиккўнгил, тоғни урса талқон қиласидиган йигит. Ўз оғзи билан айтмадими, севишини? Ҳар кун йўлини пойлаб юрмаяптими? Мендан ҳеч канака “хавф” йўклигини эшишиб, боши кўкларга етмадими? Ҳатто етимхонада ўсганига парво қилмади-ку! Балки унинг баҳти айнан шу йигитдир? Нега Нодира у билан... Йўқ, нималар деяман! Юсуф ҳақида туш кўрибдими!”.

Эшикнинг ғижирлагани, сўнг кимдир кирганини эшигтан Яшар ёнбошига ўғирилди: Юсуф! Ёки шуми “Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади” деганлари? Лекин... лекин яна нима бўлди “бўрига”? Қани ўша “баъзи бир аникликлар” дан сўнг, осмону фалакларда парвоз килиб юрган ошиқ?

– Сени тушунмай қолдим, – деди Юсуф курсилардан бирига оғир чўкаркан. – Куни кеча ўзинг айтмаганмидинг... уни хафа қилма, деб? – Яшарнинг юраги шув этиб кетди: “Яна кўрибди! Яна кузатибди!”. – Нега ўзинг йиглатаяпсан? Балки изоҳлаб берарсан? Балки, ўрталарингдаги муносабат... билмадим, у қай даражада... сенга шундай хуқук берар?

“Нима десин? Нодира билан ўрталарида не ўтганини қандай айтиб, қандай тушунтиурсин? Бировга айтадиган гапми бу?”

Яшар чўзилиб ётишни бас килиб, каравотига ўтирди.

– Сени жуда яхши тушуниб турибман. Лекин айт, уни... – нафас ростлади у, – ростдан ҳам уни яхши кўрасанми?

– Олдин менинг саволимга жавоб бер! – тўнгиллади ўрнида кимирлаб олган Юсуф. – Ҳеч нарсани яширма! Ва илтимос, сичқон-мушук ўйнашни ҳам бас қил: бугун... йўқ, хозирнинг ўзида ҳаммасига нукта кўйилиши керак!

Яшар оёклари остига тикилди: “Унинг ўрнида ким бўлмасин, шуни талаб қилмасми? Индамаслик ёки нима

бўлганини яшириш, кўнглида пайдо бўлган шубҳа, гумон, хатто рашкнинг ўринисиз бўлмаганини тасдиқламайдими?”

— Яхши, унда эшит, — каддини ростлади у. — Сенинг камтарин йигит эканлигингга ишонаман ва умид киламанки, бу сухбат ўртамиизда қолади. Ёдингдадир, куни кеча “ҳаммаси Но-дирага боғлик” дегандим? Лекин, қараб турсам... бу энди факат сенга боғлиққа ўхшайди.

Бу кутилмаган сўзлардан Юсуфнинг бор вужуди кулоқка айланди.

Унинг талабига бўйсунган Яшар ростдан ҳам ҳеч нарсани яширмади: улар ҳакидаги шубҳа-гумону ҳазил-хузуллар, иккисининг бу борада ўзларини қандай тутганлари, хатто бир муаллиманинг фарзанд килиб олмокчи бўлгани, Нодиранинг хонадош кизлари ўзларини қандай тутаётганлари – билиб-бilmай, албатта! – бундан кизнинг чекаётган азоблари, мавхум келажаги қайғуртираётгани...

— Мана шунака гаплар, ўрток... Отелло, — жилмайди ҳикояси якунига етганда терлаб кетган Яшар. — Бу ёғига ўзинг хулоса чиқаравер.

Ундан кўз узмай ўтирган Юсуфнинг хулосаси жуда ажойиб чиқди:

— Сизлар ростдан ҳам ака-сингилсизлар! – хитоб қилди у шодон илжайганча, Яшар айтган бошқа гапларнинг умуман аҳамияти йўқдек. Сўнг мамнунликдан хонага сифмаётгандек, ҳеч кутилмаганда деди. — Шаҳарни бир айланиб келмаймизми?

— Шаҳарни? Нимасини айланамиз? Кўрмай юрибмизми?

— Йўқ дема, илтимос! Бир дил кетди-да! Музқаймок олиб берса... яъни, – кизарди у, – иккаламиз музқаймок еб келамиз, демокчи эдим.

Яшар мийиғида кулди: миннатдорчилик билдириш бошландими дейман! Ҳали, ўртамиизда воситачилик кил деб ёпиш масайди... Майли, борса борибди-да, шу баҳонада балки яна нималарнидир айтишига тўғри келар?

— Бўпти, – деди у ўрнидан тураётиб, сўнг бир нима ёдига тушди шекилли, кайтиб ўтирди. – Тўхта... бугун кир ювмолокчи эдим-ку! Кўйлак, шим, пайпокларни дегандек. Шаҳарда тентираб юрсак, качон улгураман? Ҳали қуритиш керак, сўнг дазмол босиш. Музқаймокни бошқа кунга колдиришга тўғри келади. Ёки ўзинг боравер. Фақат хафа бўлма.

Юсуф ажабланди:

- Нима, бошка кийиминг йўкми?
- Бунинг нима аҳамияти бор! Боравер дедим-ку.

Юсуф худди ўт кетгандек кийим жавони томон отилди, сал ўтмай у ердан илгичларнинг шарак-шуруғи, қандайдир оғир кийимларнинг пастга тапиллаб тушаётгани эшилди.

– Ушла.

Пайпокларини (уларнинг ҳар иккиси ҳам илма-тешик бўлиб кетганди) ечаётган Яшар бошини кўтариб, тепасида Юсуф турганини кўрди: кўлида охори кетмаган оппоқ кўйлак, кора шим, бир жуфт кулранг пайпок.

- Эсинг жойидами?! – ўзини орқага олди у.
- Илтимос, йўқ дема! – лаблари титради Юсуфнинг.
- Ташаккур.... раҳминг келаётгани учун! Лекин мен бирорларнинг кийимини киймайман.
- Каршингда тиз чўкайинми? Шунда кечирасанми... ахмоклигим, бефаросатлигим учун?

Қанчалик жаҳли чиқиб турган бўлмасин, Яшар кулиб юборишдан ўзини тўхтата олмади:

- Кизик одам экансан-ку! Бошка кийимим бўлмаса, сен айборми?

Юсуф анча пайт нима дейишини билмай турди.

- Қўрқма, мохов ёки пес эмасман – юқиб қолмайди! – деди у бир пайт. – Агар шундай деб ўйлаётган бўлсанг қара – ҳали бир марта ҳам кийилмаган, яп-янги.

- Ростдан ҳам ахмоқ экансан! – кон тепди Яшарнинг юзиға. – Ким шундай деб ўйлаяпти?!

– Нима десанг деявер, лекин буларни олишинг керак. Дўстлигимиз хурмати! Агар олмасанг, – бир оз сукут ва Юсуф давом этди, – ўртамиздаги барча муносабатлар... бугунок якун топади! Юзингга қарамайман!

Энди бу ёғи луттибозлик эди – айтган сўзларидан ўзи кўркиб турган Юсуфга караб, Яшар бошини сарак-сарак қилди.

- Тўғри келмаса-чи? – деди у кулиб. – Буларинг девларга атаб тикилган-ку!

Йиглаб юборишга шай турган Юсуф бирдан ўзгариб, кийимларни Яшарнинг каравоти устига ташлади:

- Сен ҳам мендан кам эмассан! Олдин кийиб кўр-чи! Бўлмаса, бошқасини оламиз! Худди ўзингга атаб бичилгандек! –

бир оздан сүнг қичкирди у шим ва күйлакнинг Яшарга лоппалойиқлигини кўргач. – Энди кизларнинг ортингдан қандай чопишини томоша қилиш керак! Буюрсин!

Хижолат бўлиб турган Яшар энг сўнгги сўзга эътибор бермаган бўлса, Юсуф унинг ечиб ташланган кийимларини газетага ўрай бошлади.

– Нима қиласыпсан? – ажабланди Яшар. – Тезрок қайтсак, ювишга улгуарман?

– Улгурмайсан, – ўрамни кўлтиғига кистирди Юсуф. – Буларни пастидаги эшикбон аёлга элтиб бераман. У аёл баъзи бир талабаларнинг кирларини ювиб бераркан. Арзимаган ҳақ эвазига. Мен ҳам унинг “мижози” бўлиб олдим. Айтганча, сенга ҳам шуни маслаҳат килган бўлардим.

Яшар бошини яна сарак-сарак килди: “Қачон акл киради бунга? Кирчига бериш учун менда пул қани!”

Воажаб, айни шу пайтда Юсуфда қаердандир акл пайдо бўлди – худди унинг фикрини ўқиб тургандек, илжайди:

– Биринчи сафар мен тўлайман, келишдикми? Қани, кетдик. – Лекин оstonага етганларида пайдо бўлган янги бир муаммо уларни тўхтатди. – Шу шим, шу кўйлакка-я! – қичқириб юборди Юсуф унинг ботинкаларни кўриб. – Одамни шармандалар қиласан-ку, ошна! Еч! – У қатор турган туфлиларидан бир жуфтини оёғи билан тўғрилаб кўйди. – Мана буларни кийиб ол! Тез бўл!

Яшар нима қилишини билмасди: яна баҳслашсинми? Лекин биринчи баҳсада бўлгани каби, бунисида ҳам ютқазмайдими! Нима фарқи бор – кўйлаги, шими, пайпоғини кийди, туфлига колгандада ноз килсинми?

Ҳа, тилингдан топ, деганлари тўғри экан – нега шунга кирювишини айтди ўзи! Бир кун чидаб турса бўларди-ку...

Шу ерда Яшар ўйланиб колди: йўқ, бўлмас экан! Эртага курс комсомол кўмитасининг очик мажлиси. Унақа жойга ёқаси кир кўйлак, ғижимланган шим, йиртиқ ботинка билан бориб бўладими!

* * *

Театр майдони ҳар доимгидек гавжум эди.

Унчалик ҳам баланд отилмаётган фаввора атрофидаги ўриндикларнинг биронтаси бўш эмас. Савдо ҳам авжида – бир жойда газ сув сотилаётган бўлса, бошқа жойда лимонад.

Писта ва хўрозканд сотувчилар ҳар кадамда. Вактинчалик ўрнатилган ихчамгина пештахталардаги турли хил ширинликлар ўтган-қайтган болакайларни ўзига чорлайди. Баланд чинор тепасига ўрнатилган радиокарнайдан эндигина танила бошлаган Маъмуржон Узоков хониш қилмоқда. Гарчи бу ердан кўзга ташланмаса-да, бутун шаҳарни кесиб ўтган марказий кўчадан енгил ва юқ машиналар қатнови кулокқа чалинади, гоҳи-гоҳида узун-қисқа сигналлар, трамвай кўнфириғининг жиринглаши янграб колади.

Фавворани бир оз томоша килиб, музқаймоқхона томон юришди.

Суҳбат ҳа деганда ёпишиб кетавермасди. Бориб-бориб гап Юсуфнинг оиласи аҳволи, кариндош-уруғлари ҳақида кетди. Отаси бир неча йилдан бўён колхоз раиси экан. Иккита акаси уйланибди, синглиси ҳали мактаб ўқувчиси эмиш. Амаки, тоғалари ҳам анчагина даромадли лавозимларда. Имтиҳонлардан ўтиб уйига борганда, унинг ҳисобчи бўлишини жуда истаган бир тоғаси нега ўкишнинг шунақасини танламадинг (ўқитувчилик ишми!), пичоғинг мой устида бўларди, деб анча койибди.

Бир пайт у илжайди:

– Мен ҳам шеърлар машқ қилиб тураман.

“Мен ҳам”! Ҳозир Нодирага олиб бориб кўрсат, деб айтади! Ҳа-да, охори тўкилмаган кийимларини кийдинг, музқаймоғини еяпсан”

– Яхши-ку! Биронта газетага олиб бор, зора босиб чиқаришса.

– Ўзимда ҳам шунақа ният бор, лекин... аввал битта яримтага кўрсатсамми, деб турибман.

“Бошланди!”

– Тил-адабиёт факультетига олиб бор – ҳаммаси шеъриятни тушунади ва ўйлайманки... маслаҳатларини аяшмайди.

– Танишларим йўқ-да у ерда, – қизарди Юсуф.

Яшар кулгусини аранг босиб турарди.

– Афсуски, менда ҳам йўқ. Бўлмаса, кўриб бер, деб айтган бўлардим.

Яшар уялганидан ўриндиқнинг тагига кириб кетгудек бўлган Юсуфдан кўз узмасди: “Йўқ, дўстим, бу ёғи энди ўзингга ҳавола! Мен ҳеч канака Нодирани билмайман! Лекин кўнглини топиш қўлингдан келса, ҳаммадан олдин табрикловчи... ўзим бўламан!”

Ўттиз биринчи бооб

Қайтишда одам уччалик гавжум бўлмаган хиёбон бўйлаб боришаркан, йўлакка тўкилган хазонларни супуриб юрган фаррош аёлга кўзи тушган Яшар кадамини секинлаштириб, сўнг тўхтади.

— Қизик, — деди у Юсуфга хаёлчан, — уни қаердадир кўргандекман. Лекин... қачон, каерда?

Юсуф ҳам аёлга кўз ташлади:

— Шу ерда кўргандирсан. Менга ўхшаб кеча келдингми — неча йилдан буён Самаркандда яшайсан-ку!

— Мен бу хиёбондан ўтиб-қайтмайман ҳисоб.

— Бориб сўрай қол, — кулди Юсуф. — Шунда ёдингта тушади, ҳасратлашасизлар.

Қўлида узун дастали супурги, бошига эски, ранги қанақалиги номаълум рўмолни чандиб ўраган озғингина аёл атрофидан ўтиб-қайтаётгандарга парво килмасди.

— Саодат опа! — йўлакнинг олис томонидаги бошқа фаррош аёл товуш берди бир пайт. — Йиғиширинг, уйга кетамиз! Вақт бўлди!

Яшар сергакланди: Саодат?! Исли ҳам... уни қаердадир эшитган!

Супургисини дарахт танасига суюб, ечган рўмолини қайта ўрай бошлаган аёл ўзига тикилиб турган йигитларни эндиғина пайқади ва уларнинг наздида, калқиб кетгандек бўлди.

— У ҳам сен таниди, — шивирлади Юсуф Яшарнинг тирсағидан тутиб, — энди ёнига борсанг бўлади. Бор, сўра кимлигиги니!

Аммо ўзини қўлга олишга улгурган аёл пилдираганча ҳамкасиб томон йўналди, бир пасдан сўнг иккиси ҳам дарахтлар орасида ғойиб бўлди.

“Бу ўша! Ўша... муаллима! — ўйлади жойидан жилмаган Яшар энг сўнгги дамда кимлигини эслаб. — Демак, шахарда экан-да! Нега бизни бир маротаба бўлса ҳам йўклаб келмади? Нега мени таниб, ўзини бунчалик йўқотиб қўйди? Нега кўча супуриб юрибди... ахир, ўқитувчи эмасмиди!”

Юсуф аёллар ғойиб бўлган томондан кўз олмай турган Яшарга таажжубланиб қараб турарди.

— У аёл бирон... — керакли сўзни излади у, — ёмонлик қилганми?

- Нима?! – чўчиб тушди Яшар.
- Нега сендан қочади, деяпман?
- Билмадим, – деди Яшар юришда давом этаркан. – Ҳали... сенга бир аёл ҳақида гапиргандим, ёдингдами?.. Ҳа, ха ўша!

Йўл бўйи унинг оғзидан бошқа сўз чикмаган бўлса (бирок хәёли нима биландир каттиқ бандлиги кўриниб турарди), Юсуф ҳам бу холатга қандай муносабат билдиришини билмагани боис сукут саклашни лозим топди. Ётоқхонадаги барча тала-балар озик-овқат харид киладиган дўконга яқинлашганларида эса қандайдир бир киз билан чиқиб келаётган Нодирага кўзи тушгач, қадамини секинлаштириди.

Кизлар тўғри улар томон келишарди.

Бир пайт ёнидаги киз Нодира томон энгашиб, кулоғига ниманидир шивирлаганди, иккисининг ҳам лабида табассум пайдо бўлди.

– Салом, – деди Нодира Юсуфга тез кўз ташлаб оларкан.

– Шаҳар айлангани борувдик, – кизарди эгнидаги янги кийимларга кизларнинг эътибор берганини пайқаган Яшар. – Энди қайтаяпмиз. Ҳа, танишинглар, бу – Юсуф, бир хонада турамиз.

Иккала киз яна бир бор табассум килиб қўйишиди, терлаб кетаётган Юсуф чўнтағидан рўмолчасини чикариб, юзини артди.

Саодат ҳакидаги ўйларини бир неча дақиқага унутиб, энди реал воқеликка қайтган Яшар унинг кай холатда эканлигини жуда яхши тасаввур қиласётганди: “Ана, ўлмаган кул ҳаммасини кўради, деганларидек, танишиб ҳам олдинг! Лекин раҳмат айтишинг шарт эмас – бу ерда менинг ҳеч қанака “айбим” йўқ!

– Кетдикми? – деди Нодира бир пайт ҳаммаларига қаратса. – Кизлар қозон оса олмай кутиб ўтиришгандир.

Ётоқхона томон бир неча кадам юришгач, Яшар қўлини Нодира кўтарган тўрхалталар сари узатди:

– Менга бер. Нима бало, – кулди у, – бутун дўконни кўтара савдо килдиларингми!

Кизлар ҳам кулишиди:

– Ҳа, баъзи нарсаларни ҳафталик килиб олиб кўямиз, – деди Нодира. – Бугун айнан шунака харид куни эди. Мана бунисини ола қол... енгилрок.

– Йўқ, иккаласини ҳам бер. Юсуф! – ўгирилди Яшар

ҳамроҳига. – Нега турибсан? Рўмолнчангни чўнтағингга солиб кўйсанг-чи! – кулди у. – Олмайсанми, синглимизнинг кўлидагиларни!

Нодирага ҳамроҳ қиз кўпам таранг қилиб ўтирумай, у кўтарган тўрхалталар энди Юсуфнинг кўлига кўчиб ўтди.

– Қандай бўларкин? – иккиланди Яшар хона эшигидан ортига қайтмоқчи бўлганларида Нодира бир пиёла чойга таклиф қилгач. – Дугоналаринг хижолат бўлишмайдими?

– Аксинча, – кулди Нодира, – уларни бирон марта келмаётганинг кўпроқ ҳайрон қолдираяпти! Ишонмасанг, – ёнидаги қизга имлади у, – мана, Ойгулдан сўра! – Ўзбекдан кўра корақалпоқ кизларини кўпроқ эслатиб юборувчи Ойгул Яшарга мулоим кўз ташлаб кўйди. – Кир, ҳеч бўлмаса қандай яшаётганимизни бил, – эшикни очди Нодира.

Ичкарида ўтирган бошка икки қиз кутилмаган меҳмонларни кўриб, шусиз ҳам саришта хонадаги гүёки “ортиқча” буюмларни кўздан нарига йўқотишга киришдилар, стол устида батартиб турган китоб-дафтарлар ҳам тезда қайгадир гумдон бўлди.

Стол атрофида ўтирарканлар, Саодатни кўриб қолгани ҳақида айтмоқчи бўлган Яшар ўн йил илгариги ўша воқеа, партасида йиғлаб ўтирган муштдеккина Нодирани кўз ўнгига келтириб, тезда фикрини ўзгартирди: “Пайти эмас. Балки умуман айтмас – шусиз ҳам конталаш дил ярасини қайта тирнашнинг кераги йўқ!”

Чойдан сўнг Нодира уларни кузатгани чиқди.

– Раҳмат, ёрдамларинг учун, – кулди у, – бундан буён, яна қачон дўконга чиқишимизни кутиб ўтирумай, тез-тез келиб туринглар, хўпми, – деди бу сафар Юсуфга ҳам карата.

Қаватларига кўтарилишар экан, Яшар Юсуфнинг гул-гул яшнаб кетаётганини кўриб кўрмасликка олди, хоналарига киргач эса ювишга берилган кийимларини қачон келтиришларини безовталиқ билан сўраганида, унга ғалати жавоб беришди:

– Холанинг ўзи айтди – факт уч кундан кейин. Унгача вакти йўқ экан – мижозлари кўпайиб кетибди. Нега сўраяпсан? – деди Юсуф ечган кийимларини жавонга илар экан. – Эгнингдагилар бўлмайдими? Ёкмаса, нега сотиб олдинг? Билиб кўй – кийилган нарсани ҳеч ким қайтиб олмайди! Хуллас, ёқсан-ёқмаса, то йиртилиб битгунча сеники улар.

Конспектлар устига мукка тушиб олишган Фозил ва Нор-

бой бу ғалати сұхбатни гүё эшитиши мес, бирда жаҳли чиқиб (халдидан ошиб кетмаяптыми?!), бирда күлгуси келаётган Яшар каравотга ётган күйи “берилиб” китоб үкиётган Юсуф-нинг нигохини тутишга канча уринмасин, уйку олдиdan чирок үчирилгунга қадар ҳам бунинг имконини топмади.

* * *

Тұладан келган, құрқам, олифтанамо йигит – университет комсомол құмитасининг котиби уни очық чөхра билан күтиб олди.

– Күринишиңг зұр-ку! – деди у аввал бошдан-оёқ күз ташлаб, сұнг құлини дүстона қисаркан. – Энди доимо шундай юр, хұпми? Ҳа, айтганча, ижтимоий келиб чиқишиңгни инобатта олиб, биз ҳам моддий томондан құллаб-күвватлашға ҳаракат киламиз. Дейлик... бошланишига энг юкори степендия тайинланади. Үкишинг аъло бўлишига шубҳамиз йўқ – мактабни шундай тутатган одам, бу ерда ҳам үзини қўрсата олади. Шундай экан, қизил диплом чўнтакда, деявер! Балки үзимизнинг кафедрада ишга қоларсан! – жилмайди у ярашиб турган биргина тилла тишини ялтиратиб. – Хў-у-уш, энди гап бундай: бюро мажлисидан сұнг кетишга шошилма. Бугун баъзи бир бўлғуси “ҳамкасбларинг” билан танишиб олишиңг мумкин. Жуда ажойиб болалар. Ҳа айтгандай, қизлар ҳам бор! – кўзини сермаъно қисиб қўйди у.

Яшар ички бир ҳаяжон билан катнашган мажлисда университет комсомоллари ҳаёти ва фаолияти ҳакида хеч нарса дейилмай, аввал бутун дунё, сұнг мамлакат ичкарисидаги сиёсий ахвол ҳакида сўз кетди, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат номлари ҳалқ душманлари, миллатчилар сифатида яна бир бор тилга олингач, талабалар ўртасида тарбиявий-тарғибот ишларининг яхши йўлга қўйилиши давр талаби эканлиги таъкидланди.

Мажлисдан чикиб, факультетта қайтган Яшар котиб айтганидек “ҳамкасблари”, тўғрироғи, бўлғуси “жамоаси” билан танишди. Аслида, бу талабалар унчалик ҳам бегона бўлмай, икки ҳафтадан буён давом этаётган ўкув жараёни даврида баъзи бирларига кўзи тушганди. Үзаро танишув ва сұхбатлардан шу нарса маълум бўлдики, улар ҳам мактаб давридаёқ – Яшар сингари – бу ишлар билан яхшигина таниш эканлар.

Ўкув ишлари бўйича бўлим мудирлигига мўлжалланаётган,

доимо кулиб турувчи Камола исмли қиз бу борада айникса билимдон чиқди. Шу сабабми, бутун тайёргарлик жараёнида Яшар унга маслаҳат юзасидан тез-тез мурожаат қилиб турди. Стол устида тартибсиз сочилиб ётган қоғозлар устида күймаланишар экан, ўзлари билиб-билимаган ҳолда жуда якин туриб қолишар, шундай дамларда Камоладан таралаётган нафис атир ҳиди Яшарнинг димоғига урилиб, бундан жуда... роҳатланарди. Қайси бир қоғозни узатаётганда қизнинг бармокларига ҳам эътибор берди – оппоқ, нозик.

Қиз барчалари, жумладан, Яшар билан ҳам ўзини анчайин эркин тутарди. Бор-йўғи бир неча кун бирга бўлгандарига қарамай, минг йиллик танишлардек бўлиб кетдилар ва иш шу даражага бориб етдики, ҳатто баъзи бир масалалар бўйича аччик-тизик бахс қилишга ҳам улгурдилар.

Бинойиdexкина кеч тушиб, энди кетишга ҳозирланаётганда, Яшар сўради:

– Сиз ҳам ётокхонада турасизми? Кўзим тушмаган экан.

– Нима, шаҳарлик талабаларга ётоқхонадан жой бермас-ликларини билмайсизми? – кулди Камола. – Сиёб бозори томонда тураман. Бу ердан чикиб, трамвайга ўтирсан, тўғри ўйимизга олиб боради, – деди у ташқарига юрар экан. – Демак, ўзингиз ётоқда туарар экансиз-да? Қаердан келгансиз? Қайси вилоятдан?

Яшар бир оз сукут сақлаб тургандан сўнг жилмайди:

– Ўзингиз топинг-чи.

Камола тўхтаб, аввал унинг юзига қаради, сўнг эгни-бошига.

– Менга колса... сизни шаҳарлик деган бўлардим... ҳатто лаҳжангиз ҳам бизнидик. Кулайпизми? Топа олмадимми? Унда ўзингиз айта қолинг.

– Самарқандликман.

– Қизик, – ажабланди Камола, сўнг юзи бирдан ёришиди. – Ҳа-а-а, тушунарли! Қайси тумандан бўласиз? Жомбой? Дарғом? Ургут?

– Жуда узоклашиб кетманг – ҳамشاҳармиз.

– Ие! Шаҳарлик бўлсангиз... қандай қилиб ётоқхонада турасиз?

Иккиланиб қолган Яшар билинار-билинмас хўрсинди.

– Бунинг тарихи жуда узун. Шу даражада узунки, боши каерда-ю адоги каерда ўзим ҳам билмайман. Афсус, шошилиб

турибсиз, бўлмаса айтиб берган бўлардим. Уйингизгача кузатиб қўйсам... балки улгуарман, – Камоланинг кўзларига умид билан тикилди у.

Қизнинг лабларида хар доимгидек кулгу ўйнади:

– Трамвайда бор-йўғи тўрт бекат юрамиз. Сиз айтган дараҷада узун бўлса, улгурасизми?

– Пиёда кетсак-чи? – таваккал қилди Яшар.

Энди Камола иккиланиб колди.

– Трамвай бекатигача кузатиб қўйсангиз бўлди, – деди сўнг. – Ҳа, айтганча, “узундан-узок” тарихингизни эртага эшитсам-чи! Нима қилибди – ахир, эртага ҳам дарсдан сўнг қоламиз-ку!

Эртаси куни Яшарнинг кўзи бир неча марта унга тушди – гоҳида танаффус, гоҳи гуруҳлар қўшилиб ўтган дарсларда. Шуларнинг бирида (домла ҳали келмаган бўлиб, баъзи бир талабалар жой топиш илинжида у ёқдан-бу ёққа юриб туришарди) Яшар билан Юсуф ёнма-ён ўтириб колди.

Юсуф ўзига энди сирдош (ҳозирча кариндош эмас!) ҳам бўлиб қолган ҳамхонасининг қандайдир киз билан бош ирғаб саломлашгани, унинг эса жилмайиб қўйганини пайқамай қолмади.

– Ким у? – бирдан Яшар томонга энгашиб сўради у.

– Ким? Бизга ўхшаган талаба-да, – кулди Яшар. – Ҳа, кўз узмай қолдинг? Нима бало, буниси ҳам юрагингдан урдими?

– Жинни! – тўнғиллади тезда бошини ортга олган Юсуф. – Сўраб ҳам бўлмайдими!

* * *

Камоланинг чиройли юзидаги хомушланиш аломати бир неча сониядан ортиққа чўзилмай, кетидан яна ўша табассум зохир бўлди.

– Бор-йўғи шуми? Нима экан деб ўйлабман! Масалан, дадамни ҳам ота-онасидан эрта ет... яъни, эрта ажralиб қолгач демокчи эдим... амакиси асраб олган, болалари қатори катта килган, ўқитган, кейин, – кулди Камола, – онамга уйлантирган! Ҳозир таникли курувчи-муҳандис, шахар советининг депутати. Ҳатто Германиядек жойда таҳсил олган! Ана шунака!

– Германияда? – сўради Яшар кўнглида минг бир хавотир билан айтган ҳикоясини Камоланинг бу тарзда – худди хар куни учраб турувчи оддийгина воқеани эшигандек енгил, ҳатто ўйноки! – кабул килганидан-да кўра кўпроқ ажабланиб.

— Ха, ўша пайтларда олий ўкув юртларидан иқтидорли талабаларни танлаб, чет элга ўкишга юбориш тажрибаси бўлган экан. Отам аввал билим юртини битириб сўнг институтуга киргач, иккинчи курсга ўтганида юборишган. Кўпчилик эканлар: педагогика, тибиёт, кишлок хўжалиги соҳалари бўйича... Ўшанда мен беш ёшда бўлганман. Истасангиз, бирон кун ўша ёқда тушган суратларини олиб келиб кўрсатаман. Жуда гўзал шаҳарлар: Берлин, Мюнхен, Гамбург... Дадам у ёқдаги уйларнинг муҳандислик-меъморий ечимига койил қолади, кани эди бизда ҳам шунака иншоотлар бўлса, деб орзу килади. Билмадим, бунга имконият бўладими-йўқми, баъзида онам, мен, сингилларимга “сизларни ҳам олиб бораман, томоша килиб кела-сизлар, турган жойим, юрган кўчаларимни кўрасизлар” дейди. — Камола жилмайди. — Ёмон бўлмасди, тўғрими? Мен факат Москва, Ленинград, Киевни кўрганман, холос. Олтинчи синфи битириб, ёзги таътилга чикканимда дадамнинг иш жойидаги касаба уюшмаси томонидан шунақа оиласвий йўлланма берилганди. — У билагидаги миттигина соатга қараб олгач, кулди. — Яна бекатгача кузатиб кўймоқчимисиз? Йўқ демасдим...

Юраги кувончдан ҳаприкиб кетаётган бўз йигит Камола унинг кўнглини кўтариш учун (унда яна нима бўлиши мумкин!) буларни айтдими ёки бошқа сабабданми – ҳозирча била олмади.

* * *

Германияда тушилган суратлар ростдан ҳам ажойиб эди. Кўплигини яна! Нима бало, Камоланинг отаси ўкиш ўрнига факат суратга тушганми! Мана бу бино... черков шекилли? Ниҳоятда гўзал! Готик услуби деб шуни айтишардими? Баландлигини-и-и! Атрофифа сайр этиб юрган одамлар гугурт чўпидек кўринади. Мана буниси Бранденбург дарвозаси – Париждаги Наполеон курдирган Фалаба аркига нимаси биландир ўхшаб кетади. Бу эса... Рейхстаг. Бу ерда ҳозир Гитлер бошчилигидаги учинчи рейх ҳукумати фаолият олиб бормоқда ва шу кеча-кундузда бу ҳукумат ҳакида жуда ғалати гаплар айтилаяпти. Буниси Берлин опера театри, буниси Гёте уй-музейи...

Камоланинг отаси оламга машхур ушбу тарихий обидалар ва иншоотларнинг барчаси фонида суратга тушганди: баъзан бир ўзи, баъзан гурухлар орасида, гоҳида туриб, гоҳида ўтириб. Ёзлик кийимларда тушган сурати кўпроқ экан, пальто,

кўнжи баланд этик ва телпакда эса бир нечтагина. Бир суратда у чиройлигина малласоч киз билан... қўлтиклишиб олганди.

Ҳар битта суратга қиска-қиска изоҳ бераётган Камола Яшарнинг ушбу суратга кўпроқ қараб колганини қўриб, пикиллаб қулди:

– Бу киз дадам ўқийдиган курсда таржимон бўлган. Исми Инна.

– Нима, у ўзбекчани биларканми?

– Қаерда! Русчани, – суратни қўлига олди Камола. – Онам кўп марта уни йиришиб ташламоқчи бўлди, лекин ҳар сафар дадам тўхтатиб, рашки бекорлиги, у аёл билан... шунчаки дўст бўлганини айтди. Кейинчалик ҳам дадамни туғилган куни ва турли байрамлар билан табриклаб, бири биридан чиройли открытикалар юбориб турди. Энг кейинги хатида эса... турмушга чиқаётганини ёзибди. Мана, икки йилдан бўён ҳеч қандай хабар йўқ.

Иккаласи ҳам негадир бир муддат ўйга чўмиб қолишиди. Сукутни Камола бузиб, сухбат мавзусини бошқа бурди.

– Немисларнинг меъморий ёдгорликларни асраб-авайлашига ҳавас қилса арзиди-я! Нега бизда уларнинг аксарияти каровсиз ҳолда ётибди? Мана сиз... Самарқанддаги кўплаб тарихий биноларнинг бирин-кетин вайрон бўлаётганига қандай карайсиз?

– Биласизми... улар хукмрон табақалар меҳнаткаш ҳалқни аёвсиз эзишлари хисобига қурилган.

– Нима бўлганда ҳам ҳалқнинг пешона тери ва қони билан бунёд этилган обидаларни асраб-авайлаш керак эмасми? Айниқса, мадрасаларни?

– Барибир. Уларда ҳам факат хурофий нарсалар ўргатилган.

– Қизик-ку... унда... Улуғбек каби олимлар қандок етишиб чиқкан?

– Мирзо Улуғбекдек бир неча олимлар – истисно ҳолатлар. Унга ҳам ўз илмий фаолиятини тинч якунлашга имкон беришмаган. Улуғбекни сultonлиги, шоира Нодирани маликалигига қарамай катл этишгач, оддий ҳалқ орасидан чиқкан олим ёки шоирнинг қанчалик ҳимоясиз бўлганини тасаввур қиласверинг.

– Дадам айтишларича, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги энг муҳташам биноларнинг тарҳини чизиш ва қурувчи усталарни бошқариш катта билим ва тажриба талаб этган. Йирик олим

ва меъморлар жамоаси уюшиб ишлагандагина бундай ажойиб обидаларни яратиш мумкин бўлган.

— Ким билсин, бизни шундай ўқитишияпти-да. Мен сизга имтиҳонда бериладиган жавобларни айтдим.

— Менимча, маълумотли одамнинг мустакил фикри ҳам бўлгани маъқул.

— Бошқарувчи синф ва ҳалқ якдил бўлмаган жамиятларда бу маъқулдир, эҳтимол. Лекин бизнинг жамиятда, баҳтимизга, партия ва ҳалқни жисплаштирувчи ягона ва энг тўғри коммунистик мафкура мавжуд. Биз – оддий инсонлар ҳар қанча фикрлаганимиз билан марксизм-ленинизмни сув қилиб ичган партиямиз арблари даражасида мутафаккир бўлолмаймиз. Уларчалик узокни кўролмаймиз. Аксинча, мустакил фикрлайман деб, Криловнинг масалидаги оққуш, қисқичбака ва чўртанбаликдек самарасиз баҳсга киришиб, жамият жисслигига зиён етказиб кўйишимиз мумкин. Чор атрофи душманлар билан қуршалган социалистик мамлакатда бу жуда хавфли.

— Бунча ўжарсиз, Яшар aka, – қошлари чимирилди Камола-нинг. – Озгина ҳам ён беришни истамайсиз-а!

Яшар унинг астойдил хафа бўлганини кўриб, гўё узр сўрагандек, қизнинг кўзларига меҳр билан тикилди.

— Сизга ён берганим бўлсин! Бирон якшанба вакт топиб, биргаликда Улуғбек мадрасасини томоша қиласиз, расадхона казилмаларида кезиб, бу мўътабар иншоот мутаассиблар тарафидан бузиб ташланмасдан бурун қай шаклда қад кўтариб турганини ҳар биримиз ўз хаёлимизда тиклаб, яна баҳслашамиз.

* * *

Бу сафар бекатда кўпроқ туриб колиши – трамвай ҳа де-ганда келавермагач, Камола изларга бир пас қараб турди-да:

— Тезрок тугасайди бу тайёргарлик ишлари, – деди хаёлчан. – Икки кун қолдими? Кеч қайтаяпсан деб, онам кеча уришиди. Кейин... сиз ҳақингизда сўради.

— Мен ҳақимда? Онангиз мени қаердан билади?

— Айтишга тўғри келиб колганди, – кулди Камола. – Қизим кандай одамлар билан бунчалик узок колиб кетаяпти, деб хавотирланмасин дедим-да! Лекин кўркманг – сизни роса мактадим!

— Мактадингиз? – ажабланди Яшар. – Нега? Мактovга лойик бирон иш килмадим шекилли?

— Қизиқсиз-а! Ёмонлашим керакмиди! Ҳаммаларингизни мақтадим... кизлар ҳам бор дедим. Акс ҳолда, йигиштир, факат дарсингга бориб-келасан, вассалом деб, дарров шарт қўярди. Умуман, онам дарслардан сўнг қолишимдан норози. Аммо дадам бу фаолиятимни қувватлайди, — кулди Камола “фаолият” сўзига алоҳида урғу қўйиб. — У киши хотин-кизлар ижтимоий-сиёсий ҳётнинг тўлақонли аъзолари бўлишлари керак, деб хисоблайди. Германия, бошка Европа мамлакатларида шундай экан.

— Бизда йўқ эканми? — эътиroz билдиргиси келди Яшарнинг. — Мана, биттаси сиз. Ажаб эмас, келажакда катта сиёсий арбоб бўлиб етишсангиз. Коллонтайга¹ ўхшаб! Айтганча, сиз нега шу фанни танлагансиз?

Камола бир оз ўйланиб қолгач, деди:

— Қизиқаман. Бу борада фалсафий қарашларим ва ҳатто баъзи бир танқидий мушоҳадаларим ҳам йўқ эмас. Ана, шунаقا!

— Э-ҳа! Бир эшитсак бўлармиди.

— Унда диққат билан эшитинг! — кулди трамвай келар томон бир қараб олган Камола. — Инсоният, умуман бутун борлик... тарихдан иборат, қолган нарсаларнинг барчаси унинг атрофида. Нима иш қилмайлик, нимани ўйламайлик, ҳаёт, табиатдаги ҳар кандай ҳатти-ҳаракат бошландими, нихоясига стмаёқ, шу лаҳзанинг ўзида тарихга айланади. Мана, шу айтатётган нарсаларимнинг ўзи ҳам аллақачон унинг мулки бўлди. Тўғрими? Тарих деганда кўплар факат бўлиб ўтган улкан воқеалар — юз ва минг йиллар давом этган даврлар, улкан ўзгаришлар, урушлар, подшоликлар ва сиёсий воқеаларни тушиунади. Мен кўпинча ўйлаб қоламан — тарихни тўла ўрганиб бўлармикин, умуман? Ўрта мактабда ушбу фандан ўтган мавзуларимизни эсланг. Назаримда... ҳаммаси бир ёклама. Қайси бир мамлакат, ходисаларга боб-боб ўрин ажратилади, бошка жойлар, бошка воқеаларнинг эса ҳатто номлари, бўлиб ўтган йиллари ҳам тилга олинмайди. Гўё улар шунга арзимайдигандек. Кимдир шуниси тўғри, деб ўйласа керак-да!

— Агар тарихни сиз айтатётган тарзда ўрганиш йўлга кўйилса, мактаблардаги қолган барча фанларни дастурдан

¹ Коллонтай Александра Михайловна (1872–1952) – “инкилобчи” ва шуро дипломати, 1923 йилдан бошлиб Норвегия, Мексика ва Швеция каби мамлакатларда дипломатик вазифаларда хизмат килган.

олиб ташлаш керак бўлади, – кулди Яшар. – Билмадим, шунда ҳам имкони бўлармикин. Лекин бир фикрингизга қўшиламан: ҳеч кимга инсоният тарихини бутунлигича ўрганиш насиб қилмайди. Бунинг оддийгина сабаби – умр етмаслиги! Шундай экан, марҳамат қилиб, мавжуд ҳолатга қўниб юраверинг. Жуда очик айтмаган бўлмасангиз ҳам, тарихни қолган барча фанлардан устун қўяётганингиз менга ёқди. Аммо қўркаманки, бошка факультетларнинг талабалари бу сўзларингизни эшитса, сизни омон қўйишмайди. Айтганча, бир подшоҳ ҳам сизга ўхшаб бутун тарихни ўрганмокчи бўлган экан, шу ҳақда ғаройиб, латифонома ривоят бор, қаердадир ўқигандим. Эшитинг...

... Камола кулиб юборди:

– Демак, “фақат менга тегишли” фалсафий қарашларнинг баъзи бир жиҳатлари учалик ҳам янги эмас экан-да! Афсус. Қаранг-а... қирқ йил, қирқ олим, қирқ тужа... ва сўнггида биргина китоб! Ўшани ҳам ўқишига умри етмабди. Лекин қиссадан-хисса менга ёқмади: наҳотки умр туғилиш, яшаш ва ўлимдан иборат бўлса? Наҳотки бошка нарсаларга ўрин йўқ?

– Нега энди? Ўша сиз айтиётган “бошка нарсалар”нинг ҳаммаси яшаш ва ҳаёт номли мўъжизанинг ичига кириб кетаверади-да! Худди барча нарсалар тарихнинг мулки бўлиб қолганидек... Нима десангиз дент-у, лекин ўлим ҳам... ҳаётнинг узвий бир кисми. Ўлимсиз ер юзида ҳаёт аллақачон тўхтаб қолган бўларди. Тўхтанг, кулманг! Ахир, ҳеч ким ва ҳеч нарса ўлмаса, ер юзида бўш жой колармиди! Сув, озиқ-овқат муаммоси-чи!

Камола ўйланиб колди:

– Мантиқан... ўринлидек. Бу сизнинг “фалсафий” қарашнингизми? – илмоқли килиб сўради у.

– Бу ҳаётнинг бир қарашда оддий, лекин мукаммал фалсафаси. Ундан ортиғини яратиб бўлмайди. – Назарида баланд-парвоз гапларни айтиётгандек туюлган Яшар қўшиб қўйди. – Ким билади, балки бу фалсафа ҳам эмасдир. Бизнинг онгимиз етмайдиган нарсалар хали кўп.

Тарих ўз йўлига-ю, лекин омад бугун Яшарга жуда кулиб боқди: ўзига ҳеч боғлик бўлмаган “техник” ҳолат туфайли бугун у илк марта Камолани уйи, тўғрироғи, уйи жойлашган қўчанинг муюлишигача кузатиб қўйди. Турли фалсафаларга берилиб кетиб, бекатда ярим соатча туришгач, тўпланиб қолган йўловчилар орасида бошланган шивир-шивир, ниҳоят,

уларнинг ҳам қулогига етиб келганди: қайси бир күчадаги йўллар кесишган жойда трамвайлардан бири бузилиб қолибди, то ўшани тузатмагунларича ортида турган бошқаларининг юришига имкон йўқ эмиш...

Бекатда тўпланиб қолган бир тўда одамлар қатори улар ҳам ноилож пиёда йўлга тушдилар.

Ўттиз иккинчи боб

Чин маънодаги йўл пойлашлари беҳуда кетган Юсуф Нодирани мутлақо кутилмаган жойда учратди ва уларнинг яқинроқ танишиб олиши учун ўзи зимдан умид килганидек Яшар эмас, балки “дунё масхарабози” деб ном олган ўша... Чарли Чаплин “воситачи” бўлди. Янги экранга чиккан фильмни биринчилар қатори томоша қилган Фозил ва Норбой Юсуфни дарсда ҳам, танаффус пайтида ҳам тинч қўйишмади: “Бекор бормадинг! Фильм ундей экан, фильм бундай экан! Баъзи бир саҳналарида ичингни чанглаб думалаб қолгунча куласан, яна бошқасида эзилиб кетганингдан истасанг-истамасанг кўзингдан ёш оқиб тушаверади! Актрисаларнинг зўрлигини айтмай қўя қолайлик! Сен ҳам бор, пулингни чанглаб ётмай! Уйингга битта хат ёзсанг бўлди – бир қоп жўнатишади! Ҳа, айтганча... Яшарни ҳам олиб бор!”

Юсуфнинг кайфияти аъло эди, фильмни эса нафақат хондошлари, бошқалар-да оғиз кўпиртириб мақташаётганди. У дарров Яшарни ахтариб топди ва шу заҳотиёқ рад жавобини олди: “Кейин. Хабаринг бор, ташкилий ишлар билан бандман. Бир-икки кундан сўнг бўшайман, ўшанда... ўшанда балки йилаб кўрармиз”.

Одам деганлари минди-минди бўлиб кетган чиптахонанинг яқинига йўлаб бўлмасди. Кассани штурм билан “ишғол” килаётгандарнинг аксарияти ёш йигитлар ва ўсмирлар. Бақирчакир, кий-чув авжида, тирсаклар ва тиззалар ишга солиниб, тугмалар узилган, пул чангллаган кўллар ҳавода ракс тушади. Туйнуккача етиб, “баҳтли чипта” сохибига айланганлар оломон орасидан ёриб чиқиб кетиш учун яна шунча меҳнат килмоқда. Энди уларнинг баланд кўтарилиган кўлида пул эмас, ғижимланган бир парча кўкимтири коғоз. Эр, ака, ука ёки “кавалер”лари билан келган хотин-кизлар бир чеккада ту-

риб, уларнинг нималарга қодир эканлигини жимгина томоша килишшайтти, ёлғиз келганлари эса...

Юсуфнинг эти жимиirlаб кетди: “Наҳотки? Ёнидагилар... э, хонадошлари-ку! Уларни эслаб қолмай бўладими! Мен аносисининг кўлидан сабзи-пиёз тўла сумкани олгандим... Яшарнинг яхшигина танбехини эшитгач! Исли... исли... ха, Ойгул эди!

Оломондан кўз узишмаяпти. Ким билан келишган бўлса? “Биронтаси” биланми ё “уч-тўрттаси” билан?” Жуфт-жуфт бўлиб, дегандай!”

Лекин кизлар сира жуфт-жуфт бўлиб келганга ўхшамасди: юзларида ташвиш, умидсизлик. Уларни анча наридан кузатиб турган Юсуф бир пайт Ойгулнинг сумкадан пул чиқараётгани, кейин бошқалари ҳам шу харакатга тушганларини кўрди...

Сочлари тўзиган, ёқавайрон, бошмоғи юзида кимнингдир оёқ излари қолиб, тепа бошидан кора тер ёғилаётган нотаниш йигитни рўпараларида кўрган кизлар шошиб қолишли.

– Мен хоналарингизга киргандим... Яшар билан! Мен мана бу... синглениздинг тўрхалтасини кўтариб олгандим! Ёдингиздадир? – деди у Нодирага чангалида ғижим бўлиб кетган чипталарни текисларкан.

– Вой! – кулиб юборди Нодира унга бошдан-оёқ кўз ташлаб. – Ислингиз... Юсуфмиди? Узр, бирдан танимаганимиз учун. У ҳам келганми?

– Вакти бўлмади. Мана булар... сизларга.

Нодира аввал кизлар билан кўз уриштириди.

– Раҳмат, – деди у чипталарни кўлига олиб. – Билмадим, сиз бўлмаганингизда нима қиласдик. Шундай йигитники бу ахволга солиб ташлашибдими, – у Юсуфга кўз кири билан караб, яна кулди, – биз у ердан умуман тирик чиқмасдик! Ойгул! Кизлар! Қани...

– Керак эмас! – кўлларини силкилади унинг нима демокчи бўлаётганини сезган Юсуф.

Худди уни эшитмаётгандек ҳамхоналари кўлидаги пулларни бамайлихотир йиғиштириб олган Нодира мулойим илжайгансча, деди:

– Олинг, Юсуф ака. Ёрдам берганингиз учун катта раҳмат. – Юсуфнинг иккиланиб турганини кўриб, ёлғондакам ковоқ уйди. – Агар мени хафа килмайин, дессангиз... Ана, бу энди бошқа гап! – давом этди чипталарни қайтариб бериш-

ларидан кўрккан йигитнинг пулга қалхатдек чанг солганини кўриб. – Энди бошланг, сиз бўлмассангиз, балки залга ҳам кира олмасмиз.

Дим, аччиқ тер ҳиди анқиб кетган, ҳар беш дақиқада гурра-гурра кулгу қўтарилаётган залда Юсуфнинг икки кўзи экранда бўлса ҳам ҳеч балони кўрмаётганди. У Нодира билан ёнма-ён бўлиб қолганди, улар жой олган ёғоч ўриндики қаторда ортиқча томошибинлар ҳам бор шекилли (зал эшигидаги турганча чипталарни йиртаётган, йўғон ва сўқоғон, оғзидағи тамаки ҳиди яқинлашган одамнинг юзига уриувчи аёлнинг кўлига пул қистириб кириб кетаётган гуррас-гуррас одамларни ҳаммалари кўришганди), елкалари бир-бирига тегиб туарди.

Бир эпизод пайтида Нодира ҳам кулиб юборди, Юсуф эса...

У фильм ҳеч қачон тугамасин деб, худога илтижо қиласарди, холос!

Лекин бўлмади – икки соатга яқин давом этган томоша туғаб, сигарета ва папирос тутунига тўлган залда бир неча чирок бараварига ёнгач, у ён-атрофига алланглади: “Нима бўлди? Ҳар доимгидек энг яхши жойида тасма узилиб кетдими? Кинони янги дейишмаганмиди?! Мана бу қиз қаёқка кетаяпти?! Яхшигина ўтиргандик-ку! Э, тугабди шекилли, бошқалар ҳам ўринларидан туриб...”.

Ташқарига чиққанларидан сўнг ҳам елпинишдан тўхтамаётган кизлар ўзаро шивирлаб олишгач, ётоқхонагача пиёда кетишга қарор қилишди: биринчидан, транспортга кетадиган беш-ўн тийин тежалади; иккинчидан, дўзахни эслатувчи залдан чиққач, тоза ҳаводан нафас олмай бўлмасди; учинчидан, бу олийхиммат, одобли (ва албатта келишган!) йигит билан бир оз сайр қилишса, нима қилибди? Бегона эмас-ку! Йўлда шилқиму безориларнинг тегажоғлик қилишидан ҳам кўркмаса бўлади – кўринишидан унақаларнинг ўнтасига бас келадиганга ўхшайди.

Улар бораётган йўлакни симёғочлардаги фонулар сутдек ёритиб турар, худди атайнин қилаётгандаридек учала қиз олдинда боришар, Нодира ва Юсуф эса сал оркада колишаётганди.

– Аслида келмоқчи эмасдим, кизлар қўйишмади. Лекин, пушаймон еяётганим йўқ, – деди ўзини кизларнинг пиқиллашларини (ким билади, балки фильм воқеаларига кулишаётгандир?) эшитмаганга олаётган Нодира. – Ростдан ҳам яхши кино экан. Айникса, менга... Тўғрими?

Фильмдаги қайси бир эпизод ҳакида гапириб бўлгандан сўнг, қиз унинг фикрини сўраётганини Юсуф сал кечикиб тушунди:

– А? Ҳа-а-а! Гап йўқ! Билмадим, бизда бундай фильмларни қачон олишади! Чарли Чаплиннинг қаҳрамони ўша ерда... ўлармиди?

Нодира қадамини секинлаштириди.

– Ўлади?! – ажабланди у. – Мени тушунмадингиз шекилли. Бу комедия-ку! Унда сиз айтган эпизод йўқ. Кўрмадингизми? Экрандан кўз узмадингиз-ку!

Юсуфнинг юраги шув этиб кетди. “Экрандан кўз узмадингиз!” Наҳотки мени кузатган бўлса! Мен эса буни ҳатто сезмабман!

– Э, кечирасиз... мен бошқаси билан чалкаштириб юборибман, – ғўлдиради у. – Менга роса таъсир килган экан ўша... фильм. Унда ҳам Чаплин қатнашади.

Нодира унга бир пас тикилиб тургач, кулди:

– Фалати экансиз. Ўша куни... хонамизга келганингизда ҳам, худди... нима десам бўлади... ха, атрофингизда ҳеч нимани кўрмаётгандек туолгандингиз. – У қизарди. – Майли, кулганимга хафа бўлманг. Айтганча, нега келмай қўйдиларинг? Яшарга айтинг... ха, хафа бўляяпти экан, денг! Шундай демасангиз, қочиб юраверади. У яхши бола, тўғрими? Дўстлашиб кетгансизлар шекилли?

– Албатта, – деди Юсуф. Лекин унинг назарида, сухбатни қўллаб туриш учун бошқа нарсалар ҳакида ҳам гапириш керак эди. У эса обдон ўйлаб олишга улгурмади. – Албатта, дўстмиз, вақти бўлганида кинога ҳам бирга келган бўлардик. Лекин бир жиҳатдан бугун келмагани ҳам яхши бўлди. – Юсуф беихтиёр оғзидан чиқиб кетган сўнгги гапини “текислашга” шошилди. – Одам кўплиги-ю залнинг димлигини кўрмайсизми! Унга жой ҳам етмаган бўлармиди!

Нодира ёнида кетаётган йигитнинг қандайдир туйғулар гирдобида эканлигини энди элас-элас пайқай бошлади – жуда ўзини ғалати тутаяпти-ку, бу Юсуф деганлари! Айтаётган сўzlари ҳам...

Унинг ўйлари унчалик ҳам нотўғри эмаслиги йигитнинг кейин айтган сўzlари орқали тезда маълум бўлди:

– Кўпдан буён шеърларимни сизга кўрсатмоқчи бўлиб юрибман, – деди у бир пайт. – Караб берасизми?

— Ҳали шеър ҳам ёзаман, денг? Яхши-ку. Айтганча, менинг шеър ёзишимни сизга... Яшар айтдими?

— Нималар деяпсиз?! — кўркиб кетди Юсуф. — Сиз ҳақингизда умуман Яшар билан гаплашмаймиз! Буни менга... ха, бир аёл айтди!

Қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйганини сезиб колган Юсуф тилини тишлади, аммо кеч бўлганди.

— Бир аёл? — яна тўхтади Нодира. — Мени танир эканми? Сиз у аёлни каердан биласиз? Тўхтанг-чи... мен уни танийманми?

Кетма-кет берилаётган саволлардан тинкаси қуриган Юсуфнинг ҳолига ачинмасдан қараб бўлмасди. У ўйлаб-ўйлаб:

— Йўқ, — дея олди, холос.

Олдинда кетаётган қизлар Нодиранинг кулиб юборганини эшишиб, яна ортларига ўгирилишди.

— Ўлай агар, сизни умуман тушунмаяпман — менга нотаниш аёл қандай килиб шеър ёзишимни билиши мумкин? Ёки ҳазиллашаяпсизми?

Юсуф енгил нафас олди, чўнтағидан ўша — ҳар сафар кўлга олинганда чеккаларидаги пистончалари шалдираб турадиган рўмолчасини яна чиқарди:

— Ҳа! Мен ўзи шунаقا ҳазил-хузулларни... ҳамсух-батларимни кулдиришни, ҳайрон қолдиришни ёқтираман. — Юсуф унга қўрқа-писа қаради. — Ёки сиз ҳазилкашларни ёмон қўрасизми? Унда... майли... жиддийроқ бўлишга ҳаракат киласман.

Нодира ўзини гўё катта йўл бўйлаб ўтиб кетган машина ортидан қараб қолгандек қўрсатаётган йигитдан кўз узмасди: “Нималар деяпти?! Қандай қилиб... дабдурустдан... бундай гапларни айтиш мумкин? Ёки... шунчакими? Қаёкка қарайпти ҳозир? Атай бурилиб олдими?”

Илгарилаб кетган қизларга бир ўзи етиб олишни ҳам ўйлаган Нодирани факат бир нима тўхтатди: “Мана бу жуда ғалати (у яна қандай атаса бўлади!) йигит хафа бўлиши мумкин! Унингсиз... Э, тўхта-чи... унинг кинода пайдо бўлиб қолгани ҳам бежизга эмасдир? Бизнинг чипта ололмаётгани-миздан фойдаланиб... Ахир, кўпгина китоб, фильмларда йигитлар ана шунаقا нозик вазиятлардан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишади-ку! Лекин... лекин бу дегани... бу дегани...”

Унинг юраги дукуллаб уриб кетди: “Бўлиши мумкин эмас!

Мен унга ҳеч қанака... Нима?! Ҳеч нима – бор-йўғи иккинчи марта кўриб турибман! Қўлидаги ғижим чипталар билан рўпарамизда пайдо бўлиб колганида, бирданига танимадим-ку, ҳатто! Тўхта-чи... нега ҳамма нарсани ўзимга олаяпман? Биринчи марта Яшар иккисига дуч келганимда... Ойгул ҳам ёнимда эди-ку! Нега энди шундай бўлиши мумкин эмас? Ҳозир у билан бирга кетаётганимми? Нима қилиби – Яшарнинг таниши сифатида мен билан сухбатлашиш унга осонрок, хаёлида эса..."

– Ойгул! – чакирди у. – Нега бунча югураяпсизлар? Юсуф ака сўрайти... мендан уялишаяптими деб!

Ростдан ҳам анча олислаб кетган кизларнинг бир-бирининг пинжига тикилганча кутиб тургани ҳеч нарсани ўзгартирмади барибир: жимгина, ҳар бири ўз хаёллари оғушида кетаётган Нодира ва Юсуф сал вакт ўтмай уларнинг бу сафар илгари-лаб эмас, аксинча, секин-аста ортда қолаётганларини ҳатто пайкамадилар ҳам...

* * *

– Нима деди?! – сўради хонага киришлари билан уни кучоғига олган Ойгул кўзлари чакнаб. – Нима ҳақда гаплашибаринг?

Худди шу кўринишдаги хонадош икки қиз ҳам Нодира-нинг жавобини кутиб туришарди.

– Нима ҳақда? – кайта сўради у. – Кино ҳакида, Яшар ҳакида... Бошқа нимани ҳам гаплашардик?

– Алдама!

– Ёлғончи!

– Мўлтони!

Устма-уст ёғилаётган айблардан Нодира ўзини ўқотиб кўйди:

– Жиннимисанлар! Жуда кизиқкан бўлсаларинг, биз билан бирга юришларинг керак эди, худди бир нимадан қурук колгандек юргургиламай!

– У сени яхши кўриб колган! Ўлай агар! – деди чўзиб ўтиргиси келмаган Ойгул.

Чўфдек бўлиб кетган Нодира уни нари итарди:

– Э, ўчир! Қайси гўрдан олдинг бу гапни! Балки сенидир!

– Мени? – ҳайрон колди Ойгул, сўнг бирдан ўзига келди. – Бўлмаган гап! Ишонмасанг, мана булардан сўра, – кизларга

ишора қилди у, – биз буни ўшанда... қўлингга читталарни ту-таётганда сезгандик. Тўғрими, кизлар? Ана, ҳаммалари шуни тасдиклаяпти! Энди нима дейсан? Ҳа, – файласуфона давом этди Ойгул, – киши факат яхши кўрган одамига шундай қараши мумкин! Бизни анойи деб ўйлама. Ҳазилкаш бола эканими? Бир-икки марта ҳиринглаб кулганингни хеч ким эшитмади, деб ўйлайсанми?

– Ҳиринглаб?! – кўзлари катта-катта очилди Нодиранинг.

– Ҳаҳолаб! – масхара қилди уни Ойгул. – Нималар деганини яхшиликча ўзинг айт, акс ҳолда... тагимизга босиб, айтишга мажбур қиласиз! Бўл деяпман! – У икки қўлини белига тиради. – Э-ҳа, ҳали шунаками! Индамасам қутулиб қоламан деб ўйлаяпсанми? Унда, учгача санайман: бир... икки... икки яри-и-и-м... – чўзди у, Нодира эса эшик томон тисланди. – Уч!!! Қани кизлар, ушланг бу маликаи айёрни! Энди ўзидан кўрсин! Кўрсатиб қўямиз якин дугоналардан сир саклаш канака бўлишини!

Сал ўтмай хона ичи кий-чув, дупур-дупурга тўлиб, оёқ остида қолган стулларнинг тарақлаб полга йикилаётгани эши-тилди.

* * *

Фозил ва Норбой аллақачон ухлаб қолишган, Яшар эса яна қандайдир ёзув-чизувларни килиб ўтиради.

– Шунчалар қизиқ эканими? – кутиб олди у оғзи қулогида кириб келган Юсуфни. – Яна неча кун бўларкин?

– Қизиқмабман, – деди бир оз ўйлаб тургач Юсуф.

– Балки нималар бўлганини айтиб берарсан?

– Нималар... бўлганини?! – негадир ҳадиксиради Юсуф.

– Ҳа-да. Ҳикоя қилишга устасан-ку!

Юсуф нимани айтишни билмасди. “Қайсиси қизикроқ? Колаверса, фильмни кўрдими у!”

– Йўқ, фақат кўриш керак, – деди у ечиниб, жойига чўзиларкан.

– Ҳамманг бориб кўрибсан. Нима, энди бир ўзим бораманими?

– Нега бир ўзинг? Мисол учун, сен ҳам биронта киз билан бор.

Яшар унга кўзларини хиёл кисиб қаради:

– “Сен ҳам” дедингми?

— Ха -да! Юрассанми энди? Ён-атрофда, гурухингда шунчакиз...

— Йўқ, шошма, — унинг сўзларини бўлди Яшар. — Айтганингдан келиб чикадиган бўлсак... биронта қиз билан бордингми?

Юсуф танасини каравотдан узиб, унга тикилди:

— Бу гапни қаердан олдинг?

— Айтаяпсан-ку, “сен ҳам” деб?

— Шунаقا... дедимми?! – киприкларини пирпиратди Юсуф.

Яшар кулиб қўйиб, рўпарасидаги қоғозларни йиғиширига бошлади:

— Шунаقا! Нега қўркиб кетдинг? Бунинг нимаси ёмон? Мақолда айтилганидек, “олисдаги қўйрукдан, яқиндаги ўпка яхши”. Мен уни танийманми? – Кўзларини катта-катта очганча ўзига караб қолган Юсуфнинг ҳолатини қўриб, яна кулди. – Майли, айтишинг шарт эмас, шунчаки қизикдим-қўйдимда. Қўрқма, шахсий ишларингга аралашмоқчи эмасман. – У ўрнидан турди. – Чирокни ўчирайинми?

— Ўчир! Тўхта! – деди у Яшарнинг қаёқа бораётганини қўриб. – Чирокни тинч қўй – овозингни ўчир деяпман!

— Тушунмадим?! – жойида такқа тўхтади Яшар.

— Мақолинг ўзингга сийлов! Энди тушунгандирсан?

Унга бир оз вақт тикилиб турган Яшар бошини сарак-сарак килди:

— Сени тушунгунимча ҳинду ёки япон бўлиб кетсам керак, – деди у чирокни ўчирапкан.

Үйкуси келмай, шифтга термулиб ётган Яшарнинг хаёлларини ўн беш дақиқалардан сўнг Юсуфнинг овози бузди:

— Яшар!

— Мен ухляпман.

— Кечир мени... хўпми? – Яшарнинг ёлғондакам хуррак отаётгани эшитилди. – Бор гапни бирдан айтмаганим учун. Шундай бўлиб қолди.

— Менга ҳисобот бериш мажбуриятини олмагансан.

— Мен... биз... кинога... кинода... хуллас, Нодира билан бирга эдик. Эшитаяпсанми?

Яшар томонидан сас чиқмади, аммо Фозил ва Норбой каравотларини ғижирлатиб, бу гал ҳам бошқа ёnlарига ағдарилиб олишибди.

Ўттиз учинчи боб

Сўзамоллиги билан барча талабаларни мафтун этган, нафакат ўзбек адабиёти, айримларнинг таъкидлашича, бутун жаҳон адабиётини “сув қилиб ичиб юборган” домланинг маъруzasи аввалгилари каби қизик эмас, бунинг устига, бугун ўтилиши керак бўлган мавзудан бутунлай ташқарида эди. Ушбу дарсида домла шу кеча-кундузда ҳамманинг хаёлини банд қилиб турган воқеаларни ўз билганича шарҳ қилас, асарлари билан кўпларнинг меҳрини қозонган адиблар ижодидан гўё миллатчилик акс этувчи иштибохлар келтириб, хаёлнинг кўчасидан ҳам ўтмаган хулосаларни чиқаради: “Бу ерда Абдулла Қодирий мана бундай деган... Чўлпоннинг мана бу сатри аслида мана бу маънони англатади... Фитрат эса куйидаги сўзлари билан...”

У маъруза ўрталарига келиб, талабаларнинг барчасига ушбу адиблар асарларини мутлақо ўқимасликни тавсия қилиб, агар кимдадир уларнинг китоблари шу пайтгача сақланиб келаетган бўлса, оқибати ёмон бўлишини айтди.

Нодиранинг кулоғи маърузада-ю, хаёли бутунлай бошқа ёқда эди.

У нимаси биландир миллий кураш, нимаси биландир ҳозир жуда оммалашган “самбо”ни эслатувчи олишувда бир бало қилиб енгид чиқсан бўлса-да, юраги сокинлигини йўқотганди: қизлар қиқир-киқир қилганча ниҳоят уйкуга кетишгач, Юсуфнинг бир қарашда унчалик ҳам аҳамиятли туюлмайдиган сўзларини кайта-кайта эслади: “Агар сизга ҳазилкаш одамлар ёқмаса, ўзгаришга ҳаракат қиласман...” Бу сўзлар ўшандаёқ унга галати туюлганди, лекин... бирданига айтмагандими, ҳазиллашгандим, деб? Қолган гаплари-чи!

Нодира жилмайди: бироқ келишган йигит экан! Ҳа, кизлар ҳам бир овоздан шуни таъкидлашаяпти! Ярамас Ойгул эса кечадан буён менинг номимни унутиб қўйди: унинг учун энди мен...

Йўқ, у аёл малика бўлишига қарамай, ўша Юсуфнинг ортидан ўзи югурган, унга эришиш учун бор макрини ишга солган! Мен шундай қиласманми? Ҳеч қачон! Агар керак бўлса, унинг ўзи...

Нима?!

Нодира бошини партага қўйиб, кулиб юборишдан аранг

ўзини тийиб қолди: жинни! Хаёлингга келган гапни қара! Йўқ, яхшиси бу каби бўлмағур нарсаларни ўйламай, маърузани тинглаш керак! Қани, домла нима деяпти экан...

– Шундай, азиз талабалар. Бизнинг жамиятимизга ёт, душман кишиларнинг асарлари ҳам бизга ёт ва душмандир! Улар тузни еб, тузлиқка тупурган нобакорлар...

Нодиранинг хаёлига яна ўша шоиру ёзувчиларнинг етим қолиши кутилаётган (балки, аллақачон шу кисматга дучор бўлишгандир!) фарзандлари келди ва хомуш тортди.

* * *

Шу пайтгача хаёлларни банд қилиб турган мажлис бугун ўtkазилиб, факат ўқиб бериш ва номигагина қўл кўтариб тасдиқланиши қолган ташкилий ишлар ўз якунини топган, Яшар “бир овоздан” курс комсомол қўмитасининг котиби этиб “сайланган”, табриклар бўлиб, муваффакиятлар тиланган, ваъдалар берилиб, топшириклар олинганди.

Ҳамма қатори енгил нафас олган Яшарни энди бутунлай бошқа бир ўй хавотирга солмокда эди: таклифи қабул қилинармикин?

Бошқа муаммолар ҳам йўқ эмасди: чипта қанча турса? Чўнтагидаги сўнгги – тишлари орасида саклаб юрган тангалар етадими? Бир илож қилиб етказганда ҳам, кейин уни уйигача кузатиб қўйиш керак ва бу дегани яна бир ортиқча харажат: ахир, трамвай текинга юрмайди-да!

Худо кўрсатмасин-у, кинотеатр ёнида музқаймоқ сотаётган бўлишса-чи! Уларнинг ёнидан ҳеч нарса кўрмаётгандек ўтиб бўладими! Музқаймоқчи аёл (ёки эркак – нима фарқи бор!) юрак-багри эзилиб, курумсоқ йигит билан юрган қизга ачиниш билан қараб қўймайдими?

Ёки стипендияни кутсинми? Степендияни-ку, кутса бўлади, лекин фильм уни кутмай, хайр-хўшни насия қилиб, келган томонига жўнаб қолса-чи!

– Табриклайман! – кимдир кўнғироқдек овози билан унинг хаёlinи бўлди. – Нималарни ўйлаб қолдингиз? Қандай қилиб янги, ҳеч кимнинг тешаси тегмаган ташабbusлар кўтариб чиқсан, комсомол ишида инқилоб ясасам экан, дебми? – Камола бошини бир томонга қийшайтириб, ғалати илжайди. – Балки, эгалланган “улкан лавозимларимизни” ювармиз? – У Яшарни жавоб беришга ҳам қўймади. – Биласизми, ҳамма битта

фильм (йигитнинг юраги шув этиб кетди) ҳакида гапирайти, балки ӯзингиз ҳам эшитиб юргандирсиз (Яшар уни эшитмаётганди: қизнинг оғзига караб колган ва унинг қимираётганини кўрарди холос – худди овозсиз фильмлардагидек!). Чарли Чаплин иштирокида. Американики. Борамизми?

Фақат шу саволдан сўнг Яшарнинг қулоклари очилди:

– Борамиз, – деди у ютиниб.

– Лекин бир шарт билан: пулинни мен тўлайман... Йўқ, йўқ, сиз охиригача эшитинг! Доим ишда бўлган дадамнинг мен билан кинога боришга вакти йўқ, онам эса умуман ёқтиримайди. Биласизми, нима учун? Ӯзим ҳам кейинроқ билдим: оталари, яъни менинг бобом кўчма киноускуна механиги бўлган экан. Аппаратнинг тириллаши ҳамон қулоғимда турибди, ҳатто уйга келтириб, кино қўйиб берарди, жонимга тегиб кетган, дейди. Хуллас, мен сизни таклиф киламан. – Камола сермаъно кулди. – Бошқа ким билан борай? Қизлар биланми? Кўча тўла безорику! Ҳа, айтишларича, шанба ва якшанбада кундузги сеанслар ҳам йўлга қўйилган эмиш. Жуда яхши бўлибди, тўгрими? Илгари бунаقا эмасди, демак, бу ҳам омадимиз. Бугун айни шанба. Кетдикми?

Шундай қилиб, аслида ӯзи қизни қандай таклиф қилишни ўйлаб турган Яшар ҳеч бир эътиrozга йўл қўйилмас тарзда фильмга судралди.

Бироқ у Юсуф кўрсатган қаҳрамонликка қодир эмас экан – чипта олиш учун қилган бир нечта ҳаракатлари зое кетгач, зал эшигини бутун гавдаси билан тўсиб турган бизга таниш назоратчи аёл фильм энди бошланай деб колганда жонига аро кирди (шу куни назоратчи аёл кўпларнинг жонига аро кирганди) ва ўтиришга жой бўлмаганидан, иккиси ҳам то фильм туга-гунча оёқда тик туриб томоша қилдилар.

* * *

Барча кирларини ювиб бўлган Нодира хонани йигиширишда ҳам қизларга кўмак бергач, дераза рўпарасида турганча ўйланиб колганди: бугун Барнони кўриши керак. Соғиниблар кетгандир шўрлик! Ӯзининг бу ерга келиши нокулай бўлса...

Ҳа – Яшар туфайли! Яшардан у ҳеч қўнгил узолмади. Ҳеч бир умид бўлмагани ҳолда тарих факультетига ўқишига киришга ҳаракат ҳам қилиб кўрди. Нодира Яшардан Барнога

кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беришини сўраганида у, исмини тўғри ёзолмайдиган кимса университетни орзу қилибдими, биринчи имтиҳондаёқ қулаг тушади, деб бош тортди. Ҳа, унинг учун Барно шунчаки бир танишлигича қолди. Лекин шунча йил бир жойда тарбияланишиб, бир мактабда ўқишмаганми! Бирга борайлик деса, рад килмас.

Уни кандай қилиб кўрса бўларкин? Ўзи хонасига борай деса, у ерда... Йўқ, бўлмайди! Ойгулни жўнатсамикин? Лекин у ярамас бирдан калака қилишга ўтади, нега ўзинг боришга кўрқаяпсан деб.

– Ҳа, Зулайҳо! – қулоклари тагида кимнингдир қичкирганидан чўчиб тушди у. – Дераза ёнида туриб, Юсуфингни ўйлаяпсанми? Ёки Жулайетта дейинми? Лекин афсуски, деразамизда балкон йўқ, у ерга чикиб, интизор Ромеонинг чорловини кутсанг.

– Бўғиб ўлдираман сени! – кулди Нодира.

– Бу энди Шекспирнинг бошка драмасидан. Бунинг устига, сен на хабаш, на эркаксан. – Ойгул ундан кулгу тўла кўзларини узмасди. – Ҳа-да, бўлмаса нима ҳақда бунча ўйланасан? Беш дақиқа ёнингда кузатиб турибман – сезмадинг.

Нодира уни кучогига олди:

– Биласанми, дугонажон, мен... айтатётган одамингни эмас, Барнони ўйлаяпман. Ёдингдами, у ҳақда айтиб бергандим-ку? Дарслар бошлангандан бўён кўрганим йўқ, хафа бўлади.

Ҳа, Яшарнинг баshoreти рост чикиб, дугонасининг ёрдами фойда келтирмаган Барно тарих бўйича олинадиган имтиҳонгача ҳам етиб бормай, иншонинг ўзидаёқ “кулаган”, ўн йил ичida ўзлаштирилмаган билимни Нодира – канчалик уринган бўлмасин! – кандайдир бир-икки ҳафта ичida бера олмаганди. Ўз она тилидаги иншо шу даражада саводсизларча ёзилгандики, хотин-қиз қадрларга талаб юқори бўлгани ҳам (хужжатларини топшираётганда қабул комиссияси аъзолари қизни бу “жасорати” учун макташганди) уни сақлаб кола билмади: бундай саёз билим билан қандай қилиб келажак авлодга таълим бера олади!

“Ийқилганидан” сўнг бир ҳафта ўтиб эса Барно ёшлар ёппасига таклиф қилинаётган чой қадоқлаш фабрикасига ишга кириб, унинг шаҳар чеккасидаги ётоқхонасидан қўним топганди...

– Шу ҳам муаммо бўлдими! – деди Ойгул. – Бор, кўр,

шанба-якшанба кунлари бу ёкка таклиф қил. Биз ҳам дугонанг билан танишиб олсак ёмон бўлмасди.

– Мен у яшаётган ётоқхона қайдалигини билмайман, ҳатто.

Ойгул унинг кўнглидагини топди:

– Яшар билан бор. Барнога бегона эмас-ку! Юсуф ҳам жонжон деб сен билан борарди, таклиф қилсанг! – кулганча қўшиб кўйди у.

– Ўша Юсуф тоза хаёлингни ўғирлабдими дейман! – муғомбirona илжайди Нодира.

– Нима?! – лабини бурди Ойгул. – Ўзингга буюрсин! Яшарни айтсанг... майли эди.

Нодира дугонасига ажабланганча қараб қолди:

– Ана холос! – кулиб юборди у. – Ёқтириб колдингми?

– Нима, сендан кам жойим борми? Сизга бировларни ёқтириш мумкин-у, бизга мумкин эмасми?

– Алжима! – унинг елкасига муштлади Нодира. – Мен ҳеч кимни ёқтириб қолганим йўқ – бу ҳаммаси сенларнинг хомхаёлларинг!

– Қани эди шу гапингга ҳеч бўлмаса ўзинг ишонсанг.

Нодиранинг баҳслашиб ўтиргиси келмади – кўр тутгани, кар эшитганини кўймагандек, бу ҳам ўз билганидан қолмайдиганлар хилидан.

– Майли, нима деб ўйласанг, ўйлайвер, лекин битта... илтимосимни ерда қолдирмасанг бўлди.

– Қанақа экан?

– Яшарга Барнони кўриб келмоқчи бўлаётганимни етказиш керак. Ўзимга нокулай бўляяпти. – Ойгулнинг ўзига масхараомуз қараб турганини кўриб, кулиб юборди. – Жинни!

Ойгул кўлларини белига тиради:

– Қалай экан! Яна баҳслашиб ўтирибсан! Мен ер тагида илон қимирласа биламан! Балки Юсуфингга ҳам бирон нарса дейишим керакдир?

– Керак эмас! – деди Нодира Юсуфни ўзига тақаётганинги бу сафар ҳеч бир малол олмай. – Сен Яшарни кўрсанг бўлди, деяпман-ку!

Ойгулнинг энсаси котди.

– Фамимни емай қўя қол.

– Бор, бор! Уялмасанг, кўнглингдагини ўзига ҳам айт!

– Бу ёғи энди сенинг муаммонг эмас.

“Яшарни Барно ҳам ёқтиради, энди буниси чикди, –

кизарганча ўйлади Нодира унинг ортидан. – Иккиси хам туйғуларини менга ошкор килишди. Лекин нега у ҳеч ким билан... ”

* * *

Уларнинг бахтига ўша ёққача тўпта-тўғри олиб борувчи маҳсус автобус йўналиши қўйилган бўлиб (буни Яшар бир ўткинчидан билиб олди), асосийси, катнов анчайин тартибли экан. Тўғри, тиқилинч автобусда улар учун жой бўлмади, лекин ёш йигит ва кизга бу нима бўлибди!

Нихоят, етиб келдилар. Якшанба куни бўлгани учунми, ёткоҳона атрофида одам кўп эди, кириб-чикиб турувчилар эса ундан хам.

– Сен киравер, мен шу ерда... кутиб тураман, – деди Яшар бир пайт Нодирага ўгирилиб.

– Сен-чи?! – ҳайрон қолди Нодира кулокларига ишонмай.

Ўнгайсизланган Яшар нигохини узоқларга тикиди:

– Шу ерда кутаман, дедим-ку.

Нодиранинг юраги алланечук бўлиб кетди.

– Тушунмаяпман... келиб нима қиласдинг бўлмаса?

– Ҳалиги дугонанг... исми нима эди? Ҳа, ўша. Нодирани олиб бориб келаркансиз, йўлни билмас экан, деди. Бор гап шу. Боравер, илтимос.

– Келганингни айтайнми? – деди Нодира бир оз жим тургач.

Яшар елка қисди:

– Ўзинг биласан. Лекин... шартмикин?

Яна бир неча сония умид билан караб тургач, Нодира ёткоҳонанинг икки табақали ойнаванд эшигидан ичкарига кириб кетди, эшикофаси томонидан айтилган иккинчи қаватдаги рақамини излаб бораркан, киприкларида пайдо бўлган ёшни артиб, Яшар фикрини ўзгартирган-у, келиб қолиши мумкин-дек ортига ўгирилди, аммо торгина, ярим коронғу, поллари чириган, ёйилган кир ва факирона таомларнинг чучмал бўйи анкиётган коридорда ўзидан бошқа тирик жонни кўрмади.

Хонасида бир ўзи ўтирган Барно Нодирани кўриб, эсини йўқотиб кўяёзди. Бундай онлар факат энг якин кишиларнинг бир-бирларини жуда соғиниб: агар ошиклар бўлса, фирокнинг ҳар сонияси юракларни қон килганда; агар дўсту ёронлар бўлса, дийдор ширинлиги қанчалик лаззатли эканлиги ҳис килинувчи учрашувлардагина рўй беради.

– Бўлди, жоним, йиғлама, – уввос тортаётган қизни юпатарди ўзи ҳам ёшини тия олмаётган Нодира. – Мана, келдимку!

Барно унинг юз-кўзидан ўпди:

– Айланай ўзимнинг меҳрибонимдан! Мен баҳтиқаро етимчани сен ҳам унутиб кўйдингми, деб кўрққандим! Ўқишиларинг қандай? Яшар...

Нодиранинг томогига бир нима тикилди.

– Салом... айтди.

– Саломат бўлсин, – қизарди Барно. – Мен негадир... келсанг ҳам... факат у билан келасан, деб ўйлаб юргандим. Майли... мана бу ерга ўтиришни келиб бердик.

Кўрсатилган жойга ўтирган Нодира дугонасига зимдан кўз ташлади: деярли ўзгармабди, ўшандек навниҳолгина... Йўқ, кўзлари алланечук киртайиб колибди. Қошлари... қошлари шунча қалинмиди? Ё қалам урганми? Лабини ҳам бўяган, шекилли?

– Очилиб кетибсан.

Барно унинг нимага шама қилаётганини тушуниб, ҳали ёш қуrimаган кўзларида кайғули кулгу ўйнади:

– Э, – хафсаласизлик билан қўл силкиди у (Нодира бу ҳам унинг янги одати эканлигига эътибор берди), – бу ерда ҳамма шундай қилади. Ёки ярашмабдими? Артиб ташлайнми?

– Сенга ҳамма нарса ярашади, – кулди Нодира. – Фақат менга ғалати кўринаяпти... кўнникмаганим учунми.

– Балки ўқиётгандарга бунга рухсат беришмас?

– Билмадим, қизиқиб кўрмабман. Майли, кўнглингга олма. Ўзингдан гапир, нима иш қилаяпсан? Чой қадоқлайсанми?

Навбатдаги қўл силкиш:

– Қайда! У цехда маҳсус таълим олганлар ишлайди. Мен ҳозирча ўрганувчиман, яъни... шогирд. Кейинчалик тузукрок иш беришни ваъда қилишмоқда. Бу ерга келганларнинг ҳаммаси дастлаб шогирд тушаркан.

Нодира беихтиёр атрофга кўз юргутирди: йўқ, уларнинг хонаси бунга қараганда анча саришта. Анови... каравот устида ётган нима? Узун пайпокми? Ёнгинасида қизғиши-сарғимитир соч толалари ўралиб ётган тарок. Бу кимнинг тўшаги бўлса? Ҳар ҳолда Барононикига ўхшамайди. Бу ерда... аллақандай ёқимсиз ҳид бор, тўрт тарафдаги деворларга турли сурат ва плакатлар дидсиз равишда илиб ташланган.

— Маошинг яхшими? — ўгирилди у дугонасига.

Барно кулди:

— Ўзига яраша. Бир мартагина маош олдим ўзи. У ойдан бу ойга етказса бўлади. Вой, мен жиннини қара! — деди у бир пайт ўрнидан сакраб тураркан. — Чой қўйишни унутибман!

— Овора бўлма, — унинг қўлидан тутди Нодира. — Ҳозир кетаман. Эртароқ келганимда ҳам бошқа гап эди. Йўлнинг канчалик олис эканлигини ўзинг биласан-ку.

— Фақат чой! — деди унинг бунчалик тез кетишини ўйла-маган Барно хафа бўлгандай.

— Бошқа пайт. Яхшиси кел, бир оз сухбатлашиб ўтирайлик.

Аммо улар ҳеч қанча сухбатлаша олмадилар — хона эшиги очилиб, турли ёшдаги учта киз (Ёки аёлларми? Ҳар холда уларнинг ёши Барнога қараганда сезиларли даражада катта эди) кириб келди ва шу заҳоти хонани арzon атири ва маҳорка хиди босди.

— О, Барношка, меҳмонинг борми дейман! — деди улардан бири, салки юзига қалин мойупа уриб, кўзига сурма тортгани русчалаб. — Дўмбоқкина экан! — Нодирага баҳоловчи назар ташлади у. — Дугонангми? Сен билан етимхонада ўғсанми?

Барно кўрқа-писа Нодирага кўз ташлади:

— Ҳа... лекин ҳозир университетда ўқийди!

— Университетда? — ишонмагандек қайтарди аёл. — Зўрку! Бўпти, айт, тез-тез келиб турсин. Балки уни ҳам ўзимизга кўшиб олармиз. Хўш, — у каравотда ётган тароқни олди. — Кийинамиз бўлмаса! Барношка, бўла қол, кечикамиз. Йигитлар машина заказ қилишган. Айтганча, Алик сени жуда мақтади, — илжайди у қизга кўз кисиб кўяркан, — зўр экан, деди!

— Биз кинога бормоқчи эдик, — деди уятдан қизариб кетган Барно Нодирага. — Балки бирга борарсан? Яхши кино дейишапти. Американики...

Нодира бу ерга келаётганида дугонаси билан кўпроқ ўтириб, узокроқ сухбат қилишни мўлжаллаган, аммо Яшарнинг қилифи ҳаммасини чиппакка чиқарганди. Бу камлик қилгандек, ундан ҳеч ийманмай кийиниб-ецинаётган аёлларнинг ўзига дам-бадам ташлаётган баҳоловчи нигоҳлари...

— Мен борай, — деди у ўрнидан тураркан. — Ётоқхонамизга ўт.

— Кузатиб қўяман.

— Йўқ, йўқ! — шошиб қолди Нодира. — Ўзим кетавераман!

Шу ерда хайрлашганимиз маъқул.

- Яна қачон келасан? — кўзлари намланди Барнонинг.
 — Келаман! Бўпти, яхши қол.
 Барно уни қаттиқ бағрига босди:
 — Дугоналарингга... Яшарга салом айт!
 — Албатта!

Нодира эшикдан чиккан заҳоти аёл Барнонинг тепасида тўхтаб, истехзоли илжайди:

- Яшаринг ким? Илгариги... детдомдаги ухажёргингми?
 — Соня опа! — деди аранг чидаб ўтирган Барно унга газаб тўла кўзларини тикиб. — Нега Алик ҳақида... Шуни сиздан бирор сўраганими?!

Соня хаҳолади:

— Нимасини яширасан! Сен энди эркин, балоғат ёшидаги кизсан. Ёшлигингда бу бевафо дунёнинг бор лаззатидан баҳраманд бўлиб қолмайсанми, нодон қиз! Кўз очиб юмгунингча умр ўтади-кетади! Мана, бизга кара ва қандай яшаш кераклигини ўрган... Бўлди, — деди у норози оҳангда, гўё у Барнони эмас, Барно уни хафа қилгандек. — Сенга нотация ўқиб ўтиришга вакт йўқ! Чикиб, юз-кўзингни ювиб кел. Роса дийдиёлашгансанларми дейман, икки етимча! Бу туришда йигитларнинг хузурига қандай чикасан? Бўл тез! Кутуб колишмасин.

Барно чайнини шга эмас, унинг фаҳш балқиб турган юзини кўрмаслик, юрагига ханжардек ботаётган сўзларини эшитмаслик учун ташқарига отилди.

У энди чиганокларга бой (улар ўнга яқин бўлиб, бутун қават учун мўлжалланганди) ювениш хонасининг деразасига бош тираб, қандайдир ўзларига ярашмаган тезлик билан (Балки югурсалар бўларни?) узоклашаётган Нодира ва Яшарни кўзидан оқаётган қайнок ёш билан кузатиб туради: шунча жойдан келиб, ҳеч курса ҳол сўрашни ўзига эп кўрмабди. Но-мигагина бўлса-да! Қандай кечирилмас айбим (севганимми?!) бор эдики, ҳатто кўришни истамабди!

Яшар Нодиранинг нохуш кайфияти (у йифламоқдан нарибери эди), Барнонинг хузуридан бунчалик тез чикқанини ўзича тушунмоқда эди: “Мендан хафа – балки... киришим керакмиди!”

Автобусда ортларига қайтишар экан, Нодира хаёлчан нигохини йўлдан узмади, Яшар билан бир оғиз гаплашмади, ҳатто ёнгинасида турганини сезмаётгандек ҳам эди.

“Ха, у аёлларнинг кимлиги аник! Бегубор севгиси жавобсиз колган баҳтиқаро Барно эса шулар орасида. Алик деганлари ким? – Нодира алам билан кўзларини юмди. – Ким бўларди, агарки ўша аёлларнинг таниши бўлса! Шўрлик қиз. Ўқишга кирганида бу балоларга дуч келмасмиди. Энди нима бўлади? Бир умр шундай яшайдими?”

Қанчалик уринмасин, ётоқхонага якинлашиб колганларида барибир кўз ёшини тўхтата олмади, фойега кирганида эса Яшар билан ҳатто хайрлашмай, хонаси томон чопқиллаб кетди.

Яшар-чи?

У ҳар бир ошик қалб сингари маълум маънода худбин бўлишга ултурғанди, қачон бугунги кун тугаб, эрта бўлишини кутарди, кўз ўнгидан энди фақат биргина сиймо жой олганди – Камола!

Ўттиз тўртинчи боғ

Орадан бир ҳафта ўтиб, Юсуф ётоқхона қироатхонасида китоб ўқиб ўтирган Нодирага (у энди кизнинг қаерда кўпроқ бўлишини яхшигина билиб олган, ўрталарида дўстона саломалик пайдо бўлганди) яна бир яхши фильм келганини айтганда, у аввал кулди.

– Майли! – деди сўнг. – Қизларга айтиб кўраман.

– Қизларга?! – иккиланиб колди Юсуф. – Лекин мен... иккитагина...

– Нега? – муғомбirona илжайди Нодира. – Ёки пулингиз етмадими?

– Пулим? – қизарди Юсуф. – Йўқ, пулим бор эди... ҳа-а-а, чипта бошқа қолмаган экан! Энг охиргисини олгандим!

– Нега ҳадеб ёлғон гапираверасиз? Билиб қўйинг, мен ҳазилкашларни эмас, ёлғончиларни ёмон кўраман.

Энди Юсуф дадиллашди – киз очиқдан-очик унинг ўшанда айтган сўзларига ишора килмоқда эди ва бу ишора...

– Унда ростини айтаверайинми? Ҳафа бўлмайсизми? – деди у Нодиранинг кўзига тик караб.

Йигитнинг чехрасидаги илгари ҳеч қачон кўрмаган қатъийлик ва жиддийликни кўриб, Нодиранинг юраги дукуллади.

– Нега ҳафа бўлайин?

– Унда эшитинг. Хуллас... мен... сизни...

Нодира тезда китобни ёпиб, ўрнидан турди:

– Бўлди, бошқа ҳеч нарса деманг! Чипталарингиз бугунгами?

Юсуф негадир ўзини йўқотиб кўйди.

– Энди оламиз-да! – деди у бир пайт гуноҳкорона илжайиб. – Бошқа кизлар ҳам бирга боради, деганингиз учун... ёлғон гапиргандим. Ўтинаман! Факат иккимиз борайлик!

Бир зум нима дейишини билмай қолган Нодира жойига қайтиб ўтириди ва китобни очди:

– Йўқолинг! – деди вараклардан кўз узмай. – Ёки бугун чипталарни олиб келасиз ёки сизни бошқа кўрмайин!

* * *

Фильмдан қайтар эканлар, Нодира унинг сўзларига на ишонишни, на ишонмасликни биларди.

– Ёдингизда бўлса, кимларни ёмон кўришимни айтгандим сизга. Ҳазиллашмаяпсизми? Янада тўғрироғи – алдамаяпсизми?

– Ўзим бир неча марта кўрдим, лекин бу... комсомол ишлари билан боғлик бўлса керак, деб ўйлагандим. Кейин баъзи гурухдошларимиз иккисини кинода ҳам кўришибди. Нега бунча ҳайрон қолаяпсиз? – кулди Юсуф. – Нима қилибди? Мана, масалан, иккимиз...

– Иккимизни тинч кўйинг, илтимос, – уф тортди Нодира, – ҳозир Яшар хақида гапирайпмиз! Мен, гапнинг очиши... – Нодира бир оз тин олди. – Юсуф ака, сиз Ойгулни биласиз-а? Менинг хонадошим, дугонам?

– Жудаям чиройли қиз.

– Яхши пайқабсиз! – кулди Нодира унга ғалати караб. – Ўша... нима десам экан... Яшарни... уф! – жойида депсинди у. – Тушунаяпсизми-йўқми?

– Яхши кўрадими? Севиб колганми?

– Оғзингизнинг бир чеккасидан чикиб кетади-я! – пикиллади Нодира. – Ҳа! Шуни айтмоқчи эдим! Бўлдими!

– Нима қилибди? – елкасини қисди Юсуф. – Шуни ҳам муаммо деб кўтариб юрибсизми? Бир куни ўзи билиб олгач, тинчийди-кўяди. Севмаганга суйкалма, деганлар.

Нодиранинг ёдига негадир Барно тушди.

– Буни... шунчалар осон деб ўйлайсизми?

— Билмадим яна. Чунки бундай нарса... яъни, жавобсиз севги бошимга ҳали тушмаган. Агар биронта қиз менга эътибор бермаётгани, кўнгли бошқада эканлигини билсан, ўлсан ҳам унга яқинлашмайман ва... бошқаларга ҳам шуни маслаҳат берган бўлардим.

Негалигини ўзи билмайди (балки гап ўзи ҳақида кетаётгандек туюлгандир?), Нодиранинг бирдан файирилиги келди:

— Шунаقا денг? Ўзингизга жуда ишониб юбормаяпсизми?

Жойида тўхтаган Юсуф Нодирани қўлидан илк бор тутиб ўзига қаратганда, қиз унинг кафтлари илиқ, бармоклари қаттиқ, кучли эканлигини сезиб, бадани жимирилаб кетди.

— Шунга умид киласман. Бу ёғи энди... сизга боғлик.

Улар йўлнинг қолган қисмини бошка ҳеч нарса демай, лекин қўлларини бир марта ҳам қўйиб юбормай босиб ўтдилар.

* * *

— Мен ҳаммасини биламан ва... табриклайман.

— Юсуф айтдими? — қулиб юборди Яшар қиздан анча пайт кўз узмай тургач. — Умрим бино бўлиб унингдек оғзи бўш одамни кўрмаганман! Ҳа, нега илжаясан? Унда билиб қўй — мен-да ҳаммасини биламан! У ҳар бир қадамларинг ҳақида менга ҳисоб бераяпти. Лекин... билмадим, нима учун.

Нодира қўзларини сузди:

— Оғзи бўш дедингми? — сўради у худди ўзига тегишли ҳеч нарса дейилмагандек. — Яна қандай камчиликлари бор? Умуман... қандай одам ўзи? Ахир, доимо ёнидасан-ку!

Яшар ундан нима исташаётгани, энг нозик туйғулар сири ўзига ишонилаётганини бирдан сезди. Бу ҳолат ҳам ҳаётда камдан-кам рўй бериб, факат энг яқин — шунга муносиб бўлса, албаттa! — кишига ошкор қилинади.

Ростини, факат ростини айтиш керак. У қандай бўлса — шуни!

— Юсуфми? — деди Яшар бир оз тин олгач. — Ажойиб йигит. Энг яхши инсонларда бўлиши мумкин бўлган барча хислатлар унда мавжуд: виждонли, кўнгли очик (қўли ҳам — буни қандай килиб эсдан чиқариб бўлади!), мард, раҳмдил... умуман, ўзини билган ҳар қандай қизни баҳтли қилишга қодир. Оғзи бўш бўлса, нима килибди? Бу, менимча, камчиликка кирмайди. Писмиклардан кўрк, деганлар.

* * *

– Бошка пайт десаларинг майли эди, лекин оиласвий байрамда (эндигина урф бўлиб бораётган янги йил байрамини шунақа таърифлашаётгани етимхонадалигидаёқ қулогига чалинганди) бегона одам нима килади? – деди Яшар худди шундай баҳс эртаси куни хоналарида бўлиб ўтаётганда барча таклифларни рад қиларкан.

Ойгул каби Юсуф ҳам бўш келишни истамасди.

– Жуда билағон бўлиб кетмаяпсанми? – деди у. – Янги йил оиласвий байрам эканми? Сендан эшитишим! – У бир оз ўйланиб қолди. – Бўлса бордир, аммо нима бўлгандаем кечикдинг – ўттиз биринчи декабрь куни бир дўстим билан келаман, деб ёзиб юборганман. Агар йўқ десанг, билиб қўй... мен ҳам коламан!

У Яшарни “кўркитиш” учунгина бу сўзларни айтиётган бўлиб, аслида, уйига ҳеч нарса ёзмаганди. Ҳафта сайин келиб турган хатларда соғинаётганларини – айниқса, онаси! – шу кунни интизорлик билан кутишаётганини ёзишар, унинг ўзи ҳам ҳар сонияда уйига талпиниб турарди. Колаверса, Нодира ҳам Ойгулниги кетаётганини бугун маълум қилиб, бу ерда колишнинг Юсуф учун энди қизик жойи қолмаганди.

Лекин у бошка бир нима – Яшарнинг аллақачон бошка ёқка таклиф қилинганини билмасди. Тўғри, бу ҳам оила бўлиб, дўстларига айтган гаплар мантиқан ўша хонадонга ҳам тааллукли эди, лекин Камола худди билиб тургандек, бу эътирозни олдиндан бартараф килганди.

– Ранжимайсизми, сизга бир нимани айтсам? – деганди у Яшарга икки кун илгари гапни узоқдан бошлаб.

– Наҳотки сиз бировни ранжита олсангиз? Ишонмайман.

Камола ўнг қўлини кўксига қўйиб, охиста таъзим килди :

– Раҳмат комплемент учун! Хуллас, ваъда бердингиз-а?

– Кўп кўркитманг-да одамни! – кулди Яшар.

– Гап шундаки, сиз Янги йилни... бизникида кутиб оласиз. Тўхтанг! – деди Камола Яшарнинг лаб жуфтлаётганини кўриб. – Илтимос, охиригача эшиting. Берган ваъдангизга ишонган ҳолда, мен ҳозир ҳаммасини очик айтишим, сиз эса нима учун эканлигини билиб олишингиз керак: мен кеча онамга сиз ҳақингизда батафсилрок... тўғрироғи, иккимизнинг муносабатимиз ҳақида... билмадим, тўғри килдимми-йўқми... бор гапни айтгандим. Ҳа-да, қачонгача яшириб юрамиз!

Назаримда онам... кўркиб кетгандек бўлди, кўлларини

ковуштирганча анча вакт кўзларимға тикилиб тургач, бир сўз демай мендан узоқлашди. Кейинроқ, бир юмуш билан меҳмонхонага кириб қолганимда, дадамга (мана, қаерга кетган экан!) куйиб-пишиб нимадир деётгани устидан чиқдим. Мени кўриб, хижолатга тушиб қолгандаридан гап нима ҳақда бора-ётганини тушуниш ҳеч қийин эмасди.

Нима деб жавоб беришларини билмай, юрагим сиқилиб турганида – ётиш олдидан – онам мени ёнига чакирди ва кизарганча... Янги йилга сизни олиб келишимни сўради! Тўхтанг – энг асосийси турибди ҳали! Биласизми, дадам ҳам хизмат машинасида ишдан қайтаётганида... бир неча марта кўрган экан! Уйимга кузатиб кўйган пайтларингизда! Хуллас, у киши ҳам сизни кўрмокчи. Шу! – жилмайди Камола. – Энди bemalol гапиришингиз мумкин – ҳар иккала кулогим ҳам ихтиёрингизда!

Яшар воқеаларнинг бунчалик тез ривожланиши, орзулари йўлидаги тўсиклар бунчалик тез олиб ташланишини ҳали-вери кутмаганди. Камола билан яқин муносабатда бўла бошлаганидан сўнг юрагида кандайдир бир хижиллик ўрин олган, ўзини қиз, тўғрироғи, унинг оиласи билан таққослар ва бу таққос ҳеч бир яхшиликдан дарак бермасди. Ҳа-да! Етимхонада тарбия олган ҳеч кими йўқ йигитни ким куёв қиласарди! Айникса, Камоланики каби ўзига тўқ, обрули оила. Отасининг ҳам болалигига етим қолганими? Буни унинг номаълум, ҳатто сирли ўтмиши билан тенглаштириб бўладими!

Шундай пайтларда унинг юрагини алам ўртар, ким эканлигини тезроқ билиш истаги билан ёнар, тез орада бунга эришишга умид киласарди. Кейинми? Кейин нима бўлиши номаълум, аммо шу оиласа муносиб бўлгандан сўнггина уйланади. Камола уни маълум маънода шошириб кўйгани билан, айтганларида жон бор эмасми? Қизлари тақдирини ким билан боғламокчи эканлиги қайси ота-онани кизиктирмасин? Таклифнинг кутилмагандалигими? Шукур қилиш керак эмасми? Кимлигини эшитгач (Камола онасига нимани “батафсил” гапириб бергани кундек равшан-ку!), бирданига орани узишни талаб қилганларида нима бўларди?

* * *

Ўтаётган йилнинг сўнгги куни.

Кўплар умид килиб кутган, уч-тўрт кун олдин элаб ўтган киш рамзи эриб, факат иморатлар сояси тушиб турар жойлар-

дагина колгани хисобга олинмаса, фаслнинг номини “окловчи” – юпқа кийинганларнинг этини жунжиктирувчи изғирин бу хисобга кирмайди – ўша белги йўқ эди.

Яшар қош корайгач, оиланинг узок-яқинлари байрам билан табриклаб, кизчаларни совға-саломлар билан сийлаб, хайр-хўш килгандаридан сўнг келди.

Ташқаридан караганда бошқа кўшниларнидан фарқ килмаса-да, ҳовли ичкариси унинг сохиби ростдан курувчи-муҳандис эканлигидан далолат берарди: ҳамма уй ва ёрдамчи иморатлар бир-бираига мутаносиб, ранглар ва қурилиш ашёлари ишнинг кўзини билиб танланган, ҳовли сахни ҳажмига кўра яна ўша кўшниларнидан фарқ қилмагани билан, кенгрок, шинамроқ эди. Рўзгор буюмлари ҳам батартиб, ҳаммаси жойжойида, лекин энди бу Камола ва онасининг уринишлари натижаси бўлса керак.

Яшар умри давомида биринчи марта бировнинг уйига совға-салом билан келди: ичига икки донадан олма, анор, нок, ёнғоқ, у номини билмайдиган конфет ва яна нималардир солинган ялтироқ, шаффоф, ҳар текканингда шалдираб турадиган, сиртига “С новым годом!” деган гажакдор ёзув ва ёноклари кип-қизил, серсокол, қўлида қаландарлар тутадиган асо ушлаган қорбобо сурати туширилган “падарка” – копчаларни (етимхонадалиги пайтида ҳар янги йил олдидан ўзига ҳам шу каби копчалардан тегиб турарди, лекин ўзи Камоланинг сингилчаларига атаб олаётган қопчаларнинг ўшаларга караганда оғирроқ эканлигига дўкондаёқ эътибор қилди) узатганда, раҳмат айтиб қабул килган қизчаларнинг қизикувчанлиги устун келди шекилли, ундан кўз узмай жойларида туришаверди.

– Мехмонхона печига кўмир ташламасанг ўчиб қолади, – деди Камоланинг онаси Яшар билан саломлашгач қизига ўғирилиб. – Чой ҳам кўй.

Келганидан бери синовчан нигоҳини узмаётган аёл (ёши кирклардаги ок-сариқдан келган бу аёлнинг исми Ҳулкар эди) тўрт тарафидан шойи кўрпачалар солинган хонтахта тўрини кўрсатганида, меҳмондорчиликдан ҳам кўра кўпроқ “кўрикка” келганини яхши тушуниб турган Яшар индамай бориб, чордана қурди.

Очиғи, Яшар бунака ўтиришга кўникмаганди ва умри давомида...

Йўқ, сира тўғри келмаган экан! Лоакал бир марта! Бу тарзда ўтириш ўзбек хонадонларида эркаклар учун энг биринчи

одоб белгиси эканлигини эшитган ва энди ҳамма нарсаны унуби, бардоши канчага етиши хакида кайғуарди. Балки, стул таклиф килсалар яхши бўлармиди?

У хонага сездирмай кўз ташлади. Ана, устига попукли духоба ёпингич ташланган стол атрофида суюнчиғи баланд-баланд, кизғиши ёғочдан ишланган юмшоқ стуллар катор турибди-ку!

Сал колди унинг хўрсиниб қўйишига, аммо уй бекаси караб турган экан, бунинг имкони бўлмади.

– Хуш келибсиз. Ўқишлар, ишлар яхшими? – сўрашди аёл.

– Яхши. Барчаларингизни янги йил билан қутлайман, узоқ умр, баҳт-саодат, ўкиш ва ишларингизда улкан муваффакиятлар тилайман!

“Директоримиз бизни шунаقا табриклармиди? – кизарганча ўйлади Яшар етимхонада ҳар йили катта тантана билан ўтказилувчи янги йил байрамини, унинг қўлидан олинадиган “падарка”ларни эслаб. – Чучмал чиқмадимикин? Эҳ, индамайгина ўтирсам бўларкан...”.

– Ўзингизни ҳам, – деди Хулкар сал бўлмаса кулиб юборай деб. – Сира тортинманг, хўпми. Бир оздан сўнг амакингиз ҳам келиб қолади. – У Яшарга яна бир марта баҳоловчи назар ташлади. – Камола имтиёзли равишда ўкишга қабул килинганингизни айтади доим. Сизларда шу даражада кучли билим беришадими?

– Бу... одамнинг ўзига ҳам боғлиқ, – деган Яшарга сўзлари нокамтарона янграгандек туюлди ва тезда қўшиб қўйди. – Факат мен эмас, яна битта киз ҳам шундай битирганди...

– Ҳа, ўқийман деган одамга ҳеч нарса ҳалақит беролмайди. У киз ҳам биронта ўқишга киргандир? Вой, шунақами! Қандай яхши! – Хулкарнинг яна нималарнидир сўрагиси келар, аммо эндини танишаётганлари учун, ўзини унчалик эркин сеза олмаётганди. – Ўтиришимни! – деди у бир пайт тезда ўрнидан туриб. – Ҳали канча иш ётибди! Пишириқ, бошқа нарсалар дегандек... Сиз бемалол ўтираверинг, хўпми!

Аёл қандайдир пишириқ тайёрлашдан ҳам кўра уни хижолат килмаслик учун чикиб кетди дея ўйлаган Яшар шу заҳоти оёкларини хонтахта тагига узатиб, уюшиб қолган томирларини уқалади – энди нафақат мана шунаقا килиб ўтириш, ҳатто стулларга караб ҳам истаганингча хўрсиниб қўйса бўларди!

“Ҳа, мен... биз ўсиб-улғайган шароит барибир хонадон-

лардан фарқ қиласы, – ўйлади у. – Хатти-харакаттар, айтаёт-ган сүзлар, ұзимни тутишимда қандайдыр... ўзгачалик бор. Бу Юсуф ва унинг ўртоказы билан бир хонада жойлашган куним айникса сезилганды. Ҳеч бўлмаса, мана шу... ўтиришни олайлик! Махтумкулида қандай байт бор эди? “Бирор билан ошно бўлай десангиз, маъракада ўтириб-туришин кўринг”... миди? Наҳотки у мана шунака ўтиришни назарда тутган бўлса? Ё гуркманлар бошқача ўтирадими? Нима бўлганда ҳам бирорни билиб олиш учун шунчалик муҳим нарса экан-да бу. Яна ким билади... балки шоир бутунлай бошқа нарсани назарда тутган-дир”

Унинг хаёли энди Камола, унинг оила аъзоларига кетди.

Онаси-ку, сипогина аёл экан, лекин отаси қанака бўлса? Катта мансабдаги одам эмасми, бирданига сўраб қолса-я... ниятлар қандай, нега қизимга илакишиб қолдинг, деб?

Ховлидан қизчаларнинг шодон қийкириклари янграб, сўнг эркак кишининг нималардир дегани эшигилди – афтидан у қизчаларни эркалаб, уларга совға улашаётганди.

Яшар ҳузур килаётган оёқларини хонтахта тагидан тортиб олишга улгурмай, эшикни қия очган Ҳулкарнинг ойдек юзи кўринди:

– Мехмонхонага ўта қолинг, – деди у ним табассум билан. – Амакингиз келдилар. Чойни ҳам ўша ёққа киритдик.

Яшар хонадон сохибини ўзи кўрган суратлар бўйича умуман бошқача тасаввур килганди: хипча, оёқ-қўллари узун-узун. Лекин ҳозир унга башанг кийинган, тиник юзли, пешанаси кенг, соchlари худди шу ерда сал сийраклашган, аммо бирон-тасига оқ тушмаган салобатли киши ўнгайсиз жилмайганча караб турарди.

У салом берган Яшарга ҳар иккала қўлини узатди.

– Ваалайкум-ассалом! Қани, мана бу стулга... йўқ, йўқ, мана бунисига дедим. Яхши. Зерикмадингизми? Яшанг. Эртароқ келмоқчи эдим, лекин ҳеч иложи бўлмади... Хў-ў-ш, ҳа, мана чой, қайтаринг. Айтгандек, меҳмонхона совуқ эмасми? Э, қойил! Барча саволга “йўқ” жавобингиз тайёр экан-да! Нима десангиз денг-у, лекин бу йилги янги йил ўҳшамади – болалар хурсанд бўлиши учун ҳеч бўлмаса кечга якин озгинна кор ташласа бўлармиди... Хў-ў-ш-ш... Исмингиз... Яшар эди-я? Меники Мардон, шаҳар қурилиш бошқармасида ишлайман. Ана, танишиб ҳам олдик. – Яшар унга чой куйиб узат-

ди. – Энди ўзингизга ҳам... майли, озгина тўқилса ҳеч нарса килмайди, ана сочик, артиб олинг. Мен учун бу янги йилни кутиб олиш сал бошқачарок бўладиганга ўхшайди. Нима учун-лигини биласизми? – илжайди Мардон. – Ҳа, қаердан ҳам билардингиз. Гап шундаки, бу байрамни мен ҳар сафар хотин-қизлар даврасида кутиб олардим... яъни, янгангиз ва қизларим билан. Бугун эркаклардан икки киши бўлдик. Ҳатто ким билан тўкиштириб ичишни ҳам билмасдим! Айтгандек... ичасизми? Яна йўқми?! Алдаётган бўлманг тағин? Аттанг. Майли, озгинадан шампан иссак ҳеч нима килмас – байрам-ку! Мен ҳам ичишни Германияда ўрганганман, унгача оғзимга олмасдим. Уларнинг миллий ичимлиги бор, “шнапс” дейишади, русларнинг “водка”сидек. Пивони ҳам хуш кўришади, айниқса, баварияликлар... Э, тўхтанг! – кулди у. – Бу одам Германияда нима килиб юрибди, деб ҳайрон колмаяпсизми ўзи? Нега?! Биласизми?! Оббо, сиз-ей! Разведкангиз ёмон ишламаскан. Бўлти, бўлти, гапларим тағин оғир ботмасин, бир-бирилизни мана шундай яқинроқ билиб олганимиз яхши. Бор икир-чикири билан. Қани, чойдан яна озрок... устига солаверинг, ҳеч нарса килмайди.

Агар уй бекаси ҳовури шифтга ўрлаб, хиди димокни китиковчи паловни олиб кирмаганида, у яна канча гапиради – ёлғиз Яратганга аён. Яшар унинг нега бундай килаётгани ва бу каби бирёкламали “сухбатга” алоҳида тайёргарлик кўрганини ҳам тушуниб турарди – ўртада ҳеч бўлмаса бир неча сонияга пайдо бўладиган жимликтан ўзи асрасин! Айниқса Яшар учун бу кони азоб бўларди.

Ноз-неъматлар билан тўлдириб ташланган столда лаган учун жой топиш анча кийин кечди, ҳеч бўлавермагач, Мардоннинг назарида “ортиқча” бўлган баъзи пиширикларни ойнавандли буфетга олиб қўйишга тўғри келди.

– Нега иккита қошиқ? – гўё ҳайрон колди Мардон. – Үзларинг келмайсизларми?

– Биз ошхонада ўтирадиган бўлдик, – ҳеч кимга қарамай жавоб берди Ҳулкар устма-уст қўйилган нақшин нонлардан бирини синдирап экан. – Қани, ўзингиз бошлаб беринг. Бирон нима керак бўлса, хабарлашиб турамиз. Ош бўлсин!

Бека чикиб кетгач, Мардон Яшарга кув назар солди:

– Майли, шунга қарор қилишибдими, биз бечоралар нима ҳам дердик. Қани, бисмиллоҳу раҳмону роҳимм...

Яшар ошга кўл узатаркан, капкири у ёқдан-бу ёкка тебрабаниб, чик-чик юраётган соатга кўз қирини ташлади: энди тўқкиз бўлибди, янги йил киришига ҳали уч соат бор.

Бир пайт хаёлига келган ўйдан ғалати бўлиб кетди: бугун шу ерда қоладими? Ярим тундан сўнг кетишига йўл кўйишмас? Ҳеч бўлмаганда, хавотир олишларини важ қилиб! Нокулай бўлмасмикин!

Бутун умри ётоқхоналарда ўтиб, ақлини танигандан буён шу кунга қадар ғам ва ташвишлари бир маромда кечувчи тўлақонли оила яшайдиган уйда бирон марта бўлса-да тунамаган, бунака оиласарда хаёт аслида қанака кечишини тасаввур ҳам қила олмайдиган Яшар учун бу ростдан ҳам ғалати, ҳатто ғайритабиий эди.

* * *

Биринчи курсни битириш арафасида ушбу хонадоннинг деярли тўлақонли аъзосига айланган Яшар Камоланинг отонаси ундан нима исташаётганларини ҳам билиб олди. Ўша янги йил оқшомидан сўнг ўртада анча-бунча яқинлик пайдо бўлиб, сұхбатлар энди очикроқ тус ола бошлагач, онаси биринки марта ўғиллари йўклиги, агар имкони бўлса, Камолани күёвдан ҳам кўра ўзларига... ўғил бўлиши мумкин бўлган йигитга бериш орзулари борлигини қистириб ўтди. Гарчи “ичкүёв” деган сўз бирон марта тилга олинмаган бўлса-да, Яшар ўзига бу оиласада кандай ўрин ажратилаётганини пайқамаслиги мумкин эмасди.

Пайқаганда нима? Хафа бўлиши керакми? Нима учун? Камолага эришиши барибир ҳам шу инсонларга боғлик эмасми? Билмасмиди, қизлари ва унинг ўртасидаги муносабат бошка ҳар қанака ҳолатда уларни кониктирмаслигини? Худога минг қатла шукр килиши керак эмасми, унинг кимлигини – ёки, насл-насаби умуман номаълумлигини! – била туриб, қаршилик кўрсатмаётганларига? Қай бир жиҳати билан ёқибдики, қизларига муносаби кўришаяпти, пайти келганда, мана, ниятларини ҳам яширишмаяпти, ён-атроф, қўни-қўшнилар орасида гап-сўз бўлишдан кўркишмай, ҳар келганида очик чехра билан кутиб олиб, атрофида парвона бўлишаяпти. Қизчалар ҳам – балки ҳали гўдак бўлганлари учун бегона ва бир оз тортинчок бу йигитнинг нима учун уйларига серкатнов бўлиб колгани моҳиятининг тагига етмагандирлар – энди ундан тортинмай

қўйишган, Камоланинг айтишича, уч-тўрт кун кўринмай қолса, ҳатто сўрайдиган бўлишибди.

Айнан шу оила билан якиндан танишув натижаси ўлароқ ўқишини сиртки ёки кечки бўлимга ўтказиш нияти ҳам ниятлигича қолиб кетди. Бир гал шу ҳақда айтганида, анча вақт унга тушунмай караб турган Камола нега бундай килмоқчи бўлаётганини сўнгроқ англади шекилли, деди:

– Майлими, бу ҳақда... дадам билан гаплашиб кўрсам?

– Итимос Камола, ўртамиздаги ҳамма гапларни уларга етказиб ўтируманг! – кизариб кетди Яшар. – Нима фарки бор? Бу билан муносабатларимиз ўзгариб колмайди-ку!

– Лекин буни дадам билан бамаслаҳат ҳал қилмасангиз хафа бўлиши мумкин, – деди Камола. – У киши катта ҳаёт тажрибасига эга.

“Катта ҳаёт тажрибалари” билан ўртоклашган Мардон гапни бирданига сиртки ва кечки ўқиши ҳеч качон қундузги билан тенгглаша олмаслигидан бошлади: “Ўргамиёна талаба бўлганда бошка гап эди, лекин Камоланинг сўзларига ишонилса (шу ерда у кулиб қўйди), уни “буюк ишлар” кутиб турибди (Яшар шу ерда университет комсомол кўмитаси котибининг сўзларини эслади), факультет раҳбариятининг аллақачон эътиборига тушган. Ҳаётда одам доим юксак мақсадларни кўзлаши керак, Яшар эса бу нияти билан гўё... нима қилиб бўлсаям дипломни қўлга киритишини кўзлаётгандек. Ҳа-да, сиртки ёки кечкида ўкиётган талабада яна қандай истак бўлиши мумкин? Агар бошка истаги бўлганида ҳам, ушбу бўлимлар керакли дарражадаги билимни бера оладими? Киши ўз иктидорини хурмат қилиши, эъзозлаши керак, уни бўлар-бўлмас икир-чикирлар йўлида курсон килмай...

Ҳа, баъзи бир қийинчиликларга дуч келаётгандир, лекин уларни эндиликда ўзига... – Мардон сал кизариб, керакли сўз излаб қолди, – бегона бўлмай қолган одамлар билан бирга бартараф килса, оқилона иш бўларди.

Мардоннинг дипломатларга хос тарзда қоғозга ўраб берилган маслаҳати, аслида, бажарилиши керак бўлган кўрсатма эди. Яшар бундан оғринмадимикин, дея хавотирланган Камола эртаси куни уни “юпатди”.

– Ҳаёлингизга бошка ўй келмасин – яхши ўқишингизни исташаяпти, холос! Айтгандек, шу сухбатларингиздан кейин

дадам сизни роса мактабди! Онамга! Мехнатдан қочмайдиган одамларни у киши жуда қадрлайди.

Яшарнинг иккинчи бир катта нияти – назарида у ҳамма нарсадан устун турарди – Нодирага берган ваъдасини амалга ошириш ҳам шу каби якун топди. Биринчи курсни битиргач ўзининг ўтмишини билиб олиш учун – имкон қадар, албатта! – сафарга отланмокчи бўлганини айтганида, Мардон унинг дилини оғритмайдиган килиб, бунинг нима учун кераклигини сўради.

Яшар максадини айтар экан, гап ўз-ўзидан Нодирага тақалди.

– Нима, – таажжубланди Мардон, – ўша қиз... синглингиз бўладими?

Эр-хотин кўз уриштириб олишди.

– У ҳам сиз билан ўқийдими? – ажабланаётганини яширгамиди сухбатда иштирок этаётган Ҳулкар ҳам. – Шундай дедингиз, шекилли?

– Ана, сиз эса ҳеч кимим йўқ, деб ўйлаб юрибсиз! – кулди Мардон салдан сўнг Нодирага оид баъзи бир тафсилотларни эшишиб бўлгач. – Зўр-ку! Жуда ҳам бўлиши мумкин! Ҳатто ютукларингиз ҳам бир хил экан!

Ҳулкарнинг эса қизиқиши ошгандан-ошиб борарди:

– Уни кўрсак бўладими?

– Бизни доим... ёнма-ён қўйиб томоша қилишарди, – жилмайди Яшар. – Иккимиз ҳам болаликда шундан кўркардик... йўқ, уялардик! Билмадим, келармикин.

– Унга Камола ҳакида айтганмисиз?

– Биз бир-биримиздан ҳеч нимани яширмаймиз.

Бир озгина давом этган музокарадан сўнг Нодирани яқин орада улар билан таништириш ҳал бўлди, дея хисоблаётган Мардон Яшар кўзлаб турган сафарга яна қайтди:

– Жуда қийин, – деди у бош чайқаб. – Ҳаммага эгизаклар бўлиб туюлар экансиз-у, лекин ҳатто туғилган йилларингиз турлича! Исм-шарифларингиз ҳакида-ку, айтмай! Қўркаманки (факат хафа бўлманг!), бу уринишингиз ҳеч қандай натижа бермайди. Сиз ва ўша кизнинг истакларини тушуниб турибман, лекин воқеликка ақл кўзи билан караш керак. – Мардон ўнғайсиз жилмайди. – Менинг муаммоларимга бу одам нега аралашаяпти, ҳатто йўлдан қайтармокчи бўляяпти, деб ўйламанг тағин. Марҳамат, бемалол йўлга тушишингиз мум-

кин! Бирок мантиқан ўйлаб кўрилса... сизларни топиб олган ёки топширган ўша одам ёки бир неча шахс... кимлигингизни билганида, бундай чалкашликка йўл кўйилмасди. Агар мўъжиза рўй бериб – энг биринчи манба сифатида, албатта! – айнан кимнинг кўлидан қабул килинганингиз аниқланса ҳам, уни топиш осон бўлмайди. Кексарок бўлса, аллақачон вафот этиб кетгандир, ёшроқ бўлса... Биласизми, истаганча тахмин қилиш мумкин. Дейлик, ҳалигина айтиб ўтганимдек, ўша одам кимлигингизни умуман билмайди. Агар бошқа-бошқа жойда ва бутунлай бошқа одамлар томонидан топилган ва тегишли муассасага топширилган бўлсангиз, сизларнинг эгиз бўлганингиз ҳакида – гап аслида мана шу ҳакда бормоқда, тўғрими? – бирон хулоса чиқаришнинг ўзи кулгули. Чунки буни ҳар икки томон ҳам билмайди. – Мардон ўйланиб турди. – Ёдингизда бўлса... аввалги сұхбатимизда, бирон муаммо пайдо бўлиб қолса, дўст-ёронлардан кўмак сўраш айб эмас, дегандим. Тўғрими? Яшанг. Бу муаммо ҳам ўз кучингиз билангина ечиладиганга ўхшамайди. Шунинг учун, сабр қилишингизни сўраган бўлардим. – У кафтини стол устига тап этиб кўйди. – Эҳ, қани эди вақти бемалол одам бўлганимда! Керакли жойларга ўзим бошлаб бормасмидим! Лекин кўриб турибсиз, уйга факат тушлик қилгани-ю, ухлагани келаман. Таътилни эса ҳар доим қишда беришади... курилиш ишлари камайганда. Яшар, ўғлим, келинг шу юмушларни бир китоб қаҳрамонининг сўzlари билан айтганда “яхши кунлар келгунга қадар” қолдирсак! Нима дедингиз? Вақтимиз бемалол, имкониятларимиз кўп бўлганида? Кўрмаган, билмаган жойларингизга сизни юбориб, – у нигоҳини четга олди, – биз қандай хотиржам ўтира оламиз? – Мардон бир оз ўйланиб тургач, давом этди. – Яна ўзингиз биласиз, мен факат фикримни айтдим, холос. Якуний қарор қабул килиш факат сиздан.

Йиллик имтиҳонларни топшириш билан банд бўлгани, Юсуф билан якиндан танишгач, муносабатлари кундан-кун илиқлашиб бораётгани, ҳаётга энди мутлако бошкacha кўз билан карай бошлагани учунми, Яшар томонидан айтилган бу янгилик Нодирани унча хафа килмади, қолаверса, Мардоннинг сўzlари унинг ўзида сакланаётган гумонларни (бирон натижа чиқишига у ҳамон ишонмасди) бир қадар тасдиқлаганди.

– Яхши одамларга дуч келибсан, – деди у хаёлчан, сўнг жилмайди. – Айтганча, у киз билан мени қачон таништирасан?

Ўзи билан нафакат Камола, балки ота-онаси ҳам танишмоқчи эканлигини билганидан сўнг ўйланиб қолганини кўргач, буни ўзича тушунган Яшар далда беришга ошиқди.

– Истасанг Юсуфни ҳам таклиф киламиш!

– Нима? – қулди Нодира. – Юсуфни нима қилишади? У мен билан сенга сирам ўхшамайди-ку!

* * *

Бу сухбат қулогига етиб келмаган бўлса-да, ўзида ҳам деярли шу каби фикр пайдо бўлган Юсуф хузур қилиб керишдида, кийим жавони рўпарасида ечинаётган Яшарга ўгирилди:

– Биласанми, ёзги таътил бошлангач, Нодирани олиб кетмоқчиман. Қоракўлга! Бир ўзи нима килади бу ерда? Сен ётокоҳонамизга бегонадек бўлиб колдинг, – илжайди у, – борингдан йўғинг кўп. Ўзим ёз бўйи шу ерда колардим-у, лекин уйда нима деб ўйлашлари мумкин? Қолаверса, Нодирани кўргач, мени ўша кизга уйлантириш фикридан кайтишса керак... биласанми, ўтган сафар борганимда, яна шу ҳақда гап очилди. То ўкиш битмагунча уйланмаслигимни айтиб, аранг қутулдим. Сени ҳам олиб кетаман, – давом этди Юсуф бир оз сукут сақлагач. – Қайтанга яхши бўлади, дабдурустдан бир ўзини олиб боргандан кўра! Нима дединг? Яхши ўйлабманми? Гуруҳдошларимни меҳмонга олиб келдим, дейман! Кейинроқ, уч-тўрт кун ўтгач – агар вазият шуни такозо қилса! – ҳаммасини тушунтираман.

– Мен бора олмасам керак, – деди шимини тахлаётан Яшар. – Умуман, уни олиб боришдан аввал уйингдагиларни огоҳлантириб қўйсанг, яхши бўларди. Айтиб бўладими, тағин хафа қилиб қўйишмасин. Онанг, ўқиган қизларга ўралашма, деган экан-ку.

Юсуф илжайди:

– Шу пайтгача истагимга карши туришмаган ва умид киламанки, бу сафар ҳам шундай бўлади. Қискаси, бора олмасам керак, деган гапингни йиғиштири. Ҳеч бўлмаса бир ҳафтага! Шу вакт ичидан тоза бир-бирларингни соғиниб, ичикиб қолмассизлар! – Юсуф ётган жойида яна керишиди. – Айтгандек, тўй қачон ўзи? Шу йилми ёки бир-икки йил кутасизларми? – Жавоб бўлмади. – Тушунарли, демак, ёз бўйи бўш бўлар экансан. Ёдингда бўлса, кишида – янги йил арафасида вайда бергандинг, кейинрок борарман деб. Ана шу “кейинрок” энди келди!

Ўттиз бешинчи боб

Нодира батист рўмолнасини (ниҳоятда нафис пуштиранг бу рўмолча Юсуфнинг саккизинчи март баҳонасида қилган кўпдан-кўп совғалари орасида эди) кўзидан олди:

— Иложи йўқ, Юсуф ака, — деди у хиёбондаги ўриндиқда ёнма-ён ўтиришаркан. — Буни кўпдан буён айтмоқчи бўлиб юргандим, лекин юрагим бетламаётганди. Мана, гап очилди, энди индамасликнинг иложи йўқ. Хуллас, ота-онангиз мени... қабул қилмасликлари мумкин. — У қизарган кўзини Юсуфга тикди. — Таништираётгандада нима деб айтасиз? Етимхоналарда ўсган, ҳеч кими йўқ, ота-онаси кимлигини ҳам билмайди, дейсизми? Эшигтанман, биламан — етимхонада ўсганларни аксарият одамлар шубҳа билан карши олади... йигитми, қизми, фарқи йўқ. Шунинг учун, илтимос, мени тўғри тушунинг ва... хафа бўлманг.

Юсуф бу хакда умуман ўйламаганди, деб ҳисоблаш хато бўларди. Шунинг учун ҳам олдиндан айтиб, ота-онасининг кўнглига ғулғула солиш, гап-сўзни кўпайтириши истамаган, яхшиси, ўзини олиб бораман ва ҳаммалари билан таништираман — қандай қиз эканини ўzlари билишсин, кўришсин, деб режалаштираётганди. Ҳа-да, токайгача индамай юради? Нима учун? Агар оркаворатдан кимларданdir эшишиша (дейлик, Норбой билан деярли кўшнилар, фарзандлар бирга ўкишаётгани туфайли оиласалар ўргасида якинлик пайдо бўлган, илгари кўзга ташланмайдиган борди-келди айнан уларни деб анчайин тезлашганди), турли хил хаёлларга боришмайдими?

Мабодо қаршилик кўрсатишадиган бўлса ҳам, бу борада қабул қилинган қатъий карори бор эди — нима бўлмасин факат Нодирага уйланади, арзимаган икир-чикирларни деб севган кишисидан воз кечмайди!

Юсуф кизнинг бармокларини авайлаб тутди:

— Бу факт иккимизга боғлиқ нарса эканлигини унутаяпсиз. Ўтинаман, олдиндан хулоса чикарманг! Мақтанаюпти, деб ўйламанг-у, уйимдагилар ҳеч қачон истак-ҳоҳишимга қарши турмаган. Агар ҳамма айтгандарига кўнаверганимда, аллақачон... — Отаси олиб бермокчи бўлган кизни кўз олдига келтирган Юсуф беихтиёр жилмайди. — Майли, бунинг энди аҳамияти йўқ.

– Кейинроқ борсак-чи? – деди Нодира йигитга миннатдоңа күз тикиб. – Икки-уч йил ўтиб, бир-биirimизни обдон си-наганимиздан сүңг? Ким билади, балки унгача... унгача уйингиздагилар сизни йўқлаб келишар... ўшанда... танишириларсиз.– Хаёлига келган бу ўйдан Нодиранинг кўнгли бир оз таскин топди. – Ҳа, ўшанда менга ҳам бу қадар нокулай бўлмасди! Тушунинг, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, қиз боланинг йигит кишининг уйига бориши... нима десам экан... хуллас, шаънига ярашмайди. Қолаверса, агар... борганимда ҳам... – йўқ, давомини эшитинг! Бу – бораман, деганим эмас, шунчаки гап келганда айтаяпман! – мен бутун ёзни сизницида ўтказа олмайман. Буни ақлга сиғдириб бўлмайди. – Нодира ғамгин жилмайди. – Хат ёзишиб турамиз. Хавотир олманг, ёлғиз қолмайман. Яшар шу ерда-ку!

Ўртага жимлик чўқди.

– Ҳеч қанақа хат-пат ёзмайман, – деди узок вақт ўйланиб колган Юсуф ниҳоят. – Керак эмас.

– Нега?! – унга хавотирланиб тикилди Нодира. – Ёки келиб турасизми? – тахминлади у.

– Келмайман ҳам! Чунки... чунки келиш учун олдин кетиш керак.

Қиз унинг нима демокчи бўлаётганини тезда тушуна олмади, сўнг...

– Юсуф ака! – ўрнидан туриб кетди у. – Нима деётганингизни биласизми! Ҳозирдан ҳаммаларининг кўзига мени ёмон кўрсатиб кўясиз! Ёки шуми нияtingиз?

Юсуф кизни қайта жойига ўтказди.

– Мен сизни ташлаб кета олмайман, – деди у энди Нодиранинг қўлларини кафтлари орасига оларкан. – Бу қанақаси бўлади – сиз бу ерда, мен уйда? Хавотир олманг, бирон баҳона топарман.

– Ҳеч қанақа баҳона топишнинг кераги йўқ. Барибирам, қачон бўлмасин ҳаммаси аён бўлганда, гап сизга эмас, кўпроқ менга тегади. Сиздан ўтинаман – бу нияtingиздан қайting! Майли, хат ёзишнинг кераги йўқ, лекин... ҳафтасига келиб туринг. Хўпми? Қарабсизки, арзимаган бир-бир ярим ой шу билан ўтади-кетади. Келишдикми? Билиб кўйинг, агар мана шу таклифимга ҳам йўқ дессангиз... хафалашиб қоламиз!

– Нодира!

– Энг маъқули шу. Келиб-кетиш учун қандай баҳона то-

пиш – ўзингизга хавола. Ёнимдаги кизлар ҳам уйга олиб кетамиз, деб қўйишмаяпти, Балки, излаб келганингизда, – кўзида ёш билан илжайди, Нодира, – топа олмассиз ҳам.

Юсуф унга ишониб-ишонмай каради:

– Кимни книга кетаяпсиз?

– Аник айта олмайман. Менимча... барчалариникига борсам керак. Ҳар куни хонамизда шу ҳақда гап кетаяпти. Кўраяпсизми? Сиздан бошқа меҳрибонларим ҳам оз эмас! Бўпти, турайлик энди, кеч бўлиб кетаяпти.

Ўрнидан туришга шошмаётган Юсуф ниманидир тинмай ўйларди.

– Бўпти! – деди у бир пайт. – Уйга борган заҳотим сиз ҳақингизда айтаман! Балки ўзим келарман ортингиздан, балки... онам билан! Олиб кетиш учун! Қандай тортинчоқ келинга дуч келганларини бир билиб қўйишин!

– Юсуф ака! – кизарди Нодира. – Нега бир нимани тушишмайсиз? Севги-муҳаббат ўз йўлига, лекин келин деганлари фақат тўй ўтгандан кейингина ўзи тушадиган уйга қадам босиши мумкин!

Юсуф унга бир неча сония кулимсираб қараб турди:

– Бўпти, унда тўйни тезлаштирамиз! Демак, онам ёки отамнинг келишини уйингизга совчилар келиши, дея кабул қиласкеринг!

Айтган сўзларидан шу сингари хулоса чиқаришларини ҳеч кутмаган Нодира на кулиши, на йиғлашини биларди, бунинг устига, дафъатан Юсуфнинг оғзидан чиқиб кетган “уйингиз”, “совчи” деган сўзлар ҳам гангитиб қўйганди.

Мана унинг ҳақиқий ахволи! Совчилар тақиллатиб келадиган эшикнинг ўзи йўқ-ку унда! Уларни кутиб оловчи ота-онаси, якин-йироқлари қани! Мана тақдир уни канчалик шафқатсизлик билан жазолаган!

Ха, болаликда ўзини билдирамаган турмушнинг янада аччик шарт ва талаблари энди унинг қаршисида бутун борлифи билан бўй кўрсатмоқда эди: қанақасига келин бўлсин у! Қизим бўйи етиб, бир уйнинг остонасидан хатлаб ўтади, деб онаси сеп йиғмаган, келинликнинг энг нозик жиҳатлари, қайнона-қайнота ҳурмати ҳақида унга бир оғиз шипшитмаган бўлса! Ким уни ёр-ёр билан кузатиб боради? Энг сўнгги пайт пеша-насидан ўпид, баҳтли, ували-жували бўлишини тилайдиган ота қани? Тўйдан сўнг уни йўқлаб борувчи опа-сингил, ака-ука, хеш-акраболар-чи?

Келин... Уни жондан севгувчи (бунга Нодиранинг шубҳаси йўқ!), қаршисида жилмайиб турган мана бу йигит қандай ишга кўл ураётганини билиши керак! Ота-онамга айтаман, дедими? Ҳа, бориб айтсин! Балки, бу юришлари умуман бекоргадир ва барчасига вақтида чек қўйишга тўғри келар! Нима бўлганда ҳам сиздан воз кечмайман, дедими? Бунингдек қурбонлик унга асло керак эмас! Келин сифатида кимнингдир уйига оёк қўяр бўлса, ҳеч ким бундан норизо бўлмаслиги керак!

Нодира ич-ичидан босиб келаётган аламини аранг босиб, деди:

– Унда эшитинг: уйга борганингизда ҳеч нарсани яширамайсиз! Эшитаяпсизми? Ва унутманг – бизнинг бундан кейинги муносабатимиз уларнинг нима дейишига боғлик бўлади! Яхши қолинг!

Самимиятга тўла сўзлари қизнинг дил ярасини бехосдан тирнаб юборганини анчагина кеч англаган Юсуф то ўзига келиб ортидан эргашгунча, у анча олисга бориб қолганди.

* * *

Янги ўкув йили бошланганига бир ҳафта ўтмай, у ҳовлиқканча Нодиранинг хонасига кириб борди:

– Келишди! – деди у якка ўзи ўтирган қизга. – Ҳозир хонамда ўтиришибди! Яшар ҳам бор.

Уйига борганида ўрталарида нима гап бўлгани, бир неча кун давом этган баҳсу мунозаралар, кўз ёши-ю (бу – онаси томондан) дўқ-пўписалардан сўнг (бу энди отасининг иши: Нодирадек зийрак қиз ҳаммаси силлиқ кечганига барибир ишонмаслигини билган Юсуф буни ҳам яширгананди) ўзлари келиб қиз билан танишмоқчи эканликларидан хабардор бўлсада, бунчалик ишнинг тез бўлишини ўйламаган Нодира шошиб колди.

– Мен нима килишим керак?! – ранги оқарди унинг.

– Кўришгани ўтмайсизми?

– Нокулай!

– Нимаси нокулай? Фозил ва Норбойга то кеч тушгунча бирон жойда бўлиб туришларини айтаман. – Бир оз ўйланиб турган Юсуф давом этди. – Балки мен ва отам ҳам бўлмасмиз! Ҳа, шуниси тузук! – У нима деб жавоб беришни билмай турган қизнинг қўлинини кафтлари орасига олди. – Сиз кўркманг! Ҳаммаси ҳал бўлган!

— Унда... боришим шартмикин?

— Оббо! — кулиб юборди Юсуф. — Ёки шу арзимаган истакларига ҳам қарши турамизми? Йўқ, жоним, хафа бўлишлари мумкин. Бўпти, ярим соатлардан сўнг хонада онам икковингиздан бошқа ҳеч ким бўлмайди!

Нодиранинг ҳаяжонланаётгани барибир билиниб турарди.

— Мен... Ойгул билан ўтаман! Майлими?

Шу тобда ҳамма нарсага рози бўлиб турган Юсуф эшик кабзасини тутганча Нодира га ўгирилди:

— Истасангиз барча хонадошларингизни олиб ўтинг! Лекин кечикманг, илтимос!

У чикиб кетгандан сўнг деворга илиб қўйилган тошойна рўпарасида узоқ вақт туриб колган Нодира тақимида тушувчи мўл-кўл сочини ёйиб, энди тароққа кўл урган эди ҳамки, хонадош дугоналарининг аввал оёқ дупури, сўнг кулгани ва ниҳоят эшикнинг ҳар галгидек ғийкиллаб очилгани эшитилди.

* * *

Иккисининг ҳам кайфияти аъло бўлганидан бу кунни сайру томоша билан ўтказишга аҳд қилишиб. Ҳазилми! Нодиранинг “қўрикдан” омон-эсон ўтиб олганини бундан бошқа яна қай йўсинда нишонлаш мумкин!

Олдиндан килган тазиқ ва тайинлашлари остида бўлса керак, она ўғлининг “топилдиғига” нафақат ортиқча, умуман ҳеч қанака савол бермади. Қайтанга, Нодира билан бирга қелиб, ундан кам кисинмаётган қизлар билан очилиб сухбатлашди, қаердан келгандарини сўради, ётотхона шароити билан кизиқди, ўртадаги столни тўлдириб турган шириналиг-у мевалардан олиб ўтиришга кистагани-қистаган бўлди.

Чаккаларига тушган бир-иккита оқ толани ҳисобга олмаганда, ташки қўринишидан Юсуфнинг нақ ўзи бўлган ота эса Нодирани кўрмади ҳам. Факат эртаси куни, кетар олдиндан ўғлини бағрига босиб хайрлашаркан, хотини билан маъноли кўз уриштириб олгач, ҳозирча ўқишдан бошқа ҳеч нарсани ўйламасликни тайинлади.

— Бу иккалангга, — деди у Юсуфнинг чўнтағига бир даста пул тикиб қўяркан. — Агар анови дўстинг зориқиб колса, ундан ҳам кизганма. Ҳа, айтганча, байрамларда, таътил пайтлари уйга олиб бор. Тортиниб ўтирасин.

Кип-қизариб кетган Юсуф ҳарчанд уринмасин, отасининг

сўнгги сўзлари айнан кимга тегишли эканлигини билмай қолаверди...

Шаҳарнинг қок марказидаги хиёбонни айланиб юришар экан, бу сафар йўлакларда эмас, дараҳтлар орасида баргиха-зонни супуриб турган Саодатга кўзи тушиб, Юсуф беихтиёр тўхтади. Бу аёлни бор-йўғи иккинчи бор кўраётганига қарамай, бир пайтлар Яшар айтган сўзлардан сўнг уни жуда яхши эслаб қолган ва бирданига таниганди.

– Нега у аёлга қараб қолдингиз? – кулди Нодира унинг нигоҳи қаерда эканини пайқаб. – Танишингизми?

Юсуф тезда үзига келди:

– Танишим?! Йўғ-е, нималар деяпсиз! Шунчаки... иши жуда оғир бўлса керак, деб ўйлаяпман, – деди у бошқа нима дейишни билмай.

– Супуриб-сидиришнинг нима оғирлиги бор экан! – деди Нодира фаррошни кузатар экан. – Менимча, завод-фабрикаларда ишловчиларнинг иши бундан оғиррек. Умуман олганда, ишнинг осони йўқ. Масалан, ўкишни битиргач, ўзимиз ҳам ишга борамиз. Ўйлайсизки, ўшанда осон бўладими? Мактаб пайтимда муаллимларимизнинг эртадан кечгача у синфдан чиқиб, бунисига кириб юрганини кўрадим. Ҳар бирида кам деганда ўттизта ўкувчи. Ораларида мўмин-кобиллари ҳам, тўполончилари ҳам бор, бири дарсини тайёрлаб келган бўлса, иккинчиси китобни ҳатто очиб қарамаган. Ўқитувчи шўрлик уйига бориб ҳам тузукрок дам олмайди – диктантларни текшир, баёну иншоларни бирма-бир ўкиб чиқ. Айниқса аёл киши бўлса, буларнинг ҳаммасидан ортиб, рўзгор ишларини ҳам килиши керак. – Нодира Саодатдан кўз узмаган ҳолда сўзларкан, Юсуфнинг қўлидан тутди. – Юринг, мана бу ерга ўтирамиз, – деди у ўзларидан сал наридаги бўёклари ўчиб кетган ўриндиқга имо килиб. – Ростини айтсан, оёқларим толиб кетди. Сиз-чи? Чарчамадингизми?

– Менми?!

Нодира кулиб юборди:

– Бошқа ким бўларди! Нима бўлди сизга? Худди гапларимни эшитмаётганга ўхшайсиз!

Юсуф уни яхшигина эшитаётган, аммо хаёли бутунлай бошқа нарса билан банд эди: тезроқ бу ердан кетишса яхши бўларди! Аёл ўшанда Яшарни таниб қолганидек, Нодира ни ҳам таниб колмасайди! Ҳозир юмуши билан банд, лекин

бу қанча давом этиши мумкин! Ҳа, Нодира уни танимаяпти, тұғрироғи әзтибор бермаяпти, лекин хотиралари түсатдан үйгөниб қолмаслигига ким кафолат беради! Кейин-чи? Ахир, шу аёлни деб унинг қанчалик хафа бўлганини Яшар айтмовдими?

– Кетсак-чи?

– Ёткхонагами? – ажабланди қиз. – Бунча тез?

Юсуф нима килишини билмасди: рост. Ҳали бир соат ҳам бўлмади-ку чикканларига! Айнан бугун сайд қилиш истаги ҳамма нарсадан устун турган Нодира – бошқа пайтлари уни кўндириш осон кечмасди! – нима деб ўйлаши мумкин?

– Мен... хиёбоннинг нариги чеккасига ўтсак, демокчи эдим! Хилватрок... одамлар камрок ўтиб-қайтадиган жойга. Кетдикми?

Унинг сўзларини ўзича тушунган Нодира билинар-билинмас қизарди.

– Айниманг! – деди у кулиб. – Бизга шу ер ҳам бўлаверади, Қайтанга томоша қилиб ўтирамиз. Юринг! Вой тавба, юрсангиз-чи! Майли, беш дакиқа ўтирайлик, сўнг қайтамиз... жуда зерикиб кетган бўлсангиз! – Бир оз ноз ва киноя билан айтилган бу сўзлардан сўнг Юсуфнинг бўйсунишдан бошқа иложи қолмаганди. Ўриндикга бориб ўтиришгандан сўнг Нодира унга юзланди. – Ҳа, айтгандек, нимани гаплашаётгандик?

Юсуф бирдан фикрини жамлай олмай қолди:

– Анови фаррош аёл...

– Кўйинг ўша аёлни! Бунча! Мен касбнинг осони бўлмаслигини айтаётгандим. Тарих ўқитувчиси бўласиз-ку! Билмадим, бу хотира билан қандай қилиб йилларни-ю саналарни эслаб қоласиз! Демак, давомини эшитинг...

Юсуф энди уни эшитмас, хавотирга тўла кўзларини баргихазон супурган кўйи – худди атай қиласётгандек! – айни улар ўтирган ўриндик томон секин-аста яқинлашиб келаётган аёлдан узмай туради. Хайрият, бошини кўтармаяпти! Балки бу ерда одамлар ўтирганини пайқаб, сал наридан ўтиб кетар? Балки – о, кани эди шундай бўлиб чиқса! – Нодирани танимас? Лекин... Яшарни таниганди-ку!

Ўша ҳодисадан сўнг бир оз вакт ўтиб, унинг Нодира билан учраша бошлаганидан хабардор Яшар сухбатлардан бирида Саодатни кўриб колганлари ҳақида кизга гапирмасликни тайинлаган, лекин шундан бери орадан бир йилча ўтиб, Юсуф

ушбу воеани ҳатто унуга бошлаганди. Акс ҳолда, кизни ушбу хиёбонга бошлаб келармиди!

Ҳаммаси Юсуф истамаётгандек бўлиб чиқди – уларга бешолти қадам қолганда бошини кўтарган аёл қаддини илкис ростлаб, Нодира га тикилганча колди, у эса – негалигини ўзи билмайди – ўрнидан туриб кетди ва шошилганча салом берди.

– Бу ерни ҳам супурмокчимисиз, хола? – сўради у кейин. – Яхши, биз ҳозир кетамиз. Туринг, Юсуф ака.

Нодирани шунингсиз ҳам бу ердан тезроқ олиб кетишига шай турган Юсуфга жон кирди:

– Ҳа, ҳа, кетдик! – деди у қизнинг кўлидан судрагудек тортиб.

Лекин бегона аёлнинг ўзига термулиб турганидан ҳайратга тушган Нодира бундайин “қўполликка” эътибор берадиган ҳолда эмасди.

– Биз... дам олаётгандик... хола, – деди у беихтиёр изоҳ бепаркан. – Талабалармиз. Бирга ўқиймиз.

Юсуфга тез кўз ташлаб олган аёл Нодирани баттар ҳайратга солди.

– Мени танимадингми? – деди у жилмайишга ҳаракат килиб.

Қиз кутилмаган саволга нима деб жавоб беришни билмай Юсуфга ўғирилди, у эса – четга: бўлди, томоша тугади! Тўғрироғи, энди бошланади!

“Ким бўлди бу аёл?! – ўйларди Нодира негадир юрагига хавотир оралаб. – Нега мен уни танишим керак эди? Ҳа... кўзимга иссик кўринаяпти... лекин, қаерда, қачон кўрганман уни? Демак... у мени танийди. Юсуф эса уни! Бекорга аёлни кўриб тўхтаб колмаган экан!”

– Ёдингдами... мен бир пайлар сизларни ўқитгандим, – деди бир пайт аёл. – Кейин... Яшар иккингни бир неча марта... шу ердан ўтиб-қайтаётгандарингда кўрдим, лекин ўзимни танишишга... юзим бўлмади.

Қўлинни беихтиёр оғзига олиб борган Нодира кўзларини катта-катта очиб, унга бош-оёқ разм солди.

– Сиз... муаллима!!! Исмингиз...

– Саодат... Бир йиллар бўлиб қолди-ёв... Яшар мана бу йигит билан ўтиб бораётганда... мени таниганди. Айтмаган экан-да. Мен унга янги соат олиб қўйибман. Ўтган ҳафта сотиб олдим. Эртароқ олиш... эртароқ сотиб олишнинг имкони бўлмади.

– Нима қилаяпсиз бу ерда?! – товуши бўғзидан нидо бўлиб отилиб чиқди Нодиранинг. – Нега ўқитувчилик қилмаяпсиз? – Нодира Яшар иккисига ўзгача меҳр кўрсатган бу аёлнинг – илк муаллималарининг бошига эри билан боғлик қандайдир кулфат тушганини (ЧК шундай йўл тутгандики, Саодатнинг камалганини хеч ким билмай қолди, кавму кариндошлар эса оғир дардга чалиниб озодликка чикқачгина хабар топиши) ўша воқеадан бир неча кун ўтиб эшигтан,ammo, Яшар сингари, мурғак қалби ва онги билан бу нимани англатишими идрок эта олмаганди. Кейинчалик, йиллар ўтиб, юракларини эзган ўша воқеани унута бошлаган, бу аёлни қайтиб кўриш хаёлига ҳам келмаганди. – Нега... нега бизни бирон марта йўқламадингиз?! Наҳотки ўша... соатни деб бўлса?

– Кандоқ келай... ахир... қамоқда эдим, – аянчли жилмайди Саодат.

– Қамоқда?! – ўзини сал ортга олди ранги ўзгарган Нодира. – Нима учун?! Нима қилдингиз у ерда?!

– Нима қиласардим... ўтирдим. Яхшиси ўзингдан гапир. Каерда ўқияпсан? – Нодиранинг жавобини эшитиб, унинг сўлғин юзи ёришди. – Қандай яхши, иккаланг ҳар доимгидек бирга экансан. – У жилмайди. – Айтганча... кўп бўлдими ярашиб олганларингга? Майли, энди бунинг фарки йўқ, не бўлганда ҳам аклларинг кирибди-ку. Мен эса... кўриб турганингдек, шу ерда ишлайпман. Уйим, ота-онам бағрига қайтишга уялдим – биз томонларда қамоқда ўтирган аёл қишини ҳали кўришмаган. Нега айнан фаррошлик килиб юрибди, деб ҳайрон қолаяпсанми? Шу ишга жойлашиш учун ҳам уч ой елиб-югурдим. – Сал нарида турган Юсуфга кўз ташлаб олган Саодатнинг заъфарон юзига билинар-билинмас кизиллик югурди. – Айтганча... ҳалакит бермадимми? Нима қилай, бир ҳафтадан буён сизларни... яъни, Яшар ва сени... кўрмоқчи бўлиб юргандим, лекин каердан, кимдан сўрашни билмай... Мактаб ёки етимхонага ўтсам бўларди-ю, ammo... қайси юз билан! Мана, бахтимга, бугун дуч келиб қолдинг. – Саодат гўё кўнглидаги бор гапни бугун, хозирнинг ўзида айтиб колишга шошилаётганди. – Қачон келасизлар? – Нодиранинг тушунмай караб турганини кўриб, изоҳ беришга ўтди. – Айтдим-ку, Яшарга соат олиб қўйганман деб! Истаган пайтда олиб кетсин – мен ҳар куни шу ердаман.

– Нима кераги бор эди! – бир пайтлар ўзига жондек азиз

бўлган аёлнинг бунчалик хокисорлигидан эзилаёттган Нодиранинг намланган киприклири пирпиради. – Ўзингиз бундай қийналиб юрганда! Унга ҳеч қанақа соатнинг кераги йўқ! Менимча аллақачон унугтан ҳам!

– Лекин мен унугтаним йўқ, – деди Саодат, сўнг Нодирага бир оз тикилиб тургач, жилмайди. – Чиройли қиз бўлибсан. Илоё баҳтиргни ҳам берган бўлсин! – У бир зум ўйланиб турди. – Тўхта-чи... ҳали вактларинг борми? Шошилмаяпсизларми? – у яна Юсуфга кўз ташлаб олди. – Балки, шу ерга келтирарман? Унчалик узоқда яшамайман... бир кампирнинг уйида ижарада турибман. Кутуб турасизларми?

Нодира нима дейишни билмас, ҳамон хаёлини муаллималари нима учун қамоқда ўтиргани ҳакидаги жумбок банд қилиб туар, бу ҳақда сўрашга қайта-қайта ҳозирланар, лекин нимадир бунга халақит берарди. Ростини айтганда, Нодиранинг ўзи ҳам қамоқда ўтирган аёлни умрида илк бор кўриб туриши ва бундан даҳшатга тушаётганди: “Нега камашган? Қандай жинояти учун? Ахир, ҳозир ҳам, бундан олдинлари ҳам фақат таникли шахсларни қамашарди-ку! Бу аёл... оддийгина ўқитувчи бўлмаганми? Умуман, қандай қилиб аёл киши қамоқда ўтириши, уни камаш мумкин?”

“Мен унугта олганим йўқ...”

Наҳотки етимхонанинг Яшардек аллақандай тарбияланувчисига умуман тегишли бўлмаган соатни деб уялиб юрган мана шу аёл қандайдир жиноятга кўл урса? Йўқ, бунга ишониб бўлмайди!

Нима бўлганда ҳам уни хафа қилмаслик, қачонлардир илк сабок берганини унугмаслик керак. Ким билади, балки... уларни сақлаб олмоқчи бўлгани учун жабр чеккандир! Ҳа-да, яна нима бўлиши мумкин?!?”

У босиб келаётган йигисини аранг босиб, деди:

– Илтимос, овора бўлманг... мен... Яшар... албатта келамиз! Эртага!

– Эртага? – қайта сўради Саодат. – Жуда яхши, дарсдан чикиб, тўғри шу ерга келаверинглар. – У атрофга хавотир билан кўз ташлаб олди. – Сизлар билан ҳали гаплашиб ўтирсан бўларди-ю, лекин иш қолиб кетаяпти. Бригадиримиз жуда ям қаттиқўл аёл, – ҳазин жилмайди Саодат бир пайтлар ўзи ўқитган қизалок олдида худди хисобот бераётгандек. – Сал ишдан кўнгли тўлмаса, бўшатаман, деб кўркитади! Айтганча, сабабини билмадим-у, ўзи ҳам... ўтириб чиккан.

Нодира аламдан лабини тишлади: педагогик маълумотли аёл аллақандай фаррошлиқдан ажралиб қолишига шунча кўркса! Бу нима кўргулик, ахир!

Унинг Саодатни бағрига босгиси, уввос тортиб йиғлагиси келар, бирок ўзини босарди – бу ҳаракатлари билан яна вактини ўғирлаши мумкин!

* * *

Юсуф гарчи ёнма-ён турган ва Нодира ҳамда аёлнинг барча сўзларини эшитган бўлса-да, кўп нарсани тушунмади: Қанақа соат?! Нега у аёл Яшарга соат олиб бериши керак? Қанақа қамок ҳақида гап кетаяпти?!

Нодира деярли юргургилаб борар, унга етишга аранг улгураётган Юсуф ўзини ҳеч кечира олмаётганди – шундай кунни расво килди-я! Нега тўхтади ўзи? Худди илонга дуч келган бақадек котди-қолди-я! Нега бирон нимани баҳона қилиб Нодирани тезроқ олиб кетишининг иложини қилмади? Истаган гап билан уни чалғитиши, аёл билан дуч килмаслик мумкин эди-ку!

Бир пайт Нодира тўхтади.

– Сиз илгари ҳам кўрган экансиз-да.

– Ҳа, – деди Юсуф ўзини бир оз йўқотиб. – Яшар иккализмиз... лекин ўртада шунча гаплар борлигини билмасдим. Мендан хафа эмасмисиз?

– Нега хафа бўлай, демак... Яшар сизга шуни тайинлаган. Юсуф ака, у яхши аёл – эшитганларингиздан бошқача хулоса чиқарманг! Эртага келганимизда нима бўлганини сўраб оларман. – Нодиранинг кўзларида ёш айланди. – Ёки ўзи айтади. Уни кўргани энди ҳар куни келиб тураман. – Қиз бир оз сукут сақлади. – Яшар у ҳақида нималар деган эди?

– Айтарли ҳеч нарса, – жилмайди Юсуф. – Сизларни асраб олмоқчи бўлгани-ю... тўсатдан кўринмай кетгани. Бўлди!

Нодиранинг хўрсинишилари-ю йигиси билан тез-тез узилиб турган хикоясини тинглаб бўлгач, Юсуф бир зум ўйланиб турди.

– Нияти нелигини билса-ку... умуман кадам босмайди, – деди у сўнг. – Қандайдир бошқа йўлини топиш керак. Шунчаки... хиёбонга сайрга чиқамиз, деймиз-кўямыз, тўғрими? Кейин нима бўлса бўлар!

* * *

Яшар бу кутилмаган сайрга Камола билан келди.

Ха-да! Бир ўзи нима килади иккисининг орасида? Қолаверса, энди улар учун Камола бегона эмас: Нодира уларнида меҳмон бўлди, туғилган кунлар, турли-туман байрамларни бирга нишонлаб, кинолардан ташкари бир марта театрга ҳам тушдилар, баҳорда Бахмалга саёҳатга боришиди.

Ушбу сайдан бир кун аввал Яшар кеча ёткхонага бирга қайтаётган Юсуф ва Нодирага тасодифан дуч келиб, ғалати бўлиб кетганди: нега эрталаб шод-хандон сайдага чикиб кетган қизнинг қайфияти бунчалар ёмон? Юсуф... Юсуф ҳам бошқача! Нима бало, урушиб қолишдими?! Ҳозирдан-а!

У етимхонада ҳам, олий ўкув юртига киргандан сўнг ҳам не-не “ошик-маъшук”ларни кўрмади! Лекин уларни чин маънодаги севишганлар деб атаса бўлармиди? Баъзи бир бунака “жуфтлар”нинг оҳ-воҳ, ўлдим-куйдими олти, ҳатто уч ойга ҳам бормасди! Кейин, ҳеч нарса бўлмагандек, ҳатто хафа ҳам бўлмай – балки ташкаридан шундай кўринар? – ўзларига “янги” жуфт топишарди.

Наҳотки, Юсуф ва Нодиранинг муносабатлари шундай якун топса?

Унга дуч келиб қолишгач, бир неча сонияга ўзларини йўқотиб кўйганларидан сўнг зўрма-зўраки жилмайиб, гўё ўртада ҳеч нарса бўлмагандек кўринишга урингланлари эса Яшарнинг дилини баттар ғашлади. Аммо нима қилсин? Бирорларнинг кўнгил ишига аралашиб бўладими? Қолаверса, нима бўлгани-ю, айб кимдалигини қайдан билсан!

Кейинрок эса – айнан уйқу олдидан – чойшабга яхшилаб ўраниб олган Юсуф гўё ҳозиргина ёдига тушиб қолгандек, эртага ҳам Нодира билан сайдага чикмокчи экани, уни ҳам таклиф қилиш нияти борлигини билдириди.

Бу энди ростакамига ғалати ва ўта тушунарсиз эди.

– Бугунгиси камлик қилдими? – деди у Юсуфга маънодор тикилиб. – Назаримда, Нодира сайдан сал... Ёки менга шундай туолдими?

– Кўзлари қизарганига шама қилаяпсанми? – илжайди Юсуф. – Шуни ҳам сездингми? Қойил! Лекин ҳеч гап йўқ. Айланиб юрганимизда, ўзи билан тарбия... яъни, ўқиган бир қизни кўриб қолди ва шунга хурсанд бўлиб, йифи-сиғи қилишди. Кизларнинг канакалигини ўзинг биласан-ку!

Урушиб ёки аразлашиб қолган, деган тахмини ўзини окламаганидан хурсанд бўлишига қарамай, каравотдан қаддини узган Яшарнинг юзида безовталик акс этди:

– Биз билан ўқиган? – сўради у. – Ким экан? Нега Нодира менга айтмади? Чиройли... қорачадан келган... қизми? Чой кадоклаш фабрикасида ишлайди-я? Ўшами?

– Қайдам, – деди ниҳоят гўёким “ўйланиб” қолган Юсуф. – Ўзинг биласан-ку, менда қизларга жудаям тикилиб қарашиб одати йўқ,. Балки ўшадир. Нима... кўпдан кўришмагандиларми?

Яшар нигохини олиб кочди.

– Нодира... уни кам йўклайдиган бўлиб қолди. У ҳам ётоқхонамизга ҳеч келмайди... негадир. Демак, эртага ҳам сайрга чикамиз де? – кулди ўзига ёқимсиз мавзуни ўзгартиришга уринган Яшар. – Лекин... тушунмаяпман... менинг боришимга не ҳожат?

– Ваъдалашилган. Бормасанг... хафа бўлиб қолиши мумкин.

– Қизик-ку! Кимга ваъда қилинган? Ким... кимдан хафа бўлади?

Юсуф талмовсираб қолди:

– Нодира дейман-да! Ишонмасанг, ана... йўқ ҳозир кеч бўлди... эртага ўзидан сўрашинг мумкин!

– Қаерни айланмоқчисизлар ўзи? – деди агар бормаса Нодиранинг нега бунчалик хафа бўлишига сира акли етмаётган Яшар.

– Марказий хиёбонни. Ҳозир жуда ўзгариб, очилиб кетган.

Яшар унга синовчан тикилди:

– Ёдингда бўлса... у ерда фаррош бўлиб ишлаётган бир аёлни кўрсатиб... у билан боғлиқ ўтмишимиз ҳакида ҳикоя қилиб бергандим. Гапнинг очиғи, ўшандан буён у хиёбонга яқинлашмайман. Биласанми, бир гал Камола ўша ёққа сайргилишга борамиз деганида, аранг чалғитдим. Менга қолса, Нодиранинг ҳам ўша ёкка бормагани маъқул. Ёқимсиз хотираларни қайта жонлантиришнинг кимга кераги бор? Кейин, ёдингдан чиқмагандир, у мени кўриб қолганда ўзини... жуда бошкacha тутганди. Демак, бизни учратиш унинг учун ҳам ёқимли эмас. Тушунаяпсанми?

Юсуфнинг назаридаги гап чўзилиб кетаётгандек туюлди – бу туришда боришдан бўйин товлаши ҳам ҳеч гап эмас!

– Биз Нодира билан неча марта айландик, аммо унга кўзим

тushmanadi, – эснади у. – Менимча... ишдан кетган бўлса керак. Ёки бошқа жойга ўтказишган! Агар шундан хавотир олаётган бўлсанг, қўркма.

* * *

“Нима гап?! Кеча нима дегандинг менга?! Бу нима килганинг?” – қабилидаги саволлар ёғиларди унинг нигоҳидан. Нодиранинг хатти-харакатидан ажабланган Камола ҳам йигитларга юзланди: ким бу аёл? Нодиранинг танишиими?

– Бу арzon томошанинг нима кераги бор эди?! – жаҳл килди Яшар.

– Ростини айтганимда, келмасдинг, – унинг тирсагидан тутди Юсуф. – Сен билан учрашмоқчи, қўркма, еб қўймайди. Биласанми... жуда куйган аёл экан. Нима демасин, ҳаммасига ҳўп де! Ҳеч нарса сўрама! Тушундингми? Ҳеч нарса! Ана, яқинлашиб қолди, салом бер! Сал чиройингни оч! Жилмай!

* * *

Самарқандек шаҳри азимнинг кок ўртасида шундай ҳовли бўлади деб сира ўйлашмаганди: томи нари-бери ёпилган, атрофи ҳар жойдан олиб келинган қинғир-қийшиқ темир-терсак билан ўралган бу ҳароба жойда бирор яшшига ишониш кийин эди.

Лекин Саодат яшаркан. Унинг каталакдеккина, қопкоронғу, ҳатто деразаси йўқ хоначасида. Нимадан қўтарилигани номаълум ўрта деворнинг нариги томонида уй эгаси – ёши бир жойга борган кампир. У ҳам Саодат каби ёлғиз яшар ва хиёбоннинг қайси бир бурчагида писта сотаркан.

Аслида ёшларни бу вайронага таклиф килишни ўйламаганди, лекин хайрлашиш олдидан Нодира унинг каерда туришини сўраб қолди.

– Мана шу ерда, – деди Саодат этиб келганларидан сўнг, хижолатланганча. – Бошқа... тузукроқ жойда туриш... нима десам экан... мен учун қимматлик қиласди. Шунга ҳам ойликнинг ярми кетиб турибди. Нима иш билан шуғулланаётганимни эса қўрдиларинг. Менинг ўзим учун бу ҳолат ҳатто кулгули: сайр килувчилар уй бекаси сотган пистани чақиб, хиёбон, йўлакларни ифлос қиласди, мен эса супуриб оламан – биттамиз тўзитсак, иккинчимиз супирамиз! Ва шунинг ортидан кун қўрамиз. Қўрдиларингми, жамиятимиз учун шунака “фойдали” одамлар ҳам бор.

Саодатдан кўзини узмай, дам узилиб, дам қайта тикланаётган сухбатлар асносида бу аёлнинг ким эканлигини астасекин тушуна бошлаган Камоланинг чин дилдан унга раҳми келаётганди. Айниқса қандайдир бир соат ва у билан боғлик ҳолат кизни катттик ларзага солди: қачонлардир Яшарнинг кўнглида нохуш хотиралар қолдирган мана шу муаллима бошига қандай кулфат тушганини айтиб, кўзида ёш билан ундан кечирим сўраганда ва кичкина барқут қутичани ирkit халати чўнтагидан чиқариб узатганда, у ортига тисланди.

– Ол, – деди овозида катъият билан Саодат. – Сен билган соатни... бошка кўрмадим, акс ҳолда, унинг ўзини қайтарган бўлардим. Ма, ушла, яхши кунларингга буюрсин.

Саодат ҳамон кўл узатиб турар, нима қилишини билмай, ҳамроҳларига караган Яшар бир пайт Юсуфнинг “ол!” дея ўзига имо қилаётганини пайқади.

“Нима деса ҳам хўп де!”

– Тўйингда тақасан, хўпми Яшаржон? – деди Саодат Камолага яширинча кўз ташлаб. – Ҳозир ҳам... кап-кatta бўлиб қолганларингга қарамай, сизларни... бағримга олган бўлардим-у... аммо имконим йўқ-да. – У бир пас сукут саклади. – Мен сизларни ҳеч қачон унутмайман. Мени ҳам унутманглар, хўпми?

* * *

Камоланинг хаёли не биландир бандлиги шундоқ кўриниб турарди.

– Биласизми, мён ҳозир нима ҳақда ўйляяпман?

– Нега билмас эканман, – деди чўнтагидаги барқут қутичага қўли тегиб кетишидан кўркаётган Яшар. – Пайқаган бўлсангиз керак, анавилар бу ерга нима учун келаётганимизни айтишмаганди. Хафа бўлманг-у... агар билганимда сизни бугунги “сайрга” таклиф килмаган бўлардим. Собиқ муаллимамизнинг ўтмиши сизга қаттиқ таъсир килганини қўриб турибман. Шунча нарсалар бўлганидан ўзим ҳам бехабар эдим. Мени кечиринг, хўпми?

Камола бош чайқади:

– Мен бутунлай бошка нарса ҳакида ўйляяпман. У кишига ёрдам берсак бўлмасмикин?

– Қандай ёрдам? – сўради Яшар кизнинг нимани назарда тутаётганини англай олмай. – Қўлимиздан нима...

— Тұғри, сиз ва менинг құлымиздан ҳеч нарса келмайды, лекин... дадам-чи? Саодат опанинг касбиға қайтиши борасида құмаклашинг деб, илтимос қилсак-чи?

— Камола, биламан, у кишининг обрў-эътибори, эгаллаб турган лавозимини ҳисобга олсак... ҳар нарсага қодир, құлларидан келмайдиган иш йүқдек, — деди анча пайтгача нима дейишини билмай турган Яшар. — Лекин Саодат опанинг әри қандай айб, қайси модда билан қамалганини эшилдингиз. Үзи эса ҳатто нима учунлигини ҳам билмай үтириб чикқач, касбиға тиклашларини сұраб бормаган жойи, бош урмаган останаси қолмабди.

— Мен барибир дадамдан сұраб кұраман. Ахир, бу канакаси — педагог одам фаррошлиқ қилиб юрса? Гүё хамма жойни үқитувчи босиб кетгандек! Яшаб турган жойини қаранг! Мен, ростини айтсам... ийғлаб юбормаслик учун аранг үзимни тутиб турдим. Агар мактабга қайтара олмаганида ҳам... бошқа иш тошиға ёрдам беради. Бунга ишончим комил.

— Бошқа иш? Нима бұлиши мүмкін?

— Билмадым, лекин фаррошлиқ әмас!

— Қанийди! — меҳр тұла нигохини қизга тикди Яшар. — Нима дейсиз, соатни олиб тұғри күлдімми?

— Агар нотұғри күлганингизда аллақачон айтган бұлардим. Ҳа, айтгандек, нима бұлғанди үзи? Қандай қилиб соатли “бойвачча” бұлиб қолгандингиз? Биринчи синфда-я! Одамнинг ишонгиси келмайды. Билагимдаги мана бу соатни дадам мактабни битираётганимда — роса хархаша қүлганимдан сұнгигина! — олиб берганди. Сиз эса... Қани, сұзлаб беринг-чи! Ҳали уйимизгача күп йўл, улгурасиз.

* * *

Саодатнинг тақдиди билан қизиқиб қолган Мардонга у ҳақда тұлғық, ҳужжатлар асосида маълумот етказиш учун анчайин тер тұкишга тұғри келди. Авваламбор, аёлнинг үзи құнмай туриб олди: нима кераги бор? Барибир, ҳеч нарса чиқмайды! Бекорга ғалванинг тагида қолиши мүмкін...

Яшар ва Камола бир неча марта хиёбонга бориб — ҳатто иккى марта уйига — Саодатга тегишли қоғозларни келтиришгач, Мардон уларни үзида қолдирди.

— Ҳаракат қилиб кұраман. Лекин үзингизга маълум, үқув иили бошланиб кетган ва құрқаманки... ниятимиз бу йил

амалга ошмайди. Тўғри, халқ таълими бошкармасида ишловчи бир танишим ҳозир ҳам уни ўқитувчилар етишмай турган бирон чекка кишлок мактабига жойлаштириш мумкинлигини айтмоқда. Лекин қаерда яшайди? Бу ерда, гарчи ижарада турса ҳам, ҳар тугул бошпанаси бор, – деди у кейинроқ шу мавзуда кечган сухбатларнинг бирида. Сўнг, афсус билан давом этди. – Эрининг килмишига шериликкда гумон қилиб ҳам шунча йилга кесишадими! Эшитаяпсизларми – бор-йўғи гумон! Ҳеч кананақа исбот йўқ. Ҳайронман, кимга, нимага керак бўлган бу. Мен ушбу масалага ҳам ойдинлик киритишга уриниб кўраман.

Ваъдага биноан, Нодира ҳар куни бўлмаса-да, ҳафтада бир марта Саодатни йўқлаб туришни канда қилмасди. У энди ҳар доим Юсуф ёки Яшарни бирга боришига кистаб ўтирумай – бирининг вақтини олмасликни ўйласа, бошқасидан шунчаки яшириб – ўзи кетарди. Ҳа-да, нима кераги бор? Колаверса, у ва Саодат ўртасидаги учрашувларнинг биронтаси кўзёшларисиз ўтмайди. Шундай экан, ҳар сафар уларнинг дилини ғашламоқ шартми? Мисол учун, сўнгги гал борганида ҳам Мардон уни ишига тиклаш учун ҳаракат бошлаб юборганини тўлиб-тошиб сўзлаб бергач, ўтмишни эслаб (айникса Яшарнинг Нодирани нега ёмон кўргани ҳақида гап кетганда), ҳазил-хузул қилиш ҳам кўнгилларига сиғди, аммо гап айланиб, қаердалиги ва тақдирни не кечгани номаълум Маҳмудга тақалганида яна – аввал Саодат, сўнг қизнинг киприклари намланди.

Хайрлашаётib одатда барча дўсту дугоналарига унингномидан салом айтишини сўровчи Саодат айнан шу марта бошқа нарсаларни кўшиб кўйишни ҳам лозим топди:

– Хафа бўлмагин-у, бундай кеч келма, – деди у кизнинг юзидан ўпиб. – Айникса, ёлғиз. Шаҳарда турли одамлар бор, сен эса кўзга жуда яқинсан. Тушунаяпсанми?

– Нима қилай? Сизни кўргим келаверади-да! – деди уялиб кетган киз нима дейишини билмай.

– Барибир. Агар жуда соғиниб колсанг, унга айт, бирга келсин, – жилмайди Саодат кимни назарда тутаётганини аниқаён билдириб.

Тез орада яна келишини – албатта, бу сафар ёлгиз эмас! – ваъда қилгач, хиёбон бўйлаб енгил одимлар ташлаб кетиб бораётган Нодиранинг рўпарасидан кутилмагандаги чиқиб қолган соchlари жингалак, корачадан келган барваста йигит у ёнидан ўтиб бўлгандан сўнггина ортига ялт этиб ўғирилди, бир оз ўйланиб тургач эса...

Ўттиз олтинчи боб

Ҳожарнинг бир оз бўлса-да ўзига келгани, сал аввал эса Яшардан ўзи учун тасалли бўлувчи сўзларни эшишиб бирмунча хотиржамликка берилган Давланов бундан сўнг нима килиш кераклиги ҳақида бош қотира бошлаганди. Зеро, кутилмаган воқеалар гирдобига тушиб колган бу инсоннинг турмуш ташвишлари сафига энди бундан буён уйида истикомат қилиши кутилаётган икки ёшнинг муаммоси ҳам қўшилганди. Уларнинг кейинги тақдирни уни ўйлантирмай қолмасди, улар туфайли бир неча кунга бўлса-да қўлдан чиқиб кетган ҳаёт тизгинини яна қўлига олмоғи лозим эди.

Унинг назарида, янги шароитга тезрок кўнишиб кетиш учун уларга ҳозирги ҳолат халақит бериши мумкин: нима, энди факат Ҳожарнинг ташвиши билан яшайдиларми? Тўғри, бу ҳолат иккисининг айби билан содир бўлганидан кўз юмиб бўлмайди, буни ўzlари ҳам ҳар сонияда ҳис этиб турганлари сир эмас. Шундай экан, бунингдек “офир гуноҳ” билан хотиржам, тўлаконли ҳаёт кечириш мумкинми? Ҳожарнинг бутунлай тузалиб кетиш эҳтимоли – ҳа, факат “эҳтимол” – борлигини Махсум айтди, аммо бу ҳолат узокка чўзилиб кетса нима бўлади?

Бунинг устига, узок ва яқин ўтмишлари-чи! Яшарнинг сўзларига кўра (унга ишонмаслик мумкин эмас), баҳтсиз ўтган болаликлари камлик қилгандек, мұхаббатлари-да қайгули якун топибди. Яна, айнан унга кўра, иккиси ҳам энди бошқа бировга кўнгил кўйишга кодир эмаслар... гўё!

Наҳотки?!

Тўғри, бундай сўзларни баъзи адабий асар, ишкий дostonларда ўқиганингда таъсиранмай қолмайсан, ўшаларга ўҳшагинг келади, лекин...

Лекин ҳаётнинг ҳеч бир сатр, ҳеч бир китобга сиғмас ўз конун-коидалари бор эмасми? “Инсонга бир марта берилувчи” самовий ишқ-мухаббатни бир четга кўйиб, “гуноҳкор” ерга кайтиб тушсак ва оддий инсонларга ҳос бошқа нарсалар ҳақида сал ўйлаб кўрилса қандок бўларкин?

Дейлик... Яшар ва Нодира энди бир умр улар билан яшайдими? Кизни узатишмайдими, йигитни ўйлантирмайдиларми? Ҳа, топишганларидан ҳаммаларининг бошлари осмонда, ҳамманинг оғзида шу гап, ҳамма кутляяпти, кўпчилик таъкид-

лагандек, бағирлари “тұлиб қолди”, лекин нима икесінде бүлмасин, ҳаммаси ортда қолмадими? Энди янада олға босиш керак эмасми? Шу эмасми, ҳаётнинг ўзгармас, шу билан биргаликда, энг адолатли қонуни? Бу қонун кимларни “синдириб”, кимларни ўз йўриғига солмаган...

Давланов бугун-эрта тўй-томуша тараддудига тушиб кетмоқчи эмасди, албатта (Ҳозирги ҳолатларида бу ҳатто кулгули!) Лекин кўнглиниң туб-тубида бахтиқаро бу икки ёшга жони ачир, оддий бир инсон сифатида – хеч канака фалсафага берилмай, уларнинг жонажон дўсти Малланинг зурёдлари эканлигини бир чеккага суриб, аёлининг худди шулар туфайли ерпарчин бўлиб ётганини унугиб (демак, шу нарса пешанасида бор экан!) – факат шахсий оиласвий ҳаётгина уларнинг ярим кўнгилларини бутлаши мумкин, деб ҳисобларди. “Хўп, биз ким уларга? – ўйларди у. – Биримиз амма, биримиз почча (шу ҳам гапми!), яна биримиз... Нима бўпти? Ҳатто ота-она бағрида хеч ким бир умр яшамайди-ку! Минг йил кўришмай, сўнг топишган бўлса-да, бир кун келиб ўзи мустакил ҳаёт курмайдими!

Айниқса – киз! Йигирма бирга кирибди! Билмадим, бошқа жойларда қандай, лекин бизда кизларнинг бу ёшда уйда ўтириб қолиши... Агар тани-жони соғ, худо аклдан қисмаган бўлса, албатта!

Ўқимишли бўлгани яхши, лекин бу ерда унга мос харидор топилармикин? Топилганига бу киз розилик берадими? У билан нима рўй берган? Яшар айтган ўша йигит уни... ташлаб кетганми?

Яшарнинг ўзи нега яхши кўрган қиз билан бирга бўла олмаган? Бу борада ҳам тақдирлари ўхшашми? Наҳотки, турлитуман бахтсизликлар уларни доимо мана шундай изма-из кувлаб юрса?

Ҳа-да, бу сафар ҳам айнан шундай бўлмадими: бу ерга келиб, ота юртлари, бизни топиши, аммо Ҳожар бунака ахволга тушиб қолди. Уларни олдинда яна қандай кўргуликлар кутиб турганини ким билади?”

Давланов худди бирор билан сухбатлашаётгандек бош чайқади: “Йўқ, энди бунга йўл кўймаймиз! Шундай қилиш керакки, ўтган ҳаётлари тушга киргандек бўлиб колсин. Майли, биз каби турмушнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашиб қолишин: дейлик, Нодира сигир соғиб, таппи ёпсин, тўй-томуша, аза-ю жанозаларга борсин! Қолаверса, якин орада мактаб очилади. У шундайин бир “маконки”, ўтмишинг ёки

келажагинг ҳақида ўй сурин тугул, бош қашишга ҳам вактинг колмайди!"

Имкони борича миясидан қувишга ҳаракат килаётганига қарамай, уни яна битта ўй каттиқ безовта килаётган эди: худо кўрсатмасин-у, қишлоқнинг бошқа одамлари ҳам Раҳимов каби уларнинг бу ерга бирга келганлари, бирга юрганларини... бошқа нарсага йўяётган бўлсалар-чи! Ҳа-да, битта қишлоқ бўлгани билан, дўст бор, душман бор! Эл оғзига этак тутиб бўладими! Ҳатто Ҳожар қулоғига чалинган, шунчаки айтилган ўша сўзлардан мана бундай бўлиб ўтириби-ку!

Давлановнинг юраги сиқилди: ишқилиб, номларига доғ тушиб қолмасин. Энг аввал Яшарни уйли-жойли қилиш керак. Уни ҳаётга энди ўзгача назар билан қаратувчи бошқа йўл кўринмаяпти.

Шу ерда у ўйланиб қолди: "Лекин кимга? Кимнинг уйида унинг кўнглига мос келувчи бўй киз бор?"

Унинг хотирасига куни-кеча Раҳимовникига боргандарида дарвозахонада қарши олган Шарофат тушди: "Чиройли киз. Мактабни ҳам яхши битирганди. Ўқимоқчи бўлганди, лекин Раҳимов = ўзи мактаб директори бўлишига қарамай! – розилик бермади. Икки йил илгари битирган катта қизини кузга колмай турмушга бериб юборганидек, бунисини ҳам... Лекин хотини Ойшанинг Ҳожарга айтишига кўра қишлоқнинг бир эмас, бир неча йигитлари номидан борган совчилар курук қайтишибди. Бу ҳақда энди ҳамма гапириб юрибди. Ҳа, қишлоқ жойда ҳатто совчиларнинг қайtgани ҳам гап!

Феъл-автори ўзига яраша (буни мактабда ўқиб юрганидаёк кўрсатганди), қишлоғимизнинг ота-она нима демасин, хўп деювчи бошқа қизларига сира ўхшамайди".

Шу хаёллар билан Яшарни томорқада – ўзининг қўли тегмай қолиб кетган ерни чопаётган алфозда учратган Давланов сал наридан бир пас кузатиб тургач, овоз берди:

– Ҳа, зерикдингми?

Яшар белкуракни ерга санчиб, жилмайди:

– Бекор ўтиргандан кўра. Ёки керак эмасмиди?

– Ким айтди сенга, керак эмас деб? Ҳеч бўлмаса маккажӯҳори экиб ташласа бўлади. Қараб турдим, қўлинг анча келишаркан. Ҳа, эркак қиши ҳар қандай ишни бажара билиши керак. Тўғри-да, эрта-индин уйланиб, бола-чакали бўлсанг...

– Янами? – ҳайрон қолди Яшар аввал етимхона, кейин университетда ўқиган пайтларида бундай ишларга тез-тез жалб

этіб турғанларини айтиб бұлғач, Давлановдан ҳозирнинг ўзида Раҳимовнигига боришилари кераклигини әшитиб. – Директор билан қыладиган ишимиз қолмаганди, шекилли?

– Бу сафар мәхмөн бўлиб! – кулди Давланов. – У жуда кўли очик одам! Неча марта келганинг-у, неча пиёла чойини ичганингни ҳисоблаб ўтирмайди. Қолаверса... нима десам экан... иккаламиз яхшигина оғайни. Ўзинг кўрган ўша мактабни оёкка турғизгунча қанча меҳнатимиз синггани, қийналганимизни билсанг эди! Айниқса, ўқитувчилар саноклигина бўлган дастлабки йиллари. Хотини ҳам амманг билан яқин дугона – бир неча марта келиб, ҳолидан хабар олиб кетганига кўзинг тушгандир. Айтгандек, кеча борганимизда кизини ҳам кўрдинг. Жуда яхши киз, – қўшиб қўйди у Яшарга кўз кирини ташларкан.

У жуда истаганидек, бу сафар ҳам дарвозани Шарофат очди, ўзини ҳам худди кечагидек тутди, лекин Раҳимов уйида ўйқ экан.

– Мактабда, – деди у ердан нигоҳини узмай. – Кутиб турсаларингиз, укамга айтаман, чақириб келади.

– Майли, овора килиб ўтирма, – деди иккиланиб колган Давланов. – Мактабга ўтармиз. Ўзимнинг ҳам баъзи бир қыладиган ишларим бор, синфи янги ўкув йилига ҳозирлаш керак. Ҳа, айтгандек, нега бизнигига ўтмайсан? – кулди у. – Мана, Яшар аканг... синглиси билан келган... зерикиб ўтирибди. Уйга келсанг, танишиб олардинг.

Шарофат Яшарга тезгина кўз ташлаб олди.

– Борарман, – деди у кизарганча. – Кирмайсизларми?

– Йўқ, яхшиси мактабга бора коламиз. Онангга салом айт.

– Келиб турингизлар.

Мактаб сари боришаркан Шарофат ҳакида сўз очиб, ўзининг ўғли йўқ эканлиги, бўлганида албатта шу кизни келин қилган бўлиши мумкинлигини айтган Давлановнинг кўзларида армон ёки дард эмас, аллақандай... муғомбirona кулгу жилваланиб турганини кўрган Яшар буни нимага йўйишни билмай ҳайрон қолди.

* * *

– Ким экан? – сўради тандирга ўт қалаётган Ойша қизининг қадам товушини әшитиб.

– Давланов малим. Мактабга кетишиди.

– Кетишиди... дейсанми? Бир ўзи эмасмиди?

– Янги малим билан.

– Нима, яна бирон гап чиқиб қолибдими? – ўғирилди Ойша. – Сира тинч ўтиришмайдими дейман. Кайфиятлари яхшими?

– Яхшидек. Бизникига кел, муаллима қиз билан танишиб ол, деди Давланов. Она, қачон мени олиб борасиз? Уни жуда күргим келаяпти.

– Ўзинг боравер, кап-катта қиз бўлиб ҳам менга эргашиб юрмай.

– Уйга таклиф қилсак бўлмайдими?

– Ҳозир шунинг пайтими! Ҳожар холанг оёққа турсинчи, бирга келишар. Ҳайронман, нима бўлиб бунчалик каттиқ йикилган. Шўрликнинг бу куни у кунидан баттар бўлди. Бу бало қаерда турувди! Аммо қиз унинг ёнидан бир қадам жилаётгани йўқ. Ўзиям адо-ю тамом бўлди, бечора.

– У қиз... чиройлими?

– Билмадим. Лекин қуйиб қўйгандек акасининг ўзи. Эшитмадингми, бутун қишлоқнинг оғзида шу-ку.

– Демак, у ҳам чиройли экан, – деди бир пасдан сўнг Шарофат.

Ортига ўғрилиб, ерга тикилганча қандайдир ширин хаёллар ичидаги жилмайиб турган қизига кўзи тушган Ойшанинг лаби четида ҳам билинار-билинмас табассум пайдо бўлди, сўнг қошларини чимириб, сал четда турган темир косовни қўлига олди.

* * *

Қош корайганда қайтиб, чойни одати бўйича ёстиқка ёнбошлаганча қайтаришга киришган Раҳимовнинг ҳам кўриниши бошқача эди.

– Давланов уйга келгандек гапирасиз? – сўради у бир пайт рўярасидаги хотинидан, сўнг жавобни кутмай, давом этди. – Яхши одам. Мактабимизнинг энг жонкуяр муаллимларидан бири.

– Худди энди билгандек гапирасиз! – кулди Ойша. – Билмадим, шу одам бўлмаганида, нима килардингиз. Ҳа, айтганча, тинчликмикин? Анови йигит билан келганини эшитгач, яна бирон нима бўлдими, деб ўйлабман.

– Нима, келмай юрган жойими, – унга зимдан каради Раҳимов. – Лекин жудаям тинчликка ўхшамайди. – Ойша кулоқларини динг қилди. – Рости, нима дейишни ҳам билмай турибман, – сал-пал қизарди Раҳимов.

У энди Давланов билан бўлган сухбат ва унинг мавзусидан эмас, балки янги келган муаллимлар ҳакида ўзининг беўхшов тахмини ҳакида аввал уларнинг ўзига айтиб, кейин хотини билан “уртоқлашгани”дан кўпроқ уялиб кетаётганди. Мана, энди шу йигитга...

– Нима?! – ранги ўзгарди унинг сўзларини эшитган Ойшанинг.

– Мен ҳам хайрон қолдим.

– Буни... ўша йигитнинг олдида гапирдими?!

– Йўқ, биз билан бир оз ўтиргач, мактабни бир оз томоша қилайн, деб чиқиб кетганди. Менимча... хабари йўқ. Буни кейинрок – Давланов нима учун бу ишга кўл ураётганини айта бошлагач тушундим.

– Нима учун экан? – эрига эҳтиёткорона тикилди Ойша.

– Биласанми...

... Эрининг кейинги сўзларини эшитган Ойшанинг ранги багтар ўзгарди:

– Вой ўлмасам!

– Ҳа. У ҳамма нарсани билишимиз, ўртада ҳеч қандай сир бўлмаслигини ҳозирдан истаяпти. Яна бир нарса: кизимизга оғиз солмаганида Давланов ҳеч качон буларнинг биронтасини менга айтмасди... шу жумладан, Ҳожар нима учун бунақа бўлиб қолганини ҳам.

– Йигитнинг ҳеч гапдан хабари йўқ, демадингизми ҳозиргина? Давланов-ку, сизни кўндириби, лекин у-чи? Қизимизни балки писанд қилмас? Ҳар ҳолда, Самарқанддек шаҳарда униб-улғайган йигит. Бекорга... шарманда бўлганимиз қолмайдими!

– Мен ҳам шуни айтдим, – нигоҳини четга олди Раҳимов. – У эса... агар рози бўлсан, бу ёғини ўзига кўйиб беришимизни сўради. Ҳамма гапни дўстона, ҳамиятимга тегмайдиган қилиб айтди. Бу унинг кўлидан келади – ёдингда бўлса керак, катта қизимизга ҳам куда томон айнан уни совчи қилиб жўнатганди. Хўп, нега хафа бўлишум ёки аччик қилишим керак эди? Бўй етган қизга оғиз солишни ҳеч кимга ман этмаганлар. – У бир оз тин олди. – Агар у сен ўйлаётгандек... кўнмаганида ҳам, буни қишлоқда ҳеч ким эшитмайди, ёпиклиф қозон ёпиклигича қолаверади – худди Ҳожар билан аслида нима воеа рўй берганини ҳозиргacha ҳеч ким билмаганидек. Кейин... совчи юборишганда ҳам, ҳали қизинг нима дейди? Биринчи марта унга оғиз солишаётпими? Унинг осмондаги ойни кўзлаб юрибди-

ку! – Қизининг тандир бошидаги сўзларини эслаган Ойшанинг лабида яна ўша жилмайиш пайдо бўлди, аммо буни Раҳимов сезмади. – Кўрдингми, бу ерда ўйладиган, қайғурадиган нарсанинг ўзи йўқ!

Ойша бир-бирига қарама-карши ҳислар оғушида қолганди. Эрининг сўз оҳангиди – беркитишга қанча уринмасин! – ўша йигитга мойиллик бор. Албатта! Ўқимишли, ўз оиласини ўзи тебратишга қодир, ҳаётнинг аччик-чучугини керагидан ҳам ортиқ татиб чиниккан йигитни күёв қилиш кимга ёкмайди! Узокқа боришининг нима кераги бор – катта куёвнинг рӯзгори ҳамон кудаларининг бўйнида-ку! Қизимиз ҳам келганида биздан у-бу нарса юлиб кетишга уялмайди, келиш деганлари эса ҳафта сайин...

“Демак, у ҳам чиройли экан”

Ойша хўрсинди: майли қизим, агар у ҳам сенда шу каби бирон фазилатни топса... нима дердик.

* * *

Яшар уят-хижолат ичидаги жилмайди: “Мана, топишганимиз, жуда қизғин деб бўлмаса-да, ялаб-юлқишиганимизга ҳафта ўтмай, ўртада “тўқиашувлар” бошланди. Балки, барча узок-яқинлар, кишлоқдошлар ўртасида бўлиб турадиган ғидибидилар ҳам ўзини кўп куттириб қўймас? Ҳа-да, нега энди биз бошқача бўлишимиз керак? Қайси бир донишманд айтмаганимиди: “Жамиятнинг ичидаги бўла туриб, ундан ташкарида яшаб бўлмайди” – деб?

Йўқ, у сал келиштириб айтган шекилли.

Давлановнинг бу мавзуга шунчалик қаттиқ ёпишиб олиши ни Яшар хеч ўйламаганди. Наҳотки, шундан бошқа ташвишлари бўлмаса? Жуда бўлмаганди икки-уч ой ўтиб бошлагандарида ҳам майли эди! Оила куриш ҳакида гап кетганда катта ёшдагиларнинг бари “бу умр савдоси, шошилиш ярамайди” деб такрорлашдан чарчамайди, лекин амалда...

Мактабдан қайтиб келишгач, Давланов чой устида яна Шарофат ҳакида гап очганда:

– Сиз айтаётган қиз мен билан баҳтли бўла олмайди, – деди унинг ниятини ниҳоят англаб колган Яшар имкони борича ўзини босиб. – Ахир, одамда кўнгил деган нарса ҳам бор-ку! Тушунинг... бу ерда мен нафакат ўзимни назарда тутаяпман.

– Бир умр бўйдок ўтмоқчимисан? – беозор табассум килди Давланов. – Одамлар нима дейди? Тўғри, бу ерга кечагина кел-

диларинг. Лекин айнан шунинг учун ҳам ҳамманинг кўзи ик-кингизда. Майли, Зухранинг йўриғи бошқадир... лекин сен элга тезрок кўшилиб кетишинг керак. Истасанг-истамасанг, одамлар орасида мен айтаётган нарсага, – у бир оз ўйлаб олди, – кизикиш бошланади. Бу ер шаҳар эмас, йигитлари сенинг ёшингда бўйдок юрадиган! Ҳозирча янгисан, лекин эрта-индин меҳмонга, тўйларга, турли давраларга таклиф этиш бошланади, ошна-оғайни орттирасан. Нима, ўша йигитлар сени – тўғри маънода, албатта! – тинч кўйишадими?

Яшар лабларини қимтиди.

- – Менга факат яхшилик тилашингизни билиб турибман, лекин ишонинг... бу сиз ўйлаётганчалик осон эмас.

– Билмадим яна, лекин агар ўша қиз сенга... бу менинг тахминим холос, кўнглингга олма... бевафолик қилган бўлса, уни тезрок унутиш учун таклифимга рози бўлганинг тузукдир? Нима бўлган ўзи? Ёки бу ерда бошқа гап борми? Дейлик, отонаси рози бўлмаган? Сенга нописандлик билан қарашган? Ёки шундай бир ҳолатки... бизнинг билишимиз шарт эмас. Шундайми? Қизик-ку, – деди Давланов Яшарнинг бош чайқаганини кўриб. – Унда нима бўлиши мумкин? Ахир, менга айтмасанг, яна кимга айтасан. Ҳар ҳолда бу аллақандай... давлат сири эмасдир!

Яшар аччиқ кулимсиради.

– У...

Биргина ҳарфдан иборат шу сўздан сўнг айтилганлари Давланов учун шу кадар кутилмаган бўлдики, кўлидаги чой тўла пиёлани тушириб юборишига сал қолди.

Ўттиз еттинчи боб

... Танишувимиз, Камола ва унинг оиласи билан муносабатларимиз хозиргина эшитганларингиз тарзида кечаетганди. Мен уни нимадир кийнаётганини уч ойлардан сўнг билдим. Йўқ, ўзи айтмади, лекин юриш-туриши, феъл-авторида қандайдир ўзгариш содир бўлаётганди: хаёлчанлик, баъзи-баъзида дарсга келмай қолишлар... Учрашганимизда ҳам менга узок, худди бирон саволи ёки айтадиган гапи бордек тикилиб қолиш, лекин охир-оқибат, индамай бурилиб кетиш одатини чикарди.

Ичим кизиб, яна-да тўғрироғи, кўнглимга ғулғула оралаб, бир куни сўрадим... нима бўлаётганини, аммо у жавобдан

қочди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, яна ўша ҳолат. Кейин бир ҳафтага якин дарсга келмади. Гарчи аввал уйига бемалол бошиб юрган бўлсан-да муомаласи бу тарзда ўзгариб қолганини кўргач, оёғим тортмай қолди. Уй телефон ракамини ҳам билардим, лекин ўзини бундай тутиб тургач қандай қўнғирок киласан?

Нихоят, бир куни у факультетда яна пайдо бўлди. Балки ишонмассиз, лекин сал нарироқдан кўрганимда – мен фойеда тургандим, у эса зинадан тушиб келаётганди – таний олмадим: ёноклари, кўзлари ичига чўккан, бир пайлари ўзига жуда ярашиб турувчи либослар эгнида худди бирорникидек осилиб турибди. Ён-атрофидан ўтиб-қайтиб турган таниш талабалар билан худди айбордек, нигоҳини ерга тикканча саломлашади. Мени кўрса ҳам шундай килар ёки кўриб-кўрмасликка олиб кетар, деб ўйлаб тургандим, лекин бундай бўлмади.

Мен ўрнимдан жилмадим, у бир пас ўйлаб турди-да, ёнимга келди.

– Салом, – деди кўл учини узатиб. – Ўқишилар... ишлар яхшими?

Балки киш бўлгани учундир, бармоқлари муздек эди.

– Яхши. Ўзингиздан сўрасак? Уй ичилар?

– Ҳаммалари яхши юришибди. Салом айтишди.

Танимга илиқлиқ югурди.

– Саломат бўлишсин! Яхши бўлиб қолдингизми?

– Нима... мени касал деб айтишдими? – бесаранжомлик пайдо бўлди унинг кўзларида. – Суриштирдингизми?

– Суриштириш шартми! – кулдим мен. – Бир ҳафта келмаганингизга ўзим шундай ўйга бориб тургандим. Агар сўзим малол келган бўлса, кечиринг! Кўринишингиз жуда яхши!

У юракка ғулғула солувчи нигоҳ-ла узоқ вақт караб колгач, деди:

– Илтимос, мени кузатиб кўйсангиз.

– Қаёққа? – ажабландим мен. – Дарсга кирмайсизми?

– Йўқ, – бош чайқади у. – Мен ўқиб бўлдим.

Шундай деб мени ёнлаб ўтди-да, кўча томон йўналди, мен эса жойимда серрайиб, унинг жумбокли сўзларидан барибир ҳеч нарсани англамай турганимдан сўнг, ортидан югурдим.

У трамвай бекатига олиб борувчи йўлак бўйлаб бораарди.

– Тўхтанг, Камола! Бу нима қилганингиз?! – дедим етиб олгач тирсагидан тутиб. – Бу нима деганингиз?! Нега бунча... ўзгариб қолдингиз?

Кутилмаганда – ўнгу сўлимиздан йўловчилар ўтиб турганига қарамай! – қўксимга бошини қўйди ва...

Калтираб кетдим:

– Нима?! – кулокларимга ишонмасдим. – Нега шу пайтгacha айтмадингиз? Қачондан?! – У индамай, мендан узоклашиб кета бошлади. – Камола! Тўхтанг! – Бекатга етиб боргач, мажбуран ўзимга қаратдим. – Ҳали шунгами! – кулдим ўпкасидан рак бўлганини эшигач вужудимдаги титрок ҳали-ҳамон кетмаган бўлса-да. – Худо билади, хаёлимга нималар келмади! – Демак... даволаняпсиз, шундайми? Шунинг учун дарсларга келмаяпсиз? Ҳечкиси йўқ, тузалиб кетганингиздан сўнг, яна давом эттирасиз.

У бош чайқади:

– Менда касалликнинг энг оғир кўриниши. Фақат кучли дори-дармонлар ёрдами билан оёқда юрибман, лекин бу вактингчалик. – У аянчили жилмайди. – Мана шунака гаплар, Яшар ака. Раҳмат, кўнглимни кўтарганингиз учун. – Узокдан қўнғироқ товуши эшитилди. – Ана, трамвай келаяпти. Хайр бўлмасам.

Назаримда уни бошқа кўрмайдигандек эдим.

– Яна қачон келасиз? – дарҳол сўрадим.

Яна ўша аянчили жилмайиш.

– Нима учун? Айтдим-ку, ўқиб бўлдим деб. Деканатга ариза ташлагани келгандим... академик таътил беришларини сўраб. Дадам келаси хафта Москвага олиб бормоқчи... сўнгги умид деганларидек. Қандайдир бир машхур врач борлигини дараклабди. Билмадим, фойдаси тегармикин.

Менга яна жон кирди:

– Нега энди фойдаси тегмасин! – дедим хаяжонланиб. – Москвадек жойда-я! Мана, мени айтди дерсиз, ҳали отдек бўлиб кетасиз! – Трамвай келиб тўхтади, мен унинг қўлидан тутдим. – Уйингизгача кузатиб қўяман! Илтимос, пиёда кетайлик!

– Нима қиласиз овора бўлиб. Яхши қолинг!

– Камола!!! – энди ҳар икки қўлидан ҳам тутдим унинг.

Тиқилинч трамвай жойидан кўзғалди, сал туриб... биз ҳам.

У нима бўлганини менга айтмоқчи эмас, айтган иборасини қўллайдиган бўлсак, “ўртамизда ҳамма нарса тугаган” экан. Куйиб-пишиб – ҳатто, хафа бўлганимни яширмай! – эътиroz билдира бошлаган эдим:

– Бу гапларни кўйинг, Яшар ака, – деди у. – Агар ўша врач саклаб қолганида ҳам, бир умр мажрух бўлиб қоламан.

Дадам, онам, албатта, шунга ҳам рози, лекин сиз... соглом аёл билан оила қуришингиз, энг муҳими... соғлом фарзандлар қуришингиз керак. Майли, дўст бўлиб қоламиз, – учрашгани миздан буён унинг киприклари илк бор намланди, – то...

Энди мен уни гапиртиргани кўймадим:

– Камола! Жим бўлинг! Ҳали кўп яшайсиз! Ҳали бу гапларингиз учун уялиб юрасиз! Менга келсак, то тирик эканман, сиздан ажралмайман!

Биз талашиб-тортишиб, ҳатто бир оз уришиб, етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Билиб турибман – уйига таклиф қилмоқчи эмас. Шунинг учун дарвозадан аввал мен кирдим, ортимдан – у.

– Сизга айтдими? – сўради дарвазахонада мени кўриб, жойида котиб қолган онаси саломимга алик олмай. Камола эса хеч нарса демай, хонасига кириб кетганди.

Мардон ака ишидан жуда кеч кайтгани туфайли ўша куни ёткхонага бормадим. Худди Камолани бирдан таний олмаганим каби, унинг ҳам илгариги ўқтамлиги, савлатидан асар қолмаганди, қизга чангл солган кутилмаган дард нафақат отаона, балки оиланинг бошқа аъзолари – ҳали норасида сингилчаларининг ҳам қаддини букиб кўйгандек эди.

Ярим тунгача сухбатлашиб ўтиридик. Мардон ака келгуси душанбадан бошлаб ўз ҳисобидан икки ҳафталик таътилга чикиб, агар бу муддат етмай қолса ва улгuriшмаса, Москвадан туриб иш жойига кўнғирок килишни мўлжаллаётган экан.

У тинмай сигарета чекар, дам-бадам хаёлга чўмарди.

Унинг ўзини тутишида менга ёқмагани фақат бир нарса бўлди – қизи касал бўлиб қолгани учун худди мендан уялаётгандек, бунда гўё ўзининг айби бордек, бутун сухбатимиз давомида бирон марта кўзимга қарамади. Бунака ҳолат Камоланикига келиб-кетиб юрганимдан буён биринчи марта содир бўлаётганди.

Айтгандек, Ҳулкар опа ҳам то у ишдан қайтгунича бирга ўтирган пайтимизда ўзини ундан ортиқ тутмаганди, Камола эса ўшанда хонасига кириб кетгани кўйи, кайтиб кўриниш бермади, аммо, эртаси куни эрталаб, кетаётганимда, кузатгани чиқди.

– Москвага кетаётгандарингда вокзалга чиқаман, – дедим. – Унгача майлими кўнғироқ килиб турсам? – Жавоб бўлмади, мен бир оз кутиб тургач, яна сўрадим. – Уларга... кечаги гапларимни етказдингизми?

– Қайси гапларингизни? – билмасликка олди у.

– Сиздан барибир воз кечмаслигим ҳакидаги. Бўпти, демак, буни ҳам ўзим айтишимга тўғри келади. Яхши қолинг.

Ўқишга кирганимдан буён ўша куни биринча марта дарсга бормадим. Гарчи уларникида бўлган пайтим ва Камола билан хайрлашаётганимда ўзимни дадил тутганим билан, ичимда бир нима узилгандек эди, ўзимдан ўтаётганини факат ўзим билардим.

Бир синфдошимиз – биз билан тарбиялананаётган Элёр исмли бола ҳам еттинчи синфда ўқиётганимизда худди шу дард билан оғриб бир ойлар чамаси касалхонада ётгач, синфимиз раҳбари дарсдан кейин ҳаммамизни уни қўргани олиб борганди. Аслида, синфдошимизни кўргани эмас, балки у билан видолашувга борган эканмиз: каравот билан битта бўлиб ётган Элёрнинг факат эти ва суяги қолганди, кўзларидағина хаётнинг сўнгги онлари сақланиб турган синфдошимизни кўриб, ҳаммамиз кўрқиб кетгандик. Ҳамшира палатада туришимизга беш дақиқагина рухсат берди ва шундан сўнг Элёрни бошқа кўрмадик...

Шу туришида Камола оёқда тургани билангина ундан фарқланарди.

Лекин ҳозирча умид бор эди – Москва! Тиббиётдан озми-кўпми хабардор барча одамларнинг фикрига кўра, ушбу дард бедаво ҳисобланса-да, Мардон аканинг сўзларидан менга маълум бўлишича, ўша машҳур шифокор жуда бўлмаганда ўндан бир беморнинг ҳаётини сақлаб қолаётган эмиш. Ким билади, ўша битта бемор... айнан Камоладир! Шусиз ҳам ўтказиб юборилган вақтни янада чўзиб юборишмаса, албатта!

Нималар бўлаётганини Нодира га факат улар Москвага жўнаб кетганларидан сўнг айтдим. Ўша куни Юсуф ҳам эшитди...

Яшар Давлановга изоҳ берди:

– Бу ўша йигит эди, Нодира билан аҳду паймон қилган. Сиз бу ерда ошна-офайни, жўралар орттирасан, дедингиз. Лекин билмадим, Юсуфдек якин дўст ҳаётимда яна пайдо бўлармикин? Ҳатто етимхонада ўнлаб йиллар бирга ўсган болалар ичida бунақаси йўқ эди. Истасангиз, у ҳакда ҳам ҳикоя килиб берарман...

Давланов жойида қимиirlаб қўйди: қандай истамасин! Ҳозир фожиали тақдири ҳикоя қилинаётган киз ҳакида сал аввал берганидек саволлар тили учида тинмай айлананаётган бу

одамнинг ўша йигит ҳақида ҳам қандай килиб тезроқ билгиси келмасин! Аммо у сабр қилишга қарор қилди – бу ҳам оддийгина, шунчаки айтиб ўтиладиган воқеага ҳеч ўхшамайди! Давланов юрагининг туб-тубида улар билан ҳам бирон ёмон ҳодиса рўй берганини ҳис этиб туарар, бироқ нималиги ҳозирча коронғу эди: “Нодирани ташлаб кетганми? – неchanчи марта тахмин қиласиди у. – Йўқ... шундай бўлганида Яшар уни бу кадар мактамасди. Унда... нима бўлиши мумкин? Ёки у ҳам...”

Давлановнинг юраги шув этиб кетди.

– Мардон аканинг айтганлари ўзини оклади, – деди Яшар хикоясини давом этаркан. – Етиб борганларидан сўнг уйига деярли кунора қилиб турган қўнғирокларидан бирида, Москва-да камида бир ой қолиб кетишлари мумкинлигини хотинига айтиби. Ўша кунлари уларникига бормай қўйгандим: бирон янгилик бўлса ётоқхона маъмуриятининг хизмат телефони орқали менга хабар қилишни аёл билан келишиб олгандик. Кечки пайт бўлган чакирикларнинг бирида навбатчи-эшикбон гўшакни узатаётиб, бошқа сафарлардагидан фарқли ўларок сирли шивирлади:

– Москвадан! Тезроқ бўл, акс ҳолда узиб қўйишади!

Юрагим дукуллаганча гўшакни қўлга олдим: Камола!

Беш дақиқача гаплашдик. Ҳозирча турли хил анализларни топшираётган бўлиб, шифокор дастлабки кўрикдаёқ дарди ҳавфли эканлигини яшириб ўтирабди. Лекин нима бўлганда ҳам лаборатория текширувлари натижаларини кутиш керак экан. Мардон ака шаҳар марказидаги меҳмонхоналарнинг бирида жойлашибди. Ҳаво жуда совук эмиш. Суҳбатимиз сўнггида онаси, сингилларини жуда соғинаётганини айтиб, уларни йўклаб туришимни сўради.

Мен, албатта, ваъда бердим.

Атрофимда Нодира, Юсуф каби яқинларим бўлганига қарамай, қалбим хувиллаб, дарслар, шу жумладан, “ижтимоий-сиёсий фаоллик” ҳам ўлда-жўлда бўлиб қолган, ошна-огайниларим, курсдошларимнинг турли хил йигинлари-ю, базмлари кизиктирамай қўйганди. Ҳулкар опа сингари энди мен ҳам юрагимни ховучлаганча хар куни Москвадан қўнғирок кутардим.

Ниҳоят, шундай кун келди.

Анализ натижаларига кўра, шифокор Камолани операция килмайдиган бўлибди. Мардон ака ундан фақат ижобий на-тижа бўлишини сўраган ёки талаб килган шекилли (билмадим,

шифокорга бу каби талаб қўйиш тўғрими-йўқми?), таваккал килишни истамабди ва...

Хуллас, асли келиб чиқиши немислардан бўлмиш ўша профессор бунингдек жарроҳлик муолажаси техник жиҳатдан мукаммалроқ ускуналарга эга Берлиндаги бир госпиталда муваффакиятли амалга оширилиши мумкинлигини айтиб, агар кизи яшаб қолишини истаса, зудлик билан ўша ёкка бориши кераклигини маслаҳат солибди.

Унинг кейинги сўзлари ортиқча эди: қандай ота ўз жигарбанди ҳаётини саклаб қолишини истамайди! Неча йил, неча ой, ҳатто неча кун яшашининг нима фарки бор! Ҳеч ким ҳали дунёга устун бўлган эмас, аммо Камоланинг фақат аллақандай техник имкониятлар чеклангани учунгина ҳаёт билан бу тарзда видолашувига Мардон aka қандай қилиб йўл қўя оларди!

Ана шу инсон бир пайтлар ўзи ўқиган (бу ҳақда ҳам сизга айтиб бераман), ошна-оғайнилар орттирган ушбу шахарда қизини ҳаётга қайтариш мумкинлигини эшиштач, Москванинг ўзидаёқ сафар учун керакли ҳужжатларни тўплай бошлабди, аммо у ердаги маъмурларнинг айтишича, баъзи бир қофозларни у ўзи яшаб ва ишлаб турган жойидан, яъни, Ўзбекистондан олишга тўғри келаркан. Айнан шунинг учун ҳам тез орада уйда бўлишини сўнгги марта килган кўнгироғида айтибди.

Агар поездлар катнови тўғри хисобга олинса, унинг етиб келишини кам деганда бир хафта кутишга тўғри келарди.

Ҳа, факат ўзини! Чунки, шусиз ҳам Москва сафари, турлигуман тиббий текширувлар натижасида ўзини анча олдириб қўйган Камола учун яна йўлга чиқиш ўта хавфли экан. Мардон aka уни шифохонага яқин бир хонадонга жойлаб – яхшигина ҳақ эвазига, албатта! – тавсия этилган дори-дармонларнинг барчасини сотиб олибди.

Нихоят, у етиб келди.

Шифокор операция қилишдан бош тортганига карамай, Германияда нажот топиш умиди қанот бахш этганми, ҳаммамиз учун совға-салом кўтариб келиш ҳам юрагига сиғибди. Хушҳоллик билан сўрашиб, Камоланинг саломини етказгач, эртадан бошлаб керакли қофозларни тўплашга киришажагини айтиб ўтди ва... ҳаммаси шундан кейин бошланди.

Мен ҳар куни дарсдан сўнг уларникига борардим ва кечки овқатдан сўнггина Ҳулкар опа ёткxонага кетишимга рухсат берарди. Шу сабабдан, воеаларнинг ривожидан доимо хабардор бўлиб турдим.

Хозиргача ўйлайман: шундай юкори давраларда юрган одамнинг ўзи дуч келиши мумкин бўлган тўсикларни олдиндан билмаслиги мумкинми? Вазият қанақа эканлигини кўрмаётганими?

Табиийки, мурожаатномасида нима учун Германияга бормоқчи бўлаётганини батафсил ёзган, ҳар эҳтимолга карши, Камолага тегишли тиббий варакалардан нусха кўчириб (албатта, москвалик шифокорнинг энг сўнгги хуносасини ҳам), барчасини илова килган, қўшимчасига, қизининг Москвада колгани, жарроҳлик муолажаси тезрок амалга оширилмаса, кеч бўлишини айтиб ўтиб, хорижга чикиш учун тезрок рухсат беришларини илтимос қилганди.

У кечкурун хурсанд ҳолда уйга қайтиб, мурожаатномани қабул қилган ходим эртага келишни тайнлаганини айтди.

Лекин эргаси куни уни хуноб, тажанг, тушкун ҳолда кўрдим. Уни қабул қилган ходим Германиядаги сиёсий нобарқарорлик, хусусан, ҳокимият тепасига келган фашистик тизимнинг мамлакатимизга нисбатан туваётган нодўстона хатти-харакатлари туфайли у ерга бориши катъян тўхтатилганини айтибди. Ҳеч қандай сабаб ёки “баҳона” ўтмайди! Фикри-хаёли кизиза бўлган Мардон aka бу жавобдан ўзини йўқотиб, соддадилларча, Германия унга нодўст ёки бегона эмаслиги, бир пайтлар у ерда ўқигани, ҳатто баъзи бир танишлар орттирганини айта бошлабди.

Жавобимни эшитгач тезда чикиб кетади, дея умид килиб турган ходим – кўринишидан иш амалиётини ўтаётган, бир оғиз ўзбекчани билмайдиган йигитча – Мардон аканинг ўтмишидан бехабар эканми, дарров сўрай бошлабди: “Қачон бўлгансиз, канака ўкишда, танишларингиз ким...”

Минг уринмасин, Мардон aka ҳеч нарсага эриша олмабди. Лекин у бўш келадиганлардан эмасди. Билмадим, айнан каерни назарда тутган, лекин анча пайт ўйга чўмиб ўтиргандан сўнг (тинмай йиғлаётган Ҳулкар опа бу пайтда қизчаларининг ёнига чикиб кетганди), юкори ташкилотларга арз билан чикишдан бошка йўл қолмаётганини менга айтди. Камола ҳам ҳозирча Москвада коларкан.

Ярим соатлар ўтгач кетиш учун ўрнимдан турдим, Мардон aka эса навбатдаги мурожаатномани ёзиш учун иш кабинетига кириб кетди.

Сўраб олган икки ҳафталик таътили бир ойга чўзилган Мардон aka юрагига қил сиғмаса ҳам, ишга чикишга мажбур

бўлганди. Лекин энди аввалги пайтлардагидек то ярим кечагача колиб кетмас, шунчалик қайғуга ботгандики, ташки кўринишига ҳам эътибор бермай кўйганди, баъзи кунлари эса анча ўсиб қолган соқолини ҳам олмай ишга кетаверарди.

Бир куни борганимда эса уни маст ҳолатда кўрдим.

Катта умидлар боғлаган мурожаатномасини ёзгач, тўрт кун ўтиб уни ЧК га чақириши.

Ўша куни кечкурун оиланинг бир қанча узок-яқинлари Ка-моланинг аҳволи билан кизиқиб, ҳол сўраш учун уларнида йиғилишганди.

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман! — деди Мардон ака жигибийрон бўлганча ҳаммамизга бир-бир қараб чиқаркан. — Бизни хукумат қарорига биноан Германияга юборишмаганмиди! Энди эса ўзларини мен билан худди... айғоқчи, жиноятчи билан гаплашгандек тутишайти! Ўша даврда у ерда ўкиб келганлар рўйхатини бир-бир ўқиб, ҳозир улар билан муносабатим қандайлиги, ўртамизда борди-келди бор ёки йўқлигини сўрашмоқда! Тўғри, баъзилари билан сакланиб турибди, лекин кўпчилигини йилда бир қўраман ёки шу ҳам йўқ — бири Бухорода бўлса, бошкаси Тошкентда, баъзилари ҳатто Россияда. Айлантириб, турли хил илмокли саволлар беришгани-беришган, ваҳоланки, нима учун Германияга бормоқчи бўлаётганимни ўзимдан ҳам яхши биладилар. Энг алам қилган жойи — худди миннат қилаётгандек, менга шу пайтгача “тегмай” турганларини шама қилишлари бўлди. Гүё кўрсатган хизматларим хурмати юзасидан! Керакли кадр бўлганим учун! — У бир оз сукут саклади. — Ҳа, факат иш билан овора булиб, билмай юрган эканман: Германияда таълим олган, хизмат юзасидан у ерда бўлган сафдошларимизнинг кўпчилиги аллақачон кора рўйхатга тушиб, баъзи бирлари эса ҳатто хибсда сакланиб, сўроқ бермоқда экан...

Ўртага совук жимлик чўқди. Йўқлаб келувчиларнинг — айниқса, эркаклар — аксарияти Мардон ака сингари юқори ва масъул лавозимларда бўлгани учунми, кайфиятлари бирдан ўзгариб, кетишга шошилдилар, Камола аллақачон оламдан ўтгандек узук-юлук, минғирлаб ҳамдардлик билдиришгач, ўринларидан туришди.

Ўзимиз қолганимиздан сўнг Мардон ака менга бошқа яна кўп нарсаларни айтиб бердики, эшитсанг аклинг шошиб колади: нима бўлганда ҳам Камоланинг тиббий варакаларини обдон текширишганми, ўша Москвалик шифокор ҳакида ҳам

сўрашибди: “Қачондан буён танийсиз? Нега айнан унинг қабулига бордингиз? Немис эканлигини биласизми...”

Мардон аканинг кейинги сўзларини эшитгач эса ўзимни кўярга жой топмадим. Биласизми, Камола билан танишганимдан сўнг бир йиллар ўтиб, Нодира иккимизни бошланғич синфа да ўқитган бир аёлни учратиб колгандик (аввал эри, сўнг ўзи камалганини ўша тасодифий учрашувдан сўнггина билдик). Ўша аёл бизни ҳатто асраб олмоқчи бўлувди! Ажабланманг, саргузаштларга бой ҳаётимиизда шунақа воқеа ҳам бўлган. Мабодо нияти амалга ошса, биз бу ерларга келмаган, сизларни топмаган ҳам бўлармидик.

Кўнгилчан, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган Камола уни қамоқдан сўнг ўз касбига тиклаш учун отасидан кўмак сўради ва кутилганидек, Мардон aka йўқ демади. Кетма-кет аризалиридан сўнг ЧК ходимлари унинг ортидан астойдил тушишганими, ҳатто ўша ҳолат аниқланиб, навбатдаги савол-жавоблар бошланибди: “Давлатга қарши жиноятда айбланган аёлни нега ҳимоя қиласайпсиз? Кимингиз бўлади? Эрининг фалон-фalon жиноий гурухлар билан ҳамкорлик қилганини биласизми?”

Ажал ёқасидаги Камола бир чеккада қолиб, энди Мардон аканинг “қилмишлари” биринчи ўринга чиқиб қолганди. Кечгача олиб ўтиришгач, энди Германияни ёдидан чиқариши кераклиги, аёлнинг ишига эса умуман аралашмасликни маслаҳат беришибди. Акс ҳолда, иш бошқача тус олиши мумкин экан...

Ушбу огоҳлантиришдан сўнг, Мардон акада тақдирга тан беришдан бошқа йўл колмаган, Камолани жилла курса назарий жиҳатдан кутқариб қолиш учун очилган мавжуд барча эшиклар эса тақа-тақ ёпилганди.

Уч кун ўтгач эгаллаб турган вазифасидан озод қилиниб, шундай катта иш тажрибаси ва обрўга эга бўлишига қарамай, арзимаган лавозимга – ўзининг қўл остида ишлаган қандайдир бўлим бошлигининг ёрдамчиси этиб тайинланди. Ҳамияти оғриган Мардон акага қолса-ку, ўша куниёқ иш жойидан оёқ узган бўларди, лекин оиланинг моддий таъминоти, Москвада қолган Камола, унинг учун зарур қимматбаҳо доридармонлар...

Бир пайтлар баҳтга тўла ҳаёт яшиаб турган хонадонни энди таниб бўлмасди: энг сўнгги умидлари ҳам чил-чил бўлган эру хотин чўкиб, ҳали мактаб ёшига етмаган қизчаларга ҳам болаларга хос шўхлик, ўйин-кулгу бегона бўлиб колганди.

Тез кунда Мардон aka бошқа бир зарбани қабул қилди:

кизини кайтариб олиб келиш учун (энди Москвада нима қилади!) раҳбарларидан – куни-кеча ўша давраларнинг тўлақонли аъзоси эди – рухсат сўраб, рад жавобини олибди. Юқорининг кўрсатмаси бўйича, унга энди Самарқанддан чиқиш, айниқса, Москвага бориш (балки у ерда ҳам кимнингдир қабулига киришга ҳаракат килиб, бизга гап теккизар?) қатъий ман қилинган экан.

Албатта, Москвага қилинган навбатдаги кўнғирокда даволаниши йўлига қандай тўғаноклар қўйилаётганини Камоладан яширишди ва...

Биз айни ўша кунлари қишки сессияни топшириб, таътилга чиққандик. Мардон aka рад жавоби олгач баттар тушкунликка тушганларини кўриб ва барчаларини ҳайрон қолдирган ҳолда, Москвага бориш, Камолани олиб келишни... ўз зиммамга олдим.

Ҳеч қачон бундай олис сафарга чиқмагандим, ушбу шаҳар ҳақида эса факат ўқиганларим, эшитганларим асосида тасаввурим бор эди. Лекин ўйлаб ўтиришга вақт қолмаган, қолаверса, Мардон аканинг атрофида бўлаётган гап-сўзлардан сўнг қайси якини бунга журъат қиласарди? Янаям қолаверса, мен аллакачон ушбу оиланинг аъзосига айланмаганмидим?

Биз яшаб турган мамлакатнинг нақадар чексизлиги, Россия деган юрт қандай эканлиги, йўлга чиққан пайтим бизда ҳам киш бўлишига қарамай, бу фасл аслида қанақа бўлиши кераклигини ўшанда кўрдим: кор қалинлигидан темир йўл атрофида жойлашган яккам-дуккам қишлоқ уйларининг томлари-ю ту́тун бўралаётган мўриларигина кўзга ташланарди.

Дунёда шундай ўрмонзорлар бўлади деб ҳам ҳеч ўйла-магандим!

Иссиқкина вагоннинг ҳамма ёғи саранжом-саришта, чой-шаблар оппок, хушмуомала проводниклар дам чой, дам қаҳва таклиф қилиб туришибди. Барча йўловчилар, шу жумладан, купедошларимнинг ҳам вақтлари чоғ – ўйин-кулгу қилиб ке-тишяяпти. Кимdir карта ўйини учун давра курган, яна бирор шахмат доскаси устида бош қотирмоқда. Ҳар-ҳар замонда қадаҳларнинг бир-бирига жаранглаб урилгани, қандайдир латифадан сўнг гурра кулгу кўтарилгани эштиларди. Бошқа нимаям килишсин – бир ҳафтага чўзилувчи сафарни бошдан-охиригача ухлаб ўтказмайсан-ку!

Факат менинг ичимга чирок ёкса ёримас, вагон ресторанига бориш тугул, Ҳулкар опа йўлга тайёрлаган егуликлар ҳам

томогимдан ўтмасди. Билмадим, кетаёган вагоним ёки эшемоннинг бошка бир вагонида меникidek ёки шунга ўхшаш кайгули (бошка қандай атай – ахир, томошага кетаётганим йўқ эди-да!) мақсад билан йўлга чиқсан йўловчилар бўлгандир, лекин ўзимни жуда-жуда ёлғиз хис этмоқда эдим, бу ёруф дунёда мендан-да баҳтсизрок одам йўқ эди назаримда.

“Нега бундай бўлди? Наҳотки аллақандай халкаро муносабатлар одамнинг жонидан муҳимрок бўлса, – ўйлардим турибтуриб. – Ўртада уруш бўлиб турганида ҳам майли эди. Бу балки вактинчаликдир? Лекин бир кун келиб “яраш-яраш” бўлиб колганида кеч бўлмайдими, Камола, балки у каби ўн, юзлаб одамларнинг завол топгани қолмайдими? Нега бу ҳақда ҳеч ким бош котирмайди?”

Шу пайт купедошларимнинг сұхбати қулғимга чалиниб, тинглай бошладим. Улардан бири (ўзини рухшунос-шифокор деб таништирган тошкентлик бу одамни қандайдир семинарга таклиф этишибди) Германия ҳақида гапириб, бошқалар турли лукмалар билан унинг сўзларини маъқуллаб ўтиришарди. Эшитганларимдан англаганим шу бўлдики, Гитлернинг олиб бораётган сиёсатида очикдан-очик шовинистик рух хукмронлик килаётганидан нафакат биз, балки Европа ва дунёнинг бошка мамлакатлари ҳам норозиликларини билдириб, кайси бирлари Германия билан дипломатик алоқаларни бутунлай узиш арафасида экан, Польша чегаралари яқинида эса немисларнинг катта қўшини тўпланаётган эмиш.

Дарслардаги маърузалар, куни-кеча Мардон aka билан рўй берган воқеалардан бу нарса мен учун янгилик эмасди. “Лекин наҳотки ўн гулидан бир гули очилмаган Камола унга ҳеч алоқаси йўқ мана шу қарама-каршиликлар курбони бўлса? Қани бунда мантиқ?”

Йўлга чиққанимизнинг иккинчи куни бўлса-да, талаба эканлигим-у исмимдан бошқасини эшитмаган купедошларим (сўраб-суриштирганлари учун улардан жуда миннатдор эдим – балки кайгули афт-ангорим, ўзим билмаган ҳолда ора-сира киприкларимда пайдо бўлаётган нам уларни тўхтатгандир?) шу пайтгача ҳамма нарсага бефарқ одамнинг бу сафар сұхбатга кизикиш билдираётганини пайқагач, қўйнимга кўл солиб кўришди.

– Қишки таътилга чиқдингми? – гап бошлади тузуккина кайф килиб олган рухшунос-шифокор (сұхбатимиз бошланганида иккинчи шиша ҳам очилиб, ёшлигимни хисобга олишди-

ми, бирон марта ҳам “улфати чор” бўлишга ундашмагандики, бунинг учун улардан яна бир марта миннатдор бўлгандим) талабалар ҳаёти унга бегона эмаслигини билдириб. Бошқа купедошларим эса экин-тикиндан кутулган фарғоналик оддий колхозчилар бўлиб (лекин арокни ёмон ичишмаскан), қаҳратон қиши бўлишига қарамай, пойтахтни томоша килгани кетаётган эканлар. Барчаларининг эгнида олача тўн. – Қайси ўқишда? – сўради шифокор тасдик жавобини эшитгач. Бунисини ҳам айтдим. – Сезиб турибман, сени бир нима... жуда кийнайпти. Тоби йўқми десам... унга ҳам ўхшамайсан. Сўраганнинг айби йўқ... үй ичиларинг тинчми?

Кошки менда “уй ичи”нинг ўзи бўлса! Лекин тафсилотлар билан ўзимни ҳам, уни ҳам кийнаб ўтирумадим. Бироқ сўз оҳангимда сухбатга хушим йўқлиги билиниб турарди: ха, ҳаммалари яхши юришибди, купедошларингга, проводникларнинг барчасига салом айт дейишганди...

Кочирикни тез англовчи фарғоналик дехконлар ўзаро кўз уришириб олдилар, руҳшунос ҳам ниманидир сезди шекилли, илжайди.

– Саломат бўлишсин. Лекин шундай ёш, навқирон йигитнинг ҳамма нарса жойида бўлган ҳолда бунчалик хафа кўриниши... Москвага нега бораяпсан ўзи? Сир эмасми мабодо?

Юрагим тўлиб турганди, қолаверса, айнан бизнинг йўлимиизга тўсик бўлган нарсалар ҳакида гап кетмаяптими бу ерда!

Барибарам баъзи бир нарсаларни яширишга мажбур бўлгандим, мисол учун, Камола якин кариндошимга чикиб қолган бўлса, Мардон ака ҳакида умуман чурқ этмадим.

Анча пайтгача жим бўлиб қолган руҳшунос арок шишиси, стаканлар, газаклар қалашиб турган стол киррасини асабий чERTди.

– Да-а-а, – деди у сўнг. – Ёмон иш бўлибди. Лекин у ерда ҳам тузалиб кетишига тўла кафолат йўқ экан-ку! Шунинг учун...

Нима дейиши маълум бўлганидан, охиригача тинглаб ўтирумадим:

– Буни кизнинг ўзига қандай тушунтирасиз? Руҳшунос экансиз, айтинг-чи, бу “хушхабар” унга қай даражада таъсир қилади?

Жимликни вагон ғилдиракларининг бир маромдаги тарактуруки бузиб турарди.

— Айтма, вассалом! Беморлар ҳамма нарсаны билиши шарт эмас! Вазиятнинг шундай бўлиб колгани эса унинг... омадсизлиги! Қолаверса, ўша сен айтаётган шифокоринг умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин эди-ку! Демак, ҳеч қанақа Германия ҳакида гапирмаган бўларди-ку!

Эшитганларидан нокулай ахволга тушиб, бу нозик масала бўйича ўз мулоҳазаларини билдиришга ожиз ўтирган дэхқонлар унга койил қолиб қарашди, мен эса бир неча сония нима жавоб беришни билмай тургач, дедим:

— Лекин у мавжуд.

Бош чайқаб қўйган рухшунос катор турган стаканларни буфетчиларга хос чакконлик билан тўлдирди-да, бирини менга жимгина узатди. Ўшанда биринчи марта ичдим, сафарнинг қолган кунларига келиб эса давранинг “тули”га айланиб бўлгандим.

Нихоят, Москванинг аллақандай бир ёпиқ вокзалига келиб тушганимизда, ўпкамга ёпирилиб кирган совук ҳаводан бўғилиб колай дедим ва кўркиб кетдим: ўша ҳолида Камола бу совукка қандай чидаяпти экан? Умуман, поездда ўтказганим шу бир ҳафта ичидаги у билан бирон ҳол-кор рўй берган бўлсанчи?

Бегона шаҳарда қийналиб қолмаслигим учун Мардон ака етарлича маблағ билан таъминлаб, Камола ижарада турган хонадонга олиб борувчи йўлни обдон тушунтирганига қарамай, адашиб-нетиб юрмаслигим учун такси олишни тайинлаганди – ҳар эҳтимолга қарши.

Менга кўзи тушган заҳоти юргурганча келиб, бўйнимга осилиб олган Камола (танишганимиздан буён биринчи марта шу тариқа кўришаётгандик) ўқраб юборди. Уй бекаси – кексагина кампир менга ачингандек бир оз караб тургач, инқиллай-синқиллай, хассани дўқиллатганча ошхона томон йўл олди.

Иккаламиз ёлғиз қолдик.

Камола телефон орқали сухбатдан уни олиб кетгани ким келишини биларди. Факат нима сабабдан бундай бўлиб қолганини эмас! Зоро, поездда менга ҳамроҳ бўлган етти ёт бегона рухшуносдан анча илгари қарор қилиб қўйгандик: “Айтмаслик! Энг сўнгги дамга қадар!”

Камола қандайдир нохуш бир нарса рўй берганини сезиб турса-да, афтидан, ўзим гап очишмни кутаётганди. Полга тўшалган эскигина гилам гулларидан кўз узмай ўтирганидан фойдаланиб, кузатдим: Самарканндагига караганда... бардам

кўринадими? Қизик! Нимадан бўлса? Бу ернинг об-хавоси ёқдими (шу ҳаво-я!), ёки ўша немис шифокори тавсия этган дорилар ўз таъсирини кўрсатмоқдами?

Хаёлимга бехосдан битта фикр келди: тўхта-чи... мабодо ҳар иккисидан бири бўлганда ҳам, уни уйга олиб кетиш... ақлданми?

Камола индамай туришимни ўзича баҳолади, шекилли:

– Бугун кетамизми? – сўради бир пайт бошини кўтариб. – Нарсаларимни йиғишираверайнми? Аслида-ку, ҳаммаси тахт.

Шошиб қолдим: шу мақсадда келганимга қарамай, ҳалигина келиб колган фикр мени иккилантириб қўйган, колаверса, Москвага келиб тушган куниёқ кайтиш чиптасини олиш ҳақидаги Мардон аканинг кўрсатмаси ёдимдан кўтарилиб, навбатдаги поезд қачон бўлишини ҳам билмасдим.

– Бугун... поезд бўлмаса керак, – дедим, сўнг жилмайганча қўшиб қўйдим. – Кўринишингиз анча яхши. Москва ёқибди.

– Сезмабман, – деди у менга синовчан тикилиб. – Самарканда кандай бўлсан, шундайдекман. Лекин... келган кунингиз хонани бўшатишимни бекага айтиб қўйгандим-да. Яна неча кун турамиз?

Ҳали ўзим-да билмайдиган жавобни беришга улгурмай, ошхонадан кампирнинг чийилдоқ, ингичка товуши келди – чой тайёр бўлган экан.

Аллакандай хушбўй гиёхлардан тайёрланган чойни ҳўплар эканман, хаёлим бошка жойда эди. Мардон aka билан гаплашиб олишим керак! Балки фикримни ёклар! Камоланинг қайда бўлмасин соғлом юриши – майли нисбатан ҳам дейлик! – ҳаммамиз учун энг муҳими эмасми? Нима килади уйда? У ерда унга аллақачон аза очиб қўйишган: аввал ота-онасининг кайфиятини кўради, кейинчалик нима бўлганини эшитади!

Уй бекаси ва Камола канчалик кисташмасин, бирон меҳмонхонадан жой олиб, ўша жойда тунашимни айтдим. Бу мен учун ҳар томонлама кулай эди, айниқса, Камоланинг иштирокисиз телефонда Мардон aka билан гаплашиб олиш учун – кампирникида бунинг ҳеч имкони бўлмасди.

Хатти-харакатларим чўкаётган одамнинг хасга ёпишишини эслатишини билиб турардим. Гўшакни кўтарган Мардон aka аввалига тушунмай турди, сўнг – анча пайт ўйланиб тургач – хотини билан маслаҳатлашиб, ўзи қўнғироқ килишини айтди.

Алоқа воситаларида носозлик бўлганми ёки бирон қарорга

келиша олмадими, ҳар тугул ўша куни – шу жумладан, тунда ҳам – хабар бўлмади.

Келишувга мувофиқ, эртаси куни эрталабдан Камола-нинг хузурига боришим керак эди. Банд қилганим шинамги на хонада бир дақика ҳам тургим келмас, аммо ҳар дақиқада Самарқанддан қўнғироқ бўлиб қолиш эҳтимоли тўхтатарди.

Безовта бўлмасин деб Камолага қўнғироқ қилдим ва нима баҳона топишни билмай, жойлашган меҳмонхонам шаҳар чеккасидалиги (аслида бунинг бутунлай тескариси эди!), шунинг учун кечроқ боришими айтдим.

Ниҳоят, Самарқанддан қўнғироқ бўлиб, узок суриштирув-лардан сўнғ (Ростдан ҳам ўзини яхши ҳис этаяптими?! Доридармонларни вактида қабул қилаётирми?), таклифимни маъкул топишиб, ўзлари ҳам телефон орқали Камолага шу ҳақда айтмоқчи эканликларини маълум қилдилар.

Хурсанд бўлиб, кампирниги қайтиб келдим, аммо ўта эҳтиёткорлик билан бошлаган гапимни ярмида бўлиб қўйган Камола ўзаро сухбатларимизда илк бор бу сўзни тилга олиб, агар уни ростдан ҳам севсан, нималар бўлаётганини ҳозирнинг ўзида айтишимни талаб қилди: “Нега дадам эмас, сиз келдингиз? Нима учун Германияга бормайдиган бўлдик? Нега бу ерга мени олиб кетгани атайин келиб, энди қолишга кистаяпсиз?”

Бу саволларнинг дастлабки иккисини кеча берса ҳам бўларди, аммо сабр килиб, ҳаммасини уйга борганда ўзи билиб олишни мўлжаллаб турганида қилган мана шу таклифим сабр косасини тўлдириб юборганди.

– Айтинг, бирон фалокат рўй бердими? – сўради у индамай турганимга қарамай, сал аввал севги борасида қўйилган кескин шартни унутиб. – Нима бўлиши мумкин? Телефонда сўзлашиб, билиб турибман, ҳаммалари соғ-саломат. Нима ахир? Отонамнинг-ку мендан ненидир яшираётгани аниқ эди, энди... сиз ҳам шундай килаяпсизми? Яхши эмас. – Мен терлаб кетдим, у эса қўлимдан тутиб, худди бир нимадан қўрқиб кетаётган гўдакдек, қўзларини катта-катта очди. – Нима, дадам... Берлиндаги шифокор ҳам уддалай олмаслигини эшитибдими? Кимдир... айтибдими унга?

– Нималар деяпсиз! – дедим жон ҳолатда. – Сиз албатта тузаласиз!

Сохталиги шундоқ сезилиб турган сўзларимни эшитган Камола истехзоли кулиб қўйди.

— Туринг... иккимизнинг ҳам бу с尔да киладиган ишимиз қолмади.

— Сизга... — ўтирган кўйи мингириладим мен, — уйингиздан кўнғироқ қилишмокчи. — Кутуб турайлик-чи.

У елкамга қўлини қўйди:

— Борганда гаплашаверамиз. Бўлинг. Таътилингиз тугашига икки кун қолди. Бугун йўлга чиксак ҳам дарсларга кам деганда беш кун кечикасиз.

— Мен... мен ҳам сиздек... академик таътил оламан!

Ортиқча сўз оғзидан чиқиб кетишидан чўчибми, индамай узоклашган Камола сал ўтмай хонасидан енгилгина жомадон билан чиқди.

* * *

Давлановнинг боши эгик, Яшарнинг нигоҳи эса узок-узокларда эди.

— Вокзалга соат ўн иккilarда етиб келдик, поездимиз эса кеч соат ўнда жўнаркан. Барча ўриндиклари банд, шовкин-суронга тўла ёпик вокзал биносида (очик платформада ҳатто қор куралмаганди, совукни-ку айтманг) нак ўн соат кутиб ўтиришнинг ўзи бўлмасди. Санжобдир деган умидда буфетларнинг бирига кирдик, лекин у ерда ҳам ўша ахвол — маҳорка туруни ва спиртли ичимликларнинг сассик хиди ҳаммаёқни тутиб кетган. Камоланинг касал ўпкаси бунга беш дақиқа ҳам бардош бера олмасди.

Биздаги кайфият билан шахар айланиш ҳакидаги гапга ўрин ҳам йўқдек эди, аммо ноилож сўрадим:

— Бирон жойга борсакмикин?

— Мен Кизил Майдондан бошқа жойни билмайман, — деди Камола бир оз ўйланиб тургач. — Айтгандек, ўша ерда... жуда кўркам қадимий бинода Инкилоб Тарихи музейи жойлашган экан. Ўшани бориб томоша қиласизми? — У синик жилмайди. — Менга-ку, энди керак бўлмас, лекин сиз музей экспонатлари билан танишиб кўйсангиз зарап қилмаса керак. — Мен аразлаган боладек шартта четга ўгирилиб олгандим, у енгимдан тутди ва кулди. — Ҳазиллашдим. Ҳаммаси пешанадан. Юинг.

Навбатчининг маслаҳати билан вокзал биқинида жойлашган метро бекатига тушдик. Москва метросининг ишга тушганига ҳали кўп бўлмаган, шу боис вагонлар ҳали янги, бекатларнинг ҳамма ёғи яраклаб турар, шпалларга сингдирилган смоланинг бир карашда ўткир, аммо ёқимли хиди димокқа уриларди.

Ёнма-ён ўриндикларда кетар эканмиз, иккинчи бе-

катга яқинлашганимизда Камола мен томон энгашди ва ғилдиракларнинг шовқини остида унинг куйидаги сўзларини эшиддим:

– Дадам ҳам метрони шу ерда кўрди. Ўкиб юрганида ҳатто Германияда бунақангি мўъжиза бўлмаган экан. Билмадим-у, лекин вакти келиб Самарқанднинг ҳам, Тошкентнинг ҳам ўз метроси бўлишига каттиқ ишонади. – Сўнг, бир оз ўйланниб тургач, кўшиб кўйди. – Мен ҳам ишонаман. Бекатлардаги безаклар жуда чиройли-я? Каранг!

Поезд қисқагина муддатга тўхтаган навбатдаги бекат ростдан чиройли эди, лекин мен унинг Самарқанд ёки Тошкентдаги метро курилишига ишончи учун эмас, балки гўзалликни пайқай олаётгани, теварак-атрофга завқ билан караётгани учун миннатдор бўлганимдан қўлини каттиқ қисиб кўйдим.

Совук шамол ва изғирин ҳукмронлик қилиб турган Қизил Майдон шаҳарликлар эмас, биз сингари қора-куралар билан гавжум эди. Кейинчалик машхур ГУМда ҳам худди шу ҳолатни кузатдим, ҳаммаларининг қўлларида катта-катта сумка, ҳатто хуржун қўтариб олганлари бор. Ленинни зиёрат килиш учун эса – буни илгари ҳам эшитиб юрардим – эрталабдан навбатга туриш керак экан. Биз келганимизда учига найза ўрнатилган карабинли коровуллардан бошқа ҳеч ким Мавзолей кираверишида қўринмасди.

Бир пайт мен учун сира кутилмаган вокеа рўй берди – энди музей сари юргандик, бошига сувсар телпак, энгига оғир пўстин кийган, кизғиш соколи қиров боғлаган бир йигит Камолага қараб илжайди.

– Хайрият-э! Қаерларда қолиб кетдингиз?

Жойимизда тўхтаб, мурожаат қилаётган йигитга тикилдик: қўллари совқотган бўлса керак, жун қўлқопда бўлишига қарамай, кафтларини бир-бирига тез-тез ураг, ҳар-ҳар замонда куруқ қорни ғижирлатиб, десиниб кўярди. Бўйнига бир неча фотоаппарат осилган, оёклари тагида жигарранг семиз портфел.

Камола хижолатомуз жилмайди:

– Афв этинг, сизни бирдан танимадим, – деди у киши ҳавас қиласидиган соғ рус тилида. – Сиз ўша... фотосуратчи! Аммо бугун бутунлай бошқача қўринишдасиз.

– Мен эса гўзал қизларни бир кўрсам, то умрим охиригача эслаб коламан! – кувноқлик билан жавоб қайтарди йигит. – Суратларингиз тайёр! Нега айтилган куни келмадингиз?

Бунақасига келишмагандик-ку! Гапнинг рости, уйга кетиб қолгансизлар деб турғандим. Почта орқали жўнатиш учун эса манзилларингиз кўрсатилмаган. – У энгашиб, портфел ичидан суратлар солинган бир даста қўкиш пакетларни чиқарди. – Мана, олинг, – деди у улардан бирини ажратиб. – Айтганча, отангиз нега келмади? – сўради у менга тез кўз ташлаб оларкан.

Титраб кетдим: суратчи Мардон ака *нима* учун кизи ортидан келмаганини сўраётгандек туюлганди! Ҳадиксираб, Камолага қарадим – у кор учқунлари кўнган киприкларини пирпиратганча, ерга тикилиб турарди.

– Билмадим, мен ҳам фақат шуни ўйлаганим-ўйлаган, – деди у бир пайт секингина, сўнг бирдан хаёлини йиғиб олдида, ҳайрон қолган суратчига бошқача жавоб беришга шошилди. – Узр, уйга кетди... демоқчи эдим! Ҳа, шошилинч ишига чакириб колишди! Унинг ўрнига эса мана... акам келди, – шунчалик совукка қарамай, Камоланинг қонсиз юзига эндинга билинар-билинмас қизиллик юрганди.

Бирок суратчи анойилардан эмас экан.

– Ўқингиз хато кетди, азизам! – ёйилиб илжайди у. – Кўпни кўрган бўрига учрадингиз! Мен унга қанчалик куда бўлсан, у ҳам сизга шунчалик ака! Бўлди, бўлди, уялманг! Биламан – бу нарса сизларда жуда қаттиқ, бошқалардагидек эмас. Балки... тўй олдидан суратга тушарсизлар? Мана, кўринглар, – у ҳали очилмаган пакетни Камоланинг кўлидан қайтариб олди ва суратларни чиқарди. – Мана! Қалай? Бунақасини қаерда кўргансиз?

Чеккалари тўлқинсимон шаклда қирқилиб безатилган суратларнинг сифати ростдан ҳам аъло эди. Унда Мардон ака билан Камола бор бўйлари билан акс этишган, ортларида – ўша машхур Спасский минораси. Сурат бундан бир ой илгари олинганди ва ростдан ҳам ҳозирги Камола билан унда акс этгани орасида сезиларли фарқ бор эди – яхши томонга, албатта!

Буни суратчи ҳам пайқабди:

– Аммо-лекин, ўшандан бўён анча ўзгарибсиз! Москва сизга ёқкан кўринади! – Камола ялт этиб менга қаради, мен маъноли жилмайдим, суратчи эса ҳамон ўзиникидан колмасди. – Анча тўлишибсиз! Бўпти... тайёрмисизлар? Шу фоннинг ўзида, а? Ёки, бошқасини танлайсизларми?

– Барибир кўймайдиганга ўхшайди, – кулди Камола ундан осон кутулиб бўлмаслигини вақтида англаб. – Дадам би-

лан келганимизда ҳам худди шундай килганди. Нима дейсиз? Кўнамизми?

Худди ўша фонда тушдик, фотоаппарат тепасидаги тугма-ча босилишидан сал аввал Камола пальтоси чўнтағидан қўлини чиқариб, қўлтиғимдан тутди, буни кўриб турган суратчи энди очикдан-очиқ кулиб, бош бармоғини осмонга қилди: нима дегандим!

– Ушла, куда! – деди у менга пулни қабул килиб олгандан сўнг бир парча қофоз узатаркан. – Патта. Индин сизларни шу ерда кутаман. Бу сафар ҳам кечикиб ўтируманлар-а, нақ йиртиб ташлайман!

Камола унга ялт этиб қаради:

– Эртага... деяпсизми? – сўради у иккиланиб. – Аммо биз бугун... жўнаб кетаяпмиз-ку!

– Қанақасига? – жиддийлашди суратчи фотоаппарат ғилоғини беркитар экан. – Бугунми? Бутунлайми? Унда... унда манзилингизни айтинг, ёзиб оламан.

У блокнотини ахтариб, ички ён чўнтағини кавлаштирапкан, юрак ютиб гап бошладим:

– Камола... кетмайлик! Ўтинаман сиздан! Ана, менга ишон-масангиз, суратчи ҳам шундай деяпти-ку! Зора...

– Айтинг! – сўзимни бўлиб қўйди суратчи. Бу пайтда эсадалик учун суратга тушишни истаган бошқа қишилар атрофимизда тўпланиб, унинг учун энди кизифимиз колмаганди. – Ўзбекистонлиги аник, кошу кўзларингиздан билиниб турибди, – билағончик қилди у. – Кейин нима? Тошкент? Бухоро? Фарғона? Термиз?..

Камола менга бир пас қайғули кўзларини тикиб турди.

– Ёзинг, – деди сўнг суратчига. – Самарқанд...

Томоша қилишга эмас, вақтни ўтказиш учун келганимиз учун музейни айланиш иккимизга ҳам ҳеч бир завқ бермади. Экспонатлар орасида айланиб юрар эканмиз, дам-бадам соатларимизга караб қўядик, вақт эса жуда имиллаб ўтарди. Улкан музейнинг менга фактат бир нимаси – деярли ҳар қаватда ўтириб дам олиш учун қўйилган ўриндикларнинг кўплиги ёқди. Бу ҳам бекорга үхшамади: ташриф буюрганларнинг кўпчилиги кексайиб қолган, ҳассага таянган қишилар эди. Камола ҳам худди улардек ҳар бир қаватга кўтарилигач, нафас ростлаш учун ўтириб дам оларди.

– Ҳатто унубиб қўйган эканман, – деди у шундай дамларнинг бирида яна суратчи ҳакида сўз очиб. – Агар ўзи таклиф

қилмаганда, иккимиз ҳам тушмасмидик. Қизик, шунча пайтдан бүён танишмиз-у, бирон марта... Лекин яхши бўлди, энди ҳар кўрганда эслаб юрасиз. – У лабларим қимтилаётганини кўриб, жилмайди. – Бўлди, бўлди, тумшайманг ёш болага ўхшаб! Мабодо... Германияга борадиган бўлиб қолсам, ўшандаям ортимдан келарсиз – дадам бўлган ху ўша жойларда суратга тушардик. Келасизми?

Жавоб ўрнида унинг муздек қўлини авайлабгина қисдим.

Бирок бу нарса бизга насиб қилмаганини сезиб турган бўлсангиз керак – уйга етиб борганимиздан сўнг у барчасидан вокиф бўлди. Баҳор ва ёзда Камоланинг дарди тобора оғирлашиб, қизни тўшакка михлаб қўйди. Биринчи сентябрда Германия Польшага қарши уруш бошлади, йигирма учинчи сентябрда эса Камола ўша – мен билан бирга тарбияланган ва бирга ўқиган Элёр ётган палатада вафот этди. Шундан сўнг ҳам Мардон аканинг оиласи билан муносабатим узилмай, то сўнгги пайт – бу ерга йўлланма бўйича йўлга чиққунимизча, бир-биrimizни йўклаб турдик...

Яшар нигоҳини кўтарди.

– Мана шунақа гаплар. Айтганча, бу ерда почта хизмати қандай? Бирон жойга ўрнашган заҳотим хабар қилишга ваъда бергандим уларга.

– Хатлар бир ҳафтада бир марта туман марказига олиб кетилади, телеграмма деган нарсанинг эса ўзи йўқ, – деди Давлатов гуноҳкорона. – Сен ёзавер, почтачига ўзим элтиб бераман, у менинг жияним бўлади.

Ярим соатлардан сўнг Яшар унга юпкагина конверт ва бир дона фотосурат узатди:

– Мана у... яъни, иккимиз. Москвада тушган суратимиз.

– Чиройли қиз экан. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин. Нима ҳам кила олардик, бир кун келиб... ҳаммамиздан шу каби жонсиз суратларгина колади, – деди Давланов суратга узоқ вакт тикилиб тургач, фалсафа сўкишдан кўра Яшарнинг кўнглини кўтаришни кўпроқ ўйлаб.

У хатни олиб ичкарига кириб кетгандан сўнг Яшар бўш чойнак билан чиқкан Нодирдан аввал Ҳожарнинг аҳволини сўраб, сўнг Мардонга хат ёзганини айтгач, Нодира бир зум ўйланиб қолди.

– Мендан ҳам салом айтдингми? Яхши. Саодат опа, яна бир-иккита қизларга мен ҳам ёзишим керак эди. Улгураманмикин?

— Албатта. Агар тезрок ёзсанг.
 — Бу ерда бўлган... ишларни ҳамми? – сал кизарди Нодира.
 – Ҳеч нарсани қолдирма – худди мен Мардон акага ҳаммасини очик ёзгандек. Ишонаманки, улар ҳам биздан кам хурсанд бўлишмайди... гарчи ота-онамизни топмаган бўлсакда.

– Топа олармиканмиз? – худди бу нарса Яшарга боғликдек умид билан термулди Нодира.

– Нега энди мумкин эмас экан? – жилмайди Яшар. – Ахир, бундай олиб қаралса, улар ҳали жуда ёш, тўғрими? Ҳали элликка ҳам киришмаган! Худди биз оёғимиз билан кириб келгандек, зора улар ҳам бир куни... Нафакат биз, бошқалар ҳам шунга умид қилишаяпти. – Яшар яна жилмайди. – Балки укаларимиз, сингилларимиз ҳам бордир.

Бу нарса Нодиранинг хаёлига келмаган эканми, ёнокларига баттар кизиллик югурди, уларнинг қандай эканлигини кўз олдига келтирмоқчи бўлгандек, ўйланиб қолди.

– Қани эди! Дунёда мендан баҳтиёр одам бўлмасди! Бутунлай янги ҳаёт бошлардик! Сен оила қуардинг, мен эса... мен эса...

Худди ота-онаси укаю сингилларини етаклаб, бугун-эрта кириб келаётгандек орзуларга берилиб кетган Нодира яна нима дейишини билмай бирдан маъюс тортиб.

– Истасанг... бирйула... унга ҳам ёз, – деди Яшар Давланов кириб кетган эшик томон қараб олгач.

– Керак эмас, – намланди Нодиранинг киприклари. – Ўтинаман, энди унинг номини тилга олма! Ҳеч качон!

Ўттиз саккизинчи боб

Камоланинг фожиасидан сўнг Юсуф дўстини имкони борича ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат килиб (бу даврга келиб, улар ётоқхонанинг икки кишилик хонасини банд этишганди), илгаригидан-да яқин бўлиб қолганди. Саодатнинг танбеҳидан сўнг Нодира бир неча марта иккисини ҳам таклиф килди, лекин Яшар ҳар гал ўзини мажбурият юзасидан бораётгандек тутарди. Бирда ҳатто ҳазилу чин аралаш, ўзини уларнинг ёнида “учинчи-ортиқча” одамдек хис қилаётгани, бундан бўён – қайга боришмасин! – ҳеч кимни аралаштирамай, факат иккиси юрса, жуда “чиройли” чикишини айтди.

Унинг кўнглига карашга ўрганиб колган Нодира ва Юсуф бошқа тирғалмайдиган бўлишди. Бироқ Саодатнинг хузурига доимо Юсуф билан етаклашиб бориш Нодира учун нокулай эди: ҳар холда бегона хонадон – кўни-кўшни, кўрган-нетганлар нима деб ўйлаши мумкин? Кампир-чи!

Камоланинг вафоти қаттиқ таъсир қилган Саодат Яшарнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди, уни қасбига қайтариш режаси амалга ошмаслигини эшитганда эса аччик кулимсираб қўйишдан нарига ўтмади.

Нима бўлганда ҳам у Нодира сингари Саодатнинг хузурига бориш учун талпиниб турмасди. Балки, натижанинг бундай бўлиб чикқанидан уялаётгандир! Ҳа-да, режа Камоланини бўлишига қарамай у айнан Яшар ва Нодира туфайли амалга оширилиши лозим эмасмиди! Улар бўлмаса етти ёт бегона аёлнинг муаммоларини Мардон қайдан биларди!

Саодатга кун сайин боғланниб колаётган Нодира эса ҳар хафтанинг тугашини сабрсизлик билан кутар, кетиши олдидан Юсуф, у орқали Яшарга тезда қайтишини айтса-да, кечгача қолиб кетарди. Уй бекаси бўлмиш пистачи кампир ҳам бора-бора қизнинг келиб-кетишига кўникли. Унга, айникса, Нодиранинг чаққон, саранжом-саришталиги ёқиб колганди: келган заҳоти қўлига супурги-латта олиб, аввал унинг, сўнг Саодатнинг хонасини йиғиширишга тушар, бир-икки соат ўтмай ҳаммаёқ чиннидек яраклаб, яrim вайронга уйга озгина бўлсада, файз киргандек бўларди.

Шундай кунлари чой устидаги сұхбат доимо Нодира ва Саодатга бориб такалар, Саодат орқали ҳар иккисининг ўтмишидан хабардор кампир ҳозир ҳам кеч эмаслиги, агар жуда истасалар, энди-да она-бola бўлиб қолишларига ҳеч нарса халақит бермаслигига урғу берарди. “Бу нарса иккинг учун ҳам муҳим, – дерди у Нодира ва Саодатнинг кўнглидагини топиб, – үқишини битиргач тўйи бўлар экан. Бундай пайтда ёнида кимдир бўлиши керак. Менга қолса, ўша боланинг ота-онаси сенинг борлигингни ҳозирдан билгандари яхши, – дерди у сўзлари хуш ёкиб, жилмайганча ўтирган Саодатга. – Ҳамма нарса урф-одат бўйича бўлиши керак. Совчиларни ҳам ўзинг кутиб оласан... шу ерда, меникида. Сеп масаласига келсак, улгурарсан, у-бу нарса йиғишига? Номига бўлса ҳам, дейман-да! – Кампир бир оз ўйланиб олди. – Мен ҳам караб турмасман. Бир жуфт кўйлак килишга кучим етади. Қизимиз шунга арзимас эканми? Карагин, келганидан буён қўли тинмайди. Хатто ме-

нинг кирларимни ҳам ювиб қўйибди. Илойим, кам бўлмасин!”.

Шундан сўнг сухбат мавзуси кампирнинг ўз хаётидан нолиши, эрининг эрта ўлиб кетгани, битта-ю битта ўғилнинг жилови эса хотиннинг қўлидалиги, туккан онасидан ойда бир хабар олмаслигига ўтарди. Келин деганлари-ку, умуман қадам босмас экан. Неваралари ҳам ота-онадан ўrnак олишган. “Ҳаммалари менинг тезрок ўлиб, шу вайронга қўлларига ўтишини кутиб ётибди, – дерди уф тортиб. – Лекин нима қилай, окибатим ўшаларга боғланиб қолган бўлса, тепиб-тепиб кўмадиган ўша бемеҳр ўғилдан бошқа ҳеч кимим бўлмаса? Ҳар келганида, рўзғорига ярап деб, шу савил қолгур пистадан орттирган пулнинг деярли ҳаммасини бериб юбораман, у эса иккитагина нон кўтариб келишни ўзига эп кўрмайди”.

Саодат бу ерда яшаётгандан буён кампирнинг ўғлини бир-икки мартагина кўрган, она-бала ўртасида нега бундай совуқчилик борлигини тушунмасди. Балки ростдан ҳам келини ёмондир? Балки айб... кампирнинг ўзиладир? Ахир, қарс икки қўлдан чикмайдими? Ким билсин, ҳар қадамда учраб турувчи “қайнона-келин можароси” уларни ҳам четлаб ўтмагандир?

Бирок у хозир кампирнинг ўғли, келини ўртасидаги муносабатларни эмас, унинг ўзи ва Нодира ҳакида айтганлари ҳакида ўйларди.

Қани эди қўли бунчалик калта бўлмаганида! Ижарада турмай, ҳеч бўлмаса, мана шу яшаб тургани вайронга каби ўз бошпанаси бўлганида! Нодира ва Яшарни ётоқхонада бир кун ҳам қолдирмай, бағрига олмасми – худди қачонлардир истаганидек! Туғиб катта қилмаган бўлса-да, ўзини ҳар қандай онадан зиёда тутмасми? Ҳозирги хаёти ҳаётми? Қандай маъно бор унда? Кўриниб турибди, у фарзанд меҳрига қанчалик зор бўлса, улар ҳам – айниқса, Нодира! – она меҳрига шунчалар зор. Агар шундай бўлмаганида, бу киз ўзини бу даражада якин олиб, атрофида парвона бўлмасди.

Нодира бўсафар Ойгул билан боришга қарор қилганди. Оқшом туша бошлаганда, ҳар икки қизни кузатиб қўйиш олдидан:

– Нега йигитлар келмай қўйиши? – деди Саодат жилмай-ганча. – Яшарни билмадим, аммо Юсуфни янаги сафар албатта олиб келишларинг керак: мен у билан... баъзи нарсалар ҳакида гаплашиб олмоқчиман.

“Баъзи нарсалар” тагида нима назарда тутилаётганини яхши билиб турган қизлар муғомбirona кулиб қўйишиди.

— Сенга жуда меҳрибон-а, муаллиманг, — деди Ойгул йўлда. — Тўйинг бўлгач... яна ёлғиз қоладими? Мен хозирдан унга ачиниб кетаяпман.

— Нега ёлғиз колар экан? — қувноқлик билан жавоб берди Нодира. — Йўқлаб турамиз, ўзи ҳам бориб туради. Энди у менга она ўрнида-ку!

— Лекин уни бирон марта ҳам онам демадинг, — кулди Ойгул.

Нодира қизариб кетди.

— Биласанми... она деб аташни истайман, лекин ҳеч тилим айланмаяпти! Жуда ғалати бўларкан – сохта, қуруқ чикиб қолмасмикин, деб қўркаман! Балки ўша пайтлари... болалигимда дейман... қийин бўлмасмиди.

— Ўйлама, кейинчалик кўнишиб кетасан.

Ҳар иккала киз таққа тўхтаб, рўпараларида туриб олган йигитга ҳайрон бўлиб бокишиди. Чехрасидаги баъзи белгилар Нодирага танишдек туюлса-да, уни ўзи билган одамларнинг биронтасига ўхшата олмади.

— Салом бердик! Мени танияпсанми? — сўради йигит Нодирадан. — Жудаям ўзгариб кетибманми? Очиги, сен ҳам жуда ўзгариб, илгаригидан-да гўзал бўлибсан! Бу киз, — йигит Ойгула кўз ташлади, — дугонангми?

Нодира қовокларини уюб, унга бошдан-оёқ разм ташлади.

— Ўзингиз ким бўласиз? Мени қаёқдан танийсиз?

— Нега танимас эканман? — кулди йигит. — Етимхона ёдингдадир? Яхшилаб карагин! Армияда бўлганимда ҳам сенга... мактублар ёзгандим.

Нодиранинг юраги шув этиб кетди: Шавкат! Ҳа, ўша! Анча улғайибди. Лекин олифталиги, бошқаларга нисбатан нописандлиги ҳамон ўша-ўша – ҳозир ҳам кизлар билан икки қўлини камзули чўнтағига тикқанча гаплашмоқда.

— Салом, — деди Нодира совуккина килиб. — Узр, бирдан танимабман. Ишларингиз яхшими?

— Юрибмиз тупроқдан ташкари, — кулди Шавкат. — Ўзингдан сўрасак? Кўринишингдан... бирон жойда ўқияпсан шекилли?

— Ҳа, — деди Шавкатнинг сук билан кадалган – тағин Ойгулнинг кўз ўнгиди! – нигоҳидан хижолатга тушаётган Нодира.

— Зўр-ку! Кимларни кўраяпсан? Етимхонадаги собиқ ҳамтоворокларни дейман-да?

Нодира мактабни битиргандан буён синфдошлари, ўзи билан тарбияланган болалар, қызларни камдан-кам күрарди. Қани бунга вакт? Қолаваерса, етимхона ва синфида у билан жуда якын бўлганларни жудаям кўп деб бўлмасди. Тўғри, баъзи бирлари билан хат ёзишиб турибди, лекин...

– Барно билан кўришиб турамиз, – деди Нодира ҳакиқатга уччалик якин бўлмаса-да, хаёлига шу ном келиб. – Балки ёдингиздадир? – билинар-билинмас табассум қилди у Шавкатнинг Барно келтирган мактубини, ундаги хатоларни эслаб. – Шунака синфдошим бор эди?

– Барно-о-о?! – чўзиб қайтарди Шавкат. – Ҳали ўша билан кўришиб турибсанми? Ҳайрон қолдирдинг мени! Сира ўйламагандим! Унинг нима ишлар қилиб юрганини биласанми ўзи?

Шусиз ҳам уни учратиб қолганидан кўнгли хира тортиб, тезроқ хайрлашишни истаб турган Нодиранинг қовоклари яна уюлди.

– Нима... иш килибди? – деди у юраги дукуллаб.

– Э! Ҳозир у шахарнинг энг зўр кузирларидан бирига айланган! Бир марта оғайнилар билан у яшаётган ётоқхонага боргандик... баъзи бир “дугоналар” олдига, – ғалати илжайди Шавкат. – Ростини айтсам, бирдан таний олмадим, роса бўяниб-бежаниб олган! Эгни-боши ҳам ўшанақа аёлларга хос. Ҳали айтганимдек, аввал танимай, ўша ернинг кунда-шундаси бўлиб колган оғайниларимнинг биридан сўрасам...

Нодира унинг сўзларини бўлди:

– Кечирасиз, Шавкат ака... биз шошилиб тургандик. Хайр!

– Сизларни кузатиб қўяман! – деди Шавкат бир зум тараддуланиб қолгач. – Нима, Барно ҳакидағи гапларимдан хафа бўлдингми? – эргашди у шошилганча кетаётган қизларга. – Бор гапни айтдим-да! Илгари билмаган бўлсанг, энди билдингку! Номингга доғ тушиб қолмасин, дейман-да!

Нодира ўзи билмаган ҳолда қачонлардир етимхоналарда шаклланган “жанговар” феъл-атворига кайтди:

– Раҳмат! – деди у кошларини чимириб. – Номим учун қайғурувчиларга зор эмасман, ўзим эплайман! Кузатиб қўйишнинг ҳам ҳожати йўқ – адашиб қоладиган ёшдан аллакачон ўтганмиз!

Бўлиб ўтган ходиса, дугонаси ва нотаниш йигит ўртасидаги сухбат-тўқнашувдан ўзини йўқотиб қўйган (айникса, Барно ҳакидағи сўзлардан ҳайратга тушганди) Ойгул илдамроқ қадам ташларди.

– Фалати йигит эканми? – деди у анча юрганларидан сўнг ортига бир қараб олгач. – Шунча йил кўришмабсизлар-у, айтган гапини қара!

– Эътибор берма! У ҳар доим шунақа эди.

– У ҳалиги... – кизарди Ойгул, – Барно дугонанг ҳакида гапирдими? Сен унинг олдига бормай кўйгандинг, шекилли? У ҳам келмасди. Нега унда...

– Ойгул! Айтдим-ку, эътибор қилма, деб! – энг якин дугона сифатида таърифланган киз ҳакида Шавкатнинг оғзидан бу қадар тубан сўзларни эшитган Нодира асабийлашиб. – Ҳа! Ӯшандан буён кўрганим йўқ, нима қилиб юрганини ҳам билмайман! Лекин сен унинг гапларига ишонма! Ӯзи ким! Барнолинг тирноғига ҳам арзимас бир... фосик! Дайди! Искирт!

Хавотирланган Ойгул ортига яна бир марта қараб олди.

– Ортимиздан тушмасмикин? Сенга жуда ғалати қаради-я?

– Кўркма. Мен унакалар билан қандай гаплашишни жуда яхши биламан! Бир пайтлар ҳам таъзирини еганди.

– Аҳа! Демак, унинг ҳам юрагидан урган экансан-да! Айтдим-а...

– Илтимос, жим бўл! – овозини кўтарди Нодира. – Унинг юрагида соғ жойнинг ӯзи колмаган. Қанака бўлганлигини сенга айтдим. Лекин ғийбатчи хотинларнидек гаплари учун баттар ёмон кўриб кетаяпман.

– Уни учратганимизни Яшарга айтасанми? – деди Ойгул бир оз юргач. – У ҳам танир?

– Нима киламан! Шусиз ҳам қайғуси ӯзига етиб-ортади.

* * *

Мактабни битирган йилиёқ ўн саккизни уриб кўйган Шавкат (у саккиз ёшида биринчи синфга қадам кўйган бўлиб, бу борада унчалик “ёлғиз” эмасди – ўша йиллари ҳатто ўн, ўн икки ёшдаги болаларни бошланғич синфларда кўриш мумкин эди) армия сафига чақирилгач, хизмат килишни бошлаганига бир йил ўтар-утмас ўша ерда ҳам ёш аскарларга зўравонлик килишга ўтди ва бу ӯзи учун аянчли якунланди: ундан калтак еган аскарни ўлар ҳолда топиб олган қисм командирлари айбдорни аввал бир ҳафта авахтахонанинг заҳ ертўласида саклаб, сўнгра ишни ҳарбий прокуратурага оширишди. Тез орада бўлиб ўтган ҳарбий суд икки йиллик жазо муддатининг биринчи йилини камок, қолганини “интизом” батальонида ўташга хукм чикарди.

Интизом батальони деганлари аслида камоқдан минг чандон ёмонроқ бўлиб, ўзидан-да шафқатсизрок, ўзидан-да ёмон жиноят қилган собик аскарлар қўлига тушиб колган Шавкат худли ўша ерда умрида кўрмаган азобларга дуч келди. Ташкаридан қараганда тартиб-интизом намунали кўрингани билан, айнан шу ерда билагида кучи борларгина “жить киларди” – ҳаммага зулмини ўтказишар, айтганлари-айтган, деганлари-деган эди. Қанча истагани билан уларнинг сафига кира олмаган Шавкатнинг бу ерда ўтган бир йиллик “харбий хизмати” куллар ҳётидан ҳеч фарқ қилмади – умри ошхонадаги идиш-товокларни ювиш, ҳожатхонани тозалаш, бировларнинг ўрнига “навбатдан ташкари нарядда” туриш билан ўтди, бир неча марта қаттиқ калтакланиб, худди ўшанча марта госпиталда ётиб чиқди...

Доф тушган “шахсий жилд” билан хизматдан қайтган Шавкатнинг фукаролик ҳёти ҳали-ҳамон изига тушмаганди: ўтмишига тааллуқли айрим хужжатлар у бош уриб борган ташкилотлар томонидан яхшилаб ўрганиб чиқилгач, тузукрок бирон ишга кириш учун қилган ҳаракатлари ҳар сафар зое кетарди.

Белгиланган конун-коида бўйича, етимхонада вояга етиб, ҳётга йўлланма олган тарбияланувчига ётоқхона ажратилиши лозим бўлишига қарамай, ундан ора-сира хабар олиб турган уста Оқил исмли узок бир қариндоши ҳиммат қилиб уни ўз панохига олгач, бунга энди ҳожат ўйк деб хисобланганди, шундай қилиб, армия хизматидан кўра камоқда ўтиришни кўпроқ эслатиб юборувчи тўрт йиллик муддатдан сўнг ҳам Шавкат яна шу хонадонда яшай бошлаганди.

Унинг кариб бир йилдан бўён кечираётган тараплабедод ҳётига шусиз ҳам кўл учida рўзгор тебратаетган уста Оқил аввал унчалик эътибор бермади, кези келганда қилиниши мумкин бўлган дашномларни эса миннат деб ўйламасин деб чўчиди. Қолаверса, шусиз ҳам кийин ўтган етимхона ҳётидан сўнг ётоқма-ётоқ тентираб юрма, ёмон одамларга қўшилиб кетасан деб, унинг ўзи Шавкатга оиласи бағридан жой бермаганиди!

Шу ахволда кун кетидан кун, ой кетидан ой ўтиб борар, лекин Шавкат оила дастурхони учун ҳамон “ортиқча оғиз” бўлиб юрганини ўйламасди. Ҳеч жойда ишламаса-да, қўлида баъзи-баъзида пайдо бўлувчи пулларнинг қайдан келаётганини ҳеч ким тушунмас, кўнгилларда хавотир уйгонар, аммо, худога

минг катла шукрлар бўлсинким... уйдан ҳозиргача нина тугул ҳатто унинг ипи ҳам йўқолмаганди!

Ҳар куни бўлмаса-да, кунора маст бўлиб келишлари-чи? Улфатлари ким? Баъзида ҳафталааб уйга келмайди. Қаерда санғиб юрса? Бир куни уни ухлаб ётган жойидан участка но-зири олиб кетди, аммо айбини исботлай олмаганлар шекилли, кечга томон кўйиб юборишибди.

Шундан сўнг якин хеш-акраболар Шавкатни ўз иборали-ри билан айтганда “тўғри йўлга солиш” учун маслаҳатга жам бўлишди: ҳар ҳолда жигарлари эмасми! Агар ўз рўзгорларини аранг тебратиб юришмаганида, ху ўшанда ҳам уни етимхонага топширмаган бўлишарди. Хўп, у даврлар ўтди. Энди-чи! Кап-катта йигит бўлгач ҳам бу юриши нимаси!

Бирор у деди, бирор – бу. Ва машварат охирида, энг мақбул йўл деб – миллатимизга хос энг “анъанавий” ва энг “синал-ган усул” – уни уйлантириш масаласи ўртага кўйилди. Бал-ки шундан кейин одам бўлар? Олахуржун бўйнига илингач, яхшими-ёмонми бирон ишга кирап? Оила олдида масъулият пайдо бўлар? Тўғри, ўз болаларинг қатор бўлиб бўй етиб тур-ган ҳозирги оғир шароитда тўйини қилиб, рўзгорини бутлаб бериш осон эмас, лекин бегона эмас-ку, бу бебош!

Аммо иш улар ўйлагандек осон кечмади. Шавкатнинг шу кеча-кундуздаги юриш-туриши, ўтмишидан (айникса, армия-даги “саргузаштларидан”) боҳабар бўлганларнинг биронтаси кизини унга раво кўрмай, бир-икки жойда изза бўлган совчи-лар унинг ўзини қистовга олишди: – “Биронта кўз остингга ол-ганинг йўқми? Шундай де? Гап шунчаликка борган экан, сен-га энди биронта ўрис ёки татардан бошкаси тегмайди. Лекин жуда яхши бўларди-да! Гап-сўзларга караганда, улар эрларини никоҳ кечасининг ўзидаёқ гаҳ деса кўлга қўнадиган қилиб олар экан!”

Шавкат уларнинг хатти-харакатларига қанчалик бефарқ қолган бўлса, иддаоларига ҳам худди шундай муносабатда бўлди: нима кераги бор ортиқча машмашанинг? Шу юргани маъқул эмасми? Агар кўнгли тусаб коладиган бўлса, ана, кўча тўла аёл – яримтани чўнтакка тикиб, истаганингникига бора-вер! Ўрисими, ўзбегими, жухутими... Балки, бир кун келиб уй-ланар ҳам, лекин ҳозир эмас – ёшлик гаштини суриб қолиш керак!

Ҳа, бу борада унда муаммо йўқ эди: ўтган ярим-бир йил ичида у бемалол кириб-чиқувчи “қайнок нуқталар” анчага

кўпайиб, улар “таркибиға” чой қадоклаш фабрикасининг Барно яшайдиган ётокхонаси ҳам кўшилганди. Эҳ, у ердаги жононларнинг ранг-баранглиги! Истаганингни истаган кўйингга солишинг мумкин! Ҳеч ким ҳеч кимни бир-бирига рашк қилмайди – бугун униси, эртага мана бунисиникида меҳмон бўласан!

Қадди-комати келишган Шавкат деярли барчасига ёккани боис баъзи бир “камчиликлариға” ҳам (мисол учун, чўнтағи доимо қуп-куруқ эди) эътибор қилишмасди. Шу жононлардан бири – балки бутунлай ўзиники қилиб олмокчи бўлгандир? – ўша куруқ чўнтакларга пул солиб кўйиш одатини чиқарди ва навбатдаги тунларнинг бирида... ҳомиладорлигини айтди.

“Вой, кимдан бўларди, сендан, албатт!”

Ҳали бери уйланиш-у бола-чака орттиришни ўйламаётган Шавкат учун бу энди мутлако ортиқча эди. Қолаверса, келиб келиб шунга уйланадими? Эшитганлари бўйича, корхона раҳбарларидан бири бу гўзал малакни кўп йиллар ўзига маъшуқа қилиб, истаганча кийинтириб, истаганча пул билан таъминлаб юргач, сал аввал ундан-да ёшроғи билан ўралашиб қолибди, аммо жанжал-тўполон кўтариб юрмаслиги учун, ҳозир ҳам унга “қарашиб” туаркан. Шундан келиб чиқилса, ким билади, бола ҳам аслида...

Шавкат фабриканинг ётоқхонасига шундан бери қадам босмай кўйди, жувоннинг кимдир орқали чакиртириб юборгани ҳам фойда бермади. Кейинроқ, худди ўша кимса орқали етиб келган хабарларга кўра, жувон унинг устидан судга даъво аризаси билан чишишни мўлжаллаб юрганмиш...

Бу хабарни эшитган Шавкат бош олиб аллакаёкларга, энг аввало, ўзи “армия хизматини” ўтаган Россиянинг Иваново шахрига (у ернинг аёлларига ҳам гап йўқ, энг муҳими – сен билан бир кеча ётиб, эртаси куни уйланишни талаб қилишмайди!) кетишини мўлжаллаб юрди. Ҳа, нима? Ўрганган жойи, иш ҳам истаганча топилади. Маош ҳам бу ердагидек одамни ерга урадиган даражада паст эмас – энг оддий ишчи бўлиб жойлашсанг ҳам кунинг ўтади, майшатингга етади. Қолаверса, у ерда ҳар қадамда Ўзбекистоннинг “ифори” димоғингга уради: шахарнинг кай бурчагига борма, тоғ-тоғ паҳта уюмлари (омборлар етарли бўлмагани боис аксарият ҳолларда фабрикаларнинг очик ҳовлиларида, кор-ёмғир тагида чириб ётарди), йигириув, тўкув фабрикалари. Марказий кўччанинг номи-да бегона эмас – “Узбекистанская”!

Шавкатнинг деярли тайёр холига келиб қолган бу хаёлий иморати девори Нодирани биринчи бор хиёбонда кўриб қолган куни дарз кетди. Лекин ўша куни бу кизнинг ростдан ҳам Нодира эканлигига тўла ишончи йўклигидан (Шавкат мактабни битирган йили киз ҳали ўспирин бўлиб, бу даражада очилиб-етилмаганди) тўхтатишга журъати етмади. Кейин шу йўлакда яна бир неча бор кўриб, адашмаётганига ишончи ортиб бора-вергач, бир сафар ўзини таниширишга (тўғрироғи – эслатишга) бел боғлаб турганида, киз тушмагур бехосдан келиб қолган автобусга чиқди-ю-кетди!

Ўшанда рад жавобини олган бўлса-да (Барно элтган мактуб тақдири не бўлганини ўша куни ёк эшитганди), кизнинг кўнглига йўл топиш учун кўп ҳаракатлар килди, бир канча пайт ўзини гўё Нодирадан бошқа ҳеч ким қизиктирмаслигини намойиш қилишга уринди, аммо бирон натижа чиқара олмагач, қўл силтади-да, то мактабни битиргунинга қадар яна бир неча кизнинг у билан “юри-юри” бўлгани ҳақидаги мишмишлар пайдо бўлишига замин яратди.

Нима бўлганда ҳам, қизлар томонидан қабул килиб олинган илк мағлубияти эди бу. Ўшанда Нодира унинг “севгисига” мушарраф бўлган бошқа қизлар сингари мойиллик билдириб, килган тегажоғликларига хиринг-хиринг билан жавоб берганида, узоғи билан уч-тўрт ой ўтиб, уни ҳам “навбатдагиси” билан алмаштиравмиди-йўқмиди – буни ўзи ҳам билмасди.

Шавкат ҳарбийдаги хизматдошларининг севгилилари-га мактуб битаётганини кўриб, ўзининг қалбида бундайин хиссиётнинг йўклигига дастлаб ажабланди, сўнг “севгандарининг” барчасини кўз ўнгига бир-бир келтирди, аммо биронта-сида ҳам тўхтай олмади. Бир оз ўтиб эса хаёлига...

Нодираға ўшанда нималар ёзгани ҳозир эсида йўқ, аммо шунчаки эрмак учун – э, бўлса бўлар, бўлмаса ўрлаб кетар! – битилган ўша мактубларга ҳам жавоб келмаганди.

Бирок Шавкат феъл-автор жиҳатдан бундай “бачкана” нарсалардан сиқилиб юрувчи йигит эмасди, чин муҳаббатнинг totli изтироблари унга шу пайтгача ёт эди. Колаверса, хизматда кечган дастлабки ҳаёти “узокдаги қўйруқдан, яқиндаги ўпка яхши” тамойили остида ўтди: то камокка, ундан сўнг “интизом” батальонига тушгунча, деярли ҳар хафта “самовол-кага” чикканидан, тўқимачилик фабрикаларида ишловчи минглаб малласоч қизларнинг бир нечтаси унинг маъшукасига айланиб бўлганди.

Сўнгги йиллари ўзи учун кони азобга айланган хизмат тугагач, ўша шаҳарда колишни ҳам ўйлади. Ҳа-да, нимаси колди ўша узок кариндошларнинг уйида? Бундан ташқари, вакти-вақти билан хабарлашиб турғанларига қарамай, етимхонага топшириб юборганлари учун Шавкатнинг кўнглида совукликдан-да кўра кўпроқ адоватга ўхшаб кетувчи туйғу сақланиб қолган бўлиб, ҳануз-ҳамон илимаганди. Айниқса, ҳали кичкина болалигига олиб кетишларини – ёлворибийлаганча! – сўраганига қарамай, унинг ташвишини гарданига олишни ҳеч ким истамагани ёдидан чиқмасди.

Лекин шахсига оид барча хужжатлар маҳсус ҳарбий почта орқали Ўзбекистонга юборилгани ва қаердан хизматга чакирилган бўлса, эндиликда айнан ўша жойда рўйхатда туришни талаб килувчи айрим расмиятчиликлар ортидан бу нияти ҳам амалга ошмади. “Она юрт”га кайтиб келгач эса кечираётган ҳаёти шу бўлди: сал демасанг босган ҳар қадами назоратда, буғунга келиб эса аллакимга “ортиқчалик” қилиб қолган олқиндига уйланиш, акс ҳолда жавобгарликка тортилиш хавфи боши узра чарх урмокда.

У Нодирани мутлақо тасодифан кўриб қолганида юрагининг бир четида қандайдир илинж нишланди: балки тақдир деганлари шудир? Неча бора таёк еган саёқ ҳаётига шу киз чек кўяр? Ҳомиласи кимданлиги номаълум жонон ҳам уйланганини эшитгач босилиб, боласига бошқа ота топар? Қачонлардир “туйғусини” – унинг севги бўлганига ҳали ҳам ишонмасди – рад қилган бу киз энди унга бошқача нигоҳ билан каар? Нима қипти? Тақдирлари, ўтмишлари ҳам деярли бир хил. Ҳеч кимсаси йўқ қизни унга ўхшаган бирон ғариб олмаса, бошка ким олади?

Энг муҳими, Шавкатга таниш ёки “ишиккӣ” муносабатдаги қиз-жуvonларнинг биронтасига ўхшамайди: мана, неча марта гоҳ якин, гоҳ олисдан кузатди, лекин бирор билан етаклашиб юрганини кўрмади!

Шавкат кўлларини боши остига қўйиб, шифтга бокканча ётаркан, қандайдир киз ҳамроҳлигига (лекин у ҳам сутга чайилгандек экан!) кетаётган Нодиранинг йўлини тўсиб, гапга тутгани ёдига тушди ва оғир ҳўрсинди: ҳали бошланмасдан барча ишни бузиб қўймадимикин? Дейлик... ўша Барно ҳақидаги гапларнинг кераги бормиди? Қачон одамлар билан, айниқса, табиатан кўнгли нозик қиз-жуvonлар билан (энг тубанлашиб кетганининг ҳам дилини оғритсанг кўзида ёш

ғилтиллашини Шавкат ҳаётий тажрибаларидан жуда яхши биларди) гаплашишини ўрганади?

У ўзи билан бирга ўсиб катта бўлган, хизматдан қайтиб келгач учраша бошлаган тенгдошларини кўз олдига келтириди: бир-иккитасини демаса (биттаси ўғирлик килгани учун саккиз йилга камалиб кетибди), феъл-атвор жиҳатдан унга ўхшашлари жуда кам. Баъзи бирлари – жуда нуфузли бўлмаса-да – турли хил мутахассислик бўйича ўкишларни битирибди, ишлари ҳам жойида. Бир нечтасининг ҳатто оиласи бор.

Шавкат кўзларини юмди: яна бир марта уриниб кўрсачи? Ўқияпман, дегандек бўлдими? Қаерда ўқиса? Эҳ, хумкала! Ҳадеб бўлмағур гапларни валдирмай, каерда ўкиётгани, яшаётгани ҳақида сўрасанг бўлмасмиди! Сўнг, эгни-бошни сал эпакага келтириб, ювениб-чайиниб, сокол-мўйлабни киртишлаб, айтиладиган гапларни обдон ўйлаб олгач йўклаб борганингда, ҳаммаси бошқача тус олармиди...

Кизиқ, нега ҳар доим ўша хиёбонда учратаяпти? Унинг якин атрофида ҳеч канака ўқув даргохи йўқдек-ку. Ёки эътибор қилмаганми? Балки биронтасиникига келиб-кетар? Унинг шаҳарда ҳеч кими йўқ эди шекилли. Тўхта... ҳалиги... ёнидаги киз-чи? Яқин дугонаси бўлса, ўшаникига... Ҳа, шуниси тўғрига ўхшайди.

* * *

Шавкат кўзларига ишонмасди: ана холос! Бекорга айтмайди-да, макталган келин тўйида ҳунар кўрсатади, деб! Ким билан кетаяпти? Юриш-туриши, сиполигидан у ҳам... талабаларга ўхшайди-ку!

Шавкат йигитга синчиклаб разм солди: нафакат талаба, балки у қачонлардир кўрган яна бир кимсага ўхшайди. Лекин қачон, каерда?

Кўлидаги сумкасини ўйнаб кетаётган Нодира бир пайт жилмайди.

– Гапнинг очиги, сенга айтмоқчи эмасдим, лекин нима килдим яшириб! Кимни кўриб қолганимни биласанми? Ўйлайверма, барибир тополмайсан. Шавкатни! Ёдингга тушдими? Худди палакатдек лоп этиб рўпарамиздан чиқиб қолса бўладими!

Балки Яшар ўзларидан аввал – турли йилларда битириб кетган болаларнинг кўпчилигини тузукрок эслай олмас, аммо Шавкатни...

Ахир уни унугиб бўладими – нафақат кичик ёшдаги болалар, балки ўз тенгдошларининг ҳам қонини ичарди-ку! Етимхонада ундан калтак емаган, унинг “хизматида” бўлмаган тарбияланувчининг ўзи бормиди? Қўли ҳам эгри эди. Бир гал шаҳарга чикиб – албатта, рухсатсиз! – кимдир дўкон олдида колдирган велосипедни олиб қочгани учун тарбияси оғир болалар колониясига юбормоқчи бўлишганди ҳатто! Лекин велосипед эгаси саховатли эканми, даъвом йўқ деб милицияга ариза бергандан сўнг, иш босди-босди бўлганди.

Яшар унинг Нодира га бўлган муносабатини (уша пайтлари кулоғига чалинганди) хозир кўтариб ўтиргиси келмади – нокулай.

– Мен ҳакимда ҳам айтгандирсан?

– Ёдимга келмабди, – бош чайқади Нодира. – Умуман... кўт гаплашмадик. Туркини кўриб Ойгулнинг эсхонаси чикиб кетди.

– Шунчаликми? – ҳайрон қолди Яшар. – Мен... бир йиллар бўлиб қолди... армияда ҳам зўравонлик килгани учун қамалганини бир-иккита таниш болалардан эшигандим. Бирон иш билан машғул эканми?

– Бунинг менга нима қизиғи бор? – кулди Нодира. – Саломлашдик... ва бирдан хайрлашдик. Э, кўй ўшани. Ўзгарган деб ўйлайсанми. Айтадилар-ку, букрини гур тузатади, деб.

Аслида бугун у Яшар билан эмас, Юсуф билан келишни мўлжаллаётанди, аммо унинг кандайдир узокрок қариндоши – ота томонидан шекилли – вафот этганини хакида хабар келиб, кеча уйига жўнаб кетганди, Ойгулнинг эса... учрашуви бор эди.

Ҳа, бир пайтлар Барно билан бўлгани каби бу киз ҳам туйғуларига эрк бермай, Камола туфайли “кўлдан кетган” Яшардан ўзини узокрок тутиб юрди, унинг вафот этганини эшиганидан сўнг уч-тўрт кун ўтиб кўриб қолганида эса кўнгил сўрашга ҳам тили айланмади – ҳамдардлик тўла нигоҳини тикиди, холос. Қолаверса, иккинчи курсни битириб таътил пайти уйига борганида Тошкент тиббиёт институтида ўқиётган бир йигитга узатмоқчи бўлишаётганидан хабардор бўлди ва янги ўкув йили бошланмасдан сал аввал нон ушатилиб, тўйни ҳар иккала ёш ўқишни битиргач ўтказишга ўзаро келишилди.

Қўшни туманда истикомат қилувчи ўша йигитни Ойгул умрида бир мартагина – у ҳам бўлса, болаликда – кўрган, канақалигини яхширок эслай олмасди. Аммо таътилдан сўнг

ўқишига отланаётганида “куёв бўлмиш” Самарқандгача унга хамроҳ бўлмокчи эканлигини эшитгач, тақдири ким билан боғланаётганлигини билишни жуда истаётган киз ноз қилиб ўтирумади.

Йигит бинойидек экан: бўйлари баланд, суякдор, қалин лабларида “мангу” ним табассум. Йўлда оғзидан биронта ортиқча сўз чиқмади. Фақат бир мартағина – гарчи ота-оналар истаги билан бўлса-да – тақдирлари қўшилаётганидан хурсандлиги, тез-тез учрашиб турсалар, тўй бўлгунча бир-бирларини яхши билиб олишлари мумкинлигини айтиб, “онда-сонда” ўйқлаб туришга рухсат сўради.

Хуллас, бугун у навбатдаги “висол онига” етиб келиши керак бўлиб, Ойгул ҳамма гапдан хабардор дугонасига буни айтган ва Саодатнидан тезроқ қайтиб келишни минг истифно билан тайинлаганди: “Сен ҳам баҳо беришинг керак! Кўрмай колсанг, тағин пушаймон еб юрма – бугуннинг ўзида кечки поезд билан Тошкентга қайтади!”

...Шавкат йигитга нималар ҳакида – аслида сухбат айнан унинг устида бормоқда эди! – кулганча гапириб кетаётган Нодирадан кўз олмасди.

Ким у ёнидаги? Қаёкка кетишаётир... қаймоқлашиб?

У Нодира ва Яшарнинг ортидан беихтиёр кадам ташлади, бир ҳовли дарвозаси рўпарасида тўхтаганларини кўриб, ўзи ҳам жойида қотди.

Қизик, ким яшаса у ерда? Ўтган сафар Нодира билан юрган қизми?

Дарвозани очиб Нодира ва Яшарни шодон қарши олган Саодатни Шавкат таниди, албатта. Қандай қилиб танимасин – ахир хиёбон фарроши-ку! Енгилтабиат аёлларнинг биронтасини илинтириш илинжида кунора хиёбонга келиб юрувчи Шавкат унга неча бор дуч келмаган! Демак, шу ерда яшар экан-да! Лекин унинг Нодира ва ёнидаги йигитга қандай алокаси бор?

Шавкат ўша етимхона тарбияланувчиларининг барчаси каби Саодат ишлаган мактабда таълим олганига қарамай, орадан кўп вакт ўтгани ёки жуда ўзгариб кетгани учунми, уни муаллима сифатида эслай олмасди. Кутилмаганда Шавкантнинг хаёлига мудхиш, аммо назарида ҳақиқатга анча яқин бир фараз келди: “Бу аёл балки... қўшмачидир?! Шахарда бунака аёллар, бунака хонадонлар камми? Ўзи уларнинг нечтасида бўлмадими? Бунинг устига... Барно билан учрашиб туришини таъкидламаганмиди бу ойимча? Унинг нималар қилиб юргани-

ни “эшитганида” эса, ўзини аччиклангандек құрсатмагандими! Аха! Мана гап қаерда экан! “Сен дүстинг кимлигини айт, мен эса сенинг кимлигингни айтаман!” Мен ахмок бұлса, унинг күнглига йўл топиш, уйланиш ҳақида ўйлаб юрибман!”

Шавкат ғазабдан тишиларини ғижирлатди.

Унинг вакти жуда күп эди, қайтиб келишини кутувчи, хаяллаётганидан безовта бўлувчи одам эса – биронта ҳам.

Майли, пойлайди – кани, қачон чикишар экан!

Аммо нима максадда бу қарорга келганини ўзи ҳам ҳозирча тушунмаётганди: рашкми? Ёки аламзадаликми? Умуман, энди кераги борми бунинг? Ўч олмоқчими? Кимдан? Нодираданми ёки... жазманидан?

У ҳозир бунга ҳақи бор ёки йўклигини ҳам ўйламаётганди. Энг сўнгги илинжи ҳам саробга айланганидан ўзини шундай тутаётгандир балки? Ахир, аксарият одамларда – айниқса, унинг тоифасидагиларда – ўз муваффакиятсизлиги учун бирорвларни айблаш ҳисси устун турмайдими!

Шавкат бир жойда какқайиб туришни истамай, хиёбон томон юрди ва йўлида учраган энг биринчи ўриндикка ўзини ташлади. Вақт имиллаб ўтар, атрофга бефарқ назар ташлаётган Шавкатнинг эътиборини ҳеч нарса жалб эта олмасди. У бир пас ўйланиб тургач, ўрнидан кўзгалди: кетади! Энди бир ками ошик-маъшуқларнинг канча майшат қилишини ҳисоблаш, тепасида шам ушлаб туриш қолувди! Агар хонадон соҳибаси кўшмачи бўлмаганда ҳам (Нодиранинг бунака жойларда булишига ҳануз ишона олмайдиганди), ўша йигит билан ҳиринглашиб кетишидан уни танлагани, у билан яқин эканлиги шундок кўриниб турибди.

У рўпарасида ҳеч нимани кўрмай кетиб бораркан, доимо бир жойда ўтирадиган пистачи кампирнинг ёнида беихтиёр тўхтаб, чўнтагини кавлади – бир-икки тийин қолган кўринади. Кампир ҳам доимий мижозини хафа қилгиси келмади шекилли, сал ортиқча берилаётган пистани унинг чўнтаигига ағдараар экан, гап котди:

– Доимо шу ерда юрасан-а? Бекорчимисан дейман? Кўринишинг тофни талкон қиладиган. Бирон жойда ишласанг бўлмайдими?

– Тузукрок иш йўқ, хола, – зўрма-зўраки илжайди Шавкат. – Балки ўзингизга шогирд ёки ёрдамчи қилиб оларсиз?

Кампир бир-иккита тиши қолган оғзини очиб кулди:

– Вагонлаб писта сотардиммики, менга ёрдамчининг ке-

раги бўлса. Ана, курилишда, завод-фабрикада ишла. Ота-онанг борми? – Кампир унга узок вакт ҳамдардлик билан тикилиб турди. – Бу баҳона бўла олмайди. Мен етимхонада ўсганларнинг ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб олганини қўрганман. Икки нафари уйимга ҳам келиб юради.

– Узокрок қариндошларингиз бўлса керак-да, – деди кетишига чоғланаётган Шавкат ўзининг шу кеча-кундуздаги ахволини назарда тутиб.

– Йўқ, бир пайтлар ўқитган муаллималари уйимда ижарада турди, шунинг ёнига. Бугун ҳам келишган бўлса керак – ҳали узокдан кўзим тушгандек бўлувди. Жуда яхши болалар. Номини айтолмайман-у, лекин жуда катта мактабда ўкишади. Сен эса етим ўсганингни пеш килиб ўтирибсан.

– Сиз... ҳалиги... қизилга бўялган дарвозали уйда турасиз-а? – тахмин қилди Шавкат юраги дукуллаб.

– Сен қаердан биласан?! – дарров шубҳага тушди кампир.

Уни тушунган Шавкат тезда фикрини жамлаб, кулди:

– Ўзингиз хозиргина айтдингиз-ку, ҳар куни шу ердалигимни! Кириб-чикиб юрганингизда кўзим тушгандир-да! Айтиётганларингизнинг... исмлари нима? Балки менга таниш чикиб колишар? Хизматдан қайтганимдан буён кўпларини қўрганим йўқ – ҳаммамиз ҳар жойда сочилиб юрибмиз.

Кампир йигитнинг самимилик балкиб турган юзига қараб – керак бўлган жойда Шавкат буни яхшигина улдаларди – хафа қилишни истамади.

– Қизнинг исми Нодира, йигитники эса... ҳа, Яшар. Танийсанми? Иккаласи ака-сингил. Бирга ўкишади. Мактабда ҳам бирга ўкишган экан. Лекин назаримда, – кампир Шавкатга кўзларини сал кисиб каради, – сен улардан... бир оз каттароқдек.

Қалбида пистачиларга нисбатан ҳеч қачон бу каби хурмат уйғониб, меҳр-муҳаббат ловуллаб ёнмаган Шавкатнинг кампирни кучоклаб олгиси, буришиб, осилиб қолган юзларидан чўлп-чўлп этиб ўпиб олгиси, оёкларига бош қўйиб йиғлагиси келарди ҳозир!

Яшар!

Кўнглидан ўтувди-я, уни қаердадир қўрганман деб! Ахир, ҳамма аввалига “ўрис”, сўнг “малла” деб лақаб кўйган бола-ку! Ростдан ҳам бир-бирига жуда ўхшашлиги туфайли ҳамма уларни ака-сингил деб ўйларди-ку! Буни манови – етти ёт бегона кампирки таъкидлаётган экан, демак, ахийри топишибдилар-

да! Оббо азамат-эй! Ҳақиқий паҳлавон йигит бўлиб етишибди ўзиям! Мактабда ҳам нуқул бешга ўкирди!

Шавкат умрида илк марта уятдан қизарди: “Демак, акаси билан кўрибман-да! Ў, пасткаш! Ў, расво! – ўзини сўка бошлиди у. – Не хаёлларга бормадинг-а! Ҳаммани ўз қаричинг билан ўлчашга тушиб кетдинг-а!”

У кўкрагини тўлдириб, нафас олди: демак, боши очик! Бу ҳамон ўша-ўша Нодира – олдидан келганини шоҳлаб, ортидан келганини тепадиган! Демак, харакат қилиш керак! Демак...

– Ҳой, эшитаяпсанми мени? – унинг хаёлларини бузди кампир. – Нега ўйланиб колдинг? Танийсанми деяпман уларни?

– Йўқ, хола, – хижолатомуз илжайди Шавкат осмону фалдан ерга тушиб. – Балки бошка етимхонада бўлишган, ёки, айтиётганингиздек, мендан ёш бўлгандари учун эслай олмаётгандирман. Раҳмат сизга, хола! Савдонгиз доимо бароридан келсин! Яхши қолинг!

Арзимаган чақа узатаётганда ҳам худди мурувват кўрсатаётган ёки садақа бераётгандек ўзини тутувчи йигитдан бир томони дуога тортиб кетар ушбу сўзларни кутмаган кампирнинг кўнгли тоғдек кўтарилди:

– Яхши бор, болам. Энди бундай санкиб юрмай, бирон ишга кир. Уйлан, бола-чақали бўл.

– Айтганингиз бўлади, холажон! Ишга ҳам кираман, “одам” ҳам бўламан, уйланаман ҳам! Чин сўзим! Агар ўзим мўлжаллаган қизга уйлансам... сизни албатта тўйга чакираман!

– Вой-бу! Бунча? – деди кампир Шавкатга бошдан-оёқ кўз югуртириб. – Нима бўлди? Ҳали, ёнимга келаётганингда, худди отангни ҳозиргина кўмиб кайтаётгандек кўрингандинг! Энди эса...

– Раҳмат сизга, хола! Кўп яшанг! Илойим мингга киринг! Ҳар бир пистангиз олтин... йўқ, олмосга айлансин!

Кампир сал аввал ҳам бунчалик сидқидилдан ёғдирилаётган раҳмат сабабини тушунмаган бўлса, ҳозир ҳам худди шу ҳолатда эди.

Ўттиз түққизинчи боб

“Демак, ҳар якшанба ўша муаллималари хузурига келар экан-да? Тўхта, тўхта... у кананақасига муаллима бўлсин?! Фаррош-ку! Қизик, жуда қизик... Ёки нафакага чикқанмикин?

Шунақага ўхшайды. Лекин қайси муаллима бўлса? Нега мен эслай олмаяпман?”

Шавкат кўзларини юмиб, мактабларида ишлаган барча хотин-қиз ўқитувчиларни бир-бир хаёлига келтирди...

Йўк, бунақа муаллимани сира эслай олмайди!

Э, барибир эмасми! Мухими – Нодирага етишиш учун ҳали умид бор экан! Эҳ, қандай яхши бўларди, агар...

У тарқок хаёлини жам қилди: нима “агар”? Нима бўлиши-ю, нима килиниши керак? Албатта, ҳозирги туришида унга кўриниб бўлмайди, шунинг учун... Ҳа, авваламбор бирон ишга кириб, бунақа такасалтанг юришни бас қиласди! “Чапга” юришларнинг ҳам барчасига нукта қўйиш керак! Ўқийди...

Йўк, буниси тўғри келмас экан – аттестатидаги баҳолар (унда “уч”дан бошқа ракам жой олмаган бўлиб, ҳатто ўзи севган ва кучини кўрсатишга имкон берадиган жисмоний тарбия фани муаллими ҳам ҳеч бўлмаганда тўртнираво кўрмаганди – “бирхилликни” бузишни истамаган чоғи!) ва хизматдаги ўтмиши бунга йўл қўймайди. Лекин, максадга етиш учун кампир айтгандек “жуда-а-а-а катта мактабда” ўкиш шарт эмас, бошқа йўллар билан ҳам ўзини кўрсатса бўлади.

Уста Окил тун ярмида ёки ундан ҳам кеч кайтувчи, ўзини оиласда меҳмон, ҳатто бегонадек тутувчи йигитнинг феълатвори, юриш-туришида пайдо бўлган ўзгаришини дарров пайқади, ҳар куни эрталаб соқол олишига эътибор каратди. Қизи-и-ик! Илгариги кўрслиги ҳам йўқолгандекми?

Бир куни устани ниҳоятда хайрон колдириб, қулини кўксига қўйганча илжайиб ўзини... шогирд қилиб олишини илтимос қилди!

Окил ўртамиёна уста бўлса-да, қулидан ҳамма нарса келарди: девор уриш, сувоқ қилиш, том ёпиш. Агар буюртма бўлиб колса, ром ва эшик ясашни ҳам амалларди. Топиш-тутиши ҳам шунга яраша – ҳар ҳолда рўзғорни тебратишга етади. Шавкат хизматдан қайтиб келгач, устанинг ўзи неча марта айнан шу таклифни килган бўлиб, жавоб ўрнида юпқа лаблардаги истехзоли жилмайишни кўрганди ҳар сафар. Энди эса томдан тараша тушгандек...

О, кани эди ёнингда у каби кучга тўла ёрдамчинг бўлса! Лекин бир оз... шубҳали эмасми? Балки, аввал синааб кўриш керакдир?

Шавкат икки ҳафтадан буён атайнин буюрилаётган энг оғир, энг унумсиз ишларни бажаар ва мик этмасди. Бора-бора

нозикрок ишларга ҳам – албатта, устанинг назорати остида ва “муруватли” рухсатидан сўнг! – қўл урадиган бўлди. Овкатни ҳам танламай, олдига қўйғанларини апил-тапил еб, дам олмасдан яна ишга уннарди.

Бу гал ҳам худди шундай қилганида тушлиқдан сўнг дастурхон тепасида бир ўзи қолиб, мамнун ҳолда чой қайтараётган уста Оқил деди:

– Сендан хурсандман, Шавкатжон. Бўларкан-ку! Файратинг шу бўлса, тўйинг харажатларини ҳам бўйнимиздан соқит киласан! Баракалла! Ҳафта ичидан мана шу нонемаснинг (бу-юртмачи курумсок одам бўлгани боис дастурхонга камдан-кам холлардагина гўштили таом тортиларди) уйини битирсак, қўли очикроқ бошқа мижоз кутиб турибди. Ҳа, айтганча, якшанба қуни мириқиб дам олишинг мумкин. Кўриб турибсан, лой коришга сомон йўқ. Ваъда берганига неча кун бўлди, лекин билмадим, качон олиб келади! Қолган ишлар эса битган ҳисоб. Ўзим ҳам шу баҳонада бошқа юмушларни бажариб оламан, янганг билан... баъзи бир жойларга ўтмоқчимиз.

Уста Оқил очигини айтиб ўтирамади: Шавкатдаги кутилмаган ўзгаришни кўргач, сал аввал ундан ҳафсаласи пир бўлиб, ҳатто бирон баҳона билан уйдан чиқаришни ўйлаб юрган (еб-ичишдан бошқа нарсани билмас сўқимни бокишининг кимга кераги бор!) эр-хотин яна харакатга тушиб, кимнингдир “муддати ўтиброк қолган” кизи борлигини (балки хунукрок бўлгани учундир, лекин оёқ-қўли чакконгина дейишади!) эшитишгач, ўшани даракламоқчи бўлаётгандилар.

Нафакат меҳнат қилиш, теран фикрлашни ҳам аста-секин ўрганаётган Шавкатга эса ҳали бунинг вақти келмагандек: аввало, бунака нозиктаъб, ўқимишли кизнинг кўзига жуда пўрим бўлмаса-да, янги костюмда кўриниш керак. Чўнтакда бир оз пул бўлса ҳам зарар кильмайди. Дейлик, чиройли гулдаста учун (шу пайтгача ҳеч кимга гул тутмаган Шавкат унинг қизлар учун энг яхши совға эканлигини факат эшитиб юради)!

Кейин, гап-сўзни ҳам бир оз роствлаш керак (ўзи билан яхшигина сўраша бошлаган Нодиранинг Барно ҳакида сўз очилгач бирдан ўзгариб кетганини Шавкат унута олмас, жуда совук хайрлашганини ҳам айнан шу билан боғларди). Майли, агар керак бўлса, ўша қўланса гаплари учун... кечирим сўрайди! Мабодо талаб килинса, қўнглини очишга ҳам шошилмайди – кутади! Қанча керак бўлса, шунча! Факат яна учрашиб қолганларида ёнидан ҳайдамаса бас!

Рости, агар шу пайт кимдир – шунчаки қизиқиб! – “үшани севасанми?” деб сұраса, нима деб жавоб беришни билмасди, балки. Лекин нима қылсын – қизнинг сиймоси хаёлидан ҳеч кетмаяпты-да! Балки севги деганлари шудир? Ахир, уни Яшар билан күриб колганида оёк-құлига титроқ кирмадими! Бу рашк бўлмаса, бошка яна нима бўлиши мумкин! Юрагига мутлақо нотаниш бу туйгу үшанда биринчи марта қўзғалгандир! Кеин эса – ёнидаги йигитнинг аслида ким эканлигини билгач, шодликдан юраги ёрилиб кетай демаганмиди? Буларинг бари ниманинг аломати, ахир?

Шавкат хиёбонга жуда эрта келди. Йўқ, бугун кўриб қолганда ҳам ёнига бормоқчи эмас – шунчаки узокдан кўз ташлаш учун. Ҳатто ҳалиги қиз ёки Яшар ёнида бўлмай, бир ўзини учратганда ҳам. Ҳали эрта! Аввало кизга ўзининг “одобли” бола бўлиб қолгани, меҳнат қилиб кун кечираётгани, асл нияти нима эканлигини қандай қилиб бўлса ҳам билдириши керак! Балки... Яшар воситасида? Албатта, унга “синглингни яхши кўриб қолдим, ёрдам бер” деб бўлмайди, лекин бир-икки марта учрашганларидан сўнг, ўзи ҳақида унда яхши таассурот қолдирса бўлади-ку! Ажаб эмас, шундан сўнг...

Лекин қаерда ўкишаётганини шу пайтгача била олмагани чатоқ бўляпты-да. Балки кампирдан аникрок сўраб олиш ке-ракдир? Чиқдимикин?

Шавкат хиёбоннинг кампир ҳар доим тўрва-халтасини ёйиб ўтирадиган томонига юрди: кўринмайди. Нафакат у, ҳали эрта бўлганидан сайр килувчилар ҳам саноклигина, ўриндикларнинг деярли барчаси бўш.

Шавкат кампирнинг уйи жойлашган муюлишни кўздан кочирмаслик мақсадида ўша тарафга караган ўриндикларнинг бирига омонатгина чўкиб, дид билан дазмол урилган шими почаларига билинар-билинмас ўтирган чангни коқкан бўлди.

Ҳа, уни узокдан бир кўради-ю, сўнг қайтиб кетади! Тағин уйда кўркиб юришмасин, бу яна эски хунарини бошлади, яна қаердаги қаланғи-қасанғи жўралари-ю улфатларини топиб олди, деб!

Шавкат улфатларини кўпдан буён кўргани йўқ эди. “Қаёққа гум бўлди деб роса ҳайрон колишаётгандир? – мийиғида кулди у. – Майли, агар талаб қилинса, ҳеч иккиланмай улардан ҳам voz кечиб юборса бўлади!”

Ушбу хиёбон барча кўнгилочар жойлар каби, кўпчилик ошик-маъшуқлар учун висол жойи эди. Ана, узокдан қандайдир

бир жуфтлик пайдо бўлди, лекин хиёбонни сайр қилишдан кўра, уни четлаб қаёққадир ўтиб кетишни мўлжаллашмоқда чамаси. Қиз... нимаси биландир Нодирани эслатаркан. Ёки хаёлида доимо тургани учун шундай туюлаяптими? Кўп ҳолларда – айникса, бирорни кўришни жуда истаб турганингда! – ҳамма одам кўзингга ўша бўлиб кўринаверади-ку! Тўғрими?

Шавкатнинг юраги дукурлади: йўқ, бу ростдан ҳам Нодира! Аммо бутунлай бошка либосда! Соч турмаги ҳам олдинги-дек эмас! Бошида – берет! Лекин ёнидаги йигит... Яшарга умуман ўхшамайди-ку?! У ҳам барваста, лекин соchlари жингалак, буғдорянг. Буниси энди ким бўлди?!

* * *

Юсуф Нодиранинг тирсагидан тутди:

– Жуда эртамасми? Ҳали ўринларидан ҳам туришмагандир?

– Худди билмагандек гапирасиз-а! – деди таъна қилгандек Нодира. – Хола тонг отмай намозига туради, Саодат опанинг ҳам ўринда чўзилиб ётиш одати йўқ. Юраверинг.

Юсуф атрофга аланглади:

– Ана, каранг – холанинг жойи бўш! Чикмаган. Келинг, хиёбонни озгина айланиб, кейин ўтайлик. Ҳеч бўлмаса, чойпой ичиб олишсин!

– Чойни биргаликда ичамиз... кечикмаган бўлсан, албатта. Кейин, чиқаётганимизда, эртароқ бориб, эртароқ қайтишимизни айтгандим сизга. Конспектлар қалашиб кетди, бу етмаётгандек, эртага факультетимизда байрамолди тадбири бор – унга ҳам тайёрланиш керак. Юраверсангиз-чи! Ёки судрайинми? – кулди Нодира жойидан кўзғалмай турган Юсуфнинг кўлидан ушлаб. – Кучи етмайди, деб ўйляяпсизми? Мана бўлмасам...

Ҳаммасини кўриб турган Шавкатнинг кўз олди коронгулашиб кетди, нафаси бўғзига тикилиб, оёқ-кўлига яна ўша таниш титроқ кирди.

Наҳотки?! Агар бунисини-да бирга ўсган ҳамтовоклардан, деб тахмин қилганда ҳам, ўзини бу хилда тутиши... очиқдан-очиқ эркаланиши...

Шавкат кўзларини юмди: “Энди нима бўлади? Энди нима қиласи бу ерда? Ўтираверадими, уларнинг етаклашиб, бир-бирини судраб кетаётганини томоша килиб? Ёки ҳали ҳам умид борми?! Тўхта-чи... ўтган сафар, Яшар билан кўриб

колганида... бундан-да баттар хаёлларга бориб турганида... кампир кўзларини яраклатиб очмаганмиди? Балки бу гал ҳам тақдир... шу тарзда шафқат қилар?!”

У кампир ўтириши керак бўлган томонга қарамади ҳам: нима қилади – агар чиқанида, ёнидан ўтмасмиди!

Наҳотки умид яна ўшандан?

У кўзларини очиб, энди ўзларини сипо тутганча кампирнинг уйи тараф бурилиб кетаётган Нодира ва Юсуфнинг ортидан термулиб қолди.

“Тезроқ чиқа қолсангиз-чи, холажон! – фарёд киларди унинг тилка-пора бўлаётган қалби. – Юраклар кон бўлиб кетди-ку! Бу гал ҳам жонимга аро кирсангиз-чи!”

Бир соатча вакт ўтди ҳамки, кампирдан дарак йўқ эди. Ёки бугун чиқмасмикин? Унда нима қилади? Уларнинг қачон чиқишини пойлайдими? Нега?! Кетай деса...

Қандай килиб кетсин? Жисму жонингни харсангдек босиб янчидан турувчи мавҳумликдан кўра, анигини билганинг яхши эмасми? Ҳа-да, дилдаги бу оғир юк билан эртага қандай ишга чиқади, қандай тонг оттиради!

Кампир инқилаб-синқиллаб ҳар доимги жойини эгаллага-нида ҳам унинг туришга мажоли йўқ эди. Тўғрироғи, журъати етмаётган, юрагидаги умид ва умидсизликнинг дам униси, дам буниси устун келиб, жон бериб-жон олаётганди.

Кўпчилиги болалардан иборат писта, қурут ва ҳурозканд шайдолари нафас ростлаб олишига ҳам қўймай, кампирнинг гир-атрофини бир зумда ўраб олишди. Танига каердандир кувват киргани учун эмас, яна бир оз ўтиrsa ҳеч қачон кампирнинг олдига бора олмаслигини анчадан сўнг тушунган Шавкат ҳам ахийри ўрнидан турди.

– Ваалайкум. Яхши юрибсанми? – кулимсиради олдинги учрашув, унинг айтган ажойиб-фаройиб сўзлари-ю, хатти-харакатини яхшигина эслаб қолган кампир. – Нега кўринмай кетдинг?

– Ишляяпман.

– Ростданми? – негадир хурсанд бўлиб кетди кампир. – Баракалла! Мен ҳам ҳаккингга сендан кам дуо қилмагандим. Ҳа! – У Шавкатга мамнун кўз ташлади. Сўнг кулди. – Күёв-болалардек ясаниб олибсанми? Кўринишинг ҳам туппа-тузук. Писта берайнми?

– Писта?! – тушунмагандек қайта сўради Шавкат. – Ҳа-а... майли, кўлингиз қайтмасин. Ўзингиз яхшими?

– Юрибман, тирикларга шерик бўлиб. Ҳозиргина чиқдим, уйга одамлар келиб қолганди. Қани, чўнтағингни тут...

Шавкатнинг лабида кулгу ўйнади:

– Яна ўша меҳмонларингиздир-да?

– Ҳа, ўшалар.

– Ўшалар?! – юрак уриши тезлашди Шавкатнинг. –

Наҳотки?! Ахир... у йигит... у йигит... ҳа, исми Яшар эдими?

– Йўқ, бу сафар Нодира қизимиз билан Юсуф дегани келган, – деди савдоси билан банд кампир унинг ҳаяжони, талмовсирашини пайқамай.

– Юсуф?!

Кампир офтоб нури тушаётган кўзларини қисиб унга каради:

– Нима, ўтган сафар... ҳа-я, улгурмагандим! Мени дуо кила-қила дабдурустдан жўнаб қолгандинг! Яшар қизнинг акаси, Юсуф эса йигити. – Шуларни айтиётиб катта-кичик стаканларга писта тўлдира бошлаган кампир Шавкатнинг қалқиб кетганини кўрмади. – Адашмасам... Бухоро тарафлардан. Яшар билан бирга ўқийди, ётотхонада ҳам бирга туришади. Ўқишлири битгач икковининг тўйи бўлади. Шундай. Озгина вакт қолди. Жуда яхши бола. Бизни қўргани қачон келмасин қўли тўла совға-салом. Унинг отаси...

Шавкат кўзларини юмиб олди: “Оҳ, холажон-а, унинг отасини таърифлаб нима киласиз менга! Тўйлари қачон бўлиши билан неча пуллик ишим бор! Ундан қўра... ундан қўра...”

– ...шундай гаплар, болам. Қани, чўнтағингни тут! Ёки қофзга ўраб берайинми? – Кампирнинг стакан тутган қўли бирдан ортига қайтди. – Вой! Нима бўлди сенга? – кўзлари катта-катта очилди унинг. – Мазанг кочдими? Ҳали ёнимга келганингда ҳам кўзимга ғалати кўрингандинг. Нима бало, кўп ишлаб, ўзингни олдириб кўйдингми? – Шавкат унга жавоб бермай, узок вакт маъносиз кўзларини тикиб тургач, ортига бурилди. – Ҳой бола! Термосда чой олиб чиқканман! Балки ўшандан ичиб оларсан? Вой таъба! Қаёкка кетаяпсан? Пистани олмадинг-ку! Тўхта, унда пулингни олиб кет! Ҳой!

Бу орада сайр қилувчиларнинг бошқа гурухи кампир атрофига тўплана бошлаганди ва узоклашиб кетаётган бу ғалати йигитнинг ортидан бири ажабланиб, бошкаси кулиб караб қолганди.

Ярим тунда дарвозани очган уста Оқил Шавкатни кўриб беихтиёр ортига тисарилди, ўзига келганидан сўнг эса нималардир деб ғудранаётган йигитнинг кўлтифига кирди.

— Ҳаммасига ўзингиз айбдор! — бир амаллаб ўринга ётқизилган Шавкатдан анкиб турган арок ҳиди (балки бошқа нарсалар ҳам аралашгандир?) ва бўлиб ўтган ҳодисадан ҳали ўзига кела олмай, ранги ўчганча тўшак узра чўзилган уста Оқилни азоблаш навбати энди хотинига келганди. — Туппатузук бўлиб қолган эди-я! Нима кераги бор эди ҳирсдек кучи бор йигитга дам беришнинг! Йиқилиб колармиди! Шундай бўлиши кўнглимдан ўтган эди-я, ўтган эди-я! Яна топишган ўша ўғри-ю, такасалтанг оғайнилари билан! Бинойидек ишлаб юрган эди-я! — бор овозини кўйиб жаврарди хотин. — Энди нима бўлади? Киз томон хўп дегандек бўлганди-ку! Агар эшишишса...

— Кўп вайсама! — ўшкирди уста. — Бундай қилишини қайдан билай! Эртага эрталаб у кўрнамак билан боплаб гаплашиб кўяман!

— Қаёққа борганимизни ҳам айтинг, — минғирлади бирпас жим бўлиб қолган хотин.

— Нима дейишим билан ишинг бўлмасин!

— Агар ўшанда ҳам билганидан колмаса... чиқиб кетсин уйимиздан!

Үйкуси ҳаром бўлиб, тонг отгунча у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб чиқкан уста Оқил эгнидаги ғижимланган кийим-боши билан (эрталаб чиқиб кетаётганда кўйлак оппок, шимга эса яхшилаб дазмол урилган эди) тўшакда чилпарчин бўлиб ётган Шавкатнинг елкасидан туртди:

— Шавкатбой! — эркаловчи товуш берди у ҳар эҳтимолга қарши. — Ҳо, полвон! Тулинг энди, ишга кечикаяпмиз. — Анча пайтдан сўнг ўзи томон ўгирилган Шавкатнинг ёшдан, ёки арок таъсириданми кизариб кетган кўзларини кўрган уста Оқил чўчиб тушди. — Ҳа?! Нима бўлди?! Каерларда эдинг? Шуми энди окибат? Ахир, биз янганг билан...

— Мени тинч кўйинг, — деди Шавкат юзини қайта ёстиқка босиб, бўғик овозда. — Ҳеч қаёққа бормайман. Керак эмас... хонадан чиқинг.

Кирқинчи боб

Мабодо Яшар икковини шу ахволда кўриб қолганида, ҳеч иккиланмай: “урталаридан яна гап кочибди” – деган ўйга борган бўларди.

Айниқса, Нодиранинг кўриниши бошкacha эди.

– Рости... бунақа бўлишини ҳеч кутмагандим, – деди у бир пайт.

– Менимча эса шуниси яхши, – юмшоққина эътиrozдек чикди Юсуфнинг сўзлари. – Бир ўзи нима қилади бу ерда? Қачонгача фаррошлиқ килиб юради? Бунинг устига, ёши ҳам ўтиб кетаяпти. Балки ўша ерда ҳаёти изга тушиб кетар – хар ҳолда дўсту ёрлари орасида бўлади. Ўзининг ҳам кетгиси йўклиги кўриниб турибди, аммо, эшитдингиз, оғир бетоб ётган онаси қўймаётганмиш, укаси бўлса... олиб кетгани устма-уст икки марта келибди.

– Ўшанда сизга айтган гаплари эсингиздадир? – деди Нодира намланган киприкларини пирпиратиб. – Қанчадан-қанча орзулари бор эди!

– Саодат опанинг шахардан кетиши ҳеч нарсани ўзгартира олмайди. Алокаларимизни узмаймиз, тўйни ҳам у кишига кулай... тарзда ўтказамиз. – Юсуф бир оз ўйланиб тургач, кулади. – Ўзингизда ҳам айб каттагина! Шу йил ёзда ўтказайлик деганимда, кўнмадингиз! Совчилар ҳам... Саодат опа истаганидек... шу ерга келган бўлишарди.

– Барибирам у кишининг кетишини истамайман.

Юсуф илжайиб бош чайқади:

– Сўзларимдан хафа бўлманг-у, лекин сиз... худбинсиз!

– Нима?! – жойида тўхтаб қолди Юсуфдан “навбатдаги” айбини эшитган Нодира. – Мен-а? Қ-қанакасига?

– Ҳа-да! Масалан, ўрнингизда мен бўлганимда Саодат опани тезрок кетицга унданаган бўлардим. Ҳатто хурсанд бўлардим!

– Сизга айтиш осон, – деди бир оздан сўнг Нодира йигитнинг сўзларидан ранжимай, аксинча, ҳақлигига ич-ичидан тан берив, аммо шунда ҳам таслим бўлгиси келмай, – чунки... чунки ёлғизлик нелигини билмайсиз!

– Сиз ҳали ҳам ўзингизни ёлғиз хисоблайсизми? – деди аввал кулиб, сўнг жиддийлашган Юсуф. – Қизик бўлди-ку! Мен-чи? Яшар-чи?

— Нима десангиз дeng, лекин она ўрнини ҳеч ким боса олмайди.

“Саодат опа онангиз эмас!” — деб юборишига сал колган Юсуф Нодиранинг тирсагидан олиб, ўзига қаратди:

— Шунақа дeng. Хўп... қайнона-чи? У ҳамми?

Ўнғайсизланган Нодира кўзини яшириш учунни, бошини Юсуфнинг кўксига кўйди.

— Гапингиз рост, — хўрсинди у, — тўйни шу йил ёзда ўтказсак бўларкан. Юсуф ака! Биласизми, негадир... юрагим гаш!

— Нега? — тушунмади йигит.

— Билмадим... негадир... ха деганда хаёлимга Яшарнинг аянчли кисмати тушадиган бўлиб қолди. — Нодира зўрма-зўраки қулди. — Ахир, биз нафақат ташки кўриниш, балки кисмат борасида ҳам бир хилмиз-да! Назаримда... иккаламиз ҳеч қачон баҳтли бўла олмайдигандек!

Юсуфнинг ҳеч қачон ҳозирдагидек жаҳли чиқиб кетмаган эди:

— Нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи! — қизнинг елкасини тутиб, силкилади у. — Одам деган ҳам шунақа бўладими!

* * *

Икки кундан сўнг, окшом пайти дарс килиб ўтиришганида, ётоқхона навбатчиси эшикни секин тақиллатиб, кандайдир аёл сўраб келганини айтганида, Нодиранинг юраги жойида бир сапчиб кўйди: Саодат опа! Шахарда уни сўраб келувчи бошқа аёл йўк! Агар шошилинч хабар ёки ўта зарур иши бўлмаганда, ҳеч қачон келмасди!

Адашмаган экан — аввал у, сўнг бошқа қизлар билан навбатма-навбат сўрашиб чиқкан Саодат Ингичкага бутунлай кетаётгани, эртага эрталаб укаси машина олиб келишини айтди. Ҳа, айнан шуни хабар қилгани ва хайрлашгани келибди, кейин... агар имкони бўлса... Яшар ва Юсуфни ҳам кўрмоқчи экан. Бир-икки оғиз уларга ҳам гапи бор эмиш.

Хўнграганча ўзини Саодатнинг қучоғига отган Нодирани кўриб, қизларнинг ҳам кўзларида ёш айланди. Бир оздан сўнг ўрнидан турган Ойгул Яшарни чақириб келишини айтганда, ҳиқиллаётган Нодира уни тўхтатди:

— Керак эмас... яхшиси чой қўй. Кейин мен... Саодат опа билан кетиб... бугун ўша ёқда ётиб қоламан. Иккаласига эрталаб айтарсан... кечикмай, ўша ёққа боришсин, хўпми?

Эртаси куни айтилган пайтда нафакат Яшар ва Юсуф, балки Ойгул ҳам Саодатниги етиб келиб, унинг ашкол-дашқолларини шалағи чиққан полуторкага ортганларида, кузов ярим ҳам бўлмади. Кўзидан тинмай ёш оқаётган Саодат бошқалар билан яна бир бор видолашиб олгач, ниҳоят Нодира ни бағрига олди:

— Мени унутма, — деди у қизнинг юзларидан чўлп-чўлп ўпаркан, — манзилим қаердалигини ёзиб олдинг. Мен ҳам келиб тураман.

Туни билан сухбатлашиб-ҳасратлашиб чиққанлари, барча гап айтиб бўлинганиданми, хайрлашув узокқа чўзилмади. Бунинг устига, иш битганини кўриб турган ҳайдовчи лабига кистирилган папиросини буркситганча машина сигналини тез-тез босиб кўяр, кузов тепасига чиқиб олган ука эса Саодатнинг кабинадан жой олишини сабрсизлик билан кутаётганди.

— Саодат, — деди бир пайт кампир унга якинлашиб, — сенга жуда ўрганиб қолгандим. Ўрнинг билинадиган бўлди. Мени ҳам йўқлаб тур. Лекин сенга бир нимани айтмоқчи бўлиб турибман. Мана шу қизим, — Нодира томон имлади у, — менини кида турса-чи? Нима қиласи ётоқхонада? Ижара ҳаки керак эмас — талабадан пул олиб, бой бўлиб кетармидим! Овкатимни қилиб, киримни ювиб, уй ва ҳовлини саранжом-саришта қилиб турса бўлгани. Мана бу қизим, — энди у Ойгул тарафга имлади, — мана бу йигитлар ҳам, — бу сафар Юсуф ва Яшар томон қаради, — ҳеч қисинмай келиб туришсин. Эшигим ҳаммаларинг учун доимо очиқ. Ўзинг ҳам шаҳарга келган пайтларинг Нодира қизимиз билан шу ерда учрашасан. Нима дединг?

Бу кутилмаган таклифни эшигтан Саодат савол назари билан Нодирага қаради, ҳайдовчи худо билсин неchanчи марта сигналини босиб-босиб чалди, кузов тепасидаги ука эса жаҳлдан қисилиб кетаётган кўзларини шу томондан узмасди: тавбангдан кетай, хотинларнинг гапи ҳеч тугамайди-я!

* * *

Шавкат бир ҳафтадан буёу уйга келмас, уста Оқил ва хотини эса бир-бирини айблашдан чарчаб, навбат энди Шавкатнинг ўзига келганди: “Етим қўзи асрасанг, чўмичингни мой қилас, етим бола асрасанг, оғиз-бурнинг кон қилас! Нима етмаётганди унга? Шунча кариндош-уруғлар туриб, биз уни бағримизга олгандик-ку! Кўрнамак! Ноңхўр! Пиёниста...”

Уста Оқилнинг уйидан уч-тўрт мавзе нарида жойлашган

бошқа бир уйнинг нимкоронғу хонасида давра олиб ўтирган ҳамшишалардан бири Замир – нонни катта есанг ҳам, гапни катта қилма, деган мақолга умуман риоя қилмайдиган йигит – “пиёниста”нинг елкасига муштлади:

– Бир ой кўришмаганимизга ичишни ҳам унутиб қўйибсан! Кўявер, ҳаммасини “ест” қиласиз! Уша қизинг қаерда ўкиётганини аник билиб олмабсан-да! Самарқандда нима кўп, “ка-а-а-тта мактаб” кўп! – умрида кўрмаган пистачи кампирни мазах қилди у. – Ҳечкиси йўқ, йўлини топамиз. Рўпарасидан чикиб, юрагини бир ёрсам, мумдек мулоийм бўлиб қолади. – У илжайди. – Мен кўпинча шундай қиласан: ҳар қанақаси бўлмасин бирон қоронғу, хилватрок жойда учратиб, пичокни шундок бўғзига тирасам бўлди – иш битади, вассалом! Ҳали бирон марта қаршиликка дуч келмадим.

– У қиз ҳеч нарсадан қўрқмайди, – бош чайқади Шавкат. – Болалигига ҳам, агар керак бўлиб қолса, худди ўғил болалардек муштлашарди. Бунинг устига... мени учратиб қолгандан сўнг... ёлғиз юрмас. Ҳа, шундан сўнг бир ўзини ҳеч кўрмадим: дам ўша қиз, дам Яшар, дам ўша... – Шавкат уф тортди. – Кампирнинг сўзларига кўра, отаси раис эмиш. Шундай бўлгач, уни қўйиб менга каармиди!

Шавкатни кутиб ўтиrmай, ўзиникини бир отишда бўшатган Замир балик консерва банкасига қўлини тикиб, бир бурдасини оғзига ташлади.

– Раиснинг ўғли дедингми? – ишшайди у. – Аллақаердаги бир қишлоқдан келиб, шаҳарнинг гўзал қизларидан бирига уйланмокчи бўлибдилар-да! Қани бу ерда ҳакикат? Қизга ҳам қойил эмасман – сенек жонон йигит фироқида бу кўйга тушиб ўтиrsa-ю, у кишим отасининг пулига бойваччалик килиб юрган бошқа бировини танлласа! Йўқ, биз бунга йўл қўя олмаймиз! Демак, ўша кампирникуга келиб туришадими? Бўпти, бир иложи топилар. Ол энди.

Шавкат ичмай, стаканини шиша, нон бўлаклари, таги кўриниб қолган консерва банкасидан бошқа ҳеч нарса йўқ ирkit дастурхонга қўйди.

– Шу ўйлаётганингдан бирон иш чикарса бўладими?

– Бу ёгини менга қўйиб беравер! Агар ўша қиз сен айтиётгандек ўжар бўлса, бошқа – янада нозик йўлини излаб топса бўлади. Дейлик, анови қишлоқининг суробини тұғрилаймиз.

– Нима?! – тирсагини болишдан узди Шавкат. – “Суробини”? Бу... нима деганинг?

— Кўркма, ўлдирмайман! — яна ишшайди Замир. — Шунча йил шаҳарда яшаб, ҳеч нарса ўрганмаган дўстларга яна бир марта хаётий тажрибалардан дарс беришга тўғри келадими, дейман. Ўзинг ўйлаб кўр — у эркатойинг меҳрибон онасиning қучоғидан тўппа-тўғри Самарқандек шаҳарга келиб, нимани қўрибди? Парталар, ётокхона, бебилиска пулига шайдо қизлар... Аммо бирон марта мен ёки ҳеч бўлмаганда сендек одамга дуч келдими? Тушунаяпсанми? Айтгандек, қанақа экан ўзи? Бир мушт урсанг, тил тортмай ўладиган аллакандай ипирискидир-да?

— Бакувват, — деди Шавкат Юсуфни кўз олдига келтирапкан.

— Барибир, — кўл силтади Замир, — ҳар қанча бакувват бўлмасин, қишлоқиларнинг биронтасида юрак бўлмайди. Айтдим-ку, бундай ишлар бўйича мутахассисман, деб! Нечтасининг бўғзига пичок тираб, чўнтағидаги бор пулини олиб қўйганман! Баъзи бир ўта кўрқоклари кетидаги иштонини ҳам ечиб беришга тайёр бўлиб, йиғлаб-ёлворади! Сен айтиётганинг ҳам ўшалардан бири. Бир юрагини ёрсам, нафақат кизи, ҳатто ўқишидан ҳам воз кечиб, ҳа-ю ҳайт деганча қишлоғига жўнаворади. Мана, мени айтди дерсан... Фақат, иш битгандан сўнг... инсоф билан миннатдорчилик билдиранг бўлди. Биласан-ку, мен оғайнилардан кўп нарса сўрамайман!

Шавкат турли хил майда-катта безорилик учун бир неча бор қамалиб чикқач, энди тирикчиликнинг мана шу йўлига ўтиб олган Замирнинг (у аксарият жиноий ишларига “буортма” бўйича кўл урар ва айтиш мумкинки, яхшигина даромад қиларди) йўғон гавдаси, кўркинчли башарасига бир зум тикилиб турди: гапларига ишонса бўлади, лекин у йигит ҳам кўрқоклардан бўлмаса-чи? Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, дейишмаганми!

Шавкат стаканини қўлига олди:

— Лекин ошириб юбормайсан! Қўлингдан келса шундай қилки, киз... мендан шубҳаланмасин! Акс ҳолда, барча ури нишларимиз бехуда кетади.

— Хали менга йўл-йўриқ кўрсатадиган бўлиб қолдингми? — сап-сарик тишларини очиб кулди Замир. — Балки, буни қандай амаллашимни узокроқдан туриб томоша қиларсан? Юрагинг бетласа, дейман-да?

— Ярамас! — деди түшакка чўзилиб олган Ойгул. — Барчамизнинг юзимизга оёқтираб, ташладинг, кетдинг-а?

— Бўлмағур гапларни қўйсанг-чи. Истаган пайтим қайтиб боришим мумкин: каравотим бўш, ётокхона рўйхатидан чикмаганман. Хола ва Саодат опанинг нима деганини эшигдинг — кандай йўқ дейин! Рост, у кишининг кўчиб кетиши аник бўлгач, бу атрофга энди қадам босмасам керак, деб ўйлагандим, — давом этди у Шавкатни учратиб қолганларини хаёлига келтириб. — Аммо кўриб турганингдек, хаммаси бошқача бўлиб чиқди.

— Ўзинг биласан, — керишди Ойгул ётган жойида, сўнг худди биринчи марта келгандек, аланглади. — Хонамиз бундан минг карра яхши, лекин бу ерга кўчиб келганинг менга ёқаяпти: шаҳарнинг қоқ маркази-я! Энди ҳар куни келаман, карши бўлмасанг, албатта.

— Ҳар куни овора бўлиб юрасанми, — деди Нодира китобларини токчага жойлар экан. — Ундан кўра... шу ерга кўчиб келақол! Нима килибди? Икки киши bemalol сиғади.

Ойгул илжайди:

— Икки киши... Юсуф ҳам келиб олса, уч киши бўламиш! Мен ўшанда кампирнинг ёнига чикиб ётаман! Ха-ха-ха!

— Жинни! — кизарди Нодира. — Унга нима бор! Ҳаммаларинг катори келиб-кетиб юраверади. — У қўлида китоб билан бир пас ўланиб тургач, ортига ўгирилди. — Рост, Ойгул, мен билан турсанг нима қипти?

— Ох-xo! Уйнинг хақиқий бекаси бўлиб олибсиз-ку, тоза! Бу ерни ҳам ётоқхона қилдиларинг деб, ҳаммамизни олдига солиб кувмасин холажонимиз! Кейин, у киши факат сен туришингни хоҳлади, шундай экан, нима киламан, ювилмаган кошик бўлиб? Ўзингга буюрсин.

— Сўраб кўрайинми?

— Керак эмас. Йўқ деса, сенга ҳам, унга ҳам нокулай бўлади. Яна бир гап — хонадошларим хафа бўлиб қолишлари мумкин. Ҳуллас, кенг уйнинг келини бўлиб, ўзинг яшайвер! — У бўйинни қийшайтириб, Нодирага кўз ташлади. — Айтганча, Юсуфнинг туғилган куни... янаги ҳафтада эдими? Қайси кун эди? Ҳа, ёдимга тушди, — жавобни эшишиб, хаёлида нималарни дидир ҳисоблай бошлади у. — Буниси жумага тўғри келаркан. Нима дединг, балки... шу ерда нишонлар? Тинчгина, комендант “шовқин солма, мусикани пастрок қўй” деб ҳар ярим

соатда безовта қилмайди. Ёки, – илжайди Ойгул яна нималарнидир ўйлаб, – бошқа режаларинг борми? Дейлик... факат ўзларинг?

– Сен ростдан ҳам жинни бўлиб қолибсан! – кулиб юборди Нодира. – Қачон шундай қилгандин? Кейин, Юсуф ака туғилган кунини ҳатто менсиз ўтказиши мумкин, аммо Яшариз сиз эмас!

Яшарнинг номи тилга олингач, ўртада сукунат пайдо бўлди.

– Ҳали ҳам... ўша қизнинг... уйига бориб турадими? – деди бир пайт Ойгул худди бирор эшитиб қоладигандек секингина.

– Ора-сирада, таклиф қилишса. Онаси ўзини анча олдириб қўйган, отасининг ҳам илгариги ғайрати йўқ, дейди. – Нодира уф тортди. – Осонми! Оқ ювиб, оқ тараган ёшгина қизи шундай бўлиб ўтиrsa.

– Энди нима қилмоқчи?

– Нима қилиши керак экан? – деди Нодира дугонасининг айнан нимани назарда тутаётганини билиб турса ҳам. У қизариб турган Ойгулни ортиқча хижолат қилмаслик учун ўрнидан турди. – Майли, кўп гапирмай овқатга уннайлик, ҳа демай холам келиб қолади. Мен ёғни қизитаман, сен картошка-пиёзни арч. Қаерда туришини биласан-а?

* * *

– Ошна, битта папирос чектирмайсанми?

Кампирнинг қистовига бўйсуниб, кечки овкатни бирга қилган Юсуф ўзи жуда яхши қўрадиган кўйни секингина хиргойи қилганча борар экан, рўпарасида пайдо бўлган кимсага қизиқиб каради, аммо қоронгу бўлгани учун юзини кўра олмади.

– Чекмайман.

– Шунақами? Унда носдан ол.

– Нос ҳам йўқ.

Нотаниш кимсани ёнлаб ўтиб кетиш учун кадам босар-босмай, кутилмаганда енгидан тутганларидан ҳайрон қолиб ўгирилган Юсуф ўткир бир нарсанинг қорнига тиralганини хис этди.

У Самарқанднинг айрим тор, қоронгу қўчаларида ёлғиз юрган одамларни безорилар тунашларини эшитган, баъзи талабаларнинг худди шундай аҳволга тушиб қолганларидан ҳабардор эди, аммо, шунча йилдан буён бу шаҳарда яшаб, ўзи

бирон марта дуч келмаганди ва энг ёмони – туғилган кунига атаб отаси юборган пулнинг тенг ярми ёнида эди!

Наҳотки, улардан ажралиб колса?! Ёки қўлидан силтаниб, кочиб колсами? Лекин шу яқин атрофда шериклари пойлаб турган бўлса-чи! Бир пасда етиб олмайдиларми (илгаридан сяги йўғон, сўнгги пайтларда анчагина вазн ортирган Юсуфнинг қорни ҳам сезиларли даражада чиқишга улгурганди)! Ёки... бақириб, одамларни ёрдамга чакирсинми?

Унинг миясига қон урди: йўқ, ҳеч качон!

Демак, унда иккита йўл бор: биринчиси ёнидаги борини йўлтўсарга бериш бўлса, иккинчиси – каршилик кўрсатиб, корнидан пичок ейиш!

Лекин униси ҳам, буниси ҳам бўлмади – йўлтўсар анча тажрибали экан шекилли, бутун танасини унинг танига қапиштириб, пичокни аста-секин бикинига ботирганча, вишиллади:

– Гап бундай оғайнин: Самарқандда иккаламиз учун жой йўқ! Майли, бугуннинг ўзида демайман, лекин бу шаҳарда эртага корангни ҳам кўрмаслигим керак? Тушундингми?

Мутлақо нотаниш одамдан бундай талабни кутмагани боис ҳангуманг бўлиб қолган Юсуфнинг товуши ўзи кутмаган ҳолда қалтираб чиқди:

– Мен... мен... нима қилдим сизга, ака?!

– Нима, ўзбекчага тушунмайсанми?! Балки немисча гапиришим керакдир?! – Пичок қанча ботириб тиралса, оғриқ ҳам шунчалик сезиларли бўлиб борар, Юсуфнинг назарида тўғ энди кўйлакни ҳам тешиб ўтганди. – Ёки эртага аза очсин-ларми сенга? Аслида, пачакилашиб ўтирамай, хозироқ мана бу қаппайган корнингга пичок тортиб юборсан-да ҳеч ким билмасди! Лекин умид қиласанки, мени тушундинг. Ҳа, нега ия-гинг қалтирайтди? Яна бир нима дейдиган бўлсанг, билиб қўй, аяб ўтирамайман! Бирорга айтиш ёки бирон жойда яшириниб ётишни ҳам ўйлама – осмонга чиқсанг оёғинг, ерга кирсанг кулоғингдан тортиб чиқарамиз! Уқдингми?

* * *

Ранги оқариб кетган Яшар ундан қўзларини узмасди: нималар деяпти?! Кимга керак бўлиб қолди бунчалик қўркитиб, эртага ёқ шахарни тарк этмокни талаб қилиш? Босқинчи деса... ҳеч нарсасини олмабди-ку! Буни кандай тушунса бўлади?

У кийимларини ечиб, биргина калта иштонда қолган

Юсуфнинг баданига кўз ташлади: киндикинг чап томонида пичок учидан қолган из қорамтири-кизғиши рангда яққол кўзга ташланиб турарди.

– Ранги-рўйи, ташки кўринишини эслаб қолмадингми?

– Ҳаммаёк зим-зимистон эди, – деди Юсуф яра ўрнини силаб, – лекин... қораҷадан келганлигига эътибор бердим. Кейин... оғзи сассиклигига. Билмадим, балки ароқ ичиб олгани учун шундайдир.

Яшарнинг эти жимирилаб кетди: қораҷадан келган, дедими? Наҳотки?! Наҳотки бу ўша... Шавкат?! Яна ким бўлиши мумкин – ахир, Нодира ва Ойгул уни яқиндагина кўрмаган эдиларми! Нима... Нодиранинг пайига тушганми? Ундан хали ҳам умидворми? Юсуфга килган муомаласи, қўйган шарти... шундан далолат бермайдими?

Энди у ўзини койий бошлади: қанча илтимос килганди-я, бирга борайлик деб! Лекин бир-бирига талпиниб турган икки қалб орасида нима қиласи! Камола билан учрашиб юрганида, ёки у билан сайру томошага чикқанида ёнида бирор бўлишини ўзи истармиди! Юсуф билан дўстлик, Нодира билан ака-сингиллардек муносабат ўз йўлига, аммо ҳар доим уларнинг ёнида бўлиш...

Йўк! Ҳеч қаёққа кетмайди! Керак бўлса, ўша иблисни топиб, танобини тортиб ҳам қўяди! Юсуфни қишлоқдан келган, юраксиз кўркок деб хисоблаётган бўлса (бу умуман ҳакиқатга тўғри келмайди!), мана, мен борман! Тўғри, ҳозиргача бирорни чертмади (балки бу ҳам нотўғри бўлгандир?), лекин ўзи, қолаверса, дўстини ҳимоя қилишга кучи етади! Айниқса, бу нарса Нодирага ҳам тааллукли бўлса!

Яшар зўрма-зўраки кулди:

– Эсдан чиқар! Унинг нимани истагани ҳозирча менга қоронғу бўлса-да, – у нигоҳини четга олди, – бир тукингга зарар келтира олмаслигига кафолат бераман. Бундан кейин нима қилишни биларсан? Билмайсанми? Ҳеч нарса бўлмагандек юравер. Ҳозир эса ётиб ухла. Ҳеч кимга оғиз очма, дедими? – У қўлини нописандлик билан силкиди. – Бу ёғи энди унинг муаммоси эмас! Лекин, шундай бўлса ҳам... Нодирага айтиб ўтирма! Ҳар ҳолда, киз бола, кўркиб кетиши мумкин.

Юсуф бошига чойшабни тортиб, кўзларини юмди: “Ўзи ҳам Нодирага айтмоқчи эмас, лекин ҳаммаси... айнан у билан боғлик бўлса-чи! Ахир, кела-келгунча факат шуни ўйлаб, шу гумонга бормадими? Ҳа-да, бир неча йигитлар ўртасида талаш

бўлган кизлар камми? Ҳатто мактабда – эндиғина мўйлаби сабза уриб, овозлари дўриллай бошлаган йигитчалар ўртасида! – кўзга яқин кизларни деб муштлашувлар бўлиб турмасмиди...

Ўша йигит Нодирани... Агар шундай бўлса, аввалроқ қаерда эди? Нега мен шу пайтгача ҳеч нарсани сезмадим? Нодира-чи? Билармикин уни? Лекин ху ўша, эндиғина танишган пайтларимизда, унинг ҳеч ким билан якин муносабатда бўлмагани ҳакида Яшар айтмаганмиди?

Шубҳа ва изтироблар исканжасида қолган Юсуф кўзларини қайта очди: “Лекин у Нодира ҳакида гапираётиб, нигоҳини олиб қочганини... ҳалигина пайқадим-ку! Балки... шунчаки... у ҳам мен каби айнан шу гумонга бориб, бошка сабабни кўрмаётгандир?”

Юсуф бўлиб ўтган ҳодисани яна бир марта кўз олдига келтириди: ҳа, яширмайди – ўша пайтда ростдан ҳам кўркиб кетди! Тили калимага келмай, ундан нега бундай қилишни талаб қилаётгандарини мушоҳада килишга фурсати бўлмай, ақли шоҳди ва аниқ ёдида – пичоқ тобора ботиб боравергач, “ҳамма нарсани” тушунганини изҳор килиб, кўркув ичидаги босини лиқиллатди...

Сал колди Юсуфнинг уятдан ўрнидан сакраб туриб кетишига: накадар шармандалил!

Ҳали ухламаган Яшар унинг бир неча марта инграганини эшитмай қолмасди. Бу товушлар жисмоний оғриқ натижаси эмаслигига ҳам ишончи комил эди. Нимадир килиш керакка ўхшайди. Балки – ҳар қандай баҳона билан! – Нодирани эртагаёқ ётоказнага қайтариш керакдир? Юсуфни ёлғиз кўйиб бўлмаслиги каби, Нодиранинг ҳам энди у ерда қолиши хавфли. У абллаҳ истаган пайтда унинг йўлини ҳам худди шундай килиб тўсиши, ҳатто уйга бостириб кириши мумкин. Мен, Юсуф бу ерда, шарти кетиб парти қолган кампирдан эса умид йўқ... Лекин қандай баҳона? Нодира изоҳ талаб килмайдими? Бу ердан кўчиб кетаётгандан, келиб туришга ваъда берган Саодат опа билан ўша ерда учрашиб туриш кулайлигини у айтмаган, биз эса буни бир овоздан қўллаб-куватламаган эдикми?

Яшар ўйлаб ўйига ета олмасди: агар ҳеч иложи қолмаса, айтишга тўғри келадими? Нафакат унга, балки Юсуфга ҳам! Нодира-ку майли, лекин у қандай қабул килади? Кўнглига губор ораламайдими?

О, ярамас Шавкат! Наҳотки ҳали ҳам зўрлик билан кизларнинг кўнглига йўл топса бўлади, деб ўйласанг! Агар

Нодиранинг хаётида ҳеч канака Юсуф бўлмаганида, агар бўлса-ю (буниси энди аник), уни бартараф қилганингда ҳам Нодира сенга каармиди! Наҳотки, у кимлигингни билмас! Қаердасан? Сени қайдан топса бўлади?

Шу тун уйкулари ҳаром бўлган ҳар иккиси эрталаб ўриндан турғанларида кўзлари атрофида қорамтирилган ҳалка пайдо бўлган, кўринишлари эса ниҳоятда абгор эди. Ювиниб-тараниб бўлганларида ҳам бир-бирларига қарай олмадилар. Номигагина қилинган нонуштадан сўнг Яшар кулимсираганча деди:

– Бугун дарсдан сўнг иккаламиз Нодиранинг ҳузурига бориб, имкони борича кечрок... йўқ, бутунлай қоронғу тушганда қайтамиз! Худди сен кеча юрган йўлдан.

– Раҳмат... ўзим, – қизарди уни бирдан тушунган Юсуф. – Мана буни ўзим билан оламан, – давом этди у стол устида турған пичокқа имо қилиб. – Қани, бу сафар ҳам яқинлашсин-чи! Мен унчалик нўнок шогирд эмасман, – кулди у, –ундан қандай фойдаланиш кераклигини кеча яхшигина ўзлаштириб олдим.

Яшар пичокни нарирокка суриб кўйди.

– У энди номардлик қилишдан ҳам қайтмаслиги мумкин, айниқса, сўзини икки қилганингни кўргач. Кўниkmаган бунга.

– Кўниkmаган? Бу нима деганинг?! – кўзларини пирпиратди Юсуф. – Шундай оҳангда гапирайсанки, гўё сен уни...

– Нафакат мен, – деди Яшар уни охиригача тинглаб ўтиrmай, – Нодира ҳам танийди, Ойгул ҳам кўрган.

Ўрнидан туриб кетган Юсуфнинг тагидаги омонат ўриндиқ тарақлаганча полга қулади.

* * *

– Малла-я? Ранги рўйини айтаман? Ҳа, бўйи ҳам баланд. Бу ўша. Демак, атайин иккаласи келибди-да? Киши билмас теварак-атрофга ҳам кўз югуртиришгандир? Ишқилиб, сени пайқашмадими? Аҳа! – кулди Шавкат. – Битта дўқ билан шаҳардан кувғин қиласман деган одамнинг ўзи панада пусиб турдими ҳали? Ишонаман! Агар ўша йигитни бир қишлоқи, кўрқоқ, эртагаёқ уни бу ерда кўрмайман деб ўйлаган бўлсанг, бу ўйингни энди бирон жойга яхшилаб беркитиб қўй – кейинрок керак бўлиб қолиши мумкин. Яшарнинг қаерда катта бўлгани эса ёдингдан чикмагандир? Тўғри, мен мактабни битираётганда мўмингина, китобдан бош кўтармайдиган бола эди, аммо кейинчалик қандай одам бўлиб етишганини ким билади? Бунинг биргина исботи – ҳеч бир тап тортмай, ўша йигит би-

лан бошлашиб юргани эмасми? Мана шунака гаплар, оғайні! – Шавкат бир зум үйланиб қолди. – Хуллас, эплөмадик. Уйдаги гап күчага тұғри келмайды, деб шуни айтадилар-да! Кани, ол. Бизга шундан бошқа әрмак қолмади үзи.

Үшанда Замирга қанчалик ишонганига қарамай күнгли чеккасидан барибир үтганди: “Унчалик осон эмасдир-ов! – үйлаганди күз олдига Яшар келиб. – Ҳа-да, бирга үқиб, бирга юрган дүстини хафа килдириб күярмиди!”

Мана, айтганидек бўлиб чиқди!

У ҳали ҳам Нодирани севаман, деб айта олмасди, аммо кампирдан Нодира билан юрган йигит Яшар эканлигини билгач қанчалар қувонгани, үзида имконият пайдо бўлганига ишонганидан сўнг “тузалмоқчи” бўлиб бир ойга якин лой тепгани-ю, гувала ташиганини эсласа, уятданми, ғазабданми, чаккалари тиришиб кетарди.

– Бу нима деганинг? – үкрайди Замир. – Таслим бўлмокчимисан? ӽша мишиқиларга-я! Ёки мени айбламоқчимисан?

– Сендан бошқаси ҳам эплай олмасди, – бош чайкади Шавкат. – Ахволни ӯзинг кўрибсан-ку.

– “Эплөмасди” эмиш! – ҳезланди нафсонияти оғриган Замир. – Истайсанми, иккаласини ҳам бирваракайига гумдон киласман? Бу сафар маъруза-паъруза үкиб ўтирамай, шартта...

– Ҳовлиқма, – уни тўхтатди Шавкат. – Барибир Нодира мендан кўради. Учратиб қолмаганимда бошқа гап эди – ҳеч нимани билмаган, эшишмагандек, узоқ йиллардан сўнг энди кўргандек тутардим ӯзимни ва...

Замир тиржайди:

– Эркакмисан ӯзи?! Ҳей, билиб кўй – замона зўрники! Аёллар ҳам айнан шунака эркакларни хуш кўришади! Билмадим, эшишганмисан-йўкми, урғочи бўри ӯзига хуштор нар бўриларнинг уни деб бир-бирларини ғажишларини аввал томоша килар, сўнг, барча ракибларини енгиб, жанг майдонидан кочирганини танлар экан!

Шавкатга бўрилар ҳақидаги хикоя заррача таъсир қилмади, лекин эркак эканлигига Замирнинг шубҳа билдираётгани...

– Истаган номаъқулчилигингни қилмайсанми! – деди у ўрнидан даст туриб. – Лекин мен қамоқнинг барча азобларини кўрганман! Мабодо кўлга тушиб қолсанг-у номимни атайдиган бўлсанг, билиб кўй... ӯзинг аёлсан!

– Үшанда мижғовлик килмаганингда, у жонон аллакачон

кўйнингда бўларди. Ёки мени мукофотлашдан қочаяпсанми? Хей! Каёкка? – чикиб кетаётган Шавкатнинг ортидан кичкирди Замир. – Балки олдин бўнагини ташлаб кетарсан! – Шавкатнинг тўхтамаганини кўрган Замир тўнғиллади. – “Сендан бошқаси ҳам эплолмасди” эмиш! Кўрамиз!

Кирқ биринчи боб

Ойгулнинг шунчаки билдириган таклифи инобатга ўтиб, Юсуфнинг туғилган кунини ростдан ҳам шу ерда нишонламоқчи бўлишганди. Куратори олдида яхшигина обрўга эга бўлган Нодира бир кунга дарслардан рухсат олди ва ҳаммаёқ топ-тоза бўлишига қарамай, яна бир марта бутун ҳовлини қатронлаб чиқди, идиш-товоқларни бошқатдан ювиб, сочик билан артди. Яна нима қилсам экан деб ўйлаб турганида, эрталаб тўрва-халтаси билан чикиб кетган кампир шошилганча қайтиб келди ва кутилмагандан, факат олтигача рухсат бера олишини айтди: ўгли дабдурустдан келиб – аввал бир стакан пистани чўнтағига ағдаргач – болаларининг ўртанчаси касал бўлиб колгани, эрта-индин кўзи ёриши кутилаётган хотини эса унга қарашга қийналаетгани, шунинг учун уни олиб кетгани кечқурун келишини айтиби.

– Ана шунака! Тинч ўтирган кунлари хеч эсга тушмайдиган она энди керак бўпти! Хотинчаси илтимос қилган эмиш! Илтимос! – масхара қилди у келинини. – Тўғрисини айтавермабди-да, бир-икки кун чўрилик қилиб кетсин, деб! Шунака нокобил фарзандлардан ўзинг асра, худойим. – У Нодирага юзланди. – Сен хафа бўлма, қизим. У келмаганида қанча ўтисаларингиз ҳам бир нима демасдим, лекин бу ерда бир уй бўлиб ўтирганларингни кўрса... ғаши келиши мумкин. Худо билсин, кора кунглига яна нималар келади! Сен ҳали билмайсан, айтмагандим – ёнимда ҳамроҳим бўлсин, бир ўзим ёлғиз ётмайин деб Соадат опангни қўйганимда, не гапларни қилмовди у нобакор! – Кампир надомат билан бош чайқади. – Эсизгина, худди атай қилгандек бўлди-я.

Нодира янгиликни бамайлихотир қабул қилди:

– Хижолат бўлманг хола, айтганингиздек бўлади – соат бирда йиғилиб, беш бўлганда кетишади. Ўзи кўпчилик эмас: Яшар, Юсуф ака, Ойгул, менга хонадош яна иккита киз. Юсуф ака бошқаларни ҳам таклиф қилмоқчи эди-ю, лекин шароит-

ни ўзи кўриб турибди – қаерга сифишиади? Қолган дўсту танишлари билан ётоқхонада давом эттиар. Шундай дегандек бўлувди. Балки сиз ҳам...

– Ёшларнинг олдида нима киламан! – кўл силтади уни тушунган кампир. – Ўзларинг ўтираверинглар, мени тирикчилигимдан қўймасин. Ҳа, айтганча, канака овқат қиласан?

– Ош. Бозорликни келаётганда қилмоқчи бўлишганди.

– Менга ҳам бир капкиргина олиб кўй. Ўша кўрнамакларниги оч қорин билан бормай. Оғироёклигини баҳона килган келин олдимга бир кося ёвғон ҳам қўймас. – Кампир жилмайди. – Арзимас совғамиň үзинг бериб қўярсан Юсуфжонга. Қаерда турганини биласан-а? Насиб бўлса, тўйларингга каттарофини қиласман! – Нодира хижолатомуз жилмайиб, нигоҳини ерга тикди, кампир эса ёдига тўсатдан бир нима тушиб қолгандек, бошини илкис кўтарди. – Вой ўрай! Миям курсин! Эсимга келмаганини кара – ахир, мен бугун ўғлимникига кетсам, бир үзинг қоласан-ку? – Нодира ҳам шуни ўйламаган эканми, унга хавотирланиб қараб қолди. – А? Нима қиласан? Ёки сен ҳам улар билан кетаверасанми? То кайтиб келгунимча? – Кампир бир оз ўйлаб олди. – Шундай кила қол. Бу вайронага кимнинг кўзи учиб турибди! Дарвозани кулфлаб, кетавераман. Икки-уч кундан сўнг хабар ол, хўпми? Ким билади, балки унгача ҳам келарман – ўшаларникида ҳеч тургим йўқ.

Кампир яна алланималарнидир йўл-йўлакай ҳам ғўлдираб, ахийри қайтиб кетди, кутилаётганлар ундан сўнг сал ўтмай бир тўда бўлиб кириб келишганда, Нодира кўча томон кўз ташлади:

– Яшар қани? Келаяптими?

– Унинг фаоллардан эканлигини биласиз-ку! – деди ясаниб олган Нодирага ҳавас билан қараб турган Юсуф. – Энди йўлга отланиб тургандик, соат учда аллақандай шошилинч мажлис бўлиши хақида хабар бўлиб қолди. Агар кўпга чўзилмаса, етиб келишга ҳаракат қиласман!

– Чарчайдиган нима иш қилибман! Мажлис учда бошланаркан, дедингизми? Демак, умид қилмаса ҳам бўлаверади – унақа мажлисларнинг қанчага чўзилишини кўрмай юрибмизми! Биз эса бешда тарқалишимиз керак. Айтганча, – ғалати жилмайди у, – мен ҳам сизлар билан кетаман! Шунака бўлиб қолди!

Келганлар ҳеч нарсага тушунмай, унга савол назари қараб колишди.

* * *

Кеч куз, дарахтлар аллакачон баргларини тўкиб бўлган, ёзниг бунақа соатларида ҳаммаёк ёп-ёруғ бўлса, энди оқшом качон тушганини ҳам билмай қоласан.

Бугунги оқшом бир нимаси билан ҳу ўша – Чарли Чаплин катнашган фильмни кўриб кайтаётгандаридаги пайтни (лекин ўшанда ҳаво илиққина ва очик эди) эслатарди: олдинда учта киз ўзаро нималарнидир шивирлашганча боришар, ортда эса – Юсуф ва Нодира. Муздеккина, эндигина бошланган ёмғир шивалаб туарар, шунинг учун бўлса керак, намланиб қолган асфальт узра чирокларини ёққанича ҳар-ҳар замонда ўтаётган автомашиналар пиёдаларга нисбатан кўпроқ эди.

Анчадан буён уларнинг ортидан эргашиб келаётган “соя”нинг тоқати тоқ бўлди шекилли, хилватрок жойга етгандарida ахийри овоз берди:

– Ҳо йигит! Бир дақиқага мумкинми сизни? – Ҳаммалари баб-баравар тўхтаб, овоз келган томонга караб қолишиди, Нодира беихтиёр Юсуфнинг кўлтиғидан тутди. – Нега караб колдингиз? Сизга айтаяпман! Ораларингизда бошка йигит йўқ, шекилли?

Юсуф овоз эгасини дарров таниди – ўша!

Энди унга қапишиб олган Нодира жон ҳолатда шивирлади:

– Борманг, Юсуф aka! Безорига ўхшайди! Юринг, кетдик!

Коронғу жойда туриб, ҳаммасини кўриб турган соя эгаси кулди.

– Кўркманг! Сиздан папиросми... носми сўрамоқчиман. Үзим борардим-у, лекин ногиронман, юролмайман! Ишонти-ролдимми?

Даг-дағ титраётган қизларнинг бири олиб, бири кўйиб Юсуфни олдинга тортиларди.

– Ахир, чекмайсиз-ку! Нос ҳам, папирос ҳам йўқ деб айтинг! У ҳеч канака ногирон эмас! Ана, оёқда тик турибди! Юра колсангиз-чи!

Юсуф эса коронғуликдан кўз узмасди: “Қачонгача давом этади бу? Адабини бериш вақти келмадимикин? Қачонгача Яшарни ўзига энага килиб олиб юради? Мана, бугун ёнида эмас. Эртага, индин, ундан кейин ҳам бу такрорланиши мумкин! Сурбетлик шунчаки, ҳамроҳлари, демакки гувоҳларнинг борлиги ҳам уни тўхтата олмаяпти. Ким билади, агар хозир ёнига бормаса, қизларнинг олдида ер билан битта килар?”

Айтганидек бўлди ҳам.

— Юракдан ҳам берган экан-ку, жонон йигит! — овоз келди қоронғуликдан. — Шу ҳолингизда бир йўла тўртта қизни қандай етаклаб юрибсиз? Ёки улар... қўриқчиларингизми?

Қалтираб кетган Юсуф қўлини қизнинг қўлидан сирғаб чиқарди.

— Мен тезда қайтаман, — деди унга қарамай. Лекин коронғулик томон қадам босишдан олдин Нодиранинг ўзига эргашаётганини сезиб, ўгирилди. — Илтимос, халақит берманг. Бу ерда мардлик ёки қўрқоклик эмас, йигитлик ори, ғурури ўртада турибди.

* * *

Шундан сўнг нима рўй берганини ўзича тахмин қилаётган Давлановнинг юраги дук-дук урар, охиригача ўйлашга журъати етмасди.

— Мен ўшанда у билан бирга бўлмаганим учун ҳануз-ҳамон ўзимни кечира олмайман, — уф тортди Яшар, — Аммо бўлар иш бўлган эди.

Мажлис жуда кеч тугагани учун бориш энди бефойда эканлигини билганимдан (шу пайтгача кампирникида ўтиришларига ишонмасдим) тўппа-тўғри ётоққа келиб, эндиғина чой ичиб бўлгандим. Қий-чув қилганча ётоқхонага қайтган қизлардан нима бўлганини эшитганимда қай ахволга тушганимни билсангиз эди! Бир оздан сўнг иккимиз ёлғиз колгач, хеч ўйлаб ўтирмай (энди яширишга не ҳожат!) тахминимни баён қилгандим, дағ-дағ титраётган Нодира чакирган одамнинг овози умуман Шавкатникига ўхшамаслиги, акс ҳолда дарҳол таниган бўлиши мумкинлигини айтди. Иккиланиб қолдим, лекин бир оз мулоҳаза қилиб қўргач, бу ишни Шавкатнинг ўзи бўлмаса, унинг топшириғига биноан бошка бирон шахс қилгани ҳақида тахмин билдиридим. Бошқача ўйлай олмасдим.

Касалхонага кеч келтирилган (кейин билсам, ўзларини йўқотиб қўйган қизлар керакли жойга имкони борича тезрок хабар бериш ўрнига, унинг тепасида анча вақт йиғи-сиғи қилиб ўтиришибди), қўшимчасига, кўп кон йўқотган Юсуфнинг тирик қолишига умид йўқдек эди. Эртаси куни жиноят қидирав бўлими барча қизлар, жумладан, Нодирани ҳам сўрқ қилди, бирок, бўлим ходими улар берган кўрсатмалардан унчалик коникмабди.

Ҳожати бўлмаган шекилли, менга ҳозирча тегишмаётган эди. Ўзим эса Нодиранинг номига доғ тушиши мумкинлигини

ўйлаб, канчалик истамайин – жонажон дўстим, доимо менга ҳамнафас бўлган, энг оғир кунларимда ҳар томонлама қўллаб-кувватлаб юрган Юсуф ўлим тўшагидалигига қарамай! – Шавкат хақидаги тахмин билан уларга мурожаат қила олмадим. Бунинг устига, ишончим комил эдики, у шери мард ҳам бу ишимни факат олкишлаган бўларди.

Шусиз ҳам ётоқхона, университетда шивир-шивир авж олган, ҳамма нима учун бундай бўлгани билан қизикар, иккисининг муносабатларидан озми-кўпми хабардор кимсалар томонидан Нодирага нисбатан кинғир карашлар бошланганди. У эса хонасидан ҳеч ёққа чиқмай, дарсга боришни ҳам йиғишириб қўйди. Шу пайтгача ҳеч ким уни тўғридан-тўғри айбламаган бўлса-да, ҳамма нарсани ўзига олар ва худди мен каби бу ишда Шавкатнинг қўли борлигига шубҳа килмасди.

Аммо қани исбот? Ушандан сўнг Шавкат унга бошка учрамаган, тирғалмаган бўлса? Мактаб давридаги баъзи бир ҳолатларни дастак қилайликми? Ким бунга ишонади! Мактаб ёшида кимнинг бошидан ўтмаган бу каби – камдан-кам одам жиддий кабул қилувчи! – “ишқий можаролар”?

Ҳамон аҳволи оғир Юсуфнинг ёнига ҳеч ким қўйилмас, уч-тўрт марта борганимга қарамай, менга ҳам рухсат берилмаганди.

Операция килган шифокорлар кон ва ошқозонда вино изларини аниклаб (Юсуф турли байрам ва талабалар ташкил килувчи базмларда “олиб” турарди, лекин маст бўлганини ҳеч кўрмаганман), бу ҳақда терговчиларга хабар қилишганда, шарманда-ю шармисор бўлган қизларни сўрок қилиш яна бошланди: “Билмадим, нега бундай қилгансиз – дастлабки тергов пайтида фалокат кинодан қайтаётганимизда рўй берганди, дея қўрсатма бергандингиз. Энди эса ўша куни жабранувчининг туғилган кунини нишонлаганингиз бизга маълум бўлди. Ёлғон маълумотлар билан терговни чалғитиш яхши эмас, қизлар. Давраларингда яна ким бор эди? Майли, ишондик ҳам дейлик, лекин унда ким билан ичди? Бир ўзими? Наҳотки сизлар бир култум ҳам... Қизик... Алдамаяпсизларми? Яширманглар, барабири очилади! Демак, даврада яна бир одам бўлган! Иккиси уришиб, ҳаммаси шундан бошланган? Тўғрими? Қайси ресторанда ўтиргандиларинг ўзи? Қанака... кампир?! Қаерда туради? Нега уницида ўтиргандиларинг? Э, бу синглимиз... ётоқхонада турмайдими ҳали? Аввалги сўрокда шундай деб айтганди, шекилли. Қани, ҳаммасини яна бир бошидан айтиб берингларчи...”

Ўзининг кўнглидан ўтганидек ўғлиницида бир кунгина туриб уйига қайтган кампирни сўрок кила бошлаганларида, ҳеч нимадан хабарсизлиги туфайли аввал ўзини ҳимоя қилишга ўтиби: “Ҳа, меницида туради, лекин бир тийин ҳам олмайман! Шунга келишганмиз! Ишонмасанг, ана ўзидан сўра! Жуда яхши, одобли қиз... А?! Вой, ўрай! Нималар деяпсан?! Қанақа йигитлар?! Унинг ёнига факат биттаси келиб туради, исми... Юсуф! Ўкишни битиргандаридан сўнг тўйи бўлади. Ҳа, айтгандек... яна биттаси бор...”

У шошиб қолган терговчиларга менинг Нодирага ким бўлишим (кампир бизнинг ака-сингил эканлигимизга шубҳа килмасди), Юсуф билан қалин дўстлигим, битта жойда ўкиб, битта жойда туришимизни аранг тушунтириби. Кейин...

Кейин (икки кундан сўнг учрашганимизда ўзи айтиб берди) сал қолиби эси оғиб қолишига ва Шавкатнинг кўринишини, ўзини қандай тутиб, биз ҳакимизда суриштирганини терговчига каторлаштириб ташлабди. Исми?! Йўқ, исмини билмайди, лекин етимхонада тарбияланган экан.

Кампирнинг сўзларидан сўнг терговчилардаги Нодирага нисбатан ёмон тарафга шакллана бошлаган муносабат ўзгарди, сўрок бериш навбати менга келганда эса яна ўша сабаб – Шавкат ва Нодиранинг номи бир жойда қайд этилишини истамаганим учун “кампир таърифлаётган йигитни билмайман-кўрмаганман-эшитмаганман” – деб жавоб қайтардим. Бирок ўзимизга маълум нарсаларни қанча яширмайлик (Нодира ва Ойгул ҳам менинг кистовимга кўра унинг номини тилга олишмасди) аввал биз, сўнг терговчиларда унинг атрофида пайдо бўлган шубҳа ҳалқаси ҳар дақиқада торайиб борар (ҳарбий хизмат даврида қамоқ жазосини ўтагани боис унинг номи милициянинг маҳсус рўйхатида туриши аниқ эди, ҳар қандай жиноий ишни текширишдан аввал эса уларнинг шу рўйхатга “мурожаат” қилишини ким билмайди!), бир-икки кун ичida ўзи ёки шу ишни қилган шахснинг қўлга олинмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ эди.

Қўшимча маълумотлар керак бўлса яна чакиришларини айтиб, менга жавоб беришди. Виждоним кийналиб, алам ўртаб, йифламоқдан нари-бери бўлиб, милиция бўлимидан чиққанимдан сўнг ўзимга ўзим ваъда бердимки: “Ҳозир индамаётганим, унга хиёнат қилаётганим – лекин бу хиёнат у севган қизнинг шаъни олдида нима деган гап! – ҳеч нарсани англатмайди! Агар Юсуфга бирон нима бўлса (“ўлим” сўзини

хаёлга келтириш ҳам мен учун күркінчли эди), у аблакни соғ қўймайман! Аллакандай қамоқ муддати билан жазолашлари мени асло қониктирмайди! Нега кимdir ҳеч нарсадан кўркмай, билган номаъкулчилигини қилаверади-ю, бошқалар кўйдек мўлтираб ўтиравериши керак?! Нега энди жазо олиш ёки яккама-якка олишувда мағлуб бўлиб, жондан айрилишдан кўркишим керак? Йўқотадиган нимам бор? Доғимда куйиб қолувчиларим ким?”

Айни шу пайтда факат Юсуфнинг тирик қолиши ҳакида қайғуриб, Нодиранинг кейинги такдири нима бўлишини ўйламаётганим лоп этиб ёдимга тушди: агар Юсуф соғ қолганида ҳам, ота-онасининг (Норбой уларни олиб келиш учун шошилинч жўнаб кетган, аммо ҳалигача дараклари йўқ эди) унга нисбатан муносабати энди қандай бўлади?

Етоқхонага борганимда Юсуф нихоят ўзига келиб, мени хузурига чорлаётганини айтишганда, кувончдан юрагим ёрилгудек кўчага отилиб, умримда илк марта таксига (улар санокли бўлиб, шаҳарда эндигина пайдо бўлаётганди) ўтирдим.

Ҳамшира икки дакикагина рухсат берди.

– Кечир мени, – дедим унинг кўрпа устида беҳол ётган қўлидан тутиб, кўзимдаги ёш тинмай. – Ҳаммасига мен айборман. Сени асрой олмадим. Бу... менинг бурчим эди!

Юсуфнинг қурушқоқ лабларида табассум пайдо бўлди:

– Сен балки асрой олмагандирсан... лекин шифокорлар ҳаракат қилганга ўхшайди. Ёшингни арт, сенга ярашмаскан. Меникилар ҳали келишмадими? А, Норбой кетганми? – у тин олиб, кўзларини юмди. – Қизлар қалай? Айт, хавотир олишмасин... тез кунда оёққа туриб кетаркан, де.

– Нега бундай қилдинг? – дедим унинг бир пайт ҳеч нарса бўлмагандек жилмаяётганидан жигибийрон бўлиб. – Унақа номардлар билан ҳазиллашиб бўлмаслигини айтгандим-ку!

– Мен ҳам ҳазиллашиб ўтирмадим: яқинлашдим-у, бирдан баشاрасига калла қўйдим! Лекин эпчил экан – қўлидаги пичогини сермашга улгурди, кейин... қочди.

– Барибирам ёнига бормаслигинг керак эди!

– Шунга мажбур қилди-да. Қизлар унинг... нималар деганини айтишмадими? – бошини хиёл кўтарди у.

– Хафа бўлмагин-у, улар ҳам худди мендек фикрда – кўрсатган “каҳрамонлигингни” аҳмокликдан бошқа нарса эмас, деб хисоблашмоқда!

– Шунака де! – энди ёйилиб илжайди у. – Ушлашмагандир ҳали?

— Нодиранинг сўзларига қараганда у... Шавкат эмасдек, шунинг учун... хали иккиланаётганимиз учун... индамай турибмиз. — Унга гуноҳкорона кўз ташладим. — Ёки фарки йўқ эдими? Айтиш керакмиди?

Кутилганидек, Юсуф бош чайқади:

— Ортиқча гап-сўзлар бошланади, айниқса... майли, кераги йўқ, нима демоқчи бўлаётганимни тушуниб турибсан. Ишондиларми-йўқми, лекин терговчиларга... мени тунамокчи бўлишганини айтдим. Маънодор жилмайиб олишганларидан сўнг аллакандай коғозларни тўлдириб, қўл қўйдириб олишиди — нима ёзилганини ўқимадим ҳам. — У бир зум нафас ростлаб турди. — Ким бўлмасин, тузалганимдан сўнг уни ўзим жазолайман. Шавкатими-бошқасими — Нодирани унга бериб қўядиган ахмок йўқ! Ҳа, айтганча, унга етказ, бир келиб кетсин... гап бор.

Эртага яна келишимни айтиб, хайрлашдик.

* * *

Дарсдан қайтгач Нодиранинг хонасига кириб, наинки у, колган қизларнинг ҳам йифидан кўзлари қизариб кетганини кўрдим. Нодиранинг ёнокларида... гўёким тирналгандек излар бордек эди.

Ҳа, мен билан учрашгач у Юсуфни кўргани борибди, лекин палатада отаси, кимнидир карғаб йиғлаётган онаси, яна бир неча кариндош-уруглари ўтиришган экан. Ҳамшира кириб, беморни кўргани аллақандай қиз келганини айтганида, шифокор ва ҳамширалардан ҳақиқатга жуда якин тафсилотларни олган (уларда кампирнинг терговчиларга Шавкат борасида берган кўрсатмасига катта урғу қўйилганди) аёл ўрнидан иргиб туриб, атрофидагиларнинг ҳай-ҳайлалашларига қарамай, коридорга чиқибок эшик тагида турган Нодирага чанг солибди, оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақоратлаб, етимхонада ўсганини юзига солибди, алам устида бўлса керак... мен ҳакимда ҳам аччик-тизиқ сўзлар айтибди.

Юсуфнинг уйида бир неча марта меҳмон бўлганим боис жуда яхши билганимдан, уни оғзи шалок аёллар сафига ҳеч қўшмаган бўлардим. Кўрсатган хунарига келсак, Нодирани ўзининг келини деб ҳисоблай бошлаган (мени эса ўғлим деб чакиради) бу аёлнинг фожиадан сўнг ақлини йўқотиб, тилига эрк берганини тушуниш қийин эмасди.

Улар, кутилганидек, уйларига қайтмай, шаҳардаги қайси

бир меҳмонхонадан жой олишди. У ерга факат тунда – ухлагани боришар, бошқа пайт эса Юсуфнинг ёнидан жилишмасди. Билмадим яна, лекин назаримда... мен, айниқса Нодира ни Юсуф билан бошқа учраштирумаслик, бунга йўл кўймаслик учун шундай қилишмокда эди. Бу тахминни ҳар куни Юсуфни кўриб турган Норбой ва Фозил ҳам кисман тасдиклашди: шифокорлар хавфнинг оғир даври ўтгани, ҳар куни касалхонада бўлиш шарт эмаслигини, bemor тузалишини минг марта айтмасинлар, ҳеч қандай наф келтирмабди.

Юсуф қулай пайт топган шекилли, кунда-шунда бўлиб колган Норбайдан мени ўзи билан олиб келишини сўрабди. Тунда! Ёнида ҳеч ким қолмаганда! Таксига пул ҳам берибди! Лекин бормадим – ота-онаси бир кун келиб хабар топишгач, ташрифимни Нодира билан боғламасликларига ҳеч қанақа кафолат йўқ эди.

Ўртамизда дўстлик ришталари сакланиб қоладими-йўкми, хали билмасдим, аммо у ва Нодиранинг муносабатлари барҳам топгани кундек аён эди. Юсуф бутун уй ичига сўзини ўтказиб келган ҳар канча эркатой бўлмасин, энди унинг Нодирага уйланиши ҳақидаги гап-сўзга ўрин қолмаганди, колаверса, унинг онасидан бунча ҳақоратни эшитган Нодира...

Балки ишонмассиз, у ҳатто ўқишини ташлаб, ётоқхонадан ҳам кетмоқчи бўлди, бош олиб кетар жойи бўлганида, шундай киларди ҳам. Бирок кампирникига қайтиб боришига юзи чидамади, Саодат опа онасининг уйида қай шароитда яшаётганлиги эса ҳар иккимиз учун-да номаълум эди.

Дарсга катнамай қўйгач, бир хафта ўтиб куратори келди. Ўрта ўшлардаги тили аччиккина бу аёл Нодирани аяб ўтирумабди: “Ким шундай қиласи? Қайси ахмок кўлига диплом тегишига ярим йилдан оз вакт қолганда, ҳаммасига кўл силтаб кетади! Қайси айбинг учун уяляяпсан, қочаяпсан? Үғирлик, гарлик қилдингми? Шундай бўлганида, ўзимиз ковушингни тўғрилаб кўярдик (Талабаларимиз орасида шундайлар бўлган, лекин сенинг қандай эканлигингни билмас эканмизми!). Эшитдик – у йигит сени айбламокчи эмас, демак, воз ҳам кечмайди. Хуллас, мени факультетимиз декани юборди. Биласан-а, унинг обрусили? Агар шундай одамнинг гапини икки килиб, билганингдан қолмасанг, кимлигингни ўзим юзингга айтаман!”

Ташкаридан қараганда қўполдек туюлувчи бу сўзларда оналарга хос койиш, Нодирадек киз сезмай қолмас меҳрибонлик, ачиниш, керак бўлса, бундан сўнг ҳам ёрдамни

аямасликка ишора бор эди. Шу аёл бўлмаганида (албатта, бу ерда деканни ҳам ёддан чикармаслик керак), рўй берган воқеа масаласи турли хил мажлисларда, шу жумладан, комсомоллар орасида кўриб чиқилган бўлармиди! Бу мажлисларда бунинг-дек масалаларнинг кўрилиши не эканлигини уларда кўп марта катнашган мендек одамга айниқса аён эди!

Юсуф бир сафар – ҳамхона кизлар орқали – Нодирага хат етказганини эшитдим. Лекин Фозил келтирган бу хат ҳам бир пайтлар Шавкатнинг Барно орқали берилган “ишқий мактуби” қисматига дучор бўлибди. Мен турли мулоҳаза-ю хаёлларга бориб, ўқиб кўрмай бекор қилганилиги ҳақида гап бошлагандим, у хонасига ҳам таклиф қилмай – холбуки эшик ёнида тургандик – кириб кетди.

Орадан ўн кунлар ўтиб, энди Норбойнинг ўзи бошқа янгиликни мен билан ўртоклашди: ота-онаси эндиғина қадам боса бошлаган Юсуфни шошилинч равишда касалхонадан чикариб, ҳали эрта деб эътиroz билдирган шифокорларга гўёки Тошкентда танишлари борлиги, телефон орқали гаплашганлари, даволашнинг қолганини ўша ерда давом эттиришларини маълум килишибди. Норбой унчалик анигини билмас экан-у, лекин қулогига чала-ярим етган сўзларга қараганда, бўлиб ўтган воқеа бўйича тергов-суриштирув ишларини олиб бораётган милиция бўлимига бориб, ҳеч кимга даъволари йўқлиги ҳақида ариза қолдишибди, мабодо жиноятчи қўлга тушса ҳам уларни бошқа безовта қилмасликларини сўрашибди.

Ҳа, буларнинг барчаси Нодира ва менга қарши қаратилган бўлиб, бизни Юсуф билан бошқа учраштирмаслик учун килинаётган эди. Хайриятким, дунё кўзимизга коронгу бўлиб турган шу кунларда Саодат опа бизни йўқлаб келди. Ростдан ҳам туқкан онамизни кўргандек бўлдик. Ҳўнграётган Нодира уни беш дакиқача бағридан бўшатмади.

Саодат опа чиройли кийиниб, ясан-тусан қилиб олганди, озгина тўлишибди ҳам. Юсуф воқеасини эшитгандан сўнг, унинг кай ахволга тушганини айтиб ўтириш ортиқча. Бир соатлар давом этган дийдиёлардан сўнг ўзи ҳақида гапириб берди. Онаси ҳамон тўшакда экан, ҳаётида эса – уялиб-қизариб ўзи берган таъриф бўйича – “фалати” ўзгариш рўй берибди. Кўчиб боргандан сўнг бир оз вакт ўтгач, уч нафар ёш боласи билан бева қолган узок бир қариндоши унга оғиз солибди. Дехкон экан. Саодат опа бирдан рози бўлмай, эрининг тирик бўлиши мумкинлигига умид билдирибди, онаси жуда туриб олгач эса... биз ҳақимизда гапирибди.

Аввалига бизни ёш болалар деб ўйлашганми, кўпам хукм сурмаган жимликдан сўнг ким эканлигимизни, эрта-индин ўкишни битиришимизни сўраб билишгач, ҳаммалари бир овоздан буни бемаънилик дея қабул қилишибди: “Қайси ахмок ёши йигирмадан ошиб колган йигит ва қизни бола қилиб олади! Салкам ўзинг тенгги-я! Сенга болалар керакми? Ўша меҳрингни мана шу учта етимчага бер! Ота деганлари эрта-ю кеч далада!”

Бўлғуси куёвни роса мақтаб, кари эмаслиги, ундан уч-тўрт ёш катталиги, ҳали тоғни урса талқон килишини, худо бераман деса... ўзи ҳам фарзандли бўлиши мумкинлигини айтишибди.

Саодат опа ерга тикилганча, ҳеч бўлмаса бир оз ўйлаб олишга имкон бермай, беш-олтида одамни чакириб никоҳ ўкишгани, сўнг, ими-жимида ўша деҳқонникига... келтириб ташлаганларини айтди. Эри ёмон одам эмас эмиш, бири-биридан кичик болалар эса уни аллакачон она деб атай бошлабдилар.

Сухбатимиз ҳеч тугамасди: Нодирани ҳамон кампирникида деб ўйлаган Саодат опа аввал ўша ёкка борган экан. Кўшнилар чикиб, уни ўғли олиб кетгани, ҳовли эса сотувга кўйилганини айтишибди, ҳамма нарсадан хабардор эканлар, шекилли, ўзаро кўз уриштириб олишгач, она-бola ўртасида бўлиб ўтган аллақандай “катта жанжалга” шама килишибди.

“Ўшандаёқ нимадир рўй берганини кўнглим сезган бўлсада, бу даражадалигини кутмагандим” – деди кайтадан кўзига ёш олган Саодат опа. Нодиранинг кўнглини кўтариш учун Юсуф ҳақида илиқ сўзлар айтди, вақтлар ўтиб, муносабатлари кайта тикланишига умид боғлади. Нодиранинг бир кеча бўлсада шу ерда ётиб колиши ҳақидаги ўтинишларини ердан кўзини узмаганча рад этиб... ташкарида эри кутиб турганини айтди, қачон йўқлаб боришимизни қайта-қайта сўраб, янги манзилини қолдириди.

Гарчи қуюқ ваъдалар ила хайрлашган бўлсак-да, на у бизни бошка йўқлаб келди, на биз бора олдик. Унинг учта бола ва рўзгордан ортиб Самаркандга келиб-кетиши осон эмаслигини тушунардик, ўзимизда эса фурсат, қолаверса, меҳмонга борадиган кайфият йўқ эдий. Нодира уч-тўрт марта хат ёзib, келган жавобларни менга ўқиб бериб турди, холос.

Ота-онаси номидан деканатга ёзилган ариза бўйича бир йиллик академик таътил олган Юсуфни ҳам ўкиш битгунча кўрмадик. Фозилнинг сўзларига кўра, бутунлай ўкишни

йиғишириб, хужжатларини қайтариб олишга күндиrmокчи хам бўлишган, лекин Юсуф унамабди.

Шу воқеалар гирдобида яшар эканмиз – сиртдан билдиришмаса-да – Норбой ва Фозилнинг ҳам биздан ўзларини олиб қочадиган одат чиқарганини пайқадик. Лекин бунга эътибор бериб ўтирадиган ахволда эмасдик, қолаверса, не сабабдан бундай килаётгандари биз учун сир эдими?

Айни ўша кунлари Нодираға жуда боғланиб қолганим, менсиз унга қийин бўлишини юрагимда чексиз бир оғрик билан ҳис этдим. Ҳаётининг турли давларидаги қалбан яқин бўлиб қолган ҳар икки инсон – Саодат опа ва Юсуф ўзлари истамаган холда уни тарқ этгандилар ва худди аксига олгандек, энди иккимиз ҳам худди бир пайтлардагидек ёлғиз бўлиб қолгандик. Ўқишининг қолган даври кетма-кет бошимизга ёғилган ташвишларни деб бехафсала, ўлда-жўлда ўтди. Битирув имтиҳонларини топширганимизда иккимизнинг-да баҳоларимиз “ўртача” талабаларнидан ҳеч фарқ қилмасди.

Мен бу ерга келишдан сал олдин Камоланинг уй ичи билан хайрлашдим, Барнони сўнгги марта бориб кўрган Нодира у ердан баттар бағри кон бўлиб қайтди: аллақандай ароқхўрга эрга тегибди, ҳомиладор экан, аммо турмуши узоққа чўзишишига ишонмасмиш. Эри ҳар куни калтаклар, дуч келганга рашк килиб, ўзи эса Барнонинг кўз ўнгидаги турли хил енгилтак аёллар билан бемалол борди-келди қиласкан. Юсуфнинг отонаси берган ариза баҳона бўлдими ёки ростдан ҳам топиш қийин кечдими, то сўнгги пайтгача на Шавкат, на шериги кўлга тушгани ҳақида хабар эшилди.

Ўқиш давримизда (айникса, дастлабки йиллар) бизни шунча йил бағрида асраган, ўқитган, тарбиялаган гўшаларга тез-тез бориб турардик, собиқ тарбиячиларимиз, ўқитувчиларимиз, ҳам етимхона, ҳам мактаб директори бизни доимо қучоқ очиб кутиб оларди, Юсуф, Камола ҳақида хабардор эдилар ва баҳтили бўлишимизга ишонишарди. Аммо кейинчалик бўлиб ўтган ҳодисалардан сўнг юрагимизга ҳеч нарса сиғмай, худди Норбой ва Фозил биздан ўзларини олиб қочганларидек, биз ҳам таниш-билишлардан ўзимизни олиб қочадиган бўлиб қолдик.

Гарчи оёқ босмай кўйган бўлсак-да, эшилди – бир вақтлар бизни ишга олишни ваъда килган мактабимиз директори айни битирадиган йилимиз арафасида навбатдаги юрак хуружидан сўнг ўз аризасига кўра лавозимидан кетибди. Лекин бундан хафа бўлмадик – ҳар хил кўргуликларга шу кадар кўнишиб кет-

гандикки, энди бизга ҳеч нарсанинг кизиги қолмаганди, руслар айтганидек, яшамасдик – мавжуд эдик, холос.

Сўнгги имтиҳонларни топшираётганимиз арафасида уйига бориб келган Фозил менга хат келтирди, лекин у ҳам Нодира-га аталганди. Мендан ҳеч нарсани яширмайдиган Юсуф хатни Нодира очиб қарамаслигини билганидан, олдин уни мен ўқиб кўришимни сўрабди. Лекин мен бундай қилмадим: аваламбор у бошқа кишига, энг нозик жойи – киз болага аталганди. Кейин, Юсуфки, шунча гап-сўздан сўнг ҳам мактуб битибдими, нима ёзилгани шусиз ҳам маълум эди. Яна ким билади, адашаётгандирман. Айтгандек, хат ҳамон ёнимда – ташлаб юбориш ёки у ҳақда Нодираға гап очиш учун эса менда журъат етмаяпти.

Кирқ иккинчи боб

– Нима дейишга ҳам ҳайронман, – деди бутун ҳикоя давомида бир оғиз сўз айтмаган Давланов ҳаяжон ичидা. – Айтганингдек, чиндан ҳам сен ўша қиз билан оила куриб, синглингнинг тақдирни эса ўша Юсуф... деган билан қўшилганда сизларни кўрмасмидик, нафакат амманг, бошқа жигарларинг ҳам бир умр армон билан ўтишармиди. Лекин бу деганим... бошларингга тушган мана шу фожиалар яхшиликка бўлибида, деган маънени англатмайди! Асло!

Яшар билинар-билинмас жилмайди.

– Буни тушунмайди деб ўйлајпсизми... Кейин бунака воқеалар фактат биз билан рўй бермаган. Воқеаларнинг ривожи, якуни турли бўлиши хисобга олинмаса, етимхоналардаги аксарият тенгкурларимиз бошига тушган кулфатлар бир-бирига ўхшаш. Аммо нима бўлганда ҳам, топишганимиздан бошимиз осмонда. Энди бизни бу ердан... хайдаб ҳам кетказа олмайсизлар!

Кўзлари намланган Давланов ҳам жилмайди, сўнг сухбатларини бирор тинглаб туриши мумкиндек, атрофга аланглаб олди:

– Шундай дейсан-у, мен, масалан... ўша йигит Нодирани бугуноқ, шу соат, шу дақиқадаёқ олиб кетишига розиман! Бир умрга!

Давлановни энди нима кўпроқ кийнаётганини ҳали тўлиқ англай олмаётган, турмушнинг бу каби “майда-чуйда” ташвишлари кўчасидан ҳали ўтиб кўрмаган Яшарга унинг даб-

дурустдан айтган сўзлари қандайдир эриш туюлмоқда эди: кизик... наҳотки “иззатимиз” битган бўлса! Наҳотки бир-биримизга “тўйиб” бўлдик!

— Яъни?!

— Ҳа-да! Нима қилади бизнинг ёнимизда? Хатни унга кўрсатмайсанми?

— Нима ёзилганини билмаслигимни айтдим-ку, — деди Яшар ҳамон ўзига кела олмай. — Балки чиройли килиб кечи-рим сўрагандир, афсус билан видолашгандир. Хатда шундай сўзлар битилганда ҳам Юсуфдан хафа бўлиш ноўрин — нима бўлганини хозиргина эшигдингиз. Унинг якинларини ҳам ту-шуниш керак ахир: шундай йигит жувонмарг кетиши мумкин эди!

Шу пайт дарвоза такиллаб қолмаганда Давлановдан яна қандай — Яшарнинг назарида — кутилмаган фикрлар чикиши номаълум эди, ҳаётга бу тарзда “оқилона” ёндашуви учун эса унинг ўзини ҳали олдинда жуда-жуда кўп қовун пишиғи кутиб турарди.

— Чикиб қара-чи, ким келди экан.

Бугун дам олиш куни бўлганига қарамай, худди ишга бо-раётгандек эгнида мoshранг кител, бошига шу рангдаги кепка кийган Раҳимовни Яшар дарвозага етмаёк кўрди. Унинг ранги оқариб кетганди. “Нима бўлди яна? — ҳаяжон босди Яшарни. — Ёки Давлановнинг сўзига кириб, мен ҳақимда хотини, кизига гап очган-у, яхшигина дакки еганми?”

— Эшмамат уйдами? — деди Раҳимов уни ёнлаб ўтаркан. — Бўлинг, кийининг, мактабга борамиз, бошка ўқитувчиларни ҳам чакирамиз. — У кейинги сўзларини айтиш учун тўхтади. — Уруш бошланибди!

* * *

Ҳа, кўплар юрак ховучлаб, ишониб-ишонмай кутган уруш ўша куни бошланган, қачон тугаши эса номаълум эди. Қишлоқ шўроси ҳовлисига ўрнатилган радиокарнайдан маълум пайт-лардагина берилувчи хабарларга кўра, ҳар қарич ер учун қакшатқич жанглар кетмоқда.

Бутун мамлакат бўйлаб, шу жумладан, фронтдан минглаб чакирим наридаги Лангарда ҳам ҳаёт кундан-кун оғирлашиб борар ва ишга ярокли одамларнинг барчаси учун эрта тонгдан коронғу тушгунча мажбурий меҳнат жорий этилганди. Қишлоқ шўроси раиси бошчилигига озик-овкат қўмитаси тузилиб,

“Ҳамма нарса фронт учун!” шиори остида ҳаёт учун энг зарур маҳсулотлар арава-арава килиб аввал Қамаши, сўнг эса ундан нарига ташиб кетилмоқда эди. Катта-ю кичикнинг юзига ташвиш, қўркинч соя солиб, сокин ҳаёт аллақачон издан чиқсан, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмасди.

Мэлсдан келган ҳозирча биргина мактубда у урушнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаво жангларида катнашаётгани, ҳатто бир марта енгил ярадор бўлгани, фронт хатарли тарзда якинлашиб қолгани боис икки ёшга тўлган қизалоғини Лангарга – бобоси ва бувисига юбораётганини маълум қилгандики, ҳали бирон марта қўрмаган невараларини маҳсус эвакуация эшелонидан қабул қилиб олиш учун Махсум ва Марям шу куннинг ўзидаёқ Қаршига жўнаб кетишиди.

Кўп ўтмай фронтдан иккинчи ҳат келди, лекин буниси Мэлснинг қўли билан ёзилмаган бўлиб, унда қисқагина, аммо даҳшатли сўзлар бор эдики, гарчи бу йигит туғилиб ўсан қишлоғини аллақачон тарк айлаб, пойтахти азимни ўзига мақон тутган бўлса-да, Лангарнинг буюк урушда катнашган биринчи вакили сифатида тарих зарваракларида коладиган, уруш курбонларининг рўйхати эса унинг номи билан очиладиган бўлди.

Шу воқеадан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас, қишлоқдаги кўпчилик ёш-яланглар катори Яшарга ҳам чакирув қофози келди.

– Сен хавотир олма, ҳўпми? – деди у кўкимтири қофозга ёш тўла кўзларини тикиб турган Нодираға. – Уруш кўп давом этмас... ким билади, балки... бир-икки ойда тугаб колар.

Нодира намли киприкларини пирпиратди:

– Хавотир олма, эмиш. Байрамга кетаётгандек гапиришингни! Қанча давом этишининг нима фарки бор – урушнинг бир куни ҳам уруш. – У Яшарни ўнғайсизгина бағрига босди. – Имконини топсант, фронтдан ҳар куни ҳат ёз, йўлда кетар экансан – ҳар станциядан!

– Сен эса ўзингни, аммамни эҳтиёт қил. Миш-мишларга караганда, ўрта ёшдагиларни ҳам якин орада чакириб колсалар керак. Нима демоқчи бўлаётганимни тушунаяссанми? Яхши. Демак, тез кунда рўзғорнинг бутун ташвиши бўйнингга тушиб қолиши мумкин.

– Қара, ҳаммаси кай даражада ўзгариб кетди, – уф тортиди Нодира. – Келган кунимиз бечора аммамнинг энг биринчи мақсади бизни ҳеч қаёқка қўйиб юбормаслик эди (“Поччамиз

эса сени бугунок уйидан кувиб солишига рози!” – жилмайганча ўйлади кун сайн лангарлик бўлиб бораётган Яшар). Эшитиб, баттар бўлмайдими? Нега куляяпсан?

Яшар лаб-лунжини йиғиштириди.

– Ўз ихтиёrim билан кетмаяпман-ку, элга келган тўй, кўниkmай қаёққа борарди. Яна ҳаммаси худди атайиндек: тўсатдан келиб, тўсатдан урушга кетадиган бўлиб турибман. Мен хатто кишлоғимизни тузук-куруқ айлана олмадим. – У Нодирага маъюс тикилди. – Ҳақсан... урушнинг ҳар куни тугул, ҳар соат, ҳар дақиқаси уруш. Ҳамма нарса рўй бериши мумкин. Мана, Махсум амакининг ўғлидан... бир ой ўтмай...

Нодира ўзини ортга олди:

– Бундай нарсаларни бошқа гапирма, илтимос! Агар сенга бирон нима бўлса ва кайтиб келмасанг... бу ерда яашимдан маъно қолмайди!

– Бу нима деганинг?! – жаҳли чиқди Яшарнинг. – Келиб чиккан вазиятга кўра, шу ўтган қиска давр ичиди биз нафақат кимлигимизни билдик, балки, энди нима қилишимиз кераклигини ҳам ҳис эта бошламадикми? Ёки эркин күшдек юрган пайтларимиз ўтгани, энди иккаламиизда ҳам бошқа бурч, бошқа масъулиятлар пайдо бўлганини англамаяпсанми?

– Мен ҳали ҳам... бу ерда меҳмондекман, кўника олмаяпман, – нигоҳини ерга тикди Нодира. – Ёки... туш кўраётгандекман. Назаримда бир пайт келиб уйғонаман-у, яна эски ҳаётимга қайтаман. – У зўрма-зўраки жилмайди. – Иккимиз доимо бирга эдик, уруш бошланмаганида... балки яна бирга бўлардик. Биласанми, Яшар... бу нарса ҳозиргина хаёлимга келди... айт-чи... хотин-қизларни урушга олишармикин?

– Олишса керак. Ҳамширалар, алоқачиларни... Нега сўраяпсан?

– Ҳамширалар, алоқачилар, – хаёл ичиди қайтарди Нодира. – Афсус, бу ишларнинг биронтаси қўлимдан келмас экан, акс ҳолда ҳеч иккиланмай... сен билан кетган бўлардим!

– Жинни бўлма! Уруш аёлларнинг иши эмас!

– Ҳозиргина... қайсиdir касбдаги аёлларни олишларини айтгандинг.

– Аклингни йиф! Бу ерда ҳам килинадиган ишлар кўп! Ҳадемай, янги ўкув йили бошланади. Яна ким билади, балки барча эркаклар фронтга кетиб, мактабда сен ва Марям опадан бошқа ҳеч ким қолмас! Кейин... нахотки аммамизни шу ахволда колдириб кетаверишга кўзинг қўйса? Мана шу ҳолга тушиб қолгани учун иккимиз айбдор эмасми?

Нодиранинг кўзи қайтадан нам бўлди.

– Мени шунчалик бағритош деб ўйлайсанми? Қаҳрамонлик кўрсатиш, орден-медал олиш учун урушга кетмокчи бўляяпти, деб ўйлаётгандирсан балки? Қаердан биласан... умуман ўша ёқдан... қайтиб келмоқчи эмасдирман! Балки, шу кунгача менга айнан шундай бир туртки, ёки... баҳона етмай тургандир? Бурч, масъулият дейсан, лекин ҳар бир тирик жон ҳаёти қандай ке-чишини ўзи белгиламайдими? Жони унинг ўзигагина тегишли эмасми? Уни шу арзимас ҳуқуқдан ҳам маҳрум килишадими? – Нодира ёнокларидан окиб тушаётган ёшни артди. – Мен ҳали... сенга бирон нарса бўлса, ҳаётимда маъно қолмайди, деб бекорга айтмадим. Тўғри, яқинларимизни топдик, аммо атрофифа ўнлаб, ҳатто юзлаб узок-яқинлари, ака-ука, опа-сингиллари бўла туриб, ўзини ёлғиз хис килувчилар йўқми? Ёдингдадир Саодат опанинг бекаси? Кампир?

– Нималар деяпсан?! – эшигтганларидан ларзага тушди Яшар. – Майли, шунчаликка борган экансан, мен ҳам энди пардалаб ўтирмайман! Билиб кўй: менга ростдан ҳам бирон нима бўлса, шулардан бошқа ҳеч киминг қолмайди! – Ранги окаридан кетган Нодира ўзини яна ортга олмокчи бўлганда, Яшар бунга йўл кўймади. – Камоланинг вафотидан сўнг ҳаётимда сендан бошқа ҳеч ким қолмаганидек! Мақтанаяпти, ёки миннат қилаяпти, деб ўйламагин-у, унинг ўлимидан сўнг факат сенинг ташвишинг билан яшадим, факат шу билан ўзимни овутдим ва шу нарса мени... тубанлашиб кетишдан саклаб колди. Илтимос, шу сўзларимга кўпроқ эътибор бер – агар одам ўзини кимгadir керак, деб хисоблай бошласа, бу нарса унга гўё қайтадан қанот бағишлияди, ҳаётига маъно киради! Мен ўшанда – гарчи тинмай кулоғимизга куйиб келишган бўлсалар-да! – туғишган синглим эканлигинги ҳозирдагидек аник билмасдим, аммо, бу нарсани шунчаки хис қилиш ҳам киши учун етарли экан. Кейин, айтадилар-ку, меҳр кўзда, деб. Демак, ҳозирча бу одамлар сенга бегона туюлаяпти. Ишончим комил – бу қишлоқ, унинг аҳолиси тез орада ҳаёtingнинг бир қисмига айланади. Илтимос, сабр кил ва менинг кетишимдан улкан фожия ясама. Ҳали ҳаммаси олдинда!

– Нима олдинда? – кўзларида ёш ғўлтиллади Нодиранинг, – ҳар дақиқада ёмон хабар кутиб яшашми?

– Нодира, ҳозиргина айтдим, мен энди ҳаёtingдаги биргина одам эмасман, деб! – кизишиди Яшар. – Атрофингга кара! Колаверса... колаверса, – у бир пас жим колди, сўнг Нодирани

ҳайратда қолдириб (хозир айтмаса қачон айтади, қачон улгуради!), ғалати илжайди, – сенга хат бор!

Уруш бошлангандан бүён хатни кўрсатишни мўлжаллаётган Яшар Нодиранинг бунга муносабати қандай бўлишини билмай иккиланар, агар ўзига чакирув коғози келмай Нодира-нинг ёнида коладиган бўлса, кўрсатмаслигим ҳам (унда нима ёзилгани барибир номаълум!) мумкин, деган ўйда эди. Лекин энди ўзга йўл қолмаганга ўхшайди...

Нодира ҳайрат ва ёш тўла кўзларини унга тикди:

– Хат?! Кимдан?

– Хозир олиб чиқаман, факат... битта шарт билан.

– ?!

– Уни ўқишига ваъда берасан!

Хат кимданлигини анча пайт жим колгандан сўнг тушунган Нодира қачон келгани, унинг қўлига қандай тушиб қолганини ҳам сўраб ўтирмади.

– Юсуф ака яхши инсон, лекин ўзинг билган сабабларга кўра бунинг энди иложи йўқ, – деди у нихоят. – Қачон бўлмасин уни унутаман. Жуда яхши бўларди, агарда у ҳам...

– Балки...

– Илтимос, жим бўл! Туйғуларимни ҳеч бўлмаганда сен хурмат кил! Биргина хатни деб эшигтан барча ҳакоратларимни ичга ютиб кетаверсам, нима одам бўлдим!

– Юсуф сени ҳакорат қилмади. Қолаверса, ҳалигина менга берган танбеҳга таянадиган бўлсак, ҳаётларинг факат ўзларингга тегишли эмасми? Бирорларнинг аралашуви, кимларнингдир гап-сўзларисиз кечирсаларингиз бўлмайдими бу ҳаётни?

Иккиланиб қолган Нодира нимадир демокчи бўлган ҳам эдики, дарвоза ортидан кимнингдир товуши эшитилди.

– Эшмамат! Яшар! Ҳой, ким бор!

Ҳожар ҳамон ичкарида ётар, Давланов эса Санамнинг эртага урушга жўнаётган тўнғич ўғли билан хайр-хўш килгани ўша ёкка кетганди.

– Бу ўша, сенга айтган одамим, – деди товуш сохибини таниган Яшар. – Ота-онамизни энг сўнгги дам кўрганлардан бири. Чиқиб саломлашмайсанми?

– Яхиси уйга таклиф қила кол. Мен... чой қўйиб тураман.

Шифтларини қоп-кора курум босган ошхонага кириб кетган Нодира чойгум тагига ўт қўйгач, аввал дарвоза

ташқарисидан, сўнг эса ҳовлиги олиб кирувчи йўлак тарафдан келаётган баланд товушларни эшитиб беихтиёр мўралади ва жойида қотиб қолди: милиция формасидаги Хўжамурод фурражкасидаги чангни қокканича олдинда келар, унинг ортидан эса...

– Ана, дўстингни олиб келдим! – Супадан жой олганларидан сўнг Яшарга юзланди Хўжамурод. – Агар мингаштириб олмаганимда, пиёда келишга ҳам тайёр экан. Шундай пайтда сени излаб йўлга чикибдими, бунаканги дўстликка факат ҳавас қилса бўлади. Бухородек жойдан... йўқ, унинг аллақандай чекка бир туманидан келаётганини эшитиб, аввалига ишонгим келмай турди. Қойил!

Яшар худди осмондан тушгандек пайдо бўлиб қолган Юсуфдан кўз олмай турар, наҳотки бу туш эмас, хушимда, дея ўйларди.

Хўжамуроднинг кулганча айтган кейинги сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, Қамашида ишларини битириб, энди йўлга чикиб экан, нотаниш, пўримгина кийинган бир йигит (шу ерда Хўжамурод Юсуф томонга имлаб қўйди) унга салом бериди ва Лангарга бораётганини айтиб, олис ёки якинлиги билан қизиқибди.

Хўжамуроддек одам нега бораётгани, у ерда нима қилмокчилигини қандай килиб сўрамасин! “Аҳа, демак, ўша йигитни излаб келяяпсизми? Ҳа, таниман, якиндагина келди, синглиси ҳам бирга. Аҳа, бирга ўқиганмисизлар! Қани, меҳмон, отга мингашинг! Бирдан шуни айтмайсизми, гапни майдалаб ўтирамай! Жойлашиб олдингизми? Алномишдек экансиз, лекин тагимдаги отим ҳам куч борасида Бойчибордан қолишмайди. Энди менга бир бошидан, шошилмай гапириб беринг: ўзингиз ким, сизлар томонда ҳаёт қандай кечмоқда... Истаган нарсангизни гапираверинг – йўл анча олис, шундай қилмасак вакт ўтмайди. Ҳа, айтгандек, мен ҳам излаб келаётган одамларингиз ҳакида баъзи бир қизиқ нарсаларни айтиб бераман. Ишонаманки, сиз бу ҳақда ҳали ҳеч нарса билмайсиз!”

Хуллас, кела-келгунча ўрталарида бўлиб ўтган анча-бунча сұхбатдан сўнг Хўжамурод жуда кўп нарсалар қатори Камола (у Яшарга ачиниб караб қўйди), Саодат ҳакида ҳам эшитиби, лекин Юсуф ўзи ва Нодира ҳакида ҳеч нима демаган кўринади.

У бир пайт кители чўнтағига кўл юбориб, ўша соатни чикарди.

— Давланов божасиникида, деганмидинг? — сўради у бу хақда кўчадаёқ сўраб билганидан. — Ўтириб колдими дейман. Кеч бўлмай сафарбарликка оид баъзи хужжатларни кишлок шўросига бериб кўйишим керак. Бўпти, дўстингни олиб уйга ўт. Кетишинг олдидан эса, албатта, хайрлашгани кираман. Ҳа, айтганча, синглинг қаерда? Келганларингдан буён бир сўрашиб кўяй дейман, лекин ҳеч мавриди бўлмаяпти.

— Ичкарида... аммамнинг ёнида бўлса керак, — деди Яшар Юсуфнинг ўзига ўқдек қадалиб турган нигоҳини ҳис этиб.

* * *

— Аллақачон соғайиб кетганман! — дерди у ўзини қаёққа кўйиши билмай, тескари ўгирилиб олган Нодира. — Демак, ҳаётимизда ўша фожиа рўй бермади, деб бемалол ҳи-соблашингиз мумкин. Эшитаяпсизми? — У нафас ростлади. — Биласиз, бўлиб ўтган воқеадан кейин ахволим оғир бўлгани учун... сизни ҳимоя қилишга ожиз эдим ва... бундан фойдаланиб қолишид! Кейинроқ... яшириб нима қилдим... мендан бутунлай юз ўгиргансиз, деган ўйга ҳам бордим. Лекин сизни ҳеч бўлмаганда бир марта кўриш, сухбатлашиш керак эди. Ҳозиргина эшитдим — мактубимнинг иккинчиси ҳамон Яшарда экан. Нега ундей қилдингиз? — Жавоб бўлмаслигини сезган Юсуф сукутдан сўнг давом этди. — Тўғри, сизни ҳақоратлашди, айбсиз айбдор бўлиб колдингиз. Биласизми, ҳар қанча бало ёғилиб, ҳар қанча тўсик бўлмасин, ажратиб ташлаш учун не-не уринишлар бўлмасин, ҳеч ким севганидан кечмайди... деб ўйлаб юрардим шу пайтгacha. Лекин адашганга ўхшайман. Сиз биргина фожиа туфайли... ким билади, балки, бу аслида синов бўлгандир... мендан воз кечдингиз! Энди факат бир нимани билишни истайман... мени ўзи... ростдан ҳам севганмидингиз? — У кизга яқинроқ келди. — Илтимос, нималар бўлгани, нималарни ўйлаганингиз, бошингиздан нелар ўтганини гапириб ўтирунг! Буларнинг барини сиздан ҳам яхши биламан — менга етказиб туришди. Ҳатто тафсилотлари билан! Бугун Яшардан ҳам кўп нарсаларни билдим. Нодира! Кулоғим сизда!

Ўзини бунчалар бурчакка кисиб кўйишлини кутмаган Нодира шошиб қолганди: Хўжамурод кетганидан сўнг ҳам ошхонада қамалиб ўтирган пайтида келган Яшар қизариб-бўзарганча “кутилмаган меҳмон” ёнига чиқишини сўраганида ҳам худди шундай ахволга тушганди. Яшарнинг хижолатланиб, аммо хурсандчилигини яшира олмай айтишича, уларнинг кай

томонга кетганини аниқлагунга қадар Юсуф аввал Самарканد, сўнг Қаршида бир неча кун овора бўлибди, ҳатто бир марта адашиб Чирокчининг шу номдаги кишлогоига бориб колибди. Лекин у бутунлай бошқа – қип-қизил дашт ўртасидаги Лангар экан. Ҳўжамурод билан келаётганда эса бу ерда бўлиб ўтган воқеаларни эшитгач, бунчалик ғалати тасодифдан хаяжонга тушиб – Юсуфнинг бу одати унинг учун янгилик эмас! – улар ҳакида кўп нарса, ҳатто соат воқеасини сўзлаб берибди.

Кискаси, йўлга чиқкан пайти бу ерда рўй берган ходисалардан мутлақо бехабар бўлган Юсуф уни... олиб кетмокчи. Айтишича, уни пичоқлаган шахс ва Шавкат (даъволари йўклигини билдиришларига қарамай, ота-онаси ва Юсуфни барибир маҳкама жараёнига чакирибдилар) берган кўрсатмалар билан танишган ота-онаси Нодиранинг айби йўклигига тўла ишонч ҳосил қилибдилар. Шунгача ҳам бу ҳақда уларнинг қулоига тинмай қуийб келган Юсуф учун шунинг ўзи етарли экан.

Аввалига Яшар ва Нодиранинг қаёққа кетганлиги ҳакидаги маълумотларни шошилмай (бу ҳам унинг ўзига хос “фазилат”ларидан бири) тўплаб юрганида, бехосдан бошланган уруш бу жараённи тезлатибди, холос. Улар, кутилганидек, яна каршилик кўрсатиб, уруш ва у туфайли пайдо бўлувчи қийинчиликларни важ қилганча, бундай тўс-тўполон пайтида Нодирани топа олмаслиги, бекорга сарсон бўлиши, уйда йўклиги пайти чақирув коғози келиб қолса (айтиб бўладими!), қочоқ сифатида жавобгарликка тортилиши ҳакида огоҳлантиришибди. “Ундан қўра шу санокли кунларни бағримизда ўтказсанг бўлмайдими! – дебди онаси юм-юм йиглаб. – Ӯша қиз ростдан ҳам юрагингдан чиқмаётган бўлса, уруш тугагандан сўнг майли...”

Нодира кафтлари билан юзини беркитди:

– Мени қийнаманг, Юсуф ака.

Лекин бу шафқат тиловчи сўзлар ва ожизона харакат ҳам уни куткара олмади.

– Нодира! – деди Юсуф унинг қўлларини тушириб. – Агар вакт, имкон бўлганида ўйлаб олишингиз мумкин эди, лекин ҳозир бунинг иложи йўқ. Агар севсангиз, буни айтишдан тортинманг! Севмасангиз, буни ҳам яшириб ўтириш шарт эмас! Эшитаман-у, кетаман. Ёдингизда бўлса, севмаганга суйкалувчилардан эмаслигимни бир пайтлар айтгандим.

Нодира бошини кўтариб, кейинги сўзларни эшитмаган,

ёки уларга парво килмагандек, кўзларини катта-катта очганча сўради:

– Кетасиз?! Нега?!

Ушбу саволлар, аслида, берилган саволга ижобий жавоб эди – ўзида йўқ хурсанд Юсуф худди бирор кўриб қоладигандек, аввал ортига бир қараб олди-да, кизнинг бармоқларига лабини босди.

– Нега кетаман? – кулди у. – Нега бўларди! Уруш тугагач, сизни бир умрга бу ердан олиб кетиш учун-да! Аммангиз ҳам унгача тузалиб қолар! – У нафас ростлади. – Бўпти, энди уйга кетмасам бўлмайди... хавотир олиб ўтиришмасин. Мен сизга албатта хат ёзаман!

Нодира унинг қўлини кўйиб юбормади.

– Юсуф ака, илтимос, шошманг... аммам билан кўришиб кетинг! Зора сизни кўриб, бутунлай ўзига келиб қолса. – У йигитга ёш тўла қўзларини тикди. – Хабарингиз йўқ... у киши бизни деб... яъни, баъзи бир гапларни... нотўғри эшитиб... шу ахволга тушиб қолди... сиз билмайсиз.

Юсуф яна юзини беркитиб олган қизнинг қўлини пастга туширди.

– Наҳотки сиз ҳам ҳалигача билмайсиз? Мен ва Яшарнинг ўртасида ҳеч қанақа сир бўлмаган ва умид қиласанки, бундан кейин ҳам бўлмайди!

* * *

Юсуф Ҳожарга кўриниш бергач ҳам уйига кета олмади.

У тошўчоклар ёнида Нодира билан учрашиб тураркан, Са намникида узок ўтира олмай тезгина қайтган Давланов ким келганини эшитгач, бунга асло йўл қўя олмаслигини билдириди.

– Ўйлаганимдек бўлибди, – деди у Яшарнинг елкасидан ўнғайсизгина кучиб. – Биласанми, ҳикоянгни эшитгандан буён у сени ва... уни качон бўлмасин йўклаб келади, деган ишонч бор эди. – Умид қиласанки... Нодира ортиқча ҳеч гап қиласиди. Бундай йигитни қадрламаслик, – Давланов фикрини қандай ифодалашни ўйлаб турди, – билмадим, мен буни тушуна олмаган бўлардим! Хуллас, гап шундай: нима бўлгандаям, қанчалик шошаётган бўлмасин, бугун қолади! Эртага иккингизни азиз-авлиёлар қўйилган жойларга олиб бораман. Сафарбарликка жалб қилингандарнинг ҳаммаси кетиш олдидан у ерни тавоғ этишаяпти. – Давланов билинар-билинмас жилмай-

ди. – Илгарилари зиёрат тугул, ҳатто яқинига йўлатмасдилар, лекин ҳозир ҳаммаси бошқача: на хурофот, на диннинг халк учун “оғу” эканлиги ҳакидаги маърузалар! Нима ҳам дердик, дўппи тор келиб колганда ҳар қандай тузум ўзига душман билган нарсалардан ҳам мадад излаб қоларкан!

* * *

Ҳали қай тарафнинг галабаси билан тугаши ҳам номаълум уруш олдида одамлар даҳшатга тушиб колгандилар, тазиклар ва турли хил жазо чораларига қарамай, деярли барча жойларда бўлгани каби, Лангарда ҳам сафарбарлик масаласи ниҳоятда оғир кечмоқда эди.

Умрида кишлогидан нарига чиқмаган баъзи бир йигитлар муқаррар ўлимга боришдан қўркибми, чакирув коғози келгандан сўнг бир кечанинг ўзида аллақаёқларга ғойиб бўлиш одатини чикириши. Ички ишлар ходимларидан тузилган фавқулодда гурух уйма-уй изғиб, ўтихоналару молхоналар нари турсин, ҳатто ҳожатхона ўраларини текширас, аммо кочокларни хеч қаердан топиб бўлмасди. Шундан сўнг уларнинг яқинларини сиқувга олиш, хибсга олиш билан қўрқитиши, атайин қочиргансанлар, деб дағдаға килиш бошланди, лекин бундан ҳам ҳеч бир натижа чиқмади.

Уруш бошлангандан бери ўнга яқин шу каби воеа кузатилган, кочокларни ахтариш эса тинмай давом этарди. Шундай кунларнинг бирида...

Озиб-тўзган, соч-соколлари ўсиб, эгни-боши тупрокка беланган, орқага қайрилган қўллари чилвир билан боғланган қочокларни бир тўп милиция ходимлари қишлоқ шўроси идораси томон ҳайдаб кетаётганда бутун Лангар аҳолиси томоша қилгани чиқди. Уларни бирданига таниб олиш кийин эди, аммо, энг яқинлар учун бу муаммо бўлмади – оломон, айникса, алоҳида тўпланиб турган хотин-халаж орасида кимдир дод солиб юборган бўлса, бошкаси чинқирганча бандилар томон интилди.

– Ушлашибдими? Қаердан?! Э, ана униси менинг...вой шўрим! – каби садолар янгардиди йиғилганлар орасидан. – Энди нима қилишади уларни? Нима-а-а?! Отиб ташлашади??

Одамларни айни пайтда бошқа бир нарса ҳам жуда кизиктираётганди: қаердан ушлашибди?

– Кабристондан, – овоз берди кимдир. – Очик мозорларда беркиниб ётишган экан. Илону чёнлардан қўркмаганларини каранг!

Ха, уларни худди ўша ердан ушлагандилар. Қабристонни, айниқса, эски қабрларни текшириш шу пайтгача ҳеч кимнинг эсига келмаганди – бунчаликка боришларини ким ўйлади! Кейинрок маълум бўлишича, қочоклар кундузи беркиниб ётиб, тунда ими-жимида чикишаркан. Бу орада сув ва егулик илинжиде уйларига келиб-кетганлар ҳам бўлибди, аммо қаерда яшириниб юрганини ҳатто энг яқинларига ҳам айтишмабди. Уларни ким ва қачон пайқаб, ички ишлар ходимларига хабар бергани эса сирлигича қолди.

Икки соатдан сўнг уларни худди ўшандек – қўллари боғланган ҳолда қуролли сокчилар қуршовида – кишлок шўроси идорасидан олиб чикиб, энди нима бўлишини кутиб турган аҳолига юзлаштирилар.

Энг аввало, Лангар ҳалқининг юзини ерга қаратгани учун барчаларига лаънат ўқилди. Аслида-ку, ватан хоини сифатида ҳаммасини шу ернинг ўзида отиб ташласа бўларкан, лекин уруш ҳолати конунларига кўра, ҳарбий трибунал уларни суд килиб, ҳукм чиқариши керак. Ҳукм кандай бўлиши эса энг эси паст одамга ҳам маълум...

Хотин-халаж орасида яна фарёд кўтарилди, кимdir ҳозирданок фарзанди, жигарига аза очиб юборди: “Вой болам! Вой жигарим!”

Барчанинг нигоҳи ўзида бўлган ёшгина нотик “жим” ишорасини килиб, қўлинини баланд кўтарганди, бу нарса одатдаги дек бирдан таъсир кўрсатиб, сув қўйгандек жимлик чўқди.

– Аммо уларнинг битта имконияти бор, – тантилик билан давом этди у, – ватан олдидаги кечирилмас гуноҳларини қон билан ювишлари мумкин! Душман қони билан! Агар керак бўлса, ўзлариники билан ҳам, албатта! Бунинг учун ҳарбий трибунал, ҳалқ олдида тавба-тазарру қилишлари, ватан, ўрток Сталин, бу ерда қолаётган яқинларини ҳимоя қилиш учун урушга ўз хоҳишлари билан кетаётгани ҳақида ариза ёзишлари керак!

Оломон орасида бошланган жонланиш шодон ҳайкирикларга айланди. Одамлар ўзларига яқин бандиларнинг номини энди кўркмасдан айтиб, турган жойларидан “Фалонча ўғлим, ёз! Писмадонча укам, нима дейишса, шуни қил!” – дея хитоб қилишар, бошқа томошибинлар эса нотикни тинмай алқашарди.

Салдан сўнг ҳаммаларини Қаршига олиб кетишли. Пиёда. Оз эмас, кўп эмас – юз чакирим! Йўлда йикилиб колмасин

деган ўй билан баъзилар ўзларига якин бандиларга озиқ-овқат бермоқчи бўлганди, рухсат этилмади: бундайин иснотиларга бир култум сув ҳам хайф! Агар жуда ошиб-тошиб кетган бўлсаларинг, ана, озиқ-овқат комиссиясига топширинглар!

Шунга қарамай, урушдан бош товловчилар ҳамон топилиб туар, қочоқларни ахтариш қабристонни тинтиб чиқишдан бошланиши энди анъана тусига кирган, милиция ходимлари бунга ҳам қаноат килмай, масжид ва хонақоҳ ичини ҳам қаттиқ назорат остига олгандилар.

Кечкурун чой устида ўтирган Давланов, Яшар ва Юсуфнинг даврасида ҳам сухбат айни шу мавзуга кўчди.

– Менга колса, – деди Давланов бир оз ўйланиб тургач, – она сути ҳали оғзидан кетмаган йигитчалар ўрнига ҳаётий тажрибаси бор, ок-корани таниган, куч-кувватга тўла эркакларни урушга олган бўлардим. Ўзларинг ўйланглар – ўн саккиз ёш нима дегани? Кечагина мактабни битирган ўспириналарку! Ҳеч бўлмаганда, ўзимизнинг қишлоқ йигитларини олайлик. Аксарияти ҳали Камашини ҳам кўрмаган. Ишончим комил – немис ёки фашист деганда уларнинг кўпчилиги бошида шохи бор, кўзидан олов сачратувчи маҳлукни тушунади Қандай қилиб бундайларни жанг майдонига солиш мумкин! Шунинг учун ҳам, шармандали бўлса-да, муқаррар ўлимдан қочоқликни афзал кўриб, дуч келган жойга бориб, беркинишмоқда. Қабристондан ушланган қочоқларга “қон билан гунохларингни ювасанлар” деди янги раисимиз. – Давланов бош чайқади. – Қўрамиз, ўзига чакирув қоғози келса, нима киларкин. Дўпписини осмонга отиб, кўшик айтиб, раксга тушиб фронтга кетишига ҳеч кўзим етмайди!

– Кечаги нотик раисларингизми? – деди кочоқлар билан бўлган ҳодисани тасодифан кўриб қолган Яшар. – Гапга жуда уста экан. Лекин бир нимага хайрон колдим, унинг ҳам фамилияси... Ҳайитов эканми?

Яшар Ҳайитовнинг тирик эканлигини билишини, Лангарда уй-жой қилиб қолиб кетгани ҳақида Хўжамуроднинг уйига борганида эшитганини айтиб ўтиրмади: бунинг энди аҳамияти йўқ.

– Ҳа. Ўша Ҳайитовнинг кичик ўғли бўлади. Мақсади аллақандай Лангар эмас, балки каттарок туман ёки вилоятда мансаб эгаллаш эди, шу илинжда турли олий мактабларда тинмай ўқиганди, уни энди бу ерларда кўрмасак керак, деб ўйлагандик. Ҳали ёш, тажрибасиз эканлигини ҳисобга олиш-

ган бўлса керак, яна бизга юборишибди. Лекин бу ерда кўп колиб кетишига ишонмайман – отнинг ўлгани итга байрам деганларидек, уруш баҳона ўзини кўрсатиб, кўзлаган амалларини ҳам эгалласа ажаб эмас.

Суҳбат билан бўлиб, кўз юммадилар ҳисоб. Юсуф кўп вакт йўқотмаслиги учун сахарда – тонгнинг илк нурлари билан йўлга тушдилар. Кўринмас қўллар томонидан қайси бир максадларни кўзлаб очиб қўйилган хонакоҳ ичиде Давлановнинг кўрсатмаси билан (мана бундай тур, мана бундай ўтири) зиёрат амалларини бажаргач, йигитлар кафт устида тургандек кўринаётган кишлокқа кўз ташладилар. Келган куни ёк хаёлини ўғирлаган обидалар билан ниҳоят бу даражада якин танишган Яшарнинг ҳаяжони кўксига сифмасди.

– Мана каерда туғилган эканман, – деди у жилмайиб. – Шу ерда ота-боболарим, момоларим болалик гаштини суришган, ували-жували бўлишган. Ҳу пастда кўринаётган эски-ю янги қабрларнинг кўпчилиги уларга тегишли. Ҳали уларни ҳам зиёрат қилгани тушамиз. – У атрофга сук билан боқди. – Ҳеч ўйламагандим шундай жойда туғилган бўлишим мумкинлигини. Домлаларимизнинг Лангар ҳакида бир оғиз гапиришмагани кизик. Эҳтимол... ўzlари ҳам билмас. Юртимизнинг овлок бир кишлоғида шундай муazzзам обидалар бор эканми, демак тарихимиз бизга ўргатишганидан анча бой.

Яшар теварак-атрофни худди ўзи каби мафтун бўлганча томоша килаётган Юсуфга ўғрилди.

– Ростдан ҳам кизиғ-а? Мабодо сўраб қолишса, минг, ҳатто миллион йиллар илгари ўтган воқеалар ҳакида булбулигўёдек сайраймиз, лекин ўзимизда куни кеча нима бўлганидан бехабармиз. Ҳатто шахсий ҳаётимизни камраб олган давр воқеаларидан ҳам! – У яна олис-олисларга термулди. – Ўтмишсиз келажак бўлмайди, дейишади. Наҳотки, мен ва Нодиранинг келажагига ўша ўтмишимиз пойdevor бўлса? Агар ота-онам ва бизнинг ўтмишимиз бошқачароқ бўлганда, хозир қай тарзда ҳаёт кечираётган бўлардик? Дейлик, уларнинг бағриларида униб-улғайганимизда? Таккослаб кўрилганда, қайси афзалроқ бўларди? – Яшар бир оз сукут саклади. – Тўғри килганманми-йўкми, аммам ўша аҳволга тушиб қолгач, “сизларни топдик, энди бизга ҳеч нарсанинг кераги йўқ” дегандим ҳаммаларига. Лекин ота ва онамизга нима бўлгани ҳамон коронғу бўлиб турар экан, қандай килиб....

Юсуф унга кўлини узатди:

– Уруп тугагач, биргалашыб ахтарамиз. Келишдикми?

Яшар ҳам құл өзди, сүңг, бунга ҳам қаноат килмай, уни қаттық бағрига босди.

Истак ўз йўлига, бирок шу тобда иккиси ҳам олдинда ўзларини нима кутиб турғани, дейлик, ҳеч бўлмаганды, навбатдаги бу жудолик қанчага өзилишини билмасдилар. Агар ҳар бири алоҳида-алоҳида олинса: Яшар эртага – фронтга кетиш олдидан сўнгги бор барча хеш-акрабо, қишлоқдошлари билан видолашиб турганда, Ҳайитовнинг уйидан кимнингдир вафотидан дарак берувчи йиғи товуши янграшини; Хўжамурод эса Яшарни оталарча бағрига босар чоғи, сездирмайгина камзули чўнтағига нимадир солиб қўйишини, у эса Каршига етиб боргачгина қандайдир соатни пайқаб, ҳар тарафдан айлантириб кўраётганда, қопкоқнинг ички кисмида качонлардир игна учи билан ўйилиб, энди аранг кўзга ташланувчи “Латипов” деган фамилия кимга тегишли эканини узоқ вақт эслай олмаслигини; йиғидан кўзлари кизариб кетган Нодира икки нафар оқ кабутар тасвири туширилган шоҳи дастрўмол узатаётуб, лабларида муғомбirona табассум билан: “Асраб юр – буни тиккан қиз ҳам сени худди мендек интизор бўлиб кутади!” дегандан, бирданига ёдига негадир Шарофат тушишини; ўзидан сўнг яrim йил ўтар-ўтмай аввал Давланов, сўнг Раҳимовнинг фронтга чақирилиб, улардан бири қайтмаслигини; уруш тугашига икки йил қолганида ўзи ҳатто бир кун ишлаб ултурмаган мактабда Нодира ва Марямдан бошқа биронта ўқитувчи қолмаслигини билмаса, Юсуфнинг биладиганлари бундан ҳам кам эди.

Мисол учун, факат уйига етиб боргачгина – онаси башорат қилганидек! – Яшар сингари ўзига ҳам чақириқ когози келганидан хабар топди. Наридан-бери ўтказилган ҳарбий машқлар тугаб, урушнинг энг оловли нуктасига ташланганида эса Нодирадан олинган – ҳозирча ягона – мактубдангина Яшар ҳам худди шу фронтда жанг қилаётганини билди.

Тошкент, 2001–2012 йиллар

МУНДАРИЖА

“Лангар фожиаси” романы ҳақида.	
Қаҳрамон Ражабов	3
Биринчи бўлим	5
Иккинчи бўлим	239

ҒУЛОМ КАРИМИЙ

ЛАНГАР ФОЖИАСИ

Роман

“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси

Бош таҳририяти
Тошкент – 2014

Мухаррир *A. Аҳмедов*
Бадиий мухаррир *У. Сулаймонов*
Техник мухаррир *P. Бобохонова*
Саҳифаловчи *M. Атҳамова*
Мусаххих *Ш. Хуррамова*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 05.11.2012. Босишга рухсат этилди 14.01.2014. Би-
чими 60x90^{1/16}. Офсет босма. Шартли босма табоби 27,50. Нашриёт-хисоб
табоби 27,81. Адади 1000. Буюртма № 3320. Баҳоси келишилган нархда.

“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.





Фулом Каримий 1962 йилда Бухоро вилоятининг
Олот туманида таваллуд топган. Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти катта илмий ходими. Ўндан
ошиқ бадиий, илмий ва таржима китоблар муаллифи.
Тарихий ва замонавий мавзулардаги хикоя, қиссалари
хамда “Наршах қалъаси” романи нашр этилган.
F.Каримийнинг баъзи асарлари рус, турк, тоҷик,
коракалпок ва уйғур тилларига ўгирилган.
У 2013 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
маданият ходими фахрий унвони билан тақдирланган.



ISBN 978-9943-00-945-5

A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-00-945-5. The barcode is black and white, with vertical bars of varying widths.

9 789943 009455